

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

А.Н.Муслимов , Ш.С.Шарипов ,В.Н.Саггоров , К.Давлатов

МЕХНАТ ТАЪЛИМИ
ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

Тошкент 2009

Мазкур ўқув қўлланмада талабаларининг умумий ўрта таълим мактаблари 5-9 синфларида «Меҳнат таълими»ни фанида металлга, ёғочга ва газламага ишлов бериш технологиялари, пазандачилик ва қишлоқ хўжалиги асослари йўналишлари бўйича ўқитиш учун педагогика, психология ва махсус фанлардан олган билимларини мужассамлаштириш билан танлаган ихтисосликлари бўйича таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш ва амалга ошириш йўллари баён қилинган.

Ўқув қўлланма асосан меҳнат таълими йўналиши бўйича тахсил олаётган талабаларга мўлжалланган бўлиб, шунингдек ундан профессор-ўқитувчилар ва илмий изланувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

В учебном пособии изложены разработанные на основе интеграции знаний по педагогике, психологии и спецкурсам содержание предмета «Трудовое обучение» по направлениям обработки дерева и металлов, технологии шитья, кулинарии, сельскому хозяйству для студентов педагогических вузов.

Учебное пособие предназначено для студентов обучающихся по специальности методики трудового, а также приведенные рекомендации могут быть полезны, для учителей общеобразовательных и средне-специальных учебных заведениях, психологов и соискателей.

In the manual psychologies and are stated developed on the basis of integration of knowledge on pedagogics, special courses the maintenance of a subject «Labour training» in directions of processing of a tree and metals, technology of sewing, cookery, an agriculture for students of pedagogical high schools.

The manual is intended for students trained on a speciality of a technique labour, and also the resulted recommendations can a life are useful, for teachers general educational and average special educational institutions, psychologists and competitors.

Такризчилар:

1. П.Т. Мағзумов – педагогика фанлари доктори, профессор
2. С.А. Болтабоев – педагогика фанлари номзоди, доцент

Н.А. Муслимов, Ш.С Шарипов, В.Н. Сатторов, К. Давлатов. Мехнат таълими ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. –Тошкент: ТДПУ, 2009.570 б.

Мазкур ўқув қўлланмада талабаларининг умумий ўрта таълим мактаблари 5-9 синфларида «Мехнат таълими»ни фанида металлга, ёғочга ва газламага ишлов бериш технологиялари, пазандачилик ва қишлоқ хўжалиги асослари йўналишлари бўйича ўқитиш учун педагогика, психология ва махсус фанлардан олган билимларини мужассамлаштириш билан танлаган ихтисосликлари бўйича таълим–тарбия жараёнини ташкил қилиш ва амалга ошириш йўллари баён қилинган.

Ўқув қўлланма мехнат таълими йўналиши бўйича тахсил олаётган талабаларга мўлжалланган бўлиб, шунингдек ундан профессор-ўқитувчилар ва илмий изланувчилар фойдаланишлари мумкин.

Ўқув қўлланма Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Илмий Кенгаши томонидан муҳокама қилинган ва ОЎМТВ мувофиқлаштирувчи кенгашига тавсия этилган.
Баённома № 1534 (28.02.2008 й.).
Томонидан чоп эттиришга

МЕХНАТ ТАЪЛИМИ МЕТОДИКАСИ ФАНИГА КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин дастлабки ислохотларни фан ва таълимни ривожлантиришига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да янги авлодни ўқитиш ва тарбиялаш, улар учун хос кадрлар тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, ДТСлар ишлаб чиқиш ҳамда таълим жараёнига янги педагогик технологияларни жорий қилиш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Хусусан, ўқувчиларни меҳнат таълими соҳасида амалий замини билан бир қаторда янги компьютер ахборот технологиясини ишлаб чиқди ва бу жараёни жорий этиш зарур тадбирлардан бири бўлиб қолди. Мазкур мақсадга эришишга қўшимча 2004 йил 20 февралда қабул этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2008 йилларда мактаб таълимини режалаштириш дастурини тайёрлаш тадбирлари тўғрисида» қабул этилган фармойиши ҳамда унда белгиланган режалар амалий ёрдам бермоқда.

Айниқса:

- меҳнат таълимини моддий техника базасини ривожлантириш;
- меҳнат таълимига хос ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллардан дарсларда унумли фойдаланиш;
- меҳнат таълими тизимида қўлланилаётган ўқув стандартлари ва ўқув дастурларни такомиллаштириш;
- меҳнат таълимини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш ҳамда уларни сифатини ошириш ва ҳоказо. Бу борада:

Компьютерлаштирилган ахборот технологиясини меҳнат таълимининг барча турли меҳнат босқичларида кенг қўламда қўлланиш имконияти пайдо бўлди. Ушбу дарсликда талабаларни барча ақлий, жисмоний ҳамда айниқса техникавий - технологик жиҳатларини ўзлаштиришга дастлабки жараёнларни (энг содда ва осон бўлса ҳам ахборот технология асосларида) ўрганилиши, илгор ахборот технологияларини яратиш ва жорий этиш орқали таълим тизимини жаҳон андозалари даражасига олиб чиқишга ҳаракат қилиш - асосий мақсадлардан биридир. Компьютерлаштирилган ахборот технологияси мактаб ўқув режасидаги барча фанларни айниқса ўқувчиларни меҳнат таълимидаги барча меҳнат ҳаракатларини

узлуксиз ҳолатларини ўзлаштириш илмийлик, тизимлилик ва кетма - кетлик назариянинг амалиёт билан чамбарчас боғликлиги, ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамкорлик меҳнатларини оддийдан мураккабга йўналтириш, кўрсатмалилик, билимларни мустақкам ўзлаштириш, оммавийлик ва фаолликни ошириш каби асосий дидактик тамойилларни ўз ичига олади ,бу биринчидан.

Иккинчидан, ўқув дарсликда, IV, V ва VI семестрларда 90 соатли маърузаларда, 20 соатлик амалий машгулотда, 15 соатли семинар, 44 соатлик лаборатория, 16 соатлик мустақил таълимда ва курс иши лойихасида бўлажак меҳнат таълим ўқитувчи фаолиятларида ҳам педагогик фаолиятлари хос психологик-педагогик, техник-технологик, касбий, илмий- педагогик, ахборот-технология ва бошқа тайёргарликлар юзасидан тегишли билим, малака, кўникма ҳосил қилишга имкониятлар мавжуд. Улар тўғрисида кенг чуқурроқ ҳолатида фикрлар юритишда маълум бўладики, талабалар меҳнат таълими методикасидан куйидагилардан хабардор бўладилар.

- «Меҳнат» - инсоннинг ақлий ва «жисмоний» ҳолатида бажарилган иш натижасидир.

- «Меҳнат» ижобий ҳолатида фойдали ва «унумли» мезони билан сифатини англатади.

- “Меҳнат” инсоннинг ҳаётидаги ҳар бир жараёнида маълум ижодий «иш» бажаришни, тайёрлаган, «маҳсулот», «буюм», яқунланган илмий изланиш, тарбияланган фарзанд, ўқувчи, талаба, шогирд билан белгиланади.

- Қайд этилган барча «ижобий» меҳнат негизида илм, фан, таълим, тарбия асослари ёндошган.

Шунинг учун келтирилган ҳар атамалар, тушунчалар, ибораларни ёш авлодга тушунтириш, ўқитиш, шакллантириш жараёнлари тарбиячидан, таълим берувчидан, мураббийдан, устоздан - маълум даражада педагогика, исихология, дарс технология, ўқитиш воситалардан фойдаланиш каби имкониятларни мукамал ўзлаштиришни тақозо этади. Бу борада энг мураккаби - дарс ўтиш методларидан унумли фойдаланишни ўрганиши, ҳар бир дарс мақсадига биноан методларни танлаш, уни ўтказиш технологияларни ишлаб чиқиш ва дарс мақсадига эришиш.

Бу борада таъкидлаш зарурки, ҳар бир бўлажак меҳнат таълими ўқитувчисининг фаолиятида фақат ўзига хос инновациялар мавжуд, улар ўз инновацияларидан фойдаланишга интиладилар.

Демак, шулардан келиб чиққан ҳолда, меҳнат таълими методикаси - бу ўқувчиларни «нимага ўқитиш»ни ўргатиш, нимани шакллантириш (ДТСга асосланган меҳнат таълими мазмуни);

Меҳнат қилишни «қандай ўқитиш», «ўргатиш», ўзлаштириш - мавжуд имкониятларни янги педагогик технологиялардан фойдаланиш, уларда умумий ва хусусий инновацияларни қўллаш, ноанъанавий усулларни ишлатиш ўқувчиларда дарсни ўзлаштириш тажрибасига таяниш ва ҳақозо.

Шуларга таянган ҳолда, меҳнат таълими методикасида талабалар умумий ўрта таълим мактаблари 5-9 синфлардаги «меҳнат таълими» (технология)ни ДТС асосида (металлга, ёғочга ва газламага ишлов бериш технологиялари, пазандачилик ва қишлоқ хўжалиги асослари) ўқитиш учун педагогика, психология ва махсус фанлардан олган билимларни мужассамлаштириш билан танланган ихтисосликлари бўйича таълим - тарбия жараёнини ташкил қилиш ва амалга ошириш йўллари орқали бўлажак меҳнат таълими ўқитувчи-мутахассисликка услубий билим, кўникма, малакалар билан қуроллантиришга оид аниқ масалалар билан танишадилар.

Меҳнат таълимини ўқитиш методикаси фани бўлажак ўқитувчиларга ўқитиш тамойиллари, меҳнат таълими йўналиши бўлса, дастурлар мазмуни билан таништиришда меҳнат таълими дарсларида ва синфдан ташқари ишларда ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш элементларини, ўқув методик адабиётларини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш, дасрларни режалаштириш, меъёрий ҳужжатларни юритиш, педагогик амалиётнинг мақсади, вазифалари ва мазмуни, курс ишларининг бажариш таркиби, ўқув - моддий техник база таҳлилларини ўргатишга қаратилган.

Шунингдек:

1.1. «Меҳнат таълими методикаси» курсининг асосий мақсади ва вазифаси. Дарсликда бўлажак ўқитувчиларнинг меҳнат таълимининг мазмуни, унинг тарихий тараққиёти меҳнат таълимининг дидактик тамойиллари, ташкилий шакллари, услублари режалаштирувчи ҳужжатлар, рейтинг баҳолаш мезонлари, меҳнат тайёргарлиги; ДТС асосида (металлга, ёғочга ва газламага ишлов бериш технологиялари, пазандачилик ва қишлоқ хўжалик асослари) умумий ва хусусий масалалар, уларнинг назарий асослари ҳамда мактаб ислоҳатида меҳнат ва касбий тайёргарликнинг туган ўрни ва бошқа муаммолар юзасидан билимлар билан

куроллантириш оркали мустакил республикамиз халқ таълим тизими учун ўқитувчи-кадрлар тайёрлашга хизмат қилади. Меҳнат таълими методикаси фани бўйича маъруза, амалий, лаборатория ва семинар машғулотлари ўтказилади. Ҳар бир турдаги машғулотлар ўз олдига қўйилган мақсади, мазмуни ва ташкилий шакллари, усуллари билан бир-бирини тўлдиради.

Барча машғулотлардан олган билимларни яхлит мужассамлаштирилган моделни амалда синаб кўриш педагогик амалиёт орқали амалга оширилади.

1.2. «Меҳнат таълими методикаси» фани бўйича сизларни билим ва кўникмаларингизга қўйиладиган талаблар ўз аксини топган. Шунда, бўлажак ўқитувчилар юқори малакали, билимли педагогика ва психология асосларини замонавий таълим методлари ва ахборот технологияларидан фойдаланиш малакаси, иш-ҳаракат усулларини ва услубий ўзлаштириши, ижодий ишлаш методикасини ўрганиш, ўқувчиларда иқтисодий, экологик, меҳнат тарбияси, меҳнат маданияти, амалиётида меҳнатни илмий асосларини ташкил эта олиш, педагог жамоани илгор усулларида бошқариш тушунчаларини шакллантира олиш, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган анъаналарни ва улардан тарбия жараёнида фойдалана олиш қобилиятига эга бўлишни шакллантириш.


1.3. «Меҳнат таълими методикаси» фанининг бошқа фанлар билан алоқасини боғлашда, меҳнат таълими методикаси фани машинасозлик технологияси, кесиш назарияси, материалларнинг қаршилиги, физика, математика. Радиоэлектротехника, чизмачилик, ўқув устахоналарида амалий ишлар, роботлаштириш ва автоматлаштириш, техника хавфсизлиги ва бошқа махсус фанлар билан узвий боғлиқ қилиб берилган.

1.4. «Меҳнат таълими методикаси» фанини ўқитишда кўпроқ янги педагогик ва инновацион технологияларга беvosита таяниб уларни қўллай олишга эътибор бериш зарур. Таълим жараёнида сизларга қайд этилган фанлар мавзуларининг мазмунини кенгрок ёритиб бориш, иш услубларини тўғри бажариш мақсадида таълим воситаларини (компьютер, эндаскоп, кинопроектор, видео ва бошқа техника имкониятларидан унумли фойдаланиш). Бу борада сизларга барча фанларни ўзлаштириш даражалари: компьютер орқали тест ва рейтинг усулида аниқланади. Дарслар давомида педагогик технологиялар (бумеранг, веер, ақлий хужум, роли ўйинлар)дан фойдаланиш усуллари кенгрок ёритилган.

Сизлар мавжуд фанлар ахборотларни маъруза материаллари устида мустикал ишлаш, лаборатория, семинар ва амалий машгулотлар жараёнида ижодий фаол кўрсатиш мобайнида «Меҳнат таълимини ўқитиш методикаси»га хос кўшимча адабиётлар, газета ва журналлардан олишлари мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки сизлар «Меҳнат таълимини ўқитиш методикаси»ни ўзлаштириш жараёнида белгиланган ҳар бир бошқа фанларни узвий боғланган ҳолатда ўрганишлари мақсадга мувофиқдир

(1-шакл).



1-шакл.

Ҳар бир умумий таълим фанлари (физика, математика, биология ва ҳақозо фанлар), айниқса мактабдаги, коллежда ўзлаштирилган меҳнат, касб-хунар ва ишлаб чиқариш юзасидан маълумотлар ҳамда умумий педагогик, психологик ва методик билимлар «меҳнат таълими методикаси»ни ўзлаштиришга замин бўлиб, бу фанга белгиланган ДТС ни бойитиш, кенгайтириш ва чуқурлаштиришга олиб келади.

Бу ҳолат юқорида қайд этилган рейтинг кўрсаткичларини маълум даражада кўтаришга замин яратади ҳамда белгиланган натижаларга олиб келади.

I БОБ. МЕХНАТ ТАЪЛИМИ МЕТОДИКАСИ ФАНИ ВА УНИНГ ВАЗИФАСИ. ПОЛИТЕХНИК ТАЪЛИМИ МОҲИЯТИ, МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1.1. "Таълим тўғрисида" ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида меҳнат ва касб-ҳунар таълимига оид гоъларнинг акс эттирилиши ва концепцияси

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" ги Қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талаблари ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги "Умумий ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги 473-сонли. 2003 йил 9 июлдаги "2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 321-сонли қарорларини бажариш мақсадида меҳнат таълими, касб танлаш ишлар қуйидаги йўналишларига йўналтирилмоқда. Бу борада ўқувчиларни меҳнат таълими, касб-ҳунарга йўналтириши, унумли меҳнатни ташкил этилиши юзасидан ташхис марказлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлар, корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлик ишларни илмий, амалий ва ташкилий ҳолатда бошқариш учун мазкур муассасалар билан ҳамкорлик шартномалар қабул этилиши мақсадга мувофиқдир. Унда умумтаълим, касб-ҳунар ўқув муассасаларида, уларнинг ўқув режалари самарали жорий қилиш бўйича ҳамкорлик доирасида услубий тавсиялар, йўриқномаларда меҳнат таълимини ўқитиш, ижтимоий, унумли меҳнат таълими негизида ўқувчиларни ҳудуддаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлар касби ва мутахассисликларни танлашга оид чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва улар жорий этилишини, ижтимоий, унумли меҳнатларини тизимли ёндашув тамойилларига биноан ҳудудий идоралари ва ўқув муассасалар билан ҳамкорликда ўқув режа ва уларнинг ижроси билан боғлиқ ҳужжатлар мазмун-моҳиятини педагогик жамоаларда кенг тушунтириш бўйича ўқув семинарлар олиб борилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Семинарларда тавсия этилган масалалар ҳамда ташкил этиладиган тажриба-синовлардан, илгор педагогик ва техник-технологик тажриба болалардан муваффақиятли ўтказилган, модернизация қилинган ўқув дастурлари, меҳнат таълими ва касбга йўналтириш бўйича дарс ишланмалари ва бошқа методик тавсиялар ўрнатилган тадбирда тасдиқлаб жорий этилиши меҳнат таълими ва касб-ҳунарни босқичма-босқич такомиллаштиришга олиб келади.

Инобатга олиш зарурки, Республика таълим марказининг тавсиясига биноан, ўқув йили якунида V-VIII, IX-синф ўқувчиларининг меҳнат кўникмаларини шакллантириш ва касбга йўналтириш мақсадида махсус ишлаб чиқилган, ота-оналар ва маҳалла қўмиталари раислари билан келишилган, мактаб директори томонидан тасдиқланган жадвал асосида амалий меҳнат машғулотлари:

- V-VI синфларда 6 кун 4 соатдан;
- VII синфда 10 кун 4 соатдан;
- VIII синфда 16 кун 4 соатдан;
- IX синфларда 20 кун 6 соатдан бевосита мактабда, идора ва корхоналарда

ўтказилади ҳамда улар мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки меҳнат негизда:

• ўқувчиларнинг касбга мослаштиришнинг педагогик технология борасидаги амалга оширган тадқиқотларимиз ишлаб чиқилган технологиямизнинг самарали ва ишончли эканлигини тасдиқлади;

• ўқувчиларда шакллантирилган касбга оид кўникма ва малакалар, уларнинг бўлажак мутахассислар сифатида касбий шаклланишидаги аҳамиятини ўрганиш учун қўлланилган методлар мажмуаси олинган натижаларнинг ҳаққонийлиги ва ижобий таъсирига тасдиқлади;

• дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида ўқувчиларнинг умумтаълим, умуммеҳнат билим ва кўникмалари даражасини оширишнинг ишлаб чиқилган педагогик технологиясини таълим тизими амалиётига тадбиқ қилиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Ўқувчиларни касбга мослаштиришда меҳнат таълими бўйича дарсдан ташқари машғулотлар муҳим аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлади. Ўқувчиларнинг касб танлашга оид билим ва кўникмалари диаграммалар ҳамда киёсий жадваллар ёрдамида таҳлил қилиниши натижасида дарсдан ташқари машғулотларда ўқувчиларни касбга мослаштириш ишларининг мақсадга мувофиқ ташкил этилиши бу машғулотларга мунтазам иштирок этувчи ўқувчиларнинг умуммеҳнат билим ва кўникмалари, умумтаълим фанларидан ўзлаштириш даражаси қолган ўқувчиларга нисбатан бирмунча юқори эканлигида ўз исботини топди.

Меҳнат касбий тарбия тизимида қуйидагиларга амал қилиниши лозим деб ҳисоблаймиз:

- касбий тарбия- тарбияланувчи шахсий олий ижтимоий кадрият деб тан олиш, ҳар бир бола. Ўсмир ва ёш йигит-қизнинг бетакрор ҳамда ўзига хослигини ҳурматлаш унинг ижтимоий ҳуқуқи ва эркинлигини эътиборга олиш;

- ёшларда истак ва имконият мувофиқлиги туйғусини қарор топтириш;

- миллийликнинг ўзига хос анъналари ва воситаларига таяниш;

- шахслараро муносабатларда инсонпарварлик, ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасидаги бир-бирига ҳурмат муносабатлари, болалар фикрига эътибор қилиш, уларга меҳрибонларча муносабатда бўлиш;

- касбий тарбия жараёнида узлуксизликка ва турли ёшдаги болаларни камраб олишга алоҳида аҳамият бериш. Улар 1,2- жадвалларида ўз аксини топган.

Мазкур жадваллар мазмунида акс топган мақсадлар юзасидан тажриба-синов олиб борилган. Уларнинг натижаларини таҳлили қуйидагича.

Тажриба-синов ишларининг шакллантирувчи босқичида ўқувчиларни касбга мослаштириш технологиясининг даражаси таҳлил қилинди. Бунда тажриба-синов ишлари тажриба гуруҳида биз таклиф этган технология асосида, назорат гуруҳида эса анъанавий дастур бўйича амалга оширилди.

Унинг натижаларини баҳолаш учун меҳнат таълими бўйича таълим стандартининг таҳлили асосида ўқувчиларнинг касбга мослаштириш бўйича эгаллашлари лозим бўлган энг аҳамиятли тўртта кўникмани аниқлаб олдик, яъни :

- ахборотларни таҳлил қилиш кўникмаси. Ушбу кўникма ўқувчиларнинг касб таснифини, унинг асосий туркумларига хос умумий хусусиятларни билиши, касбларнинг мураккаблик омилларини таҳлил қила олиши билан баҳоланади;


- диагностик кўникмалар. У касб бўйича талаб қилинадиган шарт-шароитлар билан ўқувчининг қизиқишлари, майллари, қобилиятлари, саломатлиги ва бошқа сифатларининг ўзаро мувофиқлигини аниқлаш асосида баҳоланади;

- конструктив кўникмалар. Ўқувчи томонида касбга доир шахсий режанинг мазмуни, бўлимлари ва вазифасининг асосланиши, касбга тайёргарлик ва касб маҳоратини ошириш усулларини эгаллаганлигини.

- ташкилий кўникмалар. Касбга мос ва касбга хос билимларни, малакаларни эгаллаш ҳамда диагностик касб маслаҳатидан фойдаланнишни, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг ўқувчиларига бўлган талабларни, уларнинг бир биридан фарқини билиши.

Сўнгра мазкур кўникмаларнинг тажриба ва назорат гуруҳлари ўқувчиларида қай даражада шаклланганлигини қиёсий таҳлил қилиш мақсадида уларнинг ҳар бири анкета саволлари ҳамда амалий топшириқ ўрдамида баҳоланади. Бу ўринда анкета саволлари назарий, топшириқ эса амалий билим ва кўникмаларни аниқлигига хизмат қилиши кўзда тутилиб, ҳар бир савол 5 балли тизимда баҳолаб борилди.

Касбий тарбия жараёнида узлуксизликка ва турли ёшдаги болаларни қамраб олишга алоҳида аҳамият бериш. Улар 1,2 жадвалларида ўз аксини топган.



Биз ўқувчилар томонидан билим ва кўникмаларни ўзлаштириш сифатини баҳолашнинг умумлашган кўрсаткичи охириги натижа бўйича таққослашдан фойдаландик. Бунда ўқувчилар билим ва кўникмаларини ўзлаштириш сифатини баҳолашнинг умумлашган кўрсаткичи охириги натижа бўйича таққослашдан фойдаландик. Бунда ўқувчилар билим ва кўникмаларини келтирган ўртача ўзлаштириш бали орқали баҳолаш энг самарали йўналиш ҳисобланиб, у гуруҳлардаги ўрта ўзлаштириш ҳолатидан қуйидаги ҳулосага келдик.

1. Маълумки, ўқувчилар касбга оид билимларнинг асосий ҳажмини умумий ўрта таълим мактабининг 8-9 синфларида меҳнат таълими жараёнида эгаллайдилар.

Кузатишлар натижасида дастлабки параграфларда бу жараённинг муҳимлигини таъкидловчи икки омил таҳлил қилиб берилди, яъни биринчидан, касбга мослаштириш ишлари тўғри йўлга қўйилганида ўқувчилар ўз қизиқишлари, майллари, қобилиятлари саломатлиги ва бошқа сифатларидан келиб чиқиб келажагини тўғри белгилаб олишини таъминлайди; иккинчидан, Жамиятимизнинг ҳар бир жабҳасида ўз касбини маҳорат даражасида эгаллаган, мустақил ва ижодий фикрловчи мутахассисларга эга бўлади.

2. Ўқувчиларни касбга мослаштиришда ўқитишнинг янги педагогик технологиялардан фойдаланиш хусусиятлари мазмун-моҳияти таҳлили асосида дарсдан ташқари машғулотларни ташкил қилиш мақсад ва вазифалари, ўқувчи касбий сифатларини дастлабки педагогик-психологик ташҳис қилиш, танлаган касби тўғрисида ахборот бериш, ўқувчи шахсини ижтимоий-касбий мослаштириш, касбий маслаҳатлар, касбий-иқтисодий тарбия методларини қўллаш йўллари кўрсатиб берилди. Шу билан биргаликда дарсдан ташқари машғулотларни, оммавий шаклдаги дарсдан ташқари машғулотлар ҳамда ўқувчиларнинг меҳнат бирлашмалари каби машғулот шаклларидан фойдаланишга оид тавсиялар берилди.

Шунингдек, дарсдан ташқари машғулотларни ташкил қилишда касбга мослаштириш ишлари технологиясининг функционал тузилмаси ишлаб чиқилди. Унга кўра таълим жараёнини лойихалаш ва мақсадини белгилаш босқичларининг ташқи (объектив) омиллар, таълим жараёни (таълим мақсади, мазмуни, шакл, метод ва воситалари), ички (субъектив) омиллар таъсирида амалга оширилиш мазмуни кўрсатиб берилди.

3. Дарсдан ташқари машгулотларни ташкил қилиш ўқувчиларни касбга мослаштириш жараёни билан уйғунлигини таъминлаш механизмини ишлаб чиқиш мақсадида ўқувчиларни касбга мослаштириш тузилмасидан фойдаланиш. Тузилманинг икки асосий ташкил этувчиси : меҳнат таълими дарслари жараёни ва дарсдан ташқари машгулот турларининг бир-бирини ривожлантиришини таъминлаш учун уларнинг ҳар бир бўғинининг ўзаро боғлиқлик асослари ишлаб чиқилган. Бу вазифани амалга оширишда меҳнат таълими давлат таълим стандарти ишлаб чиқилган касбга мослаштиришга асосланган дарсдан ташқари машгулотларнинг умумий тузилмаси асос сифатида олинди.

4. Касбга мослаштириш ишлари тизимли равишда изчил такомиллаштириб борилгандагина ўқувчи келажакда мукамал касб эгаси бўлишига эришилади. Бу мақсадда ишлаб чиқилган "Ганчкорлик", "Тикувчилик", "Ёш ҳунарманд", "Наққошлик", "Электротехника", "Ёш дурадгор" тўғаракларининг ўқув режа ва дастурлари ўқувчиларнинг умумий ўрта таълим муассасидаги дарсдан ташқари даврини қамраб олган ҳолда умумтаълим фанлари билан узвий алоқадорликда амалга оширилиши, назарий ва амалий билимларининг таълим стандартлари даражасига тўла жавоб бера оладиган битирувчилар тайёрлаш имконини беради.

5. Ўқувчиларни касбга мослаштиришнинг ишлаб чиқилган технологияси ҳамда тўғараклар ўқув дастурларини амалиётга тадбиқ этишнинг энг самарали ечими сифатида касбга мослаштириш ишларини ташкил қилишда дарсдан ташқари машгулотлар мазмунини танлашнинг ташкилий-педагогик мезонлари ишлаб чиқилди. Ушбу мезонларда ўқувчига тушунча берилаётган касбнинг турлари ва номлари бўйича реал мавжуд касбларнинг миқдорига нисбатан оптимал муносабатни сақлаш, касб танлаш ишида маҳаллий ва минтақавий эҳтиёжлар асосида касбга мослаштиришнинг устуворлиғи, бўлажак касб тури билан боғлиқ фаолиятнинг мазмуни ва тузилмасини асослаш, ўқувчининг ўзи мослаштирилаётган касб объектларининг хусусиятлари тўғрисида маълумотга эга бўлишлиги каби ҳолатлар ўз аксини топган .

6. Дарсдан ташқари машгулотларни ташкил қилишда ўқувчилар умумий ўрта таълим ўқув дастури билан узвий боғлиқ равишда касбга мослаштиришга онд тушунчаларни узлуксиз эгаллаб бордилар. Тўғараклар учун ишлаб чиқилган

дастурларни амалга ошириш мураккаб педагогик-психологик ҳамда ташкилий жараёнларни ўз ичига олганлиги сабабли, тадқиқот ишида ўқувчилар қабул қилиши лозим бўлган барча ахборотлар оқимини гуруҳлар бўйича тизимлаштириб чиқилди. Бунда ўқувчиларни касбга мослаштириш ишларини ахборот билан таъминлаш тузилмасини таҳлил қилиш асосида ўқувчиларнинг умумий ўрта таълим ўқув дастури асосида дарс жараёнида танишиши мумкин бўлган танлаган касби ва у тўғрисидаги ахборотлар жамланди ҳамда тизимлаштирилди.

7. Амалга оширилган тажриба-синов ишлари натижасида ўқувчиларни дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида касбга мослаштиришнинг тавсия этилаётган педагогик технологиясини таълим муносабатлар жорий этилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки 70-75 фоиш 9-синф ўқувчилари мактабни битиргач, касб-хунарларга ўқишни давом эттиришга хоҳишлигини билдирдилар. Чунки уларга Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий мазмуни ўрта махсус ва касб-хунар таълимини жорий этишга асосланган ислохотлар ҳисобланади. Ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳаси республикамиз узлуксиз таълим тизимининг долзарб бўғини ҳисобланади. Шу сабабли ҳам баркамол шахсни тарбиялаб етиштиришга айнан шу даврда берилган таълим муҳим ўрин тутади. Шахсни жамиятда ижтимоий фойдали инсон бўлиб, шаклланишида катта аҳамият касб этади. Айниқса, касб-хунар коллежлари бугунги кун талабларига, иқтисодий ислохотлар эҳтиёжларига жавоб бериши билан аҳамиятлидир.

Шу сабабли ҳам узлуксиз таълим тизимининг ўрта махсус, касб-хунар таълими босқичини илмий асосда чуқур ўрганиш ва бу илмий тадқиқот ишлари олиб борилиши давримиз таълим тизими олдида қўйилган долзарб вазифа ҳисобланади. Яна бир омил мактаб битирувчиларига аён бўлди. Касб-хунар коллежларида ишчи кадрлар эмас, балки кенг ихтисосликдаги кичик мутахассислар тайёрланади. Бунда талабалар ижодий фаолиятларини орттириш мақсадида чуқур билим берилади. Чунки, кўп академик лицей ва касб-хунар коллежларида охириги пайтда магистрлар, фан номзодлари, илгор педагогик тажрибага эга бўлган мутахассислар дарс бермоқдалар.

Шундай қилиб мактабларда меҳнат таълимини қўлланиладиган кенг қўламлари; материалшунослик; асбоб-ускуналар; станоклар; машина ва мосламалари ҳамда уларни ишлатиш технологиялари.

- Ўқувчиларни навбатдаги таълим муассаларида аниқ касб ва мутахассисликни эгаллашга замин солади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, таъкидлаш зарурки, Ўзбекистоннинг мустақиллик даврида 29 август 1997 йилда қабул этилган "Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳамда "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"да таълим олиш, тарбиялаш заминида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш даражасига етказиши муҳим давлат ва жамият вазифаларига айланди. Унда юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизими ва истикболини белтилаб олинди ҳамда мазкур жараёнда узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш, давлат, жамият ва шахс вазифалари қуйидаги йўналишларни белгилайди:

- янги ижтимоий-иқтисодий шароитда кадрлар тайёрлаш тизимининг амал қилиши ва барқарор ривожланишининг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан кафолатловчи меъёрий қонуний базани яратиш;

- республикада ва дунёда фан, маданият, техника ва технология ва жамиятнинг ҳозирги замон ютуқларини ривожланиш истикболларини эътиборга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини янгилаш;

- таълим тизимини ислоҳ этиш, уни ягона ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуаси сифатида доимий ривожланишини таъминлаш;

- барча тоифадаги юқори малакали кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда таълим, фан ва ишлаб чиқариш тизимининг ўзаро бир-бирига таъсири механизмни ишлаб чиқиш;

- миллий уйғониш мафқураси ва умуминсоний кадриятларни эътироф этиш асосида ўқувчи ёшларни тарбиялаш ва мутахассислар тайёрлаш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- республиканинг кадрлар тайёрлаш соҳасида хорнжий мамлакатлар миллий тизимлари, мувофиқ ташкилотлари билан кадрлар тайёрлаш соҳасида кенг ҳуқуқли ва ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш;

- кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни амалга оширишни объектив назорат қилиш ва баҳолаш.

Ўзбекистоннинг кадрлар тайёрлаш борасидаги давлат сиёсати кадрлар тайёрлаш эски тизимининг фан ишлаб чиқаришнинг кадрлар тайёрлаш жараёнидаги вазифаларнинг ноаниқлиги; барча турдаги таълим фаолиятининг катъий

режалаштирилиши ва назорат этилиши; таълимдаги информацион-интерактив технологияларнинг устиворлиги, ўқув жараёнининг ўртамиёни ўқувчига мўлжалланганлиги, иктидорли шахсга ўз қобилиятини амалга оширишга имкон берувчи механизмнинг йўқлиги; таълимнинг хаддан ташқари мафқуралаштирилганлиги каби салбий жиҳатларини бартараф этишга қаратилган.

Тизимни қайта ташкил этиш, кадрлар тайёрлаш тузилмаси ва мазмунини такомиллаштириш бир қатор чора-тадбирларни кўришни тақозо этди: "Таълим ҳақида"ги Қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларни қабул қилишни; таълимни стандартлаштириш; ўқув юртларига лицензиялар бериш ва аттестациядан ўтказиш; муайян институтлар асосида университетлар ташкил этиш; янги олий ўқув юртлари, янги типдаги таълим ва хунар-таълими муассасалари ташкил этиш; янги ўқув режалари ва дастурларни киритиш. Меҳнат бозорининг ривожланиши фан ва ишлаб чиқиш соҳаларини зарур кадрлар тайёрлаш жараёнига шу жумладан хорижий давлатлар билан ҳамкорликда янада фаолроқ иштирок этишни тақозо этди. Уларнинг натижасида қуйидагиларга эришилди: умумий ўрта таълим ва асосий таълим дастурлари концепциялари низомларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; янги базавий ўқув режаси, мактаб таълими ўқув режалари ва дастурларни жорий этиш; таълимнинг давлат стандартларини ишлаб чиқиш ва қисман жорий этиш; ўрта таълимни молиявий таъминлашни яхшилаш ва унинг моддий техникавий базасини мустаҳкамлаш, уни илмий-услубий жиҳатдан ва кадрлар билан таъминлашни яхшилаш ва бошқалар. "Соғлом авлод учун", "Маънавият ва маърифат", "Иқтисодий таълим", "Қишлоқ мактаби" ва бошқа ўнлаб мақсадли дастурлар амалга оширилмоқда.

Таълим-инсоннинг бошлангич имкониятларини, шахсий ва касбий қобилиятларини мукамаллаштиришда, ўз ҳаёт йўлини танлаш, куч-қудратини рўёбга чиқаришда асосланадиган пойдевордир. Унинг шаклланиши, ривожланиши жараёнида қайси аниқ касбий тайёрганлиги қандай рол ўйнашини шахс ўзи ҳал этиши лозим. Шахс, давлат ва жамият манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда мақсадли тайёрлаш тўғрисида қарор қилинади.

Мамлакатда таълим шахснинг кенг ҳаётий манфаатларини қондиришга мўлжалланган, ўзгарувчан ҳолатларда аниқ инсонни ривожлантириш имкониятларини ошириш учун жавоб беради.

Кадрлар тайёрлаш, таълим тизимини ўз ривожига шахснинг маданиятини шакллантириш, жамиятдаги ҳаётга мослашиш, касбий ва таълим дастурларини билиб танлаш ҳамда кейин ўзлаштириш, жамият, давлат, оила олдидagi ўз маъсулиятини англаб етувчи тўлақонли шахсни тарбиялаш учун ҳуқуқий, ташкилий, руҳий-педагогик шароитларни таъмин этишга қаратилгандир. Бу борада касб-хунара коллежлари учун тайёрланадиган педагог ва муҳандис-педагогларни тайёрлашни тубдан ўзгартириш заруратини келтириб чиқарди.

Ушбу заруратни келтириб чиқарган объектив омиллар қуйидагилардир:

- Ўзбекистоннинг ҳақиқий иқтисодий мустақиллигини таъминловчи шароитларини шакллантириш;

- хўжалик юретишнинг иқтисодий механизмни такомиллаштиришни давом эттириш; бозор иқтисодиётига ўтишни тезлаштириш ва уни самарасини кўтариш, республика иқтисодиётини ҳам ашё ишлаб чиқарувчидан сўнгги маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган илғор технологияларни қайта ишловчига ихтисослаштириш;

- меҳнат ва касбий таълимидаги иқтисодиёт тармоқларини инфорацион ва илмий технологик ресурсларни яратиш ва улардан актив фойдаланиш, янгиланувчи манбаларни қўллаш асосида қайта ташкил этиш;

- меҳнат ва касбий таълим соҳасидаги илмий-техникавий тараққиёт сураътларини ишлаб чиқариш соҳасида чуқур ўзгартиришларга олиб келиш мақсадида тезлаштириш; ақлий меҳнат ҳиссасини ошириш, бунинг натижасида шахснинг таълим савиясига унинг профессионал мослашуви ва сафарбарлигига қўйиладиган талабларнинг ошиши;

- меҳнат ва касбий таълим соҳасидаги янги экологик фикрлашни шакллантиришни яратувчи экологик кескинлик, атроф-муҳитни ҳимоя қилишда фаол иштирок этиш;

- демографик ўзгаришлар, урбанизация, ахлоқий ва психологик барқарорликни касбий таълими жараёнида ўз хулқини бошқара олиш, ўз соғлиги ҳақида қайгуришни тарбиялаш заруратини келтириб чиқарувчи ишлаб чиқариш шароитлари;

- ҳар бир меҳнатни касб эгаллаш таълим жараёни билан яқунлаш шахсдан фуқаровий камолот, ижтимоий фаоллик ва маъсулиятни талаб этувчилликни кенг демократлаштириш; касбий таёрларликда миллий ўзлигини англашни ошириш,

ватанпарварликни шакллантиришни, ўз ватани учун гурурланиш туйғусининг, байналминалик, ўз халқининг бошқа миллат ва элатларнинг миллий-маданий ва тарихий анъаналарига хурмат туйғуларини шакллантиришни талаб этувчи республиканинг халқаро ҳамжамиятига интеграциялашуви.

Санаб ўтилган муаммо ва омиллар бозор муносабатлари шароитида «фан, ишлаб чиқариш ва таълим бирлиги» номи билан маълум бўлган механизмнинг ишламаслигидан далолат беради. Кадрлар тайёрлаш тўлиқ тизимининг мувофиқ стратегияси, тактикаси ва ишлаб чиқариш моделини такомиллаштириб борилиши зарурдир. Шундай қилиб, ҳар бир меҳнат ва касбий таълим юзасидан дарс бераётган педагог ва муҳандис-педагоглари тайёрлашда, уларни диққатини юқорида қайд этилган омилларга алоҳида эътиборларини қаратиш лозим.

1.2. Меҳнат таълимининг концептуал асослари

1.1 параграфдаги материалларига таянган ҳолатида, кадрлар тайёрлаш тартибида, ўзига хос ўрин эгаллаган – меҳнат таълими ўқитувчилари. Бу борада уларни тайёрлаш предметлар таркибида «меҳнат таълими асослари» ва уларни «ўқитиш методикаси» муҳим аҳамиятга эгадир.

Меҳнат таълими методикасини ўзлаштиришида бўлажак меҳнат ўқитувчилар диққатида, энг аввало «меҳнат таълими концептуал асослари»га алоҳида эътибор берилди. Бу борада меҳнат таълимининг таркибидаги йўналишларига эга бўлган интеграл жараёнлар сифатига келтирилган куйидаги асосларга таяниши лозим:

- меҳнат таълими мазмунида мавжуд «фан-техника-технология» ўзларига хос мазмун, тараққиёт ва истиқбол ривожланишлари узлуксиз равишда ўзлаштирилиши даркор;

- меҳнат таълими машғулотларда, ўқувчилар бошлаган иши якунига келтириш шарт;

- ўқувчилар бажарган иш, тайёрлаган буюм ва маҳсулот - бозор талаблари ҳолатига келтирилиши мақсадга мувофиқдир;

- ўқувчилар, меҳнат таълимининг қайси йўналиши бўйича ўргатилмасин, уни якунига академик лицей ёки касб-хунар коллеж мутахассислиги (касбига) йўналтирилгани аниқ касбни танлашига олиб келиши шарт;

- ўқув-тарбия ишининг ҳамма турларнда меҳнат тарбиясини амалга ошириши;

- барча ўқув фанларини ўқитишнинг политехник ва меҳнат йўналишларини амалга ошириши;

- «Меҳнат-таълими» фанини ўрганиш жараёнида ўқувчиларнинг билим, ўқув, кўникмалар олишлари, ҳамда уларга тарбия берилиши ва ривожлантирилиши;

- ўқувчиларни ижтимоий фойдали, ишлаб чиқариш меҳнатига жалб қилиш, улар томонидан дарсдан ташқари ва таътил вақтларида меҳнат қилиш билан боғлиқ ҳар хил ишлар ва тадбирларни бажариши;

- ўқувчиларни техникавий ижодкорлик ва кишлок хўжалиги соҳасидаги тажрибалар олиб бориш ишларига тайёрлаш ва уларнинг бу ишларда иштирок этишларига;

- ўқувчилар билан касбга йўналтириш ишларини олиб борилиш;

- ўқувчиларни меҳнат таълимида уларнинг ҳар томонлама ривожланишларида таъсирчан омил ҳисобланади ва шу билан бирга халқ хўжалигининг меҳнат ресурсларига бўлган эҳтиёжини қондиришнинг жиддий воситасидир. Барча ўқувчилар мамлакатимиз халқ хўжалигининг келгусидаги билимли, ўқувли, оқкўнгил, ташаббускор, интизомли ходимлари бўлиб шаклланишлари ҳозирги объектив зарурият.

Шунингдек, меҳнат таълимининг бош мақсадига ўтиш муҳим вазифадир. Ўқувчиларда меҳнатта, касб танлашга тайёрликни, яъни халқ хўжалигида жамиятга фойдали, ўзи учун қониқарли ишлашга, келгусида қайта тайёрланиш ва меҳнат соҳасини ўзгартиришга қодирликни муваффақиятли белгилаш эҳтиёжини ва имкониятини берувчи мотивлар, ахлоқий сифатлар, билимлар ва ўқувларни шакллантиришдан иборатдир. Бу энг аввало, ижтимоий бурч ҳиссиёти, меҳнатсеварлик, меҳнатга софдиллик, ташаббускорлик ва ижодкорлик билан ёндошув, меҳнатда тобланиш, меҳнат қилиш маданияти, ишлаб чиқариш асослари бўйича политехник хусусиятга эга бўлган мустаҳкам билим ва кўникмалар ҳосил этиш демакдир. Буларнинг ҳаммаси фанлар асослари бўйича чуқур билимлар билан юқори даражадаги умумий маданиятнинг мутаносиб қўшилишидан иборат бўлиши зарурлигини англашдан иборат.

Меҳнат таълими ўқувчиларнинг ҳар томонлама ривожланишида эътибор берилиши жиддий аҳамиятга эгадир. Унда ўқувчиларнинг ижтимоий фойдали, ишлаб

чиқариш меҳнати уларга фанлар асосларини ўргатиш билан бирга, уларда илмий дунёкараш шаклланишига ёрдам беради. Ўқувчиларнинг ақлий ривожланишида меҳнат таълими маълум ўрин тутаети. Улар илмий қонунларнинг ишлаб чиқаришда қўлланилиши билан амалда танишиш орқали, билимларни ўрганиш зарур эканлигига ишонч ҳосил қиладилар. Ўқувчилар меҳнатида уларнинг нафосат тарбияси учун жиддий имкониятлар бор, ўқувчилар томонидан ўта эътибор билан безатилган буюмлар тайёрланиши, уларнинг замонавий дизайн ва халқ бадий хунарандчиликлари, амалий санъат, мактабда гўзаллик, тартиб ва тозалик ўрнатиш, аҳоли пунктларини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари билан танишишлари, табиат муҳофазаси бўйича ва табиат қўйнида меҳнат билан шуғулланиш - буларнинг ҳаммаси ўқувчиларда нафосат ҳиссиётини, гўзалликни ҳис қилишни уйғотади, бадий дидни шакллантиради. Меҳнат билан шуғулланиш ўқувчиларнинг жисмоний ривожланишлари саломатликларини мустаҳкамлашда жиддий аҳамиятга эга. Меҳнатга тайёрлаш ўқувчиларнинг иқтисодий таълими ва тарбиясида - асосан амалиётда ҳақиқий ишлаб чиқариш шароитларига жалб қилиш йўли билан, ҳамда уларнинг экологик тарбияси учун катта имкониятларга эга.

Инобатга олиш зарурки, меҳнат таълими ўқувчиларнинг ўз "қучларини" амалда синаб кўриш ишлари, қобилиятлари ва мойилликларини аниқлаш ва ривожлантириш учун кенг имкониятлар беради. Асосий (9 йиллик) мактаб битирувчиларни ўқишни давом эттиришлари учун соҳаларга тақсимлашга фаоллик таъсир кўрсатиш имкониятини беради. Жамиятнинг кадрларга бўлган ҳозирги ва истиқболдаги эҳтиёжларини, ўқувчиларнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олувчи меҳнат таълими, уларнинг касб эгаси бўлишларига мактаб битирувчиларининг келгусидаги ўқишлари йўналишини ва халқ хўжалигидаги иш жойларини мустақил тайёрлашларига ёрдам бериши лозим. Умумтаълим мактабининг касб эгаллаган битирувчиларидан маълум қисми тўғридан-тўғри халқ хўжалигида ишловчилар сафига қўшилиши мумкин. Қолганлари учун меҳнат таълими умумий таълим билан бирга лицейлар, коллежлар ва бошқа ўқув-юртларида ўқишни давом эттиришлари учун замин бўлиб хизмат қилиши лозим.

Меҳнат таълими жараёнида меҳнат тарбиясини шакллантириш мантикий, мазмуний жиҳатидан муҳим аҳамиятга эга. Унда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг

умумтаълим мактаби фаолиятининг барча соҳаларини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш - ўқувчиларда меҳнат билан яшаш тарзини ривожлантириш, меҳнат тарбияси тизимининг ўқувчиларда шахсни белгиловчи сифатларини меҳнат қилишга, жамоага, меҳнат қилувчиларга тўғри муносабатни, меҳнатсеварлик; жамоатчилик, ташаббускорлик, мустақиллик, масъулиятлилик ва фаол ҳаёт кечириш каби сифатларни шакллантириш мақсадига эга бўлган меҳнат тарбияси тизимини яратишни назарда тутади. Бу таълимнинг ҳар бир асосий ёш босқичларида амалга ошириш маълум ўзига хос хусусиятларга эгадир.

Бошланғич синфларда ўқув фаолияти етакчи ўринни эгаллайди; куйи синф ўқувчиси ўқитувчининг талабларини ижтимоий аҳамиятга эга, табиий талаблар сифатида идрок қилади ва уларни бажаришга ҳаракат қилади. Бу ўқувчиларга билимлар ва ўқувларни ўзлаштириш жараёнига, ижтимоий фойдали меҳнатга, умуман ижодий муносабатда бўлиш ҳосилдир. Бу эса уларда меҳнатга мунтазам қизиқишни, жамоага қўшилиб меҳнат қилиш истагини, ўртоқларига ёрдам кўрсатишни мактаб ҳаётига кириб боришни шакллантиришни енгиллаштиради.

Ўсмир шахсидаги (V-VII синфлар) марказий ва узига хос янгиланиш унда ҳосил бўладиган катта ёшдагиларга хос хиссиётлардан иборат. Бу эса унинг ўзига, одамларга, оламга нисбатан янги муносабатини ифодалайди, унинг ижтимоий фаоллигини йўналишини ва мазмунини аниқлайди, ҳамда катта ёшдагилар оламида мавжуд бўлган кадриятлар ва ахлоқ мезонларини ўзлаштиришнинг кўпроқ намоён бўлишини белгилайди. Катта ёшдагилар билан тенг ва улар томонидан катта ишонч билдирилган ҳолда меҳнатда иштирок этиш ўсмирларда мустақил яшаш ва меҳнат қилишга тайёрликни тарбиялашнинг жиддий шаклидир. Уларда тенгқурлари билан бирга меҳнат қилиш жараёнида мулоқотда бўлишга интилиш оддий кузатувчи эмас, фаол шахс бўлиш, ўз ҳатти-ҳаракатларида мустақил бўлиш эҳтиёжлари яққол кўзга ташланади.

Ўсмирларнинг юқорида айтилган хусусиятларига боғлиқ ҳолда уларнинг ривожланишини ижтимоий-фойдали меҳнати жамоа фаолияти жараёнида шаклланади. Бу эса ўз навбатида уларда ижтимоий меҳнат фаоллигидан иборат бўлган шахсий сифатни (ижтимоий йўналишга эга бўлган меҳнат фаоллигини) тарбиялаш учун қулаф шароитлар яратиб беради.

Юкори синфларда (VII-IX) асосий шахсий янгилиниш мустақил фаолият кўрсатишга бўлган ва асосланган эҳтиёждан иборат бўлади. Бунда ҳаётий режалар тузишга, уларни амалга ошириш воситаларини излашга қаратилган ўқув-мехнат фаолияти етакчиси ҳисобланади.

Психологларнинг маълумотларига кўра ўқувчиларнинг мустақил фаолият кўрсатишлари уларнинг кадриятларга муносабатлари билан жиддий даражада боғлиқ. Мактаб битирувчиларидаги кадриятларга муносабатнинг мазмуни албатта ижтимоий масъулиятни ўз ичига олган бўлиб, ҳаётдаги мустақил фаолият кўрсатишнинг ижтимоий йўналишларини ҳосил қилади. Жамият манфаатлари йўлида ҳаракат қилиш - бор кучи билан, фидокорона, виждона, ташаббускорлик, ижодкорлик билан меҳнат қилиш; жамоа ва хусусий мулкка тўғри эғалик қилиш, интизомсизликка, ҳужасизликка, нисбатан муросасиз бўлиш демакдир.

Меҳнат тарбиясининг муваффақиятли бўлиши учун у мактаб ҳаётининг ўқувчилар ташкилотларининг мактабдан ташқари болалар муассасалари ҳаётининг ҳамма томонларини қамраб олиши лозим. Бундай ишларнинг мазмуни Республикамизнинг 20 ҳудудидаги шаҳарлар ва қишлоқ мактабларида тажриба синовлардан ўтган ўқувчилар меҳнат тарбияси дастурида очиб берилган.

Ўқув фанларини ўқитишнинг политехник ва меҳнат йўналиши ҳамда уларнинг меҳнат таълими билан боғлиқлиги мавжуд.

Унда умумтаълим фанларини ўрганиш ва ўқувчиларнинг меҳнат таълимига политехник ёндашув ўзаро боғлиқ ҳолда ўқувчиларнинг илмий қонунларни қўллашни технологик усуллари ҳақидаги билимларни ҳамда умумий меҳнат кўникмалари ва малакаларини эгаллашларини таъминлайди.

Ишлаб-чиқаришни танлаш турли фанлар аниқланган қонуниятларга асосланади. Бу қонуниятлар техниканинг ва ишлаб чиқариш жараёнларининг зарурий ва етарлича амал қилиши учун ўзаро боғлиқ бўлади. Демак, ўқув фанларини ўргатишда ўқувчиларни бир қанча технологик принциплар ва меҳнат қуроллари асосида ётувчи илмий тушунчалар тўплами билан таништириш зарур.

Меҳнат таълимининг политехник йўналишини кучайтириш - унинг мазмуни ва жараёнларини ўқувчиларнинг фаолияти ва муносабатларининг ҳар хил турлари орқали ишлаб чиқариш иштирокчилари вазифалари тўпламини бажаришларини моделлаштириш имкониятини берадиган даражада қайта қуришдан иборат. Бунга

масалан, ишлаб чиқариш техника мазмунига эга масалалар ечиш, ўқув-ишлаб чиқариш топшириқларини жамоа бўлиб бажариш. кўчириш диапозони кенг бўлган, кўп фаолият турлари учун яроқли қобилиятларни эгаллаш юзасидан мулоқотни, жамоа бўлиб меҳнат қилишни, ўзаро назорат ва бажарилган иш учун ҳисобот беришни ўргатиш кабилар қиради.

Дарснинг меҳнат, политехник йўналиши қуйидаги мезонлар билан аниқланиши лозим:

- унинг мазмунида жамиятнинг ижтимоий иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш муаммолари акс этиши;
- дарсда ўрганилаётган материалнинг ўқувчилар бошқа манбалардан оладиган меҳнат тажрибаси билан боғлиқлиги;
- дарснинг ўқувчиларда умумтаълим, политехник, касбий билимларни шакллантиришдаги самарадорлиги;
- ақлий ва жисмоний меҳнат маданиятини билимлардан ишлаб чиқаришда амалий фойдаланишда психологик тайёрлаш;
- билим олиш ва амалиёт масалаларини ҳал қилиш жараёнига иш юзасидан мулоқот тажрибасини тўплаб олиш;
- ижтимоий-меҳнат вазибаларига ғоявий-ахлоқий муносабатни шакллантириш;
- дарсда ўқувчилар фаолиятини интенсивлиги мақсадга мувофиқлиги ва унумдорлиги.

Меҳнат таълими ва уни ўқитиш методикаси. Меҳнат таълими шу номли ўқув фани доирасида барча синфларда амалга оширилади.

Меҳнат таълимининг мазмуни ташкил қилиниши жараёни асосий қондаларга мувофиқ (ушбу концепциянинг дастлабки қондаларга қаранг) тузилади. Дидактик принциплар билан бошқарилади ва қуйидаги ўзига хос талабларга жавоб бериши лозим:

- бажариладиган ишларнинг асосан амалий хусусиятга эга бўлиши;
- меҳнат - билимларни шаклланиш жараёнининг ва амалий топшириқлар бажаришнинг ижодий йўналишга эгаллиги;
- ўқув машгулотлари жараёнида фойдали маҳсулот яратиш (ишлаб чиқариш меҳнати);
- умуммеҳнат ва махсус билимлар ва ўқувларнинг мақсадга мувофиқ қўшиливи;

- машгулотларнинг тарбияловчи, ривожлантирувчи ва касбга йўналтирувчи хусусиятга эга бўлиши;

- ўқувчиларнинг қизиқишлари боғлиқ ҳолда ва мойилликларини ва мактаб атрофидаги ишлаб чиқаришни ҳисобга олган ҳолда имкони борича ўртароқ табақалаштириш (айниқса технология соҳасидаги билим ва ўқувларни эгаллашда).

Бошлангич синфлардаги меҳнат таълимининг мақсади – меҳнат олами, касбий фаолият турлари, меҳнат куруллари, материаллари ҳақида дастлабки тасаввурларни шакллантириш, энг оддий ишларни бажариш билан амалда таништиришдан иборат.

Бу ёшдаги болалар ҳаётда керак бўладиган қўл меҳнатининг оддий усулларини, уни ташкил қилиш кўникмаларини, мавжуд ҳар хил материалларга ишлов бериш, кўникмаларини, ўсимликлар ўстириш, мактабгача муассасалар, мактаблар ва оила учун фойдали буюмлар тайёрлашни, айрим ўқув кўргазмалари курулларни таъминлашни ва шу каби кўникмаларни ўрганишлари лозим. Бу босқичда ўқувчиларнинг меҳнатнинг у ёки бу турига қизиқишлари ва мойилликларини аниқлай бошлаш, уларни тушунишлари мумкин бўлган айрим касблар билан таништириш жиддий аҳамиятга эга.

Болалар бошлангич синфларда энг оддий политехник таълим олишлари керак. Таълим жараёнида уларни тушунишлари мумкин асбоблар ва машиналар, уларнинг халқ хўжалигида қўлланилиши, ишда одамнинг ёрдамчиси сифатидаги аҳамияти билан таништириш лозим. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг политехник таълим, техник объектлар моделларини тузишда иштирок этишлари йўли билан ҳам амалга оширилади. Улар билан машгулотларни қўл меҳнати хоналарида ва мактаб ўқув тажриба участкасида бошлангич синф ўқитувчиси томонидан ўтказилади.

Умумтаълим мактаблар (V-VII-синфлар) меҳнат таълими маданияти тараққиётини ўрганишга қўл меҳнати механизациялаштирилган ва электрлаштирилган асбоблар қўлланиладиган меҳнат жараёнлари билан бунда техникавий маиший ва кишлок хўжалик меҳнати соҳаларини қамраб олган ҳолда таништириб боришга йўналтирилган бу синфларда ўқувчилар келгусида ўқишни давом эттириш йўлларини онгли равишда танлай бошлайдилар, касб танлаш устида асослироқ равишда ўз қизиқишлари, мойилликлари, қобилиятлари, билим ва ўқувларини таҳлил қилган ҳолда фикрлай бошлайдилар.

Шу аснода меҳнат таълими мақсадларидан яна бири ўқувчиларга ўзлари танлаган касб бўйича ишлаб кета олишларида, келгусидаги ўқишлари соҳасини ишлаб чиқаришнинг политехник асосларига, меҳнат фаоллигининг бир нечта (танланган) йўналишлари (ихтисослар) билан амалиётда танишишга асосланган билимларни шакллантиришга йўналтирилган ҳолда тўғри танлашларига ёрдам беришдан иборат.

Келгусидаги таълим йўналишини танлашга онгли ёндошиш учун мактаб атрафидаги ишлаб чиқариш муҳитига йўналтирилган «Ишлаб чиқариш асослари», «Касб танлаш» курсини ўрганишга ёрдам бериши лозим.

Меҳнат таълими фанини V-VII синфларда ўрганиш методикаси. Энг аввало, политехник билим ва ўқувларни шакллантиришга ёрдам бериши, умуммеҳнат тайёргарлигини амалга ошириши, иқтисодий, ҳуқуқий, экологик билимлар элементлари билан таништиришга қаратилган. Унинг мазмунидаги техникавий даражани унга электротехника, электроника, автоматика, робототехника масалаларини киритиш ҳисобига сезиларли даражада ошириш, ўқитиш жараёнида эса ишлаб чиқаришдаги илмий-техника тараққиёти талабларини акс эттирадиган энг янги техника воситалари ва ўқув-кўргазмаларни қурооллардан фойдаланиш зарур.

Барча ўқувчилар кенг умумтехник билим ва ўқувлар олишлари лозим. Бунда айрим ўқув ва кўникмалар меҳнатнинг бирор турини эгаллашда, масалан, металлга, ёғочга, газламаларга, табиий материалларга ишлов беришда ёки ўсимликларни, жониворларни ўстиришда шаклланади. Ўқувчилар, корхоналар, мактаблар ва оила учун фойдали буюмлар тайёрлашлари керак.

V-VII- синфларда - ишлаб чиқариш ҳақидаги политехник билимлар ҳажми ортиб боради, бунда материалшунослик, машинашунослик, лойиҳа-конструкторлик бўйича, ўлчашлар техникаси, график саводхонлик бўйича маълумотлар берилади. Ўқувчиларни ҳар турли ва техникавий жиҳозланганлиги даражаси ва хусусияти бўйича мураккаблашиб борадиган меҳнатга жалб қилиб бориш (қўл меҳнати, мосламалар ва механизмлар, алектрлаштирилган асбоблар) қўлланиладиган қўл меҳнати, автоматика воситаларидан фойдаланиладиган универсал ускуналарда ишлаш жараёнида уларни технологик режалаштириш билан таништирилади. Ўқувчиларни политехник таълимида техникавий объектларни моделлаштириш ва конструкциялаш, кенг қўлланилиши лозим, бундай жараёнларда бошқариш, кучни

узатиш, ҳаракатларни ўзгартириш тушунчаларини ўзлаштириш мумкин бўлади. Шу жараёнда улар двигателни ва узатмаларни ўрганадилар. Технологик жараёнларни моделлаштиришда ўқувчилар ҳар турли роботманипуляторлар билан, уларнинг тузилиши ва вазифаси, технологик жараёндаги аҳамияти билан танишадилар. Компьютерлар ёрдамида улар маълум технологик операцияларни бошқарувчи ва ўзаро транспорт тизими билан боғланган қатор механизмлар - роботларни ўз ичига олувчи робототехника комплексини бошқаришни ўрганадилар.

Ўқувчиларни шахсий мойилликлари ва қобилиятлари билан боғлиқ ҳолда ҳамда мактабнинг моддий ва кадрлар билан таъминланганлиги имкониятларини ҳисобга олган ҳолда дастурнинг вариантлари танланади.

Ҳамма вариантдаги дастурлар меҳнат таълимининг ягона вазифаларини ҳал қилишга (ўқув вақтининг 70 фоизига қадар) мўлжалланган бўлиши, таркибидаги қатор асосий бўлимлар мазмунининг кичик вариантларига эга бўлиши ва шу билан бирга мактабларга ва ўқитувчиларга қўшимча бўлимларни мазмун жиҳатдан мустақил равишда тўлдириш ҳамда ўқувчилар билан ишлашни ташкил қилиш масаласини ҳал қилишда (ўқув вақтининг 30 % гача) катта имкониятлар бериши лозим.

Таҷрибали, малакали меҳнат таълими ўқитувчиларига маҳаллий шароитларга, ўқувчилар ишлаб чиқариш меҳнатини ташкил қилиш мазмуни ва шакллари ўқувчиларнинг кизиқишларига мослаштирилган таълим дастурларини мустақил ишлаб чиқиш ҳуқуқини бериш зарур. Шу мақсадда ўқувчининг шахсий сифатларига турли вариантлардаги политехник талаблар, шакллантириладиган фикрлаш шакллари, ўқувчилар фаолияти турларига мувофиқ бўлган билим ва ўқувларнинг мажбурий минимуми ва уларни шакллантириш усуллари ҳақида умумий кўрсатмалар рўйхати шаклидаги янги турдаги дастурлар ишлаб чиқиш лозим. Дастурларда асосий йирик бўлимлар сифатида қуйидагиларни ажратиш тавсия қилинади: технология асослари, техника элементлари, касб танлаш асослари, ишлаб чиқариш асослари, ишлаб чиқариш меҳнати. Бу бўлимларнинг ҳаммаси V-IX синфгача барча синфлар дастурларида берилиши ёки фақат айрим синфларда тўплаб берилиши мумкин. Бундай касб танлаш асослари, ишлаб чиқариш асослари каби бўлимларни асосий мактабнинг битирув синфларида шу билан бирга, «Меҳнат таълими» ўқув фанининг

бир қисми сифатидаги «Ишлаб чиқариш асослари», «Касб танлаш» курси кўринишда тўплаб ўтказиш кўзда тутилади.

Мазмунини табақалаштириш, меҳнат таълимини ташкил қилиш каби технология асослари ва ишлаб чиқариш меҳнати бўлимларига ва шунга мувофиқ равишда маълум даражада техника асослари бўлимга кўпроқ тегишли бўлади.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда мактабга дастурнинг қуйидаги ҳар хил шароитларда амалга ошириш мумкин бўлган вариантларидан кераклисини танлаш имкони берилиши керак:

1. V-VII синф ўқувчилари меҳнат таълимини мактабдаги ва мактаблараро ўқув ва ўқув ишлаб чиқариш устахоналарига олиб бориш ва бу таълимни битта турдаги (ихтисослик) бўйича VIII-IX синфларда ҳам мактабларда, ўқув цехларида, касб-ҳунар коллежида ва шу қабиларда давом эттириш.

2. Юқорида айтилганидек, меҳнат таълимини VIII-IX синфларда 3-4 меҳнат тури (ихтисослик) бўйича давом эттириш.

3. Юқоридаги 1- ёки 2-вариант бўйича меҳнат таълимини олиб бориш, лекин ўқувчилар V-IX синфгача асосий технологиянинг фақат 2-3 та тури бўйича билим, ўқувларни эгаллайдилар. Масалан, металлга, ёғочга, газламаларга ишлов бериш, қишлоқ хўжалик ишларини бажариш билан боғлиқ (ўқувчининг танлаши билан ва унинг мойилликлари, психологик-физиологик имкониятларини ҳисобга олган ҳолда) технология турларини ўргатилади.

Ўқувчилар меҳнат таълимини ривожлантиришнинг истиқболли йўналиши унинг янги техника ва технология билан таништирашга қаратилган техникавий даражасини оширишдан иборат. Бунинг зарурлиги замонавий ишлаб чиқаришнинг юқори даражада техникавий таъминланганлиги, компьютер техникасидан ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш ҳамда бошқарув соҳаларида кенг фойдаланиш билан ёшларнинг техникавий кам тайёрланганлиги орасидаги мавжуд зиддиятлардан келиб чиқади. Бунда техникавий тайёргарлик деб фақатгина маълум билим, ўқувлар йиғиндиси эмас, балки шахснинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш ҳам тушунилади.

Муаллифнинг ташаббуси билан ўқувчилар меҳнат таълими дастури ишлаб чиқилган. V-VIII синф ўқувчиларининг юқори техникавий даражадаги меҳнат таълими дастури ишлаб чиқилган, унинг мазмунини танлаш учун асосий қоидалар замонавий ишлаб чиқаришни автоматлаштиришнинг етакчи хусусиятлари

ҳисобланади. Булар ҳозирда қўлланилаётган техника ва технология инсонни ишлаб чиқариш жараёнидан маълум технологик операцияларнинг зарурий бажарувчиси сифатида озод қилиш ва унга лойihalаш, режалаш ва бошқариш вазифаларини беришга қаратилганлигидан иборат. Ҳозирги ишлаб чиқаришда технологик операциялар ва ҳаракатларнинг бажарувчиси сифатида ҳар хил робототехник мажмуалар (комплекслар), ишлов берувчи марказлар, ротор тармоқдаги (линиялари) хизмат қилади, уларнинг ишини инсон компьютер техникаси ёрдамида бошқаради.

Юқори техника даражадаги меҳнат таълими мактаб битирувчиларига маълум касбий фаолиятда ёки у ёки бу соҳада техникадан фойдаланиш учун зарур махсус билимларни ўргатиш мақсадини қўймайди. Бу касб-хунар мактабининг вазифаси ҳисобланади. Ўқувчилар халқ хўжалигида қўлланиладиган техниканинг энг типик намуналари ишлаш принциплари, тузилиши ҳақида тушунчалар олишлари лозим. Бунда ўқувчилар меҳнат таълими жараёнида танишадиган янги техника уларда янгича фикрлашни ва янги техникавий маданиятни мулоқотнинг янги воситаси сифатида шакллантириш воситаси бўлиб хизмат қилади. V-VIII синфларда янги техникани ўрганишга дидактик ёндошув қўйидагилардан иборат:

V-синфда ўқувчилар робототехника мажмуаси ва уларни компьютерлар ёрдамида бошқариш ҳақида умумий маълумотлар олишлари лозим. Бунини амалий ўйин элементлари бўлган амалий ишлар туркумини бажариш орқали амалга оширилади. Ўқувчилар бундай ишларни бажариш натижасида ҳар хил ҳаракатлар ва операцияларни билдирувчи белгилар (символлар) ёрдамида технологик жараёнларни тузиш ва уларни компьютер орқали бошқаришни ўрганишлари лозим. Бу синфда назарий ва амалий машгулотлар кизиқарли шаклда ташкил қилиниб, ўқувчиларда техникага кизиқишни ривожлантиради.

VI-синфда ўқувчилар замонавий техниканинг тузилиши ва ишлаш принципларига доир робототехника мажмуаси қандай тузилганлигини тушунишларига имкон берувчи хусусий масалалар билан танишувлари лозим. Физика дарсларида олган билимлари роботлар мажмуасининг механик қисми тузилиши, узатиш ва бошқариш тизимлари билан танишишлари учун зарурий асос бўлади.

Ўқувчилар роботлар ишини сонли дастурланган бошқарувли (СДБ) станоклар билан ишлашда қўлланиладиган махсус Т-тили операторлари ёрдамида бошқаришни ўрганадилар.

VII-синфда ўқувчилар ракамли ва электр сигналларни ўзгартириш, энг оддий мантикий схемалар билан танишадилар. Айрим узелларни махсус (шаффоф) моделлар ёрдамида ўрганадилар, «компьютер-интерфейс-робот» тизимида сигналларни тўғри ва тескари йўналишларда узатиш дастурлаштириш тилида энг оддий дастурлар тузиш билан танишадилар.

Ўқувчиларни янги техника билан таништириш уларга замонавий ишлаб чиқариш ҳақида тушунчалар бериш учун етарли эмас. Машиналар, ускуналар, приборлар, механизация ва автоматизация воситаларини сифат жиҳатидан такомиллаштириш иктисоднинг интенсив ривожланишга ўтиши, индустриянинг кўп соҳаларида технологик ўзгаришларни амалга ошириш учун асос бўлади.

Янги техникани ишлаб чиқиш ва у билан замонавий ишлаб чиқаришни жиҳозлаш тадбирлари энергия ва табиий ресурслардан фойдаланишда тежамли, юқори ишлаб чиқарувчан, мослашувчан, экологик хусусиятларга эга янги технологик жараёнлар яратишга қаратилган. Замонавий ишлаб чиқариш ҳақида тўлиқ тасаввур олиш учун ўқувчилар янги техникани унинг технологик қўлланилиши жараёнида ўрганадилар.

Мамлакатимизда аграр масалаларни ҳал қилиш қишлоқ умумтаълим мактабини, шу жумладан, қишлоқ жойлардаги оз комплектли мактабларни ривожлантириш билан бевосита боғлиқ. Оз комплектлик мактабнинг кўп муаммолари орасида меҳнат таълими муаммолари ҳам олдинга сурилади, чунки оз сонли ўқувчилар (1-10 нафар) билан машгулотлар ташкил-қилиш ва ўтказиш усуллари синфларда ўқувчилар сони тўлиқ бўлгандаги ишдан тубдан фарқ қилади. Синфда ўқувчиларнинг оз бўлиши таълим мазмунини, усуллари ва воситаларида ўзгаришларга олиб келади. Бу эса ўқитувчидан кўпроқ ишлашни талаб қилади. Юқорида кўриб ўтилган меҳнат таълими вариантларидан оз комплектли мактаб энг мақсадга мувофиқли учинчи вариант ҳисобланади.

Шундай қилиб, V-VII синфларда мавжуд меҳнат таълимига нисбатан табақалаштиришни ва вариантлиликни янада ошириш таклиф қилинади. Шунда ўқувчиларнинг шахсий қобилиятларини ривожлантириш, ўқувчиларнинг ишга ижодий ёндошувлари меҳнат таълимининг мазмуни ва ташкил қилинишини мактабнинг, шу жумладан, оз комплектли мактабнинг маҳаллий шароитларига, атрофидаги ишлаб чиқаришга мослаштириш учун кенг имкониятлар очилади.

Юкори, VIII-IX синфларда меҳнат таълими ўқувчиларнинг политехник таълими асосига қурилади, лекин касбгача тайёрлик йўналишига эга бўлади. Улар меҳнат таълими жараёнида танлаган йўналишларидан бири бўйича ҳақиқий меҳнат фаолиятига қўшиладилар, бу фаолиятнинг улар чуқур ўрганиш учун танлаган ўқув фани ихтисосига мувофиқ бўлиши унинг тўғри танланганлигига ёки ўзгартириш лозимлигига ишонч ҳосил қилиш учун ёрдам беради. Масалан, ўқувчилар чуқур ўрганиш учун физикани танлаган бўлсалар, уларга меҳнат таълими ва ишлаб чиқариш меҳнати жараёнида шу фан билан боғлиқ ихтисосликлар билан электроника, электротехника, робототехника, гидравлика, пневматика ва шу кабилар; чет тилини танлаганларга - машинкада ёзув, стенография, техника адабиётини таржима қилиш ва шу кабилар бўйича амалий кўникма ва малакалар олишлари таклиф қилиниши мумкин.

Ўқувчилар ва ота-оналар хоҳиш билан, ижтимоий эҳтиёж, зарур моддий асос ва ўқитувчи кадрлар бўлганда касб таълими ихтисослаштирилган синфлар ва мактабларда амалга оширилиши мумкин.

Мавжуд амалиётни, шу масала бўйича халқаро тажрибани ва жамият ривожланиши истиқболларини (меҳнат ва моддий ресурсларни) таҳлил қилган ҳолда юкори синф ўқувчилари меҳнат таълимнинг бир нечта вариантлари таклиф қилишади:

1. Умумтаълим фанларидан бири чуқур ўрганиладиган мактабларда (синфларда) меҳнат таълими касбий йўналишга эга бўлиб, шахснинг танланган йўналиши бўйича амалий меҳнат соҳасида ишлаш билан фаол кириб боришига ёрдам беради. Ўқувчиларда шакллантириладиган махсус билим, ўқув, кўникмалар ҳажми ягона давлат малакалар тизими (ЯДМТ, русчаси - ЕГКС) талабларига жавоб бермайди, уларга малака разряди берилмайди, лекин, агар хоҳласалар, қўшимча яққа меҳнат таълими (ёзги таътил вақтида) олсалар, ўрта мактаб битирувчиларига малака имтиҳонлари топширишга рухсат берилади.

2. Меҳнат таълими чуқур ўрганиладиган мактабларда (синфларда) бу таълим политехник таълим асосида амалга оширилади, тайёргарлик даражаси билан касб-хунар коллеж ёки дастлабки разряд даражаси билан ишчи малакасига яқинлашади, (лекин, касбнинг хусусиятлари ва мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилган ёндошув билан амалга оширилади). Бу иш махсус дастурлар

бўйича, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини, мактабнинг хусусиятларини ва материалларнинг қайта такрорланишини, албатта, бартараф қилинишини ҳисобга олган ҳолда олиб борилади. Натижада ўқувчилар оммавий касблардан бирини эгаллайдилар.

3. Анъанавий (табакалаштирилмаган) мазмундаги таълим бериладиган синфларда меҳнат таълими мактабнинг моддий негизини ва унинг атрофидаги ишлаб чиқаришни ҳисобга олган ҳолда меҳнат турларидан бири бўйича олиб борилади. Бунда меҳнат таълими касбий йўналишга эга бўлади, лекин касбгача тайёрлик даражасида қолади, яъни ўқувчиларда аниқ бир касб бўйича ишлаб чиқариш меҳнатига кириб бориш имконияти берадиган фақат айрим билим, ўқув, кўникмалар шаклланади.

Бир нечта ҳар хил ихтисослар бўйича таълим бериш мумкин. Айрим ўқувчиларга ўз хоҳишларига кўра қўшимча яқка меҳнат таълими ташкил қилинган (дарсдан ташқари ва таътил вақтида) бўлса, бошлангич разряд учун малака имтихонлари топиришларига рухсат бериш мумкин.

Меҳнат таълим ўқувчиларнинг компьютер саводхонлигини шакллантиришда ахборот техника воситалари муносиб ўрин эгаллаши лозим. Уларни автоматика воситалари билан жиҳозланган замонавий ускуналарда меҳнат фаолиятига жалб қилиш, бу техникани меҳнат дарсларида ўрганиш компьютерлар, билан фаол таништиришга ёрдам беради, уларни халқ хўжалигида, қулланиш соҳаларини ва йўлларини очиб беради. Автоматлаштирилган иш жойларида, СДБ станокларда, бошқа автоматлаштирилган ускуналарда ишлаш усулларини эгаллаш ўқувчиларга компьютер билан мулоқотга қийналмасдан ўтишга имкон беради, ахборотларни тузиш ва ишлов бериш усуллари билан таништиради, хаётий ва ишлаб чиқариш масалаларини ҳал қилиш учун компьютер дастурлари тузиш қобилиятини ҳамда компьютер воситалари билан ишлашнинг амалий кўникмаларини шакллантиради.

Меҳнат таълими энг янги техникавий ютуқлар билан қуролланиши ва улардан тўғри фойдаланиши керак. Меҳнат таълими мазмунида бир қанча мавзулар ва услубиётида бир қанча жиҳатлар борки, улар ўқув фаолиятини ва ўқитувчи меҳнатини такомиллаштиришнинг янги ва самарали воситаси бўлган компьютердан фойдаланиш ҳисобига жуда ҳам бойитилиши мумкин. Компьютер ўқув-жараёнининг

ажралмас қисми бўлиб қолиши лозим. Меҳнат таълимида компьютердан куйидагича фойдаланиш мумкин:

Дидактик восита сифатида компьютердан ўқувчиларнинг билим, ўқувларини баҳолаш воситаси, таълимнинг танланган стратегияси самарадорлиги ўлчови сифатида фойдаланиш билан таълим жараёнининг маълум масалалари ҳал қилинади.

Меҳнат фаолияти воситаси сифатида компьютер ёрдамида ўқувчиларни ишлаб чиқариш меҳнатига жалб қилиш билан боғлиқ ҳолда айниқса долзарб бўлиб бораётган, ўқувчилар томонидан бажариладиган меҳнат операцияларининг техник-технологик даражасини ошириш мумкин.

Меҳнат таълимининг политехник йўналишини ўқувчиларда ишлаб чиқариш хусусиятига эга аниқ масалалар асосида компьютер техникасининг имкониятлари ҳақида тушунчаларни шакллантириш имконини берувчи восита сифатида фойдаланиш мумкин.

Ижтимоий фойдали, ишлаб-чиқариш меҳнати. Мактаб ўқувчиларининг ишлаб чиқариш меҳнатига, ижтимоий меҳнат муносабатлари тизимига фаол кириб боришларига ёрдам бериш, уларга ҳар хил меҳнат кўникмалари бериши лозим. Ўқувчиларнинг меҳнати мақсадга мувофиқ, чинаккам ҳаётини эҳтиёжлар билан боғлиқ, жамият ва оила учун фойдали бўлиши, билим ва қувониш манбаи бўлиб чиқиши лозим.

Психологларнинг тадқиқотлари билан аниқланганки, ўқувчиларни ишлаб чиқариш меҳнатига жалб қилиш уларнинг ёш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак. Ўқувчиларнинг мустақилликларини ривожлантириш, уларнинг масъулиятлари даражасини ошириш, ижтимоий фаолликларини ишга солиш ва фаоллаштириш учун уларни катталар билан бир қаторда ижтимоий фойдали маҳсулот ишлаб чиқариш иш нормаларини, завод режасини бажариш каби ишларга жалб қилиш лозим.

Ўқувчиларимизнинг меҳнат фаолияти мотивлари ўзгаришини тадқиқ қилишда олинган натижаларни таҳлил қилиш кўрсатдики, меҳнат фаолияти шакллари ва мазмуни, унинг усуллари, ишчилар жамоасидаги ўзаро муносабатлар шакллари аста-секин (ёш ўсиши билан) мураккаблашиб бориши зарур. Ўқувчиларни ишлаб-чиқариш меҳнатига жалб қилиш мустақиллик, ижодий ташаббус, жамоада меҳнат қилиш сифатларини ҳосил қилиб, ўқувчининг обрўсини оширади.

Ҳар бир ўқувчи маълум ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга қаратилган ва шахснинг ҳар томонлама ривожланишига ёрдам берувчи изчил, ўлчовларга эга бўлмаган ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашиши лозим. Бу меҳнатнинг турлар мактаб томонидан ўз-ўзига хизмат кўрсатиш, мактаб атрофини ободонлаштириш, мебель ўқув-кўргазма қўроллари таъмирлаш эҳтиёжларини ҳамда оталиқ корхоналар, маҳаллий ҳокимият идораларининг тавсияларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Экологик тарбия мақсадларида ўқувчиларнинг табиатни асраб авайлаш фаолиятларига алоҳида эътибор берилади.

Эҳтиёж қийматига эга бўлган, корхоналар, жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари, ширкатлар, мактаблар, мактабгача муассасалар ва шу қабиларнинг ижтимоий-эҳтиёжлари қондириш учун зарур бўлган моддий ва бошқа қийматлар яратишга қаратилган ва ўқувчилар шахсининг ҳар томонлама ривожланиши мақсадларида фойдаланиладиган ишлаб чиқариш меҳнатига ўқувчиларни фақат меҳнат таълими жараёнида жалб қилиш билан чекланмасдан, ишлаб чиқариш меҳнати учун ҳафтасига 1-IV синфларда 2 соатдан, V-VII синфларда 4 соатдан ва VIII-IX синфларда 6 соатдан ажратиш зарур. Унда мазкур соатлар замида ташкил этилган меҳнат таълими ихтисослаштирилган ёки чуқур ўзлаштириш мавқени эгаллаган мактаб ҳисобланади.

Ҳар йили меҳнат амалиётида ишлаб чиқариш меҳнати асосий ўрин эгаллаши: V-VII синфларда - 10, VII-VIII синфларда - 16, IX синфда - 20 кун бўлиши керак. Бошланғич синф ўқувчиларининг ишлаб чиқариш меҳнати учун шароит яратилган мактабларда бунинг учун II-IV синфларда ҳафтасига 1 соат сақланиши керак.

Ўқувчиларни ишлаб чиқариш меҳнатининг ҳар хил турларига жалб қилишда албатта уларнинг қизиқишлари ва мойилликлари, уларнинг табақали ўқитиш бўйича танлаган соҳалари ҳисобга олиниши лозим. Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш меҳнатида иштирок-этишлари учун ҳафтанинг кунини ва вақтини танлаш имкониятларини кўзда тутиш зарур. Бундан ташқари ушбу ишлаб чиқариш меҳнатини уларнинг ташаббуслари билан ва машғулотлардан бўш вақтларида мажбурий ишлаб чиқариш меҳнати ташкил қилинган жойнинг ўзиде ташкил қилиш имкониятини назарда тутиш лозим.

Ижтимоий фойдали, ишлаб чиқариш меҳнатини ташкил қилишнинг асосий шакли - ўқувчилар меҳнат жамоаси, синф, турли ёшдаги ўқувчилардан иборат гуруҳ.

Ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаси, меҳнат ва дам олиш лагери, ширкатлар ва ўқувчиларнинг бошқа меҳнат уюшмаларидан иборат. Аралаш бригадалар, катта ёшдагилар ва ўқувчилардан иборат гуруҳлар катта тарбиявий имкониятларга эга. Бунда ўқувчиларнинг меҳнатни ва касбий фаолиятни ҳақиқий шароитларда ўзлаштиришлари уларда чинакам меҳнат ва касб кўникмалари шаклланиши учун жуда ҳам зарур шартлардан ҳисобланади.

Меҳнатнинг натижалари - (маҳсулотлар ва ишлар рўйхати, уларнинг ҳажми, сифати ва бошқалар) корхона, жамоа ҳўжалиги учун аҳамиятли бўлиши ва мактаб учун қисман ўз-ўзини таъминлаш, ўз-ўзини молиялаштириш, ўқувчиларни моддий ва маънавий усуллар билан рағбатлантириш имкониятини бериши лозим. Ўқувчиларнинг меҳнат фаолиятига педагогик раҳбарликлар фаолиятининг етарлича мураккаблиги даражаси ўқувчилар учун енгиллиги билан, меҳнатнинг аклий ва сенсомотор, ижрочилик ва ижодийлик компонентлари билан қўлда бажариладиган ва механизациялашган ишлар билан мувофиқ бўлишини таъминлаши; улар томонидан тугалланган ишлаб чиқариш цикли бўйича; шу жумладан, ишлаб чиқаришни техникавий, тайёрлаш жараёнлари (конструкторлик, технологик, ташкилий) бўйича меҳнат объектлари ва воситаларини такомиллаштириш, уларни меҳнатни режалаштириш ва меъёрлаштиришга бевосита киритиш, меҳнат натижаларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш ҳамда иқтисодий фаолиятнинг бошқа турлари юзасидан ижодий топшириқлар бўйича ҳар хил фаолият турлари бажаришлари назарда тутилиши лозим.

Меҳнат объектлари, предметлари ва воситалари техниканинг кенг соҳаси учун умумий бўлиши, ишлаб чиқаришдаги илмий техника таракқиёти хусусиятларига мувофиқ бўлиши, ўқувчилар бажара оладиган ва улар учун хавфсиз бўлган замонавий техника ва технология турларини ўз ичига олиши; операцияларнинг яхлит (комплекс) амалга оширилишини қўлланилаётган меҳнат воситаларининг ҳар хиллигини, таълим жараёнида ўрганилган билим, ўқув, кўникмалардан фойдаланишни кўзда тутиши лозим; меҳнат объектлари ижтимоий фойдали хусусиятга, бевосита ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлиши лозим; ўқувчилар иш жойларини ташкил қилишда фақатгина уларнинг техникавий ва ташкилий даражасини, меҳнат шароитлари хусусияти ва хавфсизлик техникасини эмас, балки уларга бўлган педагогик талабларни (ташкилий

педагогик, техник-педагогик, эргонолик-педагогик, психологик-педагогик) ҳам ҳисобга олиш зарур.

Ўқувчиларнинг ижтимоий фойдали, ишлаб чиқариш меҳнатларига район (шаҳар) даражасидаги педагог раҳбарлик мактабларнинг таянч корхоналарини танлашни, уларнинг ўзaro қобилиятига бўлган педагогик талабларга риоя қилинишини; ўқувчилар меҳнатини педагогик ва иқтисодий жиҳатдан асосланган шаклларда (ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари ва уларнинг шохобчалари, мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари, ўқув цехлари ва участкалари, мактаб заводлари, фермалари, ширкатлари, тикувчилик ательелари, мактаб ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқалар) мувофиқлаштириш ва марказлаштиришни мактаб ва корхоналарнинг; ўқувчилар меҳнатини ташкил қилиш ва унга педагогик раҳбарлик қилишга жалб қилинган ходимларининг услубий тайёргарлиги ва таъминоти тизимини; таълимнинг ишлаб чиқариш меҳнати билан бирлашувини услубий жиҳатдан таъминлашда мактабнинг етакчилик роли амалга оширилишини таъминлаши лозим.

Ишлаб чиқариш меҳнатини ташкил қилиш учун моддий негизнинг ҳар хил турларида - мактаб ишлаб чиқариши (ўқув ишлаб чиқариш устахоналари, мактаб заводлари, фермалар ва шу кабилар), ўқув-ишлаб чиқариш кабинетлари, ўқув цехлари ва участкалари корхоналардаги шахсий ўқувчилар иш жойлари ҳамда касб ҳунар коллежлари устахоналаридан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ушбу негизда ва бевосита моддий ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш корхоналарида ўқувчиларнинг дарслан ташқари вақтдаги, энг аввало, таълимлар давридаги меҳнат фаолиятлари ҳамда ўқувчилар ёки мактаб ширкатлари ташкил қилинади. Ширкатлар ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг истагига кўра, ихтиёрий асосда ташкил қилинади. Бунда ўқувчиларда худбинлик, шахсий даромад кетидан қувиш, жамоа манфаатларига эътиборсизлик табиий ҳислатлар шаклланишига йўл қўймайдиган шароитлар ҳосил қилиниши керак. Мактаб ширкатлари асосан моддий қийматлар ишлаб чиқариш (мактаб ва мактабгача муассасалар учун асбоблар, жиҳозлар, кўргазмали куруллар, спорт-соғломлаштириш анжомлари, ўйинлари, тикувчилик маҳсулотлари тайёрлаш ишларини бошқариш; жониворлар ва ўсимликлар ўстириш, таянч ва бошқа корхона буюртмаларини бажариш ва шу кабилар) билан шуғулланиши лозим.

Ўқувчилар жамоаси ишлаб чиқариш меҳнатини ташкил қилишнинг ўзини оқлаган шакли доимий ишлаб чиқувчи меҳнат бирлашмаларидир. Уларнинг

ривожланиб бориши ўқувчиларнинг халқ хўжалигида кучлари етадиган ишга кўнгилли равишда жалб қилишга, таълимнинг ишлаб чиқариш билан бирлашуви принципини янада, тўлароқ амалга оширишга ёрдам беради. Меҳнат бирлашмасида иштирок қилиш умутаълим, умумполитехник билимларни амалда қўллаш ишлаб чиқариш жамоаларида бевосита мулоқотда бўлиш, зарур тажрибаларни ўзлаштириш, ишлаб чиқариш ва тарбиявий масалаларни мустақил равишда ҳал қилиш имкониятларини беради.

Натижада фуқаро шахсининг таркиб топиши ва меҳнатта жамият олдидаги бурч, энг биринчи ҳаётий эҳтиёж сифатида муносабатда бўлиши тарбиялаш жараёни жадаллашади.

Ўқувчилар меҳнат бирлашмаларининг ижобий хусусиятлари меҳнатини ташкил қилишнинг бригада шакллари, хўжалик ҳисоби элементлари, ўқувчиларнинг меҳнатини режалаштириш ва натижаларини меҳнатда иштирок этганлик коэффициентини қўллаган ҳолда баҳолашга фаол жалб қилиниши уларнинг иқтисодий тарбиясига ҳамда меҳнат воситалари ва натижаларини кадрлаш ва эгаллик ҳиссиётини шакллантиришга ёрдам беради.

Ўқувчилар меҳнат бирлашмаларининг тарбиявий имкониятларини амалга оширишнинг асосий шартлари. Ишлаб чиқариш жамоаси ва унинг жамоатчилик ташкилотлари билан ҳақиқий алоқани таъминлаш; ўқувчиларнинг ёш ва шахсини, хусусиятларини ҳамда улар меҳнати ва ижтимоий муҳитнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларни меҳнатда тарбиялашда табақалаштирилган ёндошувни қўллаш; ҳар бир ўқувчининг меҳнат ва ижтимоий фаолиятдаги ўрнини жамоанинг таъсири ва шахсий жамоатчилик топшириқлари асосида фаоллаштириш; меҳнат бирлашмаси мактабдаги ўқув фаолиятининг мактабдаги умумий ўқув тарбия, жараёни билан боғлиқлигидан иборат. Меҳнат бирлашмалари раҳбарларни тайёрлашда меҳнат тарбияси вазифаларини ҳал қилиш ва ўқувчилар шахсининг шакллантиришда узвийликни таъминлашга алоҳида эътибор бериш талаб қилинади. Ушбу шартларга риоя қилинган ҳолда меҳнат бирлашмасининг фаолияти мактаб ўқув тарбия жараёнининг табиий бўлагига, ёш авлоднинг меҳнат таълими барча тизимининг таркибий қисмга айланиб ўсиб келаётган авлоднинг ижтимоий ва касбий жиҳатидан ўз-ўзини тиклашига, ижтимоий-сиёсий билимларининг эътиқодга айланишга ёрдам беради.

Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш меҳнатини ташкил қилишда хўжалик ҳисобининг қуйидаги принципларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

1. Жорий хўжалик мустақиллигининг марказлаштирилган раҳбарлик билан биргаликда олиб борилиши. Бу принцип таянч корхона «хўжалик» томонидан ишлаб чиқаришнинг моддий асоси ва хўжалик ҳисобидаги топшириқлар билан таъминланган ҳолда ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш меҳнатини уларнинг ўзлари томонидан бошқариш билан ифодаланади.

2. Ишлаб чиқаришнинг ўзини-ўзи таъминлаши ва рентабеллиги. Бу принципнинг ўқувчилар ишлаб чиқариш меҳнатидаги моҳияти қатъий тежамкорлик тартибини жорий қилиш, ишлаб чиқариш учун ҳаражатларни камайтириш, фойдани кўпайтиришдан иборат.

3. Меҳнатнинг унумли натижаларида қўшилган шахсий ҳиссага мувофиқ ҳақ тўлашдан иборат моддий манфаатдорлик. Иш ҳақини тақсим қилишда меҳнатда иштирок коэффициентини ҳисобга олган ҳолда охириги натижа учун ҳақ тўлаш принциpidан фойдаланиш.

4. Мактаб ишлаб чиқаришига маълум моддий техника воситаларини ажратиб бериш йўли билан эришиладиган моддий жавобгарлик ва ўқувчиларни улардан тўғри фойдаланиш ва сақлашга ўргатиш.

5. Пул билан назорат. Бу принцип ўқувчилар ишлаб чиқариш меҳнатини уларга ўз меҳнатларига ва жамоа меҳнатини натижалари учун масъулиятни юклаш, меҳнат ва технология интизомини, ишларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш йўли билан амалга оширилади.

Ўқувчилар меҳнатиининг педагогик самарадорлиги унинг педагогик максадларига эришгандагининг кўрсаткичи сифатида икки асосий мезон ижтимоий-педагогик ва иқтисодий-педагогик жиҳатидан баҳоланади. Ижтимоий педагогик мезоннинг кўрсаткичлари қуйидагилар бўлиши мумкин: политехник, умуммеҳнат ва касбий билим, ўқув, кўникмаларнинг шаклланганлиги; меҳнатга иқтисодий муносабат ва ташаббускорлик, жамоада ишлаш кўникмаси, ёрдам бериш ва ёрдам олиш, ўз меҳнати ва бошқа одамлар меҳнати натижаларига ҳурмат билан караш; ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқарувини ривожлантириш ва унинг ишлаб чиқариш меҳнати мазмунига ва уни ташкил қилиниши сезиларли таъсири; касбий

қизиқишларининг шаклланганлиги, моддий ишлаб чиқаришда меҳнатга ижодий ёндошув.

Иқтисодий-педагогик мезон кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат: меҳнат топшириқларини белгиланган вақт меъёрларини (маҳсулот тайёрлашнинг) бажариш; маҳсулотнинг юқори сифати меҳнат ва технология интизомига риоя қилиш; меҳнатнинг иқтисодий кўрсаткичларини оширадиган рационализаторлик фаолиятида қатнашиш; меҳнат буюмлари ва воситаларига тежамли муносабатда бўлиш, меҳнатни илмий ташкил қилиш талаблари ва усулларига ва меҳнат маданиятига риоя қилиш меҳнатни режалаштириш меъёрлаштириш, назорат қилиш, ҳисобга олиш натижаларини таҳлил қилиш, унинг самарадорлигини ошириш йўлларини излаш бўйича иқтисодий фаолиятда қатнашиш.

Ўқувчилар меҳнат тайёргарлигида иқтисодий таълим. Иқтисодиётни интенсифлаштириш, илмий техника тараққиётида иштирок этиш меҳнат қилувчида ишлаб чиқаришга эгаллик қилиш сифатларини замонавий иқтисодий тафаккурни меҳнат натижаларини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш, қабул қилган қарорларини атрофлича асослаш қобилиятларини ривожлантиради. Шунинг учун иқтисодий таълимнинг аҳамияти бекиёс юқоридир.

Ишлаб чиқаришга эгаллик қилиш қобилиятлари меҳнатни бригада шакларида ва хўжалик принципларида (ширкат, жамоа, ижара пудрати, оилавий бригада ва бошқалар) ташкил қилинганда энг тўлиқ равишда шаклланади. Шундай шароитларда хўжалик юритиш ривожланади ва меҳнат жамоаси ишларига алоқадорлик ҳисси мустаҳкамланади, ҳар бир ишловчининг ишлаб чиқариш - иқтисодий фаолият натижалари учун масъулияти ошади, ўз-ўзини бошқариш ривожланади, ижодий имкониятлар ўсади.

Иқтисодиётимизнинг келгуси муваффақиятлари умумтаълим мактаблари битирувчилари янги хўжалик юритиш шароитларида меҳнат қилишга қанчалик иқтисодий тайёргарлик кўришларига жуда ҳам боғлиқ. Меҳнатни ташкил қилишнинг тараққийпарвар шакллари хўжалик ҳисоби принципларини жорий қилиш ҳозирча ўқувчиларининг меҳнат таълими жараёнида зарур даражада ҳал этилмаган.

Мактаб педагогик жамоалари, меҳнат ўқитувчилари, ишлаб чиқариш таълими усталарининг тажрибалари ишонарли равишда кўрсатадики, ўқувчиларнинг иқтисодий таълими ва тарбияси, бу масалага яхлит (комплекс) ёндошилган ҳолда энг

муваффақиятли даражада амалга оширилади. Бунда ўқувчилар иктисодий тайёргарлигини фан асосларини ўрганиш жараёнида, меҳнат таълимида, ижтимоий фойдали ишлаб чиқариш меҳнатида таянч, корхоналар фаолиятида ва оилада олиб бориш кўзда тутилади. Яхлит ёндошув мактаблар жамоалари орасида, таянч корхоналар ота-оналар жамоатчилиги орасида мустаҳкам алоқалар ўрнатишни ўқув-тарбия жараёни ҳамма бўғинидаги иктисодий таълим ва тарбия сифатини оширишни талаб қилади.

Меҳнат таълими тизимида ўқувчиларнинг иктисодий тайёргарлик умумий таълим ва тарбиянинг барча таркибий қисмлари яъни меҳнат, гоивий, сиёсий, ахлоқий, экологик ва бошқаларнинг ўзаро боғлиқлигини амалга оширишнинг ўзига хос зарурий имкониятидир. Унинг асосида онгли иктисодий фаолият учун билим ва ўқувлардан фойдаланиш ётади.

Иктисодий фаолиятнинг мақсади ижтимоий аҳамиятга эга. Маҳсулотнинг энг кўп миқдорини энг кам меҳнат ва моддий воситалар сарфлаган ҳолда олиш учун зарур шароитлар яратишдан иборат. Унинг мазмунига қуйидагилар қиради:

- бажариладиган ишни бажариш режалаштириш зарур материалларни, заготовкларни, асбобларни ҳисоб-китоб қилиш, талаб қилинадиган асбоб-анжомларни танлаш ва тартибини белгилаш;
- технологик жараёнларнинг бажарилишини назорат қилиш;
- ишлаб чиқилган маҳсулотни юқори ва сифати бўйича ҳисобга олиш ва баҳолаш;
- ишда йўл қўйилган хатоларни техникавий иктисодий жиҳатлардан таҳлил қилиш, моддий ва меҳнат сарфини камайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари ва воситаларида излаш ва жамоа билан муҳокама қилиш;
- ишлаб топилган маблағларни меҳнатда иштирок коэффициентини ҳисобга олган ҳолда, тақсимлаш;
- ишлаб чиқариш меҳнати жараёнида тайёрланадиган маҳсулотлар ган нархини ҳисоблаш уни камайтириш йўларини ва меҳнат ишлаб чиқариши рентабеллигини ошириш йўлларини излаш.

Иктисодий таълими қуйидаги масалалар мажмуини ҳал қилишга қаратилади:

- ўқувчиларни иктисодий билим, ўқув, кўникмалар билан қуроллантириш;

- ўқувчиларни ҳақиқий ишлаб чиқариш муносабатларга жалб қилиш, чинакам иқтисодий фаолият учун имконият яратиш;
- ташкилий ишларни мақсадга мувофиқ олиб бориш ва вақтдан унумли фойдаланиш кўникмаларини ҳосил қилиш;
- меҳнат маҳсулотларига моддий бойликлар ва атроф-муҳитга тежамкорлик билан онгли муносабатда бўлишни тарбиялаш;
- эҳтиёжларни уларни кондиришнинг иқтисодий имкониятлари билан мувофиқлаштириш кўникмасини шакллантириш;
- жамоада меҳнат қилиш ва яшаш, умумий меҳнатнинг охириги натижалари учун жавобгар бўлиш кўникмаларини тарбиялаш;
- меҳнат унумдорлигини ва сифатини оширишни таъминловчи техникавий ижодкорликка интилишини ривожлантириш;
- ўқувчиларнинг касбий мўлжаллари мамлакат халқ хўжалиги манфаатларига ва эҳтиёжларига мувофиқ бўлишига эришиш;
- иқтисодий мустақил ўқишнинг, иқтисодий адабнётлардан, справочниклар, хужжатлардан фойдаланишнинг дастлабки кўникмаларини шакллантириш;
- иқтисодий аҳамиятга эга шахсий сифатлар: саромжонлик, тежамкорлик, ҳисобдонлик, масъулият, тартиблилик, интизом, тadbиркорлик ва бошқаларни тарбиялаш.

Иқтисодий таълимни амалга оширишда тормозловчи таъсирларни енгиб ўтиш зарур. Шу мақсадда ўқувчилар ишлаб чиқариш таълимининг ташкил қилишда фақат катталар иштирок қилгандан воз кечиш лозим. Меҳнатни режалаштириш, меъёрлаш, ҳисобга олиш, назорат қилишга самарадорликни ошириш имкониятларни излашга, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, буюртмалари бўйича ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш меҳнатига ҳақ тўлашга, бунда асоссиз тенг тақсим қилишга йўл қўймаган ҳолда, ўқувчиларнинг ўзларини мунтазам жалб қилиш, ўқувчиларда молпарастликни, шахсий манфаатлар кетидан қувини тарбиялайдиган ишларни бартараф қилиш, меҳнат таълимини иқтисодий билим ва ўқувларга таянган ҳолда амалга ошириш ва уларни ўқувчилар меҳнатини такомиллаштириш учун фойдаланиш лозим.

Меҳнат таълимидаги техникавий ижодкорлик ва кишлоқ хўжалик тажрибакорлиги. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида хаваскорлик техникавий ижодкорлигини янада ривожлантириш, ёшлардаги ижодий қобилиятларни ҳар томонлана ривожлантириш, илмий ва илмий-техника ижодкорлигида иштирок учун рағбатлантириш масалаларининг аҳамиятига жиддий эътибор берилган. Шу талабларга мувофиқ ўқувчиларнинг ижодий фаолиятлари куйидаги йўналишлар бўйича ривожлантирилиши лозим:

- кичик, ўрта ва катта ёшдаги ўқувчиларнинг меҳнат таълимида техникавий ижодкорлик, шу жумладан ижодий асосдаги дастурлар вариантларини ишлаб чиқиш;

- ижтимоий фойдали, ишлаб чиқариш меҳнатида рационализаторлик фаолияти;

- мактабларда, КХҚ ва ЁТСларда ишлаб чиқариш техника тўғарақлари, ўқувчилар ташкилотларида таянч корхоналар, ОЎЮлардаги ёшларнинг ижодий ташкилотлари билан ҳамкорликда техникавий ижодкорлик;

- ўқувчиларнинг яшаш жойларида, корхоналарда, ИТИ ва бошқа ташкилотларда ташкил қилинадиган ёшлар ижодиёти марказлари ва хаваскорлар техникавий ижодкорлик клубларда ўқувчиларнинг техникавий ижодкорлик фаолияти;

- янги техникавий ечимларни ва ихтирочилик масалаларини излашга, шу жумладан, ЭҲМ ёрдамида ўргатиш;

Техника ижодиёти ва кишлоқ хўжали тажрибакорлигини ривожлантириш бўйича ишларда куйидаги шароитларни яратишга алоҳида эътибор бериш талаб қилинади:

- меҳнат таълими машғулотлари билан техника бўйича турли шакллардаги дарсдан ташқари ишларнинг ўзаро алоқасини таъминлаш;

- катта ёшдаги ўқувчиларни изланиш, илмий тадқиқот фаолиятига ёш ва тажрибали ихтирочи бунёдкор ўқитувчилар билан ҳамкорликда ишлашга жалб қилиш ижодий ҳал қилишини талаб қиладиган масалаларни машғулотларда ечиш бўйича қизнарли ўқув фаолиятларни ташкил қилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Шунда юқорида қайд этилган ҳар бир омиллардаги меҳнат таълимини йўналишлар, тармоқлари ҳамда уларда шаклланган билим, кўникма ва малакалар – мактаб битирувчиларни танлаган соҳа, мутахассислига ёки касблари бўйича академик лицей ёки коллежларга йўналтиришга имкон яратади.

1.3. Буюк мутафакирларнинг меҳнат таълими ва тарбиясига оид фикрлари

Ўзбек халқининг кўп асрлик тарихидан маълумки, халқ амалий безак санъати ва хунармандчилиги бой ва ранг-баранг ҳолатларда маданий меросимизнинг энг ажойиб оммавий қисмини ташкил қилиб келмоқда.

Бундай камолот ва тараққиёт босқичлари хақида фикр юритадиган бўлсак, ўзбек амалий санъати ва хунармандчилик турларининг шох илдизлари инсониятнинг болалиги, яъни ибтидоий; жамиятга бориб тақалишини гувоҳи бўламиз.

Бадий идрок қобилияти кишиларда оламни, ундаги мавжудодлар нарсалар ва воқеа ходисаларни, аторф мухитдаги шакллар ва рангаларни аниқ ҳамда стиллаштирилган тасвирларни яратиш шу тариха келиб чиқади ва ўз навбатида одамларнинг кундалик турмушидан ўрин ола бошлади. Натижада бадий безакларнинг ҳамда хунармандчилик фаолиятларининг турли туман шакллари ва турлари пайдо бўлади. Бошқа санъатларга ва касбларга нисбатан бундай нақшли безаклар кўплигининг ва такомил топганлигининг муайян тариф ва сабаблари бор. Маълумки, ислом мамлакатларида мавжудодлар тасвирини ишланмаган балки тасвирий санъатни чуқур фалсафий ёндошиш натижасида шартлилик, солиштириш, рамзийликка асосланган бадий безак асарларини яратиш кучайган. Ушбу тарихий ҳақиқат ўзбек миллий безак санъатининг гуркираб ривожланишига туртки бўлганки, hozirda жаҳонда машҳур меъморчилик ёдгорликларимиз ва улардаги ганчкорлик, Ўзбекистон шаҳарларидаги меморчилик ва халқ амалий санъати ёдгорликлари ўтмиш авлодларимиз яратган баркамол, тақрорланмас ва тарихан бебаҳо санъат асарларининг намуналари бўлиб, халқимизнинг ва шу билан жаҳон маданиятининг дурдоналаридан бўлган бадий ва маданий меросини ташкил этади.

Халқимиз амалий санъати кишиларнинг маънавий оламини бойитади, бадий дидини шакллантиради, руҳиятини тарбиялайди. Шунинг учун ўзбек халқи Амалий санъати кишиларнинг бадий ахлоқий, умуминсоний руҳда тарбиялайди.

Буюк мутафакирларни таълим-тарбияга оид фикрларини меҳнат таълими билан уйғунлаштирилиб фойдаланиш омиллари.

Маълумки Республикамиз мустақиллиги эълон қилинган сана 1991 йил 31 август халқимиз ҳаётига улуғвор воқеалардан ҳисобланади. Энди халқимиз ўзининг бой тили тарихи, маданияти, урф-одатларини ўрганиши тарғиб қилиш, ўзлигини таниш имкониятига эга бўлади.

Бу воқсадан сўнг кўп сонли меҳнат таълими ўқитувчилар жамоалари олдига Ватан равнақи учун хормай-толмай хизмат қила оладиган, Ватан йулида ўз жонини ҳам аямайдиган ёшларни тарбиялаш вазифаси қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим концепциясида ўқитувчи-мутахассис олдига турган вазифалар қуйидагича белгиланади:

1. «Мутахассис малакаси-чуқур умумий билим, кенг дунёқараш ва касбий тайёргарлиги, компьютер бўйича саводхонлиги, ўз билимини тезлик билан янгилаш, тўлдир а олиш қобилияти сингари омиллардан ташкил топади. Шулар қаторида уни мустақиллигига, Ватан ва жаҳон таракқиёти йулида эзгулик ва адолатга садоқат туйгуларини ҳам тарбиялаш зарур».

Бу вазифа ва талабалр ўқитувчида мужассамлашган бўлиши лозим. Бола дунёнинг, хаётининг қонуни ва қондаларни, сир-асрорларини ўқитувчидан ўрганати. Ўқитувчи эса болага ўз билганини ўргатади. Ўқитувчи меҳнат тарбия масалаларини ўргатишда алоҳида рол ўйнайди. У тарбиянинг моҳияти ва қонуниятларини ўргатади. Тарбиянинг умумий қонуниятларини-маъанвийтини, меҳнат тарбиясси, гоъвий-сий, ахлоқий, эстетик ўрганиш тарбияси асосан ташкил этади. Педагогика қонунларини чуқур билмасдан туриб, меҳнат тарбиявий ишини англаб, методларни танлаб олиш мумкин эмас. Ўқитувчининг кўп қирралли ва мураккаб фаолияти заминида ёш авлодни аниқ меҳнат заминида одобли, эътиборли қилиб тарбиялаш, уларни илмий билимлар билан қуроллантириш ётади. Буларни амалга ошириш эса меҳнат таълим ўқитувчисининг хилма-хил фаолиятига боғлиқ, болаларни ўқитиш, тарбиявий ишларни ташкил эта билиш ва хоказо. Буларнинг ҳаммаси ўқитувчидан чуқур билим ва кўникмага эга бўлишини, ўз соҳасини, болалаларни севишни талаб этади.

2. Инсоният тарққиётида меҳнат, таълим-тарбияга бўлган эҳтиёжни қондириш учун таълим-тарбия услубларини яратади. Маълумки, ибтидоий жамиятда кишилар ўзларининг жуда оддий меҳнат фаолияти жараёнида кўпгина эҳтиёжларини қондирганлар. Ўғил болалар эркақлар билан юриб ов қилиш, қурол яшаш ишларини бажарганлар. Қизлар эса уйда қолиб, оналарига қарашар, уй меҳнатининг барча турларини ўрганар эдилар. Бу даврда тарбия фақат оила доирасида олинар эди. Отаналар болаларига меҳнат қилиш асосида ахлоқ ва одобдан сабоқ бера бошлаганлар.

3. Меҳнат, таълим-тарбия ривожланиб бориши билан билим бериш ва кўникма ҳосил қилиш усуллари ҳам яратила бошланади. Одамларга таълим тарбия беришни касб қилиб олган кишилар ҳам пайдо бўладилар. Шулардан келиб чиққан ҳолда таълим-тарбия соҳаси ва шу соҳа соҳиблари вужудга келади. Аста-секин таълимий мақсадлар ҳам шаклланиб, одамнинг ижтимоий сифатлари аниқлана боради.

4. Геродотнинг «Тарих» китобида қадимги сақлар, форслар ва массагетлар инсондаги энг шарафлайдиган сифат асурликдир, дейишган. Шунга кўра улар ўғил болаларни беш ёшдан игирма бўлишига ўргатишган.

Зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авесто»да ҳам меҳнат таълим-тарбия масалаларига катта аҳамият берилган. Унда: «тарбия ҳаётининг энг муҳим тиргаги, таянчи бўлиб ҳисобланиши лозим. Ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш лозимки, у аввал яхши ўқишни, кейин эса ёзишни ўрганиш билан энг юксак поғонага кўтарилсин» дейилган.

Имом ал-Бухорийнинг тарбия ҳақидаги қарашларида жаҳолат кишига ўлим келтирувчи фожеа сифатида қораланади. У одамларни тўғри сўзли бўлишга, ваъдага вафо қилишга даъват этиб, мунофиқ кишининг учта белгисини кўрсатади, улар ёлғон гапириш, ваъдага вафо қилмаслик ва омонатга хиёнат қилишдан иборатлигини айтган Имом ал-Бухорийнинг таълим-тарбия хусусидаги таълимотида ахлоқий қарашлар муҳим ўрин тутади. Унинг уқтиришича, баланд товуш билан ўринсиз кўп қулиш бошқалар дилнга озор берувчи хислатдир. У ўз таълимотида билим ўрганш, уни ўргатиш йўллари ва усуллари масаласига ҳам алоҳида эътибор берган. Тарбия кишилик жамияти ибтидосида пайдо бўлган ва инсон манфаатлари учун хизмат қилиб келган. Катталар ўзлари турмуш жараёнида ортирган тажрибаларини ўзидан кейинги аёлларга ўргатиб берганлар.

Қулдорлик даврига келиб, билимларни табақалаштириш анъанаси пайдо бўлди. Масалан қулларнинг болалари оғир ишларни бажаришга ўргатилади. Қулдорларнинг болалари эса, қуллар устидан ҳуқумронлик қилишга тайёрланади. Шу боис уларга сабоқ бериш зарурияти тўғилади. Бу эса ўқишга, ўрганишга маҳсус. шу соҳани биладиган одамларни жалб этишни тақазо қилади. Бу ҳол мактаб ва ўқитувчиларга бўлган заруратни келтириб чиқаради. Кейин эса мактабларни ривожлантириш, янги ўқув юртлирини барпо этиш, жамият тараққиёти талабига жавоб берадиган кадрларни тайёрлашни турли усул ва йўлларини кўриб чиқмоқда. Педагогика

фанининг мазмунини бойитиб ва ривожлантириб борадиган қатор манбалар мавжуд мақолларда, эртақ ва дostonларда, ашулаларда, удумларда топишмоқалар тарбия ҳақидаги халқ донишмандлиги кэмраб олинган. Ҳозирги замон Фан ва техника тараққиёти юзасидан эркин фикр юрита олиши, фан ютукларини ўқувчиларни ҳам ижодий фикрлашга тадқиқот ишларига ўргата олишни талаб қилади. Шунинг учун ўқитувчи аввало тадқиқотчилик малакасини эгаллаши зарур.

Меҳнат таълими ўқитувчиси илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш билан бирга омилларни тўплайди. Таҳлил қилади, улар асосида хулосалар чиқаради. У Фан хулосаларидан ўзининг амалиёт фаолиятларида фойдаланиш учун зарур бўлган жуда муҳим фазилатларни эгаллайди. Жамиятимизда содир бўлаётган туб ўзгаришлар, бозор муносабатларига кириб боришимиз ўқитувчидан фақат касбий билимларни, балки иқтисодий, оралик, техникавий билимлардан хабардор бўлишни тақазо қилмоқда. Бу ўринда ўқитувчи ва унинг меҳнати ҳақида буюк алломалар фикрларига алоҳида таъсир кўрсатади.

Бунда технология ва ижтимоий омилларга асосланилади. Яъни, кўрсатилаётган таъсирнинг самарасини билиш учун ўқувчининг сезги, идроки, тасаввур, диққат ва тафаккур-меҳнат жараёнида фикрлаш жараёнининг билишига асосланиб, таъсир кўрсатиш режасини белгилайди.

Ўзбекистоннинг ҳозирги даври, бунда кейинги тараққиёт ва истиқбол ҳамда мустақиллигининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий-маънавий заминларини мустаҳкамлаш учун ёш авлодга Дунё стандартлари талаби даражасида билим беришимиз зарурдир. Демак, ўқитувчи педагоглар олдида турган энг муҳим ва долзарб муаммолардан бири - Ўзбекистон ҳудудида яшовчи ҳар бир фуқарони, ҳар бир миллат, элат кишиларини тарбиялаш мустақил республикамизнинг онгли фидойисига, уларнинг фарзандларини баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга ўзларида бор куч қувватларини ва билимларни беришлари лозим. Чунки жамият манфаати йулида барча билим, қобилияти ва истеъдодини бахшида этишга тайёр турган етук ўқитувчилар, уддабурон ёшлар, фидойиларни тарбиялаш зарур. Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, ёш авлодни тарбиялаб етиштириш мукаддас бурчимиз, ор-номусимиз. Ёшларимизни тарбиялаш учун биринчи галда шарқ мутафаккирларининг дуру-жавҳарига тенг маънавий мерослари мисол бўлла олади. Абу Наср Фаробий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Накшбандий, Имом ал-

Бухорий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Ал-Хоразмий, Ал-Фаргоний, Фирдавсий, Амир Темур, Навоий ва Бобур сингари жаҳонга таникли ва шулар сингари бошка ақл эгаларининг ижтимоий-сиёсий, фалсафий таълимотларига таяниб иш кўрилса тарбия таъсирчанлиги янада мукамаллик касб этади.

Ўрта аср ижтимоий-фалсафий фикр тараққиёти мутафаккир Абу Наср Фаробий номи билан боглик бўлиб унинг инсон камолоти ҳақидаги таълимоти таълим-тарбия соҳасида катта аҳамиятга эга. Машҳур Юнон файласуфи Арастотель кейин Шарқда ўз билими, фикр дорасининг кенглиги билан ном чиқарган йирик мутафаккир Фаробийни «муаллим ус-соний» («иккинчи муаллим») деб атайдилар. Фаробий ўз асарларида таълим-тарбиянинг муҳимлиги, ўқитувчи меҳнати, унда нималарга эътибор бериш зарурлиги, таълим-тарбия бериш усуллари ҳақида фикр юритади.

«Фозил одамлар шаҳри», «Бахт ва саодатга эришув тўғрисида», «Илмнинг келиб чиқиши», «Ақл маънолари тўғрисида» каби асарларида меҳнат қилиш асосида ижтимоий-тарбиявий қарашлари ўз ифодасини топган.

Фаробий таълим-тарбиясининг асосий вазифаси жамиятнинг талабларига жавоб бера оладиган шу жамият учун хизмат қиладиган етук инсонни тарбиялашдан иборат деб билади. У таълим тарбияга учинчи бўлиб таъриф берган олим.

Таълим деган сўз инсонга ўқитиш, тушунтириш асосида назарий билим бериш: тарбия-таълимнинг назарий фазилатини маълум хунарни эгаллаш учун зарур бўлган хулқ нормаларини ва амалий малакаларини ўргатишдир, дейди олим. Фаробий фикрича, ер юзида фақат инсон билиш қобилиятига эга. Ҳақиқатни билиш эса, инсоннинг табиий ривожланиш ҳолатидан биридир, дейди.

Таълим-тарбия жараёнини амалга оширишда Фаробий икки усулдан фойдаланишни тавсия қилади. Агар тарбияланувчи билим олишга иштиёки зўр бўлса, унга «юмшоқ усул»ни яъни хоҳиш бўлмаса «қаттиқ усул»ни қўллаш жойиз, дейди. Беруний эса билимларни эгаллаш йўллари, усуллари ҳақида фикрлари ҳозирги давр учун ҳам долзарбдир. Таълим бериш жараёнида талабани зериктирмаслик, бир хил фанни ўтавермаслик, узвийлик, изчиллик, мавзуларини кизиқарли асослаб, кўргазмали баён этиш кераклигини уқтиради. Билим олишда тушуниб ўрганишга илмий тадқиқотчининг маънавий покликка риоя қилишга алоҳида эътибор бериш. Шарқда машҳур бўлган алломалардан бири Абу Али ибн Синодир. Ибн Сино

болаларни мактабда ўқитиш зарурлигини қайд этар экан, таълим-тарбияда қуйидаги тамойилларга риоя қилиш зарурлигини таъкидлайди.

- ёшларга таълим беришда бирданига китобга банд қилиб қўймаслик;
- таълимда енгилдан оғирга бориш орқали билим бериш;
- олиб бориладиган машқлар болалар ёшига мос бўлиши;
- жамоа бўлиб мактабда ўқишга эътибор бериш;
- билим беришда болаларнинг майли, қизиқиши ва қобилиятини ҳисобга олиш;
- ўқишни жисмоний машқлар билан қўшиб олиб бориш.

Юқоридаги масалаларга Ибн Сино ўзининг «Тадбири манзил» асарининг «Болани мактабда ўқитиш ва тарбиялаш» бўлимида тўхталиб, таълим ва тарбия жараёнини олиб боради.

Талабага билим бериш ўқитувчининг асосий бурчидир. Шунга қўра, Ибн Сино ўқитувчи қандай бўлиши кераклиги ҳақида фикр юритар экан, шундай йўл-йўриқлар беради:

- болалар билан муомала босиқ ва жиддий бўлиш;
- берилаётган билимни талабалар қандай ўзлаштириб олаётганига эътибор бериш;
- таълимда турли усуллардан фойдаланиш;
- фанга қизиқтира олиш;
- бераётган билимларнинг энг муҳимини ажратиб бера олиш;
- билимларни талабаларнинг ёши, ақлий даражасига мос равишда бериш;
- ҳар бир сўзнинг болалар ҳиссиётини даражасида бўлишига эришиш зарур.

Марказий Осиё кейинги илмий-маданий тараққиётда жонланиш Соҳибқирон Амир Темур (1336—1405) ва темурийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида юз берди. Шунини айтиш керакки, Амир Темур одоб-ахлоқ, имон-этиқод, таълим-тарбия соҳасида ўзи юксакликка, мукамалликка эришган сиймолардан биридир. Бунга ишонч қилиш учун унинг ўзи томонидан яратилган одоб ва ахлоққа оид дастурлар, ўғитлар, панд-насихатларни ўқиб чиқиш зарур.

Шундай қилиб Амир Темурнинг ибратли ҳаётий ўғитлари кенг маънолиги умуминсоний қадриятлар асосида қурилганлиги алоҳида аҳамият касб этади. Қомусий билимлар соҳиби А.Навоий фан ва санъатнинг турли соҳаларида адабиёт, тарих, тил, мусиқа, тасвирий санъат, хаттотлик, меъморчилик ва бошқа билимларни

ривожлантириш билан бирга таълим-тарбияни ривожлантиришнинг такомиллаштирилишига ҳам катта эътибор берган эди. У ўзининг «Ҳамса», «Вақфия», «Мажолисун нафоис», «Мухокаматул луготайн» асарларида тарбияга оид ўз қарашларини ифода этди.

Алишер Навоий билим олишда барча фанларни ўрганишни тарғиб этади. У билимни ўзлуксиз ўрганиш зарур, дейди. Буюк аллома билим олиш тамойилларини ўз даврида тўғри ифодалаб, хатто таълим тизимини ўз даврида мактаб, мадрасаларда ўқиш, олим, хунарманд, мустақил ҳолда билим олиш имкониятларидан фойдаланишни тавсия этади. Умуман ўрта асрда яшаб ижод этган алломалар, фозиллар, мутафаккирлару уламолар маърифий таълим-тарбия асосларини яратиб уларда педагогика заминиди меҳнат талимига эътибор берганлар, ҳамда уни ўқтадиган устозлар фаолиятига алоҳида фикрларини билдирганлар.

Уларнинг фикрларига кўра педагогик қобилиятли ўқитувчи шахсига хос бўлган бир сифатларни унинг ақл-заковати, иродаси, хиссиётлари характери ва бошқа хусусиятлардан таркиб топади. Бу хусусиятлар туфайли қобилиятли ўқитувчи муваффақиятли ишлайди ва уни оз меҳнат сарфлаб, катта натижага эришади. Таълим-тарбия ишига бўлган қобилият туғма қобилият эмас, одам табиатидан шу қобилият куртакларини олади.

Мана шу куртаклари лаёқат дейлади. Лаёқат шахснинг онги, фаолияти жараёнида ривожланади ва қобилиятга таянади. Педагогик фаолиятни эндигина бошлаган ёки ўқитувчи хали яхши натижаларга эриша олмаслиги мумкин. Бунинг сабаби унда педагогик кўникмаси ва малаканинг етарли бўлмаслигидир. Агар ўқитувчи хавас билан ақл юритиб, астойдил ишласа, бундай кўникма ва малака албатта пайдо бўлади.

Меҳнат таълими ўқитувчиси ўқувчининг ички дунёсини тушуниши, яхши психолог бўлиши, ўқувчини қизиқтира олиши, ўқув материалларини тушунтира билиши, ўқувчининг билимларини тўғри баҳолай олиш, болаларга ижобий, тарбиявий таъсир кўрсатиш, ўқувчилар жамоасининг меҳнатини ташкил этиб, уларга раҳбарлик қила билиши, педагогларга хос одобга эга бўлиш, ҳар бир ўқувчи билан алоҳида-алоҳида муомилада бўла олиши керак. Шундагина у қобилиятли ўқитувчи ҳисобланади.

Илгор ўқитувчининг шахси педагогик қобилиятларнинг юксак даражада ривожланганлиги билан характерланади. Бу қобилиятларнинг болаларга таълим ва тарбия беришида, юқори натижаларга эришишга ёрдам беради. Болаларга, педагогик меҳнатга меҳр қўйиш, болалар жамоаси билан ишлаш ва бирга бўлишга мойиллик ўқитувчилик касбининг зарур шартидир. Ўқитувчининг болаларга меҳр қўйиши, улар билан педогогларча муомилада бўлишдан, уларга нисбатан бўшанглик, марҳаматлилик ва кўнгилчанликка айланиб кетмайдиган диққат-эътибор, ҳамда дўстона муносабатда бўлишда ифодаланади.

Айрим меҳнат таълими ўқитувчилари ҳам борки, улар мактабда ишлашга гидроксизидлар: улар захар, серзарда, раҳмсиз, қуруқ бўладилар. Масалан: ўз ишини севмаган дурустгина бухгалтерини тасаввур қилиш мумкин-у, аммо болаларни севмайдиган дурустгина ўқитувчини, тарбиячини тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса меҳнат таълими ўқитувчисининг касб-хунарсизлигини чунки қадим замонларда ўзбек халқ, санъати қадимийлиги, ҳамда бой маданияти билан бутун дунёга машхур. Унинг ер юзаси ва тупроқ, ости қисми улкан бир тарихий музей. Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Тошкент, Фарғона ва бошқа шаҳарлардаги ҳар бир тарихий обида, ҳар бир халқ, амалий санъати намунаси бобоқолонларимиз яратган барқамол, тақрорланмас, теран мазмунли ва тарихан бебахр санъат асарлари жаҳон маданиятнинг дурдоналаридан бўлган бадий ва маънавий меросини ташкил этади.

Асрлар давомида орттирилган ва маданий бойлигимиз, хусусан шўро тузуми даврида ўзбек миллий халқ, амалий безак санъатининг энг кўп ривожланган турларидан ганчкорлик, наққошлик, пичоқчилик, заргарлик, каштачилик, зардўзлик, гиламчилик каби турларнинг ўзига хос томонларини, бажариш технологияси ҳақиқий асл номлари аста секин йўқолиб кетиш хавфи остида қолди. Бугунги кунда мустақил мамлакатимизда халқимизнинг асрлар бўйи яратган меҳнати натижасида яратган Амалий безак санъатини кўз қорачигидек сақлаш, кадрлаш, улардан амалий фойдаланиш, ёшларга ўргатиш орқали уларнинг эстетик дидини ўстириш ҳамда юксак маданиятли кишилар қилиб тарбиялаш учун кенг имкониятлар очилди.

Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Низомий Ганжавий, Носир Хисрав, Алишер Навоий, Камолiddин Бехзод, Бобур каби жаҳонга машхур олим, шоир ва мусаввирлар халқимиз гўзаликка интилишга чақирган.

Бобомиз Амир Темур хунар ва илм эгалари, йирик мутахассис олимлар ёрдамига таяниб математика, геометрия, меъморчилик, астраномия, адабиёт, тилшунослик, тарих, мусиқа, тасвирий санъат ва ҳаттотлик каби ривожлантиришга катта аҳамият берди. Шахарларни хар гомонлама чиройли ва улугвор қилишга интилди.

Бир-биридан саҳобатли бинолар қурдирган. Самарқанднинг Регистон майдонида Улугбек, Шердор ва Тилла Қори мадрасалари, Шохи Зинда ва Гўрии Амир ансамбль мақбаралари, Бибиҳоним масжиди, Бухорода Исмоил Самоний мақбараси, Тошкентда Қўқалдош мадрасаси, Шаҳрисабздаги Оқ-Сарой ва бошқалар бугунги кунда дунёга машҳурдир.

Амир Темур ва Темурийлар даврида халқ, санъати хунармандчилиги қолаверса маданияти юксак даражада ривож топди. Темурнинг амри билан турли мамлакатлардан усталар, меъморлар олиб келиниб ажойиб тақрорланмас бинолар қурилиб ва боғу-роғлар барпо этилди.

Айниқса Темур ўз онасига бағишлаб қурдирган Оқ Сарой тарихнинг бир бўлағи бўлиб қолади. Уни 1379 йили Темурнинг амри билан қурдирган. Маълумки, ўзбек халқ, амалий безак санъатининг энг ривожланган турларидан бири наққошлиқдир. Ўзбекистон территориясидаги археологик қазилмалардан Хоразм, Сугд, Бактрия ва бошқа нақш санъатини ривожланганлиги маълум. Олимларимиз Сурхондарё вилоятидаги Фаёзтепа (I-II аср) Далварзинтепа (I аср) қазилмаларидан топилган расм, нақш қолдиқлари орқали буни исботлаб берганлар, Хоразмдаги Тупроқкала заллари монументал нақшлар билан безатилганлиги бизга маълум. VI-VII асрлар қасрлар ва бойларнинг уйлари нақшлари ҳамда тасвирлар билан безатилган.

IX-X асрлар Ўрта Осиёда наққошлиқ санъати авж олиб ривожланди. Архитектура гишт кесиб нақш солиш юксак ривожланди, биноларнинг ички томонларига ганч, ёғоч ўймакорлиги юксак ривож топди. Айниқса мактабларнинг пештоқлари девор ва ромлар ганч нақшлар билан нафис безатилган.

XVIII асрнинг охири XIX асрда Қўқонда, Фарғона, Бухоро каби шаҳарларда етук усуларни етишиб чиқди. Мисгарлик, наққошлиқ, ганчкорлик ва бошқа санъат турлари ривожланди.

Қадимда хунар ўрганиш муқаддас саналган. Хар бир киши келажак авлодларига ўзидан қолдирган тақрорлаш хунарлари билан қадирланган. Ўзбекистон қадимда хунармандлар маркази бўлган десак хато қилмаган бўламиз, Андижон вилоятида

Шахрихон, Самарқанд вилоятида Ургут, Фаргона вилоятида, Қўқон, Марғилон, Наманган вилоятини Чустда халқ, ҳунармандчилиги гуллаб яшнаган, ҳунармандлар ўзга Даврда маҳаллаларга бўлиниб эгаллаган, чунончи заргарлик маҳалласи, пичоқчилик маҳалласи деб юритилган. Уша даврларда яна мисгарлик, заргарлик бўйрачилик, сандикчилик, пичоқчилик, аравасозлик, қулоччилик маҳаллалари мавжуд бўлган.

Масалан XIX асир охири ва XX аср бошларида Бухоро бўйрачи маҳалласи бўлиб, у ерда умуман Бухородаги бўйра тўкийдиган усталар яшаган. Бўйрачи маҳалласида 120 та оила яшаган.

Ҳар бир касбкорлик маҳалласида кўни-кўшнилар ўртасида ракобат бўлган. Чунки кимнинг маҳсулоти сифатли бўлса халқ ўшанинг маҳсулотини сотиб олган. Шунинг учун ҳар бир уста сифатли маҳсулот тайёрлашга интилган. Ҳар бир устанинг ўзини растаси бўлган. Бозорда одатда бозор белги бўлган, у барча расталарга келтирилган молларни кузатиб уларга нарх белгилаган Бухородаги ҳамма ганчкор усталар ганч сотадиган бойлардан бири Абдуқодир бир куни уста Ҳаётни чакиради ва янги йилни ганч билан безамоқни айтади. Сўнгра уста Ҳаёт бу ишни 22 ёшли Ширин Муродовга топширади. Бу иш Шириннинг биринчи мустақил иши бўлди. Ширин меҳмонхона безакларини оддий бежирим нисбатларни сақлаган ҳолда бир бутун кўриниш ва бошқаларни ҳисобга олади. У меҳмонхона ва айвонларни шарафлар билан безайди. Ундаги ўйма ганчлар жуда майин бежирим чиққанлиги сабабли усталар орасида ҳурмат обрўси янада ошади. Уста Ҳаёт кунлардан бир куни Ширинни олдига чақириб, мен сендан хурсандман энди мастақил ишлайверсанг ҳам бўлади дейди. Азалий одат бўйича унга усталар ўртасида уста номини беришди. Ширин Муродов шундан сўнг халқ, ўртасида уста деган шарафли номга муяссар бўлади.

Ўзбек меъморлари яхши яшаш учун қулай шинам, чиройли уйлар қурганлар. Ўзбекларнинг ҳовли-жойи тугал бир меъморий ансамбльни ташкил этиб ўзига хос шарқона фойз бўлган. Бу қурилган уйларни бир-бирига узвий қилиб қуриш ва безатилиши бир санъат даражасида бўлган.

Ёғоч ўймакорлиги бўйича ншлаётган шогирд устанн ёки ўзининг уйида турган. Шогирдни яхши ва пукта ўрганиш учун аввал уни меҳнатга ўргатган ва шу ҳунарга табиий ҳолда қизиқишини оширган. Бунинг учун устоз-шогирдга уйда майда-чуйда

уй ишларини буюрган. Кейинчалик устага асбоб ускуналарини олиб бериб туриш ёки хом ашёни тайёрлаб туриш, кейин эса эшик, деразаларни, устунларни ўргатиш ва нақшларни оддийдан мураккабгача қараб ўргатиб борган. 3-4 йиллардан сўнг тажрибали ёш шогирд уста 15-20 кун пул ишлаб келиш учун рухсат берган.

Шогирдга уста номини беришнинг ўзига хос урф-одатлари бўлган. Бу тантанавий кеча шогирднинг ота-онаси уйда ёки устани уйда ўтказилган. Кечага шогирднинг қариндошлари устозни каттаси оқсакол ёки устакалон унинг ёрдамчиси пойкор уста номини олаётган шогирднинг бошига салла ўраган, чопон кийгизиб белидаги кийкчага арра ва теша кистириб қўйилган. Усталар ва дўстлар табриклаганлар. Кейин катта уста дастурхондан ёпган нон олиб кечани сабабчисига қараб «каерга борсанг ҳам ўзингни қўйган кулчангни кўрсатгин» деб берган. Бундай урф-одатларнинг ҳар хил турлари бўлгани. Баъзи урф-одат бўйича бўлғуси устага бирор бир уйни мустақил безашни топширилади. Уйни бўлғуси уста биткизгандан сўнг усталар унинг ишини текширадилар ва баҳо берадилар. Агар усталарга маъкул тушса, унда шогирдга «уста» деган унвон берилган. Шундан сўнг ёш устага бошқа шахарларга бориб ишлашга рухсат берилган ёки баъзи ёш усталарга «халфа» бўлиб, унинг бошчилигида бирга ишлаб борган.

Оқсоқолни тайинлашда шахарлардаги энг катта тажрибали устозлардан бири танланган. Агар оқсакол бирор нохиш килиб кўрса унда бирор мажлисга оқсаколнинг ёрдамчиси ва ҳамма усталарни йиғиб катта оқсакол сайланган. Бухорода эса оқсаколни қайта сайлаш бошқачарок, бўлган. Усталар Бухоро хонига махсус ариза ёзар эдилар. Шундан сўнг бухоро хонидан «сарпо» ва махсус белгилаб чиққандан кейин савдо-сотик, бошланар эди. Сифатсиз маҳсулот ишлаган устанинг бозори касодга учраган. Наққош ўтмишда халқ усталарининг энг билимдони ҳисобланган. Чунки улар мадрасада тахсил олиб адабиёт, тарих, мусика, математика ва кимё фанларини яхши билганлар. Наққошлик нақш яратиш сир-асрорларини уста бўлганларидан сўнг улар хм ўз шогирдларига ўргатган. Шундай қилиб, наққошлик касбини анъана тариқасида ривожлантириб келганлар.

Наққошлар ўзига шогирдликка ўз боласини ёки қариндошларидан олганлар. Шогирдликка 7-8 ёшдан олинган, ўқиш ўрганиш 7-12 йиллар атрофида бўлган. Устози шогирдлари билан кундуз кун ишлаб кечкурун эса устоз раҳбарлигида савод чиқарилган. Шогирдлар геометрия ва кимёни ўрганганлар.

Шогирднинг қўлидан мустақил иш келгандан кейин усталар унинг ишларини мухокама қилишнб сўнгра «уста» номини беришган. Наққошнинг ўғли ота касбини ёшлиқдан ўрганиб борган. Усталар ўғли ёки фарзанди бўлмаса. Бу касбни энг яқин қариндошлари болаларига ўргатган. Хуллас, касб авлодга мерос қилиб анъана ҳолида ривожланиб келган. Устага шогирдликка беришда қуйидаги урф-одат бўлган: болани уста олдига олиб бриш ўзига яраша тантана бўлган.

Болани ота-онаси ва қариндош-уруғлари «буй» деган бўғирсоқ, ва холвоитар қилиб, устанинг ҳузурига келганлар ва «болани гўшти сизники, суяги бизники» қабилда гаплар билан унинг ихтиёрига топширганлар. Келтирилган пишириклар уша пайтдаёқ биргалиқда танаввул этилган. Уста болага ҳунар ўргатишдан ташқари бутун ўқиш давомида ўзи озиқ-овқат билан таъминлаб турган.

Устоз шогирдга қаттиқўл ва талабчан бўлган. Чунки ҳар бир ҳунарни ўта нозик дид ва сабр-тоқат билангина ўрганиш мумкин бўлган. Усталар шогирдлар учун махсус одоб талабларни ишлаб чиққанлар. Масалан, улар шогирддан покизаликни, иш вақтида чалғимасликни эгри ва номаъқул ишларга яқин йўламасликни, устоз руҳсатисиз бирор ишга қўл урмасликни қатъий туриб талаб қилганлар.

Уста шогирдга фақат ҳунар сирини ўргатишдан ташқари уй юмушларини бажаришга ҳам ўргатиб борган. Шогирд санъат сирларини пухта эгаллашдан сўнг оқ фотиҳа берилган. Маросимда устозига шогирд бош-оёқ, сарпо, тугун инъом этган.

Баъзида устоз шогирди мустақил иш бошлашда қийналмаслиги учун шу касбда ишлатиладиган асбоб ва андозалар берар эди. Агар оқ Фотиҳа олган баъзи шогирд мустақил ишлашни хохламаса устозникида қолиб ишлайверган. Бундай ҳолда устоз билан келишиб олиб иш хақи олган. Ҳақда қарорни ўқиб сарпони кийдирганлар. Бухорода XIX асрнинг охири XX аср бошларида дурадгорлар бошлиги уста Гулом, Ўра-тепада эса уста Карим Кажжорбоши (усто Абдукарим Абдуҳолиқов) бўлган. Ўра-тепалик ҳам, устозларни юқри Зарафшон кишлокда масжид, Мадраса, тураржой биноларини безаш учун таклиф этганлар. Улар наққошлик, ёғоч ўймакорлиги ганчкорлик ва бошқа ишларни бажарганлар.

Усталар уюшмаси турар жойларга устозларни ишга юборганлар. Уларга иш хақи тарикасида излаган жойларда кийимлар, қўй, сигир, эчки ёки пул берилар эди.

Усталар орасида ўзига хос мусобақа ҳам бўлган, уларнинг ишларини кўргазма қилиб қатга усталар орасида баҳолаган.

Масалан, Ўра-тепанинг кўк Гумбаз маҳалласида Мавлоно Ўшон мақбарасини икки ўйма эшигини бажариш учун Карим Харрот ва Абуқодир Харротларга топширилди. Улар биттдан эшикни ўйиб безатдилар ва уларнинг икки эшиклари бир канча ката усталар орасида баҳоланди. Уста Абуқодирнинг эшиги 70 олтин танга, Уста Карим эшиги 100 олтин танга билан баҳоланди.

Уста Каримнинг эшигининг қиммат баҳоланиш сабаби эшикни юқори ярим добра қисми умумий нақш композицияси билан боғланган Абуқодир устанинг эшиги тепаси учун бўлиб бино қўриш композициясига мос келмаган, баъзи усталар ишига беришган баҳосига келиша олмас эди, шунинг учун бу ҳолатни арилиш келишмовчиликни ҳал қилар эди.

1924 йилгача Ўрта Осиёда бошқа хунар турлари усталари каби зардўзлар хунари кўп бўлган. Чунончи Бухорода 380 дан 350 нафаргача зардўз ишлаган. Хунарамандлар ўрта аср хунар ширкатлари кўринишидаги маҳсус ташкилотларга уюшган эдилар. Зардўзлар ишлари устида назорат ўрнатувчи бу ташкилот ўзининг сайловчи маъмуриятига эга бўлиб, барча расм-русумларга ва урф-одатларга изчил амал қилар тантана ва йиғилишлар ўтказиб турар эди.

Бухоро усталарининг зардўзлик касби одатда болага мерос бўлиб келган. Асли зардўз бўлган оиланинг фарзанди отасидан зардўзликни ўрганиб ўз навбатида у хунарини фарзандларига ўргатган. Касбнинг авлоддан-авлодга мерос қолиши одатдаги ҳол бўлганига қарамай, зардўзлик ҳам бошқа касблар билан бир қаторда ўрин олган.

Зардўзлик касбини ўрганиш учун 10-12 айрим ҳоллардагина ундан каттарок, ёшдаги болаларни жалб этганлар. Болани уста олдига олиб бориш ўзига яраша тантана бўлган. Боланинг ота-онаси ва қариндош-уруғлари бўғирсок, ва ҳолвадор килич устанинг ҳузурига ва «боланинг гўшти сизники, суяги бизники», қабилида гаплар билан унинг ихтиёрига топширганлар. Уста болага хунар ўргатишдан ташқари бутун ўқиш давомида озик-овқат билан таъминлаб ҳам турган. Янги шогирдга чинакам таълим бериш ишларини уста бирданига бошлайвермаган. Дастанлик пайтларда шогирд уй юмушларига қарашган. Устаҳонани супириб-сидирган, сув ташиган, бозор-ўچار қилган, тикувчиларга ёрдам берган, онда-сонда иш орасида унча-мунча тортиб турган. Орадан бир йил ё ундан сал кўпроқ, муддат ўтгандagina унга тикиш сирлари ўргатила бошланган. Шогирдга маблағ тўлаш борасида маълум қоида

бўлмаган. Хунар ўргатиш муддати ҳам чекланмаган. Таълим бериш 4 йилдан 7 йилгача давом этган. Борди-ю, шогирд жуда қобилиятли чиқиб қолса бундай малакали ишчисидан махрум бўлишни истамаган устоз уни 8-10 йилгача ҳам сақлаган. Бундай пайтларда шогирд оқсоқолни ўртага солиб, устаси тезроқ рухсат беришини сўраган. Шогирдни талаби ўринли бўлса оқсоқол устасифат шогирдига фотиҳа бериш ва меҳнатига ҳақ тўлашини айтган. Албатта, шогирдга тўланадиган ҳақ халифаларга тўланадиган ҳақдан анча кам бўлган. Норозилик пайдо бўлмаслиги учун уста қисқа вақт ичида зардўзлик сирларини пухта эгаллаган лаёқатли шогирдларига ахён-ахёнда четдан иш олишига қаршилиқ кўрсатмаган. Гап шундаки, тушган даромаднинг каттагина қисми устага, ундан ортгани шогирдга қолган. Таълим муддатини ўтаган шогирд устоздан оқ фотиҳа олган шогирднинг ўзи бир маросим бўлган. Уни «Арвохи пари миён бандой» деб аталиб, касб хунар хомийларининг руҳи қўлласин деган маънони англатади. Бу маросим шогирднинг зиммасига тушиб, зардўзлик уюшмаси аъзолари иштирокида унинг уйида ўтказилади. «Шохи Мардон халқга белинга булок боғлаמיד» - дея фотиҳа ўқиб устоз шогирдларнинг белига белбоғ боғлайди ва шу билан унга зардўзлик касби билан мустақил иш бошлайверишига ижозат беради. Маросим кунда устозга бош-оёқ сарпо, тутун ином қилинган. Бундай тугунлардан бобо оқсақол ва пайкор ҳам куруқ қолдирилмаган албатта. Баъзи ҳолларда бечора ҳол шогирдларни узатар чоғида уста уларга ишни осон бошлашлари учун кераги (чамбарак), қайчи, тайёр гул сингари Ашё ва буюмлардан бериб юборган. Бордию, оқ фотиҳа олган шогирд иктисодий жихатдан ночор бўлиб, мустақил иш бошлашга кўзи етмаса, устани уйида қолиб ишини сукаган. Бундай ҳолда унга халфа тарзида ишлаш ҳуқуқи берилиб, ҳар иккала томон ана шу шарт асосида иш ҳаққини келишиб олган. Зардўзлик касбининг хомийси «Арвох пир»га сиғиниш узоқ, вақтгача қоида бўлиб келди. Илк баҳор кунларида, хусан «Гули сурх.» айёмида ҳамма зардўзлар Бухоро яқинидаги Баховуддин кишлоғига келиб, пирнинг ҳаққига қўй сўйиб, ҳудойи қилганлар. Уста зардўзларнинг айтишича яқин-яқингача «пирозда»лар бўлиб, уларни «рисалачи» дейишган. Хафтада икки марта, якшанба ва пайшанба кунлари рисолачи барча зардўзлар устахоналарини айланиб чиққан ва одамларни тўллаб, рисола ўқиган ўқиганларини тасвирлаб берган. Одатда, қироатхонлик дастурхон этган, қироатдан кейин рисолачи тингловчилардан тушган унча-мунча назр-ниёзини белбоғини тоҳанда фотиҳа ўқиб навбатдвги устахоналарга йўл олган. Ҳар бир одатда авлоддан

авлодга ўтган, бегона болалардан эса ўта истеъодли, шу ҳунарга меҳр қўйганларгина танлаб олинган. Чинакам ўймакор усталарни орзу қилган кишилар учун мадрасада таҳсил кўрган бўлиши, шеърят ва мусиқа сирларидан воқиф бўлиши, ҳатто мусиқа асбобларини биров чала билиши шарт қилиб қўйилган. Айрим усталар шогирдлари учун махсус одоб талабларини ишлаб чиққанлар. Масалан, улар шогирддан покизаликни, эгри ва номаскул ишларга яқин йўламасликни, устоз руҳсатисиз биров ишга қўл урмасликларини қатъий туриб талаб қилганлар.

Наққошларимиз сарой, масжид, турар жой биноларини безашда хонани ҳажмига ёруғлигини, намгарчилигини ва бошқаларни ҳисобга олганлар.

Ўзбек халқ, амалий безак санъати қадимдан анъана тариқасида ривожланиб келиб ўз тайёрлаган буюмларидан, безакларида халқнинг дардини, фикрини, руҳий оламини нақшлар орқали ифода этган.

1870 йилдан бошлаб ўзбек ҳунармандларининг ишлари халқаро кўرғазмаларда иштирок эта бошлаган.

Жумладан, ўзбек ҳунарманд усталари жаҳон бўйича кўрғазмаларида яъни 1873 йилда Венада, 1878, 1900, 1910 йилларда Парижда 1888 йили Копенгагенда, 1893 йилда Чикагода, 1887 йилда Стокгольмда, 1902 йилда Глазгода 1907 йилда Бордо да, 1910 йилда Мюнхенда, 1914 йилда Берлинда ва Лондонда намойиш этилди. 1913 йилда бутун Россия ҳунармандлик санъати кўрғазмасида қатнашиб, бронза медалига сазовор бўлди.

Мамлакатимизда музейлар ташкил этилиши ҳам ўзбек халқ, маданиятини ривожланишида муҳим босқич ролини ўйнади. Мўзейларга халқимизнинг ҳунармандчилик буюмларини тўплаш, сақлаш, ўрганиш ва тадқиқот ишларини бажариш асосий замин ролини ўйнади. Бунга замин бўла олади. “Ота-қасб”, “ Устоз-шогирд” мактабларининг тараққий эта келиши. Уларда қуйдаги тамойиллари шакилланиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Мустақиллик йилларидан бошлаб, меҳнат қилувчилар ва ҳунар ўрганувчилар учун «ота қасб» ва «устоз-шогирд» тизимларда улардаги одоб, педагогик, психологик, ҳуқуқий, иқтисодий соҳалардаги билим ва кўникмалари илмий нуқтаи назардан такомиллаштириб борилмоқда.

1. Шогирд одоби қондаси.

1. ўз ишига яхши муносабатда бўлиш, яъни ўз қасбини севиш.

2. Ўз ишига эътикод қўйиш ва унга ишониш.
3. Устоз олдида хокисор бўлиш, ўзининг салбий одатларини тарк қилиш.
4. Кўриш лозим бўлмаган ҳамма нарсадан нигоҳни олиб қочиш.
5. Эшитиш мумкин бўлмаган барча нарсаларга қулоқ солмаслик.
6. Барча нолойик ишлардан қўл тортиш.
7. Устозга зид бўлган кишилар билан муомала қилмаслик.

II. Шогирднинг устоз олдидаги бурч ва вазифалари.

1. Устозга итоатли бўлиш.
2. Устоз анъаналарини давом эттириш.
3. Устознинг панд- насихатларига амал қилиш.
4. Устозга тақлид қилиш.
5. Сабр – тоқатли бўлиш.
6. Иродали бўлиш.
7. Устозни юзини ерга қаратмаслик, аксинча унинг обрўсини кўтариш.
8. Устознинг шаънига илик сўзлар олиб келиш.
9. Устознинг душмани билан дўст тутинмаслик.
10. Устознинг оила аъзоларини ҳурмат қилиш.
11. Устознинг қариндош- уруғларини ҳурмат қилиш.
12. Устознинг руҳсатсиз ҳеч нарсага қўл теккизмаслик.
13. Бировнинг нарсасига қўз олайтмаслик.
14. Устозига чексиз ҳурмат билан муносабатда бўлиш.

III. Шогирднинг энг яхши хислатлари.

1. Устоз қабулига кирганда ёки устозни кўрганда биринчи бўлиб, салом бериш.
2. Устознинг олдида оз гапириш ва бошини олдига эгиб туриш, кўзни хар томонга югуртирмаслик.
3. Агар масала сўрамоқчи бўлса, олдин устоздан ижозат олиш.
4. Устоз жавоб айтганда эътироз билдирмаслик.
5. Устоз олдида бошқаларни гийбат қилмаслик.
6. Ўтириб – туриш ҳурматини тўлиқ сақлаш.

IV. Шогирдлар руҳий оламнинг муҳим замини.

Ўртоқлик, дўстлик, ҳамкорлик, ҳамжихатлик, садоқат, меҳр-мурувват, касб танлаш имконияти, ватанпарварлик, миллий ифтихор, инсонпарварлик, хушмуомалалийлик, озодалик, покизалик, самимийлик, зийраклик, ташаббускорлик, инсофийлик, ростгўйлик, орномуслилик, андишалийлик, катталарни хурмат қилиш, соф мухаббатни қадрлаш, вазминлик, тўғрилиқ, миллатларни хурмат қилиш, ота-онасини хурмат қилиш.

V. Устознинг шоғирдлари ота – онасига бўлган муносабатлари.

1. Фарзандига хунар ўргатиш учун зиммасига олган вазифасини бажариш.
2. Ўз ваъдаси устидан чиқиш.
3. Ота-онага фарзанднинг қобилияти, хулқ–одоби тўғрисида очиқ гапириш.

IV. Устознинг шахсий фазилатлари

Сахийлик, одоблийлик, меҳр-шафқатлийлик, марҳаматлийлик, очиқ юзлик, ширин муомалалийлик, сабрлилик, талабчанлик ифбатлийлик, итоатлилик, қаноатлийлик, тўғри сўзлик, поклик, мулойимлик ва бошқалар.

VII. Ота-онанинг устозга бўлган муносабати

1. Устозга муруват кўрсатиш.
2. Утознинг фарзандига берган танбехини тўғри тушуниш.
3. Фарзандига хунар ўрганишда керакли нарсаларни етказиб бериш.
4. Устозни рози қилиш.

VIII. Хунармандлар холи бўлиши лозим бўлган салбий хусусиятлар.

1. Нопок йўллар билан алоқада бўлмаслик.
2. Бошқа хунармандларга нисбатан адоватда бўлмаслик, ҳасадгўйлик ва бошқалар мувоффақиятини кўра олмаслик.
3. Хунарни фақат бойлик орттириш мақсадида қўлламаслик.
4. Журъатсизлик, дангасалик, ялқовлик, эринчоқлик, исрофгарчилик, такаббурлик ва ёлғон гапирмаслик.

IX. Хунармандларнинг одоб қондаси.

1. Ўз хунарларининг ифлос ва шубҳали даромадлардан асрайднлар.
2. Хунарни бойлик ортириш манбаи деб эмас, балки ҳаётда муносиб ўрин эгаллаш мақсадида ўрганадилар.
3. Ўз ишининг усталарига доимо хурмат ва эҳтиромда бўладилар.
4. Нопок йўллар орқали бойлик тўпловчилар билан алоқа қилмайднлар.

5. Ишда камчиликка йўл қўймайдилар ва танлаган касбларига бефарқ бўлмайдилар.

6. Маҳсулотнинг асл баҳосини билмаганлар билан тўғри муомалада бўладилар.

7. Агар олди берди тарзи билан боғлиқ бўлса, кам бермаслик ва қўп ҳақ олмасликка интиладилар.

8. Агар иш ҳисобчи билан битадиган бўлса, ўзларининг хиссаларини жамият хиссасидан юқори қўймайдилар.

X. Ҳунармандларнинг касб маданияти.

1. Ҳунарни жамият тараққиётига хисса қўшиш мақсадида ўрганиш.

2. Ҳунарни меҳнатсиз даромадлардан асраш.

3. Устозлар анъанасига эҳтиромда бўлиш.

4. Меҳнатсевар бўлиш.

5. Интизомли бўлиш.

6. Мувоффақиятсизликдан тушқунликка тушмаслик.

7. Ҳунарда ақилли тадбиркор бўлиш.

8. Рост сўзли бўлиш.

9. Покиза бўлиш.

10. Бир ишни қиёмига етказмай туриб, иккинчи ишга ўтмаслик ҳалол меҳнат қилиш.

XI. Устознинг касбий фазилатлари

1. Ўз ҳунарига қизиқиш, уни ёшларга сидқидилдан ўргатиш.

2. Ўз ҳунарига янгиликлар киритиш

3. Ҳунари бўйича ўздан кейин яхши, содиқ шогирдлар қолдириш.

XII. Ҳунарманд ва харидор ўртасидаги муносабатларда одоб мезони.

Савдода поклик, ҳалоллик, адолатлик тўғрилиқ, хушфеллик нафсни тийиш, камбағал бечораларга ҳайру эҳсон қилиш, маҳсулотнинг асл баҳосини билмаганлар билан тўғри муомалада бўлиш, ваъдага хилоф иш қилмаслик, бажара олмайдиган ишга ваъда бермаслик.

Қайд этилган “Ота касб” ва “Устоз шогирд” тизимларига оид анъаналар, мезон ва меъёрларни шакиллантириши ёшлиқдан бошланади. Улар ўқувчилар шахси тўғрисида тўла таъсиротга эга бўлиши учун қуйдаги кузатишларни мунтазам равишда ўтказиб бориш лозим:

I. Аниқ ўқув имкониятларини ўрганишда:

1. Ўқишга бўлган эҳтиёж.
2. Ўргатилган даражаси.
3. Тиббий хариталар асосида саломатлигини аниқлаб бориш.
4. Ўқишга бўлган қизиқиш ҳолатини ривожлантириб бориш.
5. Билим, кўникма ва малакалар шакилланган ҳолатларни маълум моделга

келтириб таҳлил қилиб туриш.

II. Билиш сифатини ўрганиб кўришга ҳаракат қилиб, ундаги:

1. Тилни ривожлантириб бориш.
2. Математик мантиқини ўрганиб тўғри йўналтириш.
3. Тестларга жавоб бериш ҳолатини ўрганиб мантикий фикирни ривожлантириш.
4. Умумий ўқув даражасини кўтариб ривожлантира бериш.

III. Ўқув материалларини дидактик нуқтай назаридан такомиллаштириб боришда:

1. Якка ҳолатдаги сабабларни аниқлаб тўғри йўлга олиб келиш.
2. Гуруҳ ҳолатидаги сабабларни аниқлаб тўғри йўналишга солиш.
3. Хатоларни бартараф этиш имкониятларини излаш.

IV. Ўқувчиларни ўқув жараёнига бўлган ижодий эҳтиёжларни аниқлаб дидактик материаллар билан таъминлаш:

1. Ўқув жараёнларни якка ҳолатини ривожлаб бериш .
- Ўқувчиларни ирода-ҳиссиёт томонларини ижобий ҳолатига олиб келиш.

V. Ўқув муассасани тавсифларини таъсироти :

1. Ўқувчилар орасидаги муносабатларни шакилланган ҳолатни ўрганиш.
2. Ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги муносабатларни ўрганиб таҳлил этиш
3. Ота – оналар ва ўқувчилар муносабатларни ўрганиб таҳлил этиш.
4. Ота-оналар ва ўқитувчилар муносабатларни ўрганиб таҳлил этиш.

VI. Ўқитувчини дидактик воситаларидан фойдаланишни ўрганиб таҳлил этиш

1. Ўқувчиларни эҳтиёжга қараб дидактик воситалар билан ўқув жараёнини ташкил этиш.

2. Ўқитувчининг дарс мақсадларига қараб дидактик воситаларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш.

II БОБ. МАКТАБ ЎҚУВ РЕЖАСИДА МЕХНАТ ТАЪЛИМИНИНГ ҚЎЙИЛИШИ, УНИНГ ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТИ

2.1. Меҳнат таълимининг давлат таълим стандарти

! Стандарт умумий ўрта таълим мактаблари учун меҳнат таълими фанидан ўқув дастури, ўқув методик қўлланма, дарслик ва бошқа меъёрий материалларни ишлаб чиқиш, ўқув тарбия жараёнини ташкил этиш ҳамда илмий тадқиқотлар олиб бориш учун зарур бўлган меъёрий ҳужжатдир.

Битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган энг минимал талаблар:

Ўқувчиларни меҳнат таълими ва унинг мазмунига доир касбларга йўналтириш фанидан:

- бозор иқтисодиёти шароитида инсонларнинг яхши яшашида, фаолиятида тўғри касб танлашнинг аҳамиятини турли касбларнинг инсонга қўядиган талабларини;

- касблар оламини, касблар шажараси, Ўзбекистон халқ хўжалигидаги муҳим касблар, касблар таснифлагичи;

- кичик мутахассислар тайёрлаш тизими: касблар, меҳнат шарт-шароитлари, воситалари, предмети, максади бўйича шажараланиши, ўқувчиларни ўз қизиқиши ва мойилликлари, ўз характерининг ўзига хос хусусиятларини, ўз нерв тузилиши, психикаси, ўз қобилияти ва эҳтиёжларини касблар тўғрисида маълумот олиш мактабларини айрим касб меҳнат бозори талаблари асосида эҳтёжнинг ўзгариб боришини, саломатлигининг танланган касбига мос келиши, ҳудудда жойлашган ўрта-маҳсус касб-хунар ўқув юртларида таълим йўналишини ихтиёрий танлаш;

- ўқишни давом эттириш имкониятлари. Келгуси мавқеини билиши зарур.

Ўқувчилар касбларини таҳлил қила олишни: ўзларининг шахсий сифатларини ва саломатлик даражаларини тўғри баҳолай олишлари, касбларнинг инсонга қўядиган талаблари билан ўзларининг индивидуал хусусиятларини таққослай олишлари, шахсий касбий режаларини туза олишлари зарур.

Ўқувчилар халқ хўжалиги бўлими, халқ хўжалиги асосларини, халқ хўжалигида рўй бераётган ислохотларни, бозор иқтисодиёти талабларини, давлат хусусий корхоналарини, кооперация, фирма, ширкат, концернлар, уларда ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакллари, технологик жараёнлари, маҳсулотларни тайёрлаш босқичлари, табиатни ишлаб чиқаришнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш, маҳсулот қийматини арзонлаштириш йўллари, қишлоқ хўжалигида ишлаб

чиқаришнинг даврийлигини, маромли окимлиги: ишлаб чиқаришни режалаштириш, ирригация ва мелиорация ишларини; меҳнат конунчилигини.

Ўқувчиларда шаклланиши зарур бўлган кўникмалар: халқ хўжалиги соҳалари билан танишиш, саноат, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқаришни бошқариш, ташкил этиш, корхоналарда меҳнат интизомини яхшилаш; маҳсулот сифатига таъсир этувчи омиллар, меҳнат унумдорлигини ошириш, енгил, саноат ва бошқа соҳалар корхоналаридаги машиналарда ишлаш, носозликларини бартараф қилиш, таъмирлаш; уй-хўжалик электр машинларини ва асбобларини ишлата билиш, меҳнат қилиш ва шуларга ўхшаган кўникма-малакалар шакллантириш ҳамда уларга хос ва техника хавфсизлигига риоя қилишни уддалаш мақсадга мувофиқдир.

Меҳнат таълими йўналишлари. Меҳнат таълими унинг материаллари асосида ўқувчиларни касбга йўналтириш таълими мавзуйини қуйидаги бешта йўналишларга бўлиннади:

Ёғочга ишлов бериш технологияси.

Металлга ишлов бериш технологияси.

Газламага ишлов бериш технологияси.

Пазандачилик асослари.

Қишлоқ хўжалиги асослари йўналишлари белгиланган.

Меҳнат таълимининг ДТСлари ва давлат дастурларида таъкидланганига биноан мактабнинг ҳудудий эҳтиёжига таяниб меҳнат таълимини бошқа йўналишлар бўйича ташкил этиш мумкинлиги белгиланган.

Ушбу ҳар бир меҳнат йўналишлари халқ хунармандчилиги, ишлаб чиқариш асослари ва касб танлашга йўналтириш билан узвий боғланиб якунланади.

Умумий ўрта таълим муассасалари ўқув режасида меҳнат таълимининг ўрни. Умумий ўрта таълим мактабларининг ўқув режасида меҳнат таълими ўқув фанига 1-4 синфларда ҳафтасига 1 соатдан, 5-7 синфларда ҳафтасига 2 соатдан ва 8-9 синфларда ҳафтасига 1 соатдан, ҳаммаси бўлиб 408 соат вақт ажратилган.

Ўқувчиларни меҳнатга тайёрлаш жараёнида касб-хунарга йўналтиришни янада кучайтириш, уларни замонавий ишлаб чиқариш асослари, ёғочга, металлга ва газламага ишлов бериш технологияси, пазандачилик асослари, қишлоқ хўжалик асослари, бадний меҳнат технологияси ва машина элементлари йўналишлари бўйича билим, кўникма ва малакаларини эгаллашлари кўзда тутилган.

5-7 синфларда ўқувчиларнинг ижтимоий-эстетик диди ва дунёқарашини кенгайтирадиган, оилавий ҳаёт ва турмушда керак бўладиган юқорида кўрсатилган ўқув курслари ўқувчиларда миллий маданият ва анъаналарга мсхр-муҳаббат уйғотади. 8-9 синфларда қайд этилган ҳар бир меҳнат таълими йўналишларига хос ишлаб чиқариш асослари ҳамда уларнинг мазмунида мавжуд касб-хунарларга йўналтириш курси таълим олувчиларнинг ижтимоий дунёқарашини кенгайтиради, касб-хунар таълими йўналишларини онгли равишда танлашларига кўмаклашади.

Меҳнат таълими мазмунининг минимуми.

1. Ёғочга ва металлга ишов бериш технологиялари. Бу йўналиш бўйича ташкил қилинган таълим жараёнида ўқувчилар турли материаллар (ёғоч, металл, қоғоз, шиша, пластмасса ва бошқалар)нинг хусусиятлари тўғрисида бошланғич билимларига эга бўладилар, уларни режалаш, йўниш, аралаш, тешиш, пардозлаш ишлари ва бу ишларни бажаришда ишлатиладиган асбобларнинг тузилиши, ишлаши, дастгоҳлар, электр ва механизациялаштирилган жиҳозлар, машиналар элементлари, янги техника ва илғор технология асослари; технологик хариталар, уларни тузиш ва қўллаш.

Ёғочга ва металлга ишлов бериш технологияси бўйича ўқувчилар эгаллаши шарт бўлган билимлар:

- техника ва технологиянинг халқ ҳўжалигида аҳамияти, ишлаб чиқаришда бажарадиган вазифаларга кўра машиналарнинг таснифи, конструкцион материал (материаллар, ёғоч, пластмассалар) тўғрисида бошланғич билимларга эга бўлишлари:

- бу материалларни қайта ишлаш технологиясини, саноат ишлаб чиқаришда тубдан ўзгартириш киритган янги технологиялар тўғрисида;

- янги махсулотни конструкцион ва техник бадний лойиҳалашнинг умумий принципларини ҳамда дизайн талаблари асосида қайта лойиҳалашни;

- сонли дастурли бошқарилувчи станоклар ва роботлар тузилиши ва ишлаш принципи тўғрисида умумий тушунчалар;

- меҳнат қонунчилиги ва хавфсизлиги, санитария-гигиена қоидалари.

Ўқувчиларда шаклландириладиган кўникма ва малакалар:

- ёғоч ва металлга чизма, эскиз ва технологик хариталар ёрдамида механик ишлов бериш, иш учун зарур бўлган мослама ва асбобларни танлаш;

- ёғочга ишлов бериш, чилангарлик станогида шаклдор юзаларга ишлов беришни, чилангарлик винт қирқиш станогида цилиндр ва конус шаклидаги деталларга ишлов беришни, фрезерлаш станогида сатҳлар ва ўйиқлар фрезерлаш.

II. Газламаларга ишлов бериш технологияси ва пазандачилик асослари. Газламага ишлов бериш турлари, хусусиятлари, тикувчилик асослари, газмолларга ишлов бериш, кийимлар турлари, аҳамияти; тикув, йигирув машиналари, уларнинг турлари, умумий тузилиши ва ишлаши;

Озиқ-овқат маҳсулотларининг инсон ҳаётидаги ўрни, хусусиятлари, тўйимлилиги турлари; овқатланиш меъёри ва тартиби, таомлар турлари, миллий таомлар, санитария-гигиена ҳамда меҳнат хавфсизлиги қоидалари;

Уй-рўзгор юритиш асослари, уй-рўзгор жиҳозларидан унумли фойдаланиш қоидалари; озиқ-овқат ва енгил саноат соҳаларидаги кенг тарқалган касблар, уларнинг таснифлари; оила жамгармаси ва уни сарфлаш;

Озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш, ташиш ҳамда уларга дастлабки ва асосий ишлов бериш; турли уй-рўзгор асбобларини ишлатиш; турли таомлар тайёрлаш; электрлаштирилган уй-рўзгор асбобларини ишлатиш; кийим бичиш, тикиш.

Мазкур соҳалар тармоқларига хос касбларга ўқувчилар қизиқишини йўналтиради ҳамда танлаб олишга замин яратади.

Мазкур йўналишда ўқувчилар эгаллашлари лозим бўлган билимлар:

- мактабда (рўзгор) ремонт, уй-рўзгор ишларини бажариш;
- электр юритмали тикув машиналари тузилиш, ишлаш принциплари;
- елкали буюмлар чизмасини чизиш ва андозасини тайёрлаш изчиллиги, технологияси, унинг сифатига қўйиладиган талаблар;

- макарон маҳсулотлари, крупа, сут ва сут маҳсулотларига бошлангич ва иссиқлайин ишлов бериш усуллари. Уларнинг овқатланишдаги аҳамияти;

- хамирдан тайёрланадиган маҳсулотлар, зиравор ва меваларнинг овқатланишдаги аҳамияти.

Ўқувчилар эгаллаш лозим бўлган кўникма ва малакалар: макарон, крупа, сут маҳсулотлари ва хамирдан таом тайёрлаш, мева ва зираворлардан мураббо тайёрлаш;

Уй-рўзгор ишларини бажариш, дастурхон безаш, меҳмонларни кутиб олиш ва маданиятли хизмат кўрсатиш;

Электр юритмали тикув машинасида ишлаш, ёлиштирма, бостирма чокларини бажариш;

- кийимнинг қуйи қисми ва чўнтак астарини тузатиш;
- гўшт, балиқдан суюқ ва қуюқ таомлар тайёрлаш;
- мева ва сабзавотларни консервалаш;
- электр уй-рўзгор асбобларини ишлата билиш;
- оила бюджетини ишлата олиш.

III. Қишлоқ хўжалиги асослари йўналиши. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг аҳамияти. Ўзига хос хусусияти ва соҳалари; дехқончилик ва чорвачиликни ривожлантириш истиқболлари, агрономия асослари, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва мелиорация асослари; илгор технологиялар; фермерлик ва мулкдорликнинг бошқа турлари; қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик; маҳсулотлар бозори ҳақида тушунчалар; маданий экинларнинг келиб чиқиши, тарқалиши, ўсиш ва ривожланиши, тупроқнинг тузилиши, унумдорлиги. Ерга ишлов бериш ва бунда қўлланиладиган машина, меҳнат қуроллари. мосламалар ва уларнинг умумий тузилиши. Технологик ишлаш жараёнлари ва уларга қўйиладиган машина, меҳнат қуроллари, мосламалар ва уларнинг умумий тузилиши. Технологик ишлаш жараёнлари ва уларга қўйиладиган талаблар.

Ўғит турлари, ўғитлаш муддати ва унда ишлатиладиган машиналар.

Уруғларни тайёрлаш ва уларга ишлов бериш.

Уруғ ва кўчат экиш усуллари. Уруғ ва кўчат экиш машиналари, тузилиши, ишлаши ва уларга қўйиладиган агрохимик талаблар: ғалла, дон, дуккакли, тўғанакли ва илдиз-мевали экинлар; сабзавот, полиз, мева, мойли, толали ва зиравор экинлар етиштиришда ишлатиладиган меҳнат қуроллари ва машиналар мажмуаси. Ёпқ жойларда (иссиқхоналарда) экин етиштиришнинг аҳамияти, истиқболи хусусиятлари ва уларда ишлатиладиган кичик ўлчамли машиналар. Етиштирилган ҳосилни йигиб-териб олиш, бирламчи ишлов бериш ва сақлаш.

1. Чорва моллари. Чорвачилик биологияси. Қорамолчилик, қўйчилик, эчкичилик, йилкичилик, туячилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик, қуёнчилик, чўчкачилик, мўйначилик ва бошқалар. Чорвачиликда наслчилик ва селекция асослари. Озуқабоп экинлар чорвачиликда санитария-гигиена, зоотехника асослари чорвачиликда маҳсулдорликни ошириш усуллари. Инкубатор-паррандачилик

мажмуалари чорвачиликда тадбиркорлик асослари. Илгор технологияларни жорий этиш истқболлари ва уларда иқтисодий масалалар. Мазкур меҳнат техник-технология жараёнларини бажарувчи кишилар касбларига ўқувчилар кизиқишларини йўналтириб ҳамда танлаб олишга ёрдам беради. Қишлоқ хўжалиги соҳалари бўйича оммавий касб-хунар турлари ҳақида тушунчалар бериш ва касбга йўналтириш.

2. Қишлоқ хўжалиги машиналари. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида механизациялашган ишларни ташкил этишнинг аҳамияти, шарт-шароитлари ва иқтисодиёти.

Механизациялашган ишларни бажаришда минитрактор-машина агрегатларини йиғиш. Кичик (мини) тракторларнинг вазифаси, турлари, умумий тузилиши ва қўлланилиши. Ички ёнув двигателларининг турлари, характерли хусусиятлари, умумий тузилиши ва ишлаш тартиби. Ички ёнув двигателларида қўлланиладиган ёнилгилар ва уларнинг турлари, хусусиятлари.

Ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, иш-ҳаракат усуллари, кўникмалари куйидагилар:

а) Деҳқончилик бўлими – қишлоқ хўжалиги моддий неъматлари ишлаб чиқаришнинг асосий тармоғи эканлиги ва унинг муҳим соҳалари (деҳқончилик ва чорвачилик)нинг аҳамияти ҳамда ўзига хос хусусиятларини.

б) Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун мавжуд табиий ва иқтисодий шароитлари. Ўзбекистон ҳудудининг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш нуқтан назаридан тоғ ва тоғ олди. обикор сугориладиган ва чўл жойларга бўлиниши ҳамда уларнинг умумий хусусиятлари; ўсимликларнинг яшаш ва ривожлантириш учун зарур бўлган шарт-шароитлар (ёруғлик, иссиқлик, ҳаво, намлик, озиқ моддалар)нинг аҳамиятини;

в) Тупроқ ва унинг унумдорлиги. Тупроқнинг тузилиши ва асосий хусусиятлари (донадорлиги, сув симирувчанлиги, солиштирма қаршилиги ва ҳоказо).

г) Ерга ишлов бериш (ҳайдаш ва экишдан олдин юмшатиш)нинг аҳамияти, ерни ҳайдаш муҳитлари, чуқурлиги ва унда ишлатиладиган меҳнат қуроллари ва машиналар (плуг)нинг турлари, умумий тузилиши, ишлаш жараёни, плуглар билан ерни ишлаш тартиби, уларни тузатиш ва сақлаш. Ерга экиндан олдин ишлов бериш қуроллари (культиватор, борона, рухловчанлик, мола ва шу каби машиналар). Ер

шўрланиши ҳамда ботқоқланишнинг сабаблари ва уларни олдини олиш чора-тадбирлари.

д) Тупрок унумдорлиги ва экин ҳосилдорлигини ошириш ўғитларнинг аҳамияти: ўғит турлари, ўғитлаш меъёри, усуллари, муддати ва самараси, ўғит ишлаб чиқариш ва далага сепиш машиналари. Алмашлаб экишнинг деҳқончиликдаги аҳамияти ва ўсимликлар биологияси. Уругларнинг тозаллиги, унувчанлиги, намлиги, тўқлиги, йириклиги, касалланмаганлиги, сифат кўрсаткичларининг ҳосилдорлик таъсири. Уругларни саралаш ишлари.

IV. Халқ бадий хунармандчилигининг: миллий, этник, тарихий, маҳаллий жуғрофий жиҳатлари. Халқ миллий хунармандчилиги соҳалари: ганч ўймакорлиги, кандакорлик, мисгарчилик, кулолчилик, сандиксозлик, бешиксозлик, пичоқчилик, заргарлик, чилангарлик, чопон тикиш, кигиз босиш, дўппидўзлик, Шарк миниатюраси, рехтагарлик, зардўзлик, патдўзлик, каштачилик, читгарлик, сават тўқиш, бўйрачилик, нонвойчилик, ўтов тайёрлаш, ошпазлик, миллий ўйинчоқлар тайёрлаш, от-улов анжомлари тайёрлаш, мазкур меҳнат техник-технология жараёнларини бажарувчи кишилар касбларига ўқувчилар кизиқишларини йўналтириб ҳамда танлаб олишга ёрдам беради, шу билан бирга аниқ касбчилик, иморатсозлик ва бошқалар юзасидан дастлабки кўникма ҳосил этиш.

Хунармандчиликнинг жаҳон маданиятида тутган ўрни.

Маҳаллий хом ашё захираларининг манбалари, турлари, тарқалиши, уларнинг хунармандчилик сулолалари. Халқ амалий безак санъати ва хунармандчиликнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқаси. Турли хилдаги материалларни танлаш ва уларга ишлов бериш. Хунармандчилик асбоблари, мосламалари билан ишлаш. Маълум соҳаларда фойдаланиладиган электр қурилмалари ва ускуналари билан ишлаш. Хунармандчилик асосларини асраш, таъмирлаш ва уларнинг умрини узайтириш. Хунармандчиликда тадбиркорлик, ижодкорлик. Мазкур соҳага хос ҳосил этилган билим, кўникмаларига таяниб аниқ касбларни танлаш ва улар юзасидан дастлабки тайёргарлик кўриш.

Ўқувчилар эгаллашлари лозим бўлган билимлар:

- халқ хунармандчилиги ва уларнинг турлари тўғрисида маълумотлар;

- ёғоч ўймакорлиги ва уларнинг турлари тўғрисида маълумотлар, ёғоч ўймакорлигининг ўзига хос хусусиятлари, бадий манзарали талаблар;

- истеъмол буюмлари (товоқ, лаган, қошиқ), қурилиш буюмлари (устун, эшик, ром), меҳнат буюми (бешик, сандиқ, шкаф) яшаш технологияси, кетма-кетлиги;

- амалий ҳунармандчилик тармоқлари (бўйрачилик, сават тўқиш, заргарлик, темирчилик, кулолчилик). Пичоқчилик ва бошқалар, уларнинг иш услублари, ўзига хос хусусиятлари.

Ўқувчиларда шаклланиши лозим бўлган кўникма ва малакалар:

- ўқувчиларнинг ўзи қизиққан халқ ҳунармандчилиги тури бўйича бирор буюм эскизини чизиш, лойиҳалаш ва шу эскиз асосида буюмнинг ўзини ясаши ва дизайн талаблари асосида буюмга ишлов бериши;

- ўқувчи бир вақт неча материалларга бадиий ишлов бериши;

- халқ ҳунармандчилигининг бир неча тури бўйича буюмларни лойиҳалаш, яшашни ўзлаштириши мумкин. Бу унинг маҳорати даражаси юқори эканлигини кўрсатади..

V. Касбга йўналтириш. Касбларни танлаш мақсади, шарт-шароитлари, касблар таснифлагичи. Касб танлаш формуласи, касбий тавсифнома. Ўзбекистондаги касблар туркумлари: Одам-одам; одам-техника; одам-табиат; одам-белгилар тизими; одам-бадиий образ. Касбий маҳорат асослари. Касб-ҳунар йўналишини танлашда қизиқиш, мойиллик, қобилият, касбий яроқлиликнинг аҳамияти билан босқичма-босқич таништириб бориш.

Ўқувчиларнинг ҳудудий, жугрофий, маҳаллий шароитларидан келиб чиқиб, ўқув муассасаларида ўзлари қизиққан соҳа йўналишини (академик лицейларда ўқиш йўналишини) ихтиёрий танлашларига ёрдамлашиши. Соғлиги танлаган касбига мос келиш-келмаслигини ҳисобга олиш. Келгуси касбий ҳаёт йўлини онгли танлай олиш кўникмасини шакллантириш.

Мазкур йўналиш ва мазмунлар юзасидан расмий ҳужжатлар ва қуйидаги тавсияномалар билан ишлашга тайёрлаш:

- Ўқувчиларни меҳнат қонунчилиги ва хавфсизлиги, санитария-гигиена қоидалари тўғрисида ва шу каби назарий билимларга эга бўлишлари лозим.

- Техник меҳнатни ўрганиш жараёнида ўқувчилар турли курс асбоблари билан ишлаш, рўзгорбоп ва харидоргир буюмларни ишлаб чиқариш бўйича асосий тушунча ва амалий иш малакаларини эгаллашларини лозим.

- Соҳалар тармоқларига хос касбларга ўқувчилар кизиқишининг йўналтириш ҳамда танлаб олишга замин яратади.

- Меҳнат техник-технология жараёнларини бажарувчи кишилар касбларига ўқувчилар кизиқишларини йўналтириб ҳамда танлаб олишга ёрдам бериши лозим.

Меҳнат таълимини ўзлаштиришда қайд этилган ҳар бир фан, мавзу мазмунларини кенг ва чуқур ўзлаштириш мақсадида ҳамда амалий ишлар усулларини тўғри бажариш учун: эпидиаскоп, кинопроектор, видео ва бошқа техника воситаларидан фойдалана олишни уддалаш зарур.

Шунингдек, ўзлаштирилган ҳар бир фан орқали тест ва рейтингда аниқлаб олишни эгаллаш лозим.

Мустақил ишлар:

Меҳнат таълими тузилишидаги ДТСларни тест ва рейтингларни моделлаштириш ҳамда турларга хос талабларни ҳам модел ҳолатига келтириш.

Маъруза юзасидан ўқувчилар ўзлаштирган билимларни бойитиш, кенгайтириш ва чуқурлаштиришга хос бажарадиган вазифалар:

1. ДТСларга хос материалларни тўпланг, ўрганинг, таҳлил этинг ва тегишли ҳулосалар чиқаринг.

2. ДТСларни бажариш ҳолатини тест ва рейтинг имкониятларидан фойдаланиб ўрганинг, умумлаштиринг ва тегишли ҳулоса чиқаринг.

Меҳнат таълими дастурига йўналтирилган шарҳлар.

Мавзунини ўзлаштириш технологияси

А. Билиш керак:

- «Таълим тўғрисида»ги Қонунни;

- «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни;

- «Таълим тўғрисида»ги Қонунда меҳнат таълими масалалари;

- Таълим ва тарбияни меҳнат билан қўшиб олиб бориш ҳақида илғор фикрларни;

- Таълимий вазифани;

- Тарбиявий вазифани;

- Ривожлантирувчи вазифаларни;

- Услубий вазифаларни.

Б. Уддалаш керак:

- 5-синф ўқув режасини бажарилиш технологиясини;

- 6-синф ўқув режасини бажарилиш технологиясини;
- 7-синф ўқув режасини бажарилиш технологиясини;
- 8- синф ўқув режасини бажарилиш технологиясини;
- 9- синф ўқув режасини бажарилиш технологиясини;

В. Мавзу юзасидан ўзлаштиришга йўналтирилган материаллар:

Меҳнат таълимига йўналтирилган турли ишлар. Меҳнат таълими фанини ўқитишнинг моҳияти, мазмуни, мақсади, вазифалари, тамойиллари ва бошқа мезонлари белгилайди.

Меҳнат таълимига йўналтирилган меҳнатлар дастурлаштирилган ҳолатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 14-15 апрелида ўтказилган биринчи чақирик XIV сессиясида Президент И.А.Каримов нутқида белгилаб берилган таълим соҳасини ривожлантиришнинг ҳозирги долзарб масалалари, баркамол авлодни ватанпарвар, меҳнатсевар, илмли бўлишни таъминлаш юзасидан вазифаларга Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосларига биноан ишлаб чиқилган. Ушбу дастур 1998-99 ўқув йилида Республиканинг белгиланган мактабларида меҳнат таълими ўқув фанидан тажриба-синов ишлари натижаларига биноан тузилган.

Умумий ўрта таълим мактабида меҳнат таълими фанини ўқитишдан мақсад – ўқувчиларнинг ақлий ва жисмоний меҳнат турлари, жараёнлари ҳамда касблар билан таништириш. уларда дастлабки меҳнат кўникмалари ва малакаларини, меҳнатга қизиқтира олиш ва меҳнатсеварликни шакллантириш, уларда меҳнат ва касбларни кадрлашга, уларнинг аҳамиятини тушунишга ўргатиш.

Меҳнат таълими ва унинг материаллар заминида касбга йўналтириш жараёнлари олдида қўйилган юкоридаги вазифаларнинг бажарилишини назорат қилиш ушбу таълим стандарти воситасида амалга оширилади. Меҳнат ва унинг материаллар заминида ўқувчиларни касбга йўналтириш таълими стандарти умумий ўрта таълим мактабларида меҳнат таълимининг таянч мавзуси ҳамда битирувчиларнинг меҳнат таълими ва касб танлашига тайёргарлик даражасини белгиловчи меъёрлар мажмуаси бўлиб, у давлатнинг таълим соҳасидаги меъёрий ҳужжати ҳисобланади. Давлат стандартида белгилаб қўйилган кўрсаткичларга эришиш давлат томонидан талаб қилинади ва ўз навбатида бу кўрсаткичларга имкониятлари таъминланади.

Ўқувчилар таъминланиши зарур бўлган меҳнат таълими ва унинг мазмуни заминида ўқувчиларни касбларга йўналтириш таълими мазмуни умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларга бериладиган меҳнат таълими мазмуни негизини ифодалайди. Ушбу таълим мазмуни ҳар бир ҳудудда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш соҳалари мазмунига академик лицей ва касб-хунар коллежлар касб ва мутахассисликларига мос ҳолда ўқув дастури ва дарсликларни политехник таълимоти негизида ўргатишга йўналтирилади.

2.2. Меҳнат таълимнинг мақсад ва вазифалари

Ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчилар томонидан бажарилган ақлий ва жисмоний ҳаракатлар жараёнидан иборат бўлиб, якуний натижада уларни меҳнат қуроллари, воситалари ва жараёнлари ҳақидаги билимларни ҳамда маълум соҳадаги ишлаб чиқариш меҳнатини бажариш учун зарур. Амалий кўникма ва малакаларни эгаллашлари негизида онгли равишда касб танлашга ҳамда жамият ва шахс фаровонлиги йўлида меҳнат фаолиятига кўшилишларига имкон берувчи шахсий сифатларни ва тафаккурларни ривожлантиришга қаратилган ўқув фанидир.

Меҳнат таълимнинг мақсади:

Ўқувчиларда умуммеҳнат кўникма ва малакаларни шакллантириш, уларнинг қизиқишлари, қобилиятлари, касбий мойилликларига кўра, касб-хунар турларини танлашга асос бўладиган хислатларни, умуммеҳнат маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш;

Халқ хўжалигининг турли соҳалари, уларда ишлатиладиган техника ва технология тўғрисида билимлар бериш, меҳнат орқали яқинроқ танишишларига имкон яратиш, уларни харидорғир маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияларига ўргатиш;

Юқори синфларда меҳнат таълими ишчи мутахассисликларнинг касбий фаолиятида қўлланиладиган турли хил асбоб-ускуналар, жихозлар, мосламалардан фойдаланишни ўргатиш; механизациялаштирилган ва электрлаштирилган воситалар билан ишлашни; технологик билим ва малакаларни, меҳнат қонунчилиги, хавфсизлик техникаси, санитария-гигиена қоидалари асосларини ўргатиш;

Турли ишлаб чиқариш соҳалари мазмунига тааллуқли дастлабки маълумотларни ўргатиш, ўлчаш-текшириш асбобларидан, маълумотномаларидан фойдалана олиш,

меҳнат амалиётларини бажариш, олинган натижаларни қўйилган талаблар билан таққослаш орқали хулоса чиқаришга ўргатиш;

Ўқувчиларга билимга интилиш ва меҳнатга муҳаббат, меҳнат кишисига нисбатан ҳурмат ҳиссини сингдириш, уларни жамоатчилик, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш;

Ўқувчиларни бозор иқтисодиёти қонуниятлари талаблари асосида сифатли, рақобатбардош истеъмол моллари, меҳнат маҳсулотлари етиштиришга ва етиштирилган маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиш воситаларини ўрганиш, иш бошқарувчи (менежерлик) унсурларини, ҳомийлик, ишбилармонлик сифатларини шакллантириб бориш ва ривожлантириш;

Халқ ҳунармандчилиги касбларини ўргатиш орқали халқларнинг миллий руҳини яшаш тарзини, анъаналарини тиклаш ва ривожлантириш. Миллий кадрятлар, тарихий ёдгорликлар, халқ усталарининг бой меросини ўргатиш ва улардан ўз амалий фаолиятида фойдаланиш қўникмаларини мустаҳкамлаш;

Меҳнат таълими ва касбгача тайёрлаш жараёнларида ахборот технологиялари ва компьютер техникаси, янги технология ва жиҳозларнинг қўлланилиши соҳаларини замонавий талаблар даражасида ва жаҳон тажрибаларига мос ҳолда ўрганишларни таъминлаш.

Меҳнат таълими негизида касбларга йўналтириш жараёнлари олдига қўйилган юқоридаги вазифаларнинг бажарилишини назорат қилиш мавжуд таълим стандарти воситасида амалга оширилади. Меҳнат таълими стандарти умумий ўрта таълим мактабларида меҳнат таълимининг таянч мавзуси битирувчиларнинг меҳнат таълими касб танлашга тайёргарлик даражасини белгилловчи меъёрлар мажмуаси бўлиб, у давлатнинг таълим соҳасидаги меъёрий ҳужжати ҳисобланади. Давлат таълим стандартида белгилаб қўйилган кўрсаткичларга эришиш давлат томонидан талаб қилинади ва ўз навбатида бу кўрсаткичларга эришиш учун зарур бўлган таълим имкониятлари таъминланади.

Ўқувчиларнинг меҳнат таълимини амалга ошириш учун қуйидаги ташкилий ва услубий вазифаларни ҳал қилиш лозим:

Ташкилий вазифалар. Меҳнат таълим бўйича назарий машғулотлар учун ташкил қилиш ва уларда хавфсиз ва қулай меҳнат шароитларини яратиш.

Ўқувчиларни машгулотлар учун зарур хом ашё, материал, асбоб-ускуналари билан таъминлаш ҳамда мосламалар, меҳаннэмлар, станоклар билан амалий ишлаш жараёнини ташкил қилиш.

Санитария-гигиена ҳамда меҳнат хавфсизлиги бўйича меъёрий ҳужжатларда белгиланган талабларни тўлиқ бажарилишини таъминлаш ва мунтазам назорат қилиб бориш. Ўқувчиларнинг турли касблар бўйича меҳнат жараёнлари ва касб эгалари билан яқиндан танишишларини амалга ошириш ҳамда касб танлашга тайёрлаш орқали уларнинг касбгача тайёргарликларини амалга оширишдан иборат.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги таълимий-тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифаларни бажариш лозим бўлади;

Таълимий вазифа – ўқувчиларнинг баркамол шахслар бўлиб шакллантириш учун уларга меҳнат жараёнлари, касблар, умумий технология, техника ва ишлаб чиқаришнинг илмий асосларини ўргатиш, камида учта касб билан дастлабки, таништириш орқали уларнинг касбгача тайёргарликларини амалга ошириш ва касб-ҳунар коллежларида таълим олишга тайёрлашдан иборат.

Тарбиявий вазифа – ўқувчиларнинг меҳнат кўникмаларини шакллантириш жараёнида меҳнат ва касбга муносабатларида юқори ахлоқий сифатларни, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик ва тадбиркорликни ривожлантириб боришдан иборат.

Ривожлантирувчи вазифа – меҳнат таълими машгулотлари жараёнида ўқувчиларга ақлий, жисмоний, бадиий-эстетик тарбия ва таълим-тарбия бериш, касбгача тайёргарликларини амалга ошириш орқали уларнинг баркамол шахслар бўлиб етиштишларига ёрдам беришдан иборат.

Меҳнат таълим фанининг мазмуни шартли равишда учга, яъни меҳнат таълими тайёргарлиги, касблар бўйича тайёргарлик ва касбгача махсус тайёргарлик қисмларига бўлинади. Бу қисмлар ҳар бир дарс машгулотларининг таркибига сингиб кетган бўлиб, уларнинг ўқитувчилар ва услубчилар томонидан илмий-услубий нуқтаи-назаридан ҳисобга олинган ҳолда таҳлил қилиб борилиши меҳнат таълими машгулотларининг аниқ мақсадга йўналтирилган бўлишини таъминлайди.

Меҳнат таълимининг мактаб атрофидаги корхона, ташкилот ва касб-ҳунар коллежларида кенг тарқалган соҳалар, касбларга йўналишлари, вазифалари, мақсад ва мазмуни мувофиқ танлаб олинади. Шунга кўра ҳар бир мактабда меҳнат таълимининг

юкорида қайд этилган йўналишлари асос қилиб олинishi ва уларнинг мазмунига хос касблар билан ўқувчиларни йўналтирилади.

Бу борада корхоналар, жамоа хўжаликлари, ташкилотлар, муассасалар билан доимий алоқа ўрнатилади. Бунинг учун расмий ҳужжатлар: меъёрий режалаштирувчи ҳужжатлар, устахонада хавфсизлик техникаси, санитария-гигиена, биринчи ёрдам кўрсатиш қондаларига доир ҳужжатларни юритиш мақсадга мувофиқдир.

Услубий вазибалар: машгулотларнинг ярим ва бир йиллик иш режаларини тузиш. Бунда маҳаллий шароитлар, эҳтиёжлар ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда, касблар таснифи асосида, ўқувчиларни яқиндан таништириш мумкин бўлган касб турларини танлаш.

Ўғил ва қиз болаларнинг ўзларига хос меҳнат машгулотларини ва касб танлашларини амалга ошириб бориш. Машгулотларда замонавий илгор педагогик технологиялар. Янги дидактик воситалардан кенг фойдаланиш, меҳнат таълими ва тарбиясининг бирлигини таъминлаш. Ўқувчиларнинг турли касбларга тегишли дастлабки меҳнат кўникма ва малакаларини, меҳнатсеварликни шакллантириш.

Меҳнат таълими жараёнида ўқувчиларни ақлий ва ахлоқий жиҳатдан ривожлантириб боришда уларнинг ёш хусусиятларини, шахсий психологик ва физиологик сифатларини ҳисобга олиш.

Ўқувчиларни касбга йўналтириш ишларини олиб бориш.

Ўқувчиларни билим, кўникма ва малакаларини рейтинг тизими асосида назорат қилиб бориш.

Мактабда меҳнат таълими ва тарбияси, касбга йўналтириш жараёнини ташкил қилиш ҳамда уни амалга оширишда педагогика, дидактика, психология, физиология, методика ва махсус фанларнинг илмий хулосаларидан кенг фойдаланиш кўзда тутилган. Машгулотлар мавзуи амалиёт билан, ўқув мазмуни тарбиявий муаммоларни ҳал қилиш билан уйғунлаштирилган ҳолда бўлишини таъминлайди.

Мазкур ўқув дастури асосида олиб борилган ўқув-тарбия ишлари натижалари, ўқувчиларнинг ўзлаштиришларини аниқлаш ва назорат қилиш Давлат таълим стандарти асосида амалга оширилади.

Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-9 синфларида ўқувчиларни сони шаҳар мактабларида 25 ва ундан ортиқ, қишлоқ мактабларида 20 ва ундан ортиқ бўлса, меҳнат таълими дарслари шу синфдаги икки гуруҳга ажратилган ҳолда олиб борилади.

Халқ ҳунармандчилиги айрим нодир касбларни ўргатиш учун уста-шоғирд ёки ота-ўғил, она-қиз шаклларидан фойдаланилади. Бундай машғулотларни тегишли халқ ustalари билан мактаб ўртасида тузиладиган шартномалар асосида ташкил қилинади.

Дастурдаги меҳнат йўналишлари бўйича машғулотларни ташкил қилиш ва ўтказиш кетма-кетлиги маҳаллий шароит ва имкониятлар ҳисобга олинган ҳолда ўқитувчи томонидан ҳал қилинади.

Юқорида қайд этилган меҳнат таълимини ДТС мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда – меҳнат таълими методикаси юзасидан меҳнат таълими ўқитувчисини тайёрлаш жараёнида қатор дидактик вазифалар ҳам ҳал қилинади. Буларнинг энг муҳимларидан бири мактабдаги меҳнат таълими вазифаларини, мактаб дастурлар мазмунини, уларнинг гоյлари ва ташкилий тамойилларини очиб беришдан иборат. Бунинг муҳимлиги шундаки, мактабдаги меҳнат таълимининг вазифалари ҳам, мактаб дастурининг мазмуни ҳам доимо ўзгариб туради. Ўқитувчи шунга тайёр бўлиши керакки, у ўзининг педагогик фаолияти давомида меҳнат таълими мазмуни бир неча марта қараб чиқишга янги такомиллашган дастурлар билан ишлашга ҳам мажбур бўлади. Буни фан-техника тараққиётининг ривожини, жамият тузумининг бутун тизими тақозо этади. Шу сабабли мактаблар ривожланишининг маълум даври учун характерли меҳнат таълимининг вазифалари ва мазмунини шунчаки билиб, эслаб қолишнинг ўзи камлик қилади. Уларнинг келиб чиқиш сабабларини улар заминидан қандай методологик ва педагогик йўл-йўриқлар борлигини ҳам билиб олиш керак. Шундагина меҳнат таълимининг вазифалари ва мазмунидаги ҳар қандай асосли ўзгаришларни идрок қилиш ва тушунтириш осон бўлади.

Меҳнат таълимининг вазифалари билан мазмуни мураккаб диалектик боғлиқликда бўлади. Буни тушуниб етмоқ учун шуни назарда тутмоқ керакки, меҳнат таълими вазифалари турли даражада қўйилади ва ҳал қилинади.

Биринчи – олий даражада меҳнат таълими мактаб низомининг элементи сифатида, яъни умуммактаб вазифаси ўқувчиларда маънавий-маърифий ва истиклол дунёқарашини шакллантиришдан иборат. Ўқув жараёнларига ҳам, бутун педагогик синфдан ташқари фаолиятига ҳам тааллуқли бу вазифани беистисно ҳамма ўқув предметлари амалга оширади.

Таълимни унумли меҳнат билан қўшиш, политехник таълим, меҳнат тарбияси асосида – ўқувчиларни касбга йўллаш каби вазифалар кўпчилик ўқув предметлари,

меҳнат таълими билан биргаликда ҳал қилинади. Бу вазифаларни ҳал қилишда меҳнат таълими алоҳида рол ўйнайди, чунки меҳнат машгулотларида ўқувчиларни унумли меҳнатга жалб этиш, ҳозирги замон ишлаб чиқариши асослари билан таништириш, уларда оммавий ишчи касбларига муҳаббат уйғотиш ва шу касблар ҳақида етарлича тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш учун қулай шароитлар вужудга келади.

Умумий мактаб вазифаларини ҳал қилишда меҳнат ўқитувчиси бошқа ўқитувчилардан ажралмаган ҳолда ишлаши ва ўз фаолиятини уларнинг фаолияти билан бирлаштириб бориши муҳимдир. Шундай қилинганда уларнинг ишлари такрорланишдан ҳоли ва янада мақсадга мувофиқроқ бўлади.

Кўрсатилган вазифалардан ташқари яна торроқ вазифалар ҳам қўйилади ва улар асосан меҳнат таълими даражасида ҳал қилинади ёки булар умумий мактаб вазифалари бўлиб, ўзига хос махсус вазифалар билан бирга амалга оширилади. Булар иккинчи даражадаги вазифалардир. Масалан, техник ижодиётнинг ривожланиши, тажриба ишларида қатнашиш, мактаб шароитида асосан меҳнат таълими жараёнида ва шу таълим асосида ташкил қилинган синфдан ташқари ишда содир бўлади. Материалларга ишлов бериш, машиналарга хизмат кўрсатиш ва ҳоказоларга доир амалий билим ва малакаларнинг шаклланиши ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин.

Меҳнат жараёнида ўқувчиларни ҳар томонлама ривожлантиришнинг муҳим воситасидир, физиологик нуқтаи назардан тўғри ташкил қилинган меҳнат таълими бола организмнинг жисмоний ривожланишига ёрдам беради. Врач-гигиенистлар ўтказган тадқиқотлар устахоналардаги амалий ишларни синфда ўтказиладиган машгулотлар билан алмаштириб туриш ўқувчиларнинг меҳнат қобилиятини оширишини кўрсатди. Меҳнат таълими жараёнида жисмоний фаолият ақлий фаолият билан омухталашади ва ўқувчиларнинг буюмлар конструкцияси, уларни тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш ва бошқа қатор ижодий вазифаларни ҳал қилишларида тўғри келади. Шундай қилиб меҳнат таълими фикрлаш фаолияти билан бирга амалга ошади. Бу эса, ўқувчиларнинг ақлий ривожланишига имкон беради.

Меҳнат таълимининг ғоявий-сиёсий, ахлоқий тарбия учун аҳамияти катта. Ижтимоий фойдали нарсалар яратиб, унумли меҳнатда қатнашиб, ўқувчилар ўзларини ишлаб чиқариш қатнашчилари, деб ҳисоблайдилар. Улар жамият ва шахсий мулкка қандай ғамхўрлик билан муносабатда бўлиш талабига ҳақиқатда тушуна

бошлайдилар. меҳнат кишиларини ҳурмат қила бошлайдилар, улардан намуна олишга ҳаракат қиладилар.

Меҳнат таълими вазифаларидан бири – бу меҳнат жараёнида эстетик тарбия учун шароитлар яратилади. Агар ўқувчилар чиройли буюмлар яшасса, жамиятга фойда келтирганларидан маънавий қониқиш ҳосил қиладилар ва эстетик завқ ҳам оладилар. Шу билан уларда бадий дид ҳам тарбияланади, шаклларнинг уйғунлиги ҳақида тўғри тасаввурлар таркиб топади.

Нихоят, учинчи даражадаги вазифалар ҳар бир ўқув мавзуси, машғулотни доирасида ифодаланади.

Вазифаларнинг ҳар хил даражалари ҳақида гапириш, уларни бир-биридан фарқ қилишга шунинг учун ҳам тўғри келадик, уларнинг ҳар биридаги вазифа ва мазмун ўзаро бир хил боғлиқ эмас.

Биринчи даражадаги вазифалар бевосита халқ таълими ҳақидаги истиқлол таълимотдан келиб чиқади.

Ҳукуматнинг қарорлари, қонунчилик акллари билан белгиланади. Меҳнат таълимининг мазмуни эса шу вазифаларга тўла боғлиқдир, яъни шу вазифаларга кўра белгиланади. Лекин мактаб таълими мазмунига биринчи даражадаги вазифалар кўйдиган талаблар бир вақтда қатор предметларга нисбатан шунчалик умумий характерга эгаки – бу бевосита ўқув дастурларини тузишга имкон бермайди.

Масалан, таълимни унумли меҳнат таъминлаш зарурлиги мактабдаги ўқитиш мазмунига. жумладан, меҳнат таълими мазмунига қатор талаблар кўяди:

1. Ўқувчиларнинг амалий фаолиятлари имкониятига қараб унумли меҳнатни ўз ичига олиши керак.

2. Ўқувчиларнинг унумли меҳнати, уларнинг ўқув фаолиятининг таркиби ва қўшилиб кетиши керак.

3. Унумли меҳнат мазмунида болаларнинг ёш имкониятлари, меҳнат таълими вазифалари ишлаб чиқариш муҳитининг характери ҳисобга олиниши керак.

4. Мактаб таълими ишлаб чиқариш малакасини бериш билан тугаллиниши керак.

Меҳнат таълими мазмунига политехник таълим вазифалари асосида қатор талаблар кўйилиши мумкин:

1. Ҳамма ўқувчилар ҳозирги замон ишлаб чиқариши асослари ҳақида бир хил ҳажмдаги билимларни олиши керак.

2. Ўқув материаллар энг кўп тарқалган техника ва технология объектларидан иборат бўлиши лозим.

3. Ўқув материалда таълим жараёнида ишлаб чиқаришнинг аралаш соҳалари бўйича ўзлаштирилган билим ва малакаларни кўчириш учун шароитлар бўлиши зарур. Мазмунга нисбатан биринчи даражали вазифалардан келиб чиқадиган талаблар икки даражали вазифаларни тақозо қилади, яъни ўқув предмети сифатидаги меҳнат таълими учун хусусий бўлган ва меҳнат таълими доирасида ҳал қилинадиган вазифаларни қўйидагича ифодалаш имкониятини беради:

1. Меҳнат таълими вазифаларига ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндошиш.

2. Меҳнат таълими жараёни имкон борича максимал ҳажмдаги унумли меҳнат билан фаолиятига таркибан киритиш.

3. Меҳнат таълими мазмунини ўқувчиларнинг ёши ва мактабнинг ишлаб чиқариш муҳитини ҳисобга олган ҳолда дифференциациялаш.

4. Ҳар бир ўқувчини бир хил ҳажмдаги политехник билим ва малакалар билан қуроллантириш.

5. Меҳнат таълимининг бошқа ўқув предметлар билан боғланишини таъминлаш.

Иккинчи даражали вазифалардан ўқув предмети сифатидаги меҳнат таълими мазмунига қўйиладиган талаблар чиқади.

1. Меҳнат таълими мазмуни ёш хусусиятлари ҳамда таълим жараёнида қўйиладиган вазифаларни (масала) ҳисобга олган ҳолда босқичларга ажратиш мақсадга мувофиқ

2. Ўқув дастурларининг мазмунида ўқитиш босқичлари орасидаги изчиллик назарда тутилиши керак. Бунинг учун ҳамма синфлар учун дастурларнинг ягона таркиби бўйича тузиш лозим. Мактабларнинг иш тажрибаси бундай таркиб қўйидагиларни ўз ичига олиши зарурлигини кўрсатмоқда: материалларнинг хоссалари ҳақидаги назарий маълумотларни тажрибалар жараёнида бу хоссаларни ўрганишни материалларга ишлов беришни ва бунда ишлатиладиган меҳнат қуролларини, ишлаб чиқариш процесси ва ишлаб чиқариш шароитида материалларга ишлов бериш билан боғлиқ бўлган асосий касбларнинг тавсифи.

3. Меҳнат таълими мазмунининг дифференциацияланишини таъминлаш учун уни ҳар хил вариантларда бериш. Меҳнат таълимининг қайси босқичларида меҳнат

таълими мазмунини дифференциациялаш мақсадга мувофиқлигини ва бунинг амалга оширишда нимага амал қилиш кераклигини аниқлаш зарур.

4. Ўқувчилар ҳар хил дастурлар бўйича ўқитилиши мумкин, ammo уларнинг ҳозирги замон ишлаб чиқариши асослари ҳақидаги тасаввурлари ҳажми бир хил бўлиши, шу сабабли ҳамма дастурларга билим ва малакаларнинг баъзи стабил ҳажми киритилиши зарур, бунинг асосий вазифаси ўқувчиларнинг политехник тайёргарлиги бир хил савияда бўлишини таъминлашдан иборатдир.

Иккинчи даражадаги вазифалардан келиб чиқадиган ўқув предмети сифатидаги меҳнат таълими мазмунига қўйиладиган талаблар асосида ўқув дастури тузилади. Ammo бўлим ва темаларга ажратилган маълум дастурларга эга бўлинганда ҳам, конспект материални чоп этишда қандай вазифалар (масалалар) қўйиш кераклигини ҳал қилиш лозим. Булар эса учинчи даражадаги вазифалар бўлади. Бу вазифалар умумий йўсинда, масалан, бундай ифодаланиши мумкин кўзланган аниқ малакаларни шакллантириш, берилган аниқ маълумотлар билан таништириш, ўқувчиларни берилган аниқ ўрганиш объекти базасида техник ижодий фаолиятга қатнаштириш ва хоказолар.

Кўриниб турибдики, учинчи даражали вазифалар ўқув материаллар мазмунини белгиламайди, аксинча ана шу материал мазмунидан келиб чиқади. Албатта бунда вазифалар мазмунига таъсир қилади, ammo бу ўқув дастурига таъсир қилмайди. Масалан, дастурда ўқувчилар меҳнат объектларининг тахминий рўйхати мавжуд: ўқитувчи дарснинг дидактик вазифаларидан келиб чиқиб, ўқитувчи дастурига қўшимча киритади, ammo бу мазмун нуктаи назаридан принципиал ҳисобланмайди.

Шу билан бирга умуман жамият ривожланишининг муайян босқичи доирасида, хусусан, умумий таълим мактабида меҳнат таълими вазифалари ва мазмунининг стабиллиги таъминланиши керак. акс ҳолда таълим жараёнида ўқув адабиёти билан етарлича самарали ўқитиш методикаси билан таъминлаб бўлмайди, меҳнат таълими босқичларининг изчиллигига меҳнат таълимини фан асосларига доир предметларни ўқитиш билан боғлашга эришиб бўлмайди.

Меҳнат таълими вазифалари ва мазмунини ҳақидаги саволга бир хил жавоб олиш яна икки ҳол билан мураккаблашди:

Биринчи, олдин кўриб чиқариш соҳаси бўйича ўқувчилар ўзлаштира олишлари мумкин бўлганда кўпроқ ҳажмдаги билим ва малакалар жавоб беради. Шу сабабли

Ўқув материаллини танлашга аниқ эга бўлиш керак. Ўқув дастурларини тузувчилар ҳозирча бундай мезонларга эга эмаслар. Масалан, техник меҳнат дарсларида асосий вақт ёғоч ва металлларга ишлов бериш, материалларга ишлов бериш билан таништириш доирасини ҳар хил технологик жараёнларни бажариш ҳисобини кенгайтириш керак, деб ҳисоблайдилар.

У томон ҳам, бу томон ҳам ўзининг ҳақлигига етарлича ишончли далиллар келтира олмаётирлар. Шу сабабли мактабдаги меҳнат таълимининг аъъанавий мазмунига, ҳажмига асосланиб вақтинча ҳал қилинди. Шунга кўра, бу масала меҳнат таълим мазмунининг самарали критерийларини танлашда тўхтатилди.

Иккинчидан, меҳнат таълимининг умуммактаб вазифалари баъзан меҳнат таълимига зид талабларни кўяди. Бу ҳол таълимни унумли меҳнат билан қўшиш ва политехник таълим каби фундаментал вазифалар мисолида яққол кўринади.

Мутлақо равшанки, аниқ амалий ишга қанча кўп вақт ажратилса, таълимни унумли меҳнат билан қўшишни амалга ошириш шароити шунча яхши бўлади. Шу нуқтаи назардан дастурнинг бутун ўқув вақтидан 20 фоизини назарияга ажратиш талаби анча асосли кўринади. Ўқувчиларни ҳозирги замон ишлаб чиқариши асослари билан таништирадиган политехник таълим вазифаларидан келиб чиқиб, бу талабни мутлақо бошқача баҳолаш мумкин. Чунки ана шу вазифаларни бажариш учун экскурсиялар ўтказиш, кинофильмлар ва диафильмлар намойиш қилиш, халқ хўжалигининг ҳар хил тармоқлари, техника объектлари, технология ва ҳоказолар ҳақида ҳикоялар қилиш керак. Шу нуқтаи назардан вақтнинг 20 фоизига кам кўриниши мумкин. Демак, бу масалага бир томонлама ёндошиш нотўғридир. Лекин афсуски, баъзан бунга йўл қўйилмоқда. Меҳнат таълими тарихининг яқин ўтмиши бунга жуда яққол мисол бўлади.

1955 йилда мактабларда меҳнат таълими жорий қилингандан кейин юқори синфларда бу таълим ривожланишининг икки хил тенденцияси аниқ кўринди. Мактабларда ўқувчиларни ишлаб чиқариш асослари билан таништиришга кўпроқ аҳамият берилди. Бунинг учун VIII-X синфларда «Машинашунослик», аниқ ишлаб чиқариш асосида «Ишлаб чиқариш асослари» ёзги амалиёт билан бирга, «Ички ёнув двигатели», «Электротехника» практикумлари жорий этилди. Буларда ўқувчиларни аниқ корхона базасида ҳозирги замон ишлаб чиқаришининг ташкил қилиниши,

режалаштириш, иктисодиётни ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш билан таништириш вазифалари кўйилиши таъкидланди.

Айрим мактабларда бошқача йўл тутилди. Бу таълимни унумли меҳнат билан қўшишга алоҳида эътибор берилди. Ёшнинг учун ишлаб чиқариш таълими, касблар бўйича амалий тайёргарлик жорий қилинди. Ўқув жараёни касбий йўналишга эга бўлди.

Кейинчалик мактаб иши тажрибаси бундай бир томонламалик ўзини оқламаслигини кўрсатди. Меҳнат таълими мазмунда ана шу таълимга мактаб таълими тизимининг элементи сифатида ҳам, мустақил ўқув предмети сифатида ҳам қўйиладиган вазифалар бир хил ифодаланиши керак. Бу талабни бажариш эса жуда қийин. Буни техник меҳнат дарсларига тегишли бошқа мисол ҳам тасдиқлайди.

Мактаб ҳақидаги Қонун (1958 йил) қабул қилиниб, тўлиқсиз ўрта мактаб етти йилликдан саккиз йилликка айлантирилгандан кейин машинашунослик ва электротехника элементлари юқори ҳисобланмайдиган саккизинчи синфда ҳам қолдирилди. Шундан сўнг машинашунослик ва электротехника элементлари аста-секин пастга туша бошлайди. Ҳозирги кунда улар бешинчи синфдан бошлаб мактаб устaxonаларидаги бутун таълим даврида ўрганилади.

Ўқув материалининг бундай силжншига асосан иккита вазифа: ўқувчиларни ишлаб чиқариш асослари билан таништириш ва меҳнат таълими мазмуни ўқувчиларнинг ҳаётий тажрибасидан олдинлаб кетишини қискартириш зарурлиги сабаб бўлди.

Бу борада ўқув дастурлари тузувчиларнинг позициялари ўзини тўла оқлади. Лекин ўқувчиларнинг ҳозирги замон ишлаб чиқариши асослари ҳақидаги билимни доирасини янада кенгайтиришга интилиш жараёнида анчагина назарий маълумотларни, ўқувчиларни штамповка, пайвандлаш каби асосан, лаборатория ишлари тариқасида амалга ошириладиган металларга ишлов бериш турлари билан таништириш тадбирларини киритишга олиб келди. Бунинг натижасида назарий маълумотларни ўрганишга ажратилган вақт кескин ортди ва шунга мутаносиб равишда, унумли меҳнатга ажратилган вақт камайди, ўринли танқид қилинди.

Шу тариқа мазмуни узлуксиз такомиллаштирилди ва ҳозирги кунда мактабда амал қилинаётган дастурлар кўпчилик мутахассислар ишининг натижаси ҳисобланади.

Меҳнат таълими вазибалари билан танишилгач, унинг мазмунини батафсил анализ қилишга ўтиш мумкин.

Куйи синфларда ўқувчилар учта асосий бўлимдан: ишлов бериш технологияси элементларини моделлаштириш; ўсимликларни ўстириш ва ҳайвонларнинг ҳаёти билан танишишдан иборатлигича ўқитилади.

Технология баъзи кенг тарқалган ва ишлов беришни болалар уддалай оладиган материаллар: қоғоз, картон, газлама, ип, калава, табиий материаллар (мевалар, илдишлар, йўсинлар), ёғоч, юмшоқ сим, тунока ва ҳоказоларни қамраб олади.

Моделлаштириш болаларнинг қурилиш, техник ва электротехник конструкторлар билан ишлашларини назарда туттади. Ўсимликларни ўстириш ва ҳайвонларнинг ҳаёти билан танишганларида кейин ўқувчилар баъзи сабзавотлар, гуллар ва маданий ўсимликларни ўстириш бўйича ўзлари эплай оладиган тажрибаларни ўтказадилар, баъзи қишлоқ хўжалик ҳайвонлари (қуёнлар, товуклар, ўрдақлар, гозлар, бузоқлар, қўйлар)нинг хусусиятлари ва уларни парвариш қилиш қоидаларини билиб оладилар.

Куйи синфларда ўқувчиларнинг амалий фаолиятларига асосий эътибор берилади, бунга ўқув вақтининг 80-85 фоизи ажратилади. Шунга қарамай, дастур ишлов бериладиган материалларнинг хоссалари ва уларни тайёрлаш усуллари ишлатиладиган асбоблар ва улардан фойдаланиш қоидалари, ўз меҳнат фаолиятларини режалаштириш, меҳнат маданияти ва албатта, хавфсизлик техникаси қоидалари ҳақида тегишли маълумотлар олишларини тақозо этади.

Меҳнат топшириқларини бажаришда ўқувчилар кўрсатмали қўлланмалар, ўйинчоқлар, моделлар, табиий материаллардан буюмлар ясайдилар.

V-VII синфларда меҳнат таълими дастурларининг тўртта варианты бўйича амалга оширилади. Бундай вариативликда ўқувчиларнинг жинси (қиз болалар, ўғил болалар) ва мактабларнинг ишлаб чиқариш муҳити (саноат, қишлоқ хўжалиги) ҳисобга олинади. Шаҳар мактабларида ўғил болалар техник меҳнат билан, қишлоқ мактабларида техника ва қишлоқ хўжалигн меҳнати билан шуғулланадилар. Қизлар эса мос равишда хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалик меҳнати билан шуғулланадилар.

Шаҳар мактаблари ўқувчилари учун ҳам қишлоқ хўжалик меҳнатини ташкил этса бўлади. Шу мақсадда хўжаликларга яқин жойдаги мактабларда меҳнат

таълимини кишлок мактаблари дастурлари бўйича олиб бориш мумкин. 0,5 гектар ва ундан катта ўқув-тажриба учусткасига эга бўлган мактаблар кўшимча программа бўйича ишлашлари мумкин. бу дастурлар – VII синфларда йилига техник ва хизмат кўрсатиш меҳнати ҳисобига баҳорги ва кузги ишлар учун 18 соат вақт ажратилган.

Техник меҳнат ёғочга ишлов бериш, металлларга ишлов бериш, машинашунослик-электротехника ишлари махсус ишлар ижтимоий фойдали, унумли меҳнат экскурсиялари бўлимларини ўз ичига олади.

Ёғочга ва металлларга ишлов бериш асосий слесарлик ва дурадгорлик операцияларидан, шунингдек, пармалаш, токарлик ва фрезерлаш станокларида ишлашдан иборат бўлади. Машинашунослик элементлари металл қирқиш ва ёғочга ишлов бериш станоклари асосида ўрганилади. Электротехника ишлари деталлари ёғоч ва металлга ишлов бериш темаларини ўтишда тайёрланадиган буюмларни йиғиш ва электрлаштиришни назарда тутди.

Махсуслаштирилган ишлар икки вариантда берилган: биринчи вариант ўз ичига ҳар хил буюмлар – металл материаллардан, ёғочдан, пластмассалардан деталлар ясашга оид топшириқларни ўз ичига олади. Иккинчи вариантда ўқувчиларни амалий техника санъати элементлари зарб қилиш, ёғочга нақш солиш (ёғочни ўйиб ишлаш), ёғочга мозаика тушириш билан таништириш.

«Ижтимоий, фойдали, унумли меҳнат»ларида ўқувчидан корхоналарнинг, оталикдаги болалар богчаларининг буюртмалари бўйича, хусусий эҳтиёжлар учун моддий бойлиқлар яратиш билан шугулланишлари керак.

Хизмат кўрсатиш меҳнати: озуқа маҳсулотлар билан ишлаш, машинашунослик элементлари газлама билан ишлаш. электротехника ишлари, ижтимоий фойдали меҳнат, унумли меҳнат бўлимларидан иборат бўлади.

Озуқа маҳсулотлари билан ишлаш ўз ичига бутербродлар ва иссиқ ичимликлар, макарон, ёрма маҳсулотлардан, сут ва сут маҳсулотларидан овқатлар, шириш таомлар тайёрлашни сабзавотли, балиқ ва гўштли таомлар тайёрлаш, хамир таомлар тайёрлаш, озиқ-овқат маҳсулотларини консервалашни олади.

Меҳнат объектлари қатъий чекланган доирада белгиланмагани ҳам катта аҳамиятга эга. Бу объектлар ҳар қайси мактабнинг аниқ имкониятларига қараб танланади (бунда, албатта, ўқувчилар дастурда кўзланган ҳажмдаги билим ва малакаларни эгаллашлари кераклиги шартига амал қилинади). Шунингдек, масалан

ўрта синфлар ўқув режаларида маҳаллий ишлаб чиқариш шароитларини ҳисобга олиб, янги бўлимларни ишлаб чиқиш ва жорий қилишга рухсат этилади.

Юқори синфларда унумли меҳнат норма бўлиб қолади, чунки бусиз ўқувчиларга аник ишлаб чиқариш касбларини ўргатиш мумкин эмас.

Шундай қилиб, таълимни унумли меҳнат билан қўшиш вазифаси меҳнат таълими дастурларда етарли даражада ўз ифодасини топган, деб хулоса чиқариш мумкин.

Худди шунингдек, дастурларга политехник таълим ғоялари ҳам сингиб кетган. Юқорида айтилганидек, меҳнат таълими дарсларида болалар асосан амалий ишлар билан шугулланиди. Бу ишларни бажариш учун улар асбоблар билан ишлаш усулларини ўзлаштиришлари етарли. Шу билан бирга дастурларнинг уларни ишлов бериладиган материалларнинг хоссалари билан таништириш ҳам назарда тутилган. Бу материалларни таққослаш талаб қилинган ҳозирги замон техникаси технологияси ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш бўйича маълум ҳажмдаги билимлар ифодаланган. Буларнинг ҳаммасидан ўқувчилар политехник таълимини амалга ошириш кўзланади, дастурларнинг мана шу талаблари туфайли уларнинг вариативлигига қарамай, ҳамма ўқувчилар ҳозирги замон ишлаб чиқаришининг асослари ҳақида деярли бир хил ҳажмдаги билимларни оладилар. Бу талабларни бажармай туриб, масалан, техник ва хизмат кўрсатиш меҳнати дарсларида бир хил даражада политехник тайёргарликка эришиш амри маҳолдир. Аммо дастурлардан ўғил ва қиз болалар учун машинасозлик ва электротехника бўйича бир хил ҳажмдаги материаллар назарда тутилган бўлиб, булар ўз ўрнида қолди. Шу мақсадда юқори синфларда назарий ўрганиш учун «ўқувчи» мавзулар назарда тутилган бўлиб, меҳнат тайёргарлигининг ҳамма профилларида мавжуд.

Ўқув дастури меҳнат тарбиясига муайян ҳисса қўшади, чунки бу тарбиянинг асосий шартларидан бири ўқувчилар фаолиятининг унумли характерда бўлишидир. Бундан ташқари дастур мазмунининг ўзи ёки ўқувчиларда меҳнат маданиятини умумий меҳнат фаолиятини, уларнинг ўқув меҳнат фаолияти мотивларини шакллантириш, иқтисодий тарбия, жамоатчилик тарбияси, ташаббускорлик, меҳнатга ижобий муносабат ва ҳоказолар учун яхши база бўлиб хизмат қилади. Бу борада ҳамма гап фақат меҳнат таълими методикасида, унинг самарадорлигида қолган.

Дастурларда касб танлаш ишларига кўпроқ аҳамият берилди. Бунда биринчидан, куйи синфлардан бошлаб ўқувчиларни қандай касблар билан таништириш кераклиги ҳақида бевосита кўрсатмалар мавжуд. Бундан ташқари ўқитувчининг ташаббускорлиги учун ҳам кенг имконият мавжуд. Бу борада ишлаб чиқаришга қилинадиган экскурсиялар ниҳоятда муҳим роль ўйнайди, бундай экскурсияларни ҳамма синфларда ўтказиш назарда тутилган.

Меҳнат таълимининг муҳим вазифаси унинг бошқа ўқув предметларни билан боғлиқлигини таъминлашдан иборатдир. Шу сабабли барча меҳнат таълими дастурларида предметлараро алоқага оид аниқ кўрсатмалар мавжудлиги бежиз эмас. Ҳар бир мавзуда фан асослари бўйича тушунчалар рўйхати бўлиб, улар қайси предметларда ва синфларда ўрганилган кўрсатилган. Бу меҳнат таълими ўқитувчисининг ишини анча осонлаштиради. Масалан, «Тирноқли бириктириш билан буюмлар тайёрлаш» мавзуда (VI синф, техник меҳнат) шундай ёзилган: «Предметлараро алоқа. Геометрия VI синф (нуқтадан тўғри чизиққача бўлган масофа, айланага уринма яшаш)».

Ўқувчиларни ижодий меҳнатга жалб қилиш каби масалалар ҳам меҳнат дастурларда маълум даражада аксини топади. Бу қишлоқ хўжалик меҳнатида тажрибачилиқдан, техник ва хизмат кўрсатиш меҳнатида эса буюмларни конструкциялашга ва уларни яшаш технологиясини ишлаб чиқишга жалб қилишдан иборат. Дастурнинг баъзи темаларида эса зарур шартлардан берилиб, улардан фойдаланилган меҳнат методикасига боғлиқдир.

Бу борада замонавий меҳнат таълими ташкил этишга қўйилган муҳим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни ўқувчиларга етказиб бериш, амалиётдаги фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгалланган билим, кўникма ва малакалар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак маҳоратни ва таълим жараёнига янгича ёндошувни талаб этади. Бу янгича ёндошув август кенгашларида ўз аксини топади.

Анъанавий август кенгашларининг мазкур фан бўйича ўтказилган шўъба йиғилишларида, «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Президент Фармони, уни бажарилиши юзасидан амалга оширилган ишлар, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» 2-босқич якунини

сарҳисоб қилиб, 3-босқичдаги вазифалари ва унинг бажарилиш юзасидан белгиланган вазифалар билан ўқитувчиларни таништириш мақсадга мувофиқдир. Ушбу фармонни ижросини таъминлаш мақсадида барча ўқув фанлар қатори меҳнат таълими ўқув фанидан ҳам «Умумий ўрта таълимнинг янги таҳриридаги Давлат таълим стандарти ва модернизация қилинган ўқув дастурларини тажриба-синовдан ўтказиш ҳақида»ги ХТВнинг 191-сонли (2005 йил 1 август) буйруғи асосида белгиланган таянч мактабларда ва ҳудудий тажриба-синов майдончаларидан олинган натижалар таҳлили, ДТС ва ўқув дастури бўйича таклифлар муҳокама этилади.

Халқ таълими вазирлигининг 2004 йил 11 октябрдаги «Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг таълим тайёргарлиги даражасини аниқлашнинг рейтинг тизими тўғрисида»ги Низомида тажриба-синовдан ўтказилган меҳнат таълимини ўқитишдаги янги педагогик технологиялар асосида яратилган иш тажрибалар, меҳнат таълимининг янги тамойиллари, янги методик қўлланмаларни яратиш бўйича таклиф ва мулоҳазалар, ҳар бир машғулотларни янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш, «Мохир қўллар» кўрик-танлов натижаларини таҳлили каби масалаларнинг муҳокама этилиши, тажриба алмашиш, муаммолар ечимини топиш ва келгуси режалар белгиланиши лозим.

Ҳар йилги анъанавий август кенгашларининг шўъба йўналишларини ўтказишда замонавий ўқитиш технологиялари асосида: семинар-тренинг, «Очиқ дарс»ларда «Фикрларнинг шиддатли ҳужуми», «Кластер», «Қарорлар шажараси» ва бошқа турли хил методлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг 3-босқичи амалга оширилаётган ҳозирги даврда ҳар бир фаннинг тадқиқот объекти, қонун ва қондалари, мазмун ва мақсадлари борлигини эътибордан четда қолдирмаслигимиз керак. Таълим жараёнини бошқарувчиси бўлган ўқитувчилар ДТСлари ва замон талаблари асосида қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни йўлга қўйиш мақсадида малака ошириш тизимини тубдан яхшилаш, методист ва ўқитувчи ўртасида узвий алоқа боглаш, малака ошириш институтлари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, ўқув устахоналарни талаб даражада, меъёрий ҳужжат асосида жиҳозлаш тавсия этилади.

«Меҳнат таълими» фан хонаси ўқитувчи ва ўқувчини ишлаши учун қулай шароит яратилиши керак. Дарсда БKM элементларини тўлиқ ўзлаштириш учун

Йўналишлар асосида устахона жихозларнинг макетлари дарс мобайнида ўқувчи кўз олдида гавдаланиб туриши лозим.

2005-2006 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим мактабларида меҳнат таълими фанидан 1-9 синфларида янги таҳрирдаги ДТС, ўқув дастурларининг босқичма-босқич тажриба-синовдан ўтказилиши асосида 1-2 синфларда тажриба-синов ишлари якунланиб, амалиётга жорий этилди. 2006-2007 ўқув йилида 3-4 синфларда ҳам тажриба-синов ишлари олиб борилади. Бу ўқув йилида 5-7 синфларда 5 йўналиш асосида, 6-синфларда 3 йўналиш асосида, 5-синфларда тажриба-синов майдончаларида олиб борилган ишлар якунланди ва амалиётга жорий этилди.

Умумтаълим мактабларининг 8-9 синфларида касбга йўналтириш асослари бўйича ўқувчиларга махсулот ишлаб чиқаришда фан техника асосларига доир билимларни ўзлаштириш, касб-хунарга йўналтиришга қаратилади. Ўқувчиларнинг назарий билимлари тест саволлари, амалий машгулотлар ёрдамида ўқувчилар эгаллаган кўникма ва малакаларни аниқлаш тавсия этилади. Маҳаллий шароитдан келиб чиқиб, ўқитувчилар кўرғазмали дарсларни ташкил этиш учун ўқувчилар ёрдамида ёғоч, металл, газламага ишлов бериш, пазандачилик ва қишлоқ хўжалиги асослари бўйича дарсни самарали ўтишга ҳаракат қилишлари ҳамда техника воситаларидан унумли фойдаланишлари тавсия этилади.

Меҳнат таълими фанини йўналишлари асосида 10-11 синфларда касб таълими шаклида давом эттирилиб, синфларда ўқувчилар сонидан қатъий назар киз ва ўғил болаларнинг алоҳида-алоҳида ўқитилиши тавсия қилинади.

Меҳнат таълимидан ҳар бир фан ўқитувчиси янги таҳрирдаги ДТС ва модернизация қилинган ўқув дастурлари билан танишиб чиқиб, таҳлил қилиб олиши керак. Шунингдек, янги дастур бўйича ишлаш учун ҳар бир ўқитувчи «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида тиним билмай ўз устида ишлаши, малака ошириши ва янги фан-техника тараққиётидаги янгиликларни ўрганиб боришлари ва амалиётга жорий этишлари зарур.

Август кенгашларида меҳнат таълими фанини ўқитишдаги муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари, ўқув методик адабиётлар ва электрон қўлланмалар билан таъминланганлик даражаси, фан хоналарини техника воситалари, компьютер, кўрғазмали материаллар билан таъминлаш юзасидан фикр юритиш мақсадга мувофиқдир.

«Меҳнат таълими» фани ўқув устахонасини ДТС талабига мувофиқ жиҳозлаш учун куйидаги асосий қисмларга шўба йиғилишларида эътибор қаратилиши керак.

1. Ўқув фан устахонасида йўриқнома талабига мувофиқ зарур бўлган мебел, йўналишлар асосида махсус жиҳозлар рўйхати.

2. Мазкур мебел ва йўналишлар асосида махсус жиҳозларни ўқув устахоналарга жойлаштириш чизма лойиҳаси (эскиз).

3. Хонани деворини безатиш учун йўналиш асосида кўргазма лойиҳалар.

4. Ёғочга, металлга ва газламага ишлов бериш технологияси, пазандачилик ва кишлоқ хўжалик асослари ўқув устахоналари учун зарур бўлган стендлар, уларнинг мазмуни ва дизайнга қўйиладиган талаблар. Меҳнат таълими ўқув устахоналарида техника хавфсизлигига жиддий эътибор бериш керак. Хонада санитария-гигиена қоидаларига тўлиқ амал қилиш (санитар аптекаси ва қўл ювиш мосламаси) талаб этилади.

Шўба йиғилишларида «Меҳнат таълими» фанидан муҳокама учун куйидаги мавзулар тавсия этилади:

- ҳар йили умумий ўрта таълим мактабларида «Меҳнат таълими» фани бўйича янги таҳрирдаги давлат таълим стандарти ва модернизация қилинган ўқув дастурини ўқув жараёнига тадбиқ этиш лозим;

- «Меҳнат таълими» фанидан дарс самарадорлигини оширишда ўқув кўргазмалари куруллар, техника воситалари, электрон қўлланмаларидан фойдаланиш ҳамда замонавий ўқитиш технологияларини қўллаш;

- «Меҳнат таълими» фан соҳасига қўйиладиган талаблар асосида ўқув устахонани жиҳозлаш:

- ўқувчиларнинг билим даражасини аниқлашда янги таҳрирдаги рейтинг тизимининг афзалликлари:

- «Меҳнат таълими» фани йўналишлари бўйича машғулотларни ташкил қилиш ва ўтказишда маҳаллий шароитда имкониятларни ҳисобга олиш йўллари;

- ўқувчиларнинг билим самарадорлигини оширишда янги ёндошувлар;

- халқнинг асл фарзанди ўз касбининг фидойиси;

- амалиётда ясалган маҳсулотлардан кундалик ҳаётда фойдаланиш. «уста-шотирд» йўналишини давом эттириш;

- ўқувчиларни мустақил ишлашга, ўз меҳнатини қадрлаш ва завқланишга ўргатиш.

2.3. Меҳнат таълими методикаси ихтисослаштирилган фан

Меҳнат таълими ўқитувчиларни тайёрлаш педагогикаси университетда (институтда) амалга оширилади.

Меҳнат таълими ўқитувчиларни тайёрлашда умумий таълим фанлари умум касбий ва ихтисослик фанлар таълим циклини ўқитиш назарда тутилган. умумкасбий фанлар циклини умумтехник, техник ва педагогик фанларга ажратилган.

Умумтехника фанлари (техник механика асослари, машинашунослик асослари, электротехника ва электроника асослари) техник фанлар бўйича билимларни эгаллашга асос бўлади. Чизмачилик ва чизмагеометрия, материалшунослик, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялашган, автоматлаштирилган, компьютерлаштирилган (ахборотлаштирилган асослари, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва унинг иқтисодий асослари, электромонтаж ишлари ва электр билан ишлайдиган маиший приборлар ва хоказолар ҳам) техник фанлар жумласига киради.

Меҳнат таълими ўқитувчиларнинг психологик педагогик жиҳатдан тайёргарлиги психология, педагогика, меҳнат таълими ва касбга йўллаш методикаси, мактаб гигиенаси каби фанларни уйғунлаштирилган ҳолатда ўрганишда амалга ошади.

Шундай қилиб. меҳнат таълими ўқитувчисини тайёрлашда; меҳнат таълими методикаси; ихтисослаштирувчи фанлардан биридир. Бўлажак ва фаолият юритаётган меҳнат таълими ўқитувчилари мавжуд фанлар ҳамда ахборот технологияларини маъруза материаллар устида мустақил ишлаш, лаборатория, семинар. Амалий машғулотлар ва ноанъанавий ишлар жараёнида ижодий фаолият кўрсатиш мобайнида; меҳнат таълими методикасига хос кўшимча адабиётлар, газета, журнал ва бошқа манбалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, талабалар, меҳнат таълими ўқитувчиларни «меҳнат таълими методикаси»ни ўзлаштириш жараёнида улар белгиланган ҳар бир бошқа фанларни узвий боғланган ҳолатда ўрганишлари мақсадга мувофиқдир.

Юқорида кўрсатилгандек, мавжуд маълумотлардан талабалар шундай англаб олишлари лозимки, ҳар бир умумий таълим фанларини (физика, математика, биология ва бошқа фанлар), айниқса, меҳнат таълими, техника, технология, ишлаб чиқариш юзасидан маълумотлар ҳамда умумий педагогик, психологик ва методик билимлар,

ўзлаштирилган кўникма, малакалар «меҳнат таълими методикаси»ни мукаммал ўрганишга замин бўлиб, бу фанларга белгиланган ДТСларни бойитиш, кенгайтириш ва чуқурлашга олиб келади. Бу ҳолат юқорида қайд этилган рейтинг кўрсаткичларини маълум даражага кўтаришга замин яратади ҳамда белгиланган натижаларга олиб келади.

Бу ҳолатда бошқа фанларни (педагогика, психология, чилангарлик, дурадгорлик, тикувчилик ва ҳоказоларни) такрорламайди, балки улар билан яқин боғланишда бўлади ҳамда уйғунлашган ҳолатида бир-бири билан интеграрлашади.

1) Чилангарликда: чилангар-мисгар; чилангар-таъмирловчи; чилангар-сантехник ва ҳоказо.

2) Тикувчида: каштачи, зардўз, гўкувчи ва бошқа предметлар.

Шу сабабли олдиндан инсон психик фаолиятининг, ўқув жараёнини ташкил қилишнинг умумий қонуниятларини, шунингдек, саноат ишлаб чиқариши техникаси, технологияси, ташкил қилиши ва иқтисодиёт асосларини эгалламай туриб «меҳнат таълими методикаси»ни курсини ўзлаштириб бўлмайди.

Бўлажак ўқитувчи «меҳнат таълими методикаси» курсини ўрганар экан, умумий таълим мактабидаги меҳнат таълимининг (меҳнат тарбияси, политехник таълим, касбга йўллаш ва ҳоказоларнинг) мақсад ва вазифаларини, шу предмет бўйича ўқув жараёнининг ташкилий тамойилларини ва унинг мазмунини англаб олиш, мактаб устахоналарида таълим-тарбия жараёнини муваффақиятли олиб боришда ёрдам берадиган методик воситалар тизимини эгаллаш керак.

«Меҳнат таълимини методикаси» курсининг алоҳида роли шуки, ўқувчиларни меҳнатга тайёрлаш жараёнида уларда меҳнатга бозор муносабати таркиб топиши учун объектив қулай шароитлар вужудга келади. Бўлажак ўқитувчига ана шу шароитлардан қандай қилиб тўла фойдаланишини кўрсатиш курснинг вазифаларидан биридир.

II. Меҳнат таълими методикаси – педагогика фанининг тармоғи сифатида.

Меҳнат таълими методикаси педагогика фанининг тармоғи сифатида ўз объектлари, вазифалари ва тадқиқот методларига эга.

Меҳнат таълим процесси, шу процесснинг ҳамма жиҳатлари: ўқув материалининг мазмуни, ўқитиш методлари, ўқувчиларнинг билиш фаолияти, ўқитиш натижалари ва бошқалар ўрганиш объекти.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Қадрлар тайёрлаш миллий дастур»ларининг яратилиши билан эртанги куннинг баркамол эгаларини тарбиялаш йўлида ҳаракатлар учун ҳуқуқий асос яратилди. Умумий кенг камровли ва аниқ йўналишлар белгилаб олинди. Хусусан, ўқувчиларни меҳнат таълими соҳасида амалий заминни билан бир қаторда янги компьютер ахборот технологиясини ишлаб чиқиш ва бу жараёни жорий этиш зарур тадбирлардан бири бўлиб қолди. Мазкур мақсадга эришишга – 2004 йил 20 февралда қабул этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2008 йилларда мактаб таълимини режалаштириш дастурини тайёрлаш тадбирлари тўғрисида» қабул этилган фармойиши ҳамда унда белгиланган режалар амалий ёрдам беради.

Айниқса:

- Меҳнат таълимини моддий техника базасини ривожлантириш;
- Меҳнат таълимига хос ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарслиқлар ва ўқув-услубий материаллардан дарсларда унумли фойдаланиш;
- Меҳнат таълими тизимида қўлланилаётган ўқув стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш;
- Меҳнат таълимини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш ҳамда уларни таркибий сифатини ошириш ва ҳоказо.

Компьютерлаштирилган ахборот технологиясини меҳнат таълимининг барча турли меҳнат босқичларида кенг қўламда қўлланиш имконияти пайдо бўлди. Ушбу дарслиқ талабаларни барча ақлий, жисмоний ҳамда айниқса, техникавий-технологик жиҳатларини ўзлаштиришга дастлабки жараёнларни энг содда ва осон бўлса ҳам ахборот технология асосларида ўрганилиши, илғор ахборот технологияларни яратиш ва жорий этиш орқали таълим тизимини жаҳон андозалари даражасига олиб чиқишга ҳаракат қилиш асосий мақсадлардан биридир. Компьютерлаштирилган ахборот технологияси мактаб ўқув режасидаги барча фанларни, айниқса, ўқувчиларни меҳнат таълимидаги барча меҳнат ҳаракатларни узлуксиз ҳолатларни ўзлаштириш илмийлик, тизимлилик ва кетма-кетлик назариянинг амалиёт билан чамбарчас боғлиқлиги, ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамкорлик меҳнатларни оддийдан мураккабга йўналтириш, кўрсатмалийлик билимларни мустаҳкам ўзлаштириш, омилийлик ва фаолликни ошириш каби асосий дидактик тамойилларни ўз ичига олади, бу биринчи.

Иккинчи томони, мактаб битирувчиларининг 90 фоиздан кўпи касб-хунар коллежларига, мажбурий 3 йиллик ўқишни – бевосита хунарни эгаллашга бағишлаб, халқ хўжалигининг танланган тармогининг 2-3 бир-бири билан технологик жиҳатдан уйғунлаштирилган касб-хунарни кичик мутахассислик даражасига ўзлаштиришга йўналтирилган. Бу ҳолатда ўқувчиларнинг мактаб шароитида дастлабки касб-хунарга тайёргарлиги муҳим аҳамиятга эга.

Бу жараёнларнинг ҳамма томонини ўрганиш ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилиши керак.

Педагогика фанининг тармоги сифатидаги меҳнат таълими методикаси олдига куйидаги асосий тадқиқот вазифаларни қўйилади:

1. Меҳнат таълими вазифаларини асослаш, уларни тарбиявий ва таълимий аҳамиятини очиб бериш.

Меҳнат таълими вазифаларини белгилашда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Меҳнат таълими ва унинг методикасида, аввало, ўқувчиларни меҳнат заминида ҳар томонлама камол топишига, меҳнатнинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамлашга, ўқувчиларда замонавий дунёқарашнинг шаклланишига, уларни халқ хўжалигида меҳнат қилишга ва асосли равишда касб танлашга тайёрлашда ёрдам беради.

Меҳнат таълими ва унинг вазифалари фан ва техниканинг ривожланиш тенденцияларига, ҳозирги замон ишлаб чиқаришнинг ёшларни меҳнатга тайёрлаш борасидаги талабларига ҳам боғлиқ равишда белгиланади. Меҳнат таълимининг хусусан, V – VII синфлардаги вазифаларини ифодалашда турли меҳнат таълими мактаб таълими системасида қандай ўрин олгани назарда тутилади. Шу сабабли, ҳар меҳнат таълими методикаси устахоналарда ўтказиладиган машгулотлар билан бошқа ўқув предметларини (ижтимоий-сиёсий, табиий-математик) ўқитишнинг ўзаро дидактик боғлиқлигини очиб беради, шунингдек, қуйи, ўрта ва юқори синфлардаги меҳнат таълимининг изчиллигини таъминлаш йўлларида кўрсатади.

Меҳнат таълими жараёнида ўқув материалининг мазмуни билан белгиладиган ўзига хос таълимий вазифалар, яъни металл қирқадиган ва ёғочга ишлов берадиган турли асбоблардан фойдаланиш усулларини, улар билан ишлашдаги хавфсизлик қоидаларни ўргатиш вазифалари ҳам ҳал қилинади.

Мехнат таълими ва унинг методикаси жараёни ўқувчиларда меҳнатга муҳаббат, жисмоний меҳнат ишларига ҳурмат ва шахснинг бошқа ахлоқий сифатлари шаклланишига имкон бериши керак. Шуни таъкидлаймизки, бу сифатларни оғзаки тушунтириш билан эмас, балки ўқувчиларни унумли меҳнатга қатнаштириш йўли билан шакллантириш керак. Устахоналарда ўтказиладиган машгулотларда ўқувчиларда фазовий тасаввурнинг, техник тасаввурнинг ривожланишига, ҳар хил техник объектлар ва жараёнлар орасидаги сабаб, натижа боғлиқликлари аниқлаш малакаларини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратилиши мумкин. Меҳнат таълимининг таълимий ва тарбиявий аҳамияти одатда умуман дастурга мувофиқ, шунингдек, унинг ҳар бир мавзусига, ўқув материалининг ҳар бир асосий масаласига мувофиқ очиб берилади.

2. Ўқув материали мазмунини аниқлаш. Педагогика курсидан маълумки, ўқув предметининг мазмуни ишлаб чиқиш учун, биринчидан, тегишли фан ёки техниканинг тармоғидаги мавжуд маълумотлардан ўқув материални танлаб олиш, иккинчидан, бу материални ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини, уларни бошқа предметларга оид билимларини ва бошқа баъзи омилларини ҳисобга олган ҳолда маълум тартибда тизимга солиш зарур.

Фаолиятнинг исталган соҳасида инсоният томонидан тўпланган билимлар ҳажми бениҳоя катта. Бу жумладан, устахоналарда ўтказиладиган машгулотларнинг асосий билимларидан бирини ташкил қиладиган материалларга ишлов беришга ҳам тегишлидир. Масалан, материалларга қирқиш билан ишлов бериш масалаларининг ўзи қирқиш назариясида машинасозлик технологиясида, кесувчи асбобларни ҳисоблаш ҳамда конструкциялаш ва ҳоказоларда ифодаланади.

Шундай қилиб, иккита ҳажмдаги билим ва малакалардан умумий таълим талабларига энг юқори даражада жавоб берадиган ва ўқувчиларда ўрганиладиган ишлаб чиқариш жараёнларининг назарий асослари ва амалда қўлланни ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қила оладиганларни ажратиб олишга тўғри келади, равшанки, қандай ўқув материали энг катта тарбиявий ва таълимий аҳамиятга моликлигини ҳал қилиш учун танлаш мезонларига эга бўлиш зарур. Бундай мезон (критерит)ларни ишлаб чиқиш ҳам методиканинг вазифаларига қиради.

Шуни ҳам назарда тутиш керакки, ўқув дастурининг мазмуни ўзгармасдан қолмайди. Масалан, материалларга ишлов бериш усулларининг ҳозирги кунда ҳам

ривожланаётганини ва такомиллашаётганини дастурлар мазмунига тегишли ўзгаришлар киритишни тақозо этади.

Ўқув материалларини тизимга солиш алоҳида муаммодир. Гап шундаки, фан ва ўқув жараёндаги «содда» ва «мураккаб» тушунчалари бир хил эмас. Масалан, фан тармоғи бўлмиш машинашуносликда деталь – содда ўрганиш объекти, машина эса деталга нисбатан мураккаб ҳисобланади. Бир қарашда бу ҳол ўқув процесси шароитларида ҳам ўринлидек кўриниши мумкин. Аммо мактабларнинг иш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, агар ўқувчиларни машина (масалан, металл қирқувчи станок) билан таништириш деталларни ўрганишдан бошланса, ўқувчилар ўқув материални катта қийинчилик билан идрок этишини, унга қизиқмаслигини кўрсатади. Агар бу иш машинанинг нимага мўлжалланганини ва умумий тузилишини тушунтиришдан бошланса, ўқувчиларда унинг конструкцияси билан чуқурроқ танишиш ва шунинг учун унинг айрим деталларини ўрганиш нстаги тутилади. Бунинг натижасида ўқув процесси ўқувчиларнинг актив иштирокида ўтади, уларнинг янги билимларни онгли ўзлаштиришларига эришилади.

Шундай қилиб, ўқув материални системага солишда фаннинг тузилиши системасини тўтридан-тўтри кўчириб олмаслик, балки таълим-тарбия вазибаларини назарда тутиш керак. Ўқитиш методикаси бу муҳим талабни бажаришнинг энг самарадор йўли ва воситаларини топиши керак, бу эса мактаб предмети мазмунини асослаш ва ўқув программасини тузиш учун ҳам зарурдир.

3. Таълим жараёнини ташкил этиш.

Ўқув жараёнини ўзаро чамбарчас боғланган ўқитиш (ўқитувчи фаолияти) ва таълим олиш (ўқувчилар фаолияти)дан иборат. Бу борада ўқув жараёнини ташкил этиш ва уни ўтказишда иккала субъектлар бирдан ҳаракатда бўлишлари шарт ҳамда маъсулият сезишлари даркор.

Ўқув процессини ташкил этишнинг принцип ва усулларни ишлаб чиқишда меҳнат таълими методикаси бошқа ўқув предметларини ўқитиш тажрибасидан, шунингдек, дидактик тадқиқотларнинг маълумотларидан фойдаланади. Шу билан бирга, кўп масалаларни меҳнат таълими методикасининг ўзи мустақил ҳал қилишига тўғри келади. Баъзи мисолларни келтираамиз.

Ўқувчилар меҳнатининг натижаларини баҳолашда бошқа предметлар учун муҳим бўлмаган: меҳнат хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш, иш ўрнини ташкил

килиш, меҳнат усулларини тўғри бажариш сингари қатор омилларни ҳисобга олишга тўғри келади. Методиканинг вазифаларидан бири – ўқувчилар меҳнатини объектив баҳолаш имконини берадиган критерийларни ишлаб чиқишдир.

Мактаб амалиётида ўқувчилар ишини ташкил қилишнинг учта асосий: фронтал, бригада ва индивидуал шакллари ўзининг ижобийлигини кўрсатди. Методиканинг ишлаб чиқишда буюмнинг мураккаблиги, ўқувчиларнинг тайёргарлиги, таълим ва тарбия вазифаларидан келиб чиқиб машгулотларни ташкил этишнинг қайси формасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини ҳал қилиш керак.

Маълумки, агар меҳнат топшириги ижтимоий фойдали қийматга эга бўлмаса, ўқувчиларнинг уни бажаришга қизиқишлари анча сусаяди. Ва аксинча, агар ўқувчилар унумли меҳнат билан шуғулланса, амалда қўлланаётган объектни тайёрлаётган бўлсалар, уларнинг меҳнатга қизиқиши ортади.

Шу нуқтаи назардан, айрим иш усулларини қайта ишлашга оид ўқув машқлардан воз кечиш мақсадга мувофиқ кўринади. Лекин маълумки, агар ўқувчилар бирданига буюмни тайёрлашга киришса, у ҳолда улар заготовкага зарур шакл ва ўлчамларни беришга шу қадар қизиқиб кетадиларки, натижада кўпинча айрим иш усулларига эътибор бермай қўядилар ва ҳатто уларни нотўғри бажарадилар. Бу жиҳатдан машқлар зарур. Шу сабабли методикани ишлаб чиқишда қачон ва қандай ҳажмдаги тайёргарлик машқларни бажариш кераклигини аниқлаш лозим.

4. Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар мазмуни ва методикасини асослаш.

Меҳнат ва техника бўйича мактабдан ва синфдан ташқари ишлар кенг тарқалган. Деярли ҳар бир мактабда ташкил этилган меҳнат йўналишлари ҳамда ёш техниклар тўғараклари ташкил этилган. Шундай тўғараклар ўқувчилар саройлари, ёш техниклар станциялар ва бошқа болалар муассасаларида ишлаб турибди. Тўғараклар ишлари амалиётда машгулотларни ташкил қилишнинг ҳар хил шаклларида ишлаб чиқилган. Бу тажрибани унумлаштириш ва тўғаракларда машгулотларни ташкил этишнинг энг қулай, самарали усулларни ажратиш, илғор тажрибани ёйиш, уни ҳамма меҳнат ўқувчиларнинг мулкига айлантириш методиканинг вазифаларидир. Юқорида кўрсатилган ҳамма вазифаларни ҳал қилишда меҳнат таълими методикаси қуйидаги асосий илмий тадқиқот методларига асосланади:

1. Кузатиш. Кузатиш илмий билиш методи сифатида шу билан характерлилиги, кузатиш жараёнида тадқиқотчи ўқув жараёнининг боришига аралашмай, фақат нима

содир бўлаётганини қайд қилиб беради. Тадқиқотчи олдиндан кузатишнинг мақсади, вазифаси ва методикасини белгилаб олади. Шундан кейингина кузатишларга киришади.

Кузатишлар натижасида ўрганилаётган объект (усул)ни тавсифлаш, баҳолаш имконини берадиган маълумотлар тўпланади. Масалан, машгулотлар жараёнида ўқувчилар ўқитувчидан маслаҳатлар сўраб мурожаат қилиш-қилмасликларини текшириш мақсадида кузатиш мумкин. Агар ўқувчилар тез-тез савол берса, бунинг устига саволлар такрорланса, у ҳолда ўқитувчига фронтал жорий инструктажи беришга тавсия қилиш мумкин.

2. Тажриба-синов. Тажриба-синовни кузатишдан фарқли равишда тадқиқотчи вужудга келтирадиган жиддий, аниқ шароитларда ўтказилади. Тажриба-синов вазиятни кераклича такрорлаш, шу билан тасодифийлик қисмини бартараф қилиш мумкин. Бунинг натижасида айрим педагогик омилларнинг таъсирини ҳамда қиёсий самарадорлигини етарлича объектив ва яққол аниқлаш имконияти тугилади. Дидактик экспериментнинг типик формалари сифатида одатдаги шароитда синф (ўқув устахонаси)даги даре ва ўқувчиларнинг унча катта бўлмаган группаси билан ўтказиладиган экспериментал машгулотлар хизмат қилади.

Ана шу шакллардан ҳар бирининг ўз афзаллиги ва камчиликлари бўлади. Тажриба дарслари бутун синф (группа) билан ишлашга доир қандайдир тавсия текширилаётганда айниқса самарали ўтади. Буни мисол билан тушунтирамиз. Бешинчи синф ўқувчиларини деталь тайёрлашнинг технологик процесси билан қай йўсинда таништириш мақсадга мувофиқлигини: кириш инструктажида бутун технологик процессни тушунтириш ёки битта операция билан чекланиб, ҳар бир навбатдаги операцияни олдинги операция бажариб бўлингандан сўнг тушунтириб бориш тўғри-нотўғрилигини аниқлаш зарур, дейлик кўпинча шу мақсадда иккита синф танланади. Иккала синфда ҳам машгулотларни битта ўқитувчининг ўзи олнб боради, бунда у мазмуни бир хил материални баён қилади. Шу тариқа иккала синф ўқувчилари бир хил шароитда бўладилар. Бир синфда ўқувчилар технологик процесс билан кириш инструктажи вақтида танишадилар, кейин зарур бўлса, индивидуал равишда ўқитувчидан тушунтириб беришни сўрайдилар. Бошқа синфда эса ўқитувчи биринчи операция ҳақидагина сўзлаб беради, шундан кейин (биринчи операцияни кўлчилик ўқувчилар бажарганларидан кейин) иккинчи ва хоказо операциялар ҳақида

сўзлаб борилади. Машғулот охирида иккала синф ўқувчилари бажарган ишларнинг ҳажми ва сифатига қараб таққосланаётган усулларнинг самарадорлиги ҳақида ҳукм чиқариш мумкин.

Объектив маълумотлар тўплаш учун тажриба-синовлар вақтида ҳар хил прибор ва аппаратлар кенг қўлланади.

3. Илгор-педагогик тажриба. Илгор-педагогик тажрибани – янги педагогик, техник ва технологик заминларида ўрганиш ҳамда умумлаштириш. Илгор педагогик техник ва технологик тажриба методиканинг педагогика фани тармоги сифатида ривожланишининг муҳим манбаи бўлиб хизмат қилади. Илгор ўқитувчиларнинг иш тажрибасини ўрганиш, уни илмий таҳлил қилиш ўқув жараёнини самарали ташкил этишга оид тавсияларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Илгор тажрибани кузатиш, ўқитувчилар билан суҳбатлашиш, видео ва кинога олиш, ўқувчиларнинг ишлари билан танишиш ва бошқа йўللار билан ўрганиш мумкин. Илгор тажрибани ўрганиш ва тарқатишда Педагогик ўқишлар муҳим роль ўйнайди.

4. Назарий тадқиқотлар. Методикани ишлаб чиқишда кузатиш методлари ёки эксперимент йўли билан тадқиқ қилиб бўлмайдиган масалаларни ҳал қилишга ҳам тўғри келади. Масалан, ўқув материалининг асослаш амалиётда тўпланган билим ва малакаларнинг тегишли мажмуасини ўрганишдан бошланади. Бу ҳолда тадқиқот анализ методи (усули) билан ўтказилади. яъни билим ва малакаларнинг бутун мажмуаси алоҳида қисмларга (элементларга) ажратилади. Шундан кейин ҳамма қисмлардан ичидан ўқув дастури мазмунига кирадиганлари танлаб олинади. анализга тескари жараён синтез содир бўлади. Анализ ва синтез назарий тадқиқот методларидир.

Кўриниб турибдики, методика мустақил тадқиқотлар билан шуғулланади. Аммо булар асло методика бошқа фанлардаги тадқиқотларнинг маълумотларидан фойдаланмайди, деган маънони билдирмайди. Аксинча, методика катор фанлар билан чамбарчас боглик, у ўз ҳулосаларида шу фанларга таянади.

Методика қайси фандан мактаб предмети мазмунини олаётган бўлса, ўша фан билан доимий алоқада бўлиши керак. Булар устахоналарда машғулотлар ўтказиш методикаси учун техник фаннинг металларга, ёғочга, газламага, пластмассага ва бошқа материалларга ишлов бериш, электромонтаж ишлари ҳақидаги билимларидир.

Ўқув жараёнларини ташкил этишда методика педагогика, ёш анатомияси ва физиологияси, гигиена ва педиатрия маълумотларига таянади. Бу фанларнинг маълумотларидан фойдаланиб иш режими, машқларнинг тавсифи масалалари ҳал қилинади. Асбоблар ҳамда жиҳозларга доир нормативлар ишлаб чиқилади ва ҳоказо.

III БОБ. МЕХНАТ ТАЪЛИМИНИНГ МАЗМУНИ, ШАКЛ ВА УСУЛЛАРИ

3.1. Ўрта таълим мактабларида меҳнат таълими мазмунининг олий таълим муассасаларида меҳнат таълими мазмунига ўзаро боғлиқлиги

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида» ги қонунда бундан кейинги умумий ўрта таълим мактаблари 9 йиллик мажбурий мактабларидан иборат бўлади. IX-синфни битирган ўқувчилар академик лицей ва касб ҳунардон коллежларига қабул қилинади. Таърибадан маълумки ҳар қандай таълим тизими ўзгарар экан, албатта унинг мазмуни ўқув жараён режаси, дастури ва дарсликлар ўзгаради, унга ўлароқ равишда тавсия, методик қўлланмалар мазмуни ҳам ўзгариши муқаррардир. Аммо, олий билимгоҳларда ҳам зудлик билан айниқса муҳандис факультетини битирувчи талабаларга берилган таълим мазмуни ҳам ўзгариши зарур. Чунки олийгоҳни битирган талаба, мактабда дастур асосида ўз ишини ташкил этади. Шунинг учун ҳам олийгоҳ билан мактаб ўртасида жуда ҳам яқин, ўзаро бир-бирига бўлган дастур материаллари тайёрланиб, иложи бўлса талаба мактабга келгунча дарс плани, дарсни ташкил этиш, дарс ўтиш, практик машғулотларни уюштириш йўлларини билиб келсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди. Маълумки мактабда дарсининг турли формалари мавжуд (лекция, лаборатория ва ҳ. к.) биз шулардан бири ўқув устахоналарида металллар билан ишлаш дарси тўғрисида ўз фикримизни илмий асосламоқчимиз.

Ўрта умум таълим мактабларидаги меҳнат таълими ўқув устахоналарида, ўқув ишлаб чиқариш комбинатларида, агробиология ва ер участкаларида, ўқувчиларнинг далачилик бригадаларида, уй-рўзигор ишлари давомида бериб борилади.

Техник меҳнат таълимига оид ўқув устахонасида металлларга ишлов бериш бўйича меҳнат таълимини тўғри йўлга қўйиш, V-IX синф ўқувчиларида металлларга ишлов бериш бўйича меҳнат малакаларини ҳосил қилиш, уларда меҳнат маданиятини шакллантириш, слесарлик ва токарлик касбларига ҳавс уйғотиш, амалий машғулотларни юқорини савияли қилиб ўтказиш учун аввалом бор техник меҳнат таълимига қўйилган вазифаларни аниқлаш катта аҳамият қабл этади. V-IX синф ўқувчиларига техник меҳнат таълимига оид металлларга ишлов беришнинг асосий вазифалари қуйдагилар ҳисобланади:

- Мактаб ўқувчисининг шахсини ҳар томонлама ривожлантириш, меҳнат маданиятини ўргатиш;

- Турли хил металлларни ишлаш учун ўқувчиларга бошлангич техник билимлар ва меҳнат малакасини бериш;
- Ишлаб чиқариш материалари бўйича ўқувчиларни касб танлашга йўналтириш ва уларни меҳнат фаолиятига тайёрлаш;
- Ўқувчиларда техник қобилият ва ижодкорликни ривожлантириш.

Ўқув устахоналаридаги металлларга ишлов бериш машғулотларини амалий машғулот ташкил этганлиги сабабли, амалий машғулотларда ўқувчиларнинг металл ва бошқа конструкцион материалларни ишлаш, асбоб ҳамда станоклардан тўғри фойдаланишга, техник чизмаларни чизиш ва уларни ўқий билишга, иш ўринларини ташкил эта билишга ва уларни тартибли сақлашга ўрганишлари, хавфсизлик техникаси қоидаларини, материалларни тежаш ва электр энергиясидан тўғри фойдаланишни ўрганишлари асосий вазифалардан ҳисобланади.

Мактаб ўқув устахоналари яхши жиҳозланган бўлса, ўқувчиларнинг таълимга нисбатан кизиқиши ортади. Ўқув устахоналарининг жиҳозлари ўқувчиларни ўзига жалб этиш, уларни меҳнатга ва ҳозирги замон техникага бўлган хавасларини ошириши, шунингдек уларни мустақил меҳнат фаолиятини, конструкторлик қобилиятини тарақий эттиришга қаратилган бўлиши керак.

Мактаб ўқув устахоналари политехник таълимни амалга оширишга, касб танлашга қаратилган ва ҳозирги замон техникаси асосида ташкил этилган бўлиши, ҳуллас, мактабнинг ўқув плани ва программаларига асосланган бўлиши керак.

Ўрта умум таълим мактабларида техник меҳнат таълимига онд ўқув устахонаси машғулотлари, жумладан, металлларга ишлов бериш машғулотлари бир хил программага асосан ҳафтада 2 соат вақт ажратилиб, 45 минутдан, ўртада танаффуси билан, икки дарс қилиб, 90 минутли қилиб ўтилади. Агар ўқувчилар сони 25 тадан ортиқ бўлса, уларни икки гурпуага ажратиб дарс ўтилади. Лекин шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, агар ўқувчилар сони 25 тадан кам бўлс, у ҳолда уларни гурпуаларга ажратиш ёки ажратмаслик ўқув устахонаси шароитини ҳисобга олиб ҳал қилиниши лозим.

Ўқув устахоналаридаги металлларга ишлов бериш машғулотлари амалий характерда бўлади. Бу машғулотларнинг амалий йўналиши программа кетма-кетлигида бажарилиши, ўқувчиларга билим, меҳнат кўникмаси ва малакаси беришга

қаратилиши, ўқувчиларнинг бошланғич синфларда олган меҳнат кўникмасини мустаҳкамлашга ва уни янада такомиллаштириб боришга қаратилган бўлиши керак.

Устахона дарсларида техник маълумотлар амалий ишнинг асосини ташкил этади. Кўпчилик ҳолларда техник маълумотлар амалий ишнинг (асосини ташкил этади.) бажарилишида, ўқувчиларнинг ижодкорлигини оширишда, ўқувчиларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, уни ташкил этиш, планлаштириш, ҳозирги замон технологиясини ўрганиш учун берилади. Программада кўрсатилган темаларга оид техник маълумотлар бериш учун ҳар темага ажратилган вақтнинг чорак қисми кетади.

Ўқувчиларга билим малака ва кўникмалар бериш ва шакллантиришда амалий ишлар, практикумлар уларни ишлаб чиқариш меҳнатига йўналтирилади. Практик йўналиш программасида (кўпчилик) меҳнат кўникмалари шундай берилганики, унда ўқувчилар тайёрлайдиган буюмлар уларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олишни танланган.

Мактаб ўқув устахоналарида таълим ва тарбия соҳасида қўлга киритиладиган ютуқлар, ўқувчиларнинг техник билимлар, малака ва кўникмалар олишлари ва шакллантиришда албатта меҳнат таълими ўқитувчиларнинг роли ниҳоятда каттадир.

Шунинг учун меҳнат таълими ўқитувчилари олийгоҳларда психологик-педагогик ва методик жиҳатдан пухта тайёрланган бўлиши ва мактабларда меҳнат таълимидан ўқув устахоналарида программаларни ўрганган ҳолда дарс беришни амалга оширишлари керак. Бунинг учун олийгоҳ ва мактаб меҳнат таълими программаси материаллари бир-бирига илмий педагогик ва методик жиҳатдан мос келиши керак. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда олийгоҳ ўқув устахонасида металлларга ишлов бериш программасидаги материалларни, мактаб ўқув устахонасида металлларга ишлов бериш программасидаги материалларга қуйдагича таққаслаймиз:

Курс	Соат	Олийгоҳ программаси материаллари	Мактаб программаси материаллари	Синф	Соат
<i>1. Металларга қўлда ишлов бериш</i>					
1.	4	1. Кириш	1. Юпка лист металлдан буюмлар тайёрлаш	5	4
1.	8	2. Юпка лист металл билан ишлаш	2. Сымдан буюмлар тайёрлаш	5	2

1.	4	3. Сим билан ишлаш	3. Юпка лист металл ва симдан буюмлар тайёрлаш	5	6
1.	16	4. Юпка лист металл ва симдан буюмлар тайёрлаш	4. Сортли прокатдан бошқа материалдан ясалган деталлари бўлган буюмлар тайёрлаш	6	14/12
1.	12	5. Лист металлларга ишлов бериш	5. Слесарлик иши тўғрисида маълумот	8	4
1.	28	6. Сортли прокатга ишлов бериш	6. Лист металл ва симдан деталлар яшаш	8	8
1.	36	7. Ҳажмий штамповкага ишлов бериш	7. Слесарлик ишларини бажариш	8	20
1.	2	8. Металларга ишлов берувчи корхонага экскурсия	8. Корхонага экскурсия	8	2
			9. Металларни ишлаш усуллари билан таниши	10	8
			10. Слесарлик устахонаси жиҳозлари билан танишиш	10	4
			11. Слесарлик операцияларини ўрганиш	10	26
			12. Слесарлик ишларини бажариш	10	32
2. Металларга механик ишлов бериш					
2.	4	1. Кириш	1. Токарлик-винт қирқиш ва фрезалаш станокларида ишлаш	7	8/6
2.	4	2. Токарлик-винт қирқиш	2. Металдан резьбали	7	6

		станогининг тузилиши, станокни бошқриш ва уни тўғрилаш (наладка/	деталлари ва бошқа материалли деталлари бўлган буюмлар тайёрлаш		
2.	6	3. «Текис вал» типдаги буюм тайёрлаш	3. Токарлик-винт қирқиш ва фрезалаш станокларининг тузилиши	9	4
2.	8	4. «Поганали вал» типдаги буюм тайёрлаш	4. Токарлик-винт қирқиш станокларида деталлар тайёрлаш	9	20
2.	8	5. «Текис втулка» типдаги буюм тайёрлаш	5. Фрезалаш станогида оддий операцияларни бажариш	9	10
2.	8	6. «Поганали втулка» типдаги буюм тайёрлаш	6. Пармалаш ва токарлик станокларининг тузилиши, станокларда металлларни ишлашга доир оддий операциялар бажариш	11	26
2.	14	7. Корпус сирталрга ишлов бериш	7. Слесарлик ишларини бажариш ва станокларда ишлаш	11	44
2.	12	8. Резьба қирқиш			
2.	20	9. Шаклдор сиртларга ишлов бериш. Металларга фрезалаш станогида ишлаш			
2.	4	10. Горизонтал-фрезалаш станогининг тузилиши. Станокни бошқариш ва уни тўғирлаш (наладка)			

2.	6	11. Ташки текис сиртларни фрезалаш			
2.	6	12. Ички текис сиртларни фрезалаш			
2.	8	13. Шаклдор сиртларни фрезалаш			
2.	2	14. Металларга ишлов берувчи корхоналарга экскурсия			

Бу программалардаги ҳар бир ўқув темасининг амалий машғулоти шу тема бўйича дастлабки билимларни шакллантиради, кейн эса программанинг олдинги темаси билими кейинги темасига бошлангич билим бўлмасдан, балки уни бойитади. Программада меҳнат кўникмалари шундай берилганки, унда ўқувчилар тайёрлайдиган улар ёш хусусиятларини ҳисобга олиб танланган.

Буюмни тайёрлаш процессида техникавий масалаларни ечиш ўқувчиларнинг конструкторлик қобилиятларини оширади. Ўқувчиларнинг конструкторлик қобилиятларини оширадиган комплекс ишлар ҳар бир синф ўқув программасининг охириги-яқунловчи қисмларида бажарилади, чунки комплекс ишларда ўқув йили давомида олинган билим, меҳнат малакаси ва кўникмасидан амалий фойдаланилади.

Устахоналарда ўқиш давомида металлга ишлов бериш ўрганиб борилади. Ўрганишнинг охирида ўқувчилар металлларга ишлов бериш ускуналарида ишлайдилар ва шу тарзда ишлаб чиқариш технологияси ва техникаси билан танишадилар. Бундан ташқари, махсус анализларнинг кўрсатишича, амалда тез-тез учраб турадиган деталь ва механизмларни бошқа станокларга қараганда токарлик станогига кўпроқ қуриш мумкин бўлади, бу эса ўқувчиларда машинашунослик, «деталь», механизм каби муҳим тушунчаларни шаклланишига имкон беради. Токарлик станогни мисолида вазифаси ва тузилиши жиҳатдан турлича бўлган машиналар конструкциясида кўплаб умумий узель ҳамда деталлар бўлиши мумкинлиги тўғрисида тасаввур бериш анча осонлашади. Бу эса токарлик станогини бошқа машиналар билан таққослаш ва уларнинг конструкциясидаги умумий элементларни аниқлаш имконини беради.

Булардан ташқари ўқувчилар металлларга қўлда ва машинада механик ишлов бериш тўғрисида тасаввурга эга бўладилар. Програмада қўлда бажариладиган ишга машинада бажариладиган ишга караганда (шикастланиш хавфи станокларда ишлагандагидан камроқ бўлади. Иккинчисидан / вақт ажратилган. Буни бир қатор сабаблар билан изоҳлаш мумкин. Биринчидан, дастаки асбоблар билан ишлаганда микастланиш хавфи станокларда ишлагандагидан камроқ бўлади. Иккинчидан, қўл меҳнати ҳозирги кунда ҳам анча кенг қўлланиладики, буни ҳисобга олмасликнинг иложи йўқ. Учинчидан, металлларга ишлов беришдаги меҳнат операцияларининг мазмунини ташкил қилувчи приёмларнинг бир қисмидан станокларда ишлаганда ҳам фойдаланишини эсдан чиқармаслик керак. Шундай қилиб, металлларга қўлда ва машинада ишлов орасида изчиллик мавжуд. Ана шу изчилликдан фойдаланиш самарадорлиги ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ.

Металлларга механик ишлов бериш технологияси билан танишиш давомида ўқувчилар маълум ҳажмда кўникмаларни (ўрганишиади) эгаллашади. Масалан, токарлик винт қирқиш, пармалаш, фрезалаш станокларининг вазифаси, ишлаш принциплари тўғрисида тасаввурга эга бўлинади, шу технологик машиналар айрим узелларнинг кинематик схемаларини ўрганишади, станок усқунасидаги типавий деталлар, брикмалар ва механизмлар билан танишадилар, хавсиз ишлаш қоидаларини ўзлаштиришади.

Програмада ўқувчиларни техник ҳужжатлар ва уларни тузиш ҳамда улардан фойдаланиш билан таништиришга катта аҳамият берилган. Ўқувчиларга ўргатиладиган ҳар бир меҳнат операциясига оид керакли назарий маълумотлар: операциянинг аҳамияти ва унинг технологик жараёнидаги ўрни, қирқувчи асбобларнинг конструкцияси, меҳнатпрёмларини бажариш қоидалари, хавфсиз ишлаш қоидалари ва шу қабилар айтилади.

Програмада чизмаларни ўқишни ўргатишга ҳам катта аҳамият берилади. Ўқувчилар ўзлари тайёрлайдиган буюмлар эскизларини чизиш билан ҳам танишадилар.

Ўқувчиларга ўргатиладиган меҳнат операциялари програмада улар қайси касбга тааллуқли бўлса, шу касб ҳақида етарлича тўлиқ тасаввур бера оладиган қилиб танланган. Масалан, ўқувчилар слесарлик ишини ўрганишаётгандаларида режалошни, тўғирлашни, буқишни, арра ва қайчи билан қирқишни, кесишни, сим билан ишлашни,

туникадан ва симдан ясалган деталларни бириктиришни, эговлашни, пармалашни, резъба қирқиш приёмлари йиғишни, буюмга узил-кесил пардоз беришни ўзлаштириб оладилар. Лекин юқори малакали ишчиларгина бажара оладиган операциялар ўрганилмайди.

Мактаб программаси билан олийгоҳлар программасини анализ қилиш шуни кўрсатадики, баъзи темалар олийгоҳпрограммасида, мактаб учун ўргатилмас экан. Шунинг учун ҳам олийгоҳ ва мактаб ўқувчи устахоналарида техник меҳнатга оид металлларга ишлов бериш программаси материалларининг бир-бирига бағлиқ бўлишини ҳисобга олган ҳолда, юқорида келтирилган олийгоҳ программасига куйдаги материалларни киритиш лозим деган таклифни қўямиз:

Металларга пармалаш станогидида ишлов бериш темасига оид.

Вертикал-пармалаш станогининг тузилиши. Станокни бошқариш ва уни тўғирлаш (наладка қилиш) - 4 соат

Деталларда тешиқлар очиш - 4 соат

Тешиқларни пармалаб кенгайтириш, зенкерлаш ва развертка қилиш - 6 соат

Чунки бу материаллар мактаб программасига киритилган. Ваҳланки, ўқитувчилар олийгоҳ даргоҳидаёқ бу каби материалларни ўзлаштириб олсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди деб ҳисоблаймиз.

3.2. Олий таълим муассасаларида тайёрланаётган меҳнат таълими ўқитувчиларини мактаб меҳнат таълимига ўргатиш жараёнининг педагогик асослари

Педагогик олийгоҳларининг тайёрланаётган меҳнат таълими ўқитувчиларни ўрта умум таълим мактабларида уларнинг 1-IV чи курсларида олган билимлари катта аҳамиятга эгадир. Чунки ҳар бир талаба олий ўқув юртида ўқиш даврида олган назарий билим ҳамда кўникмаларини биринчи маротаба педагогик практика даврида комплекс тарзда синаб кўрадилар.

Педагогик практика таълим жараёнининг табиий давоми бўлиб ҳисобланади, лекин у мактабнинг ўзига хос шароитларида ўтади. Практика давомида фақат олийгоҳда ўзлаштириладиган назарий билимлар мустақкамланмайдиган, балки янги сифатлар-педагогик меҳнатини ташкил этиш, ўқитувчи ва ўқувчилар коллективи билан ишлаш малакаси ҳосил қилинади. Педагогик меҳнатига ўргатиш программаси, бўлажак ўқитувчилар дуч келадиган янги шароитлар, педагогик фаолиятнинг ранг-баранглиги ва бошқа жиҳатлар уларнинг мактаб шароитидаги ишларига муайян

талаблар кўяди. Янги шароитдаги иш муваффақиятли бориши учун бўлажак меҳнат ўқитувчилари билан қатор тадбирларни ўтказиш лозим. Масалан, педагогика олийгоҳларида талабаларни педпрактиканинг мақсади ва вазифалари билан таништирадиган конференциялар ўтказиш педагогик практиканинг зарурий шarti ҳисобланади. Булардан ташқари «Ўқитувчи меҳнатини ташкил этиш», «Талаба-практикантларининг иш жойини ташкил этиш» масалаларига бағишланган лекция ва суҳбатлар уюштирилади. Уларда юқори курс талабалари педагогик практика ҳақидаги ўз тассуротлари билан танишиши, шунингдек мактабда илтифотлилик шароитини вужудга келтириш талабаларини педагогик практикага психологик жихатдан тайёрлаш системасида муҳим рол ўйнайди. Талабаларни меҳнат таълимидан дарс ўтишга психологик ва амалий жихатдан тайёрлаш педагогик практиканинг асосий ва муракаб вазифаларидан биридир. Талабалар тажрибали ўқитувчиларнинг дарсларига кириб, сўнгра уларни дарсларини муҳокама қилишда иштирок этиб, ўзлари ҳам дарсларни анализ қилишга, уларнинг муваффақиятли томонларини аниқлашга ўргатиш жуда муҳимдир. Педагогика олийгоҳларининг меҳнат таълими методикаси кафедралари томонидан ишлаб чиқилган методик кўрсатмалар талабаларнинг бундай тайёргарлигига маълум даражада ёрдам беради. Шу билан бирга педагогик практиканинг дастлабки ҳафтасида мактаб меҳнат таълими ўқитувчиларининг дарсларини таҳлил қилиш вақтида талабалар ишга ижодий ёндашиш, тажрибали педогоглар учун характерли эканлигини, уларнинг ҳар бир машғулотида янгилик элементлари борлигини тушунишлари керак.

Меҳнат таълимидан ўқув машғулотларига тайёрланиш уларни планлаштиришдан бошланади. Ўтказиладиган машғулотлар сифати маълум даражада ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ривожлантиришга самарали таъсир этувчи факторларни олдиндан кўра билиш, уларни қисмларга бўлиб-бўлиб юбориш малакаси билан белгиланади. Бундан педагогик меҳнатни планлаштиришда ижодийлик элементлари бўлади, деган фикр келиб чиқади. Кўп йиллик кузатишлар практикант-талабаларнинг бу ишда кундалик ёрдамга муҳтожликларининг кўрсатади. Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг ўқув ва синфдан ташқари машғулотларини мустақил ўтказиш вақтида қийналишлари характерини аниқлаш учун бу машғулотларнинг план конспектларини мунтазам таҳлил қилиш, синфдан ташқари тадбирларни планлаштириш, уларни тайёрланиш процессини кузатиш керак. Буларнинг ҳаммаси

учраган кийинчиликларни йўқотиш йўлларини ишлаб чиқишга имкон беради. Жумладан, улар синфда ўрганиладиган материални саотлар бўйича тақсимлашда дарсинг янги материални тушунтиришда, таълимнинг илғор методларидан фойдаланишда, ўқувчилар билан ишлашда индивидуал иш формаларини қўшиб олиб боришда, ўқув машғулотини, синфдан ташқир ишларни планлаштиришда анча кийинчиликларга дуч келадилар. Бу бир томондан, талабаларнинг педагогик практика бошланишидан олдин меҳнат таълими фанларини ўқитиш масалаларини ҳал қилишга биринчи бор дуч келиши билан тушунтирилиши мумкин. Бундан бўлажак ўқитувчилар билан улар фаолиятининг ҳамма соҳаларида системали иш олиб бориш зарур деган ҳулоса келиб чиқади. Улар фаолиятининг ҳамма характери эса фани бўйича назарий тайёргарлигига, психологик-педагогик фанлар комплексига, эмоционал-иродавий сифатларига боғлиқдир. Масалан, яхши ўзлаштирувчи талабаларнинг план конспектларини таҳлил қилиш, план-конспектга олдиндан белгиланган стандарт форма беришга ҳаракат қилмаслик кераклигини кўрсатади; тайёргарлик процессини ижодий изланиш деб қараш лозим. Ўзининг ўқитувчилик маҳоратининг такомиллашиб боришига қараб план-конспектда ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларда, билимларни ўзлаштиришда, ўқувчи шахсининг шаклланишида ва ҳақозоларда рўй берган барча ўзгаришларни акс эттириши керак. Педагогик практика фақат бўлажак меҳнат ўқитувчиларининг тайёргарлик сифатини текшириш эмас, балки у мактаб билан педагогика олийгоҳлари ўртасида ўзаро муносабатлар ўрнатиш учун ҳам ҳизмат қилади. Умум таълим мактабида практикант-талабалар олийгоҳнинг вакили бўлиб, педагог-методистлар раҳбарлигида ўқувчиларга таълим ва тарбия беришни такомиллаштиришга жиддий хисса қўшадилар. Шунинг учун ҳам бўлажак ўқитувчилар коллективизм, топширилган иш учун юксак масъулият хиссага эга бўлиши ва бу сифатларни ўқувчиларга бера олиши керак. Республикадаги кўпгина педагогика олийгоҳларининг тажрибасида педагогика фаолиятига тааллуқли илғор тажрибаларни пропанда қилишнинг суҳбат, семинар, шунингдек илмий-назарий конференция каби формалари ўзини оқлади. Буларда фақат педагог-олимлар, тажрибали ўқитувчилар ҳам доклад ёки қўшимча докладлар билан сўзга чиқадилар. Бундай тадбирларнинг самарадорлигини ошириш учун мактабда педагогик практика бошланишидан анча олдин докладларга тайёргарлик ишларини бошлаб юбориши керак бўлади. Бу ҳол

талабаларни мактабга, педагогик меҳнатига яқинлаштириш, педагогик практика бошланишидан олдин ўқитувчилар билан биргаликда ишлар олиб бориш учун қўшимча имкониятлар очиб беради.

Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчисининг ўқув ва синфдан ташқари машғулотларга тайёрланиш ва уларни ўтказишда ўқувчилар состави, уларнинг шахсий сифатларини ҳисобга олиш, маълум бир машғулот турини қайси ўқувчиларга планлаштиришни аниқ тасаввур қилиши ҳам катта аҳамиятга эга. Буларнинг ҳаммаси шаҳар ва айниқса, қишлоқ мактаблари ишидаги энг бўш звенодир. Қишлоқ мактабларининг меҳнат таълими ўқитувчилари ўқувчилар шахсини ўрганишнинг замонавий воситалари ва методикасига эга эмасдирлар. Уларда ўқувчиларни психологик-педагогик анализ қилиш тажрибаси ҳам йўқ. Шунинг учун улар бундай ишни мустақил планлаштиришда ва унинг натижаларини планлаштиришда жиддий камчиликларни ҳис этадилар. Бундан бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг педагогик практиканинг бошиданоқ ўқувчиларнинг ўқув ва профессионал қизиқишларини ўрганиши учун ҳамма шароитларини яратиш керак, деган хулоса келиб чиқади. Бўлажак меҳнат ўқитувчилари, ўз сиифи тўғрисида шундай маълумотларга эга бўлганида ҳар бир ўқувчи билан олиб бориладиган ва педагогик жиҳатдан асосланган тарбиявий иш планини ишлаб чиқиши мумкин деб ўйлаш хато бўлади, албатта. Бироқ практикант-талабаларнинг педагогик практика бошларида вақтинча муваффақиятсизликка учраши (ўқувчи ҳатти-ҳаракатига ўз вақтида таъсир этмаслик, дарс вақтида ортиқча ҳаяжонланиш, синф билан етарлича алоқада бўлмаслик ва бошқалар) ўқувчилар шахсий сифатларини билмаслик билан боглиқлиги шубҳасиз.

Шу муносабат билан педагогика практика раҳбарларининг вазифаси алоҳида олинган ўқувчилар мисолида бўлажак ўқитувчиларга болаларда ўқув ва профессионал қизиқишларнинг шакллантириш, ривожлантиришни кўрсатиб беришдан иборат.

Ҳозирги пайтда ҳалқ таълимини қайта қуришнинг умумий йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш, педагоглар олдига янада муҳим ва мураккаб вазифа барча фанлардан шу жумладан меҳнат таълимидан ўқув-тарбия жараёнини янада ривожлантиришнинг илмий педагогик асосларини ишлаб чиқиш, ҳар томонлама камол топган шахснинг шаклланиши таъминлаш, сиёсий, маънавий, эстетик тарбия билан биргаликда меҳнат,

иқтисодий, экологик ва граждан тарбиясини ҳал қилиш вазифаларини қўяди. Шу муносабат билан меҳнат таълимидан дарс ўтиш мстодикасини такомиллаштириш, ўқувчиларнинг политехник ва меҳнат тайёргарлигига яхшилаш, уларнинг библиографиятини активлаштириш, уларни мустақил илашга ҳамда узлуксиз суръатда ўқувчиларини ошириб боришга одатлантириш, мактаб фаолиятининг бошқа соҳалари билан бир қаторда таълимнинг янги мазмуни, шакли ва усулларини киритиш билан ҳал қилиш лозим.

Политехник таълим назария ва амалиётда ўқувчиларнинг ҳозирги замон ишлаб чиқаришнинг илмий асослари билан умуман таништиришни, уларни хилма-хил ва тобора такомиллашиб бораётган техника билан қуроллантирилган халқ хўжалигида актив фаолият кўрсатишга тайёрланишни такозо қилади. Шу сабабли политехник таълимнинг умумий таълим, илмий-техник, социал-иқтисодий тамонларига, уларнинг бирлигига қарамоқ керак.

Политехник таълимнинг мазмуни, форма ва методлари унумли меҳнатнинг структурасидаги ўзгаришларни ақс эттиришлари лозим. Ҳозирги замон шаронтида ишлаб чиқаришнинг эҳтиёжлари ва ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниб ўқувчиларга ҳозирги замон ишлаб чиқаришни ривожланишни етакчи тенденциялари бўлиши комплекс механизациялаш, автоматлаштириш энергиянинг янги манбаларини ўзлаштириш, машинасозлик, робот техникаси, асбобсозлик, электроникани ҳамда меҳнатнинг самарадорлиги ва сифатини оширишнинг илмий асосларини қандай ривожлантиришга ўргатиш лозим.

Политехник таълимда ўқувчиларни жамиятимизни илмий техник ва иқтисодий ривожланишининг қонуниятлари, унумли меҳнатнинг халқ хўжалигини риволантиришдаги роли билан таништириш, ўқувчиларни моддий-техник қуролланган ишлаб чиқариш соҳасида меҳнат қилишга ўргатиш лозим.

Ўқитиш мазмунида ўқувчиларнинг политехник тайёрланишнинг амалий, экспериментал кўникма ва малакаларини ўқувчиларда таркиб топтириш ҳам фаолроқ амалга оширилиши лозим. Чунки ҳозирги замон фани, ҳозирги замон ишлаб чиқариши фақат яхши ўйлайдиган кишиларни эмас, балки экспериментлар ўтказишни қўл билан яхши ишлашни биладиган кишилар ҳам талаб қилади.

Мана шунинг учун ҳам дарс ўтиш жараёнида лаборатория ва амалий ишларни ўтказиш методларининг ролини ошириш, политехник, технологик практикларини

ташкил этишни кенгайтириш керак. Ўқувчиларнинг тайёргарлигини назорат қилиш жараёнида экспериментал кўникма ва малакаларнинг таркиб топганлиги даражасини текширишни анча кучайтириш зарур.

Ўқитувчилар мактаб ислоҳатини амалга ошираётиб, умумий таълимни касб тайёргарлиги билан янада яхшироқ бириктиришга уринмоқдалар, таълимни унумли меҳнат билан бирлаштиришнинг янги-янги формаларини излаб топишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу билан ўқитишни унумли меҳнат билан бирлаштириш бўйича ҳамма учун ягона ва универсал иш формасининг йўқлиги ва бўлиши мумкин ҳам эмаслиги қарор топтирилади. Бундай маъсулиятли ўқув-тарбиявий вазифаларни янада муваффақиятли ҳал қилиш учун регионал шароитлардан ҳамда имкониятлардан ҳар томонлаа фойдаланиш муҳимдир.

Таълим дидактикаси ва методикаси тўпланган иш тажрибаларини умумлаштиради, меҳнат турларини оқилона алмаштиришнинг, ўқувчиларнинг ёшлари ортиши билан ўзгариши фан асосларини ўрганиши билан ўзаро боғлигининг методикасини ишлаб чиқади. Буларни ҳаммаси айрим, конкрет тенденциялар орқали ҳозирги замон ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг умумий анъаналарини куриш имкониятини беради. Бир участкадаги бевосита меҳнат корхоналарига ишлаб чиқариш экскурсияларини ўтказиш билан, ишчиларнинг ихтирочилик фаолиятини ўрганиш билан ва физика, математика, химия бўйича вазифаларга ҳамда бошқа предметларга маълумотларнинг киритилиши билан тобора тез-тез қўшилиб кетади. Меҳнат илгорлари билан учрашувларга кенгроқ ўқув билим характерни бериш керак. Агарда ишчиларнинг ўқувчилар олдидаги чиқишлари қўлланма, схема, жадвал, политехник аҳамиятга эга бўлган мисоллар асосида моҳирона тайёрланса, уларнинг таълимий аҳамияти янада ортади.

Ўқувчиларнинг политехник ва меҳнат тайёргарлигини такомиллаштиришнинг барча муҳим муаммолари даре ўтиши системасида меҳнат, политехник кўникма ва малакаларни таркиб топтиришга бевосита қаратилган қуйдаги методларнинг ролинни ва салмогини оширишни талаб қилади:

- Меҳнат ишлаб чиқариш топшириқларни бажариш методлари;
- Ўқув ва бошқа асбобларини қурилмалар, мосламаларни конструкция қилиш ва ихтиро этиш методлари;

- Мактаб участкалари ва ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадасининг далаларида тажриба ишларини ўтказиш методи;
- Политехник лугатлар, справочниклар билан ишлаш методлари;
- Дарсларда фронтал тажрибалар ўтказиш методлари:
- Лаборатория ишлари методлари;
- Амалий машғулотлар ўтказиш методлари;
- Уйда тажрибалар ўтказиш методлари;
- Ўқитишнинг техник воситалари билан, ўргатувчи машиналар ишлари методлари;
- Ҳар хил тренажёрлар билан ишлаш методлари;
- Меҳнат таълими программаси бўйича амалий ишларни бажариш методлари.

Меҳнат таълимининг барча методлари шундай қўлланилиши мумкин ва керакли, улар ихтирочилик, рационализаторлик малакаларини ривожлантиришга ёрдам берадиган бўлсин.

Даре ўтиш методи-бу таълимнинг жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг кутилган мақсадга эришишига қаратилган биргаликдаги фаолият усулларидир.

Дарс ўтиш методи таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчининг фаолияти қандай бўлиши, даре ўтиш жараёнида қандай қилиб ташкил қилиш ва олиб бориш кераклигини ҳамда шу жараёнда ўқитувчилар қандай иш-характерларини бажарилиши кераклигини белгилаб беради.

Бошқача қилиб айтганда, дарс ўтиш методлари ҳар иккала фаолиятнинг яъни ўқитувчи томонидан ўқувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш ҳамда ўқувчилар томонидан ўша назарда тутилган илмий билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш фаолиятида қўлланиладиган йўл-йўриқларни ўз ичига олади.

Масалан меҳнат таълими ўқитувчисининг ўқувчилар билан ҳамкорликда ўқув устахоналарида ўқувчиларнинг техник билимлар, кўникма ва малакалар эгаллашга, уларни ишлаб чиқариш касбига қизиқтиришга қаратилган фаолияти меҳнат таълимидан дарс ўтиш методлари деб аталади. Ўқув устахоналари машғулотларида ўқувчилар олган билим, малака ва кўникмалар уларни меҳнатга, ҳаётга тайёрлайди. Улардаги дунёқарашни шакллантиради, мустақил билим олиш ва уни ишлаб чиқаришга ижодий қўллаш қобилиятини тараққий эттиради.

Демак, дарс ўтиш методи ҳар иккала томоннинг актив фаолияти бирлигини таъминлашга қаратилгандир. Бироқ ҳар иккала фаолият ҳамيشа бир хил ва бир йўналишда бўлавермайди. Дарс жараёнида ўтиладиган материалнинг характерга қараб, ўқитувчи ва ўқувчининг фаолияти, ҳатто ташқи кўриниши, ҳатти-ҳаракатининг мазмуни эътибори билан ҳам турлича йўналишда бўлиши мумкин.

Таълим жараёнида ўқув материалнинг характерига қараб танланган дарс ўтиш методлари у ёки бу методик усул ва воситаларни ўз ичига олган бўлиши мумкин.

Ўқув устахоналарида қўлланадиган меҳнат таълимидан дарс ўттиш методлари ўқувчиларга бериладиган техник билим мазмуни ва вазифалари билан мустаҳкам боғлангандир. Ҳар бир меҳнат таълими ўқитувчиси шуни эсдан чиқармаслиги лозимки, ўқув устахоналаридаги машғулотлар ва тарбия ишларининг асоси ҳаёт билан, меҳнат билан мустаҳкам амалий фаолиятга ўргатишни талаб этади.

Ўқув устахоналари машғулотларидаги ўқув материалининг характери турлича бўлганлиги сабабли унинг дарс ўтиш методлари ҳам турличадир. Масалан, ўқитувчи ўқувчиларнинг билимларига таяниб янги материални баён қилишда, ўрганилганларни мустаҳкамлаш ва текширишда, ўрганилган материални умумлаштиришда суҳбат методидан фойдаланиши мумкин. «Юпқа лист металл ва симдан буюм ясаш» каби темага доир янги материални ўрганишда ҳамда «Металларни пармалаш» ва бошқа темалар бўйича олинган билимларни мустаҳкалашда ва текширида; «Металларга станокларда ишлов бериш» каби темаларга оид ўқув материалларни умумлаштиришда суҳбат ўтказиш мумкин.

Ўқитувчи суҳбатга тайёрланади, яъни ўқувчиларга тушунарли, ишнинг моҳиятини ақс эттирадиган саволларни танлайди ва уларни мақсадга мувофиқ тартибда жойлаштиради.

Қуйида меҳнат таълими ўқитувчиларининг дарс ўтиш методикасини такомиллаштириш омилларини белгиловчи муҳим вазифаларни келтирамыз:

- Дарс ўтишнинг эффе́ктивлигини оширишга ёрдам берадиган янги метод ва формаларни ишлаб чиқиш ва қўллаш;
- Дарс ўтишнинг бу янги метод ва формалари тарбиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган бўлиши ҳамда таълимнинг мазмунини ўзлаштириб олинишига хизмат қилиниши;

- Дарс ўтиш методлари ўқувчиларнинг илмий билимлари системасини атрофлича чуқур ва кенг ўзлаштиришлари ва шу асосида уларда илмий дунёқарашни шакллантиришга хизмат қилиш;
- Дарс ўтиш методлари ўқувчиларнинг фан асослари билан қуроллантириш билан бир қаторда ўқувчиларга илмий билимларини турмушда қўллай олиш қўникма ва малакалари ҳосил қилишларига кенг имкониятлар яратиш.

Юқорида келтирилган тартибда дарс ўтиш методларини такомиллаштириш замонавий ишлаб чиқариш талаблари жараёнини вужудга келтириш имконини беради.

Педагогика олийгоҳларининг меҳнат таълими ёки индустриал педагогика қуллиётида ўқийётган бўлажак меҳнат таълими ўқитувчилари охириги курсда ўтказиладиган педагогик-практикасида меҳнат таълимидан дарс ўтишни такомиллаштириш йўллари, форма ва методлари ҳамда мезонлари бўйича тушунчага эга бўлишлари керак. Чунки меҳнат таълимидан дарс ўтишининг турли форма ва методлари мавжуддир. Аммо уларни бир-биридан фарқ қилган ҳолда, уни кундалик янгиликлар билан, янги техникалар билан, меҳнат қуроллари билан, турли справочниклардан фойдаланиш орқали дарсни такомиллаштиришнинг ўзига хос бир йўналиши бор. Ана шундай жараёнини амалиётда ишлаб чиқиш, дарснинг янги йўналишларини форма ва методларини топишга изланиш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун меҳнат таълими ўқитувчисининг ўқув устахонасида техник меҳнатга оид металлларга ишлов бериш бўйича уч-тўрт дарслари кузатилади. Ана шу дарслар янги усул (метод) да ўтиб берилади ва анализ қилинади. Анализ давомида такомиллаштириш йўллари тушунтирилади.

3.3. Меҳнат таълимининг шакл ва усуллари мазмунини тайёрланаётган ўқитувчиларда шакллантириш йўллари

Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларини умумий таълим мактаблари олдида турган катта ва мураккаб вазифаларни ҳал этишга тайёрлаш кўп жиҳатдан педагогика олийгоҳларидаги ўқув тарбия жараёнини такомиллаштиришга боғлиқ. Ўқитувчилик касби таълим берувчи, ривожлантирувчи ва тарбияловчи фаолият билан характерланиши сабабли, ана шу жараёни мувофиқлаштириш ўқитувчиларнинг барча иш шакл ва усулларидан самарали фойдаланишни, предметлараро ва предметлар ичида алоқалар ўрнатишни, талабаларнинг ижтимоий-сиёсий, махсус,

илмий ва умумий техник тайёргарлигини профессионал йўналганлигини кучайтиришни назарда тутди. Талабаларга таълим ва тарбия беришда ўқитувчи ва талабалари меҳнатини илмий ташкил этиш алоҳида рол ўйнайди. Шу муносабат билан олий мактаб педогогикасининг умумий муаммолари орасида олий ўқув юртида педагог ишлари илмий ташкил этиш принципларини ишлаб чиқишга катта аҳамият берилапти. Педагогика олийгоҳларининг меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлайдиган индустриал педагогика ёки меҳнат таълими куллийтларида техника ўқув юртларидагидек ўқитишнинг ҳамма шакл ва усулларини ўргатиш ташкил этиш йўли билан талабаларни ишлаб чиқаришда ёки мактабда ишлашга тайёрлаш даражаси белгиланган. Талабаларга мувофиқ бўлишга ҳаракат қилинади. Шу билан бирга талаблар ўқув юртларининг мавжуд аҳволи ва ҳозирги босқичда мазкур фанлар ва ўқитиш соҳасининг ривожланганлик даражаси билангина эмас балки ривожланиш натижалари билан ҳам белгиланган.

Ривожланиб бораётган ҳалқ хўжалик тармоқлари учун мутахассислар тайёрлашнинг мақсадга мувофиқ ихтисослари илмий жиҳатдан олдиндан белгиланадигандек илмий техника революциясининг кенг авж олиш муносабати билан умумий ўрта таълимнинг мазмуни ҳам олдиндан белгиланади ва ўқитувчилар тайёрлаш жараёнига тегишли ўзгаришлар киритилади. Шундан сўнг педагогика олийгоҳининг талабаси қандай билим ва кўникма. малакаларга эга бўлиш кераклиги улар ўрганадиган фанлар миқдори, рўйхати ва уларнинг тахминий ҳажми аниқланади. Шу мақсадда ўқитувчининг қандай фандан ихтисослашига қараб ихтисослаштирувчи (техник) предметлар цикли аниқланади. Педагогика олийгоҳларида улар ўқув планларида аниқ фойдаланган. Масалан, меҳнат таълими ўқитувчисини тайёрлашда унинг мувоффақиятли ишлаши учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар берувчи меҳнат таълимидан методик фанлар ихтисослаштирувчи предметлар ҳисобланади. Бирок, бу ихтисослаштирувчи предметлар муаян даражадаги умумий техник ва илмий фанларга асосланади. Буларни билмасдан туриб талабаларни ихтисослаштирувчи фанларни ўрганишга тайёрлаш мумкин эмас.

Педагогика курсидан маълумки, ўқитишнинг асосий формаси дарс ҳисобланади. Бошқа фанлар сингари меҳнат таълими предмети ҳам дарс формасида ўқувчиларга таълим ва тарбия беришга асосланади. Ўрта умум таълим мактабларида ўқувчиларга меҳнат таълимидан билим, кўникма ва малакалар бериш жараёнида ўқитишнинг энг

эффектив усулларидан фойдаланиш мақсадида, олигоҳларда тайрланаётган бўлажак ўқитувчиларга меҳнат таълимининг шакли ва усуллари мазмунини шакллантириш катта аҳамиятга эга. Жумладан меҳнат таълимининг қуйдаги усуллари шакллантиради:

- Ҳикоя, тушунтириш, суҳбат усуллари;
- Меҳнат дарсларида проблемали таълим асослари усули;
- Ўрганиладиган объектлар, процесслар ва уларнинг тасвирларининг намоёиш қилиш усули;
- Меҳнат кўникма ва малакаларини шакллантиришнинг дидактик асослари усули;
- Инструктаж усули;
- Машқлар усули;
- Ўқув қўлланмалари билан ишлаш усули;
- Лаборатория тажрибалари усули;
- Қуйдаги меҳнат таълимини ташкил этиш шакллари (формалари);
- Дарс-меҳнат таълими ишининг асосий шакли;
- Дарснинг дидактик мақсади;
- Таълимнинг тарбия билан бирлиги;
- Дарс материалларини тўғри танлаш;
- Ўқув устахонасида ўтказилаётган дарсни тузилиши;
- Меҳнат дарслари структураси;
- Меҳнат дарсларини типлари;

Меҳнат таълими процессида таълим методларини авало ўқув материалининг ва ўқув вазифаларининг характерига боғлиқ. Юқорида келтирилган дарс ўтишининг барча шакли ва усуллари дидактиканинг асосий принципларига у ёки бу йўллар билан мосланган ҳолда амалга оширилади. Умуман олганда меҳнат таълими ўқитувчиси асосан дидактиканинг асосий методларидан дедуктив ва индуктив методларига асосланади.

Ўқитишнинг дедуктив ёки индуктив методидан фойдаланганда илгари баён қилинган огзаки, кўргазмалар ва амалий методлари, шунингдек, репродуктив ёки проблемали изланиш методлари қўлланилади, аммо бунда ўқув материалининг мазмуни маълум мантикий тарзда-индуктив ёки дедуктив очиб берилди. Шунинг учун индуктив ёки дедуктив қўрилган суҳбат, репродуктив ёки изланиш асосида

қурилган амалий иш проблемали ва дедуктив қурилган ҳикоя ҳақида гап юритиш мумкин.

Ҳозирги вақтда реал фойдаланилаётган ўқитиш методи классификацияда бир неча ажратиладиган методлар бириккан. Мазкур вазиятда қайси метод-индуктив ёки дедуктив методни қўллаш ҳақида гап юритишимизни педагог томонидан ўқитишни мазкур босқичда ҳал этаётган етакчи дидактик вазифаси аниқлайди.

Меҳнат соҳасидаги амалий машғулотлар турли типда бўлиши, яъни янги техник-технологик маълумотларни ва меҳнат операцияларини ўрганишга, билимларини, меҳнат кўникма ва малакаларини мустаҳкамлашга, контрол текшириш ишлари, корхонларга экскурсиялар ўтказиш ва ҳақозоларга бағишланган машғулотлар бўлиши мумкин. Лекин ўқув устахоналарида ўтказиладиган амалий машғулотларни типлари хилма-хил бўлишига қарамасдан, уларнинг ҳаммаси қуйдаги умумий талабларни қондириши лозим:

1. Машғулотнинг мақсади ҳамда вазифалари аниқ ва равшан ифодаланган бўлиши лозим;
2. Машғулотнинг структураси дидактик жиҳатдан ўзини оқлаган ва ўқув материалларни мазмунига тўлиқ жавоб берадиган бўлиши керак;
3. Амалий ишларнинг объектлари тўғри танланиши, ижтимоий-фойдали қимматга эга бўлиши ва ўрганилаётган меҳнат операциялари ва усулларининг талабларига мувофиқ келиши зарур;
4. Машғулотларда фойдаланиладиган меҳнат таълими методлари дарс талабларига ва ўқув материалнинг мазмунига тўлиқ жавоб бериши лозим;
5. Ўқув устахоналарида машғулотларнинг ташкилий-методик тузилиши ўқувчилар билан коллектив ва индивидуал иш олиб боришнинг назарда тутиш керак;
6. Меҳнат бўйича амалий машғулотларида ўтказиладиган таълим ишлари тарбиявий характерга эга бўлиши, яъни мактаб ўқувчиларида маънавий эътиқод ва маънавий сифатларни таркиб топтиришга ёрдам бериши лозим.

Меҳнат соҳасидаги амалий машғулотлар типларининг хилма-хиллигига қарамасдан, уларнинг умумий дидактик элементларни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, булар-ўқувчиларни навбатдаги ўқув материални ўзлаштириш учун жалб қилишга қаратилган машғулотларни уюштириш; ўқувчилар илгариги машғулотда ўзлаштирган билимлар, меҳнат кўникмаларининг даражасини текшириш; янги материалларни

тушунтириш ва меҳнат операцияларини ҳамда амалий ишларни бажариш вақтида меҳнат усулларини кўрсатиб бериш; ўқувчиларнинг янги темага оид операцияларини ва ишларни бажариш вақтида уларнинг билими, меҳнат усулларини даражасини аниқлаш; меҳнат усулларини тренировка машқлари йўли билан мустаҳкамлаш ва уларни дастлабки меҳнат кўникмалари даражасига етказиш, бунда меҳнат ўқитувчисининг пухта назорат қилиши ва ўқувчиларнинг ўз-ўзини назорат қилишга эришиш; амалий топшириқларнинг мустақил бажарилиши ва машгулотнинг натижаларига яқун ясашдан иборат.

Амалий-лаборатория тадқиқотини фақат умумий таълим фанлари юзасидангина эмас, балки меҳнат таълими бўйича ўтказиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Ўқув устахоналари, махсус кабинетлар, лабораториялар, ўқув тажриба участкалари ва ҳ. к. лар амалий-лаборатория тадқиқоти учун база бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Амалий-лаборатория тадқиқоти ўқувчиларга турли жиҳозлар, асбоблар, мосламалар билан ишлай олиш кузатишлар натижаларини ишлаб чиқиш ҳамда тўғри илмий хулосалар ва умумлашмалар чиқаришни ўргатади.

Масалан VII синфда «Металларга термик ишлов бериш» деган темани ўрганиш вақтида ўқувчилар пўлатнинг термик ишлов беришдан олдин ва кейинги физик механик хоссаларини (турли асбоблар, мосламалар ёрдамида ва чархлаш вақтида чиқарган учқунига қараб пўлатнинг катталигини, мустаҳкамлигини, эгтлувчанлигини аниқлаш); термик ишлов бериш режимини (исиш даражасини, муҳит ва совитиш тезлигини), тоблаш усуллари ва тобловчи муҳит хусусиятлари ва ҳ. к. ларни текширадилар.

Амалий машгулот тадқиқоти лаборатория жиҳозларини, асбобларини, текшириладиган объектларини, ўқувчилар учун топшириқ карточкаларини ва ҳисобот формаларини тайёрлаш юзасидан катта синчковлик билан иш олиб боришни талаб қилади. Амалий-лаборатория тадқиқоти ҳам фронтал, ҳам звено усулда ўтказилиши, шу билан бирга унда ўқувчиларга индивидуал инструктаж бериш кўзда тутилиши керак.

Амалий-лаборатория тадқиқотининг натижалари коллектив равишда муҳокама қилинади ва шундан кейин ўқитувчилар баҳолар қўяди.

Экскурсия меҳнат таълимининг шундай бир формасидирки, унинг бориши жараёнида ўқувчилар асбоб-ускуналарни, технология ва меҳнат жараёнларини, ишлаб чиқариш шароитида меҳнатни ташкил қилишни кузатадилар ва ўрганадилар.

Масалан, V синф ўқувчилари ўқув устахоналаридаги машғулотларда асосан ёғоч ва металлларга ишлов беришнинг қўлда бажариладиган операцияларини ўрганиб оладилар. Тегишли корхоналарга ўтказилган экскурсия жараёнида улар энг янги станок жиҳозлари билан ва юқори унумли меҳнат усуллари билан танишадилар. Ўқувчилар ўқув устахоналари ва ишлаб чиқаришдаги меҳнат жараёнларини таққослаб, фақат ўқувчилар меҳнатининг сифатигина эмас, балки меҳнат унумдорлигини оширишни ҳам таъминлайдиган хилма-хил дастлабки ва станок мосламаларидан кенг фойдаланиш йўли билан қўлда бажариладиган ишларни механизациялаш зарур деган мустақил хулосаларга келадилар. Бундай экскурсиялар ўқувчиларда ўзлари кўрган нарсалар тўғрисида ёрқин таасуротлар қолдиради, унинг билим доирасини кенгайтиради, бўлажак ихтисосига бўлган қизиқишини ва меҳнатга мухаббат муносабатини шакллантиради, билиш активлигини ривожлантиришга имкон беради ва ишлаб чиқариш интизоми асосларини қарор топтиради.

Корхонага ўтказиладиган ҳар қандай экскурсиянинг мазмунига қуйдаги аниқ ажратилган учта босқич кириши лозим:

1. Кузатиш объектини олдиндан танлаш, унинг конкрет мақсадлари ва вазифаларини аниқлаш, корхонага дастлабки тарзда бориб кўриш, зарур ҳужжатларни (дарснинг плани, ўқувчилар учун бериладиган топшириқлар ва ҳисоботларнинг формаларини) тайёрлашдан иборат бўлган тайёргарлик босқичи.

2. Меҳнат ўқитувчиси ёки экскурсоворд томонидан экскурсиянинг мақсадлари ҳамда вазифалари, корхона территориясида ўзининг тутиш қондалари, кузатиш объектлари, экскурсия маршрути тўғрисида суҳбат ўтказиш, ўқувчиларнинг бевосита кузатиши ва зарур вазифаларни бажариши.

3. Экскурсияга яқун ясаш экскурсия жараёнида пайдо бўладиган масалаларни ҳал қилишга қаратилган яқунловчи суҳбат ўтказиш билан чекланмайди. Меҳнат бўйича навбатдаги машғулотларда бажарилаган вазифаларни ва ҳисоботларни анализ қилиш ҳамда коллектив равишда муҳокама қилиш йўли билан экскурсияга узил-кесил яқун ясалади.

Меҳнат таълими машғулоти ўқувчи ўқув материалнинг мазмунидан келиб чиқиб, ўқувчиларнинг ўқув-меҳнат фаолиятини фронтал звено ва индивидуал тарзда ташкил этишдан кенг фойдаланиш имконини беради.

Чунончи машғулотларни фронтал тарзда ташкил этишда гурпуадаги барча ўқувчилар айни бир хил ўқув материални бир вақтда ўрганадилар ва бир хил меҳнат вазифаларини бажариладилар. Янги меҳнат операциялари ва усулларини ўрганиш вақтида бу формадан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. У меҳнат таълими ўқитувчисининг машғулотга тайёргарлик кўриш ишини осонлаштиради.

Ўқувчилар топшириқларни мустақил равишда бажаришга ўтиши билан бу форманинг ўрнини бошқаси, яъни звено ёки индивидуал форма ола бошлайди ҳамда фронталликнинг бузилиши муқаррар бўлиб қолади, чунки бир хил ўқувчилар ишда бошқалардан ўзиб кетадилар. Шу сабабли фронтал машғулотнинг бошланғич қисмидагина сақланиб қолади ва жорий фронтал инструктаж ўтказиш вақтида зарур бўлади.

Ўқувчиларга ҳар хил ўқув-меҳнат топшириқлари берилганда меҳнат машғулотини ташкил этишнинг звено формасидан фойдаланилади. Ишларнинг мураккаблигига қараб, уларни бажариш 2-3 ўқувчига (звенога) топширилади. Бундай ташкил этиш кўпинча техник моделларни, ўқув асбобларини тайёрлаш вақтида, оталик қилувчи корхона ёки ўз мактабининг хилма-хил ишлаб чиқариш буюртмаларини бажариш вақтида қўлланилади. Ташкил этишнинг бу формаси мактаб ўқувчиларда топширилган иш учун масъулиятни хис қилиш ва ўзаро ёрдам кўрсатиш, дўстлик сингари муҳим шахсий сифатларни таркиб топтиришга имкон беради.

Ташкил этишнинг звено формаси бир ўқувчига амалда кийинлик қиладиган мураккаб буюмларни ижодий равишда конструкция қилиш ва тайёрлаш учун шарт-шароит яратиб беради. Бироқ ташкил этишнинг звено формаси бир қанча камчиликларга эгадир, яъни: ўқитувчининг дарсга тайёргарлик кўриш ишлари бир мунча кўпайиб кетади: звенонинг ҳамма аъзолари ҳам бир хил гайрат билан ишламайдилар, натижада хилма-хил ривожланишга ва меҳнат тайёргарлигига эга бўладилар, кириш инструктажи ўтказиш ҳатто ёзма график инструкциялардан фойдаланганда ҳам мураккаблашиб кетади.

Ўқув устахоналарида тегишли жиҳозлар етишмаганда ва ўқувчилар махсус график асосида ўқитилганда (токарлик, фрезарлик, станокларда ишлаш) ёки ўқитувчи

анча яхши ўзлаштирадиган ўқувчиларга бир мунча мураккаб индивидуал топшириқларни бажариш формасидан фойдаланишга тўғри келади. Бунда ўқувчиларнинг қизиқишларини уларнинг тайёргарлик даражасини ҳисобга олиш керак.

Амалий машғулотларни ташкил этишнинг юқорида кўриб чиқилган ҳар бир формасидан меҳнат бўйича машғулотларда баъзан алоҳида-алоҳида фойдаланиш мумкин. Кўпинча бу формалардан биргаликда фойдаланадилар ёки улар битта амалий машғулотга ҳам татбиқ қилиниши мумкин.

Меҳнат таълими методларини ривожлантириш ва такомиллаштиришда психологлар ва физиологларнинг, айниқса ўқувчиларда меҳнат кўникмалари ва малакаларини таркиб топтириш, уларнинг мазмуни ва классификацияси соҳасидаги, меҳнат фаолиятининг ақлий компонентларини, шахсларни ҳозирги замондаги юксак ривожланган ишлаб чиқариш ходимлари учун ҳарактерли бўлган ижодий активлиги, ташаббуси ва бошқа муҳим сифатларини текшириш соҳасидаги тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эгадир.

Таълим жараёнининг, хусусан ўқувчилар меҳнат фаолиятининг интенсивлашуви хилма-хил маҳсус тренажёрлар, рўйхатга олувчи ва текширувчи қурилмалар ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишни зарур қилиб қуйдаги, бу қурилмалар ўқувчиларни меҳнат ҳаракатларини кайд қилиш ва иш вақтида йўл қўйиладиган камчиликлар тўғрисида тезда хабар етказиш имконини беради. Ўқувчиларнинг ана шундай тренажёрлардан ва текширувчи қурилмалардан фойдаланган ҳолда тренировка машқларини ўтказиши айниқса меҳнат таълимининг энг муҳим методларидан биридир.

Таълим жарайнига проблемали ўқитишни жорий қилиш проблемали ўқитишнинг ўқувчиларда фикрлаш фаолиятини юқори даражада активлаштиришга ва уларнинг ижодий қобилиятларининг авж олдиришга қаратилган янги методларини вужудга келтиришга сабаб бўлади. Меҳнат таълимининг ҳар бир методи бир қатор методик усулларини, уларнинг анча элементар ва таркибий қисмларини ўз ичига олади. Масалан, меҳнат операциясини ўрганиш жараёнига қуйдаги бир қанча усуллар: иш ўрнида гавдани қандай тутишни, асбобларни ушлашни кўрсатиш, ҳаракатни иш суръатида кўрсатиш усуллари қиради.

Мехнат таълими методларининг бутун системасини бешта группага бўлиш мумкин. Улардан ҳар бири ўз навбатида бир қанча методларни ўз ичига олади. I озгаки методлар, II кўрсатмали методлар, III амалий методлар, IV проблемали ўқитиш методлари, V билимлар, меҳнат кўникмалари ва малакаларини текшириш методлари.

Шуни таъкидлаш керакки, меҳнат жараёнида умумий дидактик характерга эга бўлган кўпгина методлардан фойдаланилади. Бироқ меҳнат усулларини бажаришга оид тренировка машқлари, техникага оид справочник ва технология ҳужжатлари билан иш олиб бориш, ўқув-ишлаб чиқариш топшириқларини бажариш, контрол-амалий ишларни бажариш каби методлар фақат меҳнат таълимига хос бўлган методлардир.

Мактаб системасининг янгилиниши асосида, унинг таълим жараёни маъзмуни ҳам турли шакл ва услубиятлардан иборат. Таълимни мазмуни миллий регионал хусусиятларимизга ҳамоҳанг мосланган бўлиб, болаларнинг ёшлик даврига мўлжалланиб ўқув режаси, дастури ва дарсликлари тайёрланади. Шунинг учун дидактик принциплар дарсда турли хил форма ва методларда шаклланиб ривожланиб бориши бугунги куннинг долзарб муаммосидир.

3.4. Ўқитувчининг ўқувчиларга ўқишга бўлган эҳтиёжини шакллантириш омиллари

Ҳозирги замон фан техника тараққиётининг талабларига жавоб берадиган ўқувчи ёшларнинг касб-ҳунар таълимини амалга ошириш, талабаларни фан асосларининг чуқур ва мустақил билимлар билан қуроллантириш, уларда ўз билими ҳамда маҳоратларини узлуксиз такомиллаштиришга интилиш билан уларни мустақил тўлдириш ва амалда қўллашни тарбиялаш ҳамда фаол меҳнат ва жамоат фаолиятига онгли касб-ҳунар эгаллашга тайёрлаш муҳим ва мураккаб вазифадир. Бу вазифани хал этиш учун ўқиш мотивларини онгли ўзлаштириш, талабаларнинг ўқишга ижобий муносабати, маҳорат ва касб педагогикаси ўқув предметига қизиқиш муҳим роль ўйнайди.

Ўқиш мотивларини тушунишни меҳнат ва касб педагогикаси ўқув предметига қизиқишни шакллантириш учун ўқитувчи уларнинг шаклланиш шароитларини, у ёки бу мотивларини аниқлайдиган омилларни билиш зарур.

Мотив деганда психологияда талабаларни ҳагги-ҳаракатларга ундайдиган сабаблар тушунилади. Мотивларнинг шаклланишига талаблар ва инстинктлар, майллар ҳамда хиссиётлар, йўл тутишлар, гоаялар ва қизиқишлар таъсир этади.

Ўқиш мотивлари турли кўринишларда бўлиши мумкин: маълумот олишда ота оналар талабининг бажарилиши, бошқалардан қолншмасликка интилиш, касб-ҳунар коллежини тугатганлиги ҳақида диплом олиш, касб-ҳунар коллежини тугатгандан кейин олий ўқув юртига киришга интилиш ва бошқалар. Энг юкори мотивлар жамиятга фойдали бўлиш учун билимлар олиш ва ниҳоят, кўп билиш мотиви, яъни улар асосида билишга қизиқтириш мотивлари.

Ўқитувчининг мотивлари ўз талабларида олий мотивларни ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий шакллантириш, яъни жамиятга фойдали бўлиш учун билимларни олиш зарурлиги ишончни тарбиялаш, меҳнат ва касб педагогикаси ўқув предметини ўрганишда билишга қизиқиш хиссини уларда тарбиялашдан иборат бўлади. Таълим олаётган кўпчилик талабаларда билишга қизиқишлар уйғотила олинган ва ривожлантирилган бўлсагина, ўқитиш жараёни муваффақиятлироқ ўтади. Бу ҳолда билишга қизиқиш кўп билишга интилиш талабанинг етакловчи мотивларидан бирига айланади. Билишга қизиқиш муаммоси педагоглар диққатини анчадан бери ўзига жалб этгани тасодифий эмас. Унга педагогиканинг асосчиларидан Я.А.Камениский, Б.Дистервег ўз ишларида билишга қизиқиш муаммосига катта эътибор беришганлар.

Қизиқиш ўқув, янгиликни билиш учун энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Унинг таъсирида интеллектуал фаоллик ўсади. Хотира такомиллашади, тасаввур этиш, қабул қилиш кучаяди, диққат, фикрни тўплаш ўсади. Унинг таъсири яна маънавий иродавий сифатларни тарбиялашда, шахснинг умуман ривожланишида ифодаланади.

Билишга қизиқишни тарбиялаш муаммоси ҳозирги вақтда касб-ҳунар таълимига ўтиш муносабати билан жуда муҳим аҳамиятга эга.

Билишга қизиқишнинг тавсифли хусусияти шундан иборатки, у интеллектуал тавсифга эга: қизиқтираётган субъект предметда янги томонларни аниқлашга, кузатилаётган ҳодисаларнинг моҳиятини очишга, сабаб-оқибат боғланишларини ва улар орасидаги боғланишни ўрганишга.

Билишга қизиқиш талабанинг ўқишга бутунлай ва айрим ўқув предметларни ўрганишга ижобий муносабатни аниқлайди. Агар ўқитувчи ўз предметига қизиқиш уйғота олса, у ҳолда талабаларнинг мустақил ижодий ишлари учун имконият яратилади: улар билимларга, уни эгаллаш йўлида турли кийинчиликларни енгиларга

интилади. Агар қизиқиш жалб қилинмаган бўлса, у ҳолда мия орқали ахборот талабаларнинг бутунлай бефарқлигида, ижобий ҳиссиётлар уйғотмасдан изсиз ўтади.

Қизиқарли ўқитиш деганда талабалар ўқитиш услубиятининг даражасини аниқлайдиган омиллар тўпламини тушунилади. Бу юкори даражада илмийлик, материални баён этишда тизимлилик, дарсда муаммоли вазиятни вужудга келтириш ва талабаларни олдинга қўйилган муаммоли вазиятни вужудга келтириш ва талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш маҳорати, талабаларнинг ижодий тавсифдаги топшириқларни бажариши, талабалар бошқа гуруҳ талабаларига илмий-оммабон адабиётда уларни қизиқтирган масалалар ҳақида гапириб бера оладиган шароитни дарсда вужудга келтириш, адабиётлар ўқишда, кино ва телефильмларни кўришда шунингдек, табиат, жамият ҳамда техника ҳодисаларини мустақил кузатиш натижасида вужудга келган саволларга жавоб олиш.

Меҳнат педагогикаси ўқув предметиға барқарор ва чуқур қизиқишни пайдо қилиш талабаларнинг диққат ва фикрлашини фаоллаштирувчи усуллар тизимини, шунингдек, касб педагогикаси ўқув предмети бўйича ҳозирги замон ҳаётида, республикамизда ривожланаётган жамият шароитида, фан-техника инқилоби асрида билимларни тушунишға ёрдам берадиган, ижодий ҳиссиётни вужудга келтирадиган усулларни қўллаш билан эришилади.

Ижодий ишлайдиган ўқитувчилар ўрганнишға бўлган қизиқишларни ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида турли кўринишдаги усулларни қўллайдилар. Бунда гуруҳ талабаларининг ёш хусусиятлари, улар фикрлашларининг ривожланиш даражалари, назарий ва амалий тайёргарлигининг умумий даражалари, уларнинг индивидуал хусусиятлари ҳисобға олинади.

Талабаларнинг билишға бўлган қизиқишининг пайдо бўлиши ва ривожланиши уларнинг қўшимча адабиётлар, илмий-оммабон рисоалар, журналлар, олий ўқув юртларига қирувчилар учун ўқув қўлланмалари ва бошқалар билан мустақил ишлашларини ташкил этишға ёрдам беради. Ўқитувчи талабалар билан биргаликда бажарадиган бу ишларни касб педагогикасининг ҳар бир бўлими бўйича мавзувий режаларни тузишда режалаштириш керак. Талабалар фаолиятининг натижалари у ёки бу шаклда гуруҳда текширилишн, муҳокама қилиниши ва баҳоланиши даркор.

Талабаларнинг иш тажрибасида меҳнат ва касб педагогикасидан илмий-оммабон ва бошқа қўшимча адабиётлар билан ишлашнинг иншо ва реферат ёзиш каби

шакллари муҳим аҳамиятга эга. Иншо ва рефератларни ўқитувчи йиғиб олиши, текшириши ва баҳолаши керак. Ўқитувчиларга ортиқча иш бўлмаслиги учун ишлар топшириш режалаштирилган, дарсдан олдин уйга бошқа топшириқлар берилмаслиги керак. Энг кизик рефератлар бўйича дарсларда, ўқув конференцияларида ёки семинарларда (мавзу ёки бўлимни ўрганиш даражасига мос равишда) гапириб беришга талабаларни таклиф этиш фойдали бўлади. Иншо ва рефератларни текширишнинг натижалари гуруҳда таҳлил қилиб берилади. Энг яхши ишлар талабаларнинг ижобий кўргазмаларига тавсия этилиши мумкин. Ҳамма ҳолларда ҳам ўқувчилар уларнинг мустақил ишларининг натижалари ўқитувчи учун бефарқ бўлмаслигини хис этишлари керак.

Талабаларнинг меҳнат ва касб педагогикаси ўқув предметини билишга қизиқишларини қўллаш ва ривожлантириш учун ўқув машгулотлари тизимида ўқувчиларни доимий ижодий, ақлий ишга фақат янги билимларни олишдагина эмас, балки шу билан бирга билишга оид маҳоратларини такомиллаштиришда, илмий текшириш усулларини: кузатиш, тажрибани, фаразлар ва бошқаларни эгаллашда дарсдан дарсга огишмасдан олдинга силжишга ундайдиган шароитни яратиш зарур. Шу жиҳатдан талабаларга умумлашган билиш маҳоратларини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Талабаларнинг меҳнат ва касб педагогикаси ўқув предметига бўлган муносабатини аниқлайдиган муҳим омил ўқитувчининг шахсияти ҳисобланади. Кўпчилк талабаларнинг меҳнат ва касб педагогикаси ўқув предметига бўлган муносабати унинг қанчалик қизиқарли бўлишига боғлиқ. Агар касб-ҳунар коллежида ўз ўқув предметини яхши кўрадиган ўқитувчи ишласа, бу предмет кўпчилик талабаларнинг диққатини ўзига жалб этади. Ўқитувчининг шахсий сифатлари аниқ намоён бўладиган, унинг дарсдаги фаолияти ва ўқитувчи ташкил этган талабаларнинг билим олиш фаолияти талабаларда касб педагогикаси ўқув предметига қизиқиш пайдо бўлишининг асосий манбалари ҳисобланади.

Меҳнат педагогикаси фани асосларини ўқитишда асосий тушунчалар тизимини ўқувчиларда шакллантиришни, унинг асосий қонун ва назариялари, шунингдек, илмий текшириш усуллари ҳақидаги билимлар билан уларни қуроллантиришни ўз ичига қамраб олади.

Меҳнат педагогикасини ўқитиш жараёнида тушунчаларни шакллантириш, талабалар фикрлашини ўстиришда, илмий дунёқарашини ҳосил қилишда муҳим роль ўйнайди.

Маълумки фан ривожланишининг қандайдир босқичида пайдо бўлган тушунча ўзгармас бўлиб қола олмайди. Ҳодисалар ва ҳақиқий босқичдаги предметлар ҳақидаги билимлар чуқурлашган ва кенгайган сари тушунчаларнинг ривожланиши содир бўлади. Бу ривожланиш турлича содир бўлади:

1) Илгариги тушунчалар аниқланилади;

2) Илгариги тушунчалар илмий муносабатда ишонарли бўлмагани учун ташлаб юборилади, илмий билишнинг ривожланиши натижасида янги тушунчалар пайдо бўлади, бу ҳодиса ва предметлар орасида янада чуқурроқ боғланишлар борлигини билдиради.

Айрим тушунчаларнинг пайдо бўлиши Фан ривожланишининг маълум босқичида ҳал этувчи ролни ўйнайди. Улар орасида янги илмий назариялар ва тизимлар вужудга келади.

Тушунчаларнинг ривожланишида табиат ва жамият ҳодисаларини ҳар томонлама текширишнинг умумий масалалари билан боғлиқ бўлган турли фанлар тушунчаларининг ўзаро мураккаб боғлиқлиги катта аҳамиятга эга.

Умумлашган назарий фикрларнинг натижаси сифатида тушунча келажакдаги билишнинг воситаси бўлиб хизмат қилади.

Ўқув бошида тушунча талабалар ўқитувчи раҳбарлигида эгаллайдиган илмий билимлар тизимининг элементи асосида пайдо бўлади. Ўқиш жараёнида илмий текшириш ишларида ва кишиларнинг амалий фаолиятидан кенг фойдаланиладиган, фанда катъий тасдиқланган ва қабул қилинган тушунчаларни касб-хунар коллежлари талабаларида шакллантирилади.

Талабаларда тушунчаларни шакллантириш мураккаб ва узоқ давом этадиган жараён бўлиб, унда талабалар аста секин тушунчаларнинг мазмунини тўлиқ эгаллашга яқинлашадилар. Бу жараёнда, худди илмий билишдаги сингари тушунчаларининг ривожланиши уларнинг бойиши, ушбу тушунчанинг бошқалар билан янгидан-янги боғланишларнинг ўрнатилиши содир бўлади. Бу ривожланиш мураккаб диалектик тавсифга эга.

Тушунчаларнинг манбалари: 1) талабаларнинг ҳаётий тажрибалари, уларнинг кундалик кузатишлари ва шулар асосида ҳосил бўладиган тасаввурлари; 2) ўқитувчи раҳбарлигида фан асосларини ўрганиш жараёнида мақсадга мувофиқ ҳолда тушунчаларни шакллантириш; 3) бошқа фанларни ўрганиш натижасида йўл-йўлакай тушунчаларни шакллантириш; 4) илмий-оммабоп адабиётни ўқиш, фильмлар ва телекўрсатувларни кўриш, радиони эшитиш, бошқа ахборот воситаларининг таъсири натижасида тушунчаларнинг ўз-ўзидан шаклланиши ҳисобланади.

Талабаларнинг меҳнат ва касб педагогикасига доир тушунчаларни ўзлаштиришларида куйидаги хатоликлар кузатилади:

1) талабалар тушунчаларни белгилайдиган атамаларни ишлатишадилар, аммо тушунчанинг мазмунини, унинг муҳим белгиларини муҳим бўлмаганларидан ажратишни билишмайдилар:

2) тушунчалар орасидаги боғланиш ва муносабатларни ёмон ўзлаштиришадилар;

3) тушунчаларни классификация қилишни билишмайдилар, классификациялаш асосида қўйиш мумкин бўлган муҳим белгиларни танлашда тўла оғизлик қилишадилар.

Тушунчаларни ўзлаштиришдаги кўрсатилган камчиликларни мавжудлиги шунга олиб келадикки, талабалар тушунчалар билан муомила қилишга, ҳар хил кўринишдаги ўқув ва амалий масалаларни ҳал этишга қийналишадилар.

Талабаларнинг тушунчаларни ўзлаштиришларида кўрсатилган камчиликлар пайдо бўлишининг асосий сабабларидан бири ўқитувчининг тушунчаларни ўзлаштириш жараёнининг ўзига хос хусусиятларини, ўқувчилар уларни ўзлаштириб олишларига имкон берадиган шакллантириш усулларини, шароитларини ва бу жараёнлар бўйсунадиган қонуниятларни билмаслиги ҳисобланади. Айрим ҳолларда ўқитувчилар талабалар тушунчани ўзлаштириб олиш ва уни амалда қўллашлари учун тушунчага таъриф бериш етарли деб ўйлайдилар. Аммо тушунчани таърифлаш абстракт (мавхум) тушунча бўлиши билан тугалладиган, унинг шаклланишининг фақат бошланғич босқичларидан бири бўлади. Ундан кейин тушунчаларнинг мазмуни билан боғланиши ва муносабатини аниқлайдиган тушунчаларнинг ривожланиш жараёни боради.

Тушунчаларни эгаллаш, шулар билан бирга талабларда тушунчалар билан муомила қилиш малакасини шакллантиришни, улар ўқув-билиш амалий масалаларни

ҳал этишга қўллашни мўлжаллайди. Шунинг учун бу жараён талабаларнинг фаол фикрлаш фаолиятини талаб этади, деб тасдиқлаш мумкин.

Ўқитишнинг назарий ва амалиёт учун тушунчаларни шакллантиришнинг асосий йўлларини ўрганиш, ҳар бир шаклланиш усулининг аниқ ҳолати учун оптимал танлаш тамойилини, ҳар хил ёш хусусиятли гуруҳ талабаларининг тушунчаларини ўзлаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Талабаларда тушунчалар ҳосил қилишни турли усуллар билан амалга оширилади. У ёки бу тушунчани шакллантириш усули, шаклланиш босқичлари кетма - кетлигининг алмашилиши шаклланувчи тушунчанинг мазмунига, талабаларнинг умумий ривожланиш даражасига, уларнинг илгариги тажриба ва билимларининг ҳажмига боғлиқ ҳолда аниқланилади. Айрим ҳолларда тушунчанинг шаклланиши талабаларга уларнинг кундалик тажрибасидан маълум бўлган далил ва ҳодисаларни таҳлил қилишдан бошланиши мумкин.

Мактаб ва касб ҳунар коллежларида талабаларда шаклланидиган меҳнат ва касб педагогикасига доир тушунчалар мазмунининг таҳлили, тушунчаларнинг мазмунига, ўқувчиларнинг фикрлаш даражаларининг ривожланишига, ўқитишнинг аввалги босқичида олинган билимлар захираларига боғлиқ ҳолда ўқув жараёнида тушунчаларни шакллантиришнинг турли усуллари қўлланиши керак деган ҳулосага олиб келади. Уларнинг асосийлари иккита деб ҳисобланади:

1) анъанавий бўлиб, бунда шаклланиш босқичи бўйича содир бўлади, аниқ ҳиссиётдан абстрактга аниқ (конкрет)га, умумийга;

2) тушунчани шакллантириш бирдан уни таърифлашдан бошланиб, кейин эса уни аниқлаштириш ва умумлаштириш амалга оширилади.

Биринчи усул меҳнат ва касб педагогикасини мактаб ва касб-ҳунар коллежларида ўқитишнинг биринчи босқичида асосий ҳисобланади, чунки бу ерда дастлабки тушунчалар шакллантирилади, кейинчалик уларга таяниб, мураккаброк тушунчаларни шакллантириш мумкин бўлади.

Аммо тушунчаларнинг шаклланиши қайси йўлдан бормасин, барибир унинг ривожланиши юқори босқич бўлиб, абстрактдан аниқлик, умумийга томон бўлган ҳаракат бўлиши керак.

Меҳнат педагогикасини мактаб ва касб-хунар коллежларида ўрганишнинг биринчи босқичида тушунчаларни шакллантириш жараёнига қуйидаги босқичлар киртилса, талабалар тушунчаларни яхши ўзлаштирадilar:

1) ўрганиладиган объектларни кузатиш, дарслик билан ишлаш;
2) тушунчаларни таърифлашда муҳим белгиларни синтез қилиш;
3) муҳимини муҳим бўлмаганлардан ажратиш воситасида тушунча белгиларини аниқлаштириш;

4) ушбу тушунчани илгари ўрганилгандан машқ бажариш воситасида ўхшаш тушунчалар белгиларини таққослаш умумий ва ўзига хос хусусиятларни аниқлаш бўйича чегаралаш;

5) ушбу тушунчанинг бошқа тушунчалар билан боғланишини ва муносабатини ўрнатиш;

6) тушунчаларни табақалаштириш ва конкретлаштириш;

7) тушунчаларни классификациялаш ва уларни тизимлаштириш.

Талабалар тушунчаларни ўзлаштиришда уларнинг диққат ва фикрлашларини. билиш қобилиятларини фаоллаштирадиган турли хил машқлар катта роль ўйнайди. Фаол билиш фаолиятсиз талабалар тушунчани ўзлаштириб олишлари мумкин эмас. Улар атаманинг номини, тушунчанинг расмий таърифини билишлари, уни оддий муаммоларни ҳал этишда қўлланишлари мумкин.

Талабаларнинг тушунчаларни ўзлаштириш жараёнининг психологик-педагогик таҳлили тушунчаларни эгаллашнинг ҳамма босқичларида талабаларнинг фаол фикрлаш фаолиятларини ташкил этиш зарурлиги ҳақидаги хулосага олиб келади. Буни махсус ишлаб чиқилган мустақил ишлар тизими ёрдамида амалга ошириш мумкин. Бу тизим қуйидаги талабаларни қаноатлантириши керак:

1. Тушунчаларни шакллантиришнинг ҳамма босқичларида талабаларнинг фаол фикрлаш фаолиятларини таъминлаш.

2. Асосий дидактик вазифаларни ҳал этишга: талабалар меҳнат касб педагогикаси ўқув предмети асосларидан чуқур ва мустақкам билим олишларига, уларда билимларни мустақил олиш кўникмасини ҳамда уларни амалда қўллашни шакллантиришга ёрдам бериш.

3. Дидактиканинг илмий ва тушинарлилик, онглилик, назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги тамойилларини қаноатлантириши.

4. Дидактиканинг мақсади ва мазмуни бўйича иш тизимига кирувчи турли туман бўлишлари керак. Уларни бажариш ўқувчиларда политехник тавсифдаги, турли кўринишдаги маҳорат ва малакаларни шакллантиришни, шахсий хислат сифатида фаоллик ва мустақилликни тарбиялашни таъминлаши керак.

5. Тизим тушунчаларининг шаклланишида билиш ҳамда амалий мазмундаги муаммоларни ҳал этишда, тушунчалар билан ишлаш маҳоратини ҳосил қилишда изчилликни таъминлаб, гуруҳ (босқич, яъни курс) ва уйдаги мустақил ишлар учун ягона бўлиши керак.

6. Тушунчаларни таққослаш, уларнинг умумий ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, улар орасидаги боғланиш ҳамда муносабатларни аниқлаш ва мустаҳкамлаш бўйича вазифаларни ўз ичига олиши керак.

Меҳнат таълимида ўқувчиларнинг илмий тушунчаларни муваффақиятли ўзлаштиришлари учун қуйидаги шароитлар зарур:

1. Зарурий тушунчалар базасини ҳар бир янги тушунчани киритиш учун таассуротлар кўламини ҳосил қилиш керак. Шундай база бўлиб, талабаларнинг ҳаётний тажрибалари, уларнинг кундалик кузатишлари ва касб педагогикаси ҳамда бошқа ўқув предметлари дарсларида илгари ўзлаштириб олган тушунчалар хизмат қилади.

2. Муаммоли вазиятни вужудга келтириш, таҳлил қилиш натижасида талабалар кўйилган саволга жавоб бериш учун улардаги тушунчалар етарли эмас, деган хулосага келадилар. Ҳар бир янги тушунчани киритиш далил келтириш билан асосланган бўлиши керак.

3. Талабалар онгида янги тушунчалар ҳосил бўлишини таъминловчи далилларни диққат билан танлаш ва илмий таҳлил этиш.

4. Тушунчаларнинг шаклланиш усулларини танлашда тушунча мазмунининг хусусиятини, талабалар фикрлаши ва билимларининг ривожланиш босқичларини ҳисобга олиш.

5. Меҳнат педагогикасини ва бошқа ўқув предметларини ўрганишда талабаларнинг илгари олган назарий билимлари ва ҳаётний тажрибаларини ҳисобга олиш.

6. Тушунча шаклланишининг барча босқичларида талабаларнинг фаол билиш фаолиятларини ташкил этиш.

7. Мактабда меҳнат ўқув предметининг ўрганишининг бутун даври давомида ҳар бир тушунчани узлуксиз ривожлантириш.

8. Меҳнат таълимида фанлараро боғланишни амалга ошириш асосида, маълум бир цикл фанлар учун умумий ҳисобланган тушунчаларни шакллантиришда мосликни таъминлаш.

9. Меҳнат таълимида маълум бир цикл ўқув предметлари учун умумий бўлган тушунчаларни талқин этиш, бир хилликни таъминлаш.

10. Тушунчаларни ўзлаштириш бўйича талабаларни рационал ишлаш усуллари билан куrollантириш.

1. Меҳнат таълими педагогикасини ўқитишда миллий қадриятларга доир материалларнинг тарбиявий аҳамиятини кенгайтириш.

2. Меҳнат таълими методикасини ўқитишда миллий қадриятларга доир материалларни ўрганишининг илмий, назарий ва услубий жиҳатдан тугган ўрнини кўшимча материаллар билан бойитиш.

3. Меҳнат таълими методикасини ўқитишда миллий қадриятларга доир материалларни назарий ва амалий жиҳатдан қай даражада ўзлаштирилишининг тахлилини ифодаланг.

4. Меҳнат таълими методикасини ўқитишда миллий қадриятларга доир материаллар билан кенгайтириш.

5. Меҳнат таълимининг назарий ва амалий жиҳатдан пухта ўрганишда миллий қадриятларга доир материалларнинг тугган ўрни аниқ мисоллари билан тўлдириш.

6. Факултатив машгулотларда меҳнат таълимининг миллий қадриятларга доир материаллар билан боғлаб ўрганиш амалиётини ёритиш.

7. Дарс, дарсдан ташқари ва факултатив машгулотларда талабаларда миллий қадриятларга нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантириш моделини ишлаб чиқиш.

8. Меҳнат таълимида миллий қадриятларимизга боғлаб ўрганишда талабалар томонидан материалларни қай даражада ўзлаштира олиш имкониятини аниқлайдиган тест ва рейтинглар ишлаб чиқиш.

9. Меҳнат таълимида миллий қадриятларга боғлаб ўқитиш орқали талабаларда илмий дунёқарашни шакллантириш тизимини ишлаб чиқиш.

Меҳнат таълимида миллий қадриятларга боғлаб ўқитишда қуйидаги тамойиллардан фойдаланиш ҳолатини ифодаланг.

1. Меҳнат таълимини миллий кадриятлардан фойдаланиб ўқитишда талабаларнинг ўзлаштиришлари тез, тушунарли ҳолатни ифодаланг.

2. Меҳнат таълимида миллий кадриятларимиздан фойдаланиб, тажрибали ўқитиш жараёнида талабаларнинг илмий дунёқарашларини шакллантиришга ижобий таъсир этадиган моделни ишлаб чиқинг.

3. Тажриба гуруҳ талабаларнинг меҳнат таълимида миллий кадриятлардан фойдаланиб, назарий олган билимлари кенг, чуқур ва пухта бўладиган тизимини ишлаб чиқинг.

4. Меҳнат таълимида миллий кадриятлардан фойдаланиб ўрганишга бўлган қизиқишларининг ортишини аниқ мисолларда ифодаланг.

5. Тажриба гуруҳлар талабаларида меҳнат таълими методикасини кадриятларга доир материалларга боғлаб ўрганиш таълим ва тарбия уйғунлигини таъминладиган механизмларини ишлаб чиқинг.

Мазкур масалалар юзасидан манбаларнинг рўйхатини тузинг ҳамда уларни бирма-бир таҳлилий ҳолатини таърифланг.

Қуйидаги хулосалардан ҳар бирига 2-3 касблар мисолларида ифодаланадиган материаллар билан исботланг ҳамда мазкур хулосалар асосида ягона тизимни ишлаб чиқинг.

1. Меҳнат таълими методикасини миллий кадриятлардан фойдаланиб ўқитишда талабаларнинг билими, кўникмаси ва малакалари етарли эмас.

2. Меҳнат таълими методикасини ўқитишда миллий кадриятларга доир тушунчаларни киритиб бориш, талабаларнинг назарий олган билимларини чуқурлаштириб, қизиқишларини ривожлантириб борилади.

3. Меҳнат таълими методикасини ўқитишда миллий кадриятларга доир материалларнинг ҳажми, мазмуни, кетма-кетлиги талабаларнинг ёш хусусиятларига мос тушди.

4. Меҳнат таълими методикасини ўқитишда миллий кадриятларга доир ўқитишнинг миллий кадриятларга доир материаллари билан боғланган ҳолда олиб бориш, талабаларнинг материалларни чуқур ва пухта ўзлаштиришларини таъминлаш.

5. Меҳнат таълими методикасини ўқитишда миллий кадриятларга доир таълим тарбия бериш, уларда миллий кадриятимизга бўлган қизиқиш ва ҳурмат ҳиссини орттиради.

6. Мехнат таълими методикасини ўқитишда миллий кадриятларга доир материаллар билан боғлаб ўқитиш услубияти қуйидаги ижобий натижани берди:

а) талабаларда меҳнат таълими методикасини ўқитишда миллий кадриятларга доир, миллий кадриятлардан фойдаланиб ўқитишда назария ва амалиёт уйғунлиги шаклланади;

б) меҳнат таълими методикасини ўқитишда миллий кадриятларга доир миллий кадриятлардан фойдаланиш талабаларнинг билимлари даражасини орттирди;

в) меҳнат таълими методикасини ўқитишда миллий кадриятларга доир материаллардан фойдаланиб ўрганиш жараёнида талабаларнинг мантикий фикрлаш қобилиятлари ортди;

г) талабаларнинг ижодий фаолият фаолликлари ортди;

д) талабаларнинг миллий кадриятларга нисбатан қизиқишлари ўсди;

е) меҳнат таълими методикасини ўқитишда миллий кадриятларга доир материаллардан фойдаланиб ўқитиш талабаларда уларга нисбатан қизиқиш, ҳайратланиш, завқланиш, мамнунлик каби ҳислари вужудга келди.

Меҳнат таълими ўқитувчиси қўйиладиган талаблар ва унинг умумлаштирилган моделини қуйидаги омиллар билан тавсифлаш мумкин:

Педагогнинг таълим бериш ва тарбиялай олиш маҳорати.

1. Унинг шахсий фазилатлари, тайёргарлик йўналишлари бўйича психологик-педагогик, маърифат ва маънавият, касбий, илмий услубий, илғор педагогик инфор­мацион технологиялар, илмий тадқиқий, рейтинг назорат ва ўқувчиларнинг билимлари объектив баҳолаш; ўқувчиларнинг мустақил билим олишини ташкилий ва услубий таъминлаш, касб-ҳунар таълимида маркетинг ва менежмент.

2. Педагог кадрлар фаолиятини баҳолаш тамойиллари ва уни аниқлаш механизмлари. Ракобатбардошли кадрларни тайёрлаш схемаси. Педагог кадрлар малакасини оширишнинг ташкилий услубий таъминоти. Меҳнат таълими ходимларининг малакасини ошириш бўйича талаблар. Маскур масалалар юзасидан олиб бориладиган ташкилий бошқарув ва назорат ишлари.

3. Ўқувчиларнинг мустақил билим олишини ташкилий ва услубий таъминлаш.

3.1. Мустақил билим олиш технологияси.

Шахс инфор­мацион муҳит, мустақил билим олишини ташкил қилиш, режалаштириш ва услубий таъминлаш. Мустақил билим олишнинг "ўқишни

ўргатиш" тамойили. "Лойиҳавий ўқитиш". Ўқувчиларнинг мустақил билим олишлари учун фаол ўқитиш усуллари; "ақлий хужум" ишбилармонлик ўйинлари ва бошқалар. Ривожланган давлатлар ўқувчиларининг мустақил билим олиш технологияси ва илмий-услубий таъминоти ўқувчиларнинг мустақил билим олишларига раҳбарлик қилиш, ўқувчиларнинг мустақил билим олиш воситалари ёрдамида олган билимларини назорат қилиш ва баҳолаш. "шахс информацион муҳит" тизимидаги жараёнлар ва уларни бошқариш.

3.2. Информацион жамиятни ривожлантириш муаммолари.

Мустақил билим олишда илмий-техникавий ижод қилиш методологияси. Информацион жамиятни ривожлантириш муаммолари. Ўқувчиларнинг мустақил билим олишларида глобал INTERNET компьютер тармогидан фойдаланиш. Мустақил билим олишда илмий ва техникавий ижод қилиш методологияси. Мустақил билим олишда илмий билим ва илмий тадқиқот усулларида фойдаланиш.

3.3. Иқтидорли ўқувчилар билан ишлашни ташкил этиш ва унинг самарадорлигини ошириш йўллари.

Иқтидорли ўқувчиларни излаб топиш, аниқлаш ва ўқитиш услубиятини яратиш муаммолари, иқтидорли ўқувчилар учун махсус ўқув дастурлари ва прогрессив педагогик технологияларни ишлаб чиқиш, иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш самарадорлигини ошириш.

Мазкур масалалар юзасидан олиб бориладиган ташкилий бошқарув ва назорат ишлари.

4. Узлуксиз таълим тизимини ўқув ва қўшимча адабиётлар билан таъминлаш борасидаги ҳозирги аҳвол.

Нашрларни ва бошқа хужжатларни кутубхона жамғармаси ҳисобидан чиқариш, сақлаш ва кутубхона ходимларини моддий жавобгарлиги тўғрисида, касб-ҳунар коллежлари кутубхоналарини экспертизадан ўтказиш, кутубхонанинг Низоми.

4.1. Таълим тизимини янги ўқув адабиётлари билан таъминлашда амалга оширилиши зарур бўлган ишлар ва мавжуд муаммолари ҳақида.

Ўзбекистон Давлат таълим стандарти. Ўқув адабиётларининг яратиш мезонлари. Дарслик ва ўқув қўлланмаларини экспертизадан ўтказиш.

4.2. Узлуксиз таълим тизимини ўқув адабиётлари билан таъминлашнинг истиқболли режалари.

Ўқув адабиётларини яратиш бўйича тузилган мавзувий режалар. Меҳнат таълими мутахассислик йўналишларининг дарслик ва ўқув адабиётлари билан таъминланганлиги. Касб таълим тизимидаги ўқув муассасалари учун ўқув адабиётлари яратиш муаммолари.

Мазкур масалалар юзасидан олиб бориладиган ташкилий бошқарув назорат ишлари.

5. Информацион технологиялар.

5.1. Информацион жараёнлар. Информацион тушунчаси. Инсоннинг информацион фаолияти, информацион жараёнлар: информацияни сақлаш, узатиш ва ишлов бериш. Информатика ва ҳисоблаш техникасининг ривожланиш тарихи. Информацион ва кўрсатув жараёнлари.

5.2. Ҳисоблаш техникаси ва дастурий таъминотнинг замонавий ҳолати. Компьютернинг архитектураси ҳақидаги тушунча. Асосий қурилмалар, уларнинг функциялари ва алоқаси. Компьютернинг программа таъминоти тузилиши. Ҳисоблаш техникасининг ривожланиш тенденциялари.

5.3. Таълим информацион технологиялари. Таълим ва назоратнинг автоматлаштирилган тизимлари. Мультимедия ва тармоқ технологиялари. Компьютерда моделлаш. Дистанцион (масофий) таълим.

5.4. Информацион технологияларнинг долзарб муаммолари. Маълумот базаларини яратиш. Амалий дастур пакетлари ва улардан самарали фойдаланиш. Сунъий интеллект компьютер алоқалари.

5.5. INTERNET. INTERNET ҳақида тушунча, ўқитиш жараёнида INTERNET дан фойдаланиш. Электрон алоқа ва унинг афзаллиги. Мазкур масалалар юзасидан мавжуд ҳукумат ва маҳаллий ҳокимиятлар қарорлари, тавсияномалари ҳамда ташкилий, бошқарув ва назорат ишлари тўғрисидаги ахборотлар, муаммолар.

6. Меҳнат таълими "маънавият ва маърифат".

6.1. Таълимни гуманизмлаштириш ва гуманитарлаштиришда "маънавият ва маърифат" курсларини ўқитиш муаммолари.

Ўқитиш жараёни ва тарбиялашнинг ажралмаслиги, маънавий ва маърифий баркамол шахсни шакллантиришнинг йўналишлари. Таълим оловчиларни ҳуқуқий тарбиялаш ва ҳуқуқбузарликни бартараф этиш. Таълим жараёнида ўқувчи тарбиясини такомиллаштириш ва улар савиясини яхшилашда маънавий ва маърифий йўллар

бўйича илмий тадқиқотларни йўлга қўйиш. Маънавий ахлоқий тарбиянинг моҳияти ва шахсни камолга етказиш, ўқув тарбия жараёнида содир бўладиган илмий ва услубий муаммолари. Педагогларнинг илмий-назарий ва амалий ишларини "Маънавият ва маърифат" йўналиши бўйича халқимизни тарихий анъаналарига, манбаларига таянган ҳолда олиб бориш.

3.5. Ўқувчиларнинг меҳнатга бўлган эҳтиёжларини шакллантириш йўналишлари ҳамда методикаси

Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг умумкасибий билим ва кўникмаларни эгаллашларида методик тайёргарлик, шу жумладан. ўқувчиларда меҳнатга бўлган эҳтиёж ва уни шакллантириш методикасини эгаллаганлик муҳим ўрин тутади. Меҳнатга бўлган эҳтиёжни тарбиялаш меҳнат таълими методикасининг муҳим тарқий қисми саналиб, у меҳнат эҳтиёжини пайдо бўлиши ҳақидаги маълумотларни тартибга келтириши. унинг мазмунини асослаш ҳамда таълим амалиётида тўпланган илғор тажрибалар билан бойитиб боришни кўзда тутади.

Меҳнат мотивларининг асосий ташкил этувчилари сифатида қуйидаги мазмун ва динамик хусусиятларни қараб чиқиш керак:

- а) мотивлантириш тузилмасида мотивнинг тутган ўрнини;
- б) таъсирчанлик даражасини;
- в) ўхшаш ва ноўхшаш англаш даражасини;
- г) мотивлантириш намоён бўлиши жадаллиги ва ифодаланиш;
- д) мотивларни кўзгатувчи таъсирнинг барқарорлигини, ташқаридан бўладиган таъсирларга қаршилик кўрсатиш даражасини.

Ўқувчиларнинг меҳнат дарсларига, ўқув-меҳнат топшириқларининг ҳар хил турларига, оила ва мактабдаги ижтимоий фойдали ва унумли меҳнатга муносабати меҳнат мотиви намоён бўлишининг муҳим белгиси ҳисобланади.

Республиканинг кўпгина минтақаларида турли вақтларда ўтказилган тадқиқотларда бошлангич синфлардаги меҳнат дарсларига қизиқиш юқори синфларга бориб анча пасайиб қолиши аниқланган. Мактаб ўқувчилари билан ўтказилган савол-жавоблар ва суҳбатлар меҳнатга муносабатининг ўзгариши таълимнинг ташкил этилиши ва мазмуни билан боғлиқ, эканлигини кўрсатади. Бу аввало мазкур ёш босқичида мустақилликнинг кескин ортанлиги, ижтимоий аҳамиятли ва фойдали меҳнатда жамоа бўлиб ишлаш, фақат ижрочилик меҳнатида эмас балки, ташкил этиш

ва бошқаришда ҳам қатнашиш истагининг кучайгани сабабли меҳнатнинг етакчи мотивларидан қоникмасликда ифодаланади.

Ўқувчиларда меҳнат фаолиятининг ҳар хил турларига ижобий муносабатини, кизиқишини, меҳнат фаолияти мотивларининг барқарорлигини тарбиялашнинг педагогик-психологик шартлари ва кўрсаткичлари, улар онгининг таъсирчанлик даражаси аниқланади. Меҳнатнинг ҳар хил турларига кизиқишлар ўрганилди, ҳар бир ёш учун меҳнат фаолияти мотивларининг ижтимоий аҳамияти устун бўлишига кўмаклашувчи шарт-шароитлар белгиланади. Мотивлаштиришнинг бу жиҳатлари меҳнатга нисбатан талаб-эҳтиёжининг кўрсаткичи сифатида намоён бўлмоқда.

Меҳнат тарбияси масалаларини самарали ҳал қилиш учун ҳар хил турдаги меҳнатнинг ижтимоий аҳамиятини, унинг зарурлигини, ўзаро боғлиқлигини ва муҳимлигини ҳар бир ўқувчининг онгига сингдириш лозим.

Меҳнат таълими методикасида меҳнат таълимининг ўқувчилар ўз фаолиятининг ижтимоий аҳамиятини кўп синфлардаёқ мустақил ҳолда белгилаб оладиган ўйинда ташкил этиш керак. Таълимнинг айнан ана шундай ташкил қилиниши ўқувчиларнинг меҳнат ҳаракатини фаоллаштириш, уларда шахснинг ижтимоий йўналишини тарбиялаши мумкин. Ўқувчиларни ижтимоий фойдали, унумли меҳнатга жалб қилишда меҳнат фаолиятининг муҳим ижтимоий аҳамияти, айниқса яққол намоён бўлиши шарт.

Ўқувчиларни биргаликдаги ўқув-меҳнат фаолиятига, биргаликдаги унумли меҳнатга жалб этишда уларга ҳамкорлик, ўзаро ёрдам ва бир мақсадга қаратилган алоқа малакаларини сингдириш зарур.

Меҳнат таълими методикасида ўқувчиларнинг уюшган меҳнат фаолияти меҳнатга психологик тайёргарликнинг таркибий қисмларига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Жамоа бўлиб ишлашда ўзаро алоқалар фаоллашади ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолиятини ҳам, шунингдек, яққа фаолиятини ҳам тартибга солиш вазифасини бажара бошлайди.

Меҳнат таълими методикасида боланинг меҳнатга ва катта ёшдаги кишиларга нисбатан умумий ижобий муносабатига таяниб, унда шахснинг ижтимоий мақсадинини шакллантиришнинг илк босқичларида унинг турли касбдаги кишилар билан суҳбатлари, учрашувлари, меҳнат аҳлининг ҳикояларини эшитиб катта тарбиявий самара беришини аниқроқ мисоллар билан тўлдириш лозим.

Маълумки, меҳнат таълими методикасида жамоатчиларни тарбиялашда жамоанинг фаолияти асосий восита ҳисобланади. Ана шу фаолиятнинг мақсадга мувофиқ йўсинда ташкил этилиши ўсмирларнинг умумий вазифаларини. Турли масалаларни ҳал қилишда мустақил фикрлашини, ҳар бир катнашчининг тенг ҳуқуқли, ташаббускор-ижобий мавқеда туришини, жамоа меҳнатининг узлуксизлигини ва мураккаблашиб боришини таъминлайди, фаолиятнинг туман, шаҳар ва бутун жамият учун аҳамиятини оширади.

Ҳозир ўқувчилар меҳнат фаолиятининг жамоа ва бошқа шаклларини меҳнатни жорий этиш, ўқув ва ижтимоий-фойдали, унумли меҳнат жараёнида болаларда шахснинг энг муҳим меҳнат сифатларини тарбиялашга эътиборни кучайтириш, биргаликда ва алоҳида меҳнатга ҳамкорлик ва мақсадга мувофиқ муносабатни амалга оширишга тўғри келади. Худди ана шу тақдирда мактаб ва касб-ҳунар коллеж ўқувчиларининг политехник таълими ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантиришнинг амалий воситасига айланади. Шу муносабат билан мактаб ўқувчиларининг меҳнат фаолиятига касбга йўналтириш элементларини эртaroқ ва мунтазам равишда сингдириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Меҳнат таълими методикасида психологлар, социологлар ва иқтисодчиларнинг асарларида қайд қилинганидек, фан-техника тараққиёти шаронтида автоматлаштиришнинг ривожланиши натижасида меҳнатда инсон омили тобора катта аҳамият касб этади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, турли касблардаги илгор кишилар меҳнатининг хусусиятлари, фақат ижрочилик малакалари шакллангани - меҳнатга тайёргарликни ва юксак меҳнат кўрсаткичларини таъминламайди. Оммавий касбларнинг меҳнат фаолиятининг фақат-сабаб, эҳтиёж, хиссий-иродавий ва ақлий соҳаларига, политехник ва касбий билимлар, малакалар ва техник тафаккурини ривожлантириш тизими бирлигига эмас, шу билан бирга меҳнат жараёнида барқарор, ишончли ўз-ўзини бошқариш асослари бирлигига кўядиган қуйидаги талаблари келиб чиқади:

I. Ўқувчиларни меҳнатга педагогик-психологик тайёрлашнинг барча омилларини аниқлаш. Бунда шу масалага оид кўшимча адабиётлар ва воситалардан унумли фойдаланиш, ниҳоят ўқувчиларни меҳнатга педагогик-психологик тайёрлаш омилларининг маълум тизимини аниқлаш.

II. Ўқувчиларни меҳнатга педагогик-психологик тайёрлашнинг барча имкониятлари билан танишиб, улардан энг зарурларини ҳамда ўқитувчи шароитга қараб доимо фойдалана олмайдиганларини аниқлаш.

III. Лаборатория иши жараёнида тўпланган маълумотлардан фойдаланиб, мазкур материални янги типдаги мактаблар фаолиятига татбиқ этиш омиллари билан бойитиш қайта ишлаш ва реферат ҳолига келтириш.

Меҳнат таълими методикасида ёш авлодни меҳнатга хусусан моддий ишлаб чиқариш соҳаларидаги касбларни танлашга тайёрлашдан иборат ижтимоий вазифалар мактаб ўқувчиларининг меҳнатга психологик тайёрланиши муаммосини ўрганиш долзарблигини кўрсатади. Кейинги йилларда шахснинг касбкорлик ва сабаб-эхтиёж соҳаларини ривожлантириш асосида ўқувчиларнинг меҳнатга педагогик-психологик тайёрлигини шакллантириш қонуниятларини таҳлил қилишни ўз ичига олган кўпгина тадқиқотлар амалга оширилди. Мактаб ўқувчиларининг ижтимоий-фойдали меҳнатга ва онгли равишда касб танлашга тайёрлигини намоён қиладиган педагогик-психологик шарт-шароитлар_ифодаланди.

Меҳнатга тайёрлик - мураккаб ҳосиладир ва унинг иккита структураси: касбий ҳамда шахсий компонента бўлади. Шахсий компонентга меҳнатга йўналиш ҳамда унинг сабаблари ва қизиқишнинг хусусиятлари, одатлар ва муносабатлар, кишининг хиссий ва иродавий функциялари, шахснинг касбкорлик учун аҳамиятли хислатлари киради. Тайёрликнинг касбий компонентига политехник-касбий билимлар, малакалар, ақлий функциялар киради. Шахснинг меҳнат ва касбий камолотининг асосий босқичларига мувофиқ равишда меҳнатга педагогик-психологик тайёрлигининг турли даражаларини ҳисобга олиш зарур. Булар:

- умумий таълим мактабидаги меҳнат таълими жараёнида касбкорлик ниятлари:
- касб таълимида, мактабда, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида, касб-хунара коллежларида ва олий ўқув юртлирида, корхонада, айнан танланган фаолиятга мувофиқ тайёргарлик кўриш босқичи;
- касбга фаол кириши ва ишлаб чиқариш жамоасида ўз ўрнини топиши;
- мустақил касб фаолиятида шахснинг ўзини тўлиқ ёки қисман намоён қилиши.

Меҳнат таълими методикасига оид педагогик-психологик жиҳатдан тайёрланиш мураккаб, кўп қиррали жараёنлигини эътироф этиб, унинг турли ёшдаги мактаб ва

касб-хунар коллеж ўқувчиларидан меҳнатга шаклланишининг ўзига хос даврларини ўрганиш вазифасини қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Ўқувчиларнинг меҳнатга тайёрликнинг политехник, касб-корлик ва педагогик психологик компонентларини таркиб топтириш шарт-шароитларини ўрганишни комплекс тарзда, ягона нуқтаи-назардан амалга ошириш зарур. Бунинг учун шахснинг меҳнатга бўлган қизиқиши ва муҳаббатини шакллантиришнинг педагогик-психологик шарт-шароитларини аниқлаш. Шунингдек, I-синфдан бошлаб турли ёшдаги ўқувчилар билан касбга йўналтиришнинг мазмуни ва методларини такомиллаштиришнинг педагогик психологик шарт-шароитларини ўрганиш лозим. Ўқувчининг мавқеини фаоллаштириш учун касбга йўналтириш ва касб ахбороти ишларини меҳнат таълими, касблар билан танишиш, меҳнат фаолиятида иштирок этиш ўзининг касбий имкониятини билиш тажрибасини кенгайтириш билан ўзаро боғлаб амалга ошириш лозим.

Шунингдек, ҳозирги вақтда мактаб ўқувчиларида ижтимоий меҳнатга мойиллик ва қизиқишни, фаолиятнинг сабабларини, муваффақиятли ишлаб кетиш учун шахснинг муҳим ижобий ҳислатларини тарбиялашга ёрдам берадиган қатор шарт-шароитлари аниқланган. Мактабдаги меҳнат таълими ва тарбиясини ташкил этишда амалга оширилиши лозим бўлган энг муҳим тадбирлар қўйидагилардан иборатдир:

I. Меҳнат таълими методикасида политехник билимлар, қўникма ва малакаларни шакллантириш: ҳар хил таълимий ва меҳнат вазифаларини бажаришда ҳаракат усуллари тизимини ўзлаштиришда ва уларнинг асосларини англаб олишда алоҳида ўрни эгаллаши лозим.

II. Меҳнат таълими методикасида юксак меҳнат маданиятини эгаллаш ва шахснинг муҳим сифатларини шакллантириш асосини ташкил этувчи умумий меҳнат малакаларини таркиб топиши (меҳнат вазифасини ва уни бажариш шарт-шароитларини таҳлил қилиш, мақсад қўйиш, фаолиятни ташкил этиш ва режалаштириш, режани амалга ошириш, фаолият жараёнини ва нагизаларини назорат қилиш, уларга баҳо бериш) ва ўзига тегишли ўрин эгаллаши.

III. Меҳнат таълими методикасида: ҳар бир ёш босқичида ўқувчига имкон даражасида кўпроқ мустақиллик бериш, фаоллиги ва ташаббускорлиги учун шароит яратиш, уни ўқув фаолиятига муаммолар орқали жалб қилиш муҳим ўрин эгаллаши лозим.

IV. Ўқувчиларга ҳар бир ёш босқичида тегишли меҳнат вазифалари бериш, амалий ва ақлий фаолиятни бирга қўшиб олиб бориш имкониятини яратиш ижодий ўрин эгаллаши лозим.

V. Меҳнат таълими методикасида: ўқувчиларни ўқув-меҳнат фаолиятининг ва унумли меҳнатнинг жамоа ва бошқа шаклларда катнаштириш орқали уларда ҳамкорлик, мулоқот, ўзаро ёрдам ҳисларини, шахснинг ижтимоий йўналишини, билиш фаоллигини ривожлантириш, ижтимоий-ижодий тафаккурни тарбиялашга алоҳида эътибор бериш керак.

VI. Меҳнат таълими методикасида: ўқувчиларни ижтимоий фойдали, унумли, меҳнатнинг ҳар хил турларига, айниқса, корхонадаги илгор ишчилар билан ҳамкорликдаги меҳнатга мунтазам равишда жалб қилиш ва тегишли шароит яратиш.

VII. Меҳнат таълими методикасида: ўқувчиларнинг бир бутун меҳнат жараёнида амалий иштирок этишини ташкил қилиш, шунингдек, уларни база корхона намунасида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва унинг иқтисодиёти асослари билан қўшиб ташкил этиш лозим.

Шундай қилиб, мазкур материаллардан маълум бўлдики, талабалар меҳнат таълими методикасини: аниқ меҳнат жараёнларини ўқитиш шакллари, методлари, усуллари, асослари, мазмуни заминида ташкил этиб, ўқувчиларни эҳтиёжига қараб олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

4-БОБ. МЕХНАТ ТАЪЛИМИНИНГ ДИДАКТИК ТАМОЙИЛЛАРИ

4.1. Мехнат таълимининг педагогик теҳнологиясида дидактик тамойилнинг асослари

Мазкур параграфни дидактика тармоғи эканлиги, меҳнат таълимининг, таълим-тарбия назарияси, яъни мақсадлари мазмуни қонунлари тамойилларини ишлаб чиқиш билан шугулланадиган фан ҳисобланади. Шу билан бирга у педагогик теҳнологиянинг дидактик асоси унинг меҳнат таълим тарбия қоида тамойилларига мувофиқлигини белгилайди.

Дидактик талаблар меҳнат таълим-тарбиявий вазифаларнинг назарий жиҳатидан тўғри бажарилишни таъминлайди.

Меҳнат таълимини педагогик теҳнологиянинг дидактик жиҳатдан тўғри бўлиш унинг юқори самарадорлигининг зарурий шароити ҳисобланади. Бунинг учун замонавий меҳнат таълими дидактиканинг илмий хулосаларидан ижодий фойдаланиш талаб қилади.

Меҳнат таълимида қўлланиладиган асосий дидактик тамойилларни ўрганилар экан унинг ўзи нимадан иборат эканини ойдинлаштириш зарур. Дидактика тамойиллари деганда таълимининг асосини ягона дидактик аниқ асосга эга бу тамойиллар ижтимоий тараққиёт талабларига жавоб беради, психологиядан олинган тадқиқот маълумотлари илгор педагогика тажрибаларини ҳисобга олади.

Меҳнат таълими тамойилларини баён қилишда уларни жуфтлаб ўрганиш тамойилни тўғри деб ҳисоблаш керак. Шундай қилинганда меҳнат таълими дидактикасининг айрим тамойиллари ўртасидаги муаян объектив мавжуд алоқани кўрсатишга имконият тугдиради.

Чунончи меҳнат таълимининг онглилик, изчиллик, фаоллик таълим беришнинг пухталиги каби дидактик тамойилларига алоҳида таъриф берганда улар ўртасидаги таъсир қиладиган алоқани белгилаб бўлмайди. Аксинча агар меҳнат таълимининг дидактик тамойиллари жуфт тарзда уларнинг асосий қоидаларнинг бирлиги нуқтан назаридан кўриб чиқилса у ҳолда мазкур тамойилларнинг тизими қўйидагича бўлиши мумкин: меҳнат таълимининг онглилиги ва фаоллиги, мунтазамлиги ва абстрактлиги ўқув тарбия мақсадларига қаратилган. Унимли меҳнат асосида таълим бериш меҳнат таълимининг ўқитувчиси шуни учун мослиги керакки ўқув устахоналаридаги ҳаракат

амалий машғулотда юқорида санаб ўтилган меҳнат тамойилларидан битта ёки бир нечта бўлади.

4.2. Меҳнат таълими тамойилларининг умумий тавсифномаси

Меҳнат ва касб таълими тамойиллари таълим бериш назариясининг бошланғич қондалари бўлиб, улар ўқув ишларининг мазмуни унинг ташкилий шаклларини ва ўқитувчи меҳнат дарсини тайёрлаш ва ўтказиш вақтида амал қилиш лозим бўлган методларни белгилаб беради.

Дидактиканинг асосий тамойиллари тарбия мақсадларидан келиб чиқади ва таълим жараёнининг қонуниятларига асосланади. Меҳнат - политехника таълим ўқувчиларни тарбиялаш мақсадидан келиб чиқадиган ўзига хос хусусиятларига эга.

Меҳнат таълими тамойилларини баён қилишда уларнинг жуфтлашиб ўрганиш тамойилини тўғри ҳисоблаш керак. Шундай қилинганда меҳнат таълим дидактикасининг айрим тамойиллари ўртасидаги муаян объектив мавжуд алоқани кўрсатиш имконияти тўғилади.

Чунончи меҳнат таълимининг онглилик, изчиллик, фаоллик таълим беришнинг пухталиги каби дидактик тамойилларига алоҳида таъриф берганда улар ўртасида ўзаро таъсир қиладиган алоқани белгилаб бўлмайди. Аксинча агар меҳнат таълимини дидактикалари жуфт тарзда уларнинг асосий қондалари бирлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқилса, у ҳолда мазкур тамойилларнинг системаси қўйидагича бўлиши мумкин: меҳнат таълимининг илмийлиги бу таълимнинг онглилиги ва фаоллиги, мунтазамлиги ва пухталиги, меҳнат таълимининг кўرғазмаллиги ва абстрактлиги ўқув тарбия мақсадларига қаратилган унумли меҳнат асосида таълим бериш, меҳнат таълимининг тушунарлилиги. Меҳнат таълим ўқитувчиси шуни унутмаслиги керакки ўқув устахоналаридаги ҳар қандай амалий машғулотда юқорида санаб ўтилган меҳнат таълими тамойилларидан битта ёки иккитаси эмас балки ўқувчиларга ўқув материалларини сифатли ва тўла етказиб бериш имконини берадиган дидактикалар бутун системасига амал қилинади. Меҳнат таълим ўқитувчисининг дидактик тамойиллардан усталик билан фойдалана билиши ва уларни бир бирига тўғри боғлаб олиб боришида намоён бўлади.

Меҳнат таълимининг тарбиявий техник билимларининг амалиёт билан узвий боғланиш тамойили. Меҳнат таълимининг тарбиявий хусусияти моҳияти тарбиявий вазифаларни ўқитишнинг мазмуни, шунингдек ўқув ишларининг ташкилий

шакл ва методлари оркали амалга оширишдан иборат. Ҳар бир тараққиёт босқичига ўтишнинг шартли фақат меҳнат унумдорлигини мунтазам ошириш ва моддий нсъматлар мўл қўллигини яратишдан иборат бўлиб қолмасдан, балки ёш авлодга юксак ахлоқий сифатларни тарбиялашдан ҳам иборат, бу энг аввало жамият манфаатлари йўлида қилинадиган меҳнат жараёнида шаклланади.

Меҳнат таълими дарслари ўқувчиларни меҳнат воситасида ахлоқий тарбиялаш учун энг муносиб объект ҳисобланади. Чунончи оталиқ ташкилотининг ишлаб чиқариш буюртмаларини ўқув устахоналарида ўқувчилар қучи билан бажариш уларда топширилган иш учун маъсулият ва ифтихор ҳиссини тарбиялашга ёрдам беради. Бундай буюртмаларни бажариш натижасида ўқувчиларда бир бирларига ўзаро ўртоқлик ёрдам кўрсатиш умумий меҳнат натижалари учун жамоа ва шахсий маълумот, топшириқни бажаришга ташаббус ва ижодкорлик билан ёндашиш каби муҳим ахлоқий фазилатлар шаклланади.

Меҳнат таълими жараёнида ўқувчиларда асбоб ускуналар, материаллар, устахона биноларига, ўқув вақтига тежамкорлик билан муносабатда бўлиш ҳисси тарбияланади. Ўқув устахоналаридаги меҳнат маданияти - иш ўрнини машқил этиш ва ўқув меҳнат машгулотларини тўғри режалаштириш; меҳнат таълим дарсларини қўл асбоблари билан бир қаторда турли мосламалар билан таъминлаш ҳам қатта аҳамиятга эга негаки улар фақат ўқувчиларнинг иш сифатини яхшилаб қолмасдан айни вақтда меҳнат унумдорлигини ҳам оширади. ўқитувчининг меҳнат усулларни кўрсатиш вақтидаги шахсий намунаси, унинг умумий маданияти ўқувчилар учун қучли тарбиявий восита бўлиб ҳисобланади.

Ўқувчиларга меҳнат таълими бериш ҳамда тарбиялаш уларнинг меҳнатга оид турли техник маълумотларидан бошланади. Бу маълумотлар ўқувчиларга меҳнат таълими дарсининг бошланишидаги қириш инструктажларида ҳамда жорий инструктажлар вақтида тушунтирилади. Ўқувчилар олган билимлари асосида меҳнат касб кўникмалари малакаларини муваффақият билан эгаллайдилар амалий топшириқларни бажарадилар. Бу билан билиш назариясининг муҳим қоидаларидан бири назария билан амалиётнинг алоқаси амалга оширилади. Масалан дастурдаги «Токарлик винт қирқиш станогига ишлаш» мавзусини олайлик. Ўқувчи агар токарлик винт қирқиш станогининг тузилиши ва ишлаш тамойилини уни винт

қирқиншга соғлашни, ишлов бериләйтган материалнинг ва қирқиш асбоблари ясалган материалнинг йўнишни белгилайди.

Меҳнат таълимининг тарбиявий хусусияти меҳнат тарбиявий вазифаларини ўқитишнинг мазмуни, шунингдек ўқув ишларининг амалга оширишдан иборат. Ҳар бир таракқиёт босқичига ўтишнинг шарти фақат меҳнат унумдорлигини мунтазам ошириш ва моддий неъматлар мўл-кўллигини яратишдан иборат бўлиб қолмасдан балки ёш авлодга юксак ахлоқий сифатларни тарбиялашдан иборат. Бу энг аввало жамият манфаатлари йўлида қилинадиган меҳнат жараёнида шаклланади. Меҳнат таълими дарслари ўқувчиларни меҳнат воситасида ахлоқий тарбиялаш учун энг муносиб объект ҳисобланади. Чунончи ташкилотининг ишлаб чиқариш буюртмаларини ўқув устахоналарида ўқувчилар куч билан бажариш натижасида ўқувчиларда бир-бирларига ўзаро ўртоқлик ёрдам кўрсатиши умумий меҳнат натижалари учун жамоа ва шахсий маълумот, топширик бажаришга ташаббус ва ижодкорлик билан ёндошиш каби муҳим ахлоқий фазилатлар шаклланади.

Меҳнат таълими жараёнида ўқувчиларда асбоб усқуналар, материаллар, устахона биноларига, ўқув вақтига тежамкорлик меҳнат маданияти иш ўрнини ташкил этиш ва ўқув меҳнат машғулотларини тўғри режалаштириш: меҳнат ва касб таълим дарсларини қўл асбоблари билан бир қаторда турли мосламалар билан таъминлаш ҳам катта аҳамиятга эга негаки улар фақат ўқувчиларнинг иш сифатини яхшилаб қолмасдан, айна вақтда меҳнат унумдорлигини ҳам оширади. Ўқитувчининг меҳнат ва ҳунар усулларини кўрсатиш вақтидаги шахсий намунаси, унинг умумий маданияти ўқувчилар учун кучли тарбиявий восита бўлиб ҳисобланади.

Меҳнат таълимининг илмийлиги, политехник хусусиятлари. Ўқувчилар меҳнат таълим дарсларида олган техник билимлар меҳнат қўникмалари ва малакалари ток маъноси билан илмий ва политехник хусусиятига эга бўлиш керак.

Илмийлик тамойили ўқувчиларга амалда синалган, илмий жиҳатидан тўғри, фаннинг энг яхши ютуқларини ҳисобга олган техник маълумотларни беришни қўзда тутуди.

Мазкур илмийлик тамойили талабларига биноан ўқувчилар меҳнат дарсларида станоклар, усқуналар, механизмлар, машиналар, асбоблар, мосламаларнинг янги намуналари билан ишлаб чиқаришда ишлатиладиган материалларнинг энг янги маркалари билан илғор технологик жараёнлар ва меҳнатни илмий ташкил қилиш

билан таништирилиши керак. Агар буни мактаб устахоналарида амалга ошириб бўлмаса, у ҳолда ишлаб чиқариш корхоналарига бир неча марта экскурсия уюштириш мумкин. Меҳнат таълими ўқувчиси илмийлик тамойили талабларига амал қилиб, ўқув устахоналаридаги машгулотларда фақат илмий атамалардан, фанда қабул қилинган рамзий белгилар, формулалар, ўлчаш ва ҳақозолардан фойдаланиш керак. Мактаб устахоналаридаги меҳнат таълими, унинг мазмуни яъни машина, механизм, асбобларнинг тузилиши ва ишлаш принципларига оид техник маълумотлар, шунингдек амалий топшириқларни бажариш технологик жараёнлар, меҳнат усуллари умумийлик ва хусусийликнинг бирлиги сифатида қараб чиқилганда илмий технологик, политехник хусусият касб этади. Шу билан бирга меҳнат жараёнининг бошқа техник-технологик объектлари ва элементларига хос умумий қонуниятлар белгиланиши, уларнинг илмий-техник ва руҳий-физиологик асоси тушунтириб берилиши зарур. Чунончи, метал қирқиш станоклари ёғочга ишлов бериш асбобларини ўрганиш вақтида тикув машинасида ишлашда айни бир хил узеллар, узатиш механизмлари, қирқиш асбобларининг тузилиши ва вазифаси ўрганилади. Ёғоч (режалаш, исканлаш, арралаш, рандалаш) ва металлларга ишлов бериш (режалаш, қирқиб тушуриш, кесиш, арралаш ва ҳақозо), хамир тайёрлаш, гўшти ковуриш, димлаш пайтидаги меҳнат жараёнларини ўрганишда меҳнат усуллари, меҳнати ташкил қилиш асбоблар конструкциялар кабиларида кўпгина умумий томонлар мавжуд. Бундан ташқари меҳнат таълим ўқитувчиси ўз дарсида ўқувчиларнинг фан асослари бўйича (табиатшунослик, физика, кимё, математика, чизмачилик ва ҳақозолардан) онгли билимлардан бажариладиган объектларнинг (техникавий қурилма, модел, макет ва бошқаларнинг) тузилиши, ишлаш тамойили ва ҳақозоларда, тайёрлаш технологиясини асослашда фойдаланиш керак.

Меҳнат таълимида онглилик ва фаоллик. Мазкур тамойиллар меҳнат таълимининг дастурига кўра ўрганилаётган материални ўқувчилар онгли равишда, ижодий ўзлаштириладиган қилиб ташкил этилишини кўзда тутлади. Меҳнат таълимининг бундай бўлимига ўқувчилар дарс вақтида юксак даражада фаоллик кўрсатганларидагина эришиш мумкин.

Техник-технологик билимлар ва меҳнат кўникмаларини онгли равишда ўзлаштириш мазкур тушунчалар заминида ётган ички мураккаб боғланишни англаш, ўрганилаётган тушунча ва ўзлаштирилаётган меҳнат жараёнларининг энг асосий

муҳим жиҳатларини фарқлай билишда намоён бўлади. Меҳнат таълимига татбиқан айтганда бу ўқувчилар техник билимлар ва ўрганилаётган ишни, иш жараёнидаги ҳаракат усулларидан тортиб то меҳнат жараёнигача онгли равишда ўзлаштиришларида кейинчалик олинган билимларни, меҳнат ва ҳунар усулларини ўқиш даврининг ҳар бир босқичида такомиллаштириш, ўзлаштирилган билимлар ва бажарилаётган меҳнат топшириқларининг сифатини назорат қилиб бориш ва ҳақозоларда ифодаланади.

Меҳнат таълимининг англаган ёки тушунарли бўлиш ўқувчиларнинг ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажариш вақтида зарур бўлган илмий, техник, ташкилий-иқтисодий асосларни: станок, асбоб ускуна, мослама, материаллардан оқилона фойдаланиши; ишлаш режими ҳамда назорат усулини тўғри танлашни билиб олиш демакдир. Масалан, чўян ёки пўлатни қирқиш вақтида зубиланинг ўткирланиш бурчагини нега 60° дан кам олиш мумкин эмас? Углеродли пўлат киздириб сўнг, совитилганда унинг таркибида қандай жараёнлар рўй беради? Металларни қирқиш вақтида нима сабабдан болга дастасини унинг метал қисмига яқин жойидан зубилани чап қўл билан қаттиқ қисиб ушлаш тавсия этилмайди.

Нима сабабдан йўниш вақтида қирқиш тезлигини, чуқурлигини ва суришни тахминан ошириш мумкин эмас? Каби саволларга ўқувчиларнинг тўғри жавоб беришларига эришиш керак.

Меҳнат дарсларидаги ўқувчиларнинг юксак фаоллигига ҳар бир машғулотнинг мақсад ва вазифалари, шунингдек унинг мазмунини аниқ баён этиш, ўқувчиларга ижодий тарздаги меҳнат топшириқлари бериш, таълимнинг энг самарали методларидан фойдаланиш натижасида эришиш мумкин. Чунончи, меҳнат таълими дарсларида замонавий техника моделини ишлаш жараёнида ўқувчиларга моделнинг алоҳида узел ва деталларини, конструкциялаш ҳамда тайёрлаш. Модель билан узеллар ўртасида кинематик алокани таъминлаш ва ҳақозолар юзасидан ижодий тарздаги топшириқлар берилади. Бундай топшириқлар ўқувчиларда меҳнат таълими дарсига кизиқиш, мақсадга эришиш йўлида учрайдиган қийинчиликлар бартараф этишда фаоллик кўрсатиш истагини ўйғотади. Шундай қилиб меҳнат таълимида онглилик ва фаоллик тамойили ўқувчиларга мустақил ижодий фикрлашни атрофлича сингдиришни тақозо қилади.

Ўқитиш ўқувчиларнинг ташаббускорлиги ва мустақиллиги тарбияланадиган тарзда олиб борилиши керак. Бу хислатлар ўқув машгулотларидан кўзда тутилган мақсад ва вазифаларни оддий баён қилиб бериш, ўқув материалининг онгли ўзлаштирилиши назарий ва ишлаб чиқариш таълимнинг ўқув боғланишида бориш натижасида вужудга келади.

Маъмур принциплар меҳнат ва ҳунар таълимнинг дастурига кўра ўрганилаётган материалларни ўқувчилар онгли равишда ижодий ўзлаштириладиган қилиб ташкил этилишни кўзда тутати. Меҳнат ва касб таълимнинг бундай бўлишига ўқувчилар дарс вақтида юксак даражада фаоллик кўрсатганларидагина эришиш мумкин.

Меҳнат дарсларида ўқувчиларнинг юксак фаоллигига ҳар бир машгулотнинг мақсад ва вазифалари шунингдек унинг мазмунини аниқ баён этиш, ўқувчиларга ижодий тарздаги меҳнат топшириқлари бериш, таълимнинг энг самарали методларидан фойдаланиш натижасида эришиш мумкин. Чунончи меҳнат ва касб таълими дарсларида замонавий техника моделни ишлатиш жараёнида, ўқувчиларга моделнинг алоҳида узеллар ва деталларини конструкциялаш ҳамда тайёрлаш моделлар билан узеллар ўртасида кинематик алоқани таъминлаш ва ҳақозолар юзасидан ижодий тарздаги топшириқлар берилди. Бундай топшириқлар ўқувчиларда меҳнат таълими дарсига қизиқиши мақсадига эришиш йўлида учрайдиган қийинчиликларни бартараф этишда фаоллик кўрсатиш истагини уйғотади.

Шундай қилиб, меҳнат ва ҳунар таълимида онглилик ва фаоллик принципи ўқувчиларга мустақил ижодий фикрлаш атрофлича синдиришни тақозо қилади.

Меҳнат таълимнинг изчиллиги ва пухталиги. Меҳнат таълимнинг ўқув устахоналарида машгулотларни шундай ташкил қилишни кўзда тутадик, бунда ўқувчилар техник технологик билимларни, меҳнат кўникмалари ва малакалари системасини изчил равишда эгаллаб оладилар, айни чоғда уларни амалий топшириқларни бажариш вақтида қўлланишни ўргатадилар. Техник билимлар, меҳнат кўникмалари ва малакалари системаси пухта ўзлаштирилиши натижасидагина қўнлган самарага эришиш мумкин.

Меҳнат педагогикада буюк педагоглар таъкидлаганидек, фақат мунтазамлик, албатта предметнинг ўз моҳиятидан келиб чиқадиган оқилона мунтазамлик бизга ўз билимларимиз устида тўла ҳукмрон бўлиш имконини беради. Бу фикр ҳар қандай

предметни, шу жумладан меҳнат таълимини ўрганишда ҳам муаян изчилликка ва аниқ системага риоя қилиш жуда муҳимлигини тасдиқлайди.

Дастурдаги материални мунтазам баён қилиш унинг бўлимлари ва мавзуларини муайян изчилликда ўрганиш янги материални ўтилган дарслар билан боғлаш, асосий қондаларни алоҳида таъкидлаш, ўқувчиларни фактларни таҳлил қилиш ва ўзлаштирилган билимларни ўзлаштиришга ўргатиш демакдир. Масалан, кескич бурчақларига боғланганлигини ўрганиш ўқувчилар учун унча қийин бўлмайди. Чунки улар кесиш вақтида қиринди. Ҳосил бўлиш жараёни билан зубило, искана, дастарра тасмаси, тунука қайчи ва ҳақозо асбобларнинг геолометрияси билан аввал ўтилганларни ўзлаштириб олганларидан кейингина янги материални ўзлаштиришга ўтишни назардс тутати. Шу сабабли, янги мавзуга ўтишда меҳнат таълим ўқитувчиси ўқувчиларнинг аввал ўтилган материалнинг илмий-техник асослари ўзлаштириш даражасини аниқлаб олиш керак. Чунки ўз вақтида билимларни ўзлаштиришни қийинлаштирати. Ўзлаштиришнинг пухталиги кўп жиҳатдан баён этишнинг аниқ ва тушунарли бўлишга меҳнат усулларининг тўғри кўрсатилишга ўқувчилар йўл қўйган ҳатоларни ўз вақтида ҳолисона боҳолашга боғлиқдир.

Ўқувчилар меҳнатга доир техник маълумотларни эсдан чиқариб қўймасликлари учун ўқитувчи ўтилган материалларни мунтазам равишда сўраб туриш керак. Ўқувчилар техник билимларни ва янги меҳнат усулларини зарур даражада пухта ўзлаштиришлари учун ўқитувчи янги материални ўрганиш давомида ўтилган мавзунини мустаҳкамлаб бориш лозим. Дарсининг ана шу томони ўқитувчига ўқувчиларнинг мазкур мавзунини ўзлаштириш даражасини аниқлаш имконини беради.

Ўқувчилар ишлов бериш жараёнларини бажарган вақтда меҳнат усулларининг пухталиги ўқув-ишлаб чиқариш ишларининг тўғри танланишига боғлиқ, яъни танланган иш давомида аввал ўзлаштирилган меҳнат усуллари ва жараёнлари зарур ҳажмда такрорланиши шарт. Шуниси ҳам борки, бундай такрорланиш ўқувчиларда фақат ҳаракатга келтирувчи ишнингана эмас, балки техник фикрлаш ва ишда мустақилликни мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш, кеигайтириш ва ривожлантиришни ҳам ўз ичига олади.

Илмийлик ва системалилик. Ҳозирги замон фанида узул-кесил аниқланган қондаларини ўзлаштириш. Фақат айна фан ва техникада қабул қилинган

терминлардан фойдаланиш. Фан ва техника соҳасида ватанимизда ва чет элларда эришилган энг янги муваффақиятларни ўрганиш.

Ўқувчиларга меҳнат ва касб таълими бериш ҳамда тарбиялаш уларнинг меҳнатга оид турли техник маълумотлар асосларини ўзлаштиришларидан бошланади. Бу маълумотлар ўқувчиларга меҳнат ва касб таълими дарсининг бошланишидаги кириш инструктажларидан ҳамда жорий инструктажлар вақтида тушунтирилади. Ўқувчилар олган билимлари асосида меҳнат ва касб кўникмалари малакаларини муваффақият билан эгаллайди, амалий топшириқларни муҳим қоидаларидан бири, назария билан амалиётнинг алоқаси амалга оширилади. Меҳнат ва ҳунар дарсларида, ўқувчиларга тушунтириладиган техник маълумотлар уларнинг муваффақият билан амалий кўникма ҳосил қилишга, иккинчи томондан эгалланган амалий тажриба дастуридаги навбатдаги мавзунинг техник маълумотларини яхши ўзлаштириб олишларига ёрдам берилди.

Меҳнат таълимининг кўргазмалилиги ва абстрактлиги. Мазкур тамойиллар меҳнатга доир ўқув материални ўқувчилар ўрганилаётган ҳодиса ва предмети жонли идрок этиш асосида ўзлаштиришлари билан бир қаторда, уларда абстракт тафаккурни шакллантиришни ҳам кўзда тутади. К.Д. Ушинский кўргазмали таълимни таърифлаб у мавжуд тасаввур ва сўзлар таълими, деб кўрсатган эди.

Меҳнат таълими дарсларида кўргазмали воситалар сифатида ишлаб чиқариш корхоналарига экскурсиялар уюштириш меҳнат усулларни плакатлар, схемалар, жадваллар, намуна буюмларни кўрсатиш, ўқув кинофильмлар, диафильмлар, информатика, ЭХМ ва ҳақозоларни намойиш қилишни кўрсатиш, меҳнат таълимида кўргазмали воситалардан тўғри фойдаланиш ўқувчиларнинг техник билимларини пухта ўзлаштириб олишларига, уларда меҳнат кўникмалари ва малакаларининг ҳосил бўлишига ёрдам беради.

Кўргазмалилик тушунчаси фақат ўз кўзи билан кўриш мумкин бўлган воситаларнигина эмас балки эшитиш, сезиш ва идрок этишнинг бошқа турларини ҳам ўз ичига олади. Кўргазмалилик ўқувчиларнинг ўрганилаётган ўқув материалга қизиқишни оширади, ана шу объектга эътиборни жалб қилади, қузатувчанлик ва фаол идрок этиш сифатларини ривожлантиради. Масалан, ўқувчиларга меҳнат усуллари ва жараёнларини тушунтириш вақтида меҳнат таълими ўқитувчиси муайян меҳнат усулларини кўрсатишда рангли плакатлардан фойдаланибгина қолмасдан, балки иш

ҳаракатлари ва жараёнларини бажариши ўзи намоиш қилиб кўрсатади. Бунда у ўқувчиларнинг эътиборини иш жойида гавдани қандай тутиш ва асбобларни қандай ушлаш кераклиги, ҳаракатларни бир мақсадга қаратиш кабиларга жалб қилади.

Бироқ меҳнат таълими дарсларида кўргазмали воситалардан фойдаланишга катта аҳамият бериб, унга ҳаддан ташқари ўрин ажратиш фойда ўрнига зарар келтиришини ҳам унутмаслик керак. Шу сабабли кўргазмали воситалардан фойдаланганда бир қатор методик талабларга риоя қилиш зарур.

1. Кўргазмали қуроллар дарсадаги ўқув материали мазмунига мос келиш керак.

2. Дарсдан фойдаланиладиган барча кўргазмали қуролларни бирданига осиб, кўрсатиб қўйиш ярамайди. Чунки, бу ўқувчилар диққат эътиборининг чалғишига олиб келиши мумкин.

3. Дарсни кўргазмали қуроллар билан ҳаддан ташқари тўлдириб юбормаслик керак.

4. Кўргазмали қуролни кўрсатиш вақтида меҳнат ўқитувчиси ўқувчиларнинг бу қуролни идрок этиш жараёнини бошқариб бориш лозим.

Бироқ ўқувчиларнинг кўргазмали қуроллар ёрдамида сезиб, идрок этиш билишининг бошланғич босқичидир, холос. Билиш жараёнининг навбатдаги босқичи абстракт тафаккурдир. Бу меҳнат таълими дарсларида ўқувчининг янги иш жараёнининг тушунтириш ва меҳнат усулларини кўрсатиш ўқувчиларнинг фаол юриштиши билан олиб борилишида намоён бўлади.

Гарчи ўқувчиларнинг меҳнатга доир ўқув материални ўрганишда аниқ идрок этиш устунлик қилса ҳам, ҳар хил ёшдаги абстракт тафаккур элементларини ҳам тарбиялашни унутмаслик керак. Бунда махсус ишлаб чиқилган конструкторлик технологик тарздаги топшириқ ўқувчилардан ҳисоб китоблар қилиш, деталлар эскизларини, уларни тайёрлашнинг технологик жараёнларини тузишнинггина эмас, балки конструкторлик ечимларни амалга оширишни ҳам талаб қилади.

Шундай қилиб меҳнат таълимида аниқ идрок этиш билан абстракт тафаккур ўзаро боғланишда таъсир кўрсатади.

Меҳнат таълимининг тушунарли бўлиши. Юқорида тилга олинган тамойиллар унумли меҳнат асосида ва унумли меҳнат жараёнида меҳнат таълимини беришни яъни ўқув устахоналарида ижтимоий фойдали меҳнатлар тайёрлашни

кўзда тутади. Бирок унумли меҳнат ва унинг объектлари ўқувчилар учун тушунарли бўлиши бажариладиган ишлар уларнинг қўлидан келадиган бўлиши керак.

Меҳнат таълими ҳамда унумли меҳнатнинг бир бутунлиги таълимнинг тарбиявий хусусиятга эга эканлигидан иборат дидактик тамойиллар келиб чиқади. Зеро, унумли меҳнат ўқувчиларнинг техник билимларини ўзлаштириш ҳамда уларнинг ҳар томонлама риволанишига яхши таъсир кўрсатади. Бу ўринда қуйидаги сўзларни эслатиб ўтиш ўринлидир: ёш авлодни ўқитиш билан баравар унумли меҳнатсиз келгуси жамиятнинг олий максadini тасаввур қилиб бўлмайди, чунки унумли меҳнатсиз ўқитиш ва билим олмасдан туриб унумли меҳнат килиш ҳам техника ва фаннинг ҳозирги даражаси талаб қилган юксакликка қўйила олмаган бўлар эди.

Меҳнат таълими ўқувчиларнинг моддий бойликлар яратиш катнашнш учун шарт-шароит тугдиради. Чунончи, кўпгина мактабларда ва коллежларда ўқув устахоналари орқали корхоналар, оталикка олинган болаларга боғчаларга ўйинчоқлар ва асбоблар тайёрлашда ёрдам кўрсатишмоқдалар, таълим тарбия мақсадларида ва хўжалик эҳтиёжлари учун зарур бўлган турли ашёларни тайёрлашмоқдалар. Шу билан бирга, меҳнат таълими дарслари ўқувчиларга унумли ижодий меҳнатнинг яратувчанлик родини чуқурроқ тушуниш ва хис этишларига ёрдам беради.

Бирок, ўқувчиларнинг унумли меҳнати меҳнат таълими ҳамда тарбиясининг асоси сифатида таълим тарбия вазифаларига бўйсундирилиши лозимлигини унутмаслик шарт. Бинобарин ўқувчилар томонидан тайёрланадиган меҳнат объектлари меҳнат таълими дастури талабларига тўла жавоб бериши керак. Уларни тайёрлаш эса ўқувчиларнинг қўлидан келадиган бўлиши яъни уларнинг ёки ривожланиш даражасига, жисмоний куч ва билим имкониятларига тушунарли бўлишини осонлик деб тушунмаслик керак. Осон ўқув материални ўқувчилар қийналмасдан ўзлаштирадидлар, бу эса уларнинг ақлий фаоллиги ва ижодий мустақиллигининг ривожланишига унчалик ёрдам бермайди. ТТҲ аста мураккаблашиб борадиган ўқув меҳнат топшириқларини бериш зарур. Масалан, металлни қирқишда меҳнат усулларини эгаллаш билан боғлиқ қийинчиликлар машқлар туфайли йўқолиб боради, ҳосил бўлган меҳнат кўникмалари эса ўқувчиларга тискида қирқиш, эгиш ва парчинлаш каби яна ҳам мураккаброқ жараёнларни муваффақият билан ўзлаштиришга ёрдам беради.

Меҳнат таълимининг тушунарли бўлиш тамойил талабларини ҳисобга олиб бажариш ўқувчиларнинг қўлидан келадиган ишга мос вақт нормаси белгилаш жуда муҳимдир.

Меҳнат таълимининг тушунарли бўлиши фойдаланаётган таълим методларига, кўргазмаларга, воситаларга, дарснинг материал билан қандай таъминланганлигига, ўқитувчининг дарсга қандай тайёрланганлигига ва ҳақозоларга ҳам бўлган талабалар олий ўқув юртидаги таълим жараёнида буларни яхши билиб олишлари керак.

Мустаҳкам ва пухта ўзлаштириш. Бундай ўқувчилар фақатгина ўтирилаётган дарсни ўзлаштириб қолмай, олдинги ўтилган дарслар юзасидан малака ва кўникмаларни тамойиллаштирадидлар, керак бўлиб қолганда эса эга тушириб амалиёт мобайнида қўллайдилар. Онгли ва пухта билимни ўзлаштириш мақсадида ўтилган материални тизимли равишда такрорлаб бориш янги материалларни мустаҳкамлаш чораларини кўриш зарурлигини назарда тутди. Бунга эса тушунарли баён этиш, машқлар ўтказиш, илгари ўтилганларни ўз ўрнида такрорлаш, ўқув материални оҳисталик билан мураккаблаштира бориш, ўқитувчиларининг билимларини, ҳисобга олиб бориш йўли билан эришилади. Ўқувчилар меҳнатга доир техник маълумотларни эсдан чиқариб қуймасликлари учун ўқитувчи ўтилган материалларни мунтазам равишда сўраб туриш керак. Ўқувчилар техник билимларини зарур даражада пухта ўзлаштириш учун ўқитувчи янги материални ўргатиш давомида ўтилган мавзуни мустаҳкамлаб бориш лозим. Дарснинг ана шу томони ўқитувчига ўқувчиларнинг мазкур мавзуни ўзлаштириш даражасини аниқлаш имконини беради.

Ўқувчилар ишлов бериш жараёнини бажарган вақтида меҳнат усулларининг лухталигига ўқув ишлаб чиқариш ишларининг сўнги танланишига боғлиқ, яъний танланган иш давомида аввал ўзлаштирилган меҳнат усуллари ва жараёнлари зарур ҳажмда такрорланиши шарт. Шуниси ҳам борки, бундай такрорланиш ўқувчиларда фақат ҳаракатга келтирувчи ишнинггина эмас балки техник фикрлаш ва ишда мустақилликни мустаҳкамлаш чуқурлаштириш кенгайтириш ва ривожлантиришни ҳам ўз ичига олади.

Изчиллик. Бу тамойил ишлаб чиқариш таълимининг программа кўрсатилган системада ташкил этиш шунингдек ўқитишни янги билимлар, ўқув малакаларнинг қўлга киритиш, илгари ўтилган материал асосида амалга ошириладиган тарзда ташкил этиш. Ўқув жараёнининг амалга оширишда ана шу тамойилга амал қилинади.

Дастурдаги материални мунтазам баён қилиш унинг бўлим ва мавзуларини муайян изчилликда ўрганиш, янги материални ўтилган дарслар билан боғлаш, асосий қоидаларни алоҳида таъкидлаш, ўқувчиларни фактларни таҳлил қилиш ва ўзлаштирилган билимларни ўзлаштиришга ўргатиш демакдир. Масалан, кескин геометриясини ва кесиш жараёнининг кескич бурчакларига боғлиқлигини ўрганиш ўқувчилар учун унча қийин бўлмайди. Чунки улар кесиш вақтида қиринди ҳосил бўлиш жараёни билан, зубило, искана, дастарра тасмаси, туника қайчи ва ҳақозо асбобларнинг геометрияси билан аввал танишганлар.

Уларнинг меҳнатга оид турли техник маълумотлар асосларини ўзлаштиришларидан бошланади. Бу маълумотлар ўқувчиларга меҳнат таълими дарсининг бошланишидаги кириш инструктажларида ҳамда жорий инструктажлар вақтида тушунтирилади, ўқувчилар олган билимлари асосида меҳнат кўникмалари, малакаларини муваффақият билан эгаллайдилар амалий топшириқларни бажарадилар.

Бу билан билиш назариясининг муҳим қоидаларидан бири назария билан амалиётнинг алоқаси амалга оширилади.

Меҳнат дарсларида ўқувчиларга тушунтириладиган техник маълумотлар уларнинг муваффақият, иккинчи томондан эса эгалланган амалий тажриба дастурлаги навбатдаги техник маълумотларини яхши ўзлаштириб олишларига ёрдам беради.

Ёш ва индивидуал хусусиятларни ҳисобга олиш. Ўқитишнинг мазмуни таълим методларига мос келиши, шунингдек ўқувчиларнинг ақлий, жисмоний ва ёш хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Бу талаблар ўқув материалларини қисмларга тўғри тақсимлаш (бажаришга куч етарли бўлиши, енгилдан оғирроққа ўтишини таъминлаш, ўқитишнинг турли усулларидан фойдаланиш вақтининг) объектив нормаларини белгилаш, ўқувчиларнинг муваффақиятли ўқишининг таъминлаш мақсадида индивидуал хусусиятларининг ҳамда қизиқишларини ўрганиш йўли билан эришилади.

Ўқувчиларнинг ёш индивидуал хусусиятларни ўрганиб амалий иш жараёнида ўқувчиларнинг улгайишларига ёрдам беради, (ёмон томонларини йўқотишга ҳаракат қилади яхши томонларини тарбиялайди). ТТТу объект танлашда ҳам бу хусусиятлар ҳисобга олинган бўлиши керак.

Унутили меҳнат асосида ўқитиш. Дидактиканинг бу тамойили ўқувчиларга устахоналарида ижтимоий-фойдали маҳсулотлар тайёрлашни кўзда тутди. Бирок

унумли меҳнат ва унинг объектлари ўқувчилар учун тушунарли бўлиш бажариладиган ишлар уларнинг қўлидан келадиган бўлиш керак. Меҳнат ва касб таълими ҳамда унумли меҳнатнинг бир бутунлиги таълимнинг тарбиявий хусусиятига эга эканлигидан иборат дидактик тамойилдан келиб чиқади. Зеро унумли меҳнат ўқувчиларнинг техник билимларини ўзлаштириш, ҳамда уларнинг ҳар томонлама ривожланишга яхши таъсир кўрсатади.

Бинобарин меҳнат ва касб таълими дастури талабларига тўла жавоб бериш керак, уларни тайёрлаш эса ўқувчиларнинг қўлидан келадиган бўлиши, яъни уларнинг ривожланиш даражасига жисмоний кучи ва билим имкониятларига келиши зарур.

Талабалар мустақил ишининг мазмуни.

I. Дидактикага оид.

1) ўқитишнинг қўлланиладиган дидактика ва бошқа воситаларини ўрганиш уларнинг мазмунини идрок қилиш;

2) меҳнатга тайёрлаш дарсларида ўқитишнинг дидактик воситалари ва бошқа воситаларини қўллаш йўлларини қидириш;

3) техник уй-рўзгор ва кишлоқ хўжалик меҳнати ўқув дастурлари мавзуларидан ўқитишнинг аниқ дидактик воситаларини ишлаб чиқиш;

4) ўқитишнинг дидактик воситалари моҳияти ва вазифаларини аниқлаш ўқитиш дидактик воситаларининг таснифи. Ўқув жараёнини компьютерлаш шароитида дидактик воситаларнинг роли ва тутган ўрни; ўқитиш, ўқитишнинг дидактик воситалари хили ва турлари кўпайтиришда меҳнат таълими ўқитувчисининг роли; ўқитиш дидактик воситаларининг билиш политехник асослари ва улар имкониятларининг усиш; ўқитишнинг дидактик воситаларини танлаш мезони; ўқитишнинг дидактик воситаларидан фойдаланиш методлари; дастурлаштирилган ўқитишнинг моҳиятини ўрганиш мақсадида унинг бошқа воситалар тўғрисидаги маълумотлар ва ахборотлар бўлган маълумотномалар, рўйхатлар ва бошқалар адабётлар билан ишлаш. Меҳнатга оид дастурлаштирилган ўқув қўлланмаси. Меҳнатга оид ўқув материални дастурлаштириш элементлари сифатида ўқув топшириқ-карталари;

5) дастурлаштирилган ўқитиш чоғида меҳнат дарсларида техник воситаларни қўлланиш;

б) ўқитиладиган (ўргатадиган) машиналардан фойдаланиш. Матрица усулидаги машина ва қурилмалар, меҳнатга оид билимлар ва маҳоратини назорат қиладиган имтиҳон олувчилар: ўқув тренажёрлари (машқ қилишда қўлланиладиган аппаратлар) ва уларнинг сифатни оширишдаги роли; меҳнат усулларини ўзлаштириш; ўқитишнинг товуш ва ёруғлик техникаси воситалари.

II. Педагогикага оид.

1) меҳнат таълими дидактик принципларидан бирининг мазмунини очиб беришга оид реферат ёзиш. шу мақсадда меҳнат таълим методикаси юзасидан маълумотномалар, ўқув қўлламалари билан ишлаш.

2) меҳнат таълими ва тарбияси назарияси негизларини дидактик принципларини очиб бериш.

3) меҳнат таълимининг дидактик принциплари; меҳнат таълимида илмийлик, назариясининг тажриба билан алоқаси, меҳнат таълимининг оммабоплиги. таълимда мунтазамлик ва изчиллик амалий билимлар, қобият ва малакаларини ўзлаштиришнинг мустаққамалиги, меҳнат таълимида кўрғазмалилик, ўқувчиларнинг меҳнатга оид билимларини, иқтидор ва малакаларини ўзлаштиришнинг онглилиги ва фаоллиги, меҳнат таълимдаги политехник принцип, унумли меҳнат асосида ва жараёнда ўқитиш принциплари билан ўзаро боғлиқ равишда шу тамойиллар тизимнинг схемасини тузиш.

Талабалари лаборатория-амалий ишларнинг мазмуни.

1) Тушунчалар (билимлар, қобилият, ўқув, касб, ихтисос, малака, меҳнат ҳаракатлари, меҳнат усуллари, жараёнлари, технологик операциялар, умумтехника, умуммеҳнат, умумтехнологик, умумишлаб чиқариш билимлари, маҳорати малакаларини идрок қилиш мақсадида маълумотномалар билан ишлаш).

2) Меҳнат таълими дастурда акс эттирилган белгилаш (аниклаш), ўзаро алоқадорлик, ўзаро боғлиқлик, давомийлик ва бошқа янги тушунчалар, техник, қишлоқ хўжалик ва уй рўзғор меҳнати ўқув дастурларини мазмуни ва таркибий тузилиши жиҳатдан таҳлил ва синтез қилиш.

3) Асосий ўқув билиш тушунчалари билим. Меҳнат қобияти, кўникма, касб ихтисос, малакани аниклаш.

4) Мехнат жараёни тузилишини ккки муҳим жиҳатга: технологик жараёнларга ва уларнинг таркибини қисмларга бўлиш мехнат жараёнинг мазмуни ва унинг элементлар (мехнат операцияси, мехнат усули, мехнат ҳаракати ва ҳақозо).

5) Хусусий ва умумлаштирилган мехнат қобилияти ҳамда малакалари, уларни ҳосил қилиш шароитлари.

6) Мехнатнинг фақат бир турида (металлага ишлов беришда) мавжуд бўлмаган мехнат усулларининг умумийлиги принципи асосида мехнат операцияларини гуруҳларга ажратади.

7) Мехнатга доир мактаб дастурлари тузиши хусусиятларини белгилаш ва улардан фойдаланиш қоидалари.

8) Дастур мазмунлари таркиб топиш тузилишини – техникавий маълумотлар (материаллар, асбоблар, мосламалар, ускуналар, қисмлар, механизмлар, ички ёниш двигатели тўғрисидаги назарий маълумотлар)ни. Электротехника маълумотлари технологик операциялар ва мехнат усуллари тўғрисидаги техник чизмачилик элементлари ва технологик ҳужжатлар ҳақида маълумот берадиган ўқув фанлар (физика, кимё, математика, чизмачилик ва шу қабилар) билан боғланиш. Мехнат таълимига оид у ёки бу дастурни ўрганиш чоғида ўқувчиларга маълумотларни билдириш зарурлигини ўрганиш.

9) Мехнатнинг намунавий объектларининг дастур талабларини қондирадиган, ижтимоий фойдали хусусиятга эга бўлган, тегишли синф ўқувчиларни тайёрлай оладиган буюмлар, нарсалар рўйхатини ўрганиш. Амалий ишлар қисмлар ва буюмларни конструкциялаш ва тайёрлаш, ишда йиғиш, пардозлаш, синаб кўриш, барча асосий мехнат операциялари бўйича тўғри мехнат усулларини ишлаб чиқиш. Ўқув устахоналарида хавфсизлик техникаси мехнат дарсларида ўқувчилар амалий ишларининг политехник йўналиш ва ижтимоий фойдали хусусияти.

10) Қуйи ва ўрта синфларда мехнат таълими мазмунидаги ўзаро алоқа техник, уй рўзгор ва қишлоқ хўжалик мехнати дастури асосий бўлимларидаги давомийликни: умуммехнат, умумтехник, умумтехнологик ва умум ишлаб чиқариш билимлари. Қобилияти ва малакалар даражасига нисбатан дастурий талабларнинг қуйи ва ўрта синфларда мехнат таълимининг тарбиявий, умумий таълим ва анологит аҳамият ўзаро боғлиқ бўлишни, мехнат таълими дарсларида касб танлашга йўллаш иш

хусусиятларини қўйи ва ўрта синфларда меҳнат таълимнинг моҳияти ва гуруҳларини аниқлаш.

V БОБ. 5-7 СИНФЛАРДА МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ

5.1. Дастур мазмуни ва унинг йўналишлари

Мактаб ўқувчиларини меҳнат қилишга ўргатиш ва бу жараёнида уларни аниқ касб танлашга йўналтириш учун умумий ўрта таълим мактаб ўқув режасида ҳар бир 5-6-7- синфларга ҳафтасига икки соатдан вақт ажратилган. Шунга таянган ДТС ва дастурларда меҳнат таълимнинг концептуал асослари, мазмуни акс топган.

Ўтмишда ҳар бир давр талабларига биноан меҳнат таълимнинг 5-7 синфларида ўқувчилар турли меҳнат асослари билан таништирилган: ўғил болалар кўпинча метал, ёғоч ва бошқа материаллар билан ишлашни, қиз болалар асосан уй-рўзгор ишларини бажаришга йўналтирилганлар. Айрим даврларда қайд этилган меҳнат турлари билан бирга ўғил ва қиз болалар машинасозлик туркумида машина ва механизмларини тузилиши, ишлаш ва қўллаш тамойилларини ўрганардилар. Қишлоқ мактабларида кўпинча ўғил болалар техникавий меҳнат билан бирга далада бажарадиган ишларни ўрганар эдилар. Қизлар бўлса, дала ишлари ва маиший хизмат меҳнати билан банд бўлар эдилар. Айрим ҳолатларда ўғил ва қизлар чорвачилик меҳнатини ўрганар эдилар. Қишлоқ меҳнати билан асосан ботаника, зоология ва биология фанлари узвий боғланиб ўзлаштирилар эди. Шуларни инobatга олинган ҳолатларда турли давр имкониятига кўра 5-7- синфларга меҳнат таълимига ажратилган вақт ҳафтада 1,2 ва 3 соатгача етган. Ҳозир 5-7 синфларда меҳнат таълимига ажратилган ҳафталик вақти 2 соатдан ташкил топган. Ундаги меҳнат таълимнинг концептуал асослари, ДТС, янги ўқув режалари, дастурлари ва бошқа педагогик, методик тавсияномалар хизмат қилади. Юқорида акс топган II ва IV бобларида ДТС ва бошқа айрим меҳнат таълим масалалари ҳозирги давр талабларига биноан ёритилган. Мазкур бобда ДТС ва меҳнат таълими дастурида бойитадиган ва чуқурлаштирилган материалларга эътиборни кучайтирилади. Алоҳида таъкидлаш зарурки, меҳнат таълими дастурида жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида ёшларга меҳнат таълимни бериш ва уларни заминда тарбиялаш қўйилган мақсад ва вазифалар аниқ ўз ифодасини топган.

Меҳнат таълими дастури ўқув режа асосида ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Ҳалқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланди. Меҳнат таълими ўқитувчиси ўзининг

қундалиқ фаолиятида бу дастурга амал қилади ва унинг бажарилиши мажбурий ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, ўқитувчи ўқув дастурига маҳаллий шароитни ҳисобга олиб маълум ўзгаришлар киритилиши мумкин. Аммо киритилган ўзгаришлар мактаб метод бирлашмасида ёки туман (шаҳар) методик бирлашмаларида муҳокама этилиши лозимдир.

Меҳнат таълими дастурини ишлаб чиқиш вақтида бир қанча талаблар ҳисобга олинishi лозим. Дастурнинг мазмуни дидактик томонийларга тўла тўқис жавоб бериши, яъни илмий ва методик жиҳатдан пухта бўлиш; мураккабликнинг ўсиб бориши ҳисобга олинган ҳолда ва меҳнат таълимининг танланган дидактик тизимига мувофиқ равишда муайян изчиллида баён қилиниши; турмуш, ишлаб чиқариш тажрибаси билан боғланган бўлиши; политехника тавсилотига эга бўлиши, меҳнат объектларининг тавсия қилинадиган рўйхати эса ижтимоий ишлаб чиқариш қимматига эга бўлиши; табиий илмий циклдаги умумий таълим фанлари: физика, математика, кимё, чизмачилик, биология ва ҳокозолар билан узвий боғланишни амалга оширишни амалга ошириши; синфдан-синфга ўтиш вақтида ўқув материалларининг изчиллигини ва узийлигини таъминлаш лозим.

Меҳнат таълим бўйича ДТС да умумий ўрта таълим мактабларида меҳнат таълимида ва касб танлашда йўналтиришнинг таянч мазмуни ҳамда мактабни битирган ўқувчиларнинг меҳнат таълими фанидан тайёргарлик даражасини меъёрлари ифодаланади.

Ушбу стандарт умумий ўрта таълим мактаблари учун меҳнат таълими фанидан ўқув методик қўлланма, дарслик ва бошқа расмий меърий материалларни ишлаб чиқиш ва унинг негизида ўқув тарбия жараёнини ташкил этиш ҳамда илмий тадқиқотлар олиб бориш учун зарур бўлган меърий ҳужжатдир. Шундан асос олган меҳнат таълимининг мақсад ва вазифалари меҳнат таълими ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчилар томонидан бажариладиган ақлий ва жисмоний жараёнидан иборат бўлиб, якуний натижада уларнинг меҳнат қуроллари, воситалари ва жараёнлари ҳақидаги билимларни ҳамда маълум соҳадаги ишлаб чиқариш меҳнатини бажариш учун зарур амалий кўникма ва малакаларини эгаллашларига, онгли равишда касб танлашга ҳамда жамият ва шахс фаровонлиги йўлида меҳнат фаолиятига қўшилишларига имкон берувчи шахсий сифатларини ва тафаккурларини ривожлантиришга қаратилган ўқув фанидир.

Мехнат таълимининг мақсади Ўқувчиларда умуммехнат кўникма ва малакаларини шакллантириш, уларнинг кизиқишлари, қобилиятлари, касбий мойилликка кўра касб хунар турларини танлашга асос буладиган ҳислатларини, умуммехнат маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш, халқ хўжалигининг турли соҳалари, уларда ишлатиладиган техника ва технология тўғрисида билимлар бериш, меҳнат фаолиятинг турли соҳалар билан амалий меҳнат орқали яқинроқ танишишга имкон яратиш. Уларни ҳаридорғир маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияларига ўргатишда иборатдир.

Бу борада меҳнат таълимининг йўналишлари мактаб атрофидаги: ишлаб чиқариш корхоналар, ҳудудий бизнес тармоқлари ҳамда касб-хунар коллежларида ўргатилаётган касблар асос бўла олади. Аммо мисол тариқасида меҳнат таълими йўналишлари қуйидагича белгиланади: ёғочга ишлов бериш; металлга ишлов бериш; газламага ишлов бериш, пазандачилик, кишлоқ хўжалик асослари келтирилган. Шундай булиши мумкинки уларнинг биттаси ҳам мактаб шароитига тўғри келмаслиги мумкин. Шунда меҳнат таълими йўналиши учун мактаб мамурияти ўз ҳудудига хос бошқа соҳа йўналиши бўйича ўқувчиларни меҳнатга ва касб танлашга асос қилиб танлашлари мумкин. Унда, меҳнат таълимининг дастуридла ўқув материаллар танланган йўналишига хос ишлаб чиқилган. Унинг маъноси шуки ўқувчиларга билиш лозим бўлган техник-технологик операциялар танланган меҳнат таълими йўналишига мойил келиши керак. Шунда ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган конструктор-технологик операциялар дидактик жиҳатдан бошқа меҳнат таълими йўналишларига қўйилган талабларга жавоб бера олади. Масалани шундай қўйилиши, меҳнат таълими йўналиши қайси соҳада бўлмасин, унда ўқувчиларда конструкторлик кўникмаларининг ривожланиши билан боғлиқ бўлган меҳнат операцияларини, мазуларини ўрганиш, электротехника ишларининг технологик жиҳатдан режалаштириш ва ҳоказоларнинг бажарилиши кетма-кет тартибда жойлаштирилади, яъни ҳар бир кейинги мавзу олдинги мавзунинг давоми бўлади. Бироқ шу билан бир қаторда, илгари ўзлаштирилган материал (операция мавзулар) яна мураккаб тарзда, анча юқори даражада кенгайтирилган, чуқурлаштирилган ва узвийлик ҳолда такрорланади, тузулишининг маълум ҳолда бўлишига ҳам сабаб ана шу.

Меҳнат таълими дастурининг таркибига тушунтириш хати ҳам киради; бу хатда мактаб ўқувчиларига меҳнат таълим бериш ва уларни тарбиялашнинг мақсад ҳамда очиб берилади; умумтехникавий билимларга, меҳнат кўникма ва малакаларига оид талаблар баён қилинади; дастурдан фойдаланишга оид қисқача методик йўл-йўриқлар ва анча қийин мавзуларни ўтишга оид амалий тавсиялар бериб борилади.

5.2. 5-7 синфларда умумий меҳнат тайёргарлиги

Мазкур параграфда, талабалар меҳнат таълимининг 5-7 синфларида: умумий таълифи, умумий техника, умумий технология, умумий политехника, умумий касб танлаш ва меҳнат таълимига хос бошқа умумий хусусиятларини ҳамда уларни ўзлаштирадиган умумий методикаларини ўрганишлари лозим.

Шу билан бирга, талабалар, меҳнат таълими методикасида- мактаб ўқув режасидаги меҳнат таълимига оид қўлланиладиган: материалларни, асбоб-ускуналарни, станокларни, ўқув устахоналарини ҳамда улар асосларида ўқувчилар бажарадиган ишларни, тайёрланадиган маҳсулотларни, шунингдек меҳнат таълими ўқитувчиларининг қўллайдиган усул ва методларини мукамал ўзлаштиришлари шарт.

Мазкур мавзу доирасида талабалар диққат ва фаолиятида меҳнат таълими методиканинг ҳар бир мавзуларининг ҳажми ва уларнинг ўрганиш изчиллиги, машгулотларнинг таркиби ва уларга ажратилган вақт мобайнида ўзлаштирилиши лозим.

Бу борада меҳнат таълимига хос тайёргарликка алоҳида эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқдир. Чунки мактаб шароитида меҳнат таълимига тайёргарлик-корхона, ўқув ишлаб чиқариш марказ ёки КХК устахоналарида ўтказиладиган машгулотлар ташкилий томонлари билан фарқ қилади. Агар мактаб устахонасида ўтказилган ўқув машгулотлари учун қулайлик мавжуд бўлса, корхонада ишлаб чиқариш шароитига мослашиши, КХК ўқув базасида ўтказиладиган машгулотлар икки таълим тизимлари (меҳнат ва касб таълими) учун методик жиҳатдан узвийликни гуруҳлайди ва кенгайтиришга замин яратади.

Бу имкониятлар, амалий меҳнат таълими методикасида: мавзуларнинг ҳажми ва уларни ўрганиш изчиллиги; ҳар бир мавзунинг ўрганишда ажратилган вақт, ўқитиш муддатларига ўзгаришлар киритилиши; дарс режалари таркибини модуллар тизимига яқинлаштириш ва бошқа методик шароитлар тугдиради.

Булар меҳнат таълими методикасини режалаштириш негизи бўлиб хизмат қилади. Ниҳоят меҳнат таълимига тайёргарлик меҳнат йўналиши ва турларининг номи, улардан ҳар бири бўйича билимларнинг ва меҳнат кўникмаларнинг мазмуни ва ҳажми, меҳнат объектларининг тахминий рўйхати, мавзуларни ва меҳнат операцияларни ўрганиш изчиллиги кўрсатилади. Маҳаллий шарт-шароитларни ва мактаблар эга бўлган имкониятларнинг (меҳнат таълимининг моддий базаси, мактабларни ўраб олган ишлаб чиқариш ва КХК лар муҳити) ҳар хил эканлигини ҳисобга олган ҳолда 5-7 синфларда меҳнат таълими дастурлари бир қанча вариантларда қўлласа бўлади:

- а) ёғочга ишлов бериш технологияси;
- б) металлга ишлов бериш технологияси;
- в) газламага ишлов бериш технологияси;
- г) пазандачилик ва унинг технологияси;

Уларнинг айримларини қисқача таърифи қуйидагича:

1. Ёғочга ишлов бериш технологиясида:

1. Материалшунослик.

1. Шакллантириладиган билим: Ёғочнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти, ёғочнинг тузилиши, ёғоч турлари, ёғочнинг ташқи кўринишлари ва ўзига хос белгилари, ёғочнинг хоссаларни, ёғочнинг ишлатилиш соҳалари. Дурадгорликда ишлатиладиган ёғочлар: терак, тоғ терак, шумтол, карагай, бук, дуб, нок, ёнгок, чинор ва бошқалар.

Амалий ишлар: маҳаллий ҳудудда ўсадиган дарахтлар ва улардан олинадиган ёғоч турларини ўрганиш. Ёғочларнинг сифати ва уларнинг нуксонларини аниқлаш.

Мустақил иш:

2. Асбоб-ускуна ва улардан фойдаланиш назарий ҳолатини ўзлаштиринг.

Шакллантириладиган билимлар: дурадгорлик, дастгоҳнинг тузилиши ва ундан фойдаланиш қоидалари. Ўлчаш ва режалаш асбоблари, чизгичлар, буклама метр, каламлар, ҳадқаш ва бошқалар. Арралар турлари. Дарахт, ёғоч, суяк, шох ва бошқа материалларни кесиш учун ишлатиладиган арралар. Электр арралар турлари. Пластинкали ва дискли арралар ҳамда уларнинг ишлатилиши. Исканалар турлари ва улардан фойдаланиш. Рандалар турлари ва уларни ишга тайёрлаш қоидалари. Асбобларни сақлаш қоидалари.

Амалий ишлар: асбоб-ускуна ва мосламаларни уларга тегишли техник-технологик кўрсаткичларга мувофиқ иш ҳолатига келтиринг.

Мустақил иш.

3. Станоклар ва улардан фойдаланиш назарияси ҳолатини ўзлаштириш.

Шакллантириладиган билимлар: Ёғочга ишлов бериладиган станоклар ва улар ҳақида тушунча. Машиналарнинг асосий қисмлари. Машиналарнинг асосий деталлари (валлар, ўқлар, дасталар, маҳкамлаш деталлари ва бошқалар) . Винтли механизм: унинг тузилиши ва вазифаси. Деталларнинг конструктив деталлари (тешик, фаска, ўйиқ ва бошқалар). Ёғочга ишлов бериладиган тохарлик станогли.

Амалий ишлар: машинасозлик элементларини, ёғочга ишлов бериш станокларининг тузилиши, бу станокларда куч ҳаракатининг узатилиши, станокни ишга тайёрлаш босқичларини ўрганинг.

Мустақил иш.

4. Маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияси юзасидан назарий ҳолатини ўзлаштириш.

Шакллантириладиган билимлар: Дурадгорлик буюмлари, деталларини бириктириш. Дурадгорлик бирикмалари тўғрисида техник маълумотлар. Дурадгорлик буюмлари деталларини слимлаб бириктириш. Деталларни оддий михлар, резбали бурама михлар (шуруп) ва бошқа воситалар билан бириктириш, фанера тайёрлаш. Буюмлар юзасига фансра ёпиштириш. Дурадгорлик буюмларининг сиртини пардозлаш ва деталларни конструкциялаш. Ёғочдан уй-рўзғор буюмлар тайёрлаш.

Техник маълумотлар: Ёғочга ишлов бериш учун меҳнатни ташкил этиш ва иш ўрнини жиҳозлаш. Асбоблардан унумли фойдаланиш. Ёнги хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари. Ёғоч тайёрлаш ва унга ишлов беришда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш.

Дурадгорлик дастгоҳидан фойдаланиш ва уни сақлаш қоидалари. Рақданнинг тузилиши ва вазифаси ҳамда ундан унумли фойдаланиш. Арранинг турлари ҳамда ундан тугри фойдланиш қоидалари.

Техника, ускуна ва асбобларни тўғри ва хавфсиз сақлаш. Ёғоч чиқиндиларидан фойдаланишнинг аҳамияти.

Материалларни тежамли сарфлаш. Ёғочни дастали парма билан пармалаш усуллари.

Ёғоч деталларини мих ва шуруп билан бириктириш изчиллиги. Сатхи катта ўйиқли эгов ва жилвир коғоз ёрдамида тозалаш. Буюмлар сифатини чизма бўйича текшириш (чизгич ва дурадгорлик гунияси ёрдамида) усуллари.

Умумтаълим фанлари билан уйғулаштириш. Математика 5-синф (кесма узунлиги, кесма узунлигини белгилаш. Параллел тўғри чизиклар ва тўғри бурчакни яшаш). Табиатуноснолик 3-синф (Ўрмон ўсимликлари. Инсоннинг табиатдан фойдаланиши ва уни муҳофаза қилиш).

Чизмачик. Турли шаклдаги деталларининг техник расми, эскизи ва чизмаси ҳақида тушунча. Ўлчамлар қўйиш. Детал чизмасини ўқиш қоидалари.

Амалий ишлар: Тайёрланадиган 1-2 элементи бўлган призма шак-лидаги деталнинг техник расмига қараб эскизни тузиш. Заготовкани танлаш. Режалаш ва тайёрлаш.

Техник маълумотлар: Ёғочдан буюмларни йиғиш учун зарур ускуналар ва иш ташкил этиш, ёнгин хавфсизлиги қоидалари ва меҳнатни муҳофаза қилиш. Дурадгорлик ва ёғочга ишлов бериш билан боғлиқ бўлган бошқа оммавий ишчи касблари меҳнатининг мазмуни.

Мустақил иш.

5. Халқ хунармандчилиги технологиясини назария ҳолатини ўзлаштиришда

Шакллантириладиган билимлар: Ёғочга ишлов бериш соҳасидаги халқ хунармандчилиги касблари (уймакор, бешикчи, кирмачи, сандиқчи ва бошқалар). Ёғочга ишлов берувчи халқ хунармандларининг ҳозирги пайтдаги тутган ўрни ва мавқелари. Уларнинг замонавий ишлаб чиқаришдаги касблар билан ҳамкорлиги. Ёғочга ишлов бериш соҳасидаги камида учта узвий боғланган касблар технологиясини ўргатиш.

Амалий ишлар: Ёғоч уймакорлиги ёки кўпчилик ва шу каби касбларда қўлланиладиган асбоб-ускуналар ҳамда иш усулларини ўргатиш.

Мустақил иш.

Технологик хариталар тузишни ўрганиш.

Устахоналарда амалий машғулотларда тайёрлаш кўзда тутилган буюмлар ва маҳсулотларни тайёрлаш босқичларининг технологик жараёнларини режалантириш бўйича технологик карталар тузиш.

Амалий ишлар: Турли касбларга тегишли жараёнларга доир технологик карталар тузиш машклари.

Мустақил иш.

6. Дизайн асослари назария ва амалий ҳолатини ўзлаштириш.

Дизайнерлик ишларидан амалий машқлар бажариш. Танланган бирор буюм, транспорт воситаси ёки содда мўъморий композициянинг график тасвирини ва турли материаллардан ишланган макетини тайёрлаш.

Мустақил иш.

7. Буюмларни лойиҳалаш ҳолатини ўзлаштириш.

Шакллантириладиган билимлар: Касбларга тегишли буюмлар ва маҳсулотларнинг эстетик ва иқтисодий жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш. Дизайнерлик счимларини таллашда материалшунослик, технологик ишлов бериш усуллари ва иқтисодий масалаларни ҳисобга олиш.

Амалий ишлар: Тикувчилик, гиламдузлик, пазандачилик, кандолатчилик, дурадгорлик, қандакорлик, пичоқчилик, темирчилик, пойабзаллар тайёрлаш, заргарлик ва бошқа соҳаларга тегишли буюмларни лойиҳалаш. Буюм ёки маҳсулотнинг дизайнерлик счимини график усулда ва турли материаллардан макет шаклида тайёрлаш.

Мустақил иш.

8. Касблар соҳасидаги безатиш қондаларини ўзлаштириш.

Турли материаллардан тайёрланадиган буюмларни безашда нақшлардан фойдаланиш. Қандакорлик буюмларининг турлари, уларнинг номи, ишлатилиши, шакли, безаклари ва тайёрлаш усуллари.

Амалий ишлар: Безак элементлари кўчириш ва мустақил ижодий нақшлар тузиш.

2-йўналиш. Металл ва унга ишлов бериш технологиясида.

Мустақил иш.

1. Материалшуносликни ўзлаштириш

Шакллантириладиган билимлар: Турмушда ва ишлаб чиқаришда металдан ясалган буюмлар ва уларнинг аҳамияти. Қора металллар. Уларнинг турлари, таркиби, қўлланилиши. Рангли металллар. Уларнинг турлари, таркиби, қўлланилиши.

Амалий ишлар: 3-4 хил қора ва рангли металлларнинг турлари, хоссалари, сифатлари, шакллари, ўлчамлари, қўлланилиши ва ишлатилиш технологиялари бўйича маълумотлар тўплаш. Лаборатория ишлари.

Мустақил иш.

3. Асбоб-ускуналар, мосламалар ва улардан фойдаланишни ўзлаштиринг.

Шакллантириладиган билимлар: Металга ишлов берадиган асбоб-ускуналар, мосламалар. Уларнинг тузилиши, вазифаси, қўллаш ва ишлатиш технологиясилари.

Амалий ишлар: Металга ишлов беришда ишлатиладиган қўл асбобларини турларга ажратиш ва уларнинг ишга яроқлигини аниқлаш. Асбобларни ишга тайёрлаш ва улар билан ишлаш усулларини машқ қилиш.

Мустақил иш.

3. Станоклар ва улардан фойдаланишни ўзлаштиринг.

Шакллантириладиган билимлар: Металлга ишлов беришда қўлланиладиган станоклар. Уларнинг турлари, тавсифи, уларда бажариладиган ишлари, роя этиладиган техника хавфсизлиги.

Пармалаш станогги. Уларнинг турлари, тавсифи, умумий тузилиши ва ишлаш тамойили. Пармалаш станогги бошқариш. Ундан унумли фойдаланиш технологияси ва асосий кўрсаткичлари. Винт қирқиш-токарлик станогги. Унинг турлари, тавсифи, умумий тузилиши, ишлаш тамойили. Винт қирқиш-токарлик станоггида бажариладиган ишлар. Уни бошқариш ва ундан унумли фойдаланиш технологиясига доир асосий кўрсаткичлар.

Металлга ишлов бериш станоклари ва машиналарининг тузилиши ҳамда ишлаш қоидаларини умумий таълим фанларидан олинган билимлар билан уйғулаштириш асослари.

Амалий ишлар: Металлга ишлов бериш станокларининг турлари ва асосий кўрсаткичлари: бажариладиган операциялари, қандай материаллар билан ишлашга мўлжаллангани, қирқувчи қисмларига бўлган техникавий талабларни, ишлаш тезлиги, қуввати ва бошқаларни аниқлаб жадвал тузиш.

Мустақил иш.

4. Маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштириш

Шакллантириладиган билимлар: Металларга ишлов бериш технологияси. Техника ва конструкциялаш элементлари. Юпқа тунука металлдан буюмлар тайёрлаш технологияси.

Техник маълумотлар: Иш ўрни (махсус стол ёки комбинациялаш-тирилган дастгоҳ) ни ташкил қилиш ва сақлаш қоидалари. Меҳнат хавфсизлиги қоидалари. Моддий ва меҳнат ҳаражатларини тежаш. Усуналарга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш. Деталлар ва буюмлар конструктив ечимларининг вариантлари. Иш объектларининг шакл ва ўлчамларини аниқлаш. Материални тежаш. Заготовкани режалаш, қирқиш ва эгиш усуллари. Пармалаш станогида тешиқлар очиш (пармалаш) ва деталларни парчинлар билан бириктириш изчиллиги. Мосламалар воситасида парчинлаш усуллари. Металл буюмларни бадий безаш. Буюмларнинг сифатини текшириш. Кўрсатиш воситалари: Кинофильм, жадваллар, плакатлар ва бошқалар.

Мустақил иш.

5. Умумтаълим предметлари билан уйғунлаштириш

асосларини ўзлаштириш

Чизмачилик. Юпқа лист металлдан тайёрланадиган деталлар.

Математика. 2-4-синфлар (тўғри бурчак, тўғри турт бурчак, квадрат ва айлана ясаш. Узунлик бирликлари).

Эҳтиёж ва имкониятларга қараб симдан буюмлар тайёрлаш ва уларнинг технологияси.

Техник маълумотлар. Сим билан ишлашда техника хавфсизлиги қоидалари.

Амалий ишлар: Юпқа тунука металлдан тайёрланадиган (1-2 элс-ментли) деталнинг техник расми ва эскизини тузиш. Тайёрланадиган детал чизмаси (технологик картаси) ни ўқиш ва уни тайёрлаш.

Мустақил иш.

6. Турли металлларга ишлов бериш жараёнларини билан уйғунлаштирилган халқ ҳунармандчилиги технологиясини ўзлаштириш.

Шакллантириладиган билимлар: Металларга ишлов бериш асосида ривожланган миллий ҳунармандчилик касблари. Уларнинг тарихий ривожланиш босқичлари. Металларга ишлов бериш асосида ҳунармандлар томонидан тайёрланадиган буюмларнинг асосий турлари. Ўзбекистонда бадий ҳунармандчиликнинг ривожланиш аҳамияти.

Амалий ишлар: Чилангарлик, заргарлик, ирокчилик касбларида қўлланиладиган асосий иш усулларини ўрганиш ва реферат тайёрлаш.

Мехнат таълимининг бошқа йўналишлардан материаллар мазмунининг мажбурий ҳолатдаги маълумотлар билан узвий боғлаб қисқартирилган шаклда қўйидагича тасвирланг.

III ва IV- йўналишлар бўйича.

Газламага ишлов бериш технологияси ва пазандачилик асослари

- газламалар, газлама турлари, хусусиятлари, тикувчилик асослари. газмолларга ишлов бериш; кийимлар турлари, аҳамияти; тикув, йигирув машиналари, уларнинг турлари, умумий тузилиши ва ишлаши;

- озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш; ошпазлик ва қандолатчилик асослари; озиқ-овқат маҳсулотларининг инсон ҳаётидаги ўрни, хусусиятлари, тўйимлилиги, турлари; овқатланиш меъёри ва тартиби, таомлар турлари, миллий таомлар, санитария-гигиена ҳамда меҳнат хавфсизлиги қоидалари;

- уй-рўзгор юритиш асослари, уй-рўзгор жиҳозларидан унумли фойдаланиш қоидалари; озиқ-овқат ва енгил саноат соҳаларидаги кенг тарқалган касблар, уларнинг таснифлари; оила жамғармаси ва уни сарфлаш; озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш, ташиш ҳамда уларга дастлабки ва асосий ишлов бериш; турли уй-рузгор асбобларини ишлатиш; турли таомлар тайёрлаш; электрлаштирилган уй-рўзгор асбобларини ишлатиш; турли таомлар тайёрлаш; электрлаштирилган уй-рўзгор асбобларини ишлатиш; кийимларни бичиш, тикиш, тузатиш.

Мазкур соҳалар, тармоқларига хос касбларга ўқувчилар қизиқиши йўналтирилади ҳамда танлаб олишга замин яратилади.

Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги асослари йўналишлари бўйича:

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг аҳамияти. Ўзига хос хусусияти ва соҳалари; деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантириш истиқболлари, агрономия асослари, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва мелиорация асослари; илгор технологиялар; фермерлик ва мулкдорликнинг бошқа турлари; қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик; маҳсулотлар бозори ҳақида тушунчалар; маданий экинларнинг келиб чиқиши, тарқалиши, ўсиш ва ривожланиши; тупроқнинг тузилиши, унумдорлиги. Ерга ишлов бериш ва бунда қўлланиладиган машина, меҳнат қуроллари, мосламалар ва уларнинг умумий тузилиши. Технологик ишлаш жараёнлари ва уларга

кўйиладиган агрохимик талаблар. Ўғит турлари, ўғитлаш муддати ва унда ишлатиладиган машиналар.

Мазкур соҳалар, тармоқларига хос касбларига ўқувчилар қизиқишини йўналтирилади ҳамда танлаб олишга замин яратилади.

VI- йўналиш бўйича:

VI. Халқ бадий ҳунармандчилигининг миллий, этник тарихий жўгрофий жиҳатлари. Халқ миллий ҳунармандчилиги соҳалари; ганч ўймақорлиги, наққошлик, ёғоч, тош ва суяк ўймақорлиги, қандакорлик, мисгарчилик, кулолчилик, сағдиқсозлик бешиқсозлик, пичоқчилик, заргарлик, чилапгарлик, чопон тикиш кигиз босиш, дўппидузлик, шарқ миниатюраси, рехтагарлик, зардўзлик патдўзлик, каштачилик, читгарлик, сават тўқиш, бўйрачилик, нонвойчилик, ўтов тайёрлаш, ошпазлик, миллий ўйинчоқлар тайёрлаш от улов анжомлари тайёрлаш. Шу билан аниқ касбчилик, иморатсозлик ва бошқа касблар юзасидан дастлабки кўникма ҳосил этиш.

Ҳунармандчиликнинг жаҳон маданиятида тутган ўри:

Маҳаллий хом ашё захираларининг манбалари, турлари тарқалиши, уларнинг ҳунармандчилик марказларининг шаклланишига ва ривожланишига таъсири. Ҳунармандчилик сулоалари. Ҳунармандчилик рисолалари. Халқ, амалий-бсзак санъати ва ҳунармандчиликнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқаси турли ҳилдаги материалларни танлаш ва уларга ишлов бериш. Ҳунармандчилик асбоблари, мосламалари билан ишлаш. Маълум соҳаларда фойдаланиладиган электр қурilmалари ва усқуналари билан ишлаш. Ҳунармандчилик асосларини асраш, таъмирлаш ва уларнинг умрини узайтириш. Ҳунармандчиликда тадбиркорлик, ижодкорлик. Мазкур соҳага хос ҳосил этилган билим, кўникмаларга таяниб аниқ касбларни танлаш ва улар юзасидан дастлабки тайёргарлик кўрсатиш.

VII. Касбга йўналтириш.

Касбларни танлаш мақсади, шарт-шароитлари, касблар таснифлагичи касб танлаш формуласи, касбий таснифнома. Ўзбекистондаги касблар туркумлари: Одам-одам; одам-техника; одам-табиат; одам-белгилар тизими; одам-бадий образ. Касбий маҳорат асослари. Касб-ҳунар йўналишини танлашда қизиқиш, мойиллик, қобилият касбий яроқлилигининг аҳамияти билан босқичма-босқич таништириб бориш.

Ўқувчиларнинг ҳудудий, географик, маҳаллий шароитларидан келиб чиқиб, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув муассасаларида ўзлари кизиккан соҳалар йўналишини (академик лицейларда ўқиш йўналишини) ихтиёрий танлашларига ёрдамлашиш. Соғлиги танланган касбига мос келиш-келмаслигини ҳисобга олиш. Келгуси касбий ҳаёт йўлини онгли танлай олиш кўникмасини шакллантириш. Мазкур йўналиш ва мазмунлар юзасидан расмий ҳужжатлар ва тавсияномалар билан ишлашга тайёрлаш мақсадга мувофиқдир.

Бигирувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган минимал талаблар

Ўқувчиларни меҳнат таълими ва касбларга йўналтириш фанидан:

-бозор иқтисодиёти шароитида инсонларнинг яхши яшашида, фаолиятида тўғри касб танлашнинг аҳамиятини турли хил касбларнинг инсонга кўядиган талабларини;

-касблар олами, касблар шажараси, Ўзбекистан халқ ҳўжалигидаги муҳим касблар, касблар таснифлагичи;

-кичик мутахассислар тайёрлаш тизими; касблар, меҳнат шарт-шароитлари, воситалари, предмети, мақсади бўйича шажараланиши, ўқувчиларни ўз кизикиши ва мойилликлари, ўз характерининг ўзига хос хусусиятларини, ўз исрв тузилиши, психикаси, ўз қобилияти ва эҳтиёжларини касблар тўғрисида маълумот олиш мактабларини айрим касб меҳнат бозори талаблари асосида эҳтиёжнинг ўзгариб боришини, саломатлигининг танланган касбига мос келиши, ҳудудда жойлашган ўрта махсус касб-ҳунар ўқув юртлирида таълим йўналишини ихтиёрий танлаш;

-ўқишлин давом эттириш имкониятлари. Келгуси мавқсини билиши зарур. Унда қайд этилган йўналишларнинг ташкил этилган ҳар бир таълим жараёнида ўқувчилар турли материаллар (ёғоч, металл, коғоз, шиша, пластмасса ва бошқалар)нинг хусусиятлари тўғрисида бошланғич билимларга эга бўлишлари уларни режалаш, йўниш, арралаш, тешиш, пардозлаш ишлари ва бу ишларни бажаришда ишлатиладиган асбобларнинг тузилиши, ишлаши, дастгоҳлар, электр ва механизациялаштирилган жиҳозлар, машиналар элементлари, янги техника ва илғор технология асослари; технологик хариталар, уларни тузиш ва улар билан ишлаш. меҳнат қонуничлиги ва хавфсизлиги, санитария-гигиена қондалари тўғрисида на шу каби назарий билимларга ва ананавий кўникмаларга эга бўлишлари шарт.

Техник меҳнатни ўрганиш жараёнида ўқувчилар турли хил асбоблар билан ишлаш, рўзгорбоп ва харидорларга зарур буюмларни ишлаб чиқариш бўйича асосий тушунча ва амалий иш малакаларини эгаллашлари мақсадга мувофиқ бўлади. Шу билан бирга умумий ва техник-технологик асослари, негизда ёғочга, металлларга ва газламага ишлов бериш технологияси, пазандачилик асослари, кишлоқ хўжалик асослари, бадий меҳнат технологияси ва машина элементлари йўналишлари бўйича билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари кўзда тутилган.

Шундай қилиб 5-6 синфларда ўқувчиларнинг ижтимоий-эстетик диди ва дунёқарашини кенгайтирадиган, оилавий ҳаёт ва турмушда керак бўладиган юкорида кўрсатилган ўқув курслари ўқувчиларда миллий маданият ва анъаналарга меҳр-муҳаббат уйғотади. 8-9 синфларда давом этадиган касб-хунарларга йўналтириш, таълим олувчиларнинг ижтимоий дунёқарашини кенгайтиради, касб-хунар таълими йўналишларини онгли равишда танлашларига қўмаклашиш, ҳамда яқун ҳолатга келтиради.

5.3. 8-9 синф ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш асослари

Меҳнат таълимининг давоми 8-9 синфларда “Ишлаб чиқариш асослари ўқувчилар касб-хунарга йўналтириш” махсус курслар негизда ташкил этилади. Мазкур курсларнинг ҳар бирига ҳафтасига бир соатдан вақт ажратилган. Уларнинг дастуридаги мазмунида ишчи-мутохасисликларнинг касбий фаолиятида қўлланиладиган турли хил асбоб- ускуналар, жиҳозлар мосламалар фойдаланишни ўргатиш; механизациялаштирилган ва электирлаштирилган воситалар билан ишлашни; технологик билим ва малакаларни, меҳнат қонунчилиги, хавфсизлик техникаси, санитария-гигиена қоидалари асосларини ўргатилиши 5-7 синфлардаги ўзлаштирган материаллар билан узвий боғланган турли ишлаб чиқариш соҳалари мазмунига таалуқли дастлабки маълумотларни ўргатиш, ўлчаш-текшириш асбобларидан, маълумотлардан фойдалана олиш, меҳнат адабиётларини бажариш, олинган натижаларни қўйилган талаблар билан таққослаш орқали хулоса чиқариш ўқувчилар танланган аниқ касб малакасида ўргатиш:

- ўқувчиларни билимга интилиши ва меҳнатга муҳаббат, меҳнат кишисига нисбатан ҳурмат ҳиссини сингдириш, уларни жамоатчилик, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашни ўқувчилар танланган аниқ касб малакасида ўргатиш:

- ўқувчиларга бозор иқтисодиёти қонуниятлари, талаблар асосида сифатли, рақобатбардош истеъмол моллари, меҳнат маҳсулотлари етиштириш ва етиштирилган маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиш воситаларини ўргатиш, иш бошқарувчи (менежерлик) унсурларини, ҳомийлик, ишбилармонлик сифатларини шакллантириб бориш ва ривожлантиришни ўқувчилар танланган аниқ касб малакасида ўргатиш;

- халқ ҳунармадчилиги касбларини ўргатиш орқали халқ миллий руҳини, яшаш тарзини, анъаналарини тиклаш ва ривожлантириш. Миллий қадриятлар, тарихий ёдгорликлар, халқ усулларининг бой меросини ўргатиш ва улардан ўз амалий фаолиятларидан фойдаланиш кўникмаларини мустақкамлашни ўқувчилар танланган аниқ касб малакасида ўргатиш; Шунда

- меҳнат таълими ва касбга тайёрлаш жараёنларидан ахборот технологиялари ва компьютер техникаси, янги технология ва жихозларнинг қўлланилиш соҳаларини замонавий талаблар даражасида ва жаҳон тажрибаларига мос ҳолда ўрганишларни таъминлаш юзасидан ўқитувчиларда танланган касб бўйича меҳр шаклланади.

8-9 синфлардаги меҳнат таълими ДТСни ва давлат дастурини мукамал таҳлил этилса, уни мазмундан умумий: иқтисодий, ҳуқуқий, экологик, ижтимоий, маънавий, маърифий, маданий фалсафий ва инсониятнинг бошқа масалаларига ҳос тушунчалар ҳосил этилади.

Мазкур синфлардаги меҳнат таълимининг бир йўналиши бўйича касбий-соҳавий жиҳатлари юзасидан мукамал таҳлил этилса, унда ўқувчиларни ҳар йўналишга ҳос соҳа, тармоқ ишлаб чиқариш ва касб-ҳунар билан таништиришга ҳос материаллар тўплаб, улар асосларига оид қуйидаги таълимий ва тарбиявий ишларни олиб боришга имкониялар мавжудлиги аниқланади:

1. Умумий-соҳавий (тармоқли, ишлаб чиқариш, касб-ҳунарли) маънавий-маърифий ва маданий таълим-тарбия асослари.

2. Хусусий-соҳавий (тармоқли, ишлаб чиқариш, касб-ҳунарли) маънавий-маърифий ва маданий таълим-тарбия асослари.

3. Умумий-соҳавий (тармоқли, ишлаб чиқариш, касб-ҳунарли) сиёсий таълим-тарбия асослари.

4. Хусусий-соҳавий (тармоқли, ишлаб чиқариш, касб-ҳунарли) сиёсий таълим-тарбия асослари.

5. Умумий-соҳавий (тармоқли, ишлаб чиқариш, касб-хунарли) иқтисодий таълим-тарбия асослари.

6. Хусусий-соҳавий (тармоқли, ишлаб чиқариш, касб-хунарли) иқтисодий таълим-тарбия асослари.

7. Умумий-соҳавий (тармоқли, ишлаб чиқариш, касб-хунарли) ижтимоий таълим-тарбия асослари.

8. Хусусий-соҳавий (тармоқли, ишлаб чиқариш, касб-хунарли) ижтимоий таълим-тарбия асослари.

9. Умумий-соҳавий (тармоқли, ишлаб чиқариш, касб-хунарли) ҳуқуқий таълим-тарбия асослари.

10. Хусусий-соҳавий (тармоқли, ишлаб чиқариш, касб-хунарли) ҳуқуқий таълим-тарбия асослари.

11. Умумий-соҳавий (тармоқли, ишлаб чиқариш, касб-хунарли) экологик таълим-тарбия асослари.

12. Хусусий-соҳавий (тармоқли, ишлаб чиқариш, касб-хунарли) экологик таълим-тарбия асослари.

Шуларни инобатга олган ҳолатда юқори синфларда (8-9) меҳнат таълимининг негизда ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришни турли таълимий-тарбиявий асосларини ёритишни мақсад қилиб олишга замин яратилади. Бунда меҳнат таълимининг мазмуни деганда умумлашган илмий-техникавий билимлар йиғиндиси, асосий ишлаб чиқариш тармоқлари учун характерли бўлган умумий техника, умумий технология, умумий ишлаб чиқариш ҳамда ўқувчиларга умумий меҳнат тайёргарлигини таъминлаб берадиган, шунингдек бундан кейинги умумий ва касб-хунарликка тайёргарликда ҳам зарур бўладиган меҳнат қўникмалар ва малакаларининг жами тушунилади.

8-9 синфлардаги меҳнат таълими техникавий, қишлоқ хўжалик ва маиший хизмат кўрсатиш меҳнатидан шу соҳалардаги касбларга хос материаллар тўпланани ва ўрганилади.

8-9 синфлардаги техникавий меҳнат— мактабларининг ўқув устахоналарида амалга оширилади, бу устахоналарда ўқувчилар ётоқ, металл ва нометалл материалларни қўлда ва механик тарзда ишлаш элементлари билан танишадилар: ана шу материалларни ишлашга онд касбларни ўрганадилар, улар бажариладиган

ишларнинг сифатини ва ўқувчилар меҳнатининг унумдорлигини оширишга ёрдам берадиган ҳар хил мосламалар билан бойитадилар. Айниқса шу касбларга, соҳаларга хос электромонтаж операцияларини, меҳнатни техникавий режалаштириш ва унинг умумий маданиятини эгаллаб оладилар.

Мазкур меҳнат таълими йўналишлари юзасидан қўлланиладиган материаллар материалшунослик бўлимида, турли материалларни хусусиятлари, қўлланиши, уларни тайёрлаш технология ва бошқа зарур маълумотлар таърифларни касблари билан боғлаб ўрганишлари лозим.

Дастурнинг иккинчи бўлимида мактабда 8-9 синфларда танлаган меҳнат таълими йўналишига хос асбоб-ускуналар, мосламаларни турлари, уларнинг конструкциялари, ишлаш тамойилларини, қўллаш йўналишлари, қўлланиш технологиялари ва бошқа маълумотларни шу ишларни бажарадиган касб эгалари тўғрисида маълумотлар билан бойитиш мақсадга мойил келади.

Агар уларни махсус тизим, модел ва бошқа маълум шаклларга келтириб таҳлил этсак ўрганилса унда ўқувчилар фақат меҳнат таълими жараёнида юзлаб ва ундан кўп касбларда ўз қобилияти, қизиқиши ва саломатлигига хос касбларни тўғри ва онгли равишда танлаб олишларига тегишли асос равшан бўлади.

Бунга ишонч ҳосил қилиш учун, меҳнат таълимининг бошқа йўналишларини таҳлил этиб, уларнинг заминида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришга мавжуд имконларга тўхтаймиз.

8-9 синф ўқувчилари "Электромонтаж ишлари" мавзусини ўрганиш вақтида электр токининг моҳияти, ундан ишлаб чиқаришда ва турмушда фойдалиниш, доимий ва ўзгарувчан ток манбалари ҳамда истеъмолчилари билан, симларнинг маркалари ва энг оддий электр арматура билан танишмоқлари лозим. Улар электр занжирининг элементлар схемасини тузишни ва уни монтаж қилишни ўрганишлари электромонтер, электр асбоблари мутасассислари.

"Электротехника ишлари" мавзусини ўрганиш вақтида ўқувчилар ток манбаларини ҳам, истеъмолчиларни ҳам кетма-кет ва параллел бирлаштириш билан танишадилар, электр арматуранинг қўлбола намуналарини конструкция қилиш ва тайёрланишнинг, электр занжирларини монтаж қилишни ўрганишлари электромонтер, электр асбобларни таъмирловчи слесор, автомобил электросистемасини таъмирловчи электромеханик, электромонтажник, электрик ва бошқа электр тармоқлари билан

шугулланувчи касблар тўғрисида тегишли билимларни эгаллайдилар ва уларни кўплари бўйича амалий кўникамалар ҳосил қилишга имкониятлари мавжуд. Мактаб устaxonаларида шаклланган билим кўникамаларни касбий даражада ўзлаштириш учун кўп битирувчилар шу соҳадаги КХЖларда давом этишига имконлар мавжуд.

Мехнат таълими заминида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришни юқорида қайд этилган икки техникавий ва электротехникавий технология бўйича кўриб чиқилди. Қуйида мехнат таълимнинг бошқа йўналишларидаги материалларни махсус технология бўйича кўриб чиқамиз..

Мақсад: Қуйида қайд этилган материаллар заминида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш материалларни таҳлил қилинг ва аниқликлар киритинг.

1. Мазкур мавзуларга доир янги материаллар тўплаш ва уларни ҳар томонлама (фалсафий, психологик, умумий ва касб-ҳунар таълими педагогикаси, дидактик, методик, социологик, ДТС, тест, рейтинг нуктаи назаридан) ўрганинг, таҳлил этинг, ҳамкасбдошлар орасида мавзу юзасидан тегишли тест ўтказинг ва унинг натижалари асосида хулосалар тайёрланг.

2. Мазкур мавзу юзасидан бошқа манбалар билан танишиб, ўзлаштиринг, улардан тўпланган қўшимча маълумотлар билан қўлингизда асосий материалларни бойитинг, чуқурлаштиринг, кенгайтириг ҳамда мазкур йитилган материаллар бўйича тегишли хулосалар ва таклифлар тайёрланг.

3. Асосий ва қўшимча материалларни таҳлилий жараёнида аниқланган касбий педагогик, дидактик, методик ва касб-ҳунар коллежларидаги 2-3 касб заминида тайёрланаётган мутахассисликка ҳос гоёлар, тушунчалар, тамойилларни аниқ тизим ёки модел ҳолатига келтиринг ҳамда уни график шаклларда тайёрланг.

4. Юқорида қайд этилган ва топшириқларни бажариш жараёнида тўпланган маълумотлар асосида амалий фаолиятингизга ҳос чора тадбирлар (лояихалар, тизимлар, касбий педагогик, дидактик моделлар ва х.к.) ишлаб чиқинг, тайёрланган материалнингизни тегишли кафедлар билан келишилган ҳолатда институт (факультет) илмий-методик кенгашида ҳимояга тайёрланг.

5. Мазкур материаллар асосида 5 тест саволлари ва уларга тегишли жавоблар ишлаб чиқинг.

6. Мазкур материаллар асосида 10-15 тагача рейтинг усулларига ҳос кўрсаткичлар, мезон ва меъёрлар ишлаб чиқинг.

7. Фойдаланилган адабиётлар рўйхатини келтиринг.

8-9 синфда ёғоч ва металлга ишлов бериш технологиялари юзасидан ўқувчиларининг билим ва кўникмаларини такомиллаштириш кўзда тутилган. Ёғочдан ясаладиган деталларни конструкция қилиш ва тайёрлаш жараёнида улар деталларни бирлаштиришнинг янги усуллари тирноқ, кантлар билан, металл мустаҳкамлагичлар ёрдами билан бирлаштириладиган деталлар билан танишадилар.

Чилангарлик устахонасида уларнинг конструкторлик-технологик соҳадаги билимлари ва меҳнат кўникмалари металлдан турли меҳнат объектларини лойиҳалаштириш ва металлларни чопиш, тўгрилаш, қирқиш, пармалаш ва бошқа касблар меҳнати билан. Таништиришга имконият пайдо бўлади.

Ундан ташқари ўқувчилар ёғоч ва металлни бундан кейинги ишлашқи (деталларни мих ва шуруплар билан, оддий бир фальцли чок билан, парчинлаш ва қалайлаш йўли билан бирлаштиришни) ўзлаштиришни давом эттирадилар. Ўқувчилар меҳнат объектларини конструкциялаш, уларни геометрик шакллари ва ўлчовларини аниқлаш соҳасидаги актив фаолиятга жалб қилинадилар. Унда эговлаш сингари чилангарлик операцияларини эгаллаши қуйидаги кўшимча йўналишлар: чилангар-таъмирловчи, чилангар-сантехник, чилангар-автомобилни таъмирловчи ва бошқа ўнлаб чилангарлик касблари билан кенгайиб боради.

Ёғоч ва металлларга ишлов бериш бўйича токарлик станокларининг конструкцияларини ва уларда ишлашнинг асосий усулларини ўрганиб олиш кўзда тутилган. Ўқув қўлланмалари, асбоблари, турли мосламаларни конструкциясини ишлаб чиқиш ва тайёрлашга кўп ўрин берилади.

Шу билан бирга маъқур синфларда металлларни станокда ишлаш бўйича олинган билимлар ва меҳнат усуллари кенгайди ва чуқурлашади. Штамповка ва қуйиш методи билан тайёрланган деталларни ўз ичига оладиган предметларни ҳам механик, ҳам электр приводли (уни "Электротехника ишлари" мавзусини ўттиш жараёнида ишлаб чиқиш мумкин) автоматлашган жиҳозларни ўз ичига оладиган буюмларни конструкция қилиш ва тайёрлаш, шунингдек ички ёнув двигателни ўрганиш ҳам кўзда тутилади.

Қишлоқ мактабида меҳнат таълимининг асосий қисми мактаб ўқув-тажриба участкасидаги ишлар ва бошқа меҳнат турларига (ерга ишлов бериш ўсимликларнинг вегетацион технологияларига, ҳосилни йиғиш ва бошқа ишларига) катта эътибор

берилади. ҳамда ҳар бир ишни у ёки бу мироб, тракторист, агроном атрофидаги меҳнат операциялар билан уйғунлаштирилган ҳолатида бажарилади.

Шунинг учун 8-9 синф ўқувчилари пастки синфларда ўзлаштирган асбоблар, мосламалар, станоклар ва бошқа техника ҳисобидан тежалган ўқув вақтларини қайд этилган техникани бошқарадиган (ишлатадиган) касб эгалари тўғрисида, уларнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-марифий фаолиятлари тўғрисидаги маълумотлар билан таништиришга сарфлаш ижобий натижаларга олиб келади. Шу билан бирга кишлоқ мактабларида ўқийдиган 8-9 синф ўқувчилари кишлоқ хўжалик техникасини чуқур ўрганиш, қўлда ишлатиладиган культиваторларни, ўтоқ қилиш ер юмшатиш асбобларини, сеялка ва бошқа кишлоқ хўжалик техникани фермерлик фаолиятига хос тайёрликка сарфлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқувчиларнинг кишлоқ хўжалик техникасини ўрганиш ва унда амалий иш олиб бориши, уларнинг техникавий тайёргарлигини таъминлайди, бу эса, шаҳар мактабида ўқувчиларга техникавий тайёргарлик соҳасида бериладиган билимга баравар келади.

Шундай қилиб ўқувчиларни пастки синфларда мукамал ўрганган меҳнат операциялари, касб-хунарларга хос бажариладиган ишлар юқори синфларда уларни аниқ касбларни танлашга йўналтирилади ва ижобий натижаларга олиб келади.

Шундан равшан бўлмоқдаги, ўқувчиларни пастки ва юқори синфларида ўрганаётган қўлланадиган техника, машиналар, уларнинг турлари, конструкциялар, ишлаш тамойиллари, қўллаш технологиялари, техника ва машиналарда тайёрланадиган маҳсулотлар, буюмлар, уларни тайёрлаш технологиялари, техника ва машиналарни таъмирлаш тўғрисидаги маълумотлар аниқ соҳа, корхона, ишлаб чиқариш жараён ўқувчиларни касб танлашга олиб келади.

Меҳнат таълимининг ҳар бир йўналишининг навбатдаги маълумотлар танлаган меҳнат турида мавжуд миллий асослари алоҳида ўрин эгаллайди. Унда Ўзбекистон ва Марказий Осиёда асрлар мобайнида ривожланган ишлаб чиқариш соҳалари, касб-хунарлари, шаклланиб келган анъанавий буюм ва маҳсулотлар (меҳнат таълимининг миллийлаштирилган қисмини ташкил этган). Ўқувчиларни мазкур йўналишдаги меҳнат билан таништириш, унга ўргатиш ва шу соҳадаги касб-хунарларини "Ота-касб" ёки "Устоз-шогирд" анъаналари методикасида меҳнатга, ҳаётга тайёрлашга тегишли маълумотлар ва имкониятлар мавжуд.

Юқори синфдаги меҳнат таълимнинг навбатдаги йўналишдаги муҳим томони ўқувчиларни танлаган йўсинда меҳнат ва касб-ҳунарига хос технологияларни ўрганадиган асослари ўзига таалуқли ўрин мавжуд.

Унда меҳнат таълимнинг қўл ва техника билан бажарадиган технологияларни турлари уларнинг меҳнат жараёнида қўллаш хусусиятлари, шакл ва усуллари келг ёритилган. Мазкур йўналишда ўз аксини топган қўл ва техника билан бажарадиган меҳнат ва касб-ҳунарга хос технологияларни бажарадиган иш ва тайёрланадиган буюмлар сифатига таъсири, меҳнат унумдорлигини кўтаришга имкониятларини ўқувчилар мукамал ўзлаштириб олишларига хос йўналиши алоҳида ўрин эгаллаган. Шундай қилиб юқори синфда меҳнат таълимнинг асосларини юқорида қайд этилган ҳар бир йўналишда мукамал ёритилган. Улардаги маълумотларни таърифлашда ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришга хос қўшимча материалларни ўқувчиларни танлаган меҳнат таълими йўналишларига хос техникавий, тафаккурни, конструкторлик қобилиятлари билан уйғунлаштириб аниқ касбни танлашга олиб келади. Бу эса, ўз навбатида ўқувчилар танлаган касб юзасидан, унинг умумтехникавий, умумтехнологик характердаги билимларини: чизмачилик, материалшунослик, машинасозлик ва электротехникага оид дастлабки маълумотларни билиб оладилар.

Техникавий меҳнат мазмунига, шунингдек, меҳнатни механизациялашнинг янада юқорирак даражаси билан, айрим машиналар (токарик, пармалаш фрезерлик, раңдалаш станоклари, ички ёнув двигател) билан таништириш ҳам киради. Ҳар бир синфда корхоналарга экскурсиялар ўтказиш кўзда тутилади. Ундан ташқари мазкур йўналиш бўйича шундай ишларни бажаришга тўғри келадиги, уларни бажариш учун қоғоз, картон, метал ёғоч пластика ва бошқа материаллардан ҳам фойдаланиш талаб қилади.

Меҳнат таълимнинг фақат техникавий йўналишдаги материаллар замининда ўқувчиларни диққатини касб-ҳунарга йўналтирсак, унда уар қуйидаги касблар бўйича: металлург, формовшик, сталсвар, прокатчик, токар, слесар, фрезеровшик, механик, муҳандис, целлюлоза прокатини оператори, картон тайёрлаш прокатини оператори ва бошқа қатор касблар юзасидан ўқувчилар батафсил маълумотлар олишларига имкон мавжуд.

Шундан маълум бўлмоқдаки юқори синфдаги меҳнат таълимининг таърифлаган ҳар бир йўналишларини батафеил таҳлил этилса, унда ўнлаб соҳа касблар, ишлаб чиқаришлар, тармоқлар тўғрисида ўқувчилар қизиқарли маълумотлар олишларига имкон беради. ҳамда улар равшан бўладикки, касбни танлашдан олдин, унинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий-марифий асосларини ўрганиш зарур.

Юқори синф ўқувчилари ишлаб чиқариш асослари ҳамда ундаги тармоқлар, корхоналар, касблар ва уларни танлаш қондалари, тамойиллари ҳамда бошқа маълумотларга эга бўлишлари учун, улар олимлар, мутахассислар, педагоглар, методистлар томонидан ишлаб чиқилган фундаментал асосларни ҳар томонлама ўрганишлари лозим. Шунда ўқувчиларга маълум бўладикки, олимлар халқ хўжалик соҳа ва тармоқларда мавжуд касбларни улар беш тизимларга бўлганлар. Улар қуйидагича:

1. Одам-техника тизими.
2. Одам-табиат тизими
3. Одам-одам тизими
4. Одам-рақамлар тизими
5. Одам-бадий образ тизими

I. Одам-техникадаги тизимда- одамларни танлаган касблари техника билан ҳамбарчас боғланганлигидан дарак беради: токар, ҳайдовчи, ўқувчи ва ҳоказо.

II. Одам-табиат тизимидаги касблари табиат билан боғлиқлиги равшан булади: агроном, боғбон, эколог ва ҳоказо.

III. Одам-одам тизимидаги касблар: боғча тарбиячи, ўқувчи мураббий ва ҳоказо.

IV. Одам-рақамлар билан боғланган касблар: бухгалтер, компютерчи, ҳисобчи, солиқ ходими ва ҳоказо.

V. Одам-бадий образдаги касблар: артист, режиссёр, ёзувчи, драматург ва ҳоказо.

Бу борада таъкидлаш зарурки юқори синф ўқувчилари касб танлашда бошқа касб танлаш омиллари орқали ўзларига қизиққан касбларни танлашлари мумкин. Улар қуйидагича:

1. Китобни тайёрлаш, ишлаб чиқариш ва харидорларга тарқатиш билан шуғулланадиган касб эгалари: ёзувчи драматург, муҳаррир, корректор, ракам терувчи, сотувчи ва бошқа касб эгалари.

2. Театр, уни тайёрлаш, кўрсатиш билан шуғулланадиган бошқа касб эгалари: ёзувчи, драматург, режиссер, артист, сахначи ва бошқа касб эгалари.

3. Кино, уни тайёрлаш, кўрсатиш билан банд бўладиган касб эгалари: ёзувчи, режиссер, артист, каскадёр, монтажчи ва бошқа касб эгалари.

4. Ҳарбий, ички ишларни муҳофаза этувчи органлар ва бошқа кайд этилмаган соҳалар, тармоқлар, идораларда фаол этактган касб-мутахассислик эгалари тўғрисида олиб бориладиган касб танлаш ишлаш меҳнат таълими билан бевосита боғланмаган бўлса ҳам, 8-9 синф ўқувчилар билан мазкур касблар юзасидан тарбиявий- касбга йўналтирувчи тадбирлар (учрашувлар, суҳбатлар, экскурсиялар ва бошқа ишлар) олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Ундан ташқари 8-9 синф ўқувчилар билан меҳнат ва касб тушунчалари юзасидан олиб бориладиган ишларни режалаш ва ташкил этишида куйидаги материаллардан унумли фойдаланиш лозим.

Маълумки, инсоният канчалик қадимий бўлса унинг анъаналари, қадриятлари ва маънавий мерослари ҳам шунчалик қадимийдир. Булар эса халқнинг илдизи, унинг тарихи, миллатнинг кифасидир. Бунинг бунёдкори, ижодкори, сақловчиси ва ёқловчиси, тарихий тараққиётнинг ҳал қилувчи кучи - халқ оммасидир. Унда таълимнинг ва тарбиянинг чеки йўқ, у “чексиздир”. Бу кучнинг ўрнини, ҳеч бир омил боса олмайди. Ундан ақл-идрок билан жамият манфаатлари йўлида самарали фойдаланиш жамоат ташкилотларининг муҳим бурчи ҳисобланади.

Ёшларнинг касб-хунар эгаллашларига кўмаклашиш, уларни бутун чорвачилик, sanoat, қишлоқ хўжалиги билан хўжалик ва маданий қурилиш ишларига жалб қилиш ҳар томонлама камол топган шахсни тарбиялашнинг муҳим шarti эканлигини унитмаслигимиз зарурдир. Кўпчилик ёшларимиз “касб-хунар” гушунчаларида кўп адашади. Аммо бу тушунчалар бир-бирдан қисман бўлсада фарқланади.

“Касб” сўзи “тирикчилик” “яшаш” воситаси бўлган иш ёки эгаллаш, ўрганиш маъносида берилса, “хунар” сўзи эса, ўрганиб малака, кўникма ҳосил қилинадиган иш ва уни бажариш қобилияти ёки санъат ва маҳорат маъносида ишлатилади.

Бундай мутахассислар борки, улар халқимизда севиб ардоқланиб келинаётган усталарни тайёрлайднки, шўро даврда узок йиллар давомида ана шундай усталар меҳнати эътибордан четда қолди.

Ҳозирги вақтда эса устанинг кадрини тиклаш пайғи келди.

Касб-хунар коллежларда замон талабларига жавоб бсрадиган ўқув тарбия ишларини ташкил қилиш янгича педагогик тафаккурнинг “мсваси” бўлиши зарур. Шу маънода коллеж ўқувчиларининг шахсий фазилатлари, касбий билимлари, ижодкорлиги ва маҳорати кўп жиҳатлардан ишлаб чиқариш таълими жараёнининг қай даражада ташкил қилинишига боғлиқ.

Касб-хунар коллежларида қўйидаги касбий фаолият соҳалари бўйича ишлаб чиқариш таълими амалга оширилади. Саноат (машинасозлик, энергетика, самолётсозлик, автомобилсозлик, металлургия, геологик ва фойдали қазилмаларни ишлаб чиқиш, кимё саноати, енгил саноат, полиграфия ишлаб чиқариши, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш), транспорт, алоқа қурилиши, уй-жой коммунал хўжалиги, кишлок ва ўрмон хўжалиги, соғлиқни сақлаш, маориф, маданият ва санъат, ижтимоий ва иқтисодий соҳа, савдо, умумий овқатланиш, хизмат қўрсатиш ва бошқалардир.

Ўз навбатида, улардаги ҳар бир касбий фаолият соҳаси ҳар бир касбий фаолият соҳаси бир канча ихтисосликларни қамраб олади. Масалан, “кишлоқ ва ўрмон хўжалиги” касбий фаолият соҳасида камида 20 хил касб бўлиб, уларнинг ҳар бири бир неча ихтисосликларни ўз ичига олади.

Меҳнат таълими методикаси талаблар учун ўқув дарслиги ва шу фан дастурига мувофиқ, олий педагогика ўқув масалаларнинг касб таълими факультетининг талабларига мўлжаллаб ёзилган.

Дарсликда умумий таълим мактабларнинг V-IX синф ўқувчилари меҳнат таълими беришнинг вазифалари, давлат таълими стандартлари, мазмуни ва тамойиллари узлуксиз ҳолати ёритилган. Умумий таълим мактабларида асос қилиб танланган ёғочга ишлов бериш, металга ишлов бериш, газламага ишлов бериш асослари ҳамда технологиялари, пазандачилик ва кишлок хўжалик асослари меҳнати мазкур йўналишдаги ишлаб чиқариш билан уйғунлаштирган ҳолатида ўз аксини топган.

Шу билан бирга мазкур меҳнат таълимлари методикаларида касб танлаш ишлари, кўл ва станокларда ишлаш, лаборатория машгулотларини бажариш, экскурсияларни ва педагогик амалиёт ва бошқа ишларни бажариш методикалари батафсил ёритилган.

5.4. Мактаб битирувчиларини академик лицей ва касб-хунар коллежларида танлаган касбга ўқитишни давом эттириш омилилари

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”дан келиб чиққан ҳолда мактаб битирувчилари ўқишни давом эттиришлари шарт. Унда оммавий ҳолатида асосан икки йўналиш мавжуд.

Биринчиси: жойлардаги ташхис марказлари тавсияларига биноан аниқ фанларга мойиллик кўрсатган ва қизиқиш ҳосил этилган иқтидорли битирувчилар ўз академик лицейларида 3 йиллик мажбурий ўқишни давом эттиришларига барча шароит ва имкониятлар мавжуд. Мазкур ўқув муассасаларни танлаган йўналишлари бўйича тегишли талабларни тўла ҳажимда ўзлаштирган лицей битирувчилари навбатдаги ўқиш босқичини танлаган олий таълим ўқув муассасаларида баҳолаш тизимида давом эттиришлари мумкин. Уни битириш билан улар аниқ йўналиш бўйича мутахассис мавқеига эга бўла оладилар.

Иккинчи йўналиш бўйича мактаб битирувчилари навбатдаги ўқиш босқичи, касб-хунар коллежларида ўқишни давом эттиришларига тегишли шароит ва имкониятлар мавжуд. Унда ҳам мактаб битирувчилари 3 йиллик мажбурий ўқишни тамом эттиришлари лозим.

Касб-хунар коллежларини битирган ўқувчилар, лицей битирувчилари каби навбатдаги поғона-олий таълим олишларига тенг ҳуқуқли ижтимоий-иқтисодий имкониятлар мавжуд. Лицей ва коллеж битирувчилари ўқув муассасаларини ДТС, давлат дастурлари ва бошқа талабларни тўла ҳажимда ўзлаштирилганларига биноан ўрта махсус ва иқтисослиги бўйича кичик мутахассис мавқеига эга бўладилар. Шундай экан бўлажак меҳнат таълим ўқитувчиларига ўз педагогик фаолиятларида академик лицей ва касб-хунар коллежлар тўғрисида ҳар томонлама кенг ва чуқур билимларни ўз фани билан узвийлиги томонлари билан боғлаб шакиллантиришлари лозим. Чунки мактаб битирувчилари ўз ўқишларини мазкур билим юртларида давом эттирадилар.

Бу борада инобатга олиш зарурки, талабалар ўрта махсус касб-хунар таълим ўқув муассасаларида ўқитадиган касб мутахассисликлар тўғрисидаги асосий муаммолар

“Ўрта махсус касб-хунар таълимидаги тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар таснифлагичи” да ўз ифодасини топган. (Абдулла Қодирий номи Халқ мерос нашриёти) Тошкент 2002й.

Унда таъкидлаши бўйича мазкур “Таснифлагич”ни тўрт бўлаги мавжуд:

1. Таснифлагични қўллаш соҳаси

2. Меъёрий ҳужжатлар

3. Таърифлар.

4. Ўрта махсус, касб-хунар таълимидаги тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар таснифлагичига ўзгаришлар киритиш тартиби.

Уларнинг ҳар бирининг таърифи қуйидагича:

1. Қўлланиш соҳаси:

1.1. Мазкур Таснифлагич ўрта махсус, касб-хунар таълими мутахассисларини иш билан таъминловчилар, ўрта махсус, касб-хунар таълимида давлат таълим стандартлари, ўқув режалари, дастурлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланиш, ўқув муассасалари мутахассислари ва илмий ходимлар учун мўлжалланган.

1.2. Таснифлагич касб-хунар коллежлари ва бошқа таълим муассасаларининг қайси вазирликка, ташкилотга қарашлигидан ва мулкчилик шаклидан қатъий назар айнан қўлланилиши шарт.

2. Меъёрий ҳужжатлар. Таснифлагич қуйидаги стандартларга асосланган:

Ўз DST 1.02-92 Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш давлат тизими. Асосий қондалар.

ГОСТ 1.5-93. Давлатлараро стандартлаштириш бўйича иш юритиш қондалари. Стандартларнинг тузилиши, баён қилиниши, расмийлаштирилиши ва мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.

Ўз DST 1.8-94. Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш давлат тизими. Раҳбарий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш, тасдиқлаш, давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ва тавсиялар.

Ўз DST 6.01-95. Ўзбекистон Республикасининг техник-иқтисодий ва ижтимоий ахборотларини кодлаштириш ва тас-нифлашнинг ягона тизими. Асосий қондалар.

Ўз ДСТ 1.9-95. Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш давлат тизими. Соҳа стандартларини ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби.

Ўз ДСТ 6.01.1-95. Ўзбекистон Республикаси техник-иқтисодий ва ижтимоий ахборотларни кодлаштириш ва таснифлашнинг ягона тизими. Асосий қоидалар.

Ўз ДСТ 6.01.2-95. Ўзбекистон Республикаси техник-иқтисодий ва ижтимоий ахборотларни кодлаштириш ва таснифлашнинг ягона тизими. Таснифлагичларни ишлаб чиқиш ва юритиш тартиби.

3. Таърифлар. Мазкур стандартда қуйидаги атамалар қўлланилган:

3.1. Тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликларнинг умумдавлат таснифлагичи (ТЙКИУТ)- ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув муассасаларида кичик мутахассисларни тайёрлаш бўйича тайёрлов йўналишлари, касблар ва мутахассисликларнинг тизимлаштирилган рўйхати.

3.2. Кичик мутахассис- бу таълим дастурини муваффақиятли ўзлаштирган ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларига бериладиган малака даражасидир.

Кичик мутахассис:

- тегишли ижтимоий ишлаб-чиқариш соҳасида унинг унумли фаолият кўрсата олишини таъминлайдиган назарий ва амалий билимлар мажмуасига, касбий билим, малака ва кўникмаларга эга;

- мазкур жамиятда ўзининг муваффақиятли ҳаёт даражасини таъминлайдиган умумий ва касбий маданиятга, ижтимоий аҳамиятли хусусиятларга ва шахсий сифатларга эга.

3.3. Малака - ходимнинг касбий тайёргарлиги даражаси, ундаги маълум ишни бажариш учун зарур бўлган билим, малака ва кўникмаларнинг мавжудлиги.

Ходимнинг малакасини белгиловчи кўрсаткич бўлиб, катгория ёки дипломнинг мавжудлиги ҳисобланади.

3.4. Касбий фаолият соҳаси (КФС)- касбий билим, малака ва кўникмаларнинг қўлланиш доирасидир, унинг номланиши иқтисодий соҳалари номлари билан мослаштирилади.

3.5. ЎМКХТ таълим муассасаларидаги тайёрлов йўналишлари- аниқ касбий фаолият соҳасида мутахассисларга касбий таълим бериш доирасидир.

Мутахассисларнинг касбий фаолиятининг аниқ соҳаси бўйича тайёрлов йўналишларининг номи меҳнат фаолиятининг мазмуни ва хусусияти орқали аниқланади.

3.6. Касб - махсус тайёргарлик ва иш тажрибаси натижасида маълум бир соҳада касбий фаолиятни амалга ошириш учун назарий билимлар мажмуасини, амалий кўникма ва малакаларни эгаллаган, унга жисмоний имконият, ақлий қобилият ва юридик ҳуқуқларни таъминловчи инсоний меҳнат фаолиятининг (машгулотининг) туридир.


3.7. Ихтисослик - бирорта касб доирасида маълум бир фаолият тури учун махсус тайёргарлик ва иш тажрибалари билан эришилган зарурий билимлар, кўникма ва малакалар мажмуаси.

3.8. ЎМКХТ тайёрлов йўналишлари ва ихтисосликлар коди - касбий фаолият соҳаларига мувофиқ касблар ва мутахассисликлар бўйича тайёрлов йўналишлари ихтисослаштирилган рўйхатининг рақамли белгисидир.

Таснифлагичда саккизта билим соҳаси назарда тутилган:

1. Таълим;
2. Гуманитар фанлар ва санъат;
3. Ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқ;
4. Фан;
5. Муҳандислик, ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари;
6. Қишлоқ хўжалиги;
7. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот;
8. Хизматлар.

Таснифлагичда таълим босқичлари, билим ва таълим соҳалари, тайёрлов йўналишлари ва ихтисосликлар етти та рақамли код билан белгиланади. Таълимнинг халқаро классификациясига биноан таълим босқичи - ўрта махсус, касб-ҳунар таълими 3-рақами билан белгиланган. Масалан: 3144610, 3210210, 3380110 ва бошқалар.



Ўрта махсус, касб-хунар таълими кодларида:

Биринчи рақам - таълим дастури босқичи коди;

Иккинчи рақам - билим соҳаси коди;

Учинчи рақам - таълим соҳаси коди;

Тўртинчи ва бешинчи рақамлар — тайёрлов йўналиши коди;

Олтинчи ва еттинчи рақамлар - ихтисосликлар коди.

Узлуксиз таълим тизимидаги ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий таълим (бакалаврият)да узвийликни таъминлаш мақсадида Ўрта махсус, касб-хунар таълимидаги тайёрлов йўналишлари, кодлари олий таълимнинг бакалаврият таълим йўналишлари кодларига мослангизилган.

4 Ўрта махсус, касб-хунар таълимидаги тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар Таснифлагичга ўзгартиришлар киритиш тартиби

4.1. Мазкур таснифлагич тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликларнинг асос бўлувчи рўйхати бўлиб, у қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш учун очилди.

4.2. Таснифлагичга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритишга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-хунар таълими марказига такдим этилади.

4.3. Таснифлагичга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан амалга оширилади

Изоҳ. -1.Таснифлагичдаги тайёрлов йўналишларида 3 ва ундан ортик ихтисосликлар кўрсатилган бўлса, маҳаллий шарт-шароитларни ва кадрларга бўлган эҳтиёжларни ҳисобга олиб 2 ёки 3 та ихтисослик учун алоҳида ўқув режа тузиш мақсадга мувофиқ.

2. Ўрта махсус касб-ҳунар таълимидаги тайёрлов (таълим) йўналишлари ва ихтисосликлари таснифлагичлари ҳар бир соҳа бўйича қуйидаги шаклда таърифини топиши мақсадга мувофиқ.

Ўрта махсус, касб ҳунар таълимидаги тайёрлов (таълим) йўналишлари ва ихтисосликлари таснифлагичлар

Олий таълим йўналишлари (бакалаврият): ЎМКХТ йўналишлари номи	Олий таълим (Бакалаврият) кодлари	ЎМКХТ тайёрлов йўналишлари кодлари	Т.Х.С.Т бўйича код	Ихтисосликлар	Ихтисослик коди	Касби
--	-----------------------------------	------------------------------------	--------------------	---------------	-----------------	-------

Таснифлагичдаги таълим-йўналишлари ва ихтисосликлари ва ихтисосликлари ҳар бир соҳа бўйича қуйидаги тартибда ифодаланиши лозим. Соҳалар жойлашган таркиби қуйидагича.

Таълим соҳалари- 100000-(коди):

Ўқитувчилар, тарбиячилар, тўғарак ишлари раҳбарлари ва ташкилотчиларни тайёрлаш — 140000

Гуманитар фанлар ва санъат - 200000

Санъат-210000

Ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқ – 300000

Журналистика ва ахборот – 320000

Бизнес ва бошқарув – 340000

Ҳуқуқ- 380000

Фви - 400000

Муҳандислик, ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари - 500000

Муҳандислик ва муҳандислик иши – 520000

Ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш тармоқлари – 540000

Архитектура ва қурилиш – 580000

Қишлоқ хўжалиги – 600000

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги – 620000

Ветеринария – 640000

Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот – 700000

Соғлиқни сақлаш – 720000

Ижтимоий таъминот – 760000

Хизматлар – 800000

Хизмат кўрсатиш соҳаси – 810000

Транспорт – 840000

Атроф муҳит муҳофазаси – 850000

Ҳаётий фаоллият хавфсизлиги – 860000

Ҳар соҳанинг таснифлагичлари бўйича 30-40 ихтисосликлар, касблар тўғрисида маълумотлар мавжуд. Уларга тегишли маълумотлар асосан касбларга хос дастур ва у билан боғланган ахборот бўлиш керак. Улар қуйидагича:

Мисол: саноат соҳасининг автомобилсозлик тармоғининг касб ихтисосликлар бўйича ахборотлар:

14. Автомобил кузовини йиғиш бўйича уста касбига хос саноат роботлари операторини ўқитишга оид асослари:

а) Ихтисосликлар:

- Тунукачи
- Пайвандчи
- Саноат роботлари оператори

б) Ўқитиш асосларида:

- Ўқув режасини таърифлаш
- ДТС лари
- Дастурни - таҳлил этиб ёритиш
- Шакл ва методлар
- Моддий техника база ва хоказо

в) Мавзуга доир эркин ҳолатда амалий ишни танлаб, уни тайёрлаш технологик харитасини ватманда ишлаб чиқиш ва унда фойдаланишни таърифлаш.

Мазкур тасодифий қисқа-қисқа маълумотлардан равшан бўлмақдаки ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизимида тайёрланаётган кадрлар 15-20 йилда тайёрланаётганидан кескин ўзгарган.

Бу борада маълумки, ўрта махсус касб-ҳунар таълими мазмунида мактабдаги меҳнат таълими мазмунидаги узвийлик ва касбга йўналтирилган таъминлашнинг

дидактик асослари ҳамда интеграцияси мактаб ва коллеж битирувчиларини касбни танлашни ўрганиш унга мослашиши боғлиқ.

Бу борада тарихга мурожат этсак ҳам инсоният жамияти янга аср, янги уч минг йилликнинг илк онларида яшамоқда. Бу давр ўтган даврлардан ўзининг тезкорлиги, муаммоларга бойлиги, уларнинг ечимлари турли—туманлиги билан фарқланади. Бу асрда глобаллаштириш ва информациялаштириш кенг ўрин олмоқда, Ана шу икки термин ҳаётимизда содир бўладиган ҳар бир воқеага таъсир қилмай иложи йўқ.

Президентимизнинг бевосита раҳнамоликларида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида таълим стратегияси аниқланди. Умр шундай тез ўтмоқдаки, ушбу дастурнинг биринчи босқичи ҳам тугаш арафасида. Қисқа муддатда мамлакатимизда таълим соҳасида оламшумул ўзгаришлар содир бўлди. Зотан ёш давлатимиз равнақи ва келажаги бизнинг фарзандларимиз зукколигига, инжибилармонлигига, ватанпарварлигига тиймай меҳнат қилишларига боғлиқ.

Ислом Каримов «кадрларни пухтарок қилиб тайёрламасдан, уларнинг кадрига етмасдан уларга ишонмасдан ва қўллаб-қувватламасдан, ўйламайки, бирон бир соҳада аҳволни ҳеч қанақа тарзда ўзгартириб бўлмайди». -- деган эдилар.

Ҳозир мамлакатимизда 1200 та янги турдаги таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг илк қалдирғочлари ҳаётга йўлланма олдилар. Ушбу таълим муассасалари қурилиши, жиҳозлари ва ҳоказолар учун бир неча миллиард маблаг сарфланди.

Таълим учун йўналтарилган маблаглар олдин биз ўйлаганимиз сингари сарф-харажат эмас, балки янгича тафаккурга кўра инвестиция ҳисобланади. Бу инвестиция фақат иқтисодий характерга эга бўлмасдан, унга эквивалент равишда ижтимоий характерга ҳам эга.

Ер юзида содир бўлаётган воқеалар чуқур таҳлил қилинганда шундай хулосага келиш мумкинки, инсон ҳаётини мукаммаллаштириш, яхшилаш фақат таълим тизимини муқобил ташкил қилиш билан белгиланади. ЮНЕСКО бош директори «Таълим қашшоқлик билан энг самарали кураш воситасидир» — деб бежиз айтмаган. Инсоният жамияти ўзининг тараққиёти даврида бир қанча муаммоларга дуч келади. Масалан, атроф—муҳитни ҳимоя қилиш, саводсизликка қарши курашиш ва инсонлар учун янги имкониятларни яратиш. Айни шу муаммоларни ҳал қилишда техникавий ва касб-ҳунар таълими ҳал қилувчи рол ўйнайди. Шу боис, Кадрлар тайёрлаш миллий

дастури ўз вақтида кслажагимизни белгилайдиган муҳим тарихий ҳужжат эканлиги янада яққол намоён бўлади.

Касб—ҳунар таълимига жаҳон умид билан боқмоқда. Мисол учун Сеул шаҳрида ўтказилган техника ва касб—ҳунар таълими бўйича Иккинчи халқаро конгрессда Корея Бош вазирининг янги тизимни баҳолаш борасида айтган қуйидаги муҳим фикрини келтириш мумкин, яъни ХХI асрда ривожланиш қуйидаги характерли хусусиятларга эга бўлади: ривожланиш революцион эмас, эволюцион характерга эга; инсон ҳаёти равнакига йўналтирилган; ривожланиш тургун экологик хавфсизликка қаратилган; тинч яшаш маданияти; иқтисодий қайта янгилашиш; барча инсоният бунга қатнашуви; инсонларга кўпроқ имкониятлар бериш; янги технологияларни ўзлаштириш ва уни назорат қилиш; тадбиркорликнинг янги шакллари ва ўз—ўзини таъминлаш; узлуксиз ва мустақил таълим.

Шу фикрларни амалга оширишда узлуксиз таълимнинг аҳамияти катта. Айниқса, касб—ҳунар таълимининг бу борада ўзинга хос ўрни бор. Чунки, инсон ҳаётининг равнак, маданияти инсондаги яширин имкониятлар, янги технологияларни ўзлаштириш, тадбиркорлик вояга етиб келаётган ёшларимизнинг ҳаётда фаол иштирокига борлик. Бунда мамлакатимизда ташкил қилинган янги таълим тизими академик лицей ва касб—ҳунар коллежлари битирувчилари ҳаётимиз тарзини яхшилашда ўз ҳиссаларини қўшадилар. Чунки, айти шу авлод бугунги глобаллашув ва информациялашув даври талабига жавоб берадиган таълим тизимида таълим-тарбия олмақдалар.

Хуллас, жамият таракқиёти унинг иқтисодий муаммолари қаторида ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган. Бу муаммолар фақат инсон омилига эътибор қилинсагина бирма—бир счилади. Инсон омили эса унинг маданияти, билимдонлиги, тадбиркорлиги, ватанпарварлиги, истеъдодини мамлакат ички ва ташқи муаммоларни ечишга қаратилганлиги, тарбиясининг мукамаллиги ва бошқаларга боғлиқ. Комиллик таълим ва тарбия, ҳалол меҳнат туфайли рўёбга чиқади. Бу борада Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида курсатилган йўл—йўриқларни узлуксиз таълимнинг асосий бўғинларидан бири ўрта махсус, касб—ҳунар таълимининг ривожи инсоният ҳаёт муаммоларини ечишида ва келажагимиз равнаки учун хизмат қилишига имоним комил.

Шуни ҳам инобатта олиш зарурки, касб-хунар таълими мазмунида узвийликни таъминлаш муаммолар мавжуд. Ўтин давришп ўзинга қамраб олган бўлса, иккинчи босқичнинг (2001- 2005йил) охирида миллий дастурда белгиланган вазифаларни тўлиқ амалга оширишга эришиш ва унга тегишли ўзгартишлар киритиш мўлжалланган бўлиб, учинчи босқичда (2005 йилдан кейин) кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш жараёни амалга оширилди.

Миллий дастур қабул қилингандан кейин ўтган давр мобайнида унда белгиланган вазифаларни ҳаётга тадбиқ этиш борасида муайян ишлар бажарилди. Жумладан, узлуксиз таълим тизимининг ҳамма тоифаларидаги ўқув муассасалари (умумий ўрта мактаб, ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим, малака ошириш ва қайта тайёрлаш) ўқув жараёнига давлат таълим стандартлари, давлат талаблари, ўқув режалар, ўқув дастурлари, дарсликлар, қўлланмалар, маъруза матилари тадбиқ этилди ва халқ хўжалигининг ҳамма соҳалари учун рақобатбардош мутахассислар тайёрлашга, айниқса, таълим мазмунини такомиллаштиришга, таълим тарбия жараёнига янги педагогик ва информацион технологияларни жорий этишга асосий эътибор қаратилди.

Ўтган даврда Ўрта махсус, касб—хунар таълими ўқув муассасалари учун 170 дан ортик тайёрлов йўналишлари бўйича давлат ва тармоқ стандартлари, ўқув режалар ва дастурлар ишлаб чиқилди, улар ўз навбатида тажриба—синовдан ўтилди.

Ўрта махсус, касб-хунар таълимидаги янги ўқув муассасалари бўлган касб—хунар коллежлари ва академик лицейлар ўз олдига қўйилган мақсадлари билан бир—биридан маълум маънода фарқ қилади. Агар, академик лицейлар ўқувчиларнинг қизқишлари ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланишини, чуқурлаштирилган, ихтисослаштирилган ҳолда ўқитишини таъминласа ва иқтидорли, истётдодли болаларни тарбиялашга хизмат қилса, касб-хунар коллежлари эса ўқувчиларнинг касб—хунарга мойиллиги, лаёқатларини, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, таппаб олишган касб-хунар тайёрлов йўналишлари бўйича бир ёки бир неча замонавий ихтисослик эгаллаш имконини беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, янгидан таппкил этилаётган ва фаолият кўрсатаётган касб-хунар коллежлари олдинги ва ҳозирги кунда ишчи мутахассислар

гайёрлаётган хунар техника бичим юртлари, бизнес мактаблари, техникумлардан ҳам мазмунан, ҳам шаклан тубдан фарк қилади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларини амалга ошириш учун, ўқув-тарбиявий тизимнинг асосий компонентларида узвийликни таъминлашга эришиш зарур. Чунки, юқори малакали ишлаб-чиқариш мутахасссларини тайёрлаш, талабалар томонидан ўрта махсус, касб-хунар таълими фаиларининг илмий асосларини чуқур ўзлаштиришни, зарур бўлган даражада билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишни талаб этади. Булар ўз навбатида умумтаълим, умумкасибий ва махсус фаиларни турли босқичларда ўқитишда узвийлик ва изчилликнинг таъминлаишини тақозо этади.

Узвийлик бу дидактик принцип бўлиб, у таълим мазмунини ифодаловчи ўқув режалар, дастурлар, дарсликларда ўқув материалларининг бир-бири билан мантикий боғланиш бўлишини, олдин ўзлаштирган билимларга таянган ҳолда кейингиларини ўзлаштиришга тайёрлашни, ўқувчиларда таълимнинг ҳар бир босқичида маълум даражада билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришни таъминлашни талаб қилувчи принципдир.

Узвийлик мураккаб педагогик, психологик муаммо бўлиб, буни ҳал этиш янги дастурлар, дарсликлар яратишда, таълим самарадорлигини оширишда муҳим воситадир. Шунинг учун ҳам умумтаълим, умумкасибий ва махсус фаилар бўйича янги дастурлар, дарсликлар мазмунини шакллантиришда узвийлик принципига амал қилиш керак. Бунинг учун эса энг аввало, узвийликни амалга ошириш объектлари бўлиб нималар ҳисобланади, деган саволга жавоб топиш даркор.

Узвийликни таъминлаш учун авваламбор узвийликнинг ички ва ташқи боғланишларини эътиборга олиш керак. Яъни: ички боғланиш — ўқув режаларидаги фаилараро боғланиш (блоклар, давра, туркумлар); фаилар ўқув материаллари (бўлимлар, мавзулар, мавзучалар) орасидаги боғланиш;

ташки борланиш — таълим босқичларидаги (умум таълим, ўрта махсус, касб — хунар таълими ва олий таълим, бошқалар) борланиш; таснифлагичлар (ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий таълим) орасидаги боғланиш; меъсрий ҳужжатлар орасидаги боғланиш; лабораториялар, молдий техника базаси, ўқитиш воситалари бўйича боғланишлар.

Ҳозирги кунда касб— хунар коллежларида тажриба-синовдан, ўтган умумтаълим фаилари ва умумкасбий фаилари ўқув дастурлари умумтаълим мактабларни ва кейинги поғонада турган олий ўқув юртлирининг ўқув дастурлари билан ўзаро муносаббатда бўлиб, таълимнинг узвийлик ва изчиллик принципига амал қилган ҳолда тузилган. Яъни, уларда ички боғланишлар маълум даражада амалга оширилган.

Маълумки, дарслик ўзувчилар ўзлаштиришилари шарт бўлган, дастурда белгиланган берилган билимлар тизими ва ҳажмини, билимларни дастурга мос ҳолда ўрганиш шартлиги ва кетма— кетлигини белгилайди. Унда ўқувчилар ўрганадиган ҳамма даражалар, қанда, тушунча ва назарий маълумотлар баён қилинади.

Унинг мазмуни ижтимоий ва илмий—техник тараққиётнинг ҳозирги талабларига жавоб беришга, ўқувчиларнинг фан асослари бўйича чуқур ва пухта билим олишларини таъминлаш лозим. Шунинг учун ҳар бир фан бўйича тасдиқланган дастурлар асосида яратилиши лозим бўлган янги замонавий дарсликларда узвийлик принципини таъминлаш учун қуйидагиларга эътибор бериш лозимдир:

- дарслик мазмунида мазкур фанни ва унинг айрим мавзуларини ўрганиш дастурда ажратилган вақтга мос келиши, ўқувчилар тегишли мавзу ва билимларни онгли ўзлаштиришлари учун сарфланадиган вақтнинг ҳисобга олиниши;
 - дарслик мазмуни дастурга мувофиқ равишда ёритилиши, меъёрланган билимларнинг пухта ўзлашуви таъминлаши, шу билан бирга иккидорли ёшларга қўшимча мустақил билимларни эгаллашлари учун маълумотлар бериши;
 - дарсликда турдош фанлар «бўйича берилаётган барча хулосалар бир-бирини тўлдириб бойитиши табиат, жамият ва онг тўғрисидаги қарашларнинг яхлит тизimini ташкил этиши;
 - дарслик орқали ўқувчиларнинг бир фанни ўрганишда ҳосил қиладиган қўшимча ва малакалар иккинчи фанни ўрганишда ёрдам бериши учун замин яратилиши ва бошқалар;
- дарсликда қўлланиладиган атамалар, тушунчаларнинг таърифлари, қонун-қоидаларнинг ифодалари, ҳодисаларнинг изоҳлари фанда ва амалда қабул қилинган изоҳларга мос тарзда баён этилиши;

- hozirgi zamon darsligi bilimni uzlashtirishga qaratilgan savollar, testlar bilan ta'minlangan b'lihi, har bir bob uchun k'шимча ma'lumotlar manbalari r'yxatlari keltirishi lozim;
- darsliklarda ta'lim turlariga mos ta'limi mazmunini b'ritilishida xalqaro tajribalar hisobga olinganligi maqsadga muvofiqdir.

Muayyan fan b'yncha u'quvchilar foydalaniishi uchun m'ljallangan ta'limning didaktik vositalari tizimi u'quv majmu'a deb ataladi. Darslik u'quv metodik majmu'a tarkibiga kiradi va unda stacki u'rinishi e'gallaydi, shuning uchun ham u'kitish vositalari va metodik qu'llanmalarining butun tizimi darslik mazmuniga va tuzilmasiga t'la mos kelishi ham uzviylik prinsiplari ta'minlashda muhim, u'rin e'gallaydi.

Uzluksiz ta'lim tizimidaqi u'рта maxsus, kasb—xunar ta'limi va oliy ta'lim (bakalavriat)da uzviylikni ta'minlash maqsadida u'рта maxsus, kasb—xunar ta'limidaqi tay'irov i'ynalishlari, kasblar va ixtisosliklar kodiда oliy ta'lim bakalavriat tay'irov i'ynalishlari, kodiни ham keltirish lozim. Bu u'z navbatida kelaжkada u'z so'hasi b'yncha oliy ta'limda bilimni oshirmoqchi b'lgan u'рта maxsus, kasb—xunar ta'limi u'quv muassasalarini tamomlagan mutaxassislarга i'yllanma b'lish vazifasini u'taydi.

U'рта maxsus, kasb—xunar ta'limi va oliy ta'lim ta'lim turlarida uzviylikni ta'minlashning mazmuniy parametrlari va bajariladigan uzviylik masalalari aniklandi, ular quyida keltirilgan.

U'рта maxsus, kasb—xunar ta'limi va oliy ta'limda uzviylikning mazmuniy parametrlari

Uzviylik parametrlari	Uzviylik masalalari
Uzumta'lim tay'irovlik	Oliy ta'limda u'qinish davom e'tgiriш uchun u'рта maxsus, kasb—xunar ta'limida umumta'lim tay'irovligini starlik darajadaqi хажми va mazmunini ta'minlash.
Kasbiy ta'lim tay'irovligi (faoliyat i'ynalishlari)	UMKХТ va oliy ta'lim (bakalavriat) tay'irov i'ynalishlari, kasblar va ixtisosliklar b'yncha u'chro bo'g'likni ta'minlash.

Умумқасбий тайёргарлик	Мутахасссларни ижтимоий -- иктисодий соҳалар бўйича олий таълимда ихтисослик олишлари учун техника, технология ва меҳнатни ташкил қилишнинг илмий асослари бўйича чуқур билимлар билан таъминлаш.
Махсус тайёргарлик	Мутахасссларни тайёрлов йўналишларини бирорта йўналиши бўйича ихтисослаштириши таъминлаш
Мутахасссларни тайёрлов йўналишларини бирорта йўналиши бўйича ихтисослаштириши таъминлаш	Мутахассслар амалий тайёргарлигига қўйиладиган талабларга мос келадиган амалий қўникма ва малакаларни шакллантириш.
Касбий омилкорлик (мохирлик)	Ўқув муассасаларини битирувчиларининг тайёрлов йўналишлари бўйича давлат таълим стандартлари ёки талабларга мос қобилиятга, ласқатга малакавий даражага эга бўлишини таъминлаш
Шахсининг ижтимоий ва касбий аҳамиятига эга бўлган сифатларини шакллантириш ва ривожлантириш.	Шахсда ижтимоий ва касбий аҳамиятга эга бўлган сифатлари ва хусусиятларини шакллантириш.
Педагогик кадрларни тайёрлаш	Олий ўқув юртларида педагогик кадрларни тайёрлашни УМКХТ тайёрлов йўналишларига мос ҳолда тайёрлашни амалга ошириш.
Ўқув муассасари ва ижтимоий ҳамкорлар ўртасидаги муносабат	Давлат ва подавлат ижтимоий ҳамкорлар малакавий талабларини бозор меҳнати талабларига мувофиқ таъминлаш.

Демак, ЎМКХТ ва олий таълим маъмурида умумтайёргарлик, касбий тайёргарлик, (фаолиятни йўналишлари), умумқасбий тайёргарлик, махсус тайёргарлик, ишлаб—чиқариш таълими ва амалий тайёргарлик, касбий омилкорлик, шахсининг

иҷтимоӣ ва касбӣ аҳамиятига эга бўлган сифатлари ва хусусиятларини шакллантириш ва ривожлантириш, педагогик кадрларни тайёрлаш ҳамда ўқув муассасалари ва иҷтимоӣ ҳамкорлар ўртасидаги мунособатларни аниқлаш орқали ҳам узвийликни таъминлаш мумкин.

Шундай қилиб, узлуксиз таълим тизимидаги таълим мазмунида узвийликни таъминлаш муаммоси шу даврнинг энг долзарб масаласи бўлиб ҳисобланади ва бу муаммони ҳал этишга умумий ўрта таълим, ўрта махсус касб-ҳунар таълими ва олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган омиллар, ўқитувчилар, амалиётчилар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

Шундан келиб чиқадиган яна бир масала муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ҳам бўлса, касб-ҳунар тизимидаги таълим методлари ва касбий кўникмаларни шакллантириш омиллари.

Таълим методлари ўқитиш жараёнида ва педагогик тафаккурнинг кўп асрлик ривожланиш тарихида муҳим ўзгаришларга дуч келди. Педагогика таълим методларини таснифлаш ва белгилашга бир хил ёпишош мавжуд эмас. Айрим муаллифлар методларни белгилашда билиш манбаларининг хусусиятларини асосий деб ҳисоблайдилар. Чунки озгак (сухбат-тушунтириш, баён қилиши, ўқувчиларнинг техника адабиётлар билан мустақил ишлари ва бошқа кўргазмали (кўргазмали қурол, кино фильм ва дио фильмларни намойиш этиш; меҳнат усулларини кўрсатиш, ўқувчиларни мустақил кузатишлари ва бошқалар); амалий (машқлар, операциялар, иш усуллари, амалий лаборатория машғулотлари) ва бошқалар.

Кейинги пайтларда педагогика назарияси ва амалиётида ўқувчилар билиш фаолиятининг характери бўйича таснифланадиган методлар қўлланилмоқда.

Таълим жараёнида қўлланиладиган методлар ўқувчиларнинг фаолиятини ошириш, ўрганилаётган ўқув материални ўқувчилар чуқур ўзлаштиришни таъминлашга лозим. Шунинг учун ҳозирги даврда кенг қўлланиши мумкин бўлган қуйидаги методлар ҳақида гўҳ галиб ўтамиз.

Назарий методлар:

Тушунтириш. Ўқитувчи ҳар хил воситалар ёрдамида ўқувчиларга тайёр маълумот беради ва улар маълумотин қабул қиладилар, аниқлайдилар ва хотирада сақлайдилар.

ЎСЛАШ МЕТОДИ - ўқитувчи топшириқлар тизими билан ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этади. Ўқувчи эса тасвирлар бўйича кўникма ва малакаларни эгаллайди. Ўқувчилар билимининг ҳажми ортиб борган сари биринчи методдан иккинчиси билан бирга фойдаланиш кўпайиб боради.

МУАММОЛИ БАЁН -- ўқитувчи муаммли вазиятни вужудга келтиради, дарс давомида уни ҳал қилиш йўлиларини тушунтириб боради ва ҳал қилади. Ўқувчилар ўқитувчи билан биргаликда муаммони ҳал қилишда фаол иштирок этадилар.

Қисман изланиш ёки эвристик метод. Ўқитувчи ўқув муаммосини айтиб, уни ёрдамчи қисмларга бўлади ва изланиш йўлини белгилайди. Ўқувчилар эса ўз—ўзларини текшириб муаммони ҳал қиладилар. Бунда ўқитувчи ўқувчиларга айрим йўналишларни, масалан, олдиндан тузилган саволларни айтади.

ТАДҚИКОТ МЕТОДИ — ўқувчиларни янги муаммони ҳал қилишдаги мустақил изланиши ва ижодий фаолиятини ташкил этиш усулидир. Бунда ўқитувчи уларга тайёр муаммони баён қилмайди. Уни ўқувчилар ўзлари ўқув материалини ўзлаштириш жараёнида топадилар, шундан сўнг ўқитувчи муаммони вазияти вужудга келтиради.

2. АНЪАНАВИЙ ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ - Оғзаки баён қилиш, тушунтириш, суҳбат, лекция, ўқув адабиётини ўқиш, тажрибалар ўтказиш, натурал объектларни, кўргазмани воситаларни намойиш этиш; машқ, ёзма ишга гафик иш лаборатория ишлари — баён ва ҳақозолар тизимида восита ва усул сифатида намойиш бўлади. Ўқитувчи эса улар ёрдамида у ёки бу методлардан фойдаланиб дарсни юқори савияда ўтказиши.

АМАЛИЙ ўқитиш методлари — Амалий метод деганда ўқув материалини машқлар, мустақил топшириқлар, амалий ва лаборатория ишлари асосида ўзлаштирилган шакллари тушунилади.

Ишлаб чиқариш таълимида бу методга иш усуллари, меҳнат операциялар, мажмуавий ишлар ва вазифаларни бажаришда мустақилликни ривожлантиришга қаратилган ишларга оид машқлар, лаборатория—амалий ишларга эса технологик жараёни бошқариш машқлари кирди.

МАШҚЛАР кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш мақсадида муайян иш—ҳаракат усуллари кўп марта такрорландир. Ишлаб чиқариш таълимидаги машқларга асосан кўнрадаги талаблар кўйилади: машқларни ўқувчилар

сўнгги ва мақсадга мувофиқ йўсунда бажаришлари, тизимли, изчил, узлуксиз бўлиши ва такрорланиши. ўқувчиларнинг ишдаги мустақиллиги мунтазам ривожланиб бориши керак.

Онгиллик ва мақсадга мувофиқлик машқларни бажаришдаги энг муҳим талабдир

Онгиллик ва мақсадга мувофиқлик кўникмалар шаклланишининг дастлабки нафтиларда, айниқса, катта аҳамиятга эга. Ўқувчилар машқ натижаларидан довдираб қолмасликлари учун ўқитувчи, уларга кийинчиликларни енгини йўллариини ўргатади. Машқлар муваффақиятли ўтиши учун ўқитувчи ўқувчиларни қўлаб — қувватлаб бориши керак. Машқларни тобора кийинлаштириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Машқлар натижасида кўникмаларни шакллантириш жараёни ўқув фаолиятида хал қилувчи рол ўйнайди. Кўникма ҳосил қилишнинг муваффақияти кўиндаги шартларга боғлиқ.

БИРИНЧИ ШАРТ - кўникма нима мақсаднида шакллантиришини англашдир. Ҳар қандай кўникма автоматлашган даражага етказилган ҳаракатлар тизимдир. Агар ўқитувчи материални ўзлаштиришда унинг аҳамиятини тушунмаса, унда бундай ҳаракатлар шаклланиш кийин бўлади.

ИККИНЧИ ШАРТ - машқларнинг тизимли бўлиши. Одатда, кўникмалар ҳосил қилишдаги кийинчиликларга ўқув машқлари тизимини таъкил этиш ва уларни ўтказишдаги камчиликлар сабаб бўлади.

УЧУНЧИ ШАРТ - амалий иш—ҳаракатларни онгли равишда бажариш. Ўқувчи ўз ҳаракатларини, иш операцияларининг изчиллигини яхши тушуниши зарур. уларни механик тарзда такрорлашга ва ёдлаб олишга йўл қўймаслик керак.

ТУРТИНЧИ ШАРТ - дастлабки амалий ҳаракатлар ва операцияларга пухта тайёрлаш. Операциялар онгли равишда, режа асосда бажарилса, кўникма тезроқ ва муваффақиятлироқ шаклланади. Ўқувчи ўзининг дастлабки ҳаракатларида хатога йўл қўймаслиги лозим. Дастлабки ҳаракатлардаги хато кейин такрорланиб, мустаҳкамланиб қолиши мумкин ва уни тузатиш кийин бўлади. Шу сабабли ҳаракатларни бажараётганда операциялар тартибини овоз чиқариб ёки чиқармай гапириб туриш гоят фойдалидир.

БЕШИНЧИ ШАРТ — машқларни мустақил бажариши ва ўзини ўзи назорат қилиши. Ўқитувчи ўқувчига бундай назоратнинг усулларини ўргатиши зарур.

ОЛТИНЧИ ШАРТ бажарилган машқлар, амалий ишларни тахлил қилиш ва баҳолаш. Ўқув кўникма ва малакаларнинг ижобий ҳамда салбий жиҳатлари бўлади. Дарсларда яхши ишларни намоиш қилиш, ижобий намуна асосида ўқитиш мақсадга мувафиқдир.

Кўникмаларни шакллантиришнинг мана шу шартларига риоя қилинса, ўқитишнинг амалий методлари ўқув материални муваффақиятли ўзлаштиришга олиб келади.

Шаклланган кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришни таъминлашнинг асосий омиллари:

Кўникма ва малакаларнинг онгли, тушуниб ва мустаҳкам шаклланиши; уларни шакллантиришда ўзлаштирилган билимларга таянилиши; ҳатоларнинг олдини олиш, уларни ўз вақтида тузатиш. Потўгри иш усулларига йўл қўймаслик; ўқувчиларга ягона педагогик талаблар қўйиш; топириқларни секин-асга мураккаблаштириб (энг оддий иш ҳаракатларидан мураккаб иш ҳаракатларига ўтиб) бориш; машқлар учун ажратилган вақтдан тўғри фойдаланиш; малакалар тўлиқ шакллангунча машқларни давом этгартириш; ўқувчиларнинг эътиборлиги; машқларнинг мунтазам равишда ўтказилиши.

Шундай қилиб, мазкур маълумотлар билан булажак меҳнат таълими ўқитувчиларни академик лицей ва касб-хунар коллежларда бўлаётган ташкилий педагогик методик ҳамда илмий йўналишдаги ишлар билан хабардор қилиш, уларни касб таълим тизимда ҳамкорлик фаолиятларни ўтказишга тайёрлашга асос солади.

VI БОБ. МЕҲНАТ ТАЪЛИМИНИНГ ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

6.1. Дарс. Амалий машғулотлар

Ўқитиш шакли деганда ўқувчиларнинг аниқ машғулот (дарс) дан кўзда тутилган мақсадга эришиши учун меҳнат таълими ўқитувчиси раҳбарлигида ўқув материални онгли ва фаол равишда пухта ўзлаштиришга қаратилган ўқув тарбия фаолиятини тушуномок керак. Шундан кейин меҳнат таълимида фойдаланадиган хилма-хил шакиллар масаласини ойдинлаштириш зарур. Ўқувчиларнинг ўқув устаҳопасидаги ўқув меҳнат таълими ишларининг асосий шаклидан бири дарс ёки амалий машғулотдир. Ўқув меҳнат иши сифатидаги дарснинг асосий белгиси:

ўқувчилар таркибининг доимий ва уларнинг билим (тайёргарлик даражаси) тахминан бир савияда бўлиши, машгулотининг қатъий жадвал асосида ўқув ишлари учун белгиланган маълум вақт давом эттиши, меҳнат таълими ўқитувчининг бевосита раҳбарлиги, унинг хилма-хил ўқитиш методларидан фойдалаланиши дарсини фронтал, звенолаб ва (якка-якка) шаклда олиб бориш имконига эга бўлишдан иборат дейиш мумкин.

Шундай қилиб дарс ўқитиш жараёнига ташкилий аниқлик киритади ва меҳнат таълими ва бошқа фанлар дарсларини навбатлаштириб ташкил этишга, бинобарин, ўқувчиларнинг юқори унумдорлиги билан ўқишини ҳамда дам олишини таъминлашга имкон беради. Лекин, меҳнат техника таълими тизимида ўқувчиларга меҳнат қилиш юзасидан қўйилган вазифаларни хал этиш учун фақат айрим дарсларни яхши ташкил этишни ўзигина кифоя қилмайди. Тўғри ва уйғун ташкил этгандагина дарснинг мазмуни ва тўла мақсадга мувофиқ, очилиши мумкин. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш таълими мақсадлари ва вазифаларига мувофиқ равишда қуйидагига ўхшаш ҳар хил дарс турларини қўллаш мумкин:

1) Комбинацияли (ўқитиш жараёнининг ҳамма звеноларини ўз ичига олган) дарс:

2) Операцияларни ўзлаштиришга (айни операцияга онд иш меҳнат приёмларини ўрганишга) бағишланган дарс:

3) Комплекс ишларни бажаришга (конкрет буюм тайёрлаш муносабати билан илгарини ўрганилган операцияларни технологик комплекс тартида бирлаштиришга) бағишланган дарс:

4) Контрол-текшириш синов, топшириқлари ва малака олишга бағишланган дарс (чорак охирида, ярим йиллик, ўқув даврида).

Айрим дарс шаклидаги ишлаб чиқариш таълими асосан ўқув устахонасида ташкил этилишини эътиборга олиб шуни ҳам таъкидлашимиз керакки, ўқувчилар бажарадиган ишларнинг характерига қараб (бир танили ёки турли танили ишларнинг бажарилишига қараб) дарсини ташкил этиш шакли ҳам танланади (ишнинг дарсини фронтал-бутун синф учун, звенолаб, якка-якка ва аралаш турдаги).

Масалан, ўқувчиларнинг ҳаммаси бир хил ишни бажарадиган бўлса (болга, тайёрлаш қалғи ясашива ҳокозо). Дарсини фронтал шаклини қўллаш мумкин. Бу ҳолда ўқитувчи ўқувчиларнинг ҳаммаси учун биға умумий инструктаж беради ва

ҳамма ўқувчиларга исбатан кўйиладиган умумий талаблар асосида буюмини тайёрлаш технологиясининг тўғри бажарилишини кузатиб боради.

Ўқувчилар бажарадиган ишлар мазмуни (тайёрлаш технологияси) бир-бирига яқин лекин характери яъни конструкцияси бошқа-бошқа бўлган ҳолларда дарсни звенолаб ташкил этиш маъқул, масалан, токарлик станокнинг йиғини (мураккаб маҳсулот воситасида ўргатиб-ўқитиш)да мастер ишни узелларга ажратади (узатишлар қутисидетликлар қутиси, кейинги скоба ва шунга ўҳшаш) ва ҳар бир узелни 2-3 кишилик звенога топширади. Йиғиш операцияларига оид ҳамма умумий маълумотларни мастер фронтал инструктаж тарзида ўқувчиларга айтиб беради, ҳар бир узелнинг ўзига хос маълумотларини эса ҳар бир звенонинг ўзига айтади. Ўқитишнинг бу шаклидан фойдаланганда мастернинг иш ҳажми, айниқса жорий инструктажда, фронтал формадагидан кўра анча ортади.Бироқ бундаги хилма-хил ишлар сонинг кўп бўлиши (станокнинг турли узеллари), ўқувчиларда профессионал билимларнинг ўсишигагина эмас, балки политехник билимлари доирасининг кенгайишига ҳам ёрдам этади.

Индивидуал (якка) ўқитиш шаклини синфдаги кўпчилик ўқувчилар конструкцияси ҳар хил, мазмунан эса бир-бирига яқин бўлган ишларни бажарганларида қўллаш мумкин. Бу хил ишлар, масалан:ўқув устахонаси учун хилма-хил майда буюртмалардан,ёки донга ҳисоби унча катта бўлмаган турли-туман деталлар (токарлик ёки пармалаш станокларни деталлари) бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда мастер тайёрланиши керак бўлган буюмларнинг тайёрланиш технологияси анализ қилиб чикиб, ўқувчиларга фронтал инструктаж тарзида умумий белгиларни (маълумотларнинг) ва якка шакли қўлаганда айтиладиган маълумотларни олдиндан ажратиб қўяди. Бунда индивидуал тарзда айтиладиган маълумотлар кўпроқ бўлади.Кўрамизки, дарсни индивидуал шакл асосида ташкил этганда, мастер кўпроқ тайёргарлик кўриши керак бўлар экан, бунда дарснинг индивидуал шакли ва индивидуал инструктаждан иборат иккита тушунчани бир-биридан фарк қилиш зарур. Индивидуал инструктажин ҳар қандай шаклда ташкил этилган дарсда қўллаш мумкин, лекин бу ишнинг ҳажми фронтал дарс шаклида камроқ, индивидуал шаклидаги дарсда эса кўпроқ бўлади.

Ниҳоят, аралаш шаклдаги дарс юқорида кўрсатиб ўтилган уччала дарс шаклиларининг элементларидан таркиб топади.

Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, дастур материаллининг мазмунига, ихтисос характери ва бошқа факторларга қараб, ишлаб чиқариш таълимида бошқа ташкилий шакллари ҳам қўллаш мумкин. Масалан, ўқувчилар бригадаси шаклидаги ўқитиш ишлаб чиқариш шароитида, дарс шаклини қўллаш мумкин бўлмаган ҳолларида қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бу шаклдаги таълим кўпинча кўмир кони шахтёрларини тайёрлашда, металлургия, химиклар ва кинилоқ хўжалигига тегишли кўпинча ихтисос ишчиларини тайёрлашда қўллаш мумкин.

II. Ўқувчиларни ўқув ишлаб чиқариш бригадалар шаклида ўқитиш.

Бундай шароитларда меҳнат таълими ўқитувчиси одатда ўқувчиларни алоҳида ўқувчилар бригадаларига ажратади, бу бригадаларидаги ҳар бири муайян ўқув-ишлаб чиқариш топширигини бажаради. ТГТУ билан бирга бу топшириқларнинг ўқув мақсади ва мазмуни бир-биридан анча фарқ қилиши мумкин. Масалан, бир бригада мартен печига хизмат қилишига ўрганса, иккинчиси газ генераторларига хизмат қилишни, учунчиси эса назорат-ўлчаш асбобларини кузатиши ва ҳоказо ўрганиши мумкин. Бундай ҳолларда ўқитувчи ўқув бригадаларини ўрганиладиган зоналар чегарасида алмаштириб туриш графигини тузиши керак, токи ҳар бир бригада, масалан, металлургия бутун бир комплексига хизмат қилишдаги ҳамма иш усулларини билиб ўрганиб оладиган бўлсин.

Ўқувчиларни корхона шароитида ўргатишнинг яна бир шакли, уларни ишчилар бригадасига қўшиб ўқитишдир. Бу шаклни, масалан, слесар-ремонтчи, йиғувчи сантехник, маптажчилар, шулингдек, қурилиш ихтисослари каби ихтисосларда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Бу шакл асосида ўқувчиларга ишлаб чиқариш таълими бериш шундан иборатки, юқорида айтилган ихтисосларга доир ишлаб чиқариш бригадаларига умумсслерликка ёки бошқа бирон тайёрларнинг бўлган бир ёки бир неча ўқувчи бириктирилади. Бу ҳолда ишлаб чиқариш таълими ўқитувчининг вазифаси даврни равишида жорий инструкторга ўтказиб туриши, қандалик топшириқнинг тавсифи ва ҳажмининг аниқлаб туриши, бериладиган топшириқнинг мавзуси тегишли кириш инструкторга ва иш натижасига бағишланган якуний инструкторга ўтказишдан иборат бўлади. Лекин ўқувчилар турли объектларга тарқатилган бўлиши туфайли ўқитувчи ҳар бир ўқувчига топшириқ бериш ва ундан ишни қабул қилиб олиш имконидан маҳрум бўлади. Шу туфайли бу ҳолда ўқувчиларни ўқитиш (ўргатиш) вазифаси

кисман ишчилар бригадаси аъзоларига ёки бригадирнинг ўзига топширилади. Ишчилар бригадасида ишловчи ўқувчиларга иш ҳақи уларнинг анча паст малакасини ва сарф қилган меҳнатини ҳисобга олиб ҳисобланади. Ўқувчилар ишчилар бригадаси баъзан ўқилган (ўрганилган) дастурийни гизимли равишда бажариш тамойили бузилади. Чунки ишлаб чиқариш машғулотилар ўқитувчи ишчилар бажарадиган ишга турини (бу иш тури программанинг айни даврида ўрганиладиган ишга мос келмаган тақдирда ҳам) ўзгартира олмайди. Лекин ўқувчиларнинг иш билан доир таъмин этилиб туриши, илғор технология ва илғор меҳнат усулларидан фойдаланиш имконига эга бўлиши, ишлаб чиқариш кабилар бу камчиликларни қисман бўлсада қоплайди.

III. Ўқувчиларни малакали ишчиларга бириктириб ўқитиш

Ишлаб чиқариш машғулоти шаклининг яна бир тури ўқувчиларни малакали ишчиларга бириктиришдан иборат бўлиб, бунда ўқитиш асосий ишдан озод қилинмаган инструктор томонидан амалга оширилади. Бир инструкторга бир вақтнинг ўзига иккитадан ортиқ ўқувчи бириктирилмайди. Ўқитишнинг бу шаклини ижобий томони шундан иборатки, бу усул билан бевосита илғор техника-технологик билан таъминланган ишлаб чиқариш цехларида исталган ҳунар бўйича ишчилар тайёрлаш мумкин. Бунда инструктор учун ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасини ва уларнинг сифатларини эътиборга олиб туриб, энг самарадор ўқитиш усулларини қўллашга имкон бўлади.

Бироқ бунда ўзининг асосий иш билан ҳам шуғулланишига мажбур бўлган инструктор ўзига бириктирилган ўқувчиларга тегишли эътибор бериш имконидан маҳрум бўлади, ишлаб чиқариш таълимининг боришини ҳар куни контрол қила олмайди.

IV. Ўқувчиларни штатли иш жойларида ўқитиш

Ишлаб чиқариш таълимининг махсус шакли - ўқувчиларнинг штати иш ўрниларида (истеъмоли маҳсулоти ишланадиган иш ўрнинларида) ўтказадиган практикаси дур. Бу шакл таълимининг охириги ойларида, қорхона шаронгида ўтказилади. Бу шаклда ўқитишда ҳар бир ўқувчи штатли жойда ишлаб, масу-лотга қорхона томонидан қандай талаблар қўйилган бўлса, ушун талабларга тўла амал қилиб буюм тайёрлайди. Бу ҳолда ўқувчи буюм ишлаб чиқариш вақт нормасини бажаришига ҳам мажбур бўлади. Ўқувчи тайёрлаган маҳсулоти қорхонанинг техник

контрол бўлими ходимлари қабул қилиб олиб, ўқув ишлаб чиқариш фаолиятини шу ҳилда ташкил этиш ўқувчиларини айни ихтисос ишчилари ишлайдиган шароитда меҳнат қилишига одатлантиради. Ўқитувчи ўқитиш шаклиларини ва методларини айни иш ўрнига қўйиладиган талабларга мослаштириб танлаши шарт. Агар айни иш ўрнида ишлаб чиқариш таълими дастури тўла бажарилмайдиган бўлса, ўқитувчи олдиндан тузиб қўйилган график асосида ўқувчинини бошқа иш ўрнига кўчириши шарт.

V. Ўқувчиларини танлаган ихтисоси бўйича ўқитиш.

Аммо касб-ҳунар коллежида (ўқув комбинат, мактаб) ўқувчиларини улар танлаган ихтисос бўйича ўқитиш учун моддий база бўлмаса, ўқувчиларини корхонадаги ўқув цехларида ва махсус ажратилган участкаларда ўқитиш формасидан фойдаланиш мумкин. Бу форма ўқувчиларини ўқув устахоналарида ўқитиш формасига ўхшайди, фарқ шундаки корхонада ўқувчиларга корхона ходими асосий вазифадан озод қилинган инструктор раҳбарлик қилади. Бундан ташқари иш объектлари сифатида корхона цехларининг буюртмалари ҳам бажарилади. Бу эса ўқувчиларини айни корхонанинг унумли меҳнатига ёндоштириш учун энг маъқул тадбирдир. Бирок бунда кириш инструктажи, жорий ва якуний инструктаж ўтказиш учун зарур шароитнинг бўлмаслиги, ўқитиш формасининг самарадорлигини камайтиради.

Нихоят, сифдан ташқари машғулотлар уюштиришнинг сўнгги шакли техник ижрочилик тўғарақларидир. Сифдан ташқари машғулотларнинг ташкилий формаларини ўрганишга киришишдан аввал ишдаги бу босқичнинг ўқувчилар профессионал маҳоратини ўстиришдаги аҳамиятини аниқлаб олиш керак. Гап шундаки, ўқувчиларнинг дарсларда оладиган билим, ўқув ва малакалари фақат программада белгиланган минимумдан иборат бўлади. Ҳолбуки, кўпчилик ўқувчилар замонавий техникага қизиқадилар. Шу сабабдан уларнинг турли техника тўғарақларда қатнашувлари техникага доир билимларини ўз қизиқиши ва қобилиятларига мувофиқ равишда ривожлантиришига имкон беради. Худди шу техника тўғарақларида айрим ўқувчиларнинг моҳирлиги конструкторлик ва техник ижодчилиги намоён бўлади.

Шундай қилиб, ўқувчиларнинг техник ижодчилик тўғарақларида жиддий шугулланиш ўзлари танлаган ҳунарини муваффақиятлироқ ва сифатлироқ эгаллашга ёрдам этади. Техника тўғарақлари “Моҳир қўллар..” (“қўли туллар..”), “Автомоделчилар” „Кемамоделчилар” конструктор ва бошқа номлар билан ташкил этилиши мумкин. Бу тўғарақларнинг ташкилотчилари ва раҳбарлари, ишлаб чиқариш

мастерлар ва ўқитувчилар бўлиши мумкин. Бунда тўғарақларга кимларини ёнчи ишини қандай ташкил этиш, тўғарақ ишларининг натижаларини қандай ташқиқот ташкил кераклигини алоҳида эслатиб ўтишимиз лозим. Фақат тўғарақ ишларини ташқиқот қилишининг энг маъқуллири (кўرғазмалн техника кечаларн, техникага бағишилланган олимпиядалар, деворий газеталар, лекциялар, суҳбат, конкуре ва хоқозо)ғниа техника иждоғлиғи тўғарақларнига ўқувчиларнинг кўйлаб жалб қилиши мумкин.

Саволлар:

- 1) Мехнат таълимида қандай ўқитиш шаклларини биласиз ?
- 2) Малакали ишчиға бириктириб ўқитиш деганда нимани тушунасиз?
- 3) Ўқитишни фронтал, звено, якка-якка, аралаш шаклари қай вақтда кўлланилади ?

Таянч иборалар. ўқитиш шакллари; малакали ишчи; ўқув цехлар.

Мехнат таълимининг ташкилий шакллари:

Мазкур мавзу юзасидан ДТС ва дастури ўзлаштириш лозим бўлган материаллар:

- 1) Масаланинг концептуал асослари.
- 2) Амалий машғулот (дарс) касб таълими соҳасидағи ишнинг асосий шакли.
- 3) Лаборатория ишларида олиб бориладиган тадқиқотлар ва уларнинг технологиялари.
- 4) Корхонага экскурсияни ташкил қилиш технологияси.
- 5) Мехнат таълимидағи фронтал, звено ва якка ҳолатдағи шакллари уларни ташкил этиш технологияси.

ДТС ва дастур юзасидан удрдалани лозим бўлган ишлар:

- 1) Мазкур мавзудағи концептуал асосларнинг шаклланишини маълум моделга келтириб, уни таърифлай олишни.
- 2) Амалий машғулотни олиб бориш технологиясини ишлаб чиқишни.
- 3) Лаборатория ишларида олиб бориладиган тадқиқотлар мақсадинн ташкил этилишини ҳамда технологиясини ишлаб чиқишни.
- 4) Корхонага экскурсияни олиб бориладиган технологиясини ишлаб чиқишни.
- 5) Мехнат таълими пизмидағи дарсларнинг ҳар бир шаклинн модел ҳолатига келтириб, уларни асосланн ва таърифлини дарс мақсади билан узвийлигини исботланишни.

III. Мазкур мавзуга доғр мағилар.

I. Амалий машгулот (дарс) меҳнат таълим соҳасидаги ишнинг асосий шакли;

Меҳнат таълим тизимидаги дарсларнинг ҳар бир шаклини модел ҳолатига келтириб, уларни асослаш ва таърифий дарс мақсади билан узвийлигини исботлашнинг.

III. Мазкур мавзуга доир матнлар.

I. Амалий машгулот (дарс) меҳнат таълим соҳасидаги ишнинг асосий шакли.

Ташкилий шакл деганда ўқитувчининг қўйиладиган мақсадга эришиш учун ўқувчиларнинг меҳнат ва ўқув ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш усулини тушуномок керак.

Меҳнат таълимнинг асосий-ташкилий шакли сифатида қуйидагилардан фойдаланиш мумкин.

1) Амалий машгулот.

2) Амалий лаборатория тадқиқоти.

3) Корхонага экскурсия ўтказиш.

4) Ўқувчиларнинг машгулот жараёнида 3-4 боладан иборат бўлган ишлаб чиқиш.

5) Ўқув цехларида ва махсус ажратилган участкаларда ўқитиш.

6) Ўқув-ишлаб чиқиш амалиёти.

7) Меҳнат машгулотларини ташкил этишнинг фронтал, звено ва якка ҳолдаги шакллари.

Амалий машгулот жараёнида дастур мавзусининг мазмуни очиб берилган меҳнат таълими ва тарбиянинг мақсадлари ва вазифалари амалга оширилади.

Демак, амалий машгулот деганда ўқувчиларнинг ўқув материалини фаол, оғин ва мустақкам ўзлаштирилган мақсадида меҳнат ўқитувчиси раҳбарлигида амалга ошириладиган ҳам жамоа, ҳам якка ҳолда иш турларини ўз ичига оладиган ўқув меҳнат фаолиятини аниқ гашкил эттишни тушуниш керак.

Меҳнат соҳасидаги амалий машгулотлар турли ҳилда бўлиши, яъни янги техник-технологик маълумотларни меҳнат операцияларини ўрганишга, билимларни, меҳнат кўникмалари ва малакаларини мустақкамлашга, назорат-текшириш ишлар, корхоналарга экскурсиялар ўтказиш ва ҳоказоларга бағишланган машгулотлар бўлиши мумкин. Лекин ўқув устахоналарида ўтказиладиган амалий машгулотларнинг турлари ҳилма-ҳил бўлишига қарамадан, уларнинг ҳаммаси қуйидани умумий талабларни қондириши лозим:

1) Машгулотнинг мақсади ҳамда вазифалари аниқ ва равшан ифодаланган бўлиши лозим.

2) Машгулотнинг таркибининг дидактик жиҳатдан кетма-кет (билим кўникма, малака, маҳорат) ва ўқув материалининг мазмунига тўлиқ жавоб берадиган бўлиши керак.

3) Амалий ишларнинг объектини тўғри танлашнинг ижтимоий фойдали қийматга эга бўлиши ва ўрганиладиган меҳнат операциялари ва усулларининг талабларига мувофиқ келиши зарур.

4) Машгулотнинг фойдаланиладиган меҳнат таълими методлари дарс талабларига ва ўқув материалининг мазмунига тўлиқ жавоб бериш лозим.

5) Ўқув устахоналарида машгулотнинг ташкилий-методик тузилгани ўқув ўқувчилар билан жамoa ва яққа ҳолда иш олиб боришни назарда тутиш керак

6) Меҳнат таълими бўйича амалий машгулотларда ўтказиладиган таълим ишлари тарбиявий тавсифга эга бўлиши, яъни мактаб ва КХК ўқувчиларида қайта кўриш маънавий сифатларни таркиб топишига ёрдам бериши лозим.

Меҳнат соҳасидаги амалий машгулотлар турларининг хилма-хиллигига қарамадан, улардаги умумий дидактик элементларни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, булар- ўқувчиларни навбатдаги ўқув материални ўзлаштириш учун жалб қилишга қаратилган машгулотларни уюштириш; ўқувчилар илгариги машгулот ўзлаштирган билимлар, меҳнат кўникмалари ва малакаларининг даражасини текшириш янги материални тушунтириш ва меҳнат операцияларини ҳамда амалий ишларни бажариш вақтида ва меҳнатида усулларини кўрсатиб бериш; ўқувчиларнинг янги мавзуга оид операциялари ва ишларни бажариш вақтида уларнинг билими, меҳнат усуллари даражасини аниқлаш; меҳнат усулларини машқларни билан мустаҳкамлаш ва уларни дастлабки меҳнат кўникмалари даражасига стказиш. Бунда меҳнат ўқитувчисининг пухта назорат қилишга эришиш; амалий таълимнинг мустақил бажарилиши ва ўтган машгулотнинг натижаларига яқин яшадан иборат.

Юқорида санаб ўтилган элементлар амалий машгулотнинг таркибининг ташкил этади. Шундай қилиб, амалий машгулот таркиби деганда дидактик элементларнинг катъий пичиқлиши ва ўзаро боғлашнинг мустақил тушиниш керак, улар эса машгулот мақсадлари ва ўқув материалларининг мазмунига тақозо қилади.

Амалий-лаборатория ишларида олиб бориладиган тадқиқотлар ва уларнинг технологиялари

Амалий лаборатория тадқиқотлар меҳнат машғулотининг шундай туридирки, унда мактаб ва КХК ўқувчилар ўқиғувчи раҳбарлигида махсус ускуналар, асбоблар, апаратура ёрдамида турли тадқиқотлар, тажрибалар, тадқиқотлар, тажрибалар, кузатишлар олиб борадилар. Ўлчамларини амалга оширадилар.

Амалий-лаборатория тадқиқотини фақат умумий таълим фаилари юзасидагина эмас, балки меҳнат таълими бўйича ўтказиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Ўқув устахоналари, махсус кабинетлар, лабораториялар ўқув тажриба участкалар ва ҳокозолар амалий- лаборатория тадқиқот учун база бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Амалий лаборатория тадқиқоти ўқувчиларга турли жиҳозлар, асбоблар, мосламалар билан ишлаш олиш кўникмасини ҳосил қилиш имконини беради: ўлчовлар, кузатишлар натижаларини ишлаб чиқиш ҳамда тўғри илмий хулосалар ва умумлашмалар чиқишни ўргатади. Масалан, VII синфда „металларга термик ишлаб бериш.. деган мавзунини ўрганиш вақтида ўқувчилар пўлатнинг термик ишлов беришда олдин ва кейинги физик-механик хоссаларини (турли асбоблар, мосламалар ёрдамида ва чархлан вақтида чиқарган учкунга қараб пўлатнинг каттиқлигини, мустаҳкамлигини, эгилувчанлигини); термик ишлов бериш режимини (исиш даражасини муҳим ва тобловчи муҳим хусусиятлари ва ҳокозоларни) текширадилар.

Амалий лаборатория тадқиқоти лаборатория жиҳозларини, асбобларини. Текшири- ладиган объектларини ўқувчилар учун топишириқ карточкаларини ва ҳисобот шакллариини тайёрлаш юзасидан ката ва синчиковчилик билан иш олиб боришни талаб қилади. Амалий лаборатория тадқиқоти ҳам фронтал, ҳам звено, ҳам якка усулида ўтказилиши, шу билан бирга унда ўқувчиларга якка инструктаж бериш ҳам кўзда тутилиши керак.

Амалий лаборатория тадқиқоти натижалари жамоа равишида муҳокама қилинадди ва шундан кейин ўқувчиларга баҳолар қўяди.

Шуни ҳам айтиш керакки кўпгина дидактик омиллар ва методларига киритишга мойиндилрлар ҳақиқатдан ҳам улар ўз маъмуни ва таърифига қараб ўткиничи тавсифга эгалар, яъни бир гал улар таълимнинг ташкилий шакли сифатида (бу машғулотлар гулик, дарс бағишланганда), бонка ҳолда эса улар таълим методлари сифатида

майдонга чиқади, бу унчалик узок давом этмайди ва дарс ҳамда машгулотнинг таркибий қисми бўлади.

Бу борада касб таълими бўйича амалий-лаборатория тадқиқоти таълимининг гашкилпй шакли сифатида қараб чиқилади.

V. Корхонага экскурсияни ташкил қилиш технологияси.

Экскурсия меҳнат таълимининг шундай бир шаклидирки, унинг бориши жараёнида ўқувчилар асбоб-ускуналарни технология ва меҳнат жараёнларини ишлаб чиқариш шароитида меҳнатни ташкил этишни кузатади ва ўрганади. Корхонага экскурсиялар ўқувчиларни корхона билан унинг асбоб-ускуналари, меҳнат жараёнларининг гашкил этилиши ва ишлаб чиқариладиган маҳсулоти билан умумий ва аниқ соҳа тарзида таништириш мақсадида ҳам ишлаб чиқаришнинг аниқ масаларининг яъни асбоб—ускуналарнинг энг яъни намуналарини ва ишлаб чиқаришнинг замонавий технологиясини илгор иш усуллари ва меҳнатни илмий асосда ташкил этиш методларини ўрганиш мақсадида ҳам ташкил этилиши мумкин.

Умумий таништириш характериға эға бўлиш экскурсияни таълимининг бирор бўлими (ёғоч ва металлға ишлов бериш хизмат кўрсатиш меҳнат ва касб таълим бирор операцияси ва ҳоқозолар) бошланишидан олдин ўтказилиши керак. Аниқ мавзуга бағишланган экскурсияларни дастурдаги бирор мавзуни ўтиндан кейин ёки ундан олдин ўтказилган маъқул. Экскурсия одатда 15-20 ўқувчидан иборат битта синф билан фронтал равишда ўтказилади. бироқ экскурсия жараёнида айрим ўқувчилар учун яқка ҳолда маслаҳатлар ва изоҳлар бериш истисно қилинмайди.

Меҳнат ўқитувчиси ёки экскурсовод (гит) экскурсия жараёнида ўқувчиларнинг кузатишиға раҳбарлик қилиб туради, уларнинг ишлаш тамойилиға ва маҳсулот ишлаш технологиясиға, меҳнатни ташкил этиш

ва ҳоқозоларға жалб қилинади; булар ўртасида объектив равишда мавжуд бўлган алоқаларни аниқлаш ва таққослаш йўли билан умумий тамойилларни билиб олишни ўргатади.

Масалан ўқувчилар ўқув устахоналаридаги машгулотларда асосан ёғоч, металл, газламаға ишлов беришнинг қўлда бажариладиган операцияларини ўрганиб оладилар. Тегишли корхоналарға ўтказилган экскурсия жараёнида улар энг янги станок жиҳозлари билан ва юкори унумли меҳнат усуллари билан танишадилар. Ўқувчилар ўқув устахоналари ва ишлаб чиқаришдаги меҳнат жараёнларини таққослаб, фақат

ўқувчилар меҳнатининг сифатинигина эмас, балки меҳнат унумдорлигини оширишни ҳам таъминлайдиган хилма-хил дастаки ва станок мосламаларидан кенг фойдаланиш йўли билан кўлда бажариладиган ишларни механизациялаш зарур, деган мустақил хулосаларга келдилар. Бундай экскурсиялар ўқувчиларда ўзлари қурган нарсалари тўғрисида ёрқин таассуротлар қолдиради, уларнинг билим доирасини кенгайтиради, бўлажак ихтисослигига бўлган қизиқишнинг ва меҳнатни қайта қуриш муносабатини шакллантиради, билиш фаолиятини ривожлантиришга имкон беради ва ишлаб чиқариш йнгином асосларини қарор топтиради.

Корхонага ўтказиладиган ҳар қандай экскурсиянинг мазмунига қуйидаги аниқ, ажратилган учта босқич кириши лозим:

1. Кузатиш объектини олдиндан танлаш, унинг аниқ мақсадлари ва вазифаларини аниқлаш корхонага дастлабки гарзда бориб кўриш зарур ҳужжатларни экскурсияни ўтказиш тартиби ўқувчилар учун бериладиган топшириқлар ва ҳисоботларни шаклларини таёрлашдан иборат бўлган тайергарлик босқичи

2. Меҳнат ўқитувчи ёки экскурсияни олиб боровчи (гид) томонидан экскурсияни мақсадлари ҳамда вазифаларни корхона ҳовлисида ва бошқа белгиланган жойларда ўзини тутиш қондалари кузатиш объектлари экскурсия маршрути тўғрисида суҳбат ўтказиш ўқувчиларнинг бевосита кузатиши ва зарур вазифаларини бажариши.

3. Экскурсияга яқин ясаш экскурсия жараёнида пайдо бўладиган масалаларни ҳал қилишга қаратилган яқинловчи суҳбат ўтказиш билан чекланмайди. Меҳнат бўйича навбатдаги машғулотларда бажариладиган вазифаларни ва ҳисоботларни таҳлил қилиш ҳамда жамоада эркин равишда муҳокама қилиш йўли билан экскурсияга узил кесил яқин ясалади.

Меҳнат таълимидаги фронтал, зеро ва яқка ҳолатдаги дарс технологияси.

Меҳнат таълими машғулотлари ўқитувчига ўқув материалининг мазмунидан келиб чиқиб, ўқувчиларнинг ўқув меҳнат фаолиятини фронтал, зеро ва яқка гарзда ташкил этишдан кенг фойдаланиш имконини беради.

Чунончи, машғулотларнинг фронтал гарзда ташкил этиш гуруҳидаги барча ўқувчилар айни бир хил ўқув материални бир вақтда ўрганадилар ва бир хил меҳнат вазифаларини бажарадилар. Янги меҳнат операциялари ва усулларини ўрганиш вақтида бу шаклдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. У меҳнат таълими ўқитувчисининг машғулотга тайёргарлик кўриши шунини осонлантиради (меҳнат

топширикларининг бир хиллиги, ўқувчиларга кириш инструктажи берил шаклида тақсим қилинадиган ўқув материали, асбоблар ва мосламаларнинг чекланган рўйхати ва ҳоказолар).

Ўқувчилар топширикларни мустақил равишда бажаришга ўтишга бу шаклнинг ўрнини бошқаси, яъни звено ёки якка ҳолдаги шакл ҳолатда бошлайди, ҳамда фронталликнинг бузилиши муқаррар бўлиб қолади, чунки бир хил ўқувчилар ишда бошқалардан ўзиб кетадилар. Шу сабабли фронтал шакл машғулотнинг бошланғич қисмидагина сақланиб қолади ва жорий фронтал инструктаж ўтказиш вақтида зарур бўлади.

Ўқувчилар ҳар-хил ўқув-меҳнат топшириқлар берилганда меҳнат машғулоти ташкил этишнинг шаклида фойдаланилади. Ишларнинг мураккаблигига қараб, уларни бажариш 2-3 ўқувчига (звенога) топширилади. Бундай ташкил этиш кўпинча техник моделларни, ўқув асбобларини тайёрлаш вақтида, оталиқ қилувчи корхона ёки ўз мактабининг хилма-хил ишлаб чиқариш буюмларини бажариш вақтида қўлланилади. Ташкил этишнинг бу шакли ўқувчиларда топширилган иш учун масъулиятни ҳис қилиш ва ўзаро ёрдам кўрсатиш, жамоатчилик ва дўстлик сингари муҳим шахсий сифатларни таркиб топтиришга имкон беради.

Ташкил этишнинг звено шакли бир ўқувчига амалда қиладиган мураккаб буюмларни ижодий равишда ихтирочилик қилиш ва тайёрлаш учун шарт-шароит яратиб беради. Бироқ ташкил этишнинг звено шакли бир қанча камчиликларга эгадир, яъни ўқитувчининг дарсга тайёргарлик кўриш ишлари бирмунча кўнаиб кетади, звенонинг ҳамма аъзолари ҳам бир хилда ғайрат билан ишламайдилар, натижада хилма-хил ривожланишга ва меҳнат тайёргарлигига эга бўладилар, кириш инструктажини ўтказиш ҳатто ёзма график инструкцияларидан фойдаланганда ҳам мураккаблашиб кетади.


Ўқув устахоналарида тегишли жиҳозлар етишмаганда ва ўқувчилар махсус график асосида ўқитилганда (токарик, фрезерлик станокларида тиккиш машинасида ишлаш) ёки ўқитувчи анча яхши ўзлаштирадиган ўқувчилар бир мунча мураккаб якка ҳолда бажарадиган топшириқлар берган вақтида меҳнат дарсида меҳнат машғулотларини ташкил этишнинг якка ҳолдаги шаклидан ёки звено бўлиб топшириқларни бажариш шаклида фойдаланишга тўғри келади. Бунда ўқувчиларнинг киниклиларини, уларнинг тайёргарлик даражасини ҳисобга олиш керак.

Амалий машғулотларни ташкил этишининг юқорида кўриб чиқилган ҳар бир шаклида меҳнат бўйича машғулотларда фойдалинилади ёки улар битта амалий машғулотларга ҳам тадбиқ қилиниши мумкин. Бу борада машғулотлар куйидагича таъйинла биноан ташкил этилади (1-расм).

Мазкур бобдаги материалларни ҳар бир параграф юзасидан мустақил равишда куйидаги технологияга биноан тулдиринг, бойитинг ва чуқурлаштиринг.

1. Мазкур мавзуга доир янги материаллар тўплани ва уларни ҳар томошлага (педагогик, психологик, ташкилий методик, дидактик, методик, социологик, ДТС, тест рейтинг нуқтаи назаридан) ўрганинг, таҳлил этинг, ҳамкасбдошлар орасида мавзу юзасидан тегишли тест ўтказинг ва унинг натижалари асосида хулосалар тайёрланг.

2. Мавзу юзасидан бошқа манбалар билан танишиб ўзлаштиринг. Уларни тўпланиг қўшимча маълумотлар билан қўлингизда асосий материалларни бойитинг, чуқурлаштиринг, кенгайтиринг ҳамда мазкур йигилган материаллар бўйича тегишли хулосалар ва таклифлар тайёрланг.



1-расм

3) Асосий ва қўшимча материалларни таҳлилий жараёнда аниқланган педагогик, дидактик, методик ва ташкилий лавозим раминида фанларга хос гоёлар, тушунчалар, майлларни аниқ тизим ёки модел ҳолатига келтиринг ҳамда уни график шаклларида тайёрланг.

4) Юқорида қайд этилган топширикларни бажарини жараёнида тўнланган маълумотлар асосида Амалий фаолиятинида хос чора-тадбирлар (дастур амал-режалар, лойиҳалар, тизимлар, касбий педагогик, дидактик моделлар ва ҳоказо.) ишлаб чиқинг тайёрланган материалларинида тегишли кафедралар билан келишилган ҳолатда гуруҳинида илмий ҳимояга тайёрланг.

VII БОБ. МЕХНАТ ТАЪЛИМИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ

7.1. Мехнат таълими методларининг тавсифлари

I. Мазкур боб юзасидан ДТС ва дастурни ўзлаштириш лозим бўлган материаллар:

1. Масаланинг концептуал асослари.
2. Мехнат таълими методларининг тафсилотлари.
3. Мехнат таълимининг оғзаки методлари.
4. Мехнат таълимининг кўрсатмали методлари.
5. Мехнат таълимининг амалий методлари.
6. Муаммоли таълим методлари.
7. Билимлар, меҳнат кўникмалари ва малакаларини текшириш методлари.

II. ДТС ва дастур юзасидан удалашни лозим бўлган ишлар:

1. Мазкур мавзудаги концептуал асосларнинг шаклланиш жараёнини маълум моделга келтириб, уни таърифлай олишни.
2. Мавжуд методларни тизим ҳолатига келтириб, изоҳлай олишни.
3. Оғзаки методларни модель ҳолатига келтириб, ҳар бирини аниқ мисоллар билан таърифлай олишни.
4. Кўрсатмали методларни моделлаштириб, изоҳлай олишни.
5. Амалий методларни аниқ касблар мисолларида фойдаланиш технологияларини ишлаб чиқишни.
6. Муаммоли таълим методларини тизим ҳолатига келтириб, изоҳлашни.
7. Билимларни, меҳнат кўникма ва малакаларни ҳар бирига хос моделларда ишлашни ва уларни изоҳлашни.

III боб. Мазкур мавзуга доир матилар.

Мехнат таълими методлари деганда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳамкорлик фаолиятидаги усулларни тушуниладиган ҳолатда, уларнинг техник-технологик билимларини, меҳнат ва касбий кўникмалари ва малакаларига ҳамда уларда мавзу мазмунини табиат, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий, меҳнат ва касбий маданияти юзасидан дунёқарашни шакллантиришга, мустақил равиюда билим олиш ва бу билимларни амалда фойдаланиш қобилиятини оширишга қаратилган бўлади.

Фан, техника, технология ва ишлаб чиқаришнинг тараккий этиб бориши муносабати билан касб таълими методлари доимий равишда ривожланиб ва такомиллашиб бормоқда. Бу методларнинг ривожланиши ва такомиллашуви илғор педагогик технология тажрибанинг тўпланиши, илмий-методик тадқиқотларнинг кенгайиб ва чуқурлашиб бориши асосида дидактик тамойилларнинг, меҳнат ва касб таълими тизимларининг такомиллашиб бориши билан маҳкам ўзаро узвий боғланган ҳолда рўй бермоқда.

Меҳнат таълими методларини ривожлантириш ва такомиллаштиришда бутун дунё психологлари ва физиологларининг, айниқса ўқувчиларда меҳнат кўникмалари ва малакаларини таркиб топтириш, уларнинг мазмуни ва тавсифи соҳасидаги, меҳнат фаолиятининг ақлий компонентларини, шаклларни ҳозирги замондаги юксак ривожланган ишлаб чиқариш ходимлари учун тафсилот бўлган ижодий фаоллиги, ташаббуси ва бошқа муҳим сифатларни текшириш соҳасидаги тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эгадир.

Таълим жараёнининг, хусусан ўқувчилар меҳнат фаолиятининг интенсивлашуви хилма-хил махсус тренежёрлар, рўйхатга олувчи ва текширувчи қурилмалар ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишни зарур қилиб қўйдики, бу қурилмалар ўқувчиларнинг меҳнат ҳаракатларини қайд қилиш ва иш вақтида йўл қўйиладиган камчиликлар тўғрисида тезда хабар етказиш имкониятини беради. Ўқувчиларнинг ана шундай тренежёрлардан ва текширувчи қурилмалардан фойдаланган ҳолда машқларини ўтказиш айниқса, меҳнат усулларини таркиб топтиришнинг бошланғич босқичида меҳнат ва касб таълимининг энг муҳим методларидан биридир.

Меҳнат таълими жараёнида ўқитишни жорий қилинган муаммони ўқитиш тури ўқувчиларда фикрлаш фаолиятининг юқори даражада фаоллаштиришга ва уларнинг ижодий қобилиятларини авж олдиришга қаратилган янги методларини вужудга келтиришга сабаб бўлади. Меҳнат таълимининг ҳар бир методи бир қатор усулларни, уларнинг анча сода таркибий қисмларини ўз ичига олади. Масалан: ёғочга, металлга, назаנדачилик, миллий хунармандачилик, қишлоқ хўжалик ва бошқа меҳнат операциясини ўргатиш жараёнини қуйидаги бир қанча усуллари; иш ўрнида гандани қандай тутишни, асбобларни ушлашни кўрсатиш, ҳаракатин иш суръатида, ескин ва қисмларга бўлган ҳолда, кейин яна иш суръатида кўрсатиш усуллари қиради.

Меҳнат таълими методларининг бутун тизимини бешта гуруҳга бўлиш мумкин. Улардан ҳар бири ўз навбатида бир қанча методларни ўз ичига олади. 1-оғзаки методлар, 2-кўрсатмачи методлар, 3-амалий методлар, 4-муаммоли ўқитиш методлари, 5-билимлар, меҳнат кўникмалари ва малакаларини текшириш методлари, ҳамда тадқиқот методлари.

Шунинг таъкидлаш керакки, меҳнат жараёнида умумий дидактик тафсилотга эга бўлган кўникма методлардан фойдаланилади. Бироқ, меҳнат усулларини амалда кўрсатиш, меҳнат усулларни бажаришга оид машқлари, техникага оид сўровнома ва технология ҳужжатлари билан иш олиб бориш, ўқув-ишлаб чиқариш топшириқларини бажариш, назорат амалий ишларни бажариш каби методлар фақат меҳнат ва касб таълимига хос бўлган методлардир.

7.2. Меҳнат таълимининг оғзаки методлари

1. Сухбат, материални оғзаки баён қилиш. Бу метод ўқув материални шундай баён қилишни назарда тутадикки, бунинг натижасида янги техника меҳнат тушунчалари очиб берилади, машиналар, меҳнат ва технология жараёнлари ҳақидаги техник-иқтисодий маълумотлар ўрганиб чиқилади, умуман меҳнат усуллари ва топшириқларини бажариш юзасидан тушуитиришлар берилади. Бу метод асосида ўқитувчининг жонли сўзи ётади, бу сўз эса ўқувчиларга кучли хис этилиши (эмоционал) таъсир кўрсатади, уларнинг тасаввурини бойитади, ижодий фикр юритишга ундайди, кўникма шахсий ижобий сифатларни таркиб топтиришга ёрдам беради.

Баён қилинаётган материал ўқувчиларнинг тушуниши учун кийин бўлган, янги маълумотлар хабар қилинган, меҳнат усулларини бажариш йўлларини тушуитириб бериш талаб қилинган ҳолларда оғзаки баён қилиш методидан фойдаланилади. Ўқитувчи оғзаки баён қилиш жараёнида ўз ёзувларини, ҳисоблари, ҳисоб-китоблар, эскизлардан кенг фойдаланади. Ўқув материални ўзлаштириш учун ўқувчилар ўтилган мавзу юзасидан ҳақиқий тайёргарлик даражасига эга бўлишлари керак. Бу сўраш ёки эсадан чиқариб юборилган дарсларни қайта тиклаш ва тажриба орттириш йўли билан осон аниқланади.

Ўқув материални баён қилиш мунтазам, мантиқан изчил ва шуғулланган бўлиши керак. Бунда ўқувчилар материални осон англаб олиши учун ўқитувчи ўз

тушунтиришни ўқувчиларга тес таволларини бериш билан бўлиб туриши, уларнинг ўзлаштиришни ва диққатини текшириши керак.

Огзаки баён қилиш методи айрим камчиликларга эгадир (баъзан ўқувчиларнинг дарсада фаоллик кўрсатмаганлиги ва уларнинг дарсларда яхши ўзлаштирмаслиги кузатилади), натижада ўқитувчи кўпинча дарснинг ўзлаштирилиш жараёнини тезлатиб бошқариш имконидан маҳрум бўлиб қолади. Бу камчиликларга барҳам бериш учун дарса риторик саволлар (яъни булар шундай саволларки, уларга ўқитувчининг ўзи жавоб қайтаради) бериш, шунингдек кўрсатмани қўлланмаларни намойиш қилиш, технология ҳужжатларини, кинематик қўлланмаларни таҳлил қилиш, ҳисоб-китоблар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ўқитувчи ўқувчилар эҳтимол бўлган саволларни, уларнинг шубҳалари ва эътирозларини олдиндан кўра олиши, ўзи саволлар қўйиб ўзи уларга жавоб қайтариши керак. Кириш ва жорий инструкторлар ўтказиш вақтида меҳнат ва ҳунар дарсларида ўқув материалларининг огзаки баён қилишдан кенг фойдаланилади. Таҷрибали ўқитувчилар одатда ганин машғулот мавзуси унинг айрим муҳим масалалари билан қисқача таништиришдан бошлайдилар, бундай мақсад ўқувчиларга маъмур масалалар ўртасидаги узвий боғлиқлик олдиндан аниқ бўлиши кераклигиндир. Масалан: ҳар бир станокни, машинани ўрганиш вақтида ўқитувчи ўқувчиларни бу станок ва машинанинг вазифаси билан таништиради. Шундан кейингина уларнинг тузилиши ва ишлаш тамойилларини тушунтиришга ўтади, уларда бажариладиган технология жараёнларини билан таништиради. Бу ҳол ўқувчиларда ана шу станок ва машинанинг конструкциясини батафсил ўрганиб чиқишга қизиқиш уйғотади. Улар бу станок ва машиналарнинг пайдо бўлиш ҳолатлари айрим узеллари қандай тузилганлигини, уларнинг вазифаси ва конструктив хусусиятлари қандайлигини, улар ўртасидаги кинематик боғланиш шималардан иборат эканлигини ва ҳоказоларни билишни истайдилар. Ўқув устахоналарида ўтказиладиган меҳнат операцияларини билиб ва ўзлаштира олиш вақтида ўқитувчи аввало уларнинг вазифаси ва ишлаб чиқариш (технология) жараёнида тутган ўрнини тушунтириб беради, уларни ўқувчилар илгари ўзлаштира олган операциялар билан таққослайди, бу билан уларга ҳос бўлган умумий белгиларни ажратиб кўрсатади ва фарқларини тушунтириб беради. Шундай қилиб ўқув материалларини огзаки баён қилиш вақтида ҳулосалар ва

умумлашмаларни исбот бўлиши учун ўрганилаётган жараёнулар, ходисалар ва предметларни қиёсий таҳлил қилиш катта аҳамиятга эга бўлади.

Ўқитувчи мавзунини баён қилишнинг тамомлар экан, ўқув материалининг асосий қондаларига қисқача яқин ясаши лозим.

2-суҳбат. Бу меҳнат таълимининг шундай усулдирки, унда ўқитувчи тўғри қўйилган саволлар ёрдамида ўқувчиларда илгарини ўзлаштирилган билимларни эсга туширади ва шу асосда мустақил равишда янги билимлар ҳосил қилишга ундайди.

Меҳнат таълими методи бўлган суҳбатда янги материалларни ўрганиш вақтида шунинг учун фойдаланиладиган, илгарини ўзлаштирилган билимлар ва амалий тажриба унинг базаси бўлиб, хизмат қилиши керак. Билимлар, амалий тажрибалар мавҳум бўлмасдан, мазмун жиҳатидан ҳам тафсилот (характер) жиҳатидан ҳам, боғланган бўлиши, яъни умумийликка эга бўлиши лозим.

Ўқувчиларнинг янги ўқув материалининг суҳбат усули билан ўрганиш ўқитувчилар машғулотга пухта тайёргарлик кўриши талаб қилади. Бу тайёргарлик шундан иборат бўладики, ўқитувчи дарс режасини тузиш вақтида суҳбатнинг асосий мазмунини белгилаб олади, асосий саволларни тузиб чиқади, бутун суҳбатнинг боришини, ўқувчилар бажариши мумкин бўлган жавобларни ўйлаб олади, қисқича кириш ва якунловчи суҳбатларни тайёрлайди.

Ўқувчилар суҳбатнинг бориши жараёнида ўқитувчининг саволларига жавоб берар эканлар, ўзларига илгарини материалдан маълум бўлган фактлар, қондаларни таҳлил қиладилар, янги яқунларни ифодалайдилар ва умумий хулосалар чиқарадилар. Ҳамма ўқувчилар қўйилган саволларнинг мазмунига қараб, зарур бўлиб қолса, бир-бирларининг жавобларини тўлдирдилар ва тўғирлайдилар. Бунда ўқитувчи суҳбатнинг боришини тўғри бошқариши асосий эътиборни анча кучли ва фаол ўқувчиларга қаратмасдан бирмунча 3, 2, 1 баҳолар атрофида биладиган ўқувчиларни ҳам суҳбатга жалб қилишга эътибор бериши муҳимдир. Суҳбатни ўтказиш вақтида ўқитувчи ўзи қақирмоқчи бўлган ўқувчининг ўзигагина мурожаат қилиб қолмаслиги керак, чулки бундай ҳолда бошқа ўқувчиларнинг ижодий фаоллиги пасайиб кетиши, бу ҳол суҳбатнинг бориши ва сифатига салбий таъсир қилиши мумкин. Жамоа суҳбатлардан кириши, шунингдек якунловчи шпруктажлар ўтказиш вақтида ҳам фойдаланиши мумкин.

Меҳнат таълими бўйича ўтказиладиган машғулотлар, ўқув материалининг мазмуни суҳбат методидан фойдаланиш учун катта имкониятлар яратиб беради. Масалан: ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларида ишлатиладиган машиналар, механизмлар ва асбобларни, технология, меҳнат жараёнлари ва операцияларни, меҳнатни режалаштириш ва ташкил этишни ўрганиш, уш мазмунида умумий белгилар ва ўхшаш хусусиятларга эга бўлган ана шу жараёнларни қиссий таҳлил қилиш асосида ўқувчиларнинг фикрлаш фаолигини ривожлантириш, уларни олган билимларини эътиқодга айлантириш имконини беради.

Демак, меҳнат таълими дарсларида фойдаланиладиган суҳбат методининг афзаллиги шундаки, у ўқувчиларнинг билишга оид қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам беради, уларнинг фикрини ниҳоятда фаоллаштирадн, таълим жараенини онератив бошқариш учун шарт-шароитлар яратиб беради. Бирок, бу методни универсал метод деб ҳисоблаб бўлмайди, чунки у ўқувчиларда меҳнат кўникмалари ва малакаларини таркиб тантиришни таъминлаб бермайди.

7.3. Меҳнат таълимининг кўрсатмалли методлари

Мустақил кузатишлар меҳнат таълимининг шундай методидирки, у вақтида, корхоналарга экскурсиялар ўтказиш ва меҳнат усуллари бўйича машқларни ўтказиш вақтида, машиналарнинг конструкцияларини ўрганиш ҳамда технологик жараёнларни бажариш вақтида тарбиялаб бориш зарур.

Кўрсатмалли қўлланмаларни намойиш қилиш меҳнат ва касб таълимининг ўрганилаётган объектларини кўрсатма ҳиссий идрок қилишга асосланган методидир. Бу метод ўқув материални баён қилиш жараёнида қуйидагиларни кўрсатишни назарда тутди:

а) табиий намуналар: машиналар, станоклар, механизмлар, мосламалар, асбоблар, заготовклар, материаллар.;

б) ясси ва ҳажмдор қўлланмалар (плакатлар, схемалар, жадваллар, диаграммалар, моделлар);

в) экранли қўлланмалар (диапозитивлар, диафильмлар, ўқув видео ва кинофильмлар). Кўрсатма қўлланмаларни намойиш қилиш вақтида муайян изчилликка амал қилиш, ўқувчилар кузатаётган объектни баён қилннаётган материал мазмуни билан боғлаш керак.

Табиий намуналарни намойиш қилиш жараёнида агар улар йирик объектлар (машиналар, станоклар, механизмлар, мосламалар) бўлса, меҳнат ўқитувчиси уларни тўғридан-тўғри иш жойининг ўзидан туриб кўрсатиши мумкин. Агар табиий кузатишлар объектлари кичик бўлса (асбоблар, заготовкalar, материалларнинг намуналари), у ҳолда бу материалларни ўқувчиларга тарқатиш мақсадга мувофиқдир. Шундай қилганда ўқувчилар бу объектларнинг ташқи кўриниши, тузилиши билан яхшироқ танишадилар. Баъзан кузатиш объектини динамик тарзда, яъни ҳаракатда намойиш қилган фойдаландир, бу эса ўқувчиларнинг объектларнинг конструктив хусусиятларини ҳам, уларнинг айрим қисмлари ўртасидаги кинематик боғланишни ҳам яхшироқ тушунишларига ёрдам беради.

Ясси ва ҳажмдор қўлланмалар (улар одатда анча йирик масштабда бажарилади) бевосита ўқитувчининг иш жойидан туриб намойиш этилиши мумкин. Катта ҳажмдаги қўлланмалар содда конструкцияга эга бўлиб, уларнинг ички тузатиш ва ишлаш принципини кўрсатиш вақтида осонгина бўлақларга ажралади, лекин улар кузатишнинг табиий объектларини намойиш қилиш ўрнини эгаллай олмайди.

Меҳнат дарсларида экранли қўлланмаларни намойиш қилиш ўқувчиларга баён қилинаётган материални яхшироқ тушуниш ва ўзлаштириб олиш имконини, ўқитувчи эса дарсга тайёрларлик кўриш ва предметларни намойиш қилиш вақтини қисқартириш имконини беради. Масалан, деталь тайёрлашнинг технологик жараёнини тушунтирганда ўқитувчи ўқувчиларга диапозитивнинг тайёр лентасини намойиш қилиши ёки станок ва машинанинг кинематик схемасини тушунтириш вақтида (айниқса тегишли плакатлар мавжуд бўлмаганда) эпидиаскоп ёрдамида китобларда жойлаштирилган схемалар ва суратларнинг слайдларини намойиш қилиш мумкин.

Ўқув видео ва кинофильмлардан фойдаланиш ўқувчиларга ҳозирги замон техникасининг намуналарини яққол ва ҳаракат қилаётган вақтда кўрсатиш, илғор технология билан корхонадаги меҳнатни ташкил этиш ва унинг маданияти хусусиятлари билан у ерга бормасдан туриб танишни имконини беради. Масалан, ўқувчилар чўян ва пўлат олишдан иборат металлургия жараёнини ўрганаётганларида кўпинча ана шундай корхонага экскурсияга бориш имкони бўлмайди. Мазкур мавзудаги ўқув кинолентаси эса ўқувчиларнинг табиий шароитларда ходисаларни ва ишлаб чиқариш жараёнларини бевосита идрок қилишни таъминлайди. Бу методдан

технология ва меҳнат жараёنларини бориши, машиналар ва уларнинг иш режимини ўрганиш учун, сгалоқлар, машиналарнинг ишидаги нуқсонларини аниқлаш, меҳнат усуллари ва уларнинг элементларини ўрганиш вақтида фойдаланиш мумкин.

Мустақил кузатишлар жараёнида ўқувчиларда технология ва меҳнат жараёнининг боришини тўғри ва тез аниқлаб олишга оид сенсор кўникмалар ва малакаларгина эмас, бир-биринга ўхшаш хусусиятлар, ходисалар фактларини гуруҳларга ажратишда, улардаги ўхшаш ва фарқ килувчи белгиларни топишда, хулосалар ва умумий фикрлар чикаришда намоён бўладиган интеллеқтуал фаолиятни ривожлантириш ҳам рўй беради.

Ўқувчиларнинг мустақил кузатишларини куйидаги схема асосида ташкил этиш ва ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

1. Ўқитувчиларнинг кузатиш объектларини танлаши.
2. Кузатишга оид яқка ва зверога режаланган топшириқларини тайерлаш ва бериш; бу топшириққа кузатиш вақтида аниқлангани лозим бўлган масалалар аниқ ифдаланган бўлиши лозим.
3. Бевосита кузатишларнинг бажарилиши (кузатишни қандай олиб бориш, қандай тизимда ва изчиллиқни ўтказиш кераклиги ҳақида йўл-йўриқ берилади).
4. Кузатиш натижаларини ёзма, график ҳисоботлар тарзида расмийлаштириш.
5. Кузатиш натижаларини жамоа равишида муҳокама қилиш ва уларга баҳо бериш.

Меҳнат таълим дарсларида мустақил кузатишга оид вазифалар ўз мураккаблиги, характер ва мазмунига қараб ўқитувчи томонидан турли муддатларга берилиши мумкин.

Ўқув устахоналарида ўтказиладиган машғулотлар вақтидаги мустақил кузатишларнинг турларидан бири сифатида ўқувчиларнинг объектив ўқувчилар вақтини белгилаш мақсадида амалий ишларни бажариш вақтида ўз меҳнат фаолиятини мустақил кузатишни айтиш мумкин. Бошқача сўзлар билан айтганда, ўқувчилар ҳар йили ёки бир неча йил мобайнида такрорланиб турадиган энг тиник ва изчил иш турларини бажариш вақтида ўз фаолиятларини мустақил хронометраж қилишлари лозим.

Ҳар бир ўқувчи мустақил хронометраж жараёнида секундомердан фойдаланиб, хронометраж харитасида ҳар бир меҳнат операциясига кетадиган ҳақиқий вақт сарфини қайд қилади, улардан бутун маҳсулотни ишлаш учун кетадиган умумий вақт

ҳажми ҳосил бўлади. Бундай кузатишлар узок вақт давом этиши (уч ой, ярим йил давом этиши) мумкин. Улар ўқувчиларнинг ўзи учун меҳнатни режалаштириш усулларини ўрганиш маъносида жуда фойдалидир ва ўқув устахоналари учун ҳам қимматлидир, чунки тайёрланадиган буюмга кетадиган объектив ўқувчилар вақтини аниқлаш имкони гугилади. бу ҳол биринчи навбатда меҳнат ва касб таълимининг ташкилий томонини яхшилашга ёрдам беради.

Ўқувчилар яхши кузата бўлишлари учун уларда ана шу сифатни меҳнат таълимининг ҳамма босқичларида: кўрсатма қўлланмаларни, ўқув фильмларини, буюмлар ва меҳнат усулларининг аниқ намуналарини кўрсатиш бундай вақтда бебаҳо методик восита бўлиб хизмат қилиши мумкин. Меҳнат дарсларида кўргазмалар қўлланмалардан фойдаланиш методининг самарали бўлиши қуйидаги талабларга риоя қилинишига боғлиқдир:

1. Кўрсатма қўлланмаларни намойиш қилиш вақтида уларнинг барча ўқувчиларга яхши кўринадиган бўлишини таъминлаш зарур.

2. Кўрсатма қўлланмалар ўқув материали мазмунининг энг муҳим белгиларини акс эттириш лозим.

3. Баён қилинаётган материалнинг мазмунига тўла-тўқис мувофиқ келадиган кўрсатмалар намойиш қилиш керак. Ортиқча кузатиш объектлари бўлмаслиги лозим, чунки улар ўқувчиларнинг диққатини чалғитиши мумкин.

4. Ўқитувчи кўрсатилаётган нарсанинг ўқувчилар томонидан идрок этилиши жараёнига аниқ раҳбарлик қилиши лозим.

Меҳнат усулларини кўрсатиш меҳнат ва касб таълимининг меҳнат усулларни операциялари, жараёнлари ва уларнинг элементларини ўрганиш вақтида фойдаланиладиган алоҳида методидир. Янги меҳнат операциясини ўрганиш вақтида ўқитувчи ундан ўқувчилар ўзлаштириб олиши зарур бўлган энг муҳим меҳнат усулларини алоҳида ажратиб кўрсатиши зарур.

Меҳнат усулини кўрсатишини шартли равишда тўрт босқичга бўлиш мумкин

1. Ўқитувчининг меҳнат усулини иш суръатида кўрсатиши.

2. Меҳнат усулини алоҳида элементларга (иш ва иш бажаришдаги ҳаракатларга) ажратиш ва улардан ҳар бирини ескин суръат билан кўрсатиш.

3. Меҳнат усулини иш суръатида гақрорий кўрсатиш.

4. Ўқувчиларнинг кўрсатилган меҳнат усулини (унинг элементларини) синов тариқасида бажариш билан ўзлаштиришни текштириш.

Меҳнат усулини кўрсатиш вақтида унинг ўқувчиларига яхши кўринадиган бўлишини таъминлаш зарур. Ўқитувчи меҳнат усулини кўрсатар экан. Унинг айрим элементларини қандай бажариш усулларини батафсил тушунтириб бериши лозим, чунки меҳнат усулини кўрсатишнинг ўзи ҳали ўқувчиларнинг ўз олдларига қўйилган вазифаларни аниқлаган ҳолда тўғри тушуниб олишларини таъминламайди. Масалан, ўқувчиларнинг металлларни қирқиш бўйича меҳнат операциясини бажариши вақтида ўқитувчи бу операциядан шундай меҳнат усулларини, яъни иш ўрнида гавдани қандай тутиш, зубилани чан қўл билан ушлаш, зарб элементларини (бармоқлар, тирсак ва елка билан) ишлаб чиқишни алоҳида ажратиб кўрсатади. Сунгра юқорида кўрсатилган баён қилиш методикасига амал қилиб, улардан ҳар бирини тушунтириб ва кўрсатиб беради.

Меҳнат усулининг элементларини ўқувчилар яхшироқ, тушунишларига имкон бериш учун баъзан тушунтириш вақтида пауза қилиш, айни вақтда уларнинг диққатини кўрсатилаётган нарсага қаратиш муҳимдир. Масалан, ўқитувчи зубилани чан қўл билан ушлашни тушунтирар экан, ўқувчиларнинг диққатини уни фақат учта бармоқ билан ушлашга ва уни кафтда каттиқ ушлаб турмаслик лозимлигига қаратади. Қолган икки бармоқ (кўрсаткич ва бош бармоқ) бўш бўлиши, ҳатто зубилани ҳам ушламаслиги керак. Ўқитувчи зубилани бундай ушлаш анча самарали, хавфсиз бўлиб, жисмоний кучни тсжашини ва иш сифатини яхшилашини тушунтириб бериши лозим. Ўқитувчи бошқа асбоблар, ускуналар ва машиналар билан меҳнат ва ҳунар усулини кўрсатиш вақтида тушуниш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган меҳнат ва ҳунар усуллари ва уларнинг элементлари акс эттирилганлигини ҳамда уларни рангли плакатлардан ҳам фойдаланмоғи керак. Ўқувчиларнинг яхши тушуниши учун меҳнат ва ҳунар усулларини элементларга бўлиш вақтида, уларни бажаришда айниқса узок вақтгача чўзиладиган машқларга берилиб кетмаслиги керак, чунки бу меҳнат ҳаракатларини бирмунча тўхтатиб қўйишга ва улардан меҳнат ва ҳунар усуллари ва операцияларига ўтишда бирмунча кийинчиликка сабаб бўлиши мумкин.

Меҳнат усулларини кўрсатиш вақтида ўқитувчи ўқувчиларнинг диққатини ва кизиқишини кўрсатилаётган нарсага қаратиши уларни меҳнат ҳаракатларини фаол ва онгли равишда ўзлаштиришга ундаши зарур. Меҳнат ва ҳунар усулларини

кўрсатишнинг самарадорлиги меҳнат ўқитувчиларининг малакасига боғлиқ бўлиб уларнинг ўзлари ҳам бу усулларни нуқсонсиз бажаришлари талаб қилинади.

7.4. Меҳнат таълимининг амалий методлари

Меҳнат таълимининг методи бўлган меҳнат усулларини бажаришдаги машқлари меҳнат ва ҳунар кўникмалари ва малакаларини таркиб топтириш ва мустаҳкамлаш мақсадида муайян меҳнат ҳаракатларини кўп марта такрорлаш билан ҳаракатланади. Машқларни ўрганилаётган барча меҳнат операциялари юзасидан эмас. Балки ўқувчиларнинг ўзлаштириш учун анча қийин бўлган операцияларга нисбатангина таъбиқ қилиш мақсадга мувофиқдир. Бундай операцияларга арралаш ва кирқиш, рандалаш ва эғовлаш, парчалаш ва кесиш, дастлабки асбоблар билан пармалаш ва резба кирқиш ҳамда ёғоч ва металлга газламага ва бошқа материалларга ишлов бериш вақтидаги ишлар, автомобиль, трактор ва бошқа кишлоқ, хўжалик техникасини бошқариш ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

Машқлар жараёнида меҳнат усулларини бажаришнинг сифатли бўлишига, ўқувчиларнинг фаолиятини синчиклаб назорат қилишга эътибор бериш керак. Меҳнат усуллари ва операцияларни ўзлаштириш мақсадида машқларни бажариш жараёнида ўз-ўзини назорат қилиш учун қайта алоқаси тамойилига таъсир қиладиган унча мураккаб бўлмаган хилма-хил мосламалардан: тўғрилагичлар, шаблонлар, асбоблар, уларга қилинган тензодатчиклардан, асбоблар ва ҳаракатларни мувофиқлаштиришга доир мосламалардан, ўқувчиларнинг автомобиль, тракторни бошқариш ва хайдаш қодаларини ўрганишда тренажердан фойдаланиш катта роль ўйнайди.

Машқлар жараёнида юкорида санаб ўтилган техника воситаларини қўлланиш ўқувчиларга меҳнат ҳаракатларини бажаришдаги кўпгина хатолардан ҳолис бўлишга имкон беради, усулларини ҳосил қилиш учун сарфланадиган вақтни қисқартириш ва уларнинг сифатининг ошишига ёрдам беради. Лекин бу воситалардан узоқ вақт фойдаланиш фойда ўрнига зарар етказиш ҳам мумкин. Улар меҳнат усулларини эгаллаш вақтида ўзига хос мўлжал ролини ўйнайди ва шунинг учун ҳам улардан меҳнат ва касб таълимининг дастлабки босқичларидагина фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Психологларнинг кўникмалар ва малакаларни, ўқувчиларда меҳнат усулларига оид машқларини таркиб топтириш қонуниятлари ҳақидаги тадқиқотлари

натижаларини ҳисобга олиб, бу усулларни узок давом этмайдиган лекин кейинги ҳар бир машгулотда такрорланиб турадиган пайтда узвий боғлаб ташкил этиш керак.

Ўқувчилар тўғри меҳнат усулларини эгаллаб боргани сари ўқитувчи уларга мустақил топшириқларни бажаришга киришиш учун рухсат беради. бу топшириқларни бажариш жараёнида улар ўзлари ўзлаштирган меҳнат ва ҳунар усулларидан фойдалана оладилар. Меҳнат усулларига оид машқларни ўтказиш вақтида қуйидаги талабларга риоя қилиш лозим:

1. Ўқув-моддий шароитлар яратилган бўлиши (яхши ишлайдиган асбоб-ускуналар, мосламалар ва транспортларнинг мавжуд бўлиши).

2. Меҳнат усулларнинг ёрқин ва қулай кўрсатилишини ҳамда ўқувчиларнинг бу усулларни тўғри ва тўлиқ ўзлаштиришини текширишни таъминлашни.

3. Бевосита кузатиш ва назорат қиладиган қурилмалардан фойдаланиш йўли билан меҳнат ҳаракатларини мустақил назорат қилиш вазифасини амалга ошириш учун йўл-йўриқлар берилиши.

4. Ўқувчиларнинг меҳнат усулларида йўл қўядиган камчиликларига тезда барҳам бериш йўллари ўйланган бўлиши керак.

Бу талабларнинг ҳаммасига риоя қилиш меҳнат операциялари ва жараёнларини ўрганиш вақтида меҳнат ҳаракатларини муваффақиятли шакллантириш имконини беради.

7.5. Техникага оид справочник адабиётлари ва ҳужжатлар билан ишлаш

Бу методнинг моҳияти ўқувчиларнинг дарслик, сўвнома, технология ҳужжатлари билан мустақил иш олиб боришни ташкил этишдан иборат. Фаолиятнинг бу тури зарурлигини фан-техникасининг ҳозирги тараққиёти мактаб УПК, КҲК олдига қўяётган талаблар, хусусан ўқувчиларнинг дарсликлар, ўқув қўлланмалари, сўвномалар ва техникага оид бошқа адабиётлардан мустақил равишда билим олишга ўргатиш талаблари тақозо қилмоқда.

Ўқув устахоналаридаги ҳар бир машгулот ўқитувчининг батафсил инструктаж ўтказиши (тушунтириш) билан бошланадиган бўлса, ўқувчиларга эса фақат тайёр билимларни ўзлаштириб олиш вазифаси қоладиган бўлса, меҳнат таълимининг бу усулини қулай ва мақсадга мувофиқ усул деб бўлмайди.

Ўқув материалининг мазмунига унинг мураккаблигига қараб ўқувчиларнинг ўзлаштириш учун анча қулай бўлган айрим мавзуларни дарсликлар ва ўқув

қўлланмалардан мустақил ўрганиб олишни тажриба қилиб кўриш керак. Бу ўз навбатида ўқувчиларга мустақил билим олиш, асосий нарсани иккинчи даражали нарсадан фарқдай билиш, техникавий китоблардан, сўровномадан тўғри фойдаланиш ва керакли маълумотларни тез топа билиш имконини беради.

Лекин ўқувчиларнинг китоб ва бошқа манбалар устида мустақил ишлаш ўқитувчининг астойдил диққат-этибор бериши ва педагогик раҳбарлиги остида ўтади. Дарслик устида мустақил ишлашни ўргатиш вақтида ўқувчиларга ўқиб чиқилган материалнинг режасини тузиб чиқиш ва уни ана шу режа бўйича фикрлашга йўналтириш, шунингдек графиклар, ўқилган материал асосида умумлашмалар ва хулосалар чиқаришни ўргатиш керак.

Масалан, резба учун пармаларнинг диаметрларининг танлаш пўлатга термик ишлов бериш вақтида қиздириш температурасини ва совитувчи муҳитни аниқлаш, ишланадиган хом-ашёнинг диаметрига ва унинг материалига қараб уни токарлик станогида қирқиш режимларини ёки қишлоқ шаронтида бажариладиган машғулотларда ишлатиладиган ўсимликшунослик, агротехникага оид айрим маълумотларни ўқувчилар сўровномаларидан мустақил равишда топишлари керак. Ўқитувчи ўқувчиларга фақат сўровномадан фойдаланиш қондаларини тушунтириб бериш ва зарур маълумотларни излашнинг энг қўлай усулларини кўрсатиши керак, холос. Шу мақсадда сўровнома билан ишлаш юзасидан махсус машқлар ўтказиш мумкин.

Ўқувчиларнинг дарслик ва сўровномалар каби адабиёти устида мустақил ишлаши, тайёрланадиган махсулотлар ва деталларнинг технология жараёнини ишлаб чиқиш вақтида ҳам талаб қилинади. Чунончи, агар ўқувчиларга одатда тайёрланадиган объектларга доир технология харитаси бериладиган бўлса. Юқори синфларда ва КХК да эса ўқувчиларнинг технология жараёнини мустақил ишлаб чиқишга даставвал қисман, сўнгра тулиқ жалб қилиш керак. Шу билан бирга бу тамойилларнинг қулайлиги, шунингдек бошқа дидактик тамойиллар ҳам ҳисобга олиниши зарур.

Мустақил ўқув-ишлаб чиқариш топшириқларининг бажарилишидан меҳнат таълимининг методи сифатида ўқувчиларнинг машқлари жараёнида ҳосил қилган меҳнат қўникмалари ва малакаларини тўла-тўқис шакллантириш. Янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида фойдаланилади.

Мустақил ўқув ишлаб чиқариш топшириқларини бажариш вақтида ўқувчилардан ниҳоятда мустақиллик намунасини кўрсатишни, ишдан зарур аниқликка, меҳнатни ташкил этишда пухталиқка, оз жисмоний ва ақлий меҳнат сарфлаган ҳолда ишнинг унумли бўлиши ва унга ижодий ёндошишга рия қилишни талаб этиш лозим.

Меҳнат бўйича амалий машғулотлар доирасида мустақил ўқув-ишлаб чиқариш топшириқларини бажариш дарсининг бошқа элементларига нисбатан, вақтнинг кўп қисмини олади. Бинобарин машғулотнинг бу элементи ўқувчиларнинг меҳнат ва касб таълими ва тарбиясига оид кўпгина масалаларни ҳал қилишга етакчи роль ўйнайди. Ўқувчиларнинг мустақил ишлаб чиқариш топшириқларини бажаришда таълим-тарбиявий муваффақиятларга қуйидаги шартлар мавжуд бўлгандагина эришиш мумкин:

1. Ўқувчилар бажариладиган ишнинг мазмунини яхши тушинишлари ва уни бажариш тартибини аниқ тасаввур қилишлари лозим.

2. Ўқувчилар топшириқларни қандай асбоб-ускуналар билан бажариш кераклигини, уларнинг тузилиши ва ишлашига оид хусусиятларини, уларни иш режимига мослаш усулларини ва ишдаги нуқсонларнинг олдини олиш чораларини билишлари керак.

3. Иш ўрнини тўғри ташкил этиш, бунинг учун иш ва ўлчов асбобларини, хом-ашёларни, технология ҳужжатларини тўғри жойлаштириш керак.

4. Бузилган ишлардаги типик ҳолларни, унга барҳам беришда тузатишнинг усулларини билиш лозим.

5. Ишни бажаришнинг ҳамма босқичларида унинг сифатларини назорат қилишнинг энг қулай ва унумли усулларидан фойдалана билиш керак.

6. Хавфсизлик технологияси, ишлаб чиқариш санитарияси ва меҳнат гигиенаси қоидаларига рия қилиш керак.

7. Ўз топшириқларини бажариш изчиллигини ва унинг натижаларини таҳлил қила билиш ва хулосалар чиқариш керак.

8. Ўқувчиларнинг ўқув-ишлаб чиқариш топшириқларини бажариш вақтидаги мустақиллиги типик ишларни бажариш вақтида, яъни ташқи кўриниш жиҳатидан ҳам, тайёрлаш технологияси жиҳатидан ҳам кўпгина умумийликка эга бўлган ишларни тайёрлашда кўпроқ намоён бўлиши лозим. Бундай ҳолларда, масалан, металлни тискиларда қирқиш (ўқувчилар плитада қирқишни ўрганиб олганлар) вақтида

Ўқитувчи инструктаж ўтказишни қуйидаги режа асосида суҳбат ўтказиш билан алмаштириш мумкин:

1. Ҳом-ашё тискиларда режим қизигиға нисбатан қандай мустаҳкамланган бўлиши лозим?

2. Бундан кейинги ишлов бериш учун кесиш вақтидаги кийимнинг катталиги қандай бўлиши керак ?

3. Пўлат тунукани кесиш вақтида уни асбобга қандай қилиб тўғри ўтказиш керак:

а) унчалик катта бўлмаган кийимни қачон олиб ташлаш керак?

б) пўлат парчасини қачон тенг икки бўлакка бўлиш керак?

4. Металлни қирқишнинг ана шу турида асбобларни ушлашнинг қандай усулларини қўлланиш керак?

5. Тискиларда қирқиш вақтида ҳом-ашёнинг эҳтимол тутилган бузилиш турларини санаб чиқиш ва ҳоказолар.

Ўқувчилар ўқитувчи томонидан қўйилган саволларга жавоб берар эканлар, бу саволларни тўғри ҳал қилиш учун мустақил фикр юритадилар, олдинги машғулотнинг мазмунини таҳлил қилиш ва уни ўрганилаётган материал билан таққослаш асосида янги хулосаларга келадиларки, бу хулосалар ўқув материални ўзлаштиришда мустақил ижодий ёйдопишга асосланган бўлади.

Уйга берилган топшириқларнинг бажарилиши меҳнат таълими машғулотларда олинган техникавий технологик билимларни, график ва ҳисоблашга оид кўникмаларни мустаҳкамлаш воситасигина бўлиб қолмасдан, шу билан бирга ўқувчиларнинг билишига оид фаоллигини ва ижодий мустақиллигини оширади, уларни ҳаётга, меҳнатга тайёрлайди.

Мақтаб, КХК тажрибасида, бизнинг фикримизча, ўқувчиларга меҳнат бўйича уйга топшириқлар берилмаслиги керак, деган нотўғри фикр пайдо бўлади. Бу фикр кўпгина ўқитувчиларнинг меҳнат таълими мазмунига нотўғри баҳо бериши натижасида вужудга келган. Бу ўқитувчилар меҳнат ва касб таълимининг мазмуни асосий амалий характерга эга бўлади, уйга берилган амалий топшириқларни бажариш учун эса зарур шароитлар бўлмайди, деб ҳисоблайдилар. Лекин юкорида таъкидлаб ўтилганидек, меҳнат ва касб таълими мазмунига амалий томондан ташқари, юксак даражада тараққий этган ҳозирги замон меҳнатининг илмий-техникавий асослари ҳам

киради. Шунинг учун ҳам ўқувчиларга меҳнат бўйича нуқул амалий характердаги топшириқларни бериш керак эмас, албатта. Лекин унинг амалий томони эса фақат мақбулгина бўлиб қолмасдан, балки мажбурий ҳамдир.

Меҳнат бўйича ўқувчиларга уй вазифалари сифатида ўқитувчи, томонидан тушунтириб берилган материални матн, дарслик, ўқув қўлланмаси бўйича мустаҳкамлаш: ўқувчи томонидан машгулотда тузилган эскиз бўйича деталнинг чизмасини ясаш, буюмларни давлат нормативлар талабларига мувофиқ равишда ишлаш: ана шу детал буюмга технология харитасини тузиб чиқиш; дарслик ёки ўқув қўлланмасида берилган умумий кўриниш, кинематик схема ва тасвирга қараб бирор транспорт ёки технология машинасининг тузилиши, ишлаш тамойили ва уларни иш режимига мослаш усулини мустақил ўрганиш ёки мустаҳкамлашга оид вазифалар бериш мумкин ва ҳоказо.

Металл қирқиш станокларида қирқиш режимларини ҳисоб-китоб қилиб кўриш билан боғлиқ бўлган уй вазифалари (тайёр формулалар бўйича шпиндельнинг айланиш сонини ҳисоблаб чиқиш, қирқишнинг тезлиги ва чуқурлигини. Резецнинг узатиш ўлчовини, қирқувчи асбобнинг геометриясини таълаш ва ҳоказолар) ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади. Бу ишлар улардан физика, математика, геометрия ва бошқа фанлар бўйича олган билимларидан фойдаланишни талаб қилади. Уй вазифалари аниқ бўлиши, дастурнинг ўрганилаётган мавзуси билан маҳкам боғланиши керак. Топшириқлар ҳажми ва мураккаблиги жиҳатдан йўл қўйиладиган ҳажмлардан ортиб кетмаслиги лозим.

Ўқитувчи уй вазифалари беришда ўқувчиларга бу вазифаларнинг моҳиятини, бажариш тартибини ва олинган натижаларини текшириш усулларини, шунингдек улар қандай талабларга жавоб бериши лозимлигини тушунтириши керак. Агар уйга берилган вазифа ўқувчиларга маълум бўлган ишларни ўз ичига оладиган бўлса, унда бу вазифани тушунтириб ўтишга ҳожат бўлмайди.

Уйга берилган топшириқларнинг натижаларини тўғри ва адолатли текшириш катта таълим-тарбиявий аҳамиятга эгадир. Текшириш тизимли бўлиши, ҳамма ўқувчиларни қамраб олиши керак, токи ўқувчиларнинг билимларидаги нуқсонларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга бардам бериш мумкин бўлсин.

Ўқувчилар уйда бажарилган эскиз ва чизмалар, технология хариталари, ҳисоб-китоб ва ҳоказолардан меҳнат таълим дарсларида ўқитувчи томонидан текшириб

қўрилгандан кейин ёки дарсда гуруҳ шаклида муҳокама қилинганидан сўнггина фойдаланишлари мумкин.

7.6. Муаммоли таълим методлари. Меҳнат дарсларида муаммоли таълимнинг МОҲИЯТИ

Замонавий мактаб ва КХК ларининг қайта қурилишининг ҳозирги босқичидаги вазифаси шундан иборатки, ўқитувчиларни ҳар томонлама камол топтириш асослари шу жумладан уларнинг ижодий билишга оид қобилиятларини ривожлантириш кичик мактаб ёшидан бошлаб олиб борилиши мустақил ҳал этиш учун битта ёки бир қанча муаммоли таълим маълум роль ўйнайди.

Меҳнат дарсларидаги муаммоли таълимнинг муҳим хусусияти шундан иборатки, ўқувчиларга билимлар тушунтириш-тасвирлашга асосланган таълимдаги каби тайёр ҳолда маълум қилинмайди, балки улар олдига мустақил ҳал этиш учун битта ёки бир қанча муаммолар қўйилади. Мустақил изланиш жараёнида ўқувчилар томонидан ҳосил қилинган илмий техникавий билимлар етарли даражада мустаҳкам, англаб тулинган бўлади ва уларда ғоявий ва давлат мафқураси дунёқарашни шакллантириш учун аниқ замин бўлиб хизмат қилади.

Меҳнат дарсларида фойдаланадиган муаммоли таълим дастурининг «Конструкциялаш», «Электротехника ишлари» деган мавзуларини ўрганишда, ишлаш операцияларини ва ҳоказоларни ўзлаштиришда таълим-тарбиявий тафсилотга эга бўлган бўлиш яхши натижалар беради. Бироқ, муаммоли таълим универсал ва ўқувчиларнинг дастурдаги барча мавзуларини ўрганишдаги бирор-бир метод дейиш хато бўлар эди. Шунга айтиш керакки, ўқувчилар меҳнатга тайёргарлигини тушунтириш тасвирлаш таълимига асосланган тизим (тайёр билимларни ва меҳнат усулларини ўзлаштириш) зарур бўлиб қолган жойларида илмий-техникавий билимларни, меҳнат қўникмалари ва малакаларини таркиб топтиришда яхши натижалар беради. Шу сабабли меҳнат таълим ўқитувчиларининг вазифаси меҳнат дарсларида тушунтириш, тасвирлаш таълимидан ҳамма муаммоли таълимдан оқилона ва тўғри фойдаланишдан иборат.

Муаммоли таълим ўз навбатида дидактикага янги атамалар (терминологияни яъни «муаммоли назият», «муаммо», «билишга оид вазифа» ва ҳоказо терминларни) киритиши талаб қилади.

Муаммоли вазият анланган қийинчилик бўлиб, уни енгилш йўллари номаълум бўлади. уларни излаш талаб қилинади. Муаммо шундай вазиятки, уни ўқувчиларда мавжуд бўлган воситалар (билимлар, кўникмалар, излаш фаолияти тажрибаси) асосида ҳал қилиш мумкин. Шунинг учун ҳар қаңдай ноаниқлик муаммо бўлавермайди. Билишга оид вазифа шундай муаммоки, уни муайян шароитда ёки кўрсаткичларда ҳал қилиш мумкин. Бундай вазифанинг мазмунида шундай муаммо ётадики, маълум нарса ўртасидаги зиддият унинг пайдо бўлишига олиб келади.

Муаммоли таълим учта методни ўз ичига олиб, улар ўқувчиларнинг мустақил ижодий фаолиятига нисбатан қўйиладиган талабаларнинг олиб борилиши тартибда жойлаштирилади:

- а) ўқув материални муаммоли баён қилиш;
- б) изланишга оид суҳбат ўтказиш;
- в) тадқиқотчилик методи.

Ўқув материалларини муаммоли баён қилиш. Бу методдан фойдаланишда ҳақиқатин излашни (билишга оид вазифани ҳал қилишни) ўқитувчининг ўзи амалга оширади. Бунда у муаммонинг моҳиятини ва унинг асосида чиқарилган якуний хулосаларни маълум қилиш билан чекланмай, бу муаммонинг пайдо бўлиш манбаларини, унинг учун нима сабаб бўлганлигини, уни ҳал қилиш жараёни қаңдай бўлишини. бунда қаңдай қийинчиликларга дуч келганлигини ва ҳоказоларни батафсил баён қилади.

Бу методнинг педагогик қиммати шундан иборатки, ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг ҳамкорлигида қизиқарли гапларига берилиб, диққат билан кулок соладилар. Улар гўё мазкур тадқиқотнинг иштирокчиларига айланиб қоладилар ва тадқиқотчи билан биргаликда муваффақият кувончларини ҳамда маглубият аламларини бирга бошдан кечирадилар.

Демак, ўқув материални муаммоли баён қилишда ўқувчиларнинг янги билимларини эгаллашга мутлақо бошқача қайфият билан курашлари сезилади, бу эса, маълумки, уларда ижодий фаолликни шакллантириш учун билимларни ахборот тарзида баён қилган вақтидагина нисбатан кучли рағбатлантирувчи восита ҳисобланади.

Масалан, ўқувчилар токарлик винт қирқиш станогини ўрганаётган вақтда ўқитувчи ўз гапини бу станокнинг пайдо бўлиши ва такомиллашувига оид қисқача

гоявий ва тарихий маълумот беришдан бошлайди. У ана шундай биринчи токарлик станого жуда оддий бўлганлигини эслатиб ўтади. Бу станокда ишланадиган ёгочдан хом-ашё (заготовка) ҳолатилаги буюм шаклида дарахтнинг эгиловчан шохларига боғлаб қўйилган арқон ёрдамида ҳаракатга келтирилар эди. Шунингдек уни ҳаракатга келтиришнинг бошқа жуда оддий усуллари ҳам фойдаланган, яъни бир ходим (ёрдамчи) заготовкани айлантириб турган, иккинчиси, яъни токар маҳсулотга ишлов берган.

Бирмунча кейинроқ оёқ ёрдамида ишлайдиган механизм ишлаб чиқилди, у пастда турадиган тахта бўлиб, юқоридаги эгиловчан ходага арқон билан боғланган эди. Тортилган арқон ҳаракат қилувчи халқа ёрдамида ишланадиган заготовкани сиқиб олар эди. Тахтани оёқ билан босганда арқон пастга тушиб, заготовкани бир йўналишда айлантирар эди. Арқон эгиловчан хода ёрдамида юқорига ҳаракат қилиб, токар ишлаш вақтида заготовкани фақат бир томонга айлантириш билан чекланар, у эса иш вақтининг унумсиз сарф бўлишига ва кўп ноқулайликларга сабаб бўлар эди.

Сўнгра ўқитувчи ўқувчиларга энг оддий шатунга, кривошип ва гилдиракка эга бўлган оёқ ёрдамида ишлайдиган механизм ихтиро қилинганлиги, унга ўрнатилган тасма ёрдамида заготовка тўхтовсиз айланиб турганлигини айтиб беради. Бу станокларнинг муҳим камчилиги шу эдики, токар қирқувчи асбобини дастасига таянган ҳолда рус механиги А.К.Нартов суппорт ихтиро қилганлигига қадар аҳвол шундай давом этиб келди. Бу суппорт ёрдамида асбоб фақат мустақамланиб қолмасдан, шу билан бирга асбобни заготовка бўйлаб суриш мумкин бўлар эди. Гарчи суппорт қўлда ишлатиладиган бўлса ҳам Мартов ихтиро қилган дастабки суппорт токарлик винт қирқиш станогининг янада ривожланиши ва такомиллашиб боришида муҳим рол уйнайди. Ҳозир ҳолатига қараб токарлик-винт қирқиш станого: механик, электрлаш, ярим автоматлаш ва компьютер элементларидан фойдаланадиган шаклларга яқинлашмоқда.

Ўтмишда ана шундай экскурсия қилиш ўқувчиларга ихтирочиларнинг енгиллигига тўғри келган қийинчиликларни тасаввур қилиш имконини беради, гўё улар ихтирочилар билан биргаликда янги конструктив ечимларни излашда катнашгандек бўладилар. Сўнгра замонавий винт қирқиш токарлик станок билан таққослаш усули орқали уларнинг фарқлари билан ҳам таништириш мақсадга мувофиқдир.

Янги билимларни муаммони тарзда баён қилишнинг ўқитувчи томонидан ташлашган бу методи ўқувчиларнинг юксак фаоллигини таъминлади, бу эса уларга вақтидаги техник жиҳатдан жуда тараккий эътибор тоқарлик-виит қирқиш станогининг тузилиши ва ишлаш тамойилани осонгина билиб олиш имкониин беради.

Янги илмий-техникавий билимларни муаммони баён қилиш таълим методи сифатида гушунтириш-тасвирлаш методидан иланишга онд суҳбатга па тадқиқотчилик методига ўттиш усули ҳисобланади.

Иланишга онд суҳбат ўтқазитиш. Бу методдан фойдаланганда ўқувчиларнинг меҳнат дарсларида ўқув материални ўзлаштиришдаги мустикаллиги олдинги методларга қараганда ортади. Меҳнат таълимига онд бу методнинг моҳияти шундаки, ўқитувчи ўқув материални баён қилганда вақти-вақти билан сўзини бўлиб, ўқувчиларга «Сиз тадқиқотчининг ўрнида бўлганингизда бу муаммони қанлай ҳал қилган бўлар эдингиз?» деган савол билан мурожаат қилади.

Ўқувчилар муаммони ҳал қилишга ўз вариантларини, баъзан жуда содда ва унчалик мукамал бўлмаган вариантларни таклиф этадилар. Лекин бу методик усулнинг бутун аҳамияти шундаки, ўқувчилар ва ўқитувчининг ҳамкорлик фаолиятларида зўр қизиқиш билан кузатиб борадилар, воқеаларини бундан кейинги жараёнини ўзларича олдиндан кўрадилар ва ўқитувчи уларга савоб бериб мурожаат қилиши биланок, иланишга қирқишиб кетиш учун тайёр турадилар. Масалан, меҳнат дарсларида слесарлик станокларида бажариладиган операциаларни (металларни қирқиш, эговлаш ва ҳоказоларни) ўрганишга қирқишлар экан, ўқитувчи мавзунини ўқувчиларга тайёр ҳолда баён қилиб бермай, балки уларнинг физика курсида қаттиқ жисмлар, пона ва ҳоказоларининг хоссаларини ҳақидаги билимларига таянади, ўқувчилар олдига янги муаммо қўйиб, уни қуйидагича ифодалайди: «Нима учун металлдан тайёрланган слесарлик зубиласи, эгов, қайчи ва қирқиш асбоблари металлдан қирқа олади?». Агар ўқувчилар бу мавзуларнинг номини оддийгина қилиб: «Металларни қирқиш», «Металларни эговлаш» ва ҳоказо тарзда баён қилинганда, бу ўқувчиларда дарсга бўлган қизиқиш таъсирчан (эмоционал) кўтаринлиқни пужудга келтирмайди, чунки ижодий фикрлаш ва қўйилган саволларга мустикал жавоб иланишга зарурат бўлмайди.

Бу мавзуларни муаммони шаклда ифодалаш ўқувчиларда алоҳида қизиқиш уйғотади, чунки онда ўқувчилар ҳал қилиш лозим бўлган зиддият элементини

мавжуддир. Бир қарашда бир металл билан бошқа бир металлни қирқиш мумкин, деган гапни тасдиқлаш галати туюлиши мумкин. Лекин худди ана шу зиддият ўрганилаётган материалнинг аслий моҳиятини, ўқувчиларнинг диққати жалб қилиниши лозим бўлган моҳиятни (асбобсозликда ишлатиладиган ва қўн тарқалган пўлатларнинг маркалари ва физик-механикавий хоссалари, уларни термик ишлаш, қирқувчи асбобларнинг бурчаклари (геометрияси) ва уларнинг ишлов берилаётган металлларнинг қаттиқлигига ва бошқа хоссаларига боғлиқлиги ва ҳоказоларни) билиб олишга ёрдамлашади.

Мавзуларни анъанавий равишда санаб ўтишда ва ўқув материални баён қилишда бу масалалар гарчи тилга олиб ўтилса ҳам ўқувчиларнинг фаоллиги камроқ бўлганидан четда қолиб кетади, ўқувчилар онгида мустаҳкам шаклланган манбаларни ҳосил қилмайди, балки асосий эътибор юзасидан ҳамда чуқур илмий—техникавий таҳлилни талаб қилмайдиган, осонгина ўзлаштирилладиган ҳақиқатларга (асбобларнинг конструкциялари ва уларда ишлаш усулларига) қаратилади.

Шундай қилиб, изланишга оид суҳбатдан меҳнат таълими методи сифатида фойдаланган ўқувчилар фаолиятида ижодий мустақилликнинг барча изчил босқичлари бўлмаса ҳам, бирмунча қисмлари намоён бўлади. Шунинг учун ҳам бу метод кўпинча қисман изланиш методи деб аталади. Ўқувчилар учун бу метод қулай бўлиб, тадқиқотчилик методидан фойдаланишда аниқ замин бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотчилик методи. Бу методдан фойдаланишда ўқувчиларнинг бирор муаммони ҳал қилиш вақтидаги энг юқори даражага кўтарилган мустақиллигига эришилди. Лекин ўқувчи ўз олдига қўйилган муаммони ҳал қилиш учун уни тўла-тўқис тушуниб олиши лозим. Бу эса ўқувчи ана шу муаммони мустақил ҳал қилишга тайёрланиши лозимлигини билдиради. Ўқувчиларнинг ана шундай тайёрланиш даражасига ўқитувчи таълим жараёнида хилма-хил методлар тизимидан ва тушунтириш-қўрсатиш характеридагина эмас, балки билимларни муаммоли баён қилиш ва тадқиқотчилик методини жорий қилишдаги ўтиш босқичи бўлган изланишга оид суҳбат методидан ҳам фойдалангандагина эришиш мумкин.

Ўқувчи муаммони тушуниб олгандан кейин уни ҳал қилишга: кўзда тутилган натижални ифодалашга, уни амалга оширишнинг энг қулай йўллари билан белгилаб чиқишга, қарорни текширишнинг самарали усуллари таклиф қилишга, сўнгра

муаммони ҳал қилишга ва текшириш усулини, хулосаларини ўйлаш ва баён қилишга ҳамда уларнинг тўғрилигини исботлашга киришади.

Тадқиқотчилик методи сифатида меҳнат дарсларида ҳозирги замон техникасини, ўқув асбоблари ва бошқа буюмларни конструкциялаш ва уларнинг моделини тузишга оид топшириқлар мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ўқувчилар қисман тайёр технология ҳужжатлари (чизмалари ва техник карталари) асосида автомобилнинг бошқарилмайдиган моделини тайёрлайдилар. Одатда бундай моделлар мактаб ўқувчиларида унчалик қизиқиш уйғотмайди.

Ўқувчиларнинг ижодий фаоллигини ошириш учун уларга ўзлари тайёрлаган техник моделларни конструкция қилишни тугаллаш ёки такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган конструкторлик технологик тавсилотдаги хилма-хил мустақил вазифалар берилади. Бошқача сўзлар билан айтганда, бу машгулотда ҳал қилиниши лозим бўлган муаммони вазият вужудга келади.

Чунончи, муаммони вазият сифатида ўқувчилар олдига қуйидаги ижодий вазифани: автомобиль модели кабинасидан туриб унинг олдинги гилдираklarини бошқаришга имкон берадиган қурилмани конструкция қилиш ва тайёрлаш вазифасини ҳал қилиш топширилган эди. Ўқувчилар бу топшириқни бажариш учун ҳақиқий автомобилда мавжуд бўлган рул бошқариш механизмининг айнан ўзини такрорлай олмас эдилар, улар тайёрланган модел билан муваффақиятли боғланиши мумкин бўлган ўз қурилмалари конструкциясини таклиф қилишлари лозим эди.

Кўпгина ўқувчилар автомобилнинг моделини рул билан бошқариш механизми конструкциясини лойиҳалаштирар эканлар, рул гилдирагининг вали қия (ҳудди ҳақиқий автомобилдаги сингари) ҳолда жойлаштирилиши лозимлигини биладилар ва вални ана шундай ҳолда ушлаб турадиган кронштейнларнинг конструкциясини нисбатан осон белгилаб оладилар. Шунингдек, уларга рул валининг охирида тишли гилдирак, яъни кенг тарқалган узатиш элементи бўлиши лозимлиги аниқ эди. Лекин моделнинг олдинги гилдираklари айланишларини таъминлаш учун, унга қандай узатиш элементи бирлаштирилиши уларга унчалик аниқ эмас, шунинг учун ҳам изланишни давом эттирар эдилар.

Шуни айтиш керакки, айрим ўқувчилар трапеция нусха қурилмага аввал тўғри, кейин эгилган рейка қоқишни таклиф қилиб, мақсадга яқинлашиб қоладилар. Лекин ҳар иккаловини ҳам валнинг тишли гилдирагига мустаҳкамлаб бўлмас эди. Уларнинг

хатоси шунда эдики, улар гилдирак айланаётган вақтда трапеция нусха қурилманинг траекториясини (эгри чизикни) ҳисобга олмаган эдилар. Худди ана шу траектория тажриба йўли билан аниқлангач, ўқувчилар рейканинг каварик формасини тезда таклиф қиладилар, у ўзининг бутун периметрига кўра, рул вагининг гилдиракларига тўғри бирикиб турар эди.

Юқорида келтирилган мисолдан кўриниб турибдики, ўқувчиларнинг конструкторлик-технологик вазифаларни ҳал қилиш вақтидаги фаолияти шаблон асосида ёки илгари тайёрланган режа бўйича амалга ошмайди, балки пухта изланиш тавсилотига эга бўлади. Меҳнат таълимидаги тадқиқотчилик методидан бундай топшириқларнинг ҳажми кенг ва мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда оқилона фойдаланиш ва ўқувчиларни ортқича банд қилиб қўймаслиги назарда тутилиши керак.

7.7. Билимлар, меҳнат кўникмалари ва малакаларини текшириш методлари

Текширишнинг мақсад ва вазифалари. Билимлар, меҳнат кўникмалари ва малакаларини текшириш ўқувчиларга меҳнат ва касб таълими бериш ва уларни тарбиялаш сифатини оширишнинг энг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади. Меҳнат таълими натижаларини ўз вақтида текшириш ўқувчиларда билимлар ва меҳнат кўникмаларининг сифати учун жавобгарлик ҳиссини ривожлантиришга ёрдам беради, уларнинг илгизомини яхшилайти ва ўзларига нисбатан талабчан бўлишга ўргатади, ишда камчиликларга йўл қўймасликка ва узини доимий равишда камол топтириб боришга ундайти.

Билимлар ва кўникмаларни текшириш ўқувчиларга тайёргарлик даражасини аниқлашга ёрдам берибгина қолмасдан, шу билан бирга яна бир муҳим вазифани - илгари ўзлаштирилган билимлар ва меҳнат кўникмаларини мустаҳкамлаш вазифаси ҳам бажаради.

Бирок ўқувчиларнинг билимларини кўникма ва малакаларини текшириш ишида ҳали кўпгина камчиликлар мавжуд. Бу камчиликлар шундан иборатки, айрим ўқувчиларни меҳнат бўйича ўзлаштиришни суғъий равишда оширишга олиб келувчи фоиз кўрсаткичларига мойиллик билан қарайдилар. Баъзи устоз ўқитувчилар ўқувчилардан ўтилган материални сўрашни тажриба қилиб кўрмайдилар, кўпинча ўқувчиларнинг билим ва меҳнат кўникмалари сифатида текширишни бажарилган

амалий, географик ва бошқа ишларнинг миқдори билан алмаштирадилар, бу ҳол эса текширишни тарбиявий воситадан қуруқ мақсадга айлантириб қўяди.

Ўқувчиларнинг билимлари ва меҳнат қўникмаларини текширишдаги камчиликларнинг асосий сабаби, афтидан, таълим жараёнида алоқа деган педагогик назариянинг старли даражада ишлаб чиқилмаганлигидир.

Амалиётда маълумки, ҳар бир ўқувчининг ўзининг хусусиятига хос потенциал имкоияти мавжуд. Агар ўқувчининг дастлабки потенциал имкоияти бир баллга тенг бўлса (уни мавжуд воситалар орқали педагогик ва психологик, ҳамда методик имкоиятларидан тула фойдаланган ҳаракат дастурини белгилаши зарур. Дастлабки ҳаракат дастурини мақсади – ўқувчини билм ҳолатини 2 балл даражасига кўтариш лозим. Бу кўрсаткични ҳар томонлама мустаҳкамлашдан сўнг, навбатдаги ҳаракат дастурини ишлаб чиқишда, ўқувчи потенциалли 3 балли даражага кўтаришпи мақсад қилиб олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мазкур натижага эришгач, ҳаракат дастурни 4 балли даражага кўтаришга қараб йўналтириш ҳамда ундан сўнгги мақсад ўқувчини таълим олиш потенциалли 5 баллгача кўтаришни мақсад қилиш педагогик, психологик ва методик жиҳатлардан асосланган ҳолда фойдаланилган деса бўлади. Бу билан айтиш зарурки – ўқитувчига шарт эмас, ҳар бир ўқувчини ўзлаштириш потенциаллини, шу технология бўйича дастлабки 1 баллдан бошлаб ривожлантириб бориш. Чунки ҳар бир ўқувчини дастлабки ўзлаштириш потенциалли ҳар хил. Айрим кичик гуруҳ ўқувчиларни дастлабки ўзлаштириш потенциалли — 3 баллга тенг, айрим кичик гуруҳ ўқувчиларини 4 баллга ҳамда айрим кичик гуруҳ, ўқувчилариники 5 баллни ҳосил этади.

Шу ҳолатли ўқитувчи ҳисобга олиб, дарс мавзуси, ҳамма ўқувчилар учун бир бўлса ҳам унда дидактик материалларни ҳар бир кичик гуруҳлар ўзлаштириш потенциал даражасига қараб табақалаштирилган ҳолатда тайёрлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунда мазкур масалани яни бир киррасига эътибор бериш зарурдир. Бу ҳам бўлса, ўзлаштириш потенциал тушунчасида — босқичма-босқич ўзлаштириб бориладиган ҳар бир баллда (1, 2, 3, 4 ва 5 балларда) ўзлаштирилган материалда: билим ва қўникма, билим ва малака, билим ва маҳорат, билим ва тажриба ҳамда билим ва ижод узвий боғланган даражага қурилган ҳолатда шаклланган бўлиши шарт.

Бу жиҳатдан техникавий воситаларни, биринчи навбатда текширувчи қурилмаларни (репититор машиналар, имтиҳон олувчи машиналар, ўргатувчи

машиналар, текширувчи машиналар ва хоказолар) қўлланишни истиқболли соҳа деб ҳисоблаш керак ҳамда улардан юқорида қайд этилган ўқувчиларнинг ўзлаштириш потенциалларини аниқлашда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Энди, меҳнат дарсларида ишлатиладиган билимлар, меҳнат кўникмалари ва малакаларини текширишнинг айрим методларини кўриб чиқамиз:

Ўтилган материал юзасидан сўраб чиқиш. Ўқувчилар билими ва кўникмаларини текширишнинг асосий методларидан биридир. Ўтилган материал бўйича сўраш дастурнинг ўтилатган янги материали билан мавзу жиҳатдан мазмун ва мантикий боғлиқ бўлган мавзуси юзасидан ўтказиш мақсадга мувофиқдир, яъни ўқувчилар ўтилган материални яхши тушунмас эканлар, янги материални уларнинг онгига етказиб ҳам бўлмайди.

Ўтилган мавзу юзасидан тузиб чиқиладиган саволлар янги материални ўрганиш учун замин бўлиб хизмат қилиши керак. Такрорлаш учун кўп саволлар беришга махлиё бўлмай, янги мавзунини ўрганиш учун зарур бўлган асосий ғояларни аниқлаш лозим. Сўраш вақти жиҳатидан унчалик узок давом этмаслиги керак. Сўраш методикаси хилма-хил бўлиши мумкин ва биринчи навбатда программанинг ўрганилатган мавзуси мазмунига боғлиқ бўлади. Масалан, агар ўрганилатган материал утилган мавзу билан боғланган бўлиб, ўқувчиларнинг ўзлаштириши учун алоҳида кийинчилик тугдирмаса, у ҳолда бутун сўраш жараёни янги мавзунини баён қилиш олдидан ўтказилиши мумкин.

Агар янги мавзу материали ўзлаштиришга кийинлик қилса, у ҳолда ўтилган материал юзасидан сўрашни янги мавзунини (кичик қисмлар тарзида) баён қилиш билан қўшиб олиб бориш керак.

Масалан, токарлик станогидан конуссимон юзаларга ишлов бериш технологиясини тушунтириш вақтида бу тушунтиришни илгари ўтилган мавзуга, яъни юзаларни цилиндрик тарзда ишлашга оид саволлар билан таққослаш тарикасида ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Ўқувчиларнинг бу мавзу юзасидан олган билимлари янги материални анча тезроқ ва сифатлироқ ўзлаштиришни таъминлайди.

Шу билан бирга ўқитувчи тўлиқ ёки қисман берилган жавобгар (ўқувчи бир неча марта чақирилган бўлса) баҳо қўйиш керак, бу баҳонинг нима учун қўйилганини изоҳлаб бериш зарур.

Меҳнат таълими тизими бўйича ўқув материалнинг ўзлаштирилиши даражасини суҳбат йўли билан аниқлаш. Текширишнинг бу методидан мавзу материали маълум даражада ўқувчиларга таниш бўлгандагина фойдаланиш мумкин. Масалан, дастурининг «Металлга ишлов бериш» деган бўлимидаги кўпгина мавзуларни суҳбат йўли билан тўла-тўқис ўрганиш мумкин. Чунки ўқувчилар бундай материаллар билан меҳнат дарсларида ёғочни ишлаш вақтида танишиб чиққанлар. Шу билан бирга, суҳбат метод сифатида янги билимларни маълум қилиш эмас, балки айни вақтда уларни ўзлаштириш сифатида текшириш учун ҳам ишлатилади.

Ўқитувчи «Металларни эговлаш» меҳнат операциясини ўргатишга киришган пайтда ўқувчиларнинг «Ёғочни арралаш» операциясини ўрганиш вақтида олган билимлари ва меҳнат кўникмаларида фойдаланади. Ўқувчилар ана шу икки операцияни таҳлил қилиш асосида хулоса чиқарадилар, бу иккала операцияни нима бирлаштириб туриши ва уларнинг фарқи нимада эканлиги ҳақида бир фикрга келдилар.

Ўқитувчи мазкур мавзу юзасидан ўзлаштирилган материал ҳажмида саволлар берар экан, ўқувчиларнинг ўрганилаётган мавзу юзасидан билимларни кенгайтириш имконига эга бўлади.

Бир ўқувчининг ўзи суҳбат жараёнида хилма-хил саволларга жавоб бериш учун ўқитувчи томонидан неча марта чиқарилиши мумкин. Бу ҳолда ўқувчининг ҳамма берган жавобларини ҳисобга олган баҳо қўйилади.

Бирок баҳо фақат битта саволга тўлиқ жавоб берган ўқувчига қўйилиши мумкин.

Суҳбат ўқувчиларнинг билим ва малакаларини текширишнинг самарали методларидан биридир, чунки ўқувчиларнинг дарсда фақат янги билимларни ўзлаштиришда эмас, уларни текшириш вақтида ҳам фаол бўлишни кўзда тутлади. Ўқувчилар жавобининг юқори сифатли бўлиши ва уларнинг суҳбат вақтида яхши фаоллик кўрсатиши таълимнинг ва текширишнинг ана шу методи учун характерли бўлган хусусиятидир.

Янги материални мустаҳкамлаш. Текширишнинг бу методидан ўқитувчи, олдида ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини, биринчи навбатда меҳнат усулларини текшириш зарур бўлиб қолганда фойдаланилади. Шу мақсадда ўқитувчи янги мавзунини мустаҳкамлашга оид саволлар руйхатини беради, бу билан асосан янги баён қилинган материалнинг мавзунини қамраб олинади. Лекин янги ўқув материални

мустаҳкамлашни ўқитувчи бошқача ҳам ташкил этиш мумкин. Масалан, агар ўқув материали ўқувчиларга тушиниши учун назарий жиҳатдан қийинлик қилса, унда баён қилинаётган материални қисмларга, мантиқан тугалланган бўлақларга, материални қисмларга, мантиқан бўлиш мақсадга мувофиқ бўлиб, ана шундай ҳар бир қисм ўқувчилар томонидан мустаҳкамлаши керак.

Бошқа ҳолда, ўқитувчи янги материални тушинтириб бергач, уни дарслик, ўқув қўлланмаси бўйича ўқиб чиқишни ўқувчиларга тавсия қилиши, сўнгра саволлар бериш йўли билан материалнинг қандай ўзлаштирилганлигининг текширилиши мумкин.

Ўқув материални мустаҳкамлаш вақтида ўқувчи журналга фақат яхши жавоблар учун баҳо қўйиш мумкин ва лозим, шу билан бирга бу баҳо ўқувчига нима учун қўйилганлиги айтиб ўтиш керак. Бундай ҳолда қониқарсиз баҳо қўймаслик зарур, чунки ҳар бир ўқувчи ҳам дарсда янги материални тўлиқ ўзлаштиришга қодир бўлавермайди.

Уйга берилган топшириқни текшириш. Ўқувчилар билими ва кўникмалари даражаси текширишнинг бу методи бутун текшириш тизимида асосий методлардан бири ҳисобланади.

Психологларнинг тасдиқлашича, ўқув материални китоб бўйича ёки ўқитувчининг сўзларидан эслаб қолиш йўли билан бир марта ишлаб чиққанда, ҳатто кучли ўқувчилар ҳам унинг тахминан 70-75% яхши ўзлаштиришга муваффақ бўлади. Демак, уйга берилган топшириқларни текшириш, назоратнинг бошқа методлари билан бир қаторда, ўқув материални ўзлаштириш сифатини хал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Уйга берилган вазифаларни текшириш вақтида текширишнинг бир методга кўпроқ эътибор бериш ва бунда бошқа самаралироқ методларни инкор этиш яхши натижаларга олиб келмайди. Кейинги вақтларгача ўқувчилар уйга берилган топшириқларни дарснинг бошланишидан олдин сўраш (бунинг учун бир неча ўқувчини доска ёнига чиқариб, дарснинг қун вақтини сарфлаш) тарафдори эдилар. Бунинг натижасида янги материални ўтиш учун вақт етишмас, янги мавзу шошма-шошарлик билан тушинтирилар, бу эса ўқувчиларнинг уйга берилган навбатдаги вазифаларга тайёргарлик кўришида қўшимча қийинчиликлар турдирадир эди.

Лекин юқорида айтилганлардан уйга берилган вазифаларни текширишнинг бундай методидан фойдаланмаслик керак, деган хулоса чиқариш нотўғри бўлур эди. Аксинча, агар янги ўрганилаётган мавзу билан мустақкам боғлиқ бўлса ва бутунлай унинг материали асосида тузилган бўлса, бу методнинг аҳамияти каттадир.

Ўқув материалининг характериға, дарс типига, унинг мақсад ҳамда вазифаларига тўла-тўқис мувофиқ келадиган текшириш методи тўғри танланган метод ҳисобланади.

Уйга берилган вазифаларни текширишни, янги материални ўрганиш ёки дарсда илгари тайёрланган вазифаларға ўхшаш янги материал машқларини бажариш билан қўшиб олиб бориш ўзининг ижобий томонини кўрсатади. Бунга ҳамма ўқувчилар ишға жиддий киришиб кетадилар, чунки уйга берилган вазифа юзаки эмас, балки астойдил текширилаётганлигини кўрсатади ва шу сабабли уларнинг вазифаларни бажаришға бўлган муносабати ўзгаради. Ўқувчиларнинг уйга берилган вазифаларни бажаришдаги билимлари ва меҳнат кўникмаларини текширишда назоратнинг техникавий воситаларидан фойдаланиш катта ёрдам кўрсатади. Бу воситалар текширишнинг бошқа методлари билан бирға қўшиб олиб борилганда яхши натижа беради.

Амалий лаборатория ишларини текшириш. Амалий лаборатория ишлари таълим методи сифатида ўқувчиларда гоёвий ва давлат, мафкура дунёқарашини, айниқса, табиий-илмий циклдаги фанлар юзасидан шакллантириш ишида катта аҳамиятға эға. Ўқувчилар амалий-лаборатория ишлари жараёнида кузатишлар олиб борадилар. Тажриба босқичларини акс эттирувчи лаҳзалар чизадилар, кузатишларни ёзиб қўядилар, олинган натижаларни қайта ишлайдилар ва ёзма ҳисоботлар тузадилар.

Ўқитувчи лаборатория ишларини бажариш жараёнида ўқувчиларға ёрдам бериб боради, ўзининг кундалигига ҳар бир ўқувчининг мустақиллик даражасини, айниқса машғулотнинг звено шаклида топширикларнинг тўғри бажарилганлигини, ўлчовлар, тузилган эскизлар, чиқарилган хулосаларнинг тўғрилигини текширади ва қайд қилади.

Шундай қилиб, амалий-лаборатория ишлари жараёнида ўқитувчининг текшириши натижасида аниқланган маълумотлар ва тайёрланган ёзма ҳисоботларнинг натижалари ўқувчиларға объектив баҳо қўйишни таъминлайди.

Амалий—лаборатория ишларига яқун ясаганда ўқитувчи ўқувчилар томонидан тақдим этилган ёзма ҳисоботларға баҳо қўйиш билан чекланмаслиги керак. Бутун гуруҳ иштирокида бу ҳисоботларни муҳокама қилиш, йўл қўйилган камчиликларни

кўрсатиб ўтиш ва хулосаларни ойдинлаштириш муҳимдир. Ана шундай текширишгина амалий-лаборатория ишларини бажариш вақтида олинган билимларнинг ва меҳнат кўникмаларининг сифатли бўлишини таъминлайди.

Техникавий вазифаларни ҳал қилишни текшириш. Ўқувчилар билими ва кўникмаларини текширишнинг бу методи кейинги вақтларда тобора долзарброк бўлиб бормоқда. Бунга сабаб шуки, хилма-хил техникавий вазифаларни ҳал қилишнинг ўзи ижодий, техникавий тафаккурни ривожлантиришга ёрдам беради. Бу эса ўқувчиларнинг меҳнат тайёргарлиги мазмунига нисбатан қўйилаётган асосий талаблардан биридир. Ўқишга қизиқиш уйғотиш учун ўқувчида билим олиш фаолияти билан шуғулланиш эҳтиёжини вужудга келтириш керак, бу фаолият қизиқарли техникавий вазифаларни ҳал қилиш жараёнида намоён бўлиши мумкин. Шу билан бирга ўқувчини шундай шароитларга қўйиш керакки, у ўзи олган билимларидан бемалол фойдаланган ҳолда билишга оид ижодий вазифаларни ҳал қилиш учун кўп иродавий куч сарфласин.

Ўқувчиларда хаёлни ишлатиш, билимлар ва меҳнат малакаларида фаол фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ижодий-техникавий вазифалар айниқса катта қизиқиш уйғотади. Муайян эски бўйича бажариладиган, ижодий иш учун ўрин қолдирмайдиган вазифаларни ҳал қилиш ўқувчиларни унчалик қизиқтирмайди. Шунинг учун ўқувчилар томонидан бажарилган техникавий вазифаларга баҳо беришда ўқитувчи турли омилларни, чунончи: ҳал қилиш усулининг энг қулайлигини вазифани ҳал қилиш вақтида ўқувчининг фикрлашита хос бўлган мантикий мазмуний тавсилот олинган билимлардан моҳирлик билан фойдалана билиш, конструктив-техникавий ёки технологик ҳал қилишнинг қимматлилиги, чиқарилган хулосалар ва умумлашмаларнинг муҳимлигини ҳисобга олиш лозим.

Ўқувчилар томонидан ҳал қилинган техникавий вазифаларнинг ҳар бири гуруҳ тарзида муҳокама қилиниши, йўл қўйилган хатолар шу гарика аниқланиши, уларга барҳам бериш йўллари белгилаб олинishi керак.

Бир ёки бир неча мавзу юзасидан такрорий-умумлаштирувчи дарслар. Билимларни текширишда такрорий-умумлаштирувчи дарслар муҳим роль ўйнайди. Бу дарслар ўзининг аниқлиги ва илмий билишга оид материалларга бой бўлиши тўғрисида ўқувчиларнинг умуман фан бўйича эмас, балки аниқ ўқув материали бўйича олган билимларнинг қандайлигини аниқлаш имконини беради. Шунинг учун тўғри

ташқил этилган такрорий-умумлаштирувчи дарслар ўқувчилар билимини жуда аниқ текшириш ва уларнинг ривожланишидаги бундан ҳам юқорирок босқич ҳисобланади. Такрорий-умумлаштирувчи сўраш эмас, балки жавобларнинг юқори сифатли бўлишига эришиш мақсадида бутун гуруҳнинг ишини фаоллаштириш зарур.

Сўрашнинг бу тури ўқув материалнинг тафсилоти ва мазмунига унинг фанлараро алоқасига караб, дарснинг турли вақтларида (дарснинг бошланишида янги материални тушинтириш вақтида, дарснинг охирида якуловчи инструктаж вақтида) ўтказилиши мумкин. Сўраш жараёнида ўқитувчи биринчи навбатда, олган билим ва малакаларига шубҳа билан қарайдиган, унинг фикрича ўз устида мунтазам ишламайдиган ўқувчилардан сўраши, бунда ўқувчиларга мурожаат қилишдаги стандарт шакллардан қочиш уларнинг иззат нафсини қадрлаши, ҳа деб бир ўқувчидан сўрайвериб, бошқаларни эсдан чиқариб қўймаслиги керак.

Такрорловчи-умумлаштирувчи сўроқда, одатда, ўқувчидан битта дарсда бир неча марта сўраш натижасида унга дифференциялашган баҳо қўйилиши лозим.

7.1-жадвал

Методлар	Қандай вазифаларни ҳал қилишда мазкур метод энг муваффақиятли бўлади?	Ўқув материалнинг мазмуни қандай бўлганда мазкур, айниқса оқилома қўлланилади?	Ўқувчилар хусусиятлари қандай бўлганда мазкур метод оқилома қўлланилади?	Ўқитувчи мазкур методдан фойдаланиш учун қандай имкониятларга эга бўлиши керак?
Оғзаки методлар	Назарий ва амалий билимларни шакллантиришда ва ўқитишнинг бошқа барча вазифаларини ҳал қилишда	Ўқув материали асосан назарий маълумотлардан иборат бўлганда	Ўқувчиларни маълумотларини оғзаки методлар (суҳбат, ҳикоя, маъруза) нинг мазкур тури орқали ўзлаштиришга тайёр бўлсалар	Ўқитувчи қўлланиладиган оғзаки методини бошқаларга нисбатан яхши эгаллаган бўлса

Кўрсатма методлар	Ўқувчилар кузатувчанлигини ривожлантириш, ўрганилаётган масалаларига диққат-эътиборни кучайтириш	Ўқув материалининг мазмунини кўрсатмали ҳолда тасвирлаш мумкин бўлганда	Мавжуд кўрсатмали қўлланмалар ўқувчилар кучига мос бўлганда	Ўқитувчи ихтиёрига зарур кўрсатмали қўлланмалар бўлганда ёки уларни мустакил тайёрлаш мумкин бўлганда
Амалий методлар	Амалий малака ва кўникмаларни ривожлантириш учун	Ўқув материалининг мазмунида амалий машқлар, меҳнат топшириқлари, тажрибалари, тажрибалар ўтказиш бўлганда	Ўқувчилар тегишли амалий топшириқларини бажаришга тайёр бўлганда	Ўқитувчи тегишли амалий ишларни ташқи қилиш учун керакли кўрсатмали қўлланмалар, дидактик материалларга эга бўлганда
Репродуктив методлар	Билимлар, малака, кўника, маҳорат, ижодни шакллантириш учун	Ўқув материалининг мазмуни анча мураккаб ёки ўта содда бўлганда	Ўқувчилар мазкур мавзунини муаммоли ўрганишга хали тайёрлаш бўлмаган ҳолда	Ўқитувчи мазкур мавзунини муаммоли ўрганиш учун вақт бўлмаган ҳолда
Муаммоли тадқиқот методлар	Тафаккур мустакиллигини, тадқиқот малакаларини, ишга ижодий ёндошни ривожлантириш учун	Ўқув материалининг мазмуни ўртача мураккабликка эга бўлганда	Ўқувчилар мавзунини муаммоли ўрганишга тайёр бўлганларида	Ўқитувчи мавзунини муаммоли ўрганишга вақт топганда ва ўқитишнинг тадқиқот методларини
Индуктив методлар	Ўқитувчиларнинг умумлаштириш индуктив (хусусийдан умумийга томон) хулосалар чиқариш малакаларини ривожлантириш учун	Мавзунинг мазмуни дарсликда индуктив ҳолда баён қилинганда	Ўқитувчилар индуктив мулоҳаза юритишга тайёр ва дедуктив хулоса чиқаришда қийналганда	Ўқитувчи ўқитишнинг индуктив методларини яхши эгаллаганда

Ўқувчиларни уйғунлаштирган меҳнат таълими ва ҳунарга тайёрлашда - дидактик тамойилларга биноан таълим методларини оқилона қўллаш хусусиятлари

Мазкур бобдаги материалларни ҳар бир параграф юзасидан мустақил равишда куйидаги технологияга биноан тўлдириш, бойитиш ва чуқурлаштириш:

1. Мазкур мавзуларга доир янги материалларни тўплаш ва уларни ҳар томонлама (фалсафий, психологик, умумий ва касб-ҳунар таълими педагогикаси, дидактик, методик, социологик, ДТС, тест, рейтинг нуктаи назаридан) ўрганиш, таҳлил қилиш, ҳам касбдошлар орасида мавзу юзасидан тегишли тест ўтказиш ва унинг натижалари асосида хулосалар тайёрланг.

2. Мазкур мавзу юзасидан бошқа манбалар билан танишиб, ўзлаштириш, улардан тўпланган қўшимча маълумотлар билан қўлингизда асосий материалларни бойитиш, чуқурлаштириш, кенгайтириш ва мазкур йиғилган материаллар бўйича тегишли хулосалар ва таклифлар тайёрланг.

3. Асосий ва қўшимча материалларни таҳлилий жараёнида аниқланган касбий педагогик, дидактик, методик ва касб-ҳунар коллежларидаги 2-3 касб заминида тайёрланаётган мутахассисликка хос гоҳлар: тушунчалар, тамойилларни аниқ тизим ёки модел ҳолатига келтириш ҳамда уни график шаклларда тайёрланг.

4. Юқорида қайд этилган ва топшириқдарни бажариш жараёнида тўпланган маълумотлар асосида амалий фаолиятингизга хос чора-тадбирлар (дастурамал режалар, лойҳалар, тизимлар, касбий-педагогик, дидактик моделлар ва ҳ.к.) ишлаб чиқинг, тайёрланган материалнингизни тегишли кафедралар билан келишилган ҳолатда институт (факультет) илмий-методик кенгашида ҳимояга тайёрланг.

5. Мазкур материаллар асосида 5 та тест саволлари ва уларга тегишли жавоблар ишлаб чиқинг.

6. Мазкур материаллар асосида 10-15 тагача рейтинг усулларига хос кўрсаткичлар, мезон ва меъёрлар ишлаб чиқинг.

7. Фойдаланилган адабиётлар рўйхатини келтириш.

VIII БОБ. МЕҲНАТ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

5.1. Ўқув жараёнини режалаштиришнинг аҳамияти

Ўқув жараёнини ривожлантириш ўқитувчининг машгулотларига тайёрланишида асосий ўрин тутди.

Ўқув жараёнини режалаштириш туфайли ўқитувчи ва ўқувчиларнинг устахонадаги машгулотларда меҳнат таълимининг ДТС, дастури ҳамда вазифа ва мақсадларига, унинг тамойилларига ва ўқувчилар болаларга қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ ҳамма ишларини олдиндан кўриши мумкин. Ўқув жараёнини режалаштиришда ўқитувчи куйидаги асосий дидактик вазифаларни ҳал қилади:

1. Ўқув жараёнини моддий жиҳатдан ўз вақтида таъминлаш имконияти яратилади. Хусусан, устахоналарни турли материаллар асбоблар билан таъминлаш муддатлари олдиндан маълум бўлади. Бунинг аҳамияти каттар чунки таъминот маълум қийинчиликлар билан бориш, шунингдек ҳар доим бирор вақт захирага эга бўлиши керак.

2. Меҳнат машгулотларининг мазмуни билан бошқа ўқув предметларининг мазмуни орасидаги боғланиш ёритилади. Ўқитувчи ўқув материални алоҳида дарсларга тақсимлаб, меҳнат буйича мазкур аниқ мавзунини ўрганишгача ўқувчилар физика, кимё, математика ва бошқа предмет дарсларини аниқлайди; шундан келиб чиқиб меҳнат таълими билан фанларнинг асосларини ўрганиш орасида дидактик боғланишни таъминлаш мумкин.

3. Ёғочга ишлов бериш ва металга ишлов бериш устахоналарининг ўзаро мувофиқ иш олиб боришига эришилади устахоналардаги машгулотлар жараёнида, хусусан моделлаштиришда ёғоч ва метал деталлардан иборат ҳажмда буюмлар ясалиши мумкин. Бундай ҳолларда ўқувчиларнинг ишлашини ва буйича мослаштириш жуда муҳим бўлиб бунга эса режалаштиришда эришилади.

4. Чорак ярим йиллик якуналари чиқаришда ўқитувчи учун ўқув режанинг бажарилишини текшириш осон. Бунинг учун режалаштирилган иш билан амалда бажарилган ишни таққослаш етарли.

5. Ўқув бўлими ва халқ таълими органлари томонидан таълим жараёнини назорат қилиш янгилашади.

Ўқитувчининг меҳнат машгулотларига тайёрланишинини бир неча босқичга ажратиш мумкин. Бу босқичларни тартиби билан қараб чиқамиз.

Талабалар, меҳнат таълими методика машғулотларида кетмакет уларни ўзлаштири боришлари лозим. Унда:

Ўқув йили тугаши билан ўқитувчининг навбатдаги ўқув йилига тайёрланиши бошланади.

Меҳнат таълими ўқувчиси жихоз ва асбобларнинг ҳолатини текширади. Жихозлардаги майда носозликларни ўқитувчининг ўзи бартараф қилади. Агар ўртага ёки капитал таъмирлаш талаб қилинса, ўқитувчи талабнома тузади ва унинг бажарилиши учун мактаб ва органлар маъмуриятлар орқали тегишли тadbирларни қўллайдди. Асбоблар олишга алоҳида талабнома тузилади.

Ўқув ишини режалаштириш мактабдаги меҳнат таълими учун белгиланган ДТС ва дастур ҳамда ундаги тушунтириш хатини ўрганишдан бошланади.

Тушунтириш хатини ўрганишда машғулотларнинг вазифаларини, шунингдек, ўқув жараёни ташкил қилишга, қўрсатмали қўлланмалардан фойдаланишга, ўқувчилар фаолиятини текширади.

Мактаблараро ўқув—ишлаб чиқариш устахона ўқувчилар меҳнат таълим ва тарбиясининг ташкилий шакли.

5-9 ва юқори синифлардаги таълим учун мустақкам моддий база керак. Уни ташкил қилишнинг бир печта асосий шакллари мавжуд. Улар мактаб ва мактаблараро ўқув— ишлаб чиқариш устахоналари, комбинатлари, ўқув цехлари (участкалари) ва бошқа шаклдагилар маълум.

Олдин мактаб ва мактаблар аро устахоналар вужудга келган.

Шундан сўнг меҳнат таълимини режалаштириш мақсад ва вазифаларга аниқлик киритилган.

IX БОБ. МЕҲНАТ ТАЪЛИМИДАГИ РЕЖАЛАШ АСОСЛАРИ

9.1. Режалаштиришнинг мақсад ва вазифалари

I. Мазкур мавзу юзасидан ДТС ва дастурни ўзлаштиришга лозим бўлган материаллар;

1. Масаланинг концептуал асослари

2. Меҳнат таълими бўйича тақвимий-мавзувий режани тузиш мазмуни ва технологияси.

3. Ўқув-ишлаб чиқариш ишларининг режаси.

4. Табиий-илмий циклдаги фанларнинг йигма мавзу

5. Меҳнат таълими юзасидан дарс режаси

6. Меҳнат таълимида ноанъанавий дарс технологияси

II. ДТС ва дастур юзасидан удалаш лозим бўлган ишлар:

1. Мазкур мавзудаги концептуал асосларини шаклланиш жараёнини маълум моделга келтириб, уни тарифлай олиши.

2. Меҳнат таълими бўйича тақвимий-мавзувий режани ишлаб чиқишни ва уни тарифлай олиши.

3. Ўқув-ишлаб чиқариш ишларининг режалай олиши.

4. Табиий-илмий циклдаги фанларнинг йигма мавзу режаси.

5. Меҳнат таълими юзасидан дарс режани ишлаб чиқиш ва уни изоҳлай олиши.

6. Ноанъанавий дарс технологиясини белгилашни.

III. Маърузага матин.

Меҳнат таълимини режалаштириш ўқув жараёнини аниқ ташкил этишдан иборат бўлиб, у дидактика тамойилларинга ва ўқувчиларнинг меҳнат тайёргарлиги дастури талабига тўла—тўқис жавоб бера оладиган бўлиши керак. Меҳнат таълими бошқа умумийтаълим фанларидан фарқ қилиб, таълимни ташкил этишда ўзига хос хусусиятга эгадир. Шунинг учун ражалаштиришга янада ҳам кўпроқ эътибор беришни талаб қилади бу сиз таълим-тарбия ишида яхши натижаларга эришиб бўлмайди.

Меҳнат таълимини режалаштириш ҳар бир ўқувчининг таълим режаси ва дастурини бажаришни: меҳнат бўйича ўқув материалининг мазмунига тўлиқ;

ишлаб чиқариш объектларини тўғри танлашни, меҳнат билан бошқа умумий таълим ўртасидаги, физика, химия, математика, чизмачилик, биология ва бошқа

фанлар ўртасидаги алоқани: ўқув --моддий (устахоналар, ўқув хоналар, ўқув-тажриба майдончалари? Ўқув участкалари, қурилиш майдончалари асбоб —ускуналар,) унумли фойдаланишни; меҳнат ва касб таълимининг базасини режали материал техника (асбоб--ускуналар, кўрсатма ва ўқув кўлланмалари, билан таъминлаш учун шарт—шароитларни, ўқувчиларнинг режалаштирилган меҳнат объектларини белгиланган муддатларда ва ўз вақтида буюртмачиларга топширишларини; ўринлар стишмаганда зарур асбоб—ускуналар кам бўлиб қолганда, иш жойларига оралик график асосида қўйиб чиқишни: илмий— техникавий билимларнинг кўникмалари ва малакаларнинг юқори даражада бўлишини; меҳнат таълимига оид машгулотларнинг меҳнатни илмий асосда этиш талабларига мувофиқ равишда унумли йўлга қўйишни таъминлаши керак,

Меҳнат таълимини режалаштириш вақтида қуйидаги ҳужжатлар тузиб чиқилади:

1. Меҳнат бўйича йилга мўлжалланган, истиқбол тақвимий мавзу режа,
2. Меҳнатнинг ҳар бир тури бўйича ярим йилга ёки бир йилга мўлжаллаб тузилган ўқув ишлаб чиқариш ишларининг рўйхати,
3. Табиий—илмий циклдаги фанларнинг графиги унда фанлараро боғланишлар акс этиши лозим (ярим йилликка мўлжаллаб тузилади),
4. Аниқ мавзу ёки уни кичик бўлиши юзасидаги батафсил матнга

Меҳнат машгулотларида конструктор— технологик вазифаларни хал қилш, меҳнат усуллари, операцион ва жараёнларини бажариш ҳаракатларга ва жисмоний ҳаракат дастурлар материалининг зарур ҳажмидаги материал устида ишлашга киришади.

Меҳнат дарсларида карточкалари — ёғоч ва металлга ишлов бериш кўрсатувчи ва кишлоқ хўжалик меҳнати топшириқлар дастурлаштирилган таълим кенг ўрин олган.

Таълим қадамлари, ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган материалнинг муайян ва ўзлаштириш белгиланган ҳолда кўрсатилади. Масалан чизмасини, буюмни тайёрлаш бўйича технологик жараёни операцияларини, иш ташкил этиш ва ҳоказоларни ўрганиш харита топшириқда айрим ўқув қадамлари ва зарур ҳажмли материаллар тарзида тақдим этилиши мумкин.

Шу билан улар ҳаракатнинг (ақлий жисмоний) ҳаракатнинг ёки улар бирга қўшилган ҳаракатининг тахминий асоси очиб бериладиган янги материални ўз ичига олгандагина таълим зарур ҳажмли материаллар бўлиши мумкин.

9.2. Меҳнат таълими ўқитувчисининг ўқув йилига ва машғулотларига тайёргарлиги

Меҳнат таълими ўқитувчиси меҳнат таълими дарсларига пухта тайёргарлик кўриши, бу дарсдаги таълим-тарбия жараёнини муваффақиятли амалга ошириши мумкин.

Ўқитувчининг меҳнат таълими жараёнига бутун тайёргарлигини шартли равишда уч босқичга: ўқув йилига, ўқув даврига тайёргарлик босқичларига бўлиши мумкин. Унда ишдаги ижрочилик билан юксак уюшқоқлик, бажарилаётган вазифага ёндошиш билан ташаббускорлик, ишбилармонлик уйғунлашиб кетган бўлиши керак. Бу сифатлар ўқувчиларда мактабдаёқ қарор топган бўлиши лозим. Меҳнат дарслари бу жиҳатдан катта имкониятларга эга. Бу дарсларда меҳнатга янгича муносабатни тарбиялашдан умумий вазифа анча тор, хусусий вазифалар орқали амалга ошади.

Бундай вазифаларга қуйидагилар киради:

1. Меҳнатга психологик ва амалий тайёргарлик кўриш ўқувчиларда ҳар қандай меҳнат турига тайёр бўлишни тарбиялашни назарда тутати. Ўқув устахоналарида ва хизмат кўрсатиш меҳнат кабинетларида, ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш бригадалари ва ҳоказоларда ўтказиладиган машғулотлар ўқувчиларда умумий ва касбий меҳнат ҳаракатига эга бўлган амалий кўникмаларни таркиб топтиришга ёрдам беради. Умумий ва касбий меҳнат тайёргарлиги соҳасидаги билимлар, кўникмалар ва малакалардан мактабни, КХК ни битириб чиққан ўқувчилар ўзларининг келгуси фаолиятларининг ҳар бир турида муваффақиятли фойдаланишлари мумкин. Демак КХК лари ва мактабдаги меҳнат ва касблар дарслари ўқувчиларни психологик ва амалий жиҳатдан меҳнатга ва касбга тайёрлашнинг дастлабки босқичи ҳисобланади.

2. Мактаб, УПК, КХК ўқувчиларида жамоатчилик меҳнат кўникмаларини таркиб топтириш. Жамоатчилик меҳнатда ўқувчиларнинг ақлий кучлари лаёқатлари, ташкилотчилик қобилиятлари, ижобий-ахлоқий одатлари яққол намоён бўлади. Бу меҳнатда чилакам ўртоқлик, дўстлик ва ўзаро ёрдам туйғулари, шахсий ва ижтимоий манфаатларни ҳимоя қила олиш хусусияти ривожланади ва мустаҳкамланади. Бутун ўқув ишлаб чиқариш фаолияти бригада аъзоларининг шахсий ва жамоатчилик

меҳнат тамойиллари асосида қурилган. Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш биригадалари бунга мисол бўлиши мумкин. У ерда ўқувчилар томонидан бажарилган топшириқлар, яъни буюмларни конструкциялаш ва уни такомиллаштириш шахсий ва жамоатчилик меҳнатнинг натижасидир.

3. Ўқувчиларда юксак меҳнат маданиятини тарбиялаш. Ўқув устахоналарида меҳнат маданияти деганда ўқувчи ва ўқитувчининг тўғри ташкил этилган иш жойигина эмас, балки меҳнат жараёнини қулай режалаштиришни, вақт, материал, асбоб-ускуналардан унумли ва тежаб-тергаб фойдаланишни: сифатли ва унумли меҳнат қилишни: ижодий мустақиллик ва ташкилотчилик қобилиятларини ривожлантиришни: дам олиш билан меҳнатни оқилона уйғунлаштира олишни ҳам тушуниш керак. Бу сифатлар мактаб ва КХК лари ўқувчиларида бутун меҳнат ва касб таълими ва тарбия тизими таъсири остида секин-аста ҳосил қила борилади.

Шу билан бирга ўқувчиларнинг меҳнат таълими дастурларида у ёки бу мавзуга ажратилган вақт ҳажмида оралик график асосида тўхтовсиз ишлашини таъминлаши зарур.

Ўқувчиларнинг иш жойларида мавжуд бўлган иш ва назорат ўлчов асбобларининг миқдори ва хиллари етарли ҳолда бўлиши керак. Масалан, педагоглар меҳнатини илмий асосда ташкил этиш нуқтан назаридан ранда тахтани узунасига тиладиган ёйсимон арра, искана, металл қирқадиган дастарра ва кайчи ёки назорат ўлчов асбоблари — штангенциркуллар, микрометрлар, 90° ли гўниялар ва бошқа шу каби асбоблар ҳар бир ўқувчининг иш жойида доимо туришига назарурият ҳисобланади. Гап шундаки, иш вақтида улардан фойдаланиш коэффициенти жуда паст бўлади, шунинг учун бу асбоблардан бир ўқувчи эмас, балки бир вақтнинг ўзида 2-3 ўқувчи фойдаланиш керак. Шу муносабат билан ўқувчининг иш жойини ташкил этишга ҳам янги талаблар қўйилади. Барча шахсий асбоблар вазифасига қараб ишлаётган ўқувчига яқин жойда, дастгоҳ (станок) устида туриши керак. Кўпчилик фойдаланадиган асбоблар ишлаётган ўқувчиларнинг иш жойларида баравар узоқликка қўйилиши керак.

Дастгоҳлар конструкциялари соловчи қурилмага эга бўлиши, улар ёрдамида дастгоҳларни ўқувчиларнинг бўйига қараб мослаш, шунингдек дам олиш учун қулай айлануви ўриндиқлар, ёзиш ва график ишлари учун сурилувчи планшетлар билан таъминланиши керак. Хавфсизлик техникаси бўйича муҳофаза турлари дастгоҳга

махкамланиши ва зарур бўлганда дастгоҳ столга олиб қўйилиши мумкин бўлиши керак.

Барча эҳтиёт асбоблар ва мослама асбоблар турадиган хоналарда шундай тартиб сақланиши керакки, улардан ҳар бирини топиш учун ўқитувчи жуда оз вақт (секунд ҳисобида) сарфласин. Масалан, парма, ўлчов асбоблари, планкалар тегишли ўлчовлари ёзиб қўйилган кутичада жойлашган бўлиши, анча огирроқ мосламалар пастги жавонларда, бирмунча енгиллари юқорироқда туриши керак. Омборхонада барча материаллар ва ишга яроқли чикиндилар маркалари, сортлари, ўлчовлари ва турларига қараб ажратилиши ва шундай жойлашиши керакки, улар олдига бориладиган йўл қулай ҳамда тўсиксиз бўлсин.

Кўрсатма қуролларни (плакатлар, схемалар, жадваллар, Макетлар, Мавзувий кўрсатмали шитлар, буюмларнинг намуналари) сақлаш учун ёзилган ва тартиб номери қўйилган тегишли яшиқлар ва торгмалар бўлиши лозим, бу ҳолда ўқувчиларга исталган вақтда оз вақт сарфлаб керак қўллангани топа олишга имкон беради.

Меҳнаттаълими ўқитувчисининг иш жойида меҳнат усулларни кўрсатмали қуролларни, шунингдек ўқув фильмларини намойиш қилиш учун барча шароитлар яратилиши керак.

Бу борада меҳнат таълими ўқитувчиси — дарс режасини ёзишга кўп вақт сарфлайди. Лекин кўпгина дарс ражалари ўз тузилишига кўра бир-бирига бу режадан машғулотда фойдаланиш унчалик қулай бўлмайди. Шу сабабли дарс режаларини намунавий схема бўйича махсус карточкаларда тайёрлаш ҳар гал уни маъмур машғулоти учун зарур бўлган маълумотлар билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир.

Педагогик қобилиятли меҳнат таълими ўқитувчи шахсига хос бўлган бир қанча сифатларни унинг ақл-заковати, иродаси, ҳиссиётлари характерига хос ва бошқа хусусиятлардан таркиб топади. Бу хусусиятлар туфайли қобилиятли меҳнат таълими ўқитувчи муваффақиятли ишлайди ва уни оз меҳнат сарфлаб, катта натижага эришади. Таълим-тарбия ишига бўлган қобилият туғма қобилият эмас, одам табиатидан шу қобилият қуртакларини олади.

Мана шу қуртаклари лаёқат дейилади. Лаёқат шахсининг онги, фаолияти жараёнида ривожланади ва қобилиятга таянади. Меҳнат таълими педагогик фаолиятни эндигина бошлаган ёки ўқитувчи хали яхши натижаларга эриша

олмаслиги мумкин. Буниинг сабаби унда педагогик кўникмаси ва малаканинг етарли бўлмаслигидир. Агар меҳнат таълими ўқитувчи ҳавас билан ақл юритиб, астойдил ишласа, бунда кўникма ва малака албатта пайдо бўлади.

Меҳнат таълими ўқитувчи ўқувчининг ички дунёсини тушуниши, яхши психолог бўлиши, ўқувчини қизиқтира олиши, ўқув материалларини тушунира билиши, ўқувчининг билимларини тўғри баҳолай олиш, болаларга ижобий, тарбиявий таъсир кўрсатиш, ўқувчилар жамоасининг меҳнатини ташкил этиб, уларга раҳбарлик қила билиши, педагогларга а хос одобга эга бўлиш, ҳар бир ўқувчи билан алоҳида-алоҳида муомалада бўла олиши керак. Шундагина у қобилиятли ўқитувчи ҳисобланади.

Илғор меҳнат таълими ўқитувчининг шахси педагогик қобилиятларнинг юксак даражада ривожланганлиги билан характерланади. Бу қобилиятларнинг болаларга таълим ва тарбия беришида, юқори натижаларга эришишга ёрдам беради. Болаларга, педагогик меҳнатга меҳр қўйиш, болалар жамоаси билан ишлаш ва бирга бўлишга мойиллик меҳнат таълими ўқитувчилик касбининг зарур шартидир. Меҳнат таълими ўқитувчининг болаларга меҳр қўйиши, улар билан педагогларга муомилада бўлишдан, уларга нисбатан бўшанглик, марҳаматлилик ва кўнгилчанликка айланиб кетмайдиган диққат-эътибор, ҳамда дўстона муносабатда бўлишда ифодаланади. Афсуски, ҳамма меҳнат таълими ўқитувчилар ҳам шундай сифатларга эга эмаслар. Баъзилар педагогик касбини тасодифан таплаганликларини мактаб билан болаларни ёқтирмаслигини яширмайдилар.

Айрим меҳнат таълими ўқитувчилари ҳам борки, улар мактабда ишлашга идроксиздирлар: улар заҳар, серзарда раҳмеиз, курук бўладилар. Масалан: ўз ишини севмаган дурустгина ҳисобчини тасаввур қилиш мумкин-у, аммо болаларни ўқитувчини, тарбиячини тасаввур этиб бўлмайди. Ўқувчилар жуда кузатувчи бўлиб, меҳнат таълими ўз ишни ҳаққикатдан севишни ёки ўз бурчини яхши бажарилётганлигини зийрак ўқувчилар пайкаб оладилар. Шу муносабат билан педагоглар ва психологларнинг аниқланган куйидаги фактларга ниҳоятда жиддий ёндошиши керак.

Педагогика институтининг фақат педагогик ишига қизиқиши, мойиллиги бўлган кишиларгина кирмайдилар. Маълумотларга кўра савол-жавоб қилинган талабаларнинг 49,4 фоизигина ўзи танлаган ўқитувчилик касбига қизиқадиганлиги

ўқитувчилик қилиш истаги борлиги, қолганлари институтга тасодифан кириб қолганлар.

Педагогик қобилиятлар деб аталаётган қобилиятлар шахсни ақлий томони ҳам иродавий, хиссий томонини ҳам характерлаб беради. Бу сифатлар ҳаммасин бир-бири билан ўзаро боғланган бўлиб, бир-бирига таъсир этади. Биздаги ва чет эллардаги кўпчилик тадқиқотчилар ўқитувчиларнинг ўқувчиларга муваффақиятли билим беришга имкон берувчи дидактик қобилиятларини, унинг энг муҳим қобилияти деб ҳисоблайдилар. Қуйидаги қобилиятлар меҳнат таълими ўқитувчиларига ҳам мойил, улар кўпчилик тадқиқотларда тан олинади:

1. Ўқувчи шахсни ривожланишини лойиҳалашга, ўқувчилар билан ишлаш методларини танлаб олишга имконият берувчи конструктив қобилиятларни дидактик қобилият;

2. Академик қобилиятлар;

3. Перцептив қобилиятлар;

4. Нутқ қобилиятлари;

5. Ўқувчиларни хилма-хил фаолият турига жалб қилувчи ташкилотчилик қобилиятлари;

6. Авторитар қобилият;

7. Коммунактив қобилиятлар — ўқувчилар ўқувчилар билан тўғри муносабат ўрнатиш. У уларни доимо ўзгарувчи тарбия вазифаларига мувофиқ равишда қайта қуриш имконини беради;

8. Педагогик ҳаёл;

9. Дикқатни тақсимлаш қобилияти;

1. ДИДАКТИК ҚОБИЛИЯТЛАР. Меҳнат таълими ўқитувчининг ўқув материалларини ўқувчиларга тушунарли қилиб айтиб бериш, ўқувчилардан мустақил равишда фаол-актив фикрлашга қизиқиш уйғотиш қобилияти.

Ўқитувчи зарурат тугилганда мурраккаб материални соддалаштира олади, тушунарсиз ноаниқ нарсани тушунарли қила олади. Ўқувчиларни психологиясини ҳисобга олиб бориш шу қобилиятларга асос қилиб олинади. Қобилият меҳнат таълими ўқитувчиларни тайёргарлик даражасини нимани билишларини, нимани унутиб қўйганликларини тасаввур этади.

Қобилият меҳнат таълими ўқитувчи материални баён этиш жараёнида ўқувчиларни

Қандай ўзлаштирганликларини қатор белгилар асосида тўғри аниқлаб олади, зарурат тугилса, баён қилиш усулини ўзгартиради.

П. АКАДЕМИК ҚОБИЛИЯТЛАР - фаннинг тегашли соҳаларга оид (математика, физика, биология, адабиёт ва ҳоказоларга доир) қобилиятлар.

Бундай қобилиятга эга бўлган ўқитувчи фанини ўқув курсини хажмигина эмас, балки анча кенг ва чуқурроқ билади. Ўз фани материални илдандан-игнасиғача билади, кизикади, ҳеч бўлмаганда олдйигина тадқиқот олиб боради.

III. ПЕРЦЕПТИВ ҚОБИЛИЯТЛАР. Меҳнат таълими ўқитувчининг тарбияланувчининг ички дунёсига қира олиш қобилияти. ўқувчиларни руҳий ҳолатларини жуда яхши тушунилади. Ўқувчиларни дарсга тайёр ёки тайёр эмасликларини кўздан билади.

IV. НУТҚ ҚОБИЛИЯТИ — нутқ ёрдамида, мимика, воситасида ўз фикри мушоҳада хис туйғуларини аниқ ва равшан ифодалаш қобилияти. Бу ўқитувчилик касбининг энг муҳим қобилиятларидан биридир. Бунда ахборотни ўқитувчилардан ўқувчига ўтиши асосан иккинчи игнали сўз характерида бўлади.

Қобилиятли меҳнат таълими ўқитувчини нутқи дарсда ҳамиша ўқувчиларга қаратилган бўлади. Ўқитувчи янги материални ўқувчидан сўраётганда қам, унинг нутқи ҳамиша гапираётган нарсага қизиқётганлиги билан ажралиб туради.

V. ТАШКИЛОТЧИЛИК ҚОБИЛИЯТИ. Ўқувчилар жамоасини уюштириш, жиқслаштириш, муҳим вазифаларни ҳал этиш, руҳлантириш қобилиятлари. Ўз ишини тўғри режалаштириш, вақтни бой бермаслик, тўғри дарсни тақсимлаш, белгиланган муддатда улгуриш хусусиятлари ортиқча вақт сарфлаган ҳолларда, уста тажрибали ўқитувчи дарс режасини ўзгартира олади.

VI. АВТОРИТАР ҚОБИЛИЯТ. Ўқитувчилар ўқувчиларга бевосита хиссий иродавий таъсир кўрсатиш ва обрў қозониш қобилияти. Авторитар қобилиятлар ўқитувчи шахсий сифатларининг бутун бир комплексиға, унинг иродавий сифатларига (дадиллиги, чидамлилиги, қатъийлиги, талабчанчилиги ва ҳоказоларга), шунингдек ўқувчиларга таълим ва тарбия бериш масъулиятини хис этишга боғлиқ бўлади.

Айрим уғил болалар меҳнат таълими ўқитувчиларнинг кўполлик билан муомила қилишларини ёқтирмайдилар, уларга мажбур қилмай, осойишта, расмиятчиликсиз талаб қила оладиган ўқитувчилар ёқади, уларни ҳурмат қиладилар.

Меҳнат таълими ўқитувчи бир сўз билан айтганда, болаларни ўзига жалб қилиб олсинки, болалар қулоқ солмай иложи йўқ десишлар. Шу билан бирга ўқувчилар бўшанг ўқитувчиларни қоралайдилар, ҳурмат қилмайдилар. Унинг қанака олам эканлигини тушунтириб бўлмайди, бир қарасанг ҳеч нарса талаб қилмайди, жуда бўшанг уни кўрганнингда уйқинг келади.

ҲП. КОММУНИКАТИВ ҚОБИЛИЯТ. Болаларга аралашуш қобилияти, ўқувчиларга турли ёндашуш йўлини топа олиш, педагогик муносабатлар ўрната олиш педагогик қобилиятларининг мавжудлигидир.

Меҳнат таълими ўқитувчининг ўқувчиларга нисбатан ахлокий-тарбиявий аҳамияти қатта. Назокатли ўқитувчи болаларга илғифотли ва ғамхўр бўлади. Уларни психологик хусусиятлари билан ҳисоблашади. Ҳар бир ўқитувчи, қачон бўлмасин ўқувчиларнинг ижобий ва салбий сифатларини баҳолайдилар. Яхши сифатли, адолатли меҳнат таълими ўқитувчиларни биринчи ўринга қўядилар. Айрим ўқитувчилар адолатсиз ва воқсани тушуниб етмасдан туриб иш тутади.

ҲПІ. ПЕДАГОГИК ҲАЁЛ. Ўз ҳаракатларининг оқибатларини олдиндан кўришда ўқувчининг келгусиде қандай одам бўлиши ҳақидага тасаввур билан боғлиқ бўлган шахсни тарбиялаб етиштиришда, тарбияланувчини қандай фазилатларини тараққий этишини олдиндан айтиб бера олишда ифодаланадиган махсус қобилият.

Бу қобилият педагогик тарбиянинг қудратига, одамига ишониш билан боғлиқ бўлади.

ІХ. ДИҚҚАТНИ ТАКСИМЛАШ ҚОБИЛИЯТИ. Ўқувчи учун диққатини барча хусусиятлари, ҳажми, кучи, қурувчилиги, ирода қила олиши ҳам муҳимдир. Диққатни айрим бир вақтда қила олиши ҳам муҳимдир. Диққатни айрим бир вақтда фаолиятнинг бир қанча турлари ўртасида тақсимлаш қобилияти меҳнат таълими ўқитувчининг иши учун алоҳида аҳамият касб этади. Қобилиятли тажрибали ўқитувчи (ёки ўқувчининг фикрини) диққат билан эътиборда туттади. толиқишнинг эътиборсизлик, тушунмаслик аломатларини хушёрлик билан кузатиб боради, барча интизом бузилиш ҳолларини эътиборда қочирмайди, ниҳоят ўз шахсий ҳатти-ҳаракатларини кузатиб боради. Тажрибасиз бундай ўқитувчи кўпинча материални

баён қилишга берилиб кетиб, шу вақт ичида ўқувчиларни эътибордан четда қолдиради, назорат қилмай қуяди, бордию, ўқувчиларни диққат билан кузатишга ҳаракат қилса, баён қилиш қавласини йўқотиб қўяди.

Мана биз юқорида меҳнат таълими ўқитувчининг асосий педагогик қобилиятларини кўриб чиқдик. Ўқитувчида бу қобилиятлар билан бирга меҳнатсеварлик хусусиятлари ҳам бўлиши шарт. Ишчанлик, яъни кўп ва самарали меҳнат қила билиш, ўтказиладиган ҳар бир тадбирга пухта тайёрланиш ўқитувчилик фаолиятининг муҳим шартидир. Педагогик қобилиятни ривожлантиришда ўқитувчилик касбига қизиқиш, ҳавас катта роль ўйнайди. Аслини олганда одамдаги бу қимматли сифатлар бир-бирига узвий боғлиқдир.

Меҳнат таълими ўқитувчининг билими қапчалик кенг ва чуқур бўлса, унда ўқувчиларга шу билимини бериш иштиёқи шунчалик зўр бўлади. Бундай ўқитувчи энг яхши педагог ҳисобланади, уларнинг кўпчилиги ўз фанининг усталари методистлари бўлиб қолади.

Энг аввало меҳнат таълими ўқитувчи ўзида педагогик қобилиятининг қандай ҳислатлари борлигини ўрганиши керак. Педагогик лаёқат эса масалан, ўқитувчининг педагогик фаолиятини, яъни бошқаларни севишга зарур сабр-тоқатга эга бўлишида кўринади.

Ўқитувчилар ўзларини педагогик фаолиятига лаёқатли деб, ҳисобламайдилар, шу фаолият йўлидан кетадилар. Синфларда дарс берадиган энг тажрибали педагоглар директор буйруғи билан синф раҳбарлари қилиб тайинланади.

Меҳнат таълими ўқитувчи — тарбиячининг ўқувчилари билан олиб борадиган иши узига ҳос хусусиятга эга. У ўқув жараёни учун ҳам ўқувчилар билан олиб бориладиган барча тарбиявий иш учун ҳам баробар жавоб беради. Мактаб остонасига биринчи бор қадам қўйган болалар учун ўқитувчи уларни фан оламига олиб қирадиган, агроф-муҳитдаги мураккаб ҳодисаларни тўғри тушуниб олишга ёрдам берадиган, улар учун янги бўлган жамоада яшашга ва меҳнат қилишга ўргатадиган бош мураббий, энг яқин киши бўлиб қолади. Ўқитувчининг дарсдаги фаолияти ягона ва мажбурий ўқув дастурлари билан қатъий белгиланса, синфдан ташқари ишга ўқитувчи билан ўқувчилар орасидаги муносабат эркин бўлади. Синфдан ташқари ишга оид муносабатлар ҳам қучга қиради.

Тақлидийлик, қатталарга ишониш ўқувчиларга хосдир. Меҳнат таълими ўқитувчи доимо болалар орасида бўлиб, ўз хатти-харакатини назорат қилиб боради, ўз нутқини кузатади ва хулқ-одоби билан болаларни жамоадаги ўзаро муносабатларнинг муайян нормаларга риоя қилишга даъват этади. Меҳнат таълими ўқитувчи кўп нарсаларни мустақил бажара олмаслиги туфайли ўқитувчи-тарбиячи кизиқарли ишларнинг ташкилотчиси ва ижроچиси ролини бажаришга тўғри келади.

Ўқитувчи-тарбиячининг иши вазифаси жуда ранг-баранг. Улардан энг муҳимлари қуйидагилардир:

- Болалар тарбиявий жамоасини ташкил этиш ва яратиш;
- Ўқувчиларни ўрганиш ва улар билан яқка тартибда ишлаш;
- Хилма-хил синфдан ташқари ишларни ташкил этиш ва ўтказиш (тарбиянинг барча йўналишлари бўйича);
- Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ошириш;
- Фан ўқитувчилари ўзаро ҳамкорликда ишлайдилар;
- Ота-оналар ва жамоатчилик билан ишлаш;
- Ўқитувчиларни ижтимоий фойдали меҳнатга бўлажак касбни танлаш ишларига жалб қилиш.

Меҳнат ўқитувчининг синф фаолиятидаги вазифалари:

Умумтаълим мактабларининг Низоми (устави)да баён қилинган. Синф раҳбари ўз синфидаги ўқувчиларининг таълим-тарбия жараёни, яъни дарслар давомида ҳамда дарслардан кейинги фаолиятини назорат қилишга масъулдирлар.

Синф раҳбари тарбиявий ишининг мазмуни қуйидаги асосий бўлимлардан иборат:

· тарбиянинг барча йўналишлари бўйича иш олиб бориб, ўқувчиларнинг фаол ҳаётий тайёргарликларини таркиб топтириш;

- ота-оналар, жамоатчилик билан ишлаш;

Ўқитувчи ва синф раҳбарларининг ўқувчилар билан олиб боралиган иш шакллари жуда хилма-хил:

- сиёсий ахборотлар;

- оғзаки журналлар;

- эртаклар;

- кеча ва учрашувлар;

- беллашувлар ва танловлар ва ҳ.к.

Синф раҳбарининг ишида синф билан ишлашнинг фақат унинг ўзига хос бўлган шакли бор — бу мактабда синф соати деб аталадиган синф раҳбари соатидир.

Синф соати — синф раҳбарининг синфдаги барча ўқувчилар билан шахсий мулоқотда бўлиш соатидир. Синф соатида тарбиянинг етакчи методи ижтимоий онгни шакллантириш методларининг таркибий қисми ҳисобланмиш суҳбатдир.

Синф раҳбари синф соатлари тизimini албатта режалаштиради, уларнинг мавзусини белгилайди, синфга бериладиган савол матнини, педагогик вазиятларни ўйлаб кўради.

Ўқитувчи ҳам синф раҳбари ҳам синф ҳужжатларининг тўғри юритилишига жавобгардир.

Тарбиявий ишни режалаштиришнинг истиқболли ва кундалик шаклларида фойдаланилади, олиб борилаётган иш эса мунтазам ҳисобга олинади.

9.3. Меҳнат таълими бўйича тақвимий-мавзуий режа

Таълим муассасаларининг илғор иш тажрибаси шуни тасдиқлайдики, меҳнат таълими бўйича режалаштирувчи ҳужжатлар ўқув жараёнининг ҳамма томонларини ҳисобга олган ҳолда тузиб чиқиши керак. Режалаштиришда ана шу томонлардан бирортасига эътибор бермаслик ўқитувчи ишида жиддий нуқсонларга сабаб бўлиши мумкин. Масалан, агар тақвимий-мавзуий режага (жадвалга қаралсин) «Таълимнинг гашкилий шакллари», «Таълим методларининг рўйхати» деган бўлимлар киритилмаган бўлса ва ўқитувчи ўқув материалининг қайси қисмини қандай метод билан ўқувчиларга етказишни ва бунда қандай ташкилий шаклдан фойдаланишни ўйлаб кўрмаган бўлса, у ҳолда табиийки, бундай ўқитувчининг машғулоти бири хилда зерикарли ўғадди ва кам самара беради. Унинг мазмуни I—иловада акс этган.

Бу ҳол кўриб чиқилаётган режанинг бошқа бўлимларига ҳам таалуқли бўлиб, уларда белгиланган буюмларни тайёрлаш учун техникавий ва технологик ҳужжатлар рўйхати албатта акс этган (ўқитувчиси томонидан олдиндан тайёрланган) бўлиши лозим. Маълумки, меҳнат таълими дастурида мавзулар кичик мавзуларга ва дарсларга бўлинмайди ва уларда соатлар миқдори ажратиб кўрсатилмайди. Бу иш ўқитувчига юкланади. У умумий мавзу ҳар бир машғулот учун ўқув материалининг ҳажминини шундай тақсимлаб чиқадики, бу материал мазмун жиҳатдан ҳам, шакл жиҳатдан ҳам мантиқан тугалланган бўлиши керак. ТТТу билан бирга ўқитувчи ажратилган кичик

мавзулардан ҳар бирига кирадиган ўқув материалининг тавсифи ва мазмунига мос келадиган ном бериши керак.

Таквимий—мавзувий режада амалий—лаборатория ишларининг рўйхати албатта берилиши лозим, зарур асбоб—ускуналар, материаллар, хужжатлар ана шу рўйхатга мувофиқ равишда киритилади ва тайёрланади.

Бундай режада ўрганилаётган технологик жараёнларни ўзлаштиришнинг самарали бўлишини таъминлайдиган махсус моеламаларниқУРеатмасдан Утиб булмайдди (улар олдиндан тайёрлаб қўйилиши лозим).

Айрим методистлар мавзу режанинг соддалаштирилган схемасини ёқлаб чиқмоқдалар. Улар бу ишни энди бошлаётган фаолиятларини ҳисобга олганда ўқитувчини муҳим, лекин қўп вақт талаб қиладиган тайёргарлик ишнинг уддасидан чиқмайдилар, деб тушунтирмоқчи бўладилар. Лекин ишни режалаштиришни ҳар қандай соддалаштириш ёки старли даражада аниқ режалаштирмаслик, маълумки, таълим жараёнини ташкил этишнинг бузилишига ва таълим ишида сифатнинг пасайишига ҳамда нуксонлар содир бўлишига олиб келади.

Таквимий — мавзу режани тузиш вақтида ўқитувчи ўқув — ишлаб чиқариш ишлари рўйхатига қандай меҳнат объектлари киритилиши лозимлигини олдиндан билиши керак. Демак, таквимий мавзу режа ўқитувчи томонидан ўқув — ишлаб чиқариш ишлари рўйхати билан бир вақтда тузиб чиқилиши лозим, чунки бу режалаштирилаётган ҳар иккала хужжат бир — бирига узвий боғлиқдир.

Меҳнат бўйича таквимий—мавзувий режани ишлаб чиқиш ўқитувчидан факат махсус тавсифга эга бўлган масалаларни билишни, юқори малакага эга бўлишни эмас. Балки дурустгина методик педагогик тайёргарликка эга бўлмаса, агар ўқув материали билан унинг мазмуни таълимнинг ташкилий шакллари ва методлари ўртасида узвий боғлиқлиқни аниқлашда қийналса, у меҳнат тўғри таълими бўйича аниқ. Машгулотларни ташкил этиш шаклини таълимнинг энг мақсадга мувофиқ методларни ишлашга муваффақ бўлиши гумон.

Ўқитувчи томонидан меҳнат таълими бўйича барвақт тузиб чиқилган таквимий—мавзувий режа (бу режа ўқитувчининг таътилга чиқишидан олдин тузилган бўлиши лозим) зарур бўлган асбоб-ускуналар, материаллар, кўрсатма қўлланмалар, ўқув ва сўровнома адабиётлар, меҳнат ўқув таълими нормаларини тўғри

ўтказиш учун зарур буладиган адабиётлар олиш учун устахона мудирига топшириладиган ўзига хос батафсил буюрматадан иборат бўлади.

Меҳнат таълими бўйича батафсил ишлаб чиқилган тақвимий-мавзувий режа дастур асосида ўқитувчининг машгулотга тайёрланишида, айниқса дарснинг рожасини тузиб чиқишда, меҳнат объектларни танлашда ва машгулотларни зарур нарсалар билан бойитишда унинг ишини анча осонлаштиради.

Меҳнат таълими бўйича тақвимий—мавзувий режа дастур асосида ярим йилга мўлжаллаб ишлаб чиқилади. Режа ўқитувчиларнинг метод бирлашмасида кўриб чиқилиши, тузатишлар киритилиб, мулоҳазалар ҳисобга олинishi керак (агар бундай тузатишлар ва мулоҳазалар мавжуд булса), шундан кейин УПК, КХК ва мактаб директорларнинг тасдиғига тақдим этилади.

Тақвимий—мавзувий режалар ҳар хил меҳнат турлари (ёғочни ишлаш, металлга ишлов бериш, кишлок хўжалик меҳнати ва ҳоказолар) учун алоҳида-алоҳида тузиб чиқилади.

9.4. Меҳнат таълими дарси режаси

Меҳнат таълими юзасидан машгулотга тайёргарлик кўриш ва унинг рожасини тузиш ўқитувчининг бутун тайёргарлик ишининг якунловчи босқичи бўлади. Ўқувчилар меҳнат таълимини ўзлари ўқитувчи (устаининг) ёрдамида тўла ҳажмда ўлаштиришлари замон тақозоси ва уларни тарбиялашнинг натижалари ана шу тайёргарликнинг тўлиқ ва пухта бўлишига боғлиқдир.

Ўқитувчи машгулотга тайёргарлик кўрар экан, ўтган дарснинг мазмунини ўқувчилар томонидан мустақил ўлаштиришини ва натижаларни таҳлил қилиши, унинг ижобий ва салбий томонларига эътибор бериш керак. Ана шу таҳлил ва янги мавзу вазибалари асосида навбатдаги машгулотнинг ўқув мақсади белгилаб олинади. Машгулотнинг мақсади аниқ ва қисқа белгиланиши: ўқувчиларда айни шу дарсда қандай илмий-техникавий билимлар, меҳнат кўникмалари ва малакалари таркиб топиши лозимлиги ифодаланиши шартлигини белгилайдиган кейин уларга мавзуни осон-қийинлигига қараб 3 кун, бир ҳафта ёки икки ҳафта муҳлат бериб мустақил ҳолда тайёрланиб қилишларни таъкидлайди. Қалажакда ўтадиган мавзу юзасидан мустақил тайёрланадиган материалларни, реферат, лойиҳа шаклларида эркин ифодаланиши тавсия этилади. Дарсни ўтиш даврида ўқитувчи уларни тайёрлаб келган материални ўрганиб, таҳлил этиб, дарснинг янги мавзуси мазмунини ДТС ва давлат

дастурига узвий боғлаб таърифлайди. Шу билан дарснинг назарий қисми тугаб, ўқувчилар амалий ишларга ўтадилар.

Кўпинча машгулот мақсадини аниқлашда қўпол хатоларга йўл қўйилмаслиги учун бунда аниқ дарснинг вазифалари эмас, балки бир неча машгулотга мўлжалланган бутун мавзунинг вазифалари ифодаланади. Дарснинг бундай мақсадига, албатта бирдан эришиб бўлмаслиги ўз-ўзидан равшандир. Ўқитувчи янги педагогик технологияга биноан машгулотнинг белгиланган мақсадига мувофиқ равишда ўқувчиларга, улар тайёрлаб келган реферат, лойиҳага асосланиб, инструктаж шаклида маълум қилинадиган янги билимларнинг мазмуни ва ҳажмини иш (буюм) объектини белгилаб чиқиб, ўзининг дарс режасини ишлаб чиқиш ўрнига ўқувчилар ўзлаштирадиган дарс технологиясини тайёрлайди ва уни расмийлаштиради. Мазкур дарс режаси куйидагидан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир. Қуйида дарс (машгулотларга онд режалаш йўлланмалар).

ДАРС РЕЖАСИ

_____ гуруҳ

_____ ихтисослиги

_____ уста

_____ вақт

Дастурнинг мавзуси _____

Дарснинг мавзуси _____

Дарснинг мақсади _____

Моддий-техник шароити _____

ДАРСНИНГ БОРИШИ

I. ТАШКИЛИЙ ҚИСМ. (ажратилган вақт кўрсатилсин). _____

1. Журнал бўйича ўқувчилар давоматини текшириш.
2. Ўқувчиларнинг ташқи кўринишини (махсус кийимларини) текшириш

II. КИРИШ ИНСТРУКТАЖИ (вақти кўрсатилсин) _____

1. Дастур мавзусини баён қилиш _____

2. Дарс мавзусини баён қилиш _____
3. Дарснинг ўқув мақсадини баён қилиш _____
4. Олдинги дарслардан материаллар юзасидан суҳбат уюштириш (саволлар ва ўқувчилар фамилияси кўрсатилсин):

А) _____

Б) _____

В) _____

5. Ўқувчиларга қуйидаги иш усулларини кўрсатишни таклиф этиш(иш усуллари ва ўқувчилар фамилияси кўрсатилсин):

А) _____

Б) _____

В) _____

6. Янги материални тушунтириш:

6.1. Берилган ишнинг касбни эгаллашдаги аҳамияти ҳақида гапириб бериш;

6.2. Қандай маҳсулот (детал)ларда ишлов бериш усуллари мулк қилиб яхши ўрганиб олинишини ва малакалар мустаҳкамланишини гапириб бериш;

6.3. Тайёр маҳсулот (детал), намуна, эталонларини кўрсатиш;

6.4. Тайёрланган деталлар қаерларга жўнатилишини ва улар ишлаб чиқариш учун қандай аҳамиятга эга эканлигини гапириб бериш;

6.5. Ўқувчиларнинг чизмани ўқиш, материаллар технологияси, маҳсус технологияга оид билимларга таяниб, саволлар бериш (саволлар ва ўқувчиларнинг фамилиялари кўрсатилсин)

А) _____

Б) _____

В) _____

7. Инструкцион-технологик карталар бўйича топшириқларнинг изчил бажарилиши ҳақида гапириб бериш.

8. Операцияларни бажаришда (деталлар тайёрлашда) ишлатиладиган жиҳозлар, мосламалар, асбоблар ҳақида гапириб бериш:

а) иш асбоби

б) ўлчов асбоби

в) мосламалар

г) жиҳозлар

9. Иш усулларини кўрсатиш (иш суръатида ва секинлаштирилган суръатда элсментар ажратилган ҳолда ва яна иш суръатида).

10. Ишни бажариш жараёнидаги ўз-ўзини текшириш ҳақида сўзлаб бери шва ўз-ўзини текшириш усулларини кўрсатиш.

11. Операциялар орасидаги текшириш ҳақидаги сўзлаб бериш.

12. Топшириқни бажаришда қўлланиладиган илғор иш усуллари ҳақида сўзлаб бериш.

13. Иш жойини мақсадга мувофиқ ташкил этиш ҳақида сўзлаб бериш.

14. Хавфсизлик техникаси қондалари ҳақида сўзлаб бериш: қуйидаги саволларга алоҳида аҳамият бериш.

15. Ишда браkning олдини олиш, брак турлари ва типик хатолар ҳақида сўзлаб бериш (брак турлари ва типик хатоларни кўрсатиш).

16. Қуйидаги саволлар ёрдамида ўқувчиларнинг ўрганилаётган материал бўйича ўзлаштирилишларини текшириш (саволлар кўрсатилади).

17. Ўқувчиларнинг ишни тўғри тушунган ва тўғри бажарганликларига ишонч ҳосил қилиш, уларга иш усулларини бутун гуруҳ олдида қайта кўрсатишни таклиф этиш.

18. Вақт нормасини (комплекс ишларни бажаришдаги) маълум қилиш.

19. Ўқувчиларга баҳо мезонини баён қилиш.

20. Кириш инструктажини хулосалаш.

III. ЖОРИЙ ИНСТРУКТАЖ, МАШҚЛАР МУСТАҚИЛ ИШЛАР.

(вақти кўрсатилади) _____

Машқлар кўрсатилади: _____

Мустақил ишлар кўрсатилади: _____

Муайян мақсад билан ўқувчиларнинг иш ўринларини айланиб кўриб чиқиш.

Биринчи айланиш: иш жойларининг аҳолини текшириш. Ўқувчиларга (фамилиялари кўрсатилади) алоҳида аҳамият бериш.

Иккинчи айланиш: иш усулларини тўғри бажарилишини текшириш. Ўқувчиларга (фамилиялари кўрсатилади) аҳамият бериш.

Учинчи айланиш: Ўз-ўзини назорат қилишнинг тўғри олиб борилаётганини текшириш.

Тўртинчи айланиш: ишда техникавий шартларга тўғри риоя қилиниши ни текшириш. Ишни қабул қилиш ва баҳолаш.

Бешинчи айланиш: иш (операциялар) орасидаги назоратчининг тўғри олиб борилишини текшириш.

IV. ЯКУНИЙ ИНСТРУКТАЖ (вақти кўрсатилади).

1. Кундалик ишни якунлаш.
2. Хар бир ўқувчи ишининг сифатини кўйилган баҳони баён қилиш.
3. Уқувчилардан ким ишни аъло сифатли қилиб бажарганини айтиб ўтиш.
4. Ўқувчилар ишидаги энг характерли камчиликларини таҳлил қилиш.

V. ИШ ЖОЙИНИ ЙИГИШТИРИШ.

VI. НАВБАТДАГИ ДАРС УЧУН МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИНИ ТАЙЁРЛАШ.

Ишлаб чиқариш таълими устаси

_____ (фамилияси, илмиси)

« ____ » _____ 200_ йил.

2-ИЛОВА

Қарор № _____ « ____ » _____ 200_ й.

_____ фанлар метод бирлашма йигилиши.

Таълимий дарсидан

Мавзуда _____ гуруҳида фанидан ўтган очик дарсдан муҳокама қилиб, уни _____ баҳолайди.

Очик дарс _____ (Дарс хақида фикрлар)

_____ Мухр ўрни

Бирлашма бошлиги _____

Катта уста _____

НАЗАРИЙ ДАРС РЕЖАСИ

_____ фанидан

_____ гурухлар вақт

Дарс максади: _____

1. Билим берувчи _____
2. Ривожлантирувчи _____
3. Тарбияловчи _____

Фанларро боғланиш

Дарснинг таъминланиши:

1. Кўргазмалар курул _____
2. Тарқатма материал _____
3. Техника воситаси _____
4. Программалаштирилган материал _____
5. Ўқув жойи _____

7. Адабиётлар

Дарснинг шакли:

Дарс шаклига қараб унинг элементлари ва уларга ажратилган тахминий вақтлар кўрсатилади.

МАСАЛАН, АРАЛАШ ДАРС УЧУН ДАРСНИНГ БОРИШИ ҚУЙИДАГИЧА:

1. Дарсни ташкил этиш(2-3 мин).
2. Ўтган дарс мавзуси ва Янги мавзу учун зарурий ўтган материалларни тақрорлаш (10-15 мин).

Мавзу юзасидан саволлар.

3. Янги мавзунинг баёни (50-60 мин)

Янги мавзунинг тушунтириш учун режа берилди ва режага асосан тушунтирилади.

Тўлиқ конспект алоҳида дафтарда бўлади.

4. Янги мавзунинг мустахкамлаш (5-10 мин).

5. Уйга вазифа

Ўқувчиларни "Ёгочга ишлов бериш бўйича материалшунослик" мавзуни мустақил ҳолатда ўзлаштирадиган режаси

I. ДТС ва давлат дастури юзасидан билиши шарт:

1. Ёгочсозликда қўлланиладиган материаллар ва уларнинг хусусиятлари.
2. Ёгочсозлик материалларининг хоссалари ва хусусиятлари.
3. Ёгочсозлик материалларининг стандартлари ва уларнинг ифодаланиши.
4. Ёгочсозлик материалларидан тайёрланадиган буюмлар ва уларни таърифи.

II. ДТС ва давлат дастури юзасидан удрдалаши шарт:

1. Ёгоч материаллар намуналарига қараб уларнинг 5-6 турларни аниқлаш.
2. Ёгоч материаллар 3-й намуналарига қараб улардан тайёрланадиган буюмларни

аниқлаш ва уларни техник-технологик жиҳатдан таърифлаш.

III. Дарсни ўзлаштиришга қаратилган манбалар:

1. Дарслик.
2. Сўровнома.
3. Журнал.
4. Ёгоч намуналари.

IV. Дарсни ўзлаштириш ҳолатига қараб баҳолаш:

1. Ахборотлар тўплаш - 5 балл.
2. Материаллар хусусиятларини аниқлашга қаратилган изланишлар - 15 балл.
3. Ёгочсозлик материалларига хос мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни

бартараф этиш - 30 балл.

Мазкур режадан маълум бўлмоқдаки, бу технология бўйича ўқитувчи асосий фаолиятини ўқувчиларни дарсга тайёрлаши, материалларни мустақил ўзлаштиришни бошқариш, ДТС ни ва дастурни ўзлаштиришни назорат қилишга йўналтирилган.

Шу билан бирга ўқитувчи ўз фаолиятини дарс жараёнида ўқувчилар дарсни мустақил ҳолатда ўзлаштиришда уларга маслаҳат бериш, ўқувчилар ҳаракатида

мавжуд бўлган поаникликлар, камчиликларни бартараф этишга намуна кўрсатиш ва бошқа ҳолатларда ёрдам бериш-дан иборат бўлмоқда.


Ўқитувчи дарсга тайёрланиш вақтида зарур методик адабиётлар-ни, дарслик ва ўқув кўлланмаларнинг тегишли мавзуларини, сўровномаларни, шунингдек ўрганилаётган мавзу билан бўлган илгор тажриба ва энг янги ютуқлар ёритиладиган бошқа манбаларни кўриб чиқиши керак. Сўнгра ўқитувчи дарс типини, унинг тузилишини, машгулотнинг ҳар бир элементини ўтиш методикасини аниқлаб олиши, ўқув материали мазмунига мувофиқ равишда меҳнат касб таълимининг қандай методларидан фойдаланиш кераклигини ҳал қилиб олиш лозим. Шу билан бирга ўқитувчи такрорлаш учун бериладиган саволларга (агар ўрганиладиган материал ўтган мавзу билан боғлиқ бўлса) аниқ тузиб чиқиши янги мавзу бўйича муҳим масалаларни (ўзи учун) аниқлаб олиши ва янги материални мустаҳкамлаш учун бериладиган саволларни белгилаб чиқиши керак, чунки баён қилиш тизими бузилмаслиги лозим. Агар ўрганилаётган меҳнат операцияси ўқувчиларнинг ўзлаштириши учун муайян қийинчилик туғдирса (мсталлни қирқиш, эгвлаш, ксснш, пармалаш ва ҳоказолар) ўқитувчи ўқувчиларга дастлаб тегишли меҳнат ёки ҳунар усулларни бажаришни машқ қилиб кўришни тавсия этади.

Ўқувчиларнинг мустақил ишлаш жараёнида ўқитувчининг вазифаси уларнинг фаолиятини назорат қилиб туришдан ва меҳнат усулларида, иш ўрнини ташкил этишда, хавфсизлик қоидаларига риоя қилишда эришилган ижобий натижаларни ва йўл қўйилган камчиликларни аниқлашдан ҳамда дарҳол уларга барҳам беришдан иборат бўлади. Ўқитувчи ўқувчиларнинг мустақил ишлаши жараёнида уларнинг фаолиятини қузатар экан, ўз кундалигига ҳар бир ўқувчини унинг меҳнат интизоми, меҳнат маданияти, бажараётган ишнинг сифати нуқтаи назаридан тавсифлаб берадиган мулоҳазаларни ёзиб қўяди ва ҳоказо. Шундай қилиб, дарснинг охирига бориб ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг меҳнат натижалари ҳақида тасаввурга эга бўлади. Бу эса унинг кўп вақт сарфламасдан ҳар бир ўқувчига аниқ, асосланган ва адолатли баҳо қўйишига имкон беради.

Ўқитувчи машгулотнинг якуновчи қисмида ўтилган дарсга якун ясайди, ўқувчиларга олган баҳоларини маълум қилади, ишидаги ижобий томонларни айтади ва йўл қўйилган камчиликлар ўстида алоҳида тўхталиб, уларнинг сабабларини очиб кўрсатади.

Шу билан бирга ўқитувчининг асосий фаолияти дарсни ва бу дарсга ўқувчининг ишини тайёрлаш, ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилади. Бу ишларни бажариш учун ўқитувчининг фаолиятидаги асосий мақсад мавзуларга қўйилган ДТС ва давлат дастуридаги материалларни ўқувчилар фаолиятида тўла ҳажмда ўзлаштиришни таъминлашдир. Бу ишларни ўқитувчи ўқувчилар билан ҳамкорлик ҳолатида ўзлаштирилишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Шунда дарс режаси фақат ўқувчиларнимустақил фаолиятига қаратилиб, дарс максаси ва мазмунини ўзлари қуйидаги шаклга қараб босқичма-босқич таъминлашлари шарт:



Унда ўқувчилар ДТС ни 100% ўзлаштиришлари шарт.

б - билим

к - кўникма

М - малака

М-Т- маҳорат

Т - тажриба

И - ижодқорлик.

Бу борада янги педагогик технологияларга биноан дарс режаси қуйидаги шаклда ўқитувчи томонидан ишлаб чиқилади:

"Тасдиқлайман"
илмий бўлим мудирини

«__» _____ 20__ йил.

Ўқувчиларни мустақил равишда дарсни ўзлаштириш технологияси

I. Мавзу _____

II. Дарс мақсади:

1. Таълимий: а) ДТС ва давлат юзасидан билишлари шарт масалалар:

_____ 5 минут

_____ 15 минут

_____ 10 минут

_____ 5 минут

_____ 5 минут

б) ДТС ва давлат дастури юзасидан амалий ҳолатда ўрганадиган техник-технологик асослар:

_____ 10 минут

_____ 15 минут

_____ 25 минут

2. Тарбиявий ДТС ва давлат дастури асосларидан келиб чиқадиган:

а) иқтисодий масалаларни ўзлаштириш;

б) ҳуқуқий масалаларни ўзлаштириш;

в) маънавий, маърифий ва маданий масалаларни ўзлаштириш:

3. Ривожлантириш

а) Назарий билимлар юзасидан: _____

_____ бойитиш, чуқурлаш ёки кенгайтириш.

б) Амалий ишлар юзасидан: _____ ишларни

давом эттириш:

_____ ишларни яқунлаш;

_____ ишларда дизайн асосларини бошлаш;

_____ ишларни топширишга тайёрлаш.

4. Назорат _____ масалалар юзасидан тест а тайёрланиш:

III. Дарс юзасидан фойдаланадиган манбалар:

- а) дарсликлар _____
- б) кўллашмалар _____
- в) сўровномалар _____
- г) асбоблар _____
- д) мослама, ускуналар, механизмлар _____

IV. Мавзунинг ўзлаштириш ҳолатини баҳолаш:

- а) ахборотлар тўплаш - 5 балл;
- б) маълумотлар излаш - 10 балл;
- в) муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш - 15 балл;
- г) тажрибалар қўйиш ва уларни бажариш - 30 балл;
- д) тадқиқотлар ўтказиш - 40 балл;

Юқорида ақс этган материаллардан маълум бўлмоқдаки, мазкур дарс режа асосан ўқувчилар фаолиятига қаратилган дарс режа ҳақиқатдан уларни мустақил ҳолатда ўзлаштириш технологиясини ўқитувчи ишлаб чиқиб, ўзининг фаолиятини дарсни ташкил қилиш, бошқариш ва назорат қилишга, маслаҳат бериш, намунавий амалий ёрдам кўрсатишга йўналтирилган.

Мисол тарикасида меҳнат ва касб таълими дастурида мустақил йўналиш бўйича ўрин эгаллаган машғулотни батафсил кўриб чиқамиз:

VI синф учун дастур мавзуси: металлларга ишлов бериш технологияси ва унга хос буюмларнинг конструкциясини ишлаб чиқиш ҳамда уни тайёрлаш.

Машғулот объекти: ускуна конструкциясини такомиллаштириш ва ясси юзаларни эгшлаш. Бу борада ўқитувчи ўз фаолиятини қуйидаги ишларни бажаришга йўналтиради.

Машғулот мақсади: ўқувчиларга ясси юзаларни эгшлаш асбоблари ва усуллари ҳақида маълумот тўплаш, шунингдек уларда юзаларни эгшлашга оид дастлабки кўникмаларни таркиб топтириш.

Машғулотнинг ташкилий қисмида навбатчиларнинг иш ўрни қандай эканлигини ва уларнинг ташкил этилишини, шунингдек устaxonанинг санитария-гигиена

холагини кўриб чиқишга йўналтириш ўқувчиларнинг ташки кўринишини, уларнинг машгулотга тайёргарлигини кўриб чиқиш ва уларнинг борлигини журнал бўйича текшириш. Янги материални эълон қилиш.

Ўқувчиларга ёритилиш лозим бўлган асосий масалаларга хос қуйидаги материалларни излаб, тўплашни топтириш:

1. Металларни эговлаш ва бу операциянинг ишлаб чиқаришда тадбиқ этиладиган соҳаси.

2. Шақли ва тишлари жихатидан фарқ қиладиган эговларнинг турлари (ясси дагал эгов ҳақида батафсилроқ ахборот йиғиш).

3. Эговни ушлаш усуллари ва ясси юзаларни эговлаш.

4. Эговлаш вақтида хавфсизлик техникаси қоидалари.

5. Ускуна конструкциясини такомиллаштириш (унинг шақли ва ўлчовларини аниқлаш) бўйича ўқувчиларнинг тақлифларни жамoa равишда муҳокама қилдириш.

6. Ускунани тайёрлаш технологияси (бу иш бўйича вақтини аниқланган ҳолда тегишли топширик бериш).

7. Эговланадиган юзаларни текшириш усуллари ва уларга қўйиладиган техникавий талабларни аниқлашга йўналтириш.

Янги материални мустаҳкамлашда ўқувчиларга бериладиган топшириқлар:

1. Эговни ушлаш ва юзаларни эговлаш усулларни кўрсатиш.

2. Ускунани тайёрлаш технологиясини ўзлаштириш усулини аниқлаш.

3. Ясси юзаларни эговлаш вақтида хавфсизлик техникаси қоидаларига тегишли материаллар йиғиш ва уларни ўзлаштириш.

Иш усулларни ишлаб чиқишда тегишли машқларни аниқлаш ва уларни қуйидагича ўтказиш: (минут)

1. Эговни ушлаш.

2. Ясси юзаларни эговлаш.

3. Эговланган юзани текшириш.

Ўқувчиларнинг вазифани мустақил бажаришида қуйидаги ишларга эътибор бериш:

1. Камчиликларга барҳам бериш мақсадида иш ўрини ташкил этиш. Ясси юзаларни эговлаш усулларини бажаришдаги камчиликларни аниқлаш ва уларнинг сифатини текшириш, хавфсизлик техникаси қоидаларни, шунингдек бирмунча орқада

колаётган ўқувчиларга тизимли равишда ёрдам кўрсатиш мақсадида иш ўринларни айлашиб чиқиш.

2. Анча яхши ўзлаштираётган ўқувчиларга қушимча ишлар бериш ва уларга якка-якка ҳолатда йўл-йўрик кўрсатиш.

3. Ўқувчилар бажарган ишларини қабул қилиб олиш ва баҳо қўйиш.

4. Навбатчи ўқувчилар назорати остида иш жойларни йиғиштириш ва ташкил этиш.

Машгулотга яқун ясашда:

1. Бажарилган иш учун ўқувчиларга қўйилган баҳоларни маълум қилиш.

2. Энг яхши натижаларга эришган, шунингдек характерли камчиликларга йўл қуйган ўқувчиларнинг ишларни қисқача таҳлил қилиш.

3. Навбатчиларнинг устахонани йиғиштириши ва уни қабул қилиш.

Режага машгулотни муваффақиятли ўтказиш учун зарур бўлган асбоблар, мосламалар, материаллар ва бошқа нарсаларнинг рўйхатини, шунингдек дарснинг батафсил матнини ўзлаштириш технологиясини илова қилиш керак.

Х БОБ. МЕХНАТ ТАЪЛИМИ ЖАРАЁНИНИ РЕЖАЛАШТИРУВЧИ ҲУЖЖАТЛАР ВА УЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

10.1. Режаланштирувчи расмий ҳужжатларни тавсифи

Мехнат таълими мажмуаларининг ўқув-моддий база тизимига кириши унинг функционал хусусиятлари сезиларли даражада жамиятнинг ижтимоий ва илмий-техник тараққиёти талаблари билан мувофиқлаштиришга олиб келади.

Ўқувчилар меҳнатининг унумдорлиги ва ишланган буюмлар сифатини яхшилашга қаратилган турли мосламалардан фойдаланиш вақтида қўлланилиши меҳнат таълими ўқитувчиларини методик ишларга фаоллаштиришга боғлиқ.

Мехнат таълимида методик изланиш ишлари ташкил этилиши аниқ илмий-методик режага йўналтирилган.

Ҳозирги вақтда педагогикага доир меҳнат таълими юзасидан методик тадқиқотларда яратувчанлик тажриба-синов деб аталадиган тадқиқот усули кенг фойдаланимоқда. Бунда тадқиқотчи тажрибани бажарувчи кишининг муайян фаолияти учун зарур шароит яратиб бериш билан бирга, ўзи ҳам бу ишга фаол таъсир кўрсатади ва ўзи ишга солган воситанинг самарадорлигини қайд қилади. Тажриба-синовни тайёрлаш ва ўтказиш учун ўзлаштириши ва ўзлаштириш ва оширишни режалаш лозим. Ўзлаштириш ва ривожланиши жиҳатдан тенг икки ёки бир неча ўқувчилар гуруҳи танланади. Гуруҳлардан бири тажриба-синов бошқалари назорат гуруҳи танланади. Тажриба-синов олдидан унинг ўрта ва охириги босқичида тадқиқ, қилинадиган омиллар текшириб кўрилади. "Намуналар" олинади, олинган маълумотлар киёслаш натижалари тажриба-синовларнинг самарадорлиги ҳақида далиллардан охиригиси ҳисобланади.

Тажриба-синов ва назорат гуруҳлари ўқув-тарбия шароитларини тенглаштириш ва тажриба-синовнинг яна ҳам аниқ маълумотларни олиш учун тажриба материалларни ҳар томонлама, яъни назорат ва тажриба-синов гуруҳлар ўрини алмаштириб, таҳлил қилиш методидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Мактаб ҳужжатлари ва ўқувчилар бажарган ишни ўрганиш методи меҳнат таълими ўқитувчиларининг дарс режалари ва мавзуларига хос матнларни: ўқув ишлаб чиқариш ишлари рўйхати ва бошқа режаланштирувчи ҳужжатларни: ўқувчиларнинг кундалиқларини, конспектларини, улар тузган чизма ва технологик ҳужжатларини,

бажарган амалий ишларни: синф журналлари, ҳисоботлари, ўқувчилар тавсияномалари чуқур илмий-методик жиҳатдан таҳлил қилишни ўз ичига олади.

Шу билан бирга меҳнат таълим тизимида-ўқувчиларни меҳнатга тайёрлаш, унга политехник мазмун, амалий ишни бозор муносабатларига яқинлаштириш, фанларни ўқитишга-уларни "фан-техника-технология" билан уйғунлаштириб меҳнат таълими мазмунига узвий боғланиш нуқтаи назаридан қараш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада меҳнат ўқув тарбия жараёни жадаллаштириш асосида-дарсларни ноанъанавий шаклларда ўтишга алоҳида эътибор талаб этилмоқда. Бу ҳолда, ўқувчиларни меҳнат юзасидан бажараётган билим олишга муносабатларини кескин ўзгартириш шарт. Илм уларга керак. ўқитувчи бу борада уларга маслаҳатчи, ёрдамчи вазифаси дарсни ташкил этиш, бошқариш ва аниқ режа асосида кузатиш муҳим аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга мактаб, ўқув комбинат ва КХК ҳамкорлик тамойилга қаратилган ражалаштирувчи ҳужжатлар материаллар

Ўқувчиларга меҳнат таълими асосларини тизимли тарзда эгаллашларига энг қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ўқув устахоналари ва бошқа меҳнат объектларида ташкил этилган тадбирлар. Уларнинг энг муҳим педагогик аҳамияти бутун педагогик фаолиятни таълим-тарбия вазифаларини ҳал қилишга тўла тўхис бўйсундиришдан иборатдир. Шунда КХК лари ва мактабнинг ўқув устахоналари бир канча вазифаларни, чунончи, меҳнат таълимининг хилма-хил ташкилий шакллари ва методларидан фойдаланиш техникавий маълумотларни янги ҳолатида маълум қилиш, тадқиқотчилик характеридаги ишларни амалга ошириш меҳнат, кўникмалари ҳамда малакаларини таркиб топтириш, техникавий билимларни, меҳнат усулларини ва бажарилаётган амалий топшириқларнинг сифатини текшириш, ўқувчиларда техникавий эстетик, дизайн дидни ва мустақил ишлаш малакаларини таркиб топтириш ва конструкторлик-технологик характердаги ижодий вазифаларни ҳал қилиш яхши шарт-шароитлар яратишидан далолат беради.

Юқоридаги вазифаларга амал қилиб, КХК ва мактабларнинг ҳамкорлик ржасида ўқув устахоналари қуйидаги асосий санитария-гигиена ва ташкилий методик талабларга жавоб бериши лозим:

1. Устахоналар учун мўлжалланган бино ўқув-педагогика, санитария гигиена ва ишлаб чиқариш - техника талабларини қондириш керак.

2. Ўқув устахоналарининг жиҳозланиши техниканинг ҳозирги даражасига, юксак меҳнат маданиятига мувофиқ келиши ва уларда меҳнат таълими дастурининг барча мавзуларини ўрганиш учун шарт-шароитлар яратилган бўлиши лозим.

3. Ўқитувчининг ўқувчилар гуруҳи билан олиб борадиган умумий гуруҳи ўқувиш-чиқариш ишлари учун ҳам, бригада-звено тарзидаги ишлари учун ҳам шарт-шароитлар яратилган бўлиши керак.

4. Ҳар бир ўқувчи учун мустақил иш жойи ажратилиб, бу жой зарур асбоб-ускуна, мосламалар билан жиҳозланган бўлиши зарур. Яхшилаш учун барча зарур шарт-шароитлар мавжуддир. Шу мақсадда давлат томонидан ажратилган маблағлардан ҳам, шунингдек, оталик қилувчи ташкилотлар, корхоналар ва ҳомийлар кўрсатаётган ёрдамидан фойдаланиш мумкин.

Шунда ўқув устахоналари ва ўқув хоналарининг майдони, мавжуд лойиҳаларга кўра, 70-90 м² ни ташкил этади. Устахоналар бир қavatли алоҳида бинога жойлашган бўлади. Улар синфларида ва ўқув хоналарида ўқув ишларини ижодий фаолият билан ҳамбарчас боғлаб бажара оладилар.

Бу борада “Меҳнат таълимини” режалаштириш ўқув жараёнини аниқ ташкил этишдан иборат бўлиб, у дидактика тамойилларига ва ўқувчиларнинг меҳнат тайёргарлиги дастури талабларига тўла-тўқис жавоб бера оладиган бўлиши керак. Меҳнат таълими бошқа умумий таълим фанларидан фарқ қилиб, таълимини ташкил этишда ўзига хос хусусиятга эгадир. Шунинг учун у режалаштиришга янада ҳам кўпроқ эътибор беришни талаб қиладики, бусиз таълим-тарбия ишда яхши натижаларга эришиб бўлмайди.

Меҳнат таълимини режалаштиришнинг яна бир жиҳати ҳар бир ўқувчининг таълим режаси ва дастурини бажаришни: меҳнат бўйича ўқув материалининг мазмунига тўлиқ жавоб берадиган таълим ишлаб чиқариш объектларини тўғри танлашни, меҳнат таълими билан бошқа умумий таълим фанлари ўртасидаги, биринчи навбатда физика, химия, математика, чизмачилик, биология ва бошқа фанлар ўртасидаги алоқани: ўқув-моддий базасидан (устахоналар, ўқув хоналар, ўқув-тажриба майдончалари, ўқув цехлари, участкалари, қурилиш майдончалари, асбоб-ускуналар, материаллар) унумли фойдаланишни: меҳнат ва касб таълимининг базасини режали равишда материал-техника (асбоб-ускуналар, материаллар, кўрсатма ва ўқув қўлланмалари, технологик ҳужжатлари) билан таъминлаш учун шарт-

шароитларни. ўқувчиларнинг режалаштирилган меҳнат объектларини белгиланган муддатларда бажаришлари ва ўз вақтида буюртмачиларга топширишларини: ўринлар етишмаганда ҳамда зарур асбоб-ускуналар кам бўлиб қолганда, ўқувчиларни иш жойларига оралик график асосида қўйиб чиқишни: илмий-техникавий билимларнинг, меҳнат кўникмалари ва малакаларнинг юкори даражада бўлишини: меҳнат таълимига оид машғулотларни, меҳнатин илмий асосда ташкил этиш талабларига мувофиқ равишда унумли йўлга қўйишни таъминлаши керак.

Меҳнат таълимини режалаштириш вақтида қуйидаги расмий ҳужжатлар тузиб чиқилади:

1. Меҳнат бўйича ярим йилга мўлжалланган, истиқбол тақвимий мавзу режа.
2. Меҳнатнинг ҳар бир тури бўйича ярим йилга ёки бир йилга мўлжаллаб тузилган ўқув ишлаб чиқариш ишларининг рўйхати.
3. Табиий-илмий циклдаги фанларнинг йиғма-мавзуий режа, унда фанлараро боғланишлар акс этиши лозим (ярим йилликка мўлжаллаб тузилади).
4. Аниқ мавзу ёки уни кичик бўлиши юзасидан батафсил матнга эга бўлган дарс режаси.

Меҳнат таълими бўйича батафсил ишлаб чиқилган тақвимий-мавзуий режа дастур асосида ўқитувчининг машғулотга тайёрланишида, айниқса дарснинг режасини тузиб чиқишда, меҳнат объектларни танлашда ва машғулотларни зарур нарсалар билан бойитишда унинг ишнини анча осонлаштиради.

Меҳнат таълими бўйича тақвимий-мавзуий режа дастур асосида ярим йилга мўлжаллаб ишлаб чиқилади. Режа ўқитувчиларнинг метод бирлашмасида қўриб чиқилиши, тузатишлар киритилиб, мулоҳазалар ҳисобга олиниши керак (агар бундай тузатишлар ва мулоҳазалар мавжуд бўлса), шундан кейин КХК ва мактаб директорларнинг тасдиғига тақдим этилади.

Тақвимий-режа режалар ҳар хил меҳнат турлари (ёғочни ишлаш, металлга ишлов бериш, кишлоқ хўжалик меҳнати ва ҳоказолар) учун алоҳида-алоҳида тузиб чиқилади.

10.2. Ўқув устахоналардаги буюмлар рўйхати

Ўқув-ишлаб чиқариш ишларининг рўйхати ярим йилга ёки бир йилга мўлжаллаб тузилади. Уни ишлаб чиқишда ўқитувчилар ва устахона мудирини, ишлаб чиқариш таълими ўқитиладиган мактабларда, КХК ларда эса бу ишга ишлаб чиқариш таълими бўйича илмий бўлим мудирини ҳам қўшилади.

Рўйхатпи ишлаб чиқиш учун КХК ва мактаб буюртмалари, оталиқ қилувчи ва оталиқдаги ташкилотларнинг ва хомийлар турли инвентар ва ишлайдиган техникавий моделлари, тажриба кўрсатиш ва ўқув хоналарни жиҳозлаш учун зарур бўладиган асбоблар ва кўрсатма-қўлланмалар, меҳнат бўйича машгулотлар учун керакли асбоблар ва мосламаларни тайёрлаш учун берадиган буюртмалар меҳнат объектлари хизмат қилиши мумкин.

Бу буюртмаларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартиби қуйидагича бўлиши мумкин: март-апрелда устахона мудирининг йўриқларида айтиб ўтилган ташкилотларнинг раҳбарларидан, мактаб устахоналари учун келаси йилга буюртмаларнинг мавжудлигини аниқлайди. КХК ва мактаб ўқитувчилар хонасида ана шу вақтда ўқитувчиларга қаратилган мурожаат осиб қўйиб, унда турли буюмларни тайёрлашга оид ўз буюртмаларини ўйлаб кўришни сўраш мақсадга мувофиқдир.

Мактаб, КХК ва бошқа ташкилотлардан қабул қилиб олинган буюртмаларнинг конструктив ва технологик мазмуни, мураккаблиги ҳамда меҳнат таълими дастурига мувофиқ қилиши нуқтаи назардан таҳлил қилиб кўрилади. Улардан ана шу талабларга жавоб бермайдиганлари буюртмачига қайтарилади ёки дарсдан ташқари машгулотлар вақтида бажарилади.

Бу борада, янги иш объектларида муайян операциялар бўйича меҳнат усуллари янада такомиллашади, бу эса меҳнат кўникмалари ва малакаларини таркиб топтириш қонуниятига тўла мос келади.

Ўқув-ишлаб чиқариш ишлари рўйхати ўқувчилар меҳнатини фақат бутун маҳсулот ёки детал ҳажмида эмас, балки унга кирадиган ҳар бир операция бўйича катъий ҳисобга олиш ва вақт ҳажмини нормаллаштиришни таъминлашни назарда тутлади.

Бунинг афзаллиги шубҳасиздир, биринчидан. Ўқувчининг ўқув устахонасидаги меҳнат ўз характери жиҳатидан ишлаб чиқаришдаги ишчининг меҳнатига яқинлашиб қолади. Демак, ўқув ишларини мунтазам равишда режалаштириш, ўқувчиларнинг ишлаб чиқаришдаги меҳнат жараёнига тез киришиб кетишини таъминлайди, иккинчидан нормаллаштирилган меҳнат ўқувчига вақт омилини ҳисобга олишни ўргатади, бу эса меҳнат унумдорлигини ошириш йўлларида биридир. Шу муносабат билан умуман бутун буюм учун берилган умумий вақт нормаси ўқувчиларнинг ўз олдидан қўйилган вазифаларини бажариш учун бутун кучларни сафарбар

килишларини таъминламаслигини айтиб ўтнн керак. Кўриб чикилатган рўйхатда илгари ўзлаштирилган операцияларни мустахкамлашга сарфланган вақтининг бирмунча қисми назарда тутилади.

Таълим устахоналари учун буюртмаларни йиғиш вақтида чекланган микордаги жараёнларни галаб киладиган турлари жуда кўп бўлиб қатъий бажарилиш муддатларини талаб киладиган буюмларни танлашга қизиқмаслик керак. Бундай холда ўқувчилар меҳнати узининг таълим мақсадини йўқотиш ва соф ишлаб чиқариш эҳтиёжига айланиб қолиши мумкин.

Бундай ташкилий ишлар ўқув устахоналарида олдиндан режалаштирилган ўқув жараёни сифатида амалга оширилади. Ўқув йилининг ҳар қандай вақтида буюртмалар бериш меҳнат ва касб таълими тизимининг бузилишига ва бошқа тарбиявий тавсифдаги камчиликларга сабаб бўлиши мумкин. Танлаб олинган буюмлар ўқув-ишлаб чиқаришларининг рўйхатига киритилади (жадвал). Ҳар бир буюмга чизмалар ва технологик хариталари ишлаб чиқилиб, улардан буюмларнинг мазмуни ҳар хил тарзда деталлаштиради (таълимнинг бошланғич даврида тўлиқ, кейинги даврларда қисман) анна шу буюмларнинг намуналари тайёрланади ва тажриба асосида уларга кетадиган вақт ҳажми белгиланади.

Жадвалдан кўриниб турибдики меҳнат асосида ва унинг жараёнида тайёрланиш лозим бўлган буюртмалар (ўргамчик) ишлар бутунлай бўлмайди. Бу тамойил КХК ва мактабда меҳнат таълимига қўйиладиган талаблар билан тўла — тўқис мувофиқлаштирилади. КХК ва мактабнинг оталиқ қилувчи оталиқдаги корхонанинг эҳтиёжлари учун фойдали буюмлар тайёрлаш ўқувчиларнинг меҳнат таълимига қизиқишини ўз меҳнатлари натижаларини ва моҳиятини кўрадилар.

Ўқувчиларнинг ўзлаштириши мўлжалланган меҳнат жараёнларининг кўриб чиқиш рўйхатида бу жараёнлар асосан технология белгисига қулайлик тамойилини ҳисобга олган холда жойлаштирилади. бу эса буюмларни ўқувчилар учун иш объектларини танлашни осонлаштиради.

Ўқувчиларнинг режалаштирилган буюмлар рўйхатини тайёрлаш жараёнида ўзлаштирган меҳнат усуллари ва жараёнлари мунтазам мустахкамланиб боради лекин бу илгари ўзлаштирилган нарсаларни соф механик тарзда такрорлаш ҳисобланади. Иш объектларида муайян операциялар бўйича меҳнат усуллари такомиллашади, бу малакаларини таркиб топтиришга тўла мос келади. Бунинг

афзаллиги шубҳасиздир, ўқувчининг ўқув устахонасидаги ўз ишлаб чиқаришдаги ишчининг меҳнатига яқинлашиб қолишни таъминлайди. Демак ўқув ишларини мунтазам равишда чиқаришдаги меҳнат тез киришиб иккинчидан нормаллаштирилган ўқувчига ҳисобга олишни ўргатади. Шу муносабат умуман бутун буюм учун берилган умумий вақт нормаси ўқувчиларнинг ўз олдларига қўйилган вазифаларини бажариш учун бутун кучларни сафарбар қилишларини таъминламаслигини айтиб ўтиш керак. Кўриб чиқаётган рўйхатда илгари ўзлаштирилган операцияларни мустаҳкамлашга сарфланган бирмунча қисми назарда тутилади.

Меҳнатга сарфланадиган вақт нормаси бошқа омилларга: ўқувчиларнинг меҳнат таълими бўйича тайёргарлик даражасига, ўқув устахоналарининг материаллари билан таъминлашига, боғлиқдир. Бундай ҳолда объектларни тайёрлаш учун сарфланадиган вақт нормаларни аниқлашнинг тажриба — статистика методига мурожаат қилгани яхшироқ чунки бу метод шароитда ўқувчиларнинг ишларини операциялар бўйича ҳонометраж қилишга асосланган.

V ва VI синфларда металлга ишлов бериш мисоли асосида ўқув ишлаб чиқариш ишлари рўйхати

Маталлга ишлов бериш устaxonасида ишлаб чиқариш ишларининг тахминий рўйхати асосида меҳнат операциясига кетган вақт (V синфда)	V синф					VI синф							
	режалаштириш	Қиркиш	эголалаш	Қиркиш ва бордок билан тешиш	туғурилаш ва эгиш	Четларига сим ўраш ва электр сх. мой қилиш	Пармалаш ва тешиққ силликлаш	Резба қиркиш	паринлаш	Оддий чок Билан бирлаштириш	калайлаш	Электромонтаж-операциялари	
	4,6	4,6	6,0	4,0	4,0	3,0							
VI синфда	2,0	1,0	3,0	1,5	1,5	1,0		2,0	2,0	3,0	4,0	3,0	2,0

Масалан, «Металлга ишлов бериладиган станокларда ишлаш» деган мавзуни ўрганишга киришилганда ўқитувчи, айниқса ўқув материалнинг ўқувчиларнинг физика, химия, чизмачилик ва бошқа фанлардан олган билимлари билан мустаҳкам боғлиқ бўлган қисми бўйича тайёр билимларни етказишга ҳаракат қилмайди. Ўқитувчи суҳбат ўтказиш усули билан ўқувчилар қаттиқ жисмларнинг хоссаларини, ишқалаш турларини (физика), кўп қиррали бурчақларнинг хоссаларини (геометрия), аралашмалар, эмульсиялар ва минерал ёғларнинг (кимс) ва ҳоказоларнинг хоссаларини қандай ўзлаштириб олганликларни аниқлайди ва ана шу фанлардан олинган билимлар асосида уларга ишлов берилётган металлларнинг таркибини ва қирқиш жараёни, резецнинг геометриясини (чархлаш бурчақларини), резецни ва ишланаётган детални совитиш учун ишлатиладиган совитувчи суюқликнинг (эмульсиянинг) таркиби ва хоссаларини деталларнинг станокдаги ишқаланувчи юзларини ва уларни машина ёт суриш йўли билан ишқалашни камайтириш усулларни тушунтириб беради.

Бирок фанлараро алоқа бир томонлама жараён эмас. Умумий таълим фанларидан дарс берувчи ўқитувчилар ўқувчиларнинг меҳнат ва касб таълими бўйича олган амалий тажрибаларидан ўрганилаётган табиат қонунларини чуқурроқ тушуниш учун фойдаланишлари лозим.

Йиғма-мавзу режани ишлаб чиқиш мактаб ва КХК политехника комиссияларнинг вазифасига киради. Бу комиссиялар таркибига умумий таълим фанларидан, биринчи навбатда меҳнат ва касб таълими, физика, математика, биология, чизмачилик ва ҳоказо фанлардан дарс берадиган ўқитувчилар киради. Уларнинг ҳар бири ўз фанининг мазмунини синчиклаб таҳлил қилиш асосида ўқув материалнинг бошқа фанлар билан боғланишига оид аниқ мисоллар таклиф қилади. Ўқитувчиларнинг таклифлари ҳар томонлама муҳокама қилинади, аниқланади ва зарур бўлганда тасдиқланади. Фанлараро алоқалар учун ҳар бир фан йиғма мавзу режа жадвалига киритилади. . унда ҳар бир фанга оид у ёки бу мавзуни ўрганиш муддатлари кўрсатилади.

Йиғма-мавзу режани муваффақиятли амалга ошириш ўқувчиларнинг меҳнат жараёнида бажарилган ишлар бўйича тайёргарлигининг юқори сифатли бўлишигина эмас, шу билан бирга политехник билим доирасининг ҳам кенг бўлишини таъминлайди.

Шундай қилиб ўқув йили мобайнида кетма-кет тайёрлаган буюмлар мисолида уларда шакилланган кўникма- малакалари ўқишдан ташқари малакаларда унумли меҳнат қилишга замин яратади.

10.3. Табiiй-илмiiй циклдаги фанларнинг йиғма мавзу режаси

Режалаштирувчи бу хужжатда УПК, КХК ва мактабда ўқитиладиган меҳнат физика, химия, чизмачилик ва бошқа фанларнинг узаро боғланишини очиб беради. Илгор ўқитувчи ва омишлар уртасидаги катта эътибор берганлар. Масалан, муайян табiiй фанлар ва ходисаларнинг тасвирларни бир бирига боғламасдан болалар хотирасини кераксиз тарзда англатади, холос»

Хозирги мактаблар, МУИЧК, КХКдаги ўқитиш ўқувчиларга мустахкам билим ва малакаларини беришдан ташқари уларнинг ходисаларга чуқур ва ҳар томонлама олган чиқариш меҳнат ходисаларни мустақил равишда билимга эга бўлиши учун таъминлаш керак. УПК, КХК ва ўқувчиларнинг умумий таълим билимларни амалда қўллашлари учун йўлга қўйиш орқали ўқувчиларга уларнинг турмушда бўлиши ўртасида мавжуд боғланишларни кўра билишларига ёрдам зарур, масалан, физика курсида қаттиқ жисмларнинг хоссаларнинг понакга, кучга, массага, тезликга ишқаланиш ва хоказоларни ўрганадилар. Бу вақтда агар улар ўқув устахоналарида физикавий — механик хоссаларни ва таркибини билмасалар, агар улар ишлов берилаётган материалга қараб уларни қирқувчи асбоб тўғри танлай олмасалар, агар улар ишлов машинпаларидаги қандай йўл билан камайтиришни ва билмасалар, уларнинг илгари олган билимлари бўлиб қолади.

«Дастлабки электротехника ишлари» мавзуси юзасидан истиқбол тақвимий-тематик режанинг намунаси

286

№ №	дастурдаги мавзулар номи	машгулот ўтказиш шакллари	таълим методлари	иш объекти	Материал-лари	Асбоблар		жидоз	кўрсатма ва қўлланма	технология хужжатл	адаби
						ишлов	ўлчов				
33.1 V.	Электр ҳақида дастлабки маълумотлар ва электротехника материаллари	Амалий машгулотлар фронтал ташкил этиш	Сухбат, тушунтириш, намоёнлик, кўрсатиш	ТУ монтаж симлари, изоляция-симналар	ПВ, АПВ, ППБ симлари, текстолит бирлаштирувчи симлар	отверка, гайка, калитлар, турли кесгич, ясси жағди	масштаб и чизгич 90 град. ли бурчакли	кўрсат иш столи, селарлик дастохи, тискилар	Аккумулятор ишловчи, генератор модели, КБС багараси	ишла-надиган деталларга тежарга чизмаси	Давлат Карим «Меҳнат» касб таълим назари ва амал

Табий-илмий циклдаги фанларнинг йнгим-тематик мавзу режасига доир мисол (8-синф)

Табий-илмий циклдаги фанлар					
Меҳнат таълими	физика	математика	кимё	чизмачилик	
Кесиш жараёни ва кесувчи асбоб, унинг геометрияси: киркинди ҳосил бўлиш жараёни тўғрисидаги умумий тушунча, кесиш чуқурлиги, суриш ва кесиш тезлиги, асбобларнинг чидамлилиги. Кесувчи асбобларнинг турлари, пармалар, кесгичлар, фрезалар, дастарралар ва ҳ.к	Қаттиқ жисмларнинг хоссалари (киркиш қаттиқрок жисмнинг унча қаттиқ бўлмаган жисмга ботиши пона. Куч, масса ва тезланиши, ишқаланиш иш ва иссиқлик)	Тўғри чизиқ ва текисликларининг фазодаги параллелиги, кўп ёкли бурчакларнинг хоссалари	Эритмалар эмульсиялар, минерал мойлар ва ҳайфон ёглари, суриб совитиш моддалари	Қирқимларда кссимлар	

2-жадвал

Ҳозирги вақтда техника ишлаб чиқариш, меҳнат гўё инсоннинг табиат қонунларини кашф қилишини ўзида гавдалантирганки, ҳозирги фан-техника тараққиёти ана шуларга асосланган. У ўқувчилар меҳнат ва касб таълими билан бошқа умумий таълим фанлари ўртасидаги объектив мавжуд бўлган боғланишларни худди шу тарзда тушунишлари лозим.

2-жадвалда меҳнат таълими дастуридаги айрим бўлимлар (мавзулар) нинг бошқа фанлар билан алоқасига оид мисоллар кўрсатилган. Ана шу режалаштирувчи ҳужжатнинг мазмуни меҳнат дарсларида қуйндагича амалга оширилади:

Мазкур ишлар қўйилган режа асосида ўтказилиши керак. Тайинлапган режада ўрганилаётган муаммога оид асосий ва қўшимча саволлар акс

эттирилади. Тадқиқотчи суҳбат вақтида саволлардан турли вариантда оқилона фойдаланиш, суҳбатда меъёрни унутмаслик лозим ўқувчи (ўқитувчи) нинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олиши керак. Суҳбат баёнатномага ёзиб борилиши мумкин.

Агар тадқиқотчи суҳбатни ўқувчи (ўқитувчи) га сездирмасдан ёзиб олса бўладиган техник воситалардан фойдаланса, суҳбат натижалари анча объективроқ чиқиши мумкин.

Педагогик тажриба-синов методи. Педагогик жараёнга оид баъзи факт ва факрларни синов кўриш учун аниқ ҳисобга олинадиган шароитда текшириб кўриш мақсадида ўтказилган илмий тажрибадан иборат.

Педагогик тадқиқот методи сифатида меҳнат дарсини ўқитишнинг бирор методи ва ташкилий шакллар самарадорлигини, меҳнат политехника тайёрлигининг мазмуни, меҳнат таълимининг дидактик тизимини аниқлашда; меҳнат дарсларида кўрсатма куролларда, технологик ҳужжатлардан, ўқувчилар меҳнати унутмаслиги ва ишланган ашёлар сифатини яхшилаш ва ҳоказоларга қаратилган турли мосламалардан фойдаланиш вақтида қўлланилиши мумкин.

Ҳозирги вақтда методик-педагогик тадқиқотларда яратувчилик деб аталадиган тадқиқот усули кенг қўлланилмоқда. Бунда тадқиқотчи тажриба бажарувчи кишининг муайян фаолияти учун зарур шароит яратиб бериш билан бирга, ўзи ҳам бу ишга фаол таъсир кўрсатади ва ўзи ишга солган воситанинг самарадорлиги қайд қилади.

Тажриба-синовни ўтказиш учун ўзлаштириши ва ривожланиши жиҳатдан тенг икки ёки бир неча ўқувчилар гуруҳлари танланади. Гуруҳлардан бири тажриба-синов, бошқалари назорат гуруҳда ҳисобланади. Тажриба синов олдидан, унинг ўрта ва охириги босқичида тадқиқ қилина-диган омиллар текшириб кўрилади. («намуна» лар қилинади) олинган маълумотларни киёслаш натижалари тажриба синовнинг самарадорлиги ҳақида ҳукм чиқариш учун асосий далиллардан бири ҳисобланади.

Тажриба-синов ва назорат гуруҳлар меҳнат ўқув-тарбия шароитларини тенглаштириш ва тажриба-синовнинг яна ҳам объектив маълумотларни олиш учун тажриба маълумотларини ҳар томонлама, яъни назорат ва тажриба синов гуруҳлар ўрнини алмаштириб таҳлил қилиш методидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бу борада мактаб ҳужжатлари ва ўқувчилар бажарган ишни ўрганиш методи меҳнат таълими ўқитувчиларнинг дарс-режа ва матнларини, ўқув-ишлаб чиқариш

ишлари рўйхати ва бошқа режалаштирув хужжатларини: ўқувчиларнинг кундаликларини, матнларини, улар чизган чизма ва технологик хужжатларни, бажарган амалий ишларни; синф журналлари, мактаб ҳисоботлари, ўқувчилар тавсифномасини чуқур илмий-методик жиҳатдан таҳлил қилишни ўз ичига олади.

Санаб ўтилган хужжатларни таҳлил қилишда тадқиқотчи касб таълими соҳасидаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида ҳулоса чиқариши мумкин. Мазкур методнинг самарадорлиги тадқиқотчининг текширадиган хужжатлари матннинг замирида тажриба-синов қатнашчилари - жонли одамлар фаолияти ётганлигини кўра билишига боғлиқ.

Лаборатория- тажриба-синов педагогик тадқиқотчилар, айниқса, меҳнат таълими дарсларида меҳнат малакалари ва кўникмаларини шакллантириш соҳасидаги тадқиқотлар методикасига аниқлик киритишда, ўқувчилар меҳнати сифатини назорат ва ўз-ўзини назорат қилишнинг қулай усулларни танлашда, аниқлашда қўлланилади. Бунда тадқиқот қилинаётган кўрсаткичлар натижасини аниқ тарзда баҳолашга имкон берадиган хилма-хил аппаратуралардан фойдаланилади. Шушунингдек, тензометрлаш, циклограмметрлаш, ленографлаш ва компютер каби усуллар ҳам кенг қўлланилмоқда. Меҳнат жараёни элементларини тензометрия усулда ўрганиш иш асбобларини (кескич, туника қайчи, ранда, дастарра) дастасига сезгир тензоузатгич ўрнатиб, бир учи осциллографли электр занжирга уланади, унинг ёрдами билан эса муайян операцияни бажаришда ўқувчининг мушакларида юз берадиган ўзгаришлар графигини фотопленкага ёзиб олиш ёки кузатиш мумкин. Олинган графикни эталлон (малакали ёш ишчи ишлаганда олинган график) билан солиштириб, меҳнат ҳаракатларини бажаришнинг турли фойдали иш асбобларига сарфланган мушак қуввати фарқини, бу фарққа қараб эса иш усулида йўл қўйилган хатолар характерини аниқлаш мумкин.

Циклограмметик усул эса меҳнат жараёнини кино ва видео олишдан иборат. Бунда ишловчи қўлига боғлаб қўйилган ёритгич электр лампочкалар траекториясига қараб бажарилаётган ишнинг тавсифи, қўлнинг айрим қисмларидаги тезлик ва тезланиш аниқланади. Олинган траек-тория, сураг ва ритми таҳлил қилиниб, қўлланилаётган иш услубининг рационаллиги тўғрисида ҳулоса чиқариш мумкин.

Ленографик усул иш ҳаракатларини тадқиқ қилишда қатнашувчи ўқувчи мушакларидаги биотокнинг ўзгаришини қайд қилиш имконини беради. Бу усулда

электрон асбоблар қўлланилади. Улар оддий коғоз лента ёки ёруғ сезгир коғозларга мушаклардаги биотокларнинг ўзгаришини график тарзда ёзиб олади. Тадқиқотнинг бу ўсули юқорида кўриб чиқилган усуллардан фарқли равишда, қуйидаги бошқа расмий ҳужжатлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Улар иловалар ҳолатида келтирилган.

2.11.1 жадвал. Йўл-йўриқли технологик харита

Фан _____

Топширик № _____

Машгулот мақсади _____

Асбоб ва жиҳозлар _____

Ажратилган вақт _____

Т/р	Бажариладиган ишлар	Асбоб ускуна ва жиҳозлар	Ишларни бажариш тартиби	Чизма, диаграмма	Ўз-ўзили текшириш
	2	3	4	5	6

2.11.2 ва 2.11.3-жадваллардаги йўл-йўриқ технологик хариталар: Махсус фанлардан амалий лаборатория ва ўқув амалиёти давомида фойдаланса юқори натижа беради.

2.11.4- жадвал. Йўл-йўриқли технологик харита

фан	Мавзу	Топширик	Машгулотнинг мақсади	Иш ўрнини жиҳозлаш	Ажратилган вақт
1	2	3	4	5	6

2.11.5- жадвал Йўл-йўриқли технологик харита

Т/р	Ишларни бажариш тартиби	Чизма	Ўз-ўзини текшириш	Асбоб ва жиҳозлар	Ҳисобот учун савол ва топширик
1	2	3	4	5	6
					Ҳисобот учун топширик 1. Адабиётлар 1. 2.

Бу харита тузилмаси мураккаброк, бўлса ҳам уни ишлаб чиқишга ўқитувчи қўллаш зарур. Бу политехник таълимга хос ҳисобланади.

Инструкцион-технологик харита

Топширик				
Машгулот асбоб ва жиҳозларга ажратилган вақт	Мақсад ва вазифалар			
	1-соат			
Бажариладиган ишлар	Асбоб-ускуна ва	Ишларни бажариш	Чизма, диаграмма	Ўз-ўзини текшириш
2	3	4	5	6

2 ва 3-жадваллардаги инструкцион технологик хариталар махсус фанлардан амалий лаборатория ва ўқув амалиёти давомида фойдаланса юқори натижа беради.

2-жадвал. Инструкцион технологик харита

Мавзу	Топширик	Машгулотнинг мақсади	Иш ўрнини жиҳозлаш	Ажратилган вақт
2	3	4	5	6

XI БОБ. МЕХНАТ ЖАРАЁНИНИНГ ТАҲЛИЛ ВА МЕХНАТ ТАЪЛИМИДА ДИДАКТИК ТУШУНЧАЛАР

11.1 Билим, малака, кўникма, ихтисослик

Ўзбекистоннинг мустақиллиги йилларида кадрилар тайёрлаш, малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимларида муҳим ўзгаришлар киритилади: Янги педагогик, ахборот технологиялар, ҳозирги дарс жараёнини камтарсиз тасавур этиш кийин, ўқитувчиларнинг кўпи масофадан ўқитишни борган сари таълим тизимига оммалаштиришни даъват этмоқдалар, таълим тизимида жадаллаштириб ўқитиш негизда барча таълим субъектларни фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга интилоқдалар ва ҳақозолар муҳим аҳамиятга эгадир, айниқса меҳнат таълимининг барча жиҳатларини ўқувчилар, талабалар ва тингловчиларга политехник таъмоийилларга таяниб кенг ва гуруҳ мазмунларини етказиш катта педагогик-методик аҳамиятга эга.

Бу борада мазкур параграфда: билим, малака кўникма, касб ихтисослик ва шунга ўхшаган атамаларни, сўзларни, тушунчалар мазмунлари орқали- меҳнат жараёнларни таҳлили ва меҳнат таълимидаги дидактик асосларни: ўқувчилар талабалар, тингловчилар ва бошқа таълим ташкилотчилари ўзлаштириши муҳим мақсадга эгадир.

Меҳнат таълимида “билим” иборани қўллашда биз куйидаги тушунчага эга бўлиб уни ўқувчиларда шаклланиш мезонини куйидагича англашимиз зарур.

Билим- ўрганаётган объект ҳақида унинг муҳим хусусият ва сифатларини объектни маълум жиҳатларини биз тушунчаларда ифодалаймиз ва ўрганамиз. Демак тушунчалар тизимини ўзлаштириш орқали ўрганилаётган объект ҳақида зарур билимга эга бўлаимиз.

Меҳнат таълимидаги билимлар ўрганаётган объектни (эгов арра станок машина ва бошқа меҳнат объектини) вазифаси, тузулиши, ишлаш қоидалари, тайёрланадиган материаллари, қўллаш технологияси, ишлашда эътибор бериладиган хавсизлик техникаси, тамирланиши шу объектни таърифлайдиган бошқа гомонларини ўқувчилар ҳам назарий, ҳам амалий ҳолатда қўллаш технологиясини билишлари шарт. ДТС нуқтан назаридан ўқувчилар ўзлаштирган ҳолатини (билим, кўникма, малака ва маҳорат, тажриба, ижод, такомиллаштириш) даражаларини (мезон, меъёр)

доирасини белгилайди. Ўқувчилар меҳнат объектлари: ҳар томонлама, чуқур кенг, тор, атрофларга ўзлаштириб: “5”, “4”, “3”, “2” ва “1” баҳога эга бўлади.

Ўқувчилар меҳнат таълими объектлари: эғовлаш, арралаш, пармалаш, овқат тайёрлаш, техникани ўрганиш ва ҳақазо технологик операцияларни ўзлаштиришни: ўрганишни, бажаришни, яна бир поғонага кўтариб уни кўникма даражасига кўтаришга олиб келади. Бу борада билимларни ҳаққийлиги ва тўғрилиги бевосита амалиётда қўлланилиши билан аниқланади. Билимларни қўлланиши ўз навбатида маълум иш-ҳаракати усулларининг мақсадга мувофиқлиги, тезлиги аниқлиги ва шу қабиларга кўра касбий маҳорат даражаси аниқланади. Касбий маҳорат даражасини шартли равишда кўникма ва малакалар шаклида талқин этилади. Агар бўлимлар амалиётда маълум мағзикий кетма-кетликда лекин ўйлаб маълум мағнода секинроқ бажарилиши кўникма сифатида тез фурсатларда бажарилиши малака деб талқин этилади.

Бошқача таърифда меҳнат таълими методикасида ҳамда меҳнат таълимида қўлланиладиган тушунча қуйидагича ифодасини топган.

«Кўникма» онгли фаолият (ҳаракат)ни тез, тежамли, тўғри кам жисмоний асабий куч сарфлаган ҳолда бажариш. Шахснинг билимлари асосида таркиб топади. Дастлабки шакилланиш босқичларида бундай ҳаракатлар жиддий диққат билан бажарилади, кейинги босқичларда диққат билан назорат қилиш камайиб боради ва натижада автоматлашган ҳаракатга айланади.

Таълим мазмунида «билим», «кўникма»-ни тўлдирадиган атамалардан бири бу «малака» тушунчаси мавжуд.

«Малака» деганда биз- шахснинг маълум касбга яроқлилик, тайёрлик даражаси, шу касбда ишлай олиши учун зарур билим, кўникмалар йиғиндиси. Касбий ахборотларнинг тез кўпайиб бораётгани илгари ўзлаштирилган малаканинг стишмаслигини келтириб чиқаради. Бу стишмасликни қайта тайёрлаш ва малака ошириш орқали касбий фаолиятни ҳозирги талабалар даражасида давом эттириш имконияти ҳосил бўлишини тушунаимиз.

Малака ошириш- меҳнат таълими мутахассислар касбий билим ва кўникмаларини янгिलाш ҳамда ривожлантириш жараёнини тарифлайди. Шу билан таъкидлаш зарурки, меҳнат таълими методикасида ҳамда мазкур таълимни ўзида бошқа атамалар кўп малакалар

- «ўргатиш» тушунчани ахборотдан фойдаланиш ва турли ҳаракатларни кўрсатилган тартибда мустақил бажариш кўникмаларини эгаллаш. «Ўргатиш» тушунчани ахборотдан фойдаланиш ва турли ҳаракатларни бажариш кўникмаларининг ўқувчилар ўқувчилар томонидан ўзлаштиришини турли восита ва усулларни қўллаб тушунтириш, кўрсатиш ва машқлар орқали амалга ошириш жараёни.

- Меҳнат таълим методикасида ҳамда мазкур таълимни ўзида «ўзлаштириш» тушунчада тушуниш, ўрганиш орқали ахборотнинг маъно-мазмунини, ундан фойдаланиш ёки ҳаракатларни бажариш тартиби тўғрисида билим ва кўникмалар ҳосил бўлиши даркор.

Ўзлаштириш шартли равишда қуйидаги учта даражага ажратилади:

1. Ўргатилган билим ва кўникмаларни тўғри такрорланш.

2. Уларни амалий фаолиятда қўллаш, улардан тегишли мақсадларда фойдаланиш имкониятига эга бўлиш.

3. Уларни ижодий таҳлил қилиш, киёслаш, умумлаштириш, ҳулосалар чиқариш асосида такомиллаштириш фаолиятини амалга ошириш имкониятига эга бўлади.

Қайд этилганлардан маълум бўлмоқдаки, талабалар: билим малака, кўникма, касб, ихтисослик ва бошқа атамалардан ўрнида ишлатилиш усулларини мукамал қўлланиш ўрганишлари лозимдир.

Шунда билимлар, меҳнат кўникмалари ва малакаларини текшириш ўқувчиларга меҳнат ва касб таълими бериш ва уларни тарбиялаш сифатини оширишнинг энг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади. Меҳнат таълими натижаларини ўз вақтида текшириш ўқувчиларда билимлар ва меҳнат кўникмаларининг сифати учун жавобгарлик ҳиссини ривожлантиришга ёрдам беради, уларнинг интизомини яхшилайдиган ва ўзларига нисбатан талабчан бўлишга ўргатади, ишда камчиликларга йўл қўймасликка ва ўзини донмий равишда камол топтириб боришга ундайди.

Билимлар ва кўникмаларни текшириш ўқувчиларга тайёргарлик даражасини аниқлашга ёрдам беришгина қолмасдан, шу билан бирга яна бир муҳим вазифани — илгари ўзлаштирилган билимлар ва меҳнат кўникмаларини мустаҳкамлаш вазифаси ҳам бажаради.

Бироқ ўқувчиларнинг билимларини кўникма ва малакаларини текшириш ишида ҳали кўпгина камчиликлар мавжуд. Бу камчиликлар шундан иборатки, айрим

Ўқувчиларни меҳнат бўйича ўзлаштиришни сунъий равишда оширишга олиб келувчи фоида кўрсаткичларига мойиллик билан қарайдилар. Баъзи устоз ўқитувчилар, ўқувчилардан ўтилган материални сўрашни тажриба қилиб кўрмайдилар, кўпинча ўқувчиларнинг билим ва меҳнат кўникмалари сифатида текширишни бажарилган амалий, географик ва бошқа ишларнинг миқдори билан алмаштирадилар, бу ҳол эса текширишни тарбиявий воситадан куруқ мақсадга айлантириб қўяди.

Ўқувчиларнинг билимлари ва меҳнат кўникмаларини текширишдаги камчиликларнинг асосий сабаби, афтидан, таълим жараёнида алоқа деган педагогик назариянинг старли даражада ишлаб чиқилмаганлигидир.

Амалиётда маълумки, ҳар бир ўқувчининг ўзининг хусусиятига хос потенциал имконияти мавжуд. Агар ўқувчининг дастлабки потенциал имконияти бир баллга тенг бўлса (уни мавжуд воситалар орқали педагогик ва психологик, ҳамда методик имкониятларидан тўла фойдаланган ҳаракат дастурини белгилаши зарур. Дастлабки ҳаракат дастурини мақсади - ўқувчини билим ҳолатини 2 балл даражасига кўтариш лозим. Бу кўрсаткични ҳар томонлама мустақкамлашдан сўнг, навбатдаги ҳаракат дастурини ишлаб чиқишда, ўқувчи потенциалини 3 балли даражага кўтаришни мақсад қилиб олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мазкур натижага эришгач, ҳаракат дастурини 4 балли даражага кўтаришга қараб йўналтириш ҳамда ундан сўнгги мақсад-ўқувчини таълим олиш потенциалини 5 баллгача кўтаришни мақсад қилиш — педагогик, психологик ва методик жиҳатлардан асосланган ҳолда фойдаланилган деса бўлади. Бу билан айтиш зарурки - ўқитувчига шарт эмас, ҳар бир ўқувчини ўзлаштириш потенциалини, шу технология бўйича дастлабки 1 баллдан бошлаб ривожлантириб бориш. Чунки ҳар бир ўқувчини дастлабки ўзлаштириш потенциали ҳар хил. Айрим кичик гуруҳ ўқувчиларни дастлабки ўзлаштириш потенциали — 3 баллга тенг, айрим кичик гуруҳ ўқувчиларини 4 баллга ҳамда айрим кичик гуруҳ ўқувчилариники 5 баллни ҳосил этади.

Шу ҳолатни ўқитувчи ҳисобга олиб, дарс мавзуси, ҳамма ўқувчилар учун бир бўлса ҳам унда дидактик материалларни ҳар бир кичик гуруҳлар ўзлаштириш потенциал даражасига қараб табақалаштирилган ҳолатда тайёрлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунда мазкур масалани яни бир қиррасига эътибор бериш зарурдир. Бу ҳам бўлса, ўзлаштириш потенциал тушунчасида — босқичма-босқич ўзлаштириб

бориладиган ҳар бир баллда (1, 2, 3, 4 ва 5 балларда) ўзлаштирилган материалда: билим ва кўникма, билим ва малака, би-лим ва маҳорат, билим ва тажриба ҳамда билим ва ижод-узвий боғланган даражага кўрилган ҳолатда шаклланган бўлиши шарт. .

Бу жиҳатдан техникавий воситаларни, биринчи навбатда текши-рувчи қурилмаларни (репититор — машиналар, имтихон олувчи машиналар, ўргатувчи машиналар, текширувчи машиналар ва ҳоказолар) қўлланишни истиқболли соҳа деб ҳисоблаш керак ҳамда улардан юқорида қайд этилган ўқувчиларнинг ўзлаштириш потенциалларини аниқлашда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Энди, меҳнат ва ҳумор дарсларида ишлатиладиган билимлар, меҳнат кўникмалари ва малакаларини текширишнинг айрим методларини кўриб чиқамиз:

Ўтилган материал юзасидан сўраб чиқиш. Ўқувчилар билими ва кўникмаларини текширишнинг асосий методларидан биридир. Ўтилган материал бўйича сўраш дастурининг ўтилаётган янги материали билан мавзу жиҳатдан мазмун ва мантқан боғлиқ бўлган мавзуси юзасидан ўтказиш мақсадга мувофиқдир, яъни ўқувчилар ўтилган материални яхши тушунмас эканлар, янги материални уларнинг онгига стказиб ҳам бўлмайди.

Ўтилган мавзу юзасидан тузиб чиқиладиган саволлар янги материални ўрганиш учун замин бўлиб хизмат қилиши керак. Такрорлаш учун кўп саволлар беришга махлиё бўлмай, янги мавзунини ўрганиш учун зарур бўлган асосий гояларни аниқлаш лозим. Сўраш вақти жиҳатидан унчалик узок давом этмаслиги керак. Сўраш методикаси хилма-хил бўлиши мумкин ва биринчи навбатда меҳнат дастурининг ўрганилаётган мавзуси мазмунига боғлиқ бўлади. Масалан, агар ўрганилаётган материал ўтилган мавзу билан боғланган бўлиб, ўқувчиларнинг ўзлаштириши учун алоҳида кийинчилик туғдирмаса, у ҳолда бутун сўраш жараёни янги мавзунини баён қилиш олдидан ўтказилиши мумкин.

Агар янги мавзу материали ўзлаштиришга кийинлик қилса, у ҳолда ўтилган материал юзасидан сўрашни янги мавзунини (кичик қисмлар тарзида) баён қилиш билан қўшиб олиб бориш керак.

Масалан, токарлик станогида конуссимон юзаларга ишлов бериш технологиясини тушунтириш вақтида бу тушунтиришни иллари ўтилган мавзуга, яъни юзаларни цилиндрлик тарзда ишлашга оид саволлар билан таққослаш тарикасида

ташқил этиш максадга мувофиқдир. Ўқувчиларнинг бу мавзу юзасидан олган билимлари янги материални анча тсзроқ ва сифатлироқ ўзлаштиришни таъминлайди.

Шу билан бирга ўқитувчи тўлиқ ёки қисман берилган жавобга (агар ўқувчи бир неча марта чакирилган бўлса) баҳо қўйиш керак, бу баҳонинг нима учун қўйилганини изоҳлаб бериш зарур.

Меҳнат таълими тизими бўйича ўқув материалининг ўзлаштирилиши даражасини суҳбат йўли билан аниқлаш. Текширишнинг бу методидан мавзу материални маълум даражада ўқувчиларга таниш бўлгандагина фойдаланиш мумкин. Масалан, дастурнинг «Металлга ишлов бериш» деган бўлимидаги кўпгина мавзуларни суҳбат йўли билан тўла-тўқис ўрганиш мумкин. Чунки ўқувчилар бундай материаллар билан меҳнат дарсларида ёғочни ишлаш вақтида танишиб чиққанлар. Шу билан бирга, суҳбат метод сифатида янги билимларни маълум қилиш эмас, балки айни вақтда уларни ўзлаштириш сифатида текшириш учун ҳам ишлатилади.

Ўқитувчи «Металларни эгшлаш» меҳнат операциясини ўргатишга киришган пайтда ўқувчиларнинг «Ёғочни арралаш» операциясини ўрганиш вақтида олган билимлари ва меҳнат қўникмаларида фойдаланади. Ўқувчилар ана шу икки операцияни таҳлил қилиш асосида хулоса чиқарадилар, бу иккала операцияни нима бирлаштириб туриши ва уларнинг фарқи нимада эканлиги хақида бир фикрга келдилар.

Ўқитувчи маскур мавзу юзасидан ўзлаштирилган материал ҳажмида саволлар берар экан, ўқувчиларнинг ўрганилаётган мавзу юзасидан билимларни кенгайтириш имконига эга бўлади.

Бир ўқувчининг ўзи суҳбат жараёнида қилма-қил саволларга жавоб бериш учун ўқитувчи томонидан неча марта чиқарилиши мумкин. Бу ҳолда ўқувчининг ҳамма берган жавобларини ҳисобга олган ҳолда баҳо қўйиллади.

Бироқ баҳо фақат битта саволга тўлиқ жавоб берган ўқувчига ҳам қўйилиши мумкин.

Суҳбат ўқувчиларнинг билим ва малакаларини текширишнинг самарали методларидан биридир, чунки ўқувчиларнинг дарсда фақат янги билимларни ўзлаштиришда эмас, уларни текшириш вақтида ҳам фаол бўлишни кўзда тутлади. Ўқувчилар жавобининг юқори сифатли бўлиши ва уларнинг суҳбат вақтида яхши

фаоллик кўрсатиши таълимнинг ва текширишнинг ана шу методи учун характерли бўлган хусусиятидир.

Янги материални мустаҳкамлаш. Текширишнинг бу методидан ўқитувчи, олдида ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини, биринчи навбатда меҳнат усулларини текшириш зарур бўлиб қолганда фойдаланилади. Шу мақсадда ўқитувчи янги мавзунини мустаҳкамлашга оид саволлар рўйхатини беради, бу билан асосан янги баён қилинган материалнинг мавзунини қамраб олинади. Лекин янги ўқув материални мустаҳкамлашни ўқитувчи бошқача ҳам ташкил этиш мумкин. Масалан, агар ўқув материали ўқувчиларга тушуниши учун назарий жиҳатдан қийинлик қилса, унда баён қилинаётган материални қисмларга, мантиқан тугалланган бўлақларга, материални қисмларга, мантиқан бўлиш мақсадга мувофиқ бўлиб, ана шундай ҳар бир қисм ўқувчилар томонидан мустаҳкамлаши керак.

Бошқа ҳолда, ўқитувчи янги материални тушинтириб бергач, уни дарслик, ўқув кўлланмаси бўйича ўқиб чиқишни ўқувчиларга тавсия қилиши, сўнгра саволлар бериш йўли билан материалнинг қандай ўзлаштирилганлигининг текширилиши мумкин. Ўқув материални мустаҳкамлаш вақтида ўқувчи журналга фақат яхши жавоблар учун баҳо қўйиш мумкин ва лозим, шу билан бирга бу баҳо ўқувчига нима учун қўйилганлиги айтиб ўтиш керак. Бундай ҳолда қониқарсиз баҳо қўймаслик зарур, чунки ҳар бир ўқувчи ҳам дарсда янги материални тўлиқ ўзлаштиришга қодир бўлавермайди.

Уйга берилган топшириқни текшириш.

Ўқувчилар билими ва қўникмалари даражасини текширишнинг бу методи бутун текшириш тизимида асосий методлардан бири ҳисобланади.

Психологларнинг тасдиқлашича, ўқув материални китоб бўйича ёки ўқитувчининг сўзларидан эслаб қолиш йўли билан бир марта ишлаб чиққанда, ҳатто кучли ўқувчилар ҳам унинг тахминан 70-75% яхши ўзлаштиришга муваффақ бўлади. Демак, уйга берилган топшириқларни текшириш, назоратининг бошқа методлари билан бир қаторда, ўқув материални ўзлаштириш сифатини ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Уйга берилган вазифаларни текшириш вақтида текширишнинг бир методга кўпроқ эътибор бериш ва бунда бошқа самаралироқ методларни илқор этиш яхши натижаларга олиб келмайди. Кейинги вақтларгача ўқувчилар уйга берилган

топширикларни дарснинг бошланишидан олдин сўраш (бунинг учун бир неча ўқувчини доска ёнига чиқариб, дарснинг кўп вақтини сарфлаш) тарафдори эдилар. Бунинг натижасида янги материални ўтиш учун вақт етишмас, янги мавзу шошма-шошарлик билан тушинтирилар, бу эса ўқувчиларнинг уйга берилган навбатдаги вазифаларга тайёргарлик кўришида қўшимча қийинчиликлар туғдирар эди.

Лекин юқорида айтилганлардан уйга берилган вазифаларни тек-ширишнинг бундай методидан фойдаланмаслик керак, деган хулоса чиқариш нотўғри бўлур эди. Аксинча, агар янги ўрганилаётган мавзу билан мустақкам боғлиқ бўлса ва бутунилай унинг материали асосида тузилган бўлса, бу методнинг ахамияти каттадир.

Ўқув материалининг характериға, дарс типига, унинг мақсад ҳамда вазифаларига тўла-тўқис мувофиқ келадиган текшириш методи тўғри танланган метод ҳисобланади.

Уйга берилган вазифаларни текширишни, янги материални ўрганиш ёки дарсда илгари тайёрланган вазифаларға ўхшаш янги материал машқларини бажариш билан қўшиб олиб бориш ўзининг ижобий томонини кўрсатади. Бунга ҳамма ўқувчилар ишға жиддий киришиб кетадилар, чунки уйға берилган вазифа юзаки эмас, балки астойдил текширилаётганлигини кўрсатади ва шу сабабли уларнинг вазифаларни бажаришға бўлган муносабати ўзгаради. Ўқувчиларнинг уйға берилган вазифаларни бажаришдаги билимлари ва меҳнат кўникмаларини текширишда назоратнинг техникавий асқиталаридан фойдаланиш катта ёрдам кўрсатади. Бу воситалар текширишнинг бошқа методлари билан бирға қўшиб олиб борилганда яхши натижа беради.

Амалий лаборатория ишларини текшириш. Амалий лаборатория ишлари таълим методи сифатида ўқувчиларда гоёвий ва давлат, мафкура дунёқарашини, айникса, табиий-илмий циклдаги фанлар юзасидан шакллантириш ишида катта ахамиятға эға. Ўқувчилар амалий-лаборатория ишлари жараёнида кузатишлар олиб борадилар. Тажриба босқичларини акс эттирувчи лаҳзалар чизадилар, кузатишларни ёзиб кўядилар, олинган натижаларни қайта ишлайдилар ва ёзма ҳисоботлар тузадилар.

Ўқитувчи лаборатория ишларини бажариш жараёнида ўқувчиларға ёрдам бериб боради, ўзининг кундалигига ҳар бир ўқувчининг мустақиллик даражасини, айникса машғулотнинг энено шаклида топширикларнинг тўғри бажарилганлигини, ўлчовлар,

тузилган эскизлар, чиқарилган хулосаларнинг тўғрилигини текширади ва қайд қилади.

Шундай қилиб, амалий-лаборатория ишлари жараёнида ўқитувчининг текшириши натижасида аниқланган маълумотлар ва тайёрланган ёзма ҳисоботларнинг натижалари ўқувчиларга объектив баҳо қўйишни таъминлайди.

Амалий — лаборатория ишларига яқун ясаганда ўқитувчи ўқувчилар томонидан тақдим этилган ёзма ҳисоботларга баҳо қўйиш билан чекланмаслиги керак. Бутун гуруҳ иштирокида бу ҳисоботларни муҳокама қилиш, йўл қўйилган камчиликларни кўрсатиб ўтиш ва хулосаларни оидинлаштириш муҳимдир. Ана шундай текширишгина амалий-лаборатория ишларини бажариш вақтида олинган билимларнинг ва меҳнат кўникмаларининг сифатли бўлишини таъминлайди.

Техникавий вазифаларни ҳал қилишни текшириш. Ўқувчилар билими ва кўникмаларини текширишнинг бу методи кейинги вақтларда тобора долзарброк бўлиб бормоқда. Бунга сабаб шуки, хилма-хил техникавий вазифаларни ҳал қилишнинг ўзи ижодий, техникавий тафаккурни ривожлантиришга ёрдам беради., бу эса ўқувчиларнинг меҳнат тайёргарлиги мазмунига нисбатан қуйилаётган асосий талаблардан биридир. Ўқишга қизиқиш уйғотиш учун ўқувчида билим олиш фаолияти билан шуғулланиш эҳтиёжини вужудга келтириш керак, бу фаолият қизиқарли техникавий вазифаларни ҳал қилиш жараёнида намоён бўлиши мумкин. Шу билан бирга ўқувчини шундай шароитларга қўйиш керакки, у ўзи олган билимларидан бемалол фойдаланган ҳолда билишга оид ижодий вазифаларни ҳал қилиш учун кўп иродавий куч сарфласин.

Ўқувчиларда ҳаёлни ишлатиш, билимлар ва меҳнат малакаларида фаол фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ижодий-техникавий вазифалар айниқса катта қизиқиш уйғотади. Муайян эски бўйича бажариладиган, ижодий иш учун ўрин қолдирмайдиган вазифаларни ҳал қилиш ўқувчиларни унчалик қизиқтирмайди. Шунинг учун ўқувчилар томонидан бажарилган техникавий вазифаларга баҳо беришда ўқитувчи турли омилларни, чунончи: ҳал қилиш усулининг энг қулайлигини вазифани ҳал қилиш вақтида ўқувчининг фикрлашита хос бўлган маънавий — мазмуний тавсилот олинган билимлардаги мохирлик билан фойдалана билиш, конструктив-техникавий ёки технологик ҳал қилишнинг қимматлилиги, чиқарилган хулосалар ва умумлашмаларнинг муҳимлигини ҳисобга олиш лозим.

Ўқувчилар томонидан ҳал қилинган техникавий вазифаларнинг ҳар бири гуруҳ тарзида муҳокама қилиниши, йўл қўйилган хатолар шу тариқа аниқланиши, уларга барҳам бериш йўллари белгилаб олинishi керак.

Бир ёки бир неча мавзу юзасидан такрорий-умумлаштирувчи дарслар. Билимларни текширишда такрорий-умумлаштирувчи дарслар муҳим рол ўйнайди. Бу дарслар ўзининг аниқлиги ва илмий билишга оид материалларга бой бўлиши туфайли ўқувчиларнинг умуман фан бўйича эмас, балки аниқ ўқув материали бўйича олган билимларнинг қандайлигини аниқлаш имконини беради. Шунинг учун тўғри ташкил этилган такрорий-умумлаштирувчи дарслар ўқувчилар билимини жуда аниқ текшириш ва уларнинг ривожланишидаги бундан ҳам юқорироқ босқич ҳисобланади. Такрорий-умумлаштирувчи сўраш эмас, балки жавобларнинг юқори сифатли бўлишига эришиш мақсадида бутун гуруҳнинг ишини фаоллаштириш зарур.

Сўрашнинг бу тури ўқув материалининг тавсилоти ва мазмунига унинг фанлар аро алоқасига қараб, дарснинг турли вақтларида (дарснинг бошланишида янги материални тушинтириш вақтида, дарснинг охирида — якунловчи инструктаж вақтида) ўтказилиши мумкин. Сўраш жараёнида ўқитувчи биринчи навбатда, олган билим ва малакаларига шубҳа билан қарайдиган, унинг фикрича ўз устида мунтазам ишламайдиган ўқувчилардан сўраши, бунда ўқувчиларга мурожаат қилишдаги стандарт шакллардан кочиш уларнинг иззат нафсини қадрлаши, ҳа деб бир ўқувчидан сўрайвериб, бошқаларни эсдан чиқариб қўймаслиги керак.

Такрорловчи-умумлаштирувчи сўроқда, одатда, ўқувчидан битта дарсда бир неча марта сўраш натижасида унга дифференциялашган баҳо қўйилиши лозим.

Жадвал

Методлар	Қандай вазифаларни ҳал қилишда мазкур метод энг муваффақиятли бўлади ?	Ўқув материалнинг мазмуни қандай бўлган-да мазкур, айниқса оқилона қўлланилади ?	Ўқувчилар хусусиятлари қандай бўлганда мазкур метод оқилона қўлланилади?	Ўқитувчи мазкур методдан фойдаланиш учун қандай имкониятларга эга бўлиши керак ?
----------	--	--	--	--

Оғзаки методлар	Назарий ва амалий билимларни шакллантиришда ва ўқитишнинг бошқа барча вазифаларини ҳал қилишда	Ўқув материали асосан назарий маълумотлардан иборат бўлганда	Ўқувчиларни маълумотларини оғзаки ме-тодлар (сухбат, хикоя, маъруза)нинг мазкур тури орқали ўзлаштиришга тайёр бўлсалар	Ўқитувчи қўлланиладиган оғзаки методини бошқа-ларга нисбатан яхши танлаган бўлса
Кўрсатма методлар	Ўқувчилар кузатувчанлигини ривожлантириш, ўрганилаётган масалаларига диққат-эътиборни кучайтириш учун	Ўқув материалнинг мазму-нини кўрсат-мали ҳолда тасвирлаш мумкин бўлганда	Мавжуд кўрсатмали қўлланмалар ўқувчилар кучига мос бўлганда	Ўқитувчи ихтиёрига зарур кўрсатмали қўлланмалар бўлганда ёки уларни мустақил тайёрлаш мумкин бўлганда
Амали методлар	Амалий малака ва кўникмаларни ривожлантириш учун	Ўқув материалнинг мазмунида амалий машқлар, меҳнат топшириқлари, тажрибалари, тажрибалар ўтказиш бўлганда	Ўқувчилар тегишли амалий топшириқларни бажаришга тайёр бўлганда	Ўқитувчи тегишли амалий ишларни ташкил қилиш учун керакли кўрсат-мали қўлланмалар, дидактик материалларга эга бўлганда
Репродуктив методлар	Билимлар, малака, кўникма, маҳорат, ижодий шакллантириш учун	Ўқув материалнинг мазмуни анча мураккаб ёки ўта содда бўлганда	Ўқувчилар мазкур мавзунини муам-моли ўрган-ишга ҳали тайёрлаш бўлмаган ҳолда	Ўқитувчи мазкур мавзунини муаммоли ўрганиш учун вақт бўлмаган ҳолда

Муаммоли тадқиқот методлар	Тафаккур мустақиллигини, тадқиқот малакаларини, ишга ижодий ёндошишни ривожлантириш учун	Уқув материалнинг мазмуни ўртача мураккабликка эга бўлганда	Уқувчилар мавзунинг муаммоли ўрганишга тайёр бўлганлари да	Уқитувчи мавзунинг муаммоли ўрганишга вақт топганда ва ўқитишнинг тадқиқот методларини эгаллаганда
Индуктив методлар	Уқитувчиларнинг умумлаштириш индуктив (хусусийдан умумийга томон) хулосалар чиқариш малакаларини ривожлантириш учун	Мавзунинг мазмуни дарс-ликда индуктив ҳолда баён қилинганда	Уқитувчилар индуктив мулоҳаза юритишга тайёр ва дедуктив хулоса чиқаришда қийналганда	Уқитувчи ўқитишни индуктив методларини яхши эгаллаганда

Ҳозирги даврда, қачон мактабни битирувчилари ўқишни касб ҳунар коллежларида давом эттиришларида уйғунлаштирган меҳнат таълимини касб-ҳунарга йўналтириш дидактик тамойилларга биноан таълим методларини оқилона қўллаш хусусиятларини аниқлашда:

Мазкур бобдаги материалларни ҳар бир параграф юзасидан мустақил равишда ҳуйидаги технологияга биноан тўлдириш, бойитиш ва чуқурлаштириш:

1. Мазкур мавзуларга доир янги материалларни тўплаш ва уларни ҳар томонлама (фалсафий, психологик, умумий ва касб-ҳунар таълим педагогикаси, дидактик, методик, социологик, ДТС, тест, рейтинг нуқтаи назаридан) ўрганиш, таҳлил қилиш, ҳам касбдошлар орасида мавзу юзасидан тегишли тест ўтказиш ва унинг натижалари асосида хулосалар тайёрланг.

2. Мазкур мавзу юзасидан бошқа манбалар билан танишиб, ўзлаштириш, улардан тўплашга қўшимча маълумотлар билан қўлингизда асосий материалларни бойитиш, чуқурлаштириш, кенгайтириш ва мазкур йиғилган материаллар бўйича тегишли хулосалар ва тақлифлар тайёрланг.

3. Асосий ва қушимча материалларни таҳлилий жараёнида аниқлашган касбий педагогик, дидактик, методик ва касб-ҳунар коллежларидаги 2-3 касб замирида тайёрланаётган мутахассисликка хос гоёлар: тушунчалар, тамойилларни аниқ тизим ёки модел ҳолатига келтириш ҳамда уни график шаклларда тайёрланг.

4. Юқорида қайд этилган ва топшириқларни бажариш жараёнида тўпланган маълумотлар асосида амалий фаолиятингизга хос чора-тадбирлар (дастурамал режалар, лойиҳалар, тизимлар, касбий-педагогик, дидактик моделлар ва ҳ.к.) ишлаб чиқинг, тайёрланган материалнингизни тегишли кафедралар билан келишилган ҳолатда институт (факультет) илмий-методик кенгашида ҳимояга тайёрланг.

5. Мазкур материаллар асосида 5 та тест саволлари ва уларга тегишли жавоблар ишлаб чиқинг.

6. Мазкур материаллар асосида 10-15 тагача рейтинг усулларида хос кўрсаткичлар, мазон ва меъёрлар ишлаб чиқинг.

7. Фойланилган адабиётлар рўйхатини келтиринг.

Шунда меҳнат таълимидаги билимларни, кўникмаларни ва малакаларни тўла ҳажимида астойдил эгаллашдан далил берилади.

Ўқув-меҳнат фаолиятини текшириш ва унга баҳо қўйишда жараёнида ўқитувчи ўқувчиларнинг билимлари, кўникмалари ва малакаларида мавжуд бўлган камчиликларни, уларнинг сабабларини аниқлаб чиқариш ва тузатиш тадбирларини белгилайди. Ўқувчиларнинг ўзлаштиришини текшириш ўқитувчига ўзининг педагогик фаолияти натижаларини ҳам баҳолашга, яъни у ўқув материалларини қанчалик тушунарли қилиб етказиб бера олиши ва меҳнат усулларини кўрсатиши, меҳнат ва касб таълимининг ташкилий шакллари ва методларидан ҳамда кўрсатмаларни қўлланмалардан самарали фойдаланишга, мустақил моҳирлик билан танлаб, уларнинг бажарилишига раҳбарлик қила олишига баҳо бериш имконини беради. Шундай қилиб, ўзлаштириш тўғрисида олинган маълумот ўқитувчига ўқувчиларнинг билиш ва амалий фаолиятига самарали раҳбарлик қилиш имконини туғдиради. Ўқитувчи зиммасида ўқувчиларнинг илмий-техникавий билимларини, меҳнат кўникмаларини ва малакаларини ҳар қандай текшириш асосида баҳо қўйиш ётади.

11.2. Меҳнат жараёни ва технология жараёнлари

1. **Таълим жараёни** – мураккаб ва кўп қиррали жараён дур. Расмийлашган тизим сифатидаги таълим назарияси умуман ана шу жараёни унинг таркибий

қисмларини ва уларнинг компонентларини ёритади, тушунчалар, мазмун ёрдамида ана шу яхлит жараённинг мавжудлиги сабабини ёки усулларини баён қилади.

«Ўқув жараёни» тушунчаси таълимнинг барча компонентларини ўқитиш ва унда фойдаланиладиган воситаларни ҳам, муайян вазифаларни ҳал қилиш учун таълимнинг методларини ҳам, уйда мустақил ишлайдиган ўқувчини ҳам, ўқув жараёнида кўрсатмали ва техник воситалар билан жиҳозлашни ўз ичига олади.

Шунинг натижасида таълимнинг қуйидаги қонуниятлари ёритилади:

Таълим жараёни қонуний равишда ижтимоий жараёнлардан ва жамиятнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан;

Таълим жараёни яхлит педагогик жараёнга кирадиган ўқитиш, тарбиялаш ва камол топтириш жараёнлари билан қонуний равишда боғлиқдир;

Таълим қонуний равишда таълим олувчиларнинг ҳақиқий ўқув имкониятларига боғлиқдир;

Таълим қонуний равишда ўзи амалга ошириладиган ташқи шароитларига боғлиқдир;

Ўқитиш ва ўқиш жараёнлари яхлит таълим жараёнларида қонуний равишда ўзаро боғлиқдир;

Таълим мазмуни қонуний равишда унинг жамият эҳтиёжларини, фан ривожланишининг даражаси ва мантиқни, ҳақиқий ўқув имкониятлари ва таълим учун ташқи шароитларни ақс эттирадиган вазифаларига боғлиқдир.

Ўқув фаолиятини кучайтириш, ташкил этиш ва назорат қилиш, қонуний равишда таълимнинг вазифалари ва мазмунига боғлиқдир;

Таълимнинг ташкилий шакллари қонуний равишда унинг вазифаларига, мазмуни ва методларига боғлиқдир;

Тегашли шароитларда ўқув жараёнининг барча компонентлари қонуний равишда ўзаро боғланиши таълимнинг пухта анланган ва амалий натижаларни таъминлайди.

Таълимнинг қонуниятларини педагогикнинг умумий асосларида ифодаланган иун мтлар билан таққосланса, улар ўртасидаги боғланиш яққол кўринади. Таълимнинг қатор қонуниятлари мантиқан педагогик жараёнларнинг умумий қонуниятларидан келиб чиқади Таълимнинг принциплари билан қонуниятлари ҳам ўзаро боғлиқдир.

2. Мехнат жараёнида унинг назарий асослари.

Бу назарий таълим жараёни асосан ўқув материалларини оғзаки баён орқали ўзлаштирилади.

Бу метод ўқув материалларини шундай баён қилишни назарда тутадикки, бунинг натижасида янги техника ва касб тушунчалари очиб берилди. Машиналар, касб меҳнати ва технология жараёнлари ҳақидаги техник-иктисодий маълумотлар ўрганиб чиқилади. Умуман касбни ўқитиш усуллари ва топшириқларини бошқариш юзасидан тушинтиришлар берилди. Бу метод асосида меҳнат ва касбий таълим ўқитувчининг жонли сўзи ётади. Бу сўз эса ўқувчиларга кучли эмоционал таъсир кўрсатади. Уларнинг тасаввурини бойитади. Ижодий фикр юритишга ундайди, кўпгина шахсий ижобий сифатлар тарқиб топтиришга ёрдам беради.

Баён қилинаётган материал ўқувчиларнинг тушуниши учун қийин бўлган, янги маълумотлар хабар қилинган, меҳнат усуллари бажариш йўлларини тушунтириб бериш талаб қилинган ҳолларда оғзаки баён қилиш жараёнида ўз ёзувлари, ҳисоблари, ҳисоб-китоблар, эскизлардан кенг фойдаланади. Ўқув материаллини муваффақиятли ўзлаштириш учун мактаб ўқувчилари ўтилган мавзу қизасидан ҳақиқий тайёргарлик даражасига эга бўлишлари керак. Бу сўраш ёки эсдан чиқариб юборилган дарсларни қайта тиклаш йўли билан осон аниқланади.

Ўқув материаллини баён қилиш мунтазам, мантқан изчил ва тугалланган бўлиши керак. Бундан ўқувчилар материални осон англаб олиш учун ўқитувчи вақт-вақти билан ўз тушунтиришини ўқувчиларга саволлар бериш билан бўлиб туриши, уларнинг ўзлаштиришини ва диққатини текшириши керак.

Назарий таълим жараёнини моҳияти аҳамияти ва унинг таъсир этувчи кучи. Назарий таълим жараёнидаги оғзаки баён қилиш мтодларидаги айрим камчиликлар мавжуд.

Оғзаки баён қилиш методи айрим камчиликларга эгадир (баъзи ўқувчиларнинг пассивлиги ва уларнинг дарсларни яхши ўзлаштирмаслиги кузатилади). натижада ўқитувчи кўпинча дарснинг ўзлаштирилиш жараёнини оператив бошқариш имконидан маҳрум бўлиб қолади. Бу камчиликларга барҳам бериш учун дарсда риторик саволлар (яъни булар шундай саволларки, уларга ўқитувчининг ўзи жавоб кайтаради) бериш шунингдек, кўрсатмалли қўллашманки намоёиш қилиш, технология

хужжатларини, кинематик схемаларини тахлили қилиш, ҳисоб-китоблар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ўқитувчи ўқувчилар бериши мумкин бўлган саволларни уларни шубҳаларини ва эътирозларини кўра олиши, ўзи саволлар қўйиб, уларга жавоб қайтариши керак. Кириш ва жорий инструктажлар ўтказиш вақтида меҳнат дарсларида ўқув материалларини оғзаки баён қилишдан кенг фойдаланилади. Тажрибали ўқитувчилар одатда гапни машғулот мавзуси, унинг айрим муҳим масалалари билан қисқача таништиришдан бошлайдилар, бундан мақсад ўқувчиларга мазкур масалалар ўртасидаги узвий боғлиқ олдиндан аниқ бўлиши кераклигидир. Масалан, ҳар бир станокни, машинани ўрганиш вақтида ўқитувчи ўқувчиларни бу станок меҳнат ва касбий таълим ўқитувчи мавзуни баён қилишни тамомлар экан, ўқув материаллининг асосий қондаларига назарий қисқача яқун ясаши лозим.

Сухбат. Бу меҳнат ва касбий таълимнинг шундай усулидирки, унда меҳнатга ёки касбий таълим ўқитувчиси тўғри қўйилган саволлар ёрдамида ўқувчиларда илгари ўзлаштирилган назарий билимларини тушинтиради ва шу асосида мустақил равишда янги билимлар ҳосил қилишга ундаши лозим.

Меҳнат ва касбий таълим методи бўлагини суҳбатдан янги мавзуни ўрганиш вақтида шунинг учун фойдаланиладики, илгари ўзлаштириши назарий билимлар ва оммавий тарғибот унинг базаси бўлиб, хизмат қилиши керак. Назарий билимлар, амалий тажрибалар мавҳум бўлмасдан, мазмун жиҳатидан ҳам, характери жиҳатдан ҳам боғланган бўлиши, яъни умумийликка эга бўлиши лозим.

3. Суҳбат методида назарий таълим жараёнига хос таълимни ташкил этилиши. Ўқувчиларнинг **янги назарий ўқув** материалларини суҳбат усули билан ўрганиши меҳнат ва касбий ўқитувчидан машғулотга пухта тайёргалик кўришни талаб қилади. Бу тайёргарлик, шундан иборат бўладики, меҳнат ёки касбий таълим ўқитувчи режа тузиш вақтида суҳбатнинг асосий мазмунини белгилаб олади, асосий саволларни тузиб чиқади, бутун суҳбатнинг боришини, ўқувчилар бериши мумкин бўлган жавобларни мазмунини ўйлаб олади. Қисқача кириш ва яқунловчи суҳбатларни тайёрлайди.

Суҳбат материалларида назарий таълим жараёнидаги, бериладиган саволларда: мазкур таълимдаги фикрлар, қондалр тахлил қилишга, янги яқунларни ифодалаш ва умумий хуналарга эътибор бериш лозим.

Ўқувчилар суҳбатнинг бориши жараёнида ўқитувчининг саволларига жавоб берар эканлар, ўзларига илгарги материаллардан маълум бўлган фактлар, коидаларни таҳлил қиладилар, Янги якунларни ифодалайдилар ва умумий хулосалар чиқарадилар. ҳамма ўқувчилар қўйилган саволларнинг мазмунига қараб, зарур бўлиб қолса, бир бирларининг жавобларини тўлдирдилар ва тўғирлайдилар. Бундай ўқитувчи суҳбатнинг боришини тўғри бошқариши асосий эътиборини анча кучли ва фаол ўқувчиларга қаратмасдан бир мунча заиф ўқувчиларни ҳам суҳбатга жалб қилишга эътибор бериши муҳимдир. Суҳбатни ўтказиш вақтида ўқитувчи ўзи қақирмоқчи бўлган ўқувчининг ўзигагина мурожаат қилиб қолмаслиги керак, чунки, бундай ҳолда бошқа ўқувчиларнинг ижодий фаоллиги пасайиб кетиш, бу ҳол суҳбатнинг бориши ва сифатига салбий таъсир этиши мумкин.

Жамоа суҳбатлардан кириш ва шунингдек якунловчи инструктажлар ўтказиш вақтида фойдаланиш мумкин.

Меҳнат ёки касбий таълими бўйича ўтказадиган машғулотлар, ўқув материални мазмунини суҳбат мазмунидан фойдаланиш учун катта имкониятлар беради. Масалан, ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларида ишлатиладиган машиналар, механизмлар ва асбобларни технология, меҳнат жараёнларини ва операцияларини меҳнатни режалаштириш ва ташкил этишни ўрганиш, ўз мазмунда умумий белгилар ва ўхшаш хусусиятлар эга бўлган ана шу жараёнларни қиёсий таҳлил қилиш асосида ўқувчиларнинг фикрлаш фаоллигини ривожлантириш, уларнинг олган билимларини эътиқодга айлантириш имконини беради.

Демак, меҳнат ва касбий таълимнинг назарий дарсларидан фойдаланадиган суҳбат методининг афзаллиги шундаки, у ўқувчиларнинг билишга оид қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам беради. Уларнинг фикрини ниҳоятда фаоллаштиради, таълим жараёнини оператив бошқариш учун шарт-шароитлар яратиб беради. Бироқ бу методни универсал метод деб ҳисоблаб бўлмайди, чунки ўқувчиларда меҳнат ва касб қўникмалари ва малакаларини таркиб топдиришни таъминлаб беришга оид етарли назарий маълумотларни бошқа имкониятлардан фойдаланишга даъват этишга мажбур. Булар: плакатлардаги ўқув филмлар, диафильмлар, электрон қўлланма ва бошқа воситалардан фойдаланишга тўғри келади.

4. Амалий таълим жараёни. Амалий таълим жараёни асосий ғоялар тамойили ва мазмунини белгилаб беришга йўналтирилган.

Маълумки, ҳар бир касб-мутахассислик меҳнатида кишилар ҳаёти учун моддий ва маънавий бойликларни яратиш йўлидаги зарурий ижтимоий-фойдали фаолиятдир. Бу борада меҳнат кишилиқ жамиятининг яшаши ва ривожланиши учун асосий шарт ҳисобланади. Ҳар бир касб-мутахассислик меҳнат жараёнида кишилар ишлаб чиқариш қуролларини яратадилар ва улар ёрдамида атрофни ўраб турган, табиатни онгли равишда ўзгартирадилар. Ана шу ҳаракат орқали ташқи табиатга таъсир кўрсатиб, уни ўзгартиради. айни чоғда у бу билан ўз табиатни ҳам ўзгартиради. у ўзида яшириниб ётган кучни ривожлантиради, бу кучнинг ҳаракатини ўз ҳукмига бўйсундиради. Бу борада меҳнат ва касбий таълим ўқитувчилари амалий мавзу бўйича машғулотларга тайёргарлик жараёнида касб топшириқларини бажаришда ўқувчилар меҳнатини ташкил этишда, шунингдек, бажараётган ишни қузатиш, унга тузатишлар киритиш ҳамда рўй берадиган хатоларни бартараф қилишга жалб этилади. Шу билан бирга, ўқувчиларни ақлий фаолиятида амалий дарслар жараёнида иштроқ этишлари алоҳида аҳамиятга лойиқдир. ўқувчилар устахоналарида амалий дарсларда ҳам қилинадиган техник-технологик масалаларни икки типга: қонструкторлик ва технологик масалаларга ажратиш мумкин. Қонструкторлик масалаларини турларини кўриб чиқамиз.

Буюмнинг конструкцияси ва ундаги айрим деталларни бажарадиган ишни тушуниришга шу топшириқлар ўқувчиларда буюм қонструкциялашдаги ҳамма нарса пухта ўйлаган бўлиши маълум вақт, шароит ва шахслар раҳбарлигида амалга оширилиши зарур.

Шунинг учун ҳам бу ўша муҳим ва мураккаб жараён асосини, унда иштроқ этувчи (таҳсил берувчи ва таҳсил олувчиларнинг ўзаро бир-бирини талаб этувчи ҳамкорликдаги фаолиятларини ташкил этади) деб айтиш мумкин.

Таҳсил бериш деганда, таҳсил олувчиларнинг сезгилари, ҳис-туйғулари қабиларга мақсадга мувофиқ таъсир этиб, уларда билим, иш ҳаракат усуллари (қўникма ва малака), шахсий ҳислат ва фазилатлар таркиб топдириш ҳамда ривожлантиришни тушунамиз: таълим-тарбия жараёнини мураккаб деб тўғри эътироф этилади. Чунки, унинг мақсади, мазмуни, иштроқчилари, амалга ошириш вақти, шарт-шароити ташкил этиш шакллари, фойдаланиладиган методлари, воситалари ва шу каби қўллаб ҳусусиятларини ҳисобга олишни талаб этади. Юқоридагиларни

умумий ҳолда ҳисобга олиб, таълим-тарбия жараёнини шартли равишда қўйидагича схематик тарзида ифодалаш мумкин бўлади.

Амалий-касбий таълим-тарбия жараёнининг схематик кўриниши

Жамият ижтимоий ююрмаси ва амалиётнинг мутахассиларга қўйган талабларига мос таълим мазмунидан келиб чиқадиган таълимий, тарбиявий ва тахсил олувчилар шахсини ривожлантириш мақсадали

Таълим-тарбия жараёнининг иштрокчи (тахсил бсрувчи ва тахсил олувчи) ларнинг ҳамкорликдаги фаолиятлари.

Натижа: олувчиларга таркиб топган билим, иш харакати усуллари ва шахсий хислат ҳамда фазилятлар тизими

Бу жараёнга таъсир кўрсатувчи ташки омиллар: ижтимоий муносабат, шарт-шароит, назорат усуллари, баҳолаш мезонлари

Ушбу чизмадан кўрииб турибдики, таълим-тарбия иши энг камида иккита қўйидаги муҳим хусусиятга эга:

Биринчидан: жамиятнинг ривожланиш даражасини белгилаб берувчи фан-техника таракқиёти, ижтимоий муносабат ва ишлаб чиқариш технологияларни ўзида муҷассам ҳолда акс эттирувчи таълим мазмунидир.

Иккинчидан: хусусиятни (томони) бу жараёнда иштрок этувчи шахслар ёки шахс воситаларни ўзаро бир-бирини жалб этувчи ва бок яъни процессуал муносабатдир.

Унда:

- таълим-тарбия жараёни иштрокчилари учун зарур шарт-шароит яратиш;
- тахсил олувчиларни табақалаштириш ва уларга якка ёндашиш;
- педагог, муҳандис-педагоглар қайта тайёрлаш ишини тақомиллаштириш ва уларнинг ижодий фаолиятига йўналтириш кабилар.

Меҳнат таълими жараёнида меҳнатни илмий ташкил этиш (МИТ) элементларини қўллашнинг икки жиҳати - ташкилий ва методик жиҳатларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Имконият бор жойларда таълим жараёни ўқувчилар ҳозирги замон ишлаб чиқаришида меҳнатни илмий ташкил этиш ҳақидаги

гушунчаларни амалий равишда оладиган йўсинда олиб бориш зарур. Ана шундай шароитни яратиш меҳнат таълими жараёни меҳнат илмий ташкил этиш элементларини қўллашнинг ташкилий жиҳатига киради. Лекин мутлақо равшанки, ўқувчиларнинг меҳнат таълими жараёнидаги амалий фаолияти шароити билан ишлаб чиқаришдаги амалий фаолият шароити бир хил бўлиши мумкин эмас. Чунки, мактабда ҳар доим замонавий техника, технологияни, ҳозирги меҳнат тақсмоти ва ҳақозоларни қўллаб бўлмайди, бу мақсадга мувофиқ ҳам эмас. Шу сабабли иккинчи методик вазифа келиб чиқадигани, у меҳнат таълимининг меҳнат илмий ташкил этиш бўйича замонавий ишлаб чиқаришдан орқада қолишни методик воситалар билан тўлдиришини кўзда тутлади.

Бу борада ўқувчиларни меҳнат ташкил этиш элементлари билан таништиришда ёрдам берадиган энг самарали воситаларни кўриб чиқамиз. Аввал ташкилий, сўнг методик вазифаларга тўхталамиз.

Мактаб шароитида меҳнатни илмий ташкил этиш элементлари иш ўрнини ташкил қилишни, материаллар ва асбобларни сақлаш ҳамда тарқатишни, ишлаб чиқариш меҳнат режимини қўллашни; техник ҳужжатлардан фойдаланишни, ўқувчилар ўртасида меҳнатни тақсимлашни ўз ичига олади.

1. Иш ўрнини ташкил қилиш. Меҳнат таълими жараёнида ўқувчиларнинг турли иш ўринларида; I - IV синфларда - кабинетларда, V - VII синфларда - ёғочни қайта ишлаш ва металлни қайта ишлаш устахоналарида, мактаб ўқув тажриба участкасида ишлашларига тўғри келади; юқори синфда меҳнат таълимининг танланган профилига қараб ўқувчилар саноат ва қишлоқ хўжалик меҳнати, лавандачилик ва миллий хунармандчилик таълим жараёнларини ўзига камраб олади.

Таълим жараёнининг политехник йўналишига эришиш учун ўқув материалининг мазмунини киёсий таҳлил қилиш керак, бундай таҳлилни унинг асосий мақсадга мувофиқ политехник таҳлил деб аташ мумкин. Унда машиналар, уларнинг қисмлари, механизм ва деталларнинг классификация қилиниши машинасозлик соҳасидаги тажрибани умумлаштиришда муҳим қадамдир. Ана шу классификацияга таяниб ўқувчиларга машинадаги уни бошқа машиналар билан боғлайдиган умумий нарсаларни кўрсатиш керак.

Ишлаб чиқариш асослари билан тапишишда фақат техника, технология элементларини эмас, балки меҳнатни ташкил этишни ўрганиш ҳам назарда тутилди.

Ўқувчиларни меҳнатни илмий ташкил қилиш элементлари билан таништириш имкониятларини бир мунча батафсил кўрсатиб ўтамиз.

Меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш ижтимоий ишлаб чиқаришда юқори унумдорликнинг шартларидан биридир. Шунинг учун ўқувчиларнинг меҳнат таълими жараёнида уни қўллаш ва ўрганишга аҳамият бериш лозим.

Таълим жараёнининг, хусусан ўқувчилар меҳнат фаолиятининг интенсивлашуви хилма-хил махсус тренажерлар, рўйхатга олувчи ва текширувчи қурилмалар ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш зарур қилиб қўйдики. бу қурилмалар ўқувчиларнинг меҳнат ҳаракатларини қайд қилиш ва иш вақтида йўл қўйиладиган камчилик тўғрисида тезда хабар етказиш имкониятини беради. Ўқувчиларнинг ана шундай тренежёрлардан ва текширувчи қурилмалардан фойдаланган ҳолда машқларни ўтказиш айниқса, меҳнат усулларини таркиб топтиришнинг бошланғич босқичида меҳнат ва касб таълимининг энг муҳим моделларидан биридир.

Меҳнат таълими жараёнида ўқитишни жорий қилинган муаммоли ўқитиш тури ўқувчиларда фикрлаш фаолиятининг юқори даражада фаоллаштириш ва уларнинг ижтимоий қобилиятларини авж олдиришга қаратилган янги методларини вужудга келтиришга сабаб бўлади. Меҳнат таълимининг ҳар бир методи бир қатор усулларни, уларнинг анча содда таркибий қисмларни ўз ичига олади. Масалан: ёғочга, металга, пазандачилик, мнллий ҳунармандчилик, кишлоқ хужалик ва бошқа меҳнат операциясини ўрганиш жараёнини куйидаги бир қанча усуллари: иш ўрнида гавдани қандай тутишни, асбобларни ушлашни кўрсатиш, ҳаракатни иш суратида, секин ва қисмларга бўлган ҳолда, кейин яна иш суратида кўрсатиш услари киради.

Меҳнат таълими методларининг бутун тизимини бешта гуруҳга бўлиш мумкин. Улардан ҳар бири ўз навбатида бир қанча методларни ҳосил бўлмаслигига, шу сабабли ўқувчилар зарур ҳажмдаги билимларга эга бўлмасалар ҳам, уларни амалда куллай олмаслигини курсатади. Бундай ҳолларда уқитувчининг аралашуви, ўқувчиларга ёрдами зарур бўлади. Шунга қура ўқувчиларга уз билимларни амалий фаолиятда қўллашни ўрганишига ёрдам берадиган баъзи методик усулларни қараб чиқамиз.

1. Меҳнат топшириқларини бевосита бажариш олдиндан илгари ўзлаштирилган назарий билимларни қайта тиклаш. Масалан, ўқувчилар материалларни қиздириб ишлаш (тоблаш, бушатиш) операцияларини бажариш усуллари билан танишадиган

бўлсин. Кўрсатилаётган операцияларни мохиятларини тушунтирмоқ учун физика курсидан «иссиқлик ўтказиш» ва «иссиқлик узатиш» каби тушунчаларни эслаш керак. Шунга кура электр ўтказгичларни панелда монтаж қилишни бошлашдан олдин ўқувчилар ўтказгичларни паралел ва кетма-кет улаш ҳақидаги маълумотларни хотираларида тиклашлари керак. Ана шундай ва бошқа кўп ҳолларда ўқитувчи ўқувчиларга олдиндан тегишли материалларни такрорлашни топширади, уларнинг билимларига таяниб навбатдаги ишнинг илмий асосларини тушунтиради. Шу туфайли меҳнатнинг интеллектуал савияси ошади, ўқувчиларнинг фан асосларига оид билимлари мустаҳкамланади.

2. Ҳар бир таклиф килаётган тадбирларни назарий билимларга таяниб асослаш билан меҳнат жараёнларини жамоада режалаштириш. Ўқувчилар дазмол учун таглик тайёрлаётир, дейлик. Таглик калишиги 2мм ли лист туңука булакларидан парчинлаб ясалади.

Бунда меҳнат жараёнини режалаштиришда қатор саволлар тугилади: парчаларни зубило билан кесиш керакми ёки қайчи билан кесиш керакми? Ҳар қайси пресс эговлаб чиқиладими ёки улар олдин парча қилиб тўпланадими? Прессларни букишдан олдин пармалаш керакми ёки аксинчами ва бошқалар. Ана шу саволларни ҳаммасини ўқувчилар устахоналардаги машғулотларда олган билимлари асосида хал қилишлари мумкин. Аммо юқорида айтилганидек, ўқувчилар ҳамма вақт хам ўз билимларидан фойдалана олмайдилар. Шу сабабли пайдо бўлган саволларни жамоа бўлиб хал қилиш маъқулроқдир. Шу сабабдан ўқитувчи айрим ўқувчилардан сўраб чиқиб счннинг кандай вариантлари вужудга кслишини аниқлайди, сунг муаллифларга ўз фикрларини назарий билимларига таяниб асослаб беришни таклиф килади.

Ижодий баҳслар натижасида меҳнат жараёнининг мазкур шароит учун варианты хосил булади, буни ўқитувчи маъқуллайди.

3. Ўқувчиларнинг меҳнат жараёнини мустақил режалаштириш. Ўқувчилар меҳнат жараёнларини жамоа билан режалаштириш малакаларини эгаллаган ҳоллардагина бу усулни қўллаш мумкин.

4. Меҳнат масаласини албатта фан асосларига доир билимлардан фойдаланиб бажариш мумкин бўладиган йусннда ифодалаш. Масалан: чихгич тайёрлашда ўқувчиларга унинг халқаси диаметрини ва тўтри чизикли қисмининг узунлигини билган ҳолда заготовкасининг узунлигини мустақил топишни таклиф қилиш мумкин.

Бу масалани ҳал қилиш учун ўқувчилар айлана узунлигини формуласидан фойдаланиб ҳисоблашга мурожаат қиладилар.Бошқа мисол: яшиқ тайёрлашда ўқувчилар олдиға унинг периметри иложи борича кичик бўлишиға эришиш вазифасини қўйиш мумкин, чунки бундай ҳолларда ён деворларға кам материал кетади.

Келтирилган мисоллар ва бошқа шунга ўхшаш ҳолларда билимларни амалда қўллаш ҳеч қандай сунъийликсиз амалда ошадди.Шу сабабли ҳам мазкур усул айниқса самаралидир.

5.Иш жараёнида пайдо бўладиган қийинчиликларни бартараф қилиш учун билимлардан фойдаланиш.Масалан: кўп ҳолларда ўқувчилар заготовкани тискига маҳкамлашға мажбур бўладилар;бунда ишлов берилган сиртда излар қолади.Ўқувчиларда «Нима қилиш керак?» деган савол туғилади, улар шу савол билан ўқитувчиға мурожаат қиладилар. Тайёр жавобни бериш энг осони , бироқ пайдо бўлган қийинчиликни мустақил бартараф қилишда ўқувчиларға ёрдамлашиш керак. «Шу сабабли ўқитувчи ўқувчиларнинг қаттиқлик ва босим ҳақидаги билимларидан фойдаланиб , уларда заготовка билан тиски лаблари орасига юмшоқроқ жисм (жаглик) қўйиш керак.деган тушунча хосил қилади.

6.Тайёр буюмларни синаш.Буюмлар табиий илмий фанларнинг қонуният ва ходисалари намоиш қиладиган модель ва приборлардан , яъни жисмнинг иссиқликдан кенгайишини намоиш қилиш прибори,кинетик энергияни потенциал энергияға айлантириш прибори,электр двигатели, механик арра ва бошқалардан иборат булган ҳолларда бу усулни қўллаш мумкин.

Ўқув устахоналарида ўтказиладиган операцияларини билиб ва ўзлаштири олиш вақтида ўқитувчи аввалиға уларнинг вазифаси ва ишлаб чиқариш (технология) жараёнида тутган ўрнини тушунтириб беради уларни ўқувчилар илгари ўзлаштириб операциялар билан такқослайди, у билан уларға хос умумий белгиларни ажратиб кўрсатади ва фарқларни тушунтириб,шундай қилиб ўқув материалини оғзаки вақтида хулосалар ва умумлашмаларни исбот бўлиши учун ўрганилаётган жараёнлар, ходисалар ва предметларни сиёсий таҳлил қилиш катта аҳамиятға эға бўлади.

Машқлар жараёнида усулларини бажаришнинг сифатли

бўлишига. ўқувчиларнинг қилишига эътибор бериш керак, меҳнат усуллари ва операцияларни ўзлаштириш мақсадида машқларни бажариш

ўз —ўзини назорат қилиш учун қайта алоқаси тамойилига таъсир қиладиган унча мураккаб бўлмаган хилма —хил мосламалардан; тўғрирағичлар, шаблонлар, асбоблар, уларга қилинган тензодатчиклардан, асбоблар ва ҳаракатларни мувофиқлаштиришга доир мосламалардан,

ўқувчиларнинг автомобил тракторни ва ҳайдаш қондаларини ўрганишда тренажердан фойдаланиш катта рол ўйнайди.

Машқлар жараёнида юқорида санаб ўтилган техника воситаларини қўлланадиган ўқувчиларга меҳнат ҳаракатларини бажаришдаги ҳатолардан ҳолис бўлишга имкон беради, усулларини ҳосил қилиш учун сарфланадиган қисқартириш ва уларнинг ошишига, лекин бу воситалардан узоқ вақт фойдаланиш ҳамзавар бўлиши мумкин. Улар меҳнат усулларини эгаллаш ўзига хос мўлжал родини ўйнайди ва шунинг учун улардан ва таълимнинг дастлабки босқичларидагина фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Психологларнинг кўникмалар ва малакаларни, ўқувчиларда меҳнат усулларига оид машқларини таркиб топтириш қонуниятлари ҳақидаги тадқиқотлари натижаларини ҳисобга олиб, бу усулларни узоқ давом этмайдиган ҳар машғулотда такрорланиб турадиган пайтда узвий порлаб ташкил этиш керак. Ўқувчилар тўғри усулларини эгаллаб боргани сари ўқитувчи уларга мустақил киришиш учун руҳсат беради, бу жараёнида улар ўзлари ўзлаштиртан меҳнат ва ҳунар усулларидан фойдалана оладилар, Меҳнат усулларига оид машқларни ўтказиш вақтида талабларга риоя қилиш лозим:

1. Ўқув — моддий шароитлар яратилган бўлиши (яқши ишлайдиган асбоб — ускуналар, мосламалар ва транспортларнинг мавжуд бўлиши).

2. Меҳнат усулларнинг ёрқин ва қулай кўрсатилишини ҳамда ўқувчиларнинг бу усулларни тўғри ва тўлиқ ўзлаштириши, текшириши таъминланиши.

3. Бевосита кузатиш ва назорат қиладиган қурилмалардан фойдаланиш йўли билан меҳнат ҳаракатларини мустақил назорат қилиш вазифасини амалга ошириш учун йўл — йўриқлар берилиши.

4. Ўқувчиларнинг меҳнат усулларида йўл қўядиган кам-чиликларига тезда барҳам бериш йўллари ўйланган бўлиши керак.

Бу талабларнинг ҳаммасига риоя қилиш меҳнат операциялари ва жараёнларини ўрганиш вақтида меҳнат ҳаракатларини муваффақиятли шакллантириш имконини беради.

Таълим жараёнига дастурлаштирилган ўқитишни кенг жорий қилиш бутун чоралар билан таълиқот қилинар экан, бунда ана шу усул билан бир томонлама шугулланиш фойда ўрнига тугри таълим ишига ва тарбияга, ўқувчи шахсини ҳар жихатдан ривожлантиришга катта зарар етказиши мумкинлигини унутмаслик керак. Масалан: дастурлаштирилган таълимда ўқитувчининг жонли сузи чекланган булади, ўқувчининг нутқини ривожлантириш учун бирор қулай шароит мавжуд булмайди. Ниҳоят, стандарт саволлар ва жавоблардан фойдаланиш натижасида мактаб ўқувчиларнинг ижодий ташаббуси маълум даражада бўлиб қўйилади.

Шунинг учун меҳнат дарсларида дастурлаштирилган таълим ўқитишнинг бошқа усуллари оғзаки ва кўрсатмали, амалий методлари билан, муаммоли таълим ва текшириш методлари билан оқилона тарзда қўшиб олиб борилиши, одатдаги техникавий воситалардан кенг фойдаланиш лозим. Дастурлаштирилган таълимдан меҳнат буйича машгулотнинг турли босқичларида ҳамда айнақса, билимлар ва кўникмаларни текшириш воситаси сифатида илгари ўрнатилган материалларни такрорлаш ва мустаҳкамлаш вақтида фойдаланиш мумкин.

Меҳнат таълими юзасидан машгулотларда меҳнат усулларининг тугри бажарилганлигини текшириш учун хилма-хил тренажёрлар кенг қўлланмоқда. Улар автомобилни ва бошқа транспорт техникасини, металлга ишлов бериш станокларни ва қўлда ишлов бериш операцияларни бажариш вақтида иш ҳаракатларини кординациялашни бошқаришда рационал меҳнат усулларини ишлаб чиқиш имконини беради.

Меҳнат дарсларида тренажёрлардан фойдаланиш ўқувчиларнинг меҳнат маданиятини оширишга, таълим жараёни сарфланадиган вақтини қисқартиришга ва меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам беради. Меҳнат дарсларида таълим берувчи, назорат қилувчи қурилмалар ва тренажёрлардан ташқари таълимнинг ёруглик ва товушнинг техникавий воситалари (ўқув киноси, диафильмлар, диопозитивлар, телсвидиния, радио, магнитофон ёзуви, видео материаллар, информатика, ЭХМ ва хоказолар) кенг ишлатилмоқда. Улар ўқитувчининг кам вақт сарфланган холда бирор

меҳнат жараёнини кўрсатмалли ва қулай тарзда намойиш қилишга, деталлар узеллар, станок механизмининг кинематик схемасини кўрсатишига имкон беради.

Шунингдек меҳнат дарсларида дастурлаштирилган таълим ўқитишининг бошқа усуллари оғзаки ва кўрсатмалли, амалий методлари билан, муаммоли таълим ва текшириш методлари билан оқилона тарзда қўлиб олиб борилиши, одатдаги техникавий воситалардан кснг фойдаланиш лозим. Дастурлаштирилган таълимдан меҳнат бўйича машгулотнинг турли босқичларида ҳамда айниқса, билимлар ва кўникмаларни текшириш воситаси сифатида илгари ўрганилган материалларни такрорлаш ва мустаҳкамлаш вақтида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Меҳнат таълимидаги меҳнат методикасининг психология билан узвий боғланиши муҳим аҳамиятга эгадир. Буида билиш жараёни ва ақлий ривожланиш психологияси ўқув устахоналарида турли буюмларни техникавий лойиҳалаш ва моделлаш жараёнида ўқувчиларда техник фикрлаш ҳамда конструкторлик ва технологик қобилиятининг шаклланиши учун асос ҳисобланади. Психология ўқувчилар томонидан билимларнинг ўзлаштирилиши, меҳнат малакалари кўникмаларининг ҳосил қилиниши уларда мустақиллик ва меҳнатга ижодий ёндашиш ҳиссини ривожлантириш қонуниятларини очиб беради. Бу ўқув устахоналарида ўқув-тарбия ишларини тўғри ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга.

Таълимидаги меҳнат методикаси одам анатомияси ва физиологияси билан узвий боғлиқдир. Мазкур икки фан инсоннинг биологик моҳиятини тушунишда база бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли, меҳнат дарсида ўқув-тарбия жараёнини тўғри ташкил қилиш учун ўқитувчи ўқувчи организмни ўсиши ва ривожланишининг биологик қонуниятларини билиши таяниши керак. Бу инсоннинг психик шаклланиши ва ривожланиши хусусиятларини очиб берадиган ёш физиологияси ва одамнинг олий нерв фаолияти физиологияси курсида ўрганилади.

Меҳнат жараёни ва меҳнат таълими методикаси ўқув меҳнат гигиенаси билан ҳам боғлиқ бўлиб, бу ўқув устахоналарида ўқувчиларни ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш ҳамда тарбиялашнинг санитария-гигиена шароитини ўрганади. Ҳар бир ўқувчи учун иш ўрнини тўғри танлай билиш, қулай санитария гигиена шароити яратиш (ёруғлик, озодалик, вентиляция), ўқувчиларни иш жойини тўғри ташкил этишга, зарур асбоблардан, меҳнат усулларида фойдалана билишга ўргатиш

меҳнат таълими ўқитувчиси амалга ошира билиши ва ҳаётга тадбиқ этиши лозим бўлган асосий масалалардир.

Нихоят, меҳнат таълими методикаси учун унинг йўналишларидан бири ахборотни узагиш ва ўзлаштириш, ўқув жараёнида бевосита ва кайта алоқа ўрнатиш катта аҳамиятга эга. Бу йўналиш дастурлаштирилган таълимни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Дастурлаштирилган таълим эса учун жараёнига ўтишнинг турли техник воситаларини жорий қилишни кўзда тутлади.

XII БОБ. МЕҲНАТ ТАЪЛИМИНИНГ ДИДАКТИК ТИЗИМЛАРИ

12.1. Меҳнат таълими дидактикасининг асосий тушунчалари.

Маълумки ҳар хил таълимда педагогика заминида методика, дидактика фанлари бир бирига узвийлик ҳолатда ўргатилади ҳамда улар тариф топган:

Педагогика - таълим ва тарбиянинг назарий ва амалий масалаларини ўргатувчи фан. У баркамол инсонни вояга етказиш мақсадларига хизмат қилади.

Методика - бирор ишни мақсадга мувофиқ ўтказиш методлари, йўллари мажмуаси. У алоҳида методикалардан ташкил топади. Педагогика фани соҳасида маълум ўқув фанини ўқитиш қонуниятларини ташкил қилади. Масалан, болалар методикаси, арифметика методикаси ва шу кабилар.

Дидактика - педагогиканинг тармоғи. Таълим-тарбия назарияси, яъни мақсадлар, мазмуни, қонуниятлари, тамойилларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Шуларга таянган ҳолда дидактикага оид куйидагиларни инобатга олиниши мақсадга мувофиқдир. Меҳнат таълимининг дидактик тизимлар негизида шаклланади.

Улар куйидагича:

1. Модул тавсифи
2. Меҳнат дидактикасини тизимлари
3. Меҳнат дидактикасида предмет буюм тизими
4. Меҳнат дидактикасида технологик операция тизими
5. Меҳнат дидактикасида предмет-операция тизими
6. Меҳнат дидактикасида технологик машқ тизими
7. Ишлаб чиқариш тизими ва ундаги дидактик асослар

8. Ўқувчилар меҳнат политехника таълими тайёргарлигининг илмий мазмунини ва тизимини ишлаб чиқаришнинг дидактик асослари.

1. Модул тавсифи:

Модул бирлиги. " Дидактика методика орасидаги муносабатлар"

Модул мақсади. "Дидактика", "методика" тушунчалари, дидактик хатти ҳаракатлар, ўқитиш тамойиллари, таълим моделларидан фойдаланишни ўргатиш.

Қутилаётган натижалар. Иштирокчилар курсни ўрганиш натижасида қуйидаги билим, кўникма ва малакаларга эга.

1. Дидактика тўғрисидаги тушунча. Дидактика хатти ҳаракатлардан фойдалана оладилар.

2. Дидактиканинг методика билан ўзаро боғлиқлигини гуруҳларни шакллантириш тамойиллари дарс жараёнида фойдаланишни билади.

3. Ўқитиш тамойилларини дарс жараёнида қўлланишининг аҳамияти тушунади.

Модулнинг мазмуни.

Модул номи: "Дидактика методика орасидаги муносабатлар"
Модулнинг мазмуний тизилмаси.



II. Модулнинг назарий ўқув материаллари.

1-Мавзу. Модул тавсифи

"Дидактика" тушунчаси грекча "didaskien" "ўқитиш ва ўқиш назарияси" деган маънони билдиради.

Дидактика назарий дарс ва инструкция ўтказишнинг мақсади, мазмуни, метод ва шарт-шароитларини белгилайди.

Ўқитувчи ва амалиёт ўқитувчиси учун "Дидактика" тушунчаси нимани билдиради?

Дидактика амалиёт ўқитувчиси ва техника ўқитувчисига тўғри педагогик муносабат бўйича билимларни беради. Кейинчалик эса гап "нимани ва нима учун ўқитиш керак?" ва "қайси тарзда ва нималар ёрдамида ўқитиш керак?" мавзулари асосидаги муносабат тўғрисида боради.

Бунда қуйидаги саволлар рол ўйнайди:

- Ўқиш ва ўқитиш жараёнида қандай мақсадларга эришилиши лозим?
- Қандай мавзуларни ўқитмоқ керак?
- Қандай дастлаб шарт-шароитларга эътиборни қаратиш лозим?
- Ўқитиш жараёнининг қандай-режалаштирмоқ лозим?

Улар қандай шароитда ҳам қуйидагиларга қаратмоқ даркор:

- Ўқувчилар қандай билимлар захирасига эга?
- Таълим берувчи шахсларга қандай талаблар қўйилади?

"Нима?", "нима учун?" деган саволларга жавоб ўқиш мақсадлари асосида белгиланади.

Шундай қилиб "нима?" деган савол назарий ва амалий дарслардаги мавзулар ва мазмунларни англатади. Бундай шароитда энг асосийси мазмун ҳисобланади.

"Махсус дидактика" дидактика ва бирои унинг йўналишидаги махсус фаннинг мазмунлари билан алоқа ўрнатишга ҳаракат қилади.

Махсус дидактикада эътибор ўқув амалиётининг махсус муамоларига қаратилади. "Техник чизмалари" соҳасининг махсус дидактикаси "Математика" соҳасининг махсус дидактикаси дан маълум деталлар орқали ажралиб туриши керак.

12.2. Мехнат дидактикасининг тизимлари.

Дидактик хатти-ҳаракатлар деганда, бир ўқитувчининг таълим жараёнини дидактика ва методика таълимларини қўллаш орқали ташкиллаштириш хатти-ҳаракатларини тушупамиз.

ДИДАКТИКА



Меҳнат таълимида предмет буюм тизими. Дидактика ва методика бир бири билан узвий боғлиқ. Методика деганда илмий усуллар хақидаги фан тушинилади. Бу фан дидактиканинг бир бўлиmidир . Дидактика «нима» ва «нима учун» ўқитиш керак деган саволлар билан шуғулланса, у билан узвий боғлиқ ҳолда методика эса «қайси гарзда» ва «нималар ёрдамида» ўқитиш масалалари билан шуғулланади. Бунда амалий усуллар тизими махсус соҳанинг мазмунига боғликлигини ҳисобга олиш зарур.

Бошқача қилиб айтганда, ўқитиш методикаси - бу турли хил йўллар ва усуллар тизими бўлиб ўқув дидактик материалларидан фойдаланиб, белгилардан мақсадларга эришиш учун назарий дарс ва инструктор пайтида қўлланилади.

Дидактика ва методика бир медалининг икки томонидир: «нима учун ва нима» яъни дидактика «қайси тарзда ва нималар ёрдамида», яъни методикани белгилайди.

Мисол учун назарий дарс ўқитувчиси «математика» дарсида бошқача усулларни қўллайди, устахонада «ёнига ўтиш».

Илгариги ва ҳозирги ишлаб чиқариш ва меҳнат таълими тизимларининг асосий ютуқ ва камчиликлари ҳамда уларнинг мазмунини қисқача кўриб чиқамиз.

Улар ўзаро боғлиқ ва айлана ҳаракатда амалга ошадиган ўқитиш тадбирлари модулига асосланган. Яъни улар машғулот жараёнида ёки иш ўрни меҳнат таълими ўқитувчи томонидан мунтазам равишда такрорланадиган тадбирларни билдиради. Улар бирор жараённинг барча элементларини камраб олади, мисол учун аниқ бир назарий дарс ёки инструкторнинг ўтказиш учун “тайёргарлик кўриш, ўтказиш-баҳолаш” каби ҳаракатлар керак. Дидактик хатти- ҳаракатлар қуйидаги саноллар билан узвий боғланган:

1. Маълумот йиғиш.

Ўқувчи берилган иш топширигини таҳлил қилади керакли ҳамма маълумотларни мустақил равишда йиғади.

2. Режа тузиш.

Ўқувчи мустақил равишда бошқа керакли иш босқичларидан иборат иш режасини тузади.

3. Қарор қабул қилиш.

Ўқувчи ўқитувчи билан биргаликда иш режасини амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилади.

4. Амалга ошириш.

Ўқувчи иш режаси асосида ишни мустақил бажаради.

5. Текшириш.

Ўқувчи иш натижасини мустақил текширади ва «Баҳолар ва рўғини» тўлдирди.

6. Хулоса чиқариш.

Ўқувчи ва ўқитувчи биргаликда иш жараёнини, шунингдек иш натижаларини таҳлил қилади ва хулоса чиқаради.

- 1. Кимлар ўқитади?
- 2. Кимларни ўқитиш керак?
- 3. Ўқитиш орқали қандай мақсадларга эришиш керак?
- 4. Мақсадларга эришиш учун қандай мазмунларни ўқитиш керак?
- 5. Назарий ёки амалий дарсда қайси усуллар ёрдамида ўқитиш керак?
- 6. Назарий ёки амалий дарс қандай шароитда ўтказиш керак?
- 7. Ўқишни қандай ташкил қилиш керак?
- 8. Кўзланган мақсадга эришишни тегиштириш учун натижалар қандай

баҳоланади?

Назарий билимларни ўқитиш бойича дидактик хатти ҳаракатларни кўрсатиш мумкин.

4.1. Назарий дарс ёки инструктажга оид дастурларни шарт шароитлар ва тайёрликларни баҳолаш.

4.2. Ўқув мақсад ва ўқув мазмунларини белгилаш.

4-3. Назарий дарс ва инструктаж режаларини ишлаб чиқариш.

4-4. Ўқув - дидактик табелларини тайёрлаш.

4-5. Назарий дарс ва инструктажларни ўтказиш.

4-6. Назарий билимларни баҳолаш.

Дидактик хатти- ҳаракатлар Амалий қобилиятлар ва кўникмаларни ўқитиш соҳасида тегишли босқичларга бўлиниши мумкин. Бу ерда бизга «Мукамал касбий ҳаракат модели» маълум. Унинг 6 босқичи эса Германия таълим тизимида «йўналтирувчи текст усули» номи билан айтилади. Бу 6 босқични ўқувчилар ҳар бир амалий иш ҳаракатни бажариш учун мустақил амалга оширишлари керак. фақат инструктажнинг раҳбарлигида. (керак бўлганда).

2. Мехнат дидактикасини тизимлари.

Билимларни ўзлаштириш (таълим олишда) фақат хотира хусусиятлари эмас, балки шахсий қобилиятлар, фикрни жамлаш, мақсад ҳамда тиришқокдикка ҳам боғлиқ. Мақсадга интилувчанлик зарурий шартлари кўпроқ ва мустаҳкамроқ ўзлаштирадилар.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг мақсади таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлардан ва сарқитлардан тўла ҳалос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва

ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишдар. Бу эса ўз навбатида таълим жараёнига бошқа кўз билан қарашни талаб этади. Хусусан, таълим тизимимиз учун янги поғона ҳисобланган меҳнат таълими тизимида бу муаммо ўз долзарблиги билан алоҳида ажралиб туради. Дунёга янги кўз билан қарайдиган уддабирон, ишнинг кўзини билувчи, келажакимиз пойдеворини қурувчи ва юксалтирувчи ишчи мутахассис кадрларни тайёрлаш, республикамиз олдида турган энг муҳим ва масъулиятли вазифадир. Кейинга йиллардан бу борада ҳам катта ишлар олиб борилмоқда. Шу ўринда педагог ва меҳнат таълими ўқитувчилари билан кадрларни қайта тайёрлаш йўлга қўйилди.

Ушбу «дидактика ва методика улар орасидаги муносабатлар» модулда ўқув жараёнидаги асосий омиллардан самарали фойдаланган ҳолда машгулотларни ташкил қилишни ўргатишга мўлжалланган.

Меҳнат таълими дидактикасида операция тизими юритилади. Дидактиканинг асосий қисмларидан бири- ўқитиш тамойиллари қисмидир. Ўқитиш тамойиллари- бу ўқитувчининг фаолиятини ва ўқитувчилар билиш фаолиятининг хусусиятини белгилайдиган асосий қоидалардир. Бу тамойилларни билмаслик ёки уларни қўлланишидаги кўникиш тўғрисидаги йўрнқномани:

- * Педагогика кенгаш ҳақида низомни;
- * Таълим тарбия ишларини режалаштириш ва унинг ҳисоби тўғрисидаги низомни;
- * ўқув устахоналаридаги ишлаб чиқариш таълимини рифожлантиришни;
- * битирув малака-ихтисос ишихонларини ўтказиш тартиби ҳақидаги йўрнқномаларни;
- * ўқувчиларни босқичма - босқич шаҳодатдан ўтказиш ва уларга малака ихтисослигини бериш ҳақидаги йўрнқномани;
- * ўқув гуруҳининг раҳбари ҳақидаги низом;
- * тарбиячиси ҳақидаги низомни;
- * битирувчиларга диплом ва шазодатнома бериш ҳақияги низомни;
- * ўқув методик кабинетлари тўғрисидаги низомни;
- * кутубхона ҳақидаги низомни;
- * методик ишлар тўғрисидаги низомни
- * таълимнинг эстетик шакли тўғрисидаги низомни;

* ички назорат тўғрисидаги низомни;

* методистнинг мансабий вазифаларини;

* Мактабни тугатганлик тўғрисидаги диплом ва шаходатнома бланкалари тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани ва ўқув хўжаликларининг низомини;

* хўжалик юртишнинг янги шaroитларида хунар- техника таълимининг тошқил этиш низомини;

* ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш ҳақидаги вақтинчалик низомини;

* энг яхши мутахасис кўрик танлови тўғрисидаги низомни;

Предмет операция тизими. Ўтган асрнинг 90-йилларида касбий техника таълимининг таниқли намояндаси С.А.Владимирский “рус ишлаб чиқариш таълим тизими такомиллаш жаҳонга «рус ишлаб чиқариш таълими тизими» номи билан машҳур бўлган маъмур тизимни инженер Д. К. Советкин раҳбарлигида Бауман номи Москва Олий техника билим юрти ходимлари ишлаб чиққан.

Операция тизими туфайли ишлаб чиқарилган технологиясини тўғри тушуниш учун биринчи марта шарт-шaroит яратилди: бу тизим таълимни анча изчил (оддий операциядан анча мураккаброк операцияга ўтишда) ташқил этиш имконини берди, бу меҳнат кўникмалари ва малакалари ҳосил бўлишига; асосий операцияларни ўзлаштириб олишга ижобий таъсир кўрсатади. Маъмур тизимга асосан таълим бериш бўлиб юборилган тех-нологияга асосланган ишлаб чиқариш шaroитида шогирдни ана шу операциялардан исталган биттасини бажаришга тайёрлар эди.

Нихоят, болаларни буюмлар сопига нисбатан унча кўп бўлмаган муайян операциялар туркумини бажаришга ўргатиш ўқувчиларни тайёрлаш муддатларини қисқартиришга олиб келади. Бироқ бу ижобий фактлар билан бир каторда операция тизимга хос бўлган жиддий нуқсонларни ҳам унутмаслик керак. Гап шундаки, ўқувчи томонидан ўзлаштириладиган кам сонли операциялар тайёрланадиган буюмдан ажралган тарзда бажарилади: ўқувчи ўз меҳнати пировард натижасини тугал буюм сифатида кўролмайди: ишлаб чиқариш характериға эға бўлмаган операциялар билан узок вақт давомида машгул бўлиш ўқувчиларнинг қизиқишини пасайтиради, операция давридаги ўрганилаётган операцияни қайта такрорлаиб турмаслиги

болаларда илгари ҳосил бўлган меҳнат кўникмалари ва малакаларини ҳам қисман йўқотилишига олиб келарди.

Шундай қилиб, мануфактура ишлаб чиқариши даврида пайдо бўлган операция тизимини ва унга мос унумли меҳнат таълими мазмуни ўша давр талаб ва мақсадларига тўла жавоб беради. Чунки, ишлаб чиқаришнинг ўзи бўлиб юборилган технология (операция) ва ишчи (операцияни бажарувчи) дан иборат эди.

Ундаги бир қатор шуксонларни бартараф қилди. У ўз ишлаб чиқариш таълими фан турини тактиф қилди. Унда махсус танланган предмет буюмларни тайёрлашга оид меҳнат операцияларни ўрганиш кўзда тутилди.

Бу усул буюмли операция тизими деган ном олди. Бунда буюмлар шундай йўсинда танлаб олинадики, биринчисини яшашда энг енгил (3—5) операция ўзлаштирилади, навбатдагиларини тайёрлашда анчагина мураккаб кўп операциялар ўрганилади.

Дастлабки кўникма ва малакаларни ҳосил қилишда махсус машқларга эътибор бермаслик бу тизимнинг самарадорлигини бирмунча пасайтиради. Бундан ташқари ишлаб чиқариш таълимининг биринчи машғулотларидаёқ бирданга кўп операцияларни ўз ичига олган буюмларни тайёрлаш ўқувчиларда бу операцияларнинг мазмуни ҳақида тўғри тасаввур бўлмаслигига олиб келарди. Бинобарин, меҳнат жараёнининг таркиби бирлиги сифатида меҳнат операциялари бундай таълим йўли танлаб олинган ишлар тизимида йўқ бўлиб кетарди.

Гарчи мазкур тизим қимматга эга бўлса ҳам у ҳудди ана шу сабабга кўра, шу даврда ҳам ва бошқа мамлакатларда кенг тарқалмади. Ҳамма буюмли операция ишлаб чиқариш таълими мазмуни яққол кўзга ташланади. Плюс ишоралари мазкур буюмни ишлашда шу операциялар борлигини минуслар- йўқлигини билдиради.

Машқли тизим. Машина индустриясининг гуркираб ўсиши, ишчилар меҳнатини интенсивлаш ҳисобига максимал фойда олишга интилиши меҳнат жараёнларининг хаддан ташқари бўлиниб кетишига олиб келди.

Ишчи энди бир қатор алоҳида ёки битта операцияни бажариш ўрнига машинани бошқариш ва унга хизмат кўрсатишдан иборат чекланган миқдорда жисмоний меҳнат усулларини бажариши керак бўлиб қолди. Шунда ҳам бу усулларни аниқ, тез ва машинанинг ишлаш вақтига қараб катъий белгиланган вақтда бажариши шарт. Бундай характердаги меҳнат усуллари ва уни ташкил этувчи иш ҳаракатларини фақат

махсус машқ жараёнидагина ўзлаштириш мумкин эди. Ишлаб чиқариш таълимининг мазкур тизими моторли- машқли тизим деб аталишининг бойси ҳам ана шундадир. Иш-чилар тайёрлашнинг бу тизмани америкалик инженер Тейлор яратган. Унинг мазмуни катъий танлаб олинган меҳнат усуллари ва уларнинг элементлари (иш ва иш жараёнидаги ҳаракат)ни механик тарзда машқ қилишдан иборат. Таълим тизimini тўғри меҳнат усулларини тез шакллантиришга қаратилган машқ машгулотларни муайян изчилликда бажарилиши билан характерланади. Бирок ўқувчининг алоҳида иш ҳаракатлари ва усулларини бажариши кўпинча операциянинг ўзидан, бунинг устига меҳнат жараёнларидан ажратган ҳолда амалга оширилади, бу эса уларни механик тарзда ўзлаштирилишига олиб келади, барча меҳнат жараёнларининг компонентлари ўртасидаги объектив мавжуд алоқа бузилади.

- ўқувчи инструктаждан ўтганига қарамай, бундай шароитда ўзи бажарётган ишнинг мақсад ва вазифаларини чуқур тасаввур қилолмайди, зеро унга у ёки бу ишлаб чиқариш жараёни тўғрисида умумий тизимлари аж-ратилган маълумотлар тушултирилади.

Шундай қилиб, таҳсил қилинаётган тизимда ишчининг меҳнат функциялари аввалгисига қараганда яна ҳам чеклангандир. Шу сабабли мазкур ишлаб чиқариш учун ишчилар тайёрлаш бир неча ҳафта, ҳатто бир неча кунни ташкил қиларди, холос.

Мазкур тизим кўпгина нуқсонлари бўлишига қара-масдан, у ҳар ҳолда ёш ишчиларни меҳнатга ўргатишда муайян қимматга эга. Айниқса унинг педагогик жиҳатдан қиммати шундаки, бунда меҳнат усуллари ва иш ҳаракатлари амалда ўрганиш объекти ҳисобланади, бу эса ҳозирги кунда ҳам аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Демак, бу ҳолат ишлаб чиқариш натижаси бўлган ишлаб чиқариш таълимининг моторли-машқли тизими ва унга хос меҳнат мазмуни унинг талаб ва мақсадларига тўла мос келади, негаки, бу ишлаб чиқариш меҳнатни унга қадар бўлмаган меҳнат усуллари ҳам иш ҳаракатларига бўлишшига ва ишчини машинанинг қўшимчаси (думи) га айланттиришга олиб келди.

5. Ҳозирги замон шароитида касб таълими мазмунини муҳим технологик жараёнларсиз (штамповка, болғалаш (ковка)қуйиш, пресслаш, деталлар устига занглазмайдиган бўёқ суртиш) тасаввур қилиб бўлмайди, бу юксак даражада ривожланган ишлаб чиқаришда кенг тарқалган бўлиши билан бирга келажак учун жуда истиқболли ҳамдир.

Бу жараёнларни практикада амалга ошириш учун: тегишли асбоб-ускуналарни бўлган мактаб ўқув кабинетлари ҳамда устахоналари, сагиоат корхоналарининг ишлаб чиқариш цехлари, участка ва лабораторияларидан (лаборатория-практика топшириқларини бажариш ҳамда экскурсия танишуви тартибида) фойдаланиш мумкин.

6.Ўқувчилар ўқув устахоналардаги машғулотларда касб таълими жараёнида ўзлари учун тушунарли тарзда типовой технологиянинг асосий принциплари билан танишадилар. Бу юксак даражада ривожланган ҳозирги замон ишлаб чиқаришида етакчи рол ўйнайди.

Технология жараёнларини туркумлашнинг моҳияти гоят кўп сопли хилма-хил деталларни маълум белгилари (конструкция формалари, деталлар сиртининг ўхшашлиги, уларни ишлаш тартиби ва ҳоказолар) га қараб классификациялаш, улар орасидан типик намуналарни ажратиш ҳамда улар учун ишлов беришнинг типовой технология жараёнлари ва назорат методларини яратишдан: иборат..

Ҳозирги замон саноат ишлаб чиқаришида қўлланиладиган намуна технологиянинг асосий қондаларини тегишли дидактик ишловдан ўтказиш вақтида уларни: ўқувчилар учун тушунарли тарзда ифодалаш керак, негаки бу қондаларни ўқувчилар ўқув устахоналаридаги: амалий фаолиятида ишга соладилар. Бунда улар мустақил равишда типовой деталлар ва буюмларга иструктив-технологик карталар тузишни ўрганадилар.

7.Меҳнат дарсларида ўқувчилар кучи билан мактаб эҳтиёжи учун турли буюмлар (замонавий техниканинг рамзий модели, табиат қонунларини намоён қилиш учун приборлар)ни йшлашда жуда хилма-хил мосламалардан фойдаланмай туриб, ўқувчилар меҳнатининг сифатли ҳамда унумдор бўлишига эришиб бўлмайди.

Бундай мосламалар сифатида ҳар хил тўғрилагичлар, чеклагичлар, кондукторлар, шаблонлар, тузатгичлар, тешик очиш ва эгиш жиҳозлари, қисқичлар, чўзгичлар, штамплар, пайвандлаш жиҳозлари ва ҳоказолар хизмат қилиши мумкин. Шў билан бирга айрим деталлар ва буюмларни тайёрлашнинг типовой технологиясидан фойдаланиш, одатда, мосламаларнинг турларини бирмунча қисқартиришга имкон берадиган типовой ускуналар яратишни назарда тутуди.

Турли мосламаларни кўллашиш йўли билан қилинадиган меҳнат ўқувчиларда маънавий қониқиш ҳосил қилади ва уларнинг фаолиятини активлаштиради; меҳнатга ижодий муносабатда бўлишни авж олдиришга ёрдам беради; машгулотларга кизиқишини оширади.

8. Ўқувчиларда техникавий тафаккурни ривожлантиришда ва уларни меҳнатга ижодий муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашда деталлар, приборлар, техник моделлар конструкцияларини ўзгартиришни кўзда тутадиган махсус топшириқлар, техник моделлар ва предметларнинг атайин охирига етказилмаган конструкцияларини тамомлаш, технология жараёнларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Бундай топшириқларнинг аҳамияти шундаки, улар ўқувчиларга ижодий мустақилликни ва техникавий идрокни, техниккага, технологияга ва ўзи ишлаб чиққан конструктив ечимларга пухта ва танқидий муносабатини намойиш қилиш имконини беради.

Ишлаб чиқариш таълимининг дидактик асослари. Оммавий ва конвейер ишлаб чиқариши, машинасозлик технологияси ва меҳнат ҳақидаги фаннинг ривожланиши ҳар қандай меҳнат фаолиятини ташкил қиладиган меҳнат жараёнларининг асосий звеноларини аниқлаб олиш имконини бери.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, саноат мазкур ютуқларда меҳнатни янада интелисивлаштириш учун фойдаланади. Олимлар ишлаб чиқаришнинг моҳиятини таъкидлаб, унда тўғри меҳнат усулларини ишлаб чиқиш ва анализ қилиш ишида бой илмий ютуқлар мавжудлигини кўрсатган ва европача ҳамда америкача меҳнатни ташкил қилишнинг чинакам қимматга эга бўлган тажрибаларини қабул қилишга чақирган эди.

Фан ютуқларини меҳнат тайёргарликка хизмат қилдириш учун ЦИТ ишлаб чиқариш таълими тизimini ишлаб чиқди. Унда моторли-машкли тизимнинг кўпгина белгиларни ўз ифодасини топди.

ЦИТ тизмига кўра, ўқувчиларни амалий тайёрлашнинг тўрт даври белгиланади:

- 1) Махсус машқ аппаратларидан фойдаланиб амалга ошириладиган иш ҳаракатлари ва меҳнат усулларидаги машқлари.
- 2) Меҳнат операцияларини бажаришдаги машқлари.

3) Махсус танланган буюмларни танёрлашда мажмуа операциялар деб номланган илгари ўзлаштирилган меҳнат операциялари уйғунлигини ўргатиш.

4) Ўқувчини буюمنى тайёрлашга кетадиган мустақил даври.

Илмий ходимлари меҳнат жараёнлари: усул операция --- меҳнат жараёнини амалий ўрганишда дидактик жиҳатдан тўғри изчилликни ишлаб чиқдилар ва амалга оширдилар.

Бирок барча таълим даврининг ҳар бири муайян мақсад ва вазифага қаратилган тўрт босқичга бўлиниши меҳнат жараёнларини элементларга сунъий равишда ажратилишига ва ўқувчиларни яқка ҳолда ўзлаштирадиган мустақил машқ циклларига ажратишга олиб келди.

Бундан ташқари илмий ҳолатда қўллаган меҳнат усулларининг махсус апаратурада механик равишда машқ қилиниши қўпол, нозик бўлмаган малакаларнинг шаклланишига олиб келади, бу эса ўқувчиларга бир иш босқичидан иккинчисига ўтиш вақтида салбий таъсир қилади.

Илмий ҳолатда таълим тизмининг жиддий камчиликларидан бири — ишчига ижодий меҳнат қилиш учун зарур бўлган назарий билимга очикдан-очик баҳо бермасликдир.

Бинобарин, илмий ҳолатда ишлаб чиққан ишлаб чиқариш таълими тизими маълум даражада оммавий ва конвейер ишлаб чиқариши талабларига мос тушар эди. нсгаки, у ҳам аввалгиларидек меҳнатни кам механизациялаштиришга асосланган технология билан характерланади.

Бирок илмий ҳолатдаги меҳнат жараёни элементларини ўзлаштиришда механик машқ қилишни кўзда тутган хато позицияси замонавий ишлаб чиқариш принциплари ва талабларига зид бўлиб тушди. Бунга сабаб меҳнат жараёнларини онгли, ижодий тарзда ўзлаштириш бўлмай, механик машқ биринчи ўринга қўйилишидир.

Шунга қарамай, илмий ҳолатдаги тизими кўпгина қимматли ва прогрессив жиҳатлар кейинги тизимларда, ишлаб чиқариш таълимининг операцияли комплекс тизимида фойдаланилади.

Мазкур тизимига биноан таълимнинг мазмуни ўқувчиларнинг асосий технологик операцияларни ўзлаштириб олишларини назарда тутар ва у кейинчалик комплекс ишлар қаторига киритилиши керак.

Ўқувчиларни дастлабки технологик операцияларига ва уларнинг комплексга ўргатиш ўқув устахоналари шароитида амалга оширилди. Уларнинг моддий-техникавий таълимоти, шубҳасиз, машинасозлик саноати корхоналарида, ўқувчиларни касбга йўнатгиришга замин беради.

Мазкур тизим ярим кустарь ишлаб чиқариш дидактика шароитида шаклланди, бу тамомила қўл кучи ва қолоқ технологияга асосланган эди. Бундай ишлаб чиқариш дидактика тизими билан шугулланувчи киши олдига қўйиладиган талаб касби бўйича бирор буюмни ипидан игнаситгача батамом тайёрлашдир.

Шуни таъкидлаш муҳимки, буюмли тизим пайдо бўлган дастлабки даврда, яъни хунармандлар меҳнатининг мазмуни етарли даражада объектив техник анализдан ўтказилмаган даврда мазкур тизим стихияли тарзда қўлланиларди, яъни таълим (хунар ўргатиш) тақдид қилиш характерида бўларди. Бироқ бу ердаги ишчи кадрларнинг илмий асосланган тайёргарлигисиз (табақалашуви ва ихтисослашуви) хунармандчилик ишлаб чиқаришининг ривожланиши ҳақида гап бўлиши мумкин эмас эди. Шу тўғрисида дастлабки хунар мактаблари майдонга келди, шу билан бирга таълимнинг мазмуни ва унга мувофиқ тарзда буюмли тузум узил-кесил таркиб топди. Бу тизимга мувофиқ таълимнинг мазмуни шогирднинг мазкур касбга ҳос тугалланган буюм (ашё)ни ишлаб беришини кўзда тутарди.

Бу тизимнинг моҳияти шунда эдики, шогирд буюм (ашё)ларни муайян дидактик изчилликда, меҳнат жараёнларини мураккаблашиб бориши тартибида танёрлаши керак эди.

Таълимнинг буюмли тизими ва мазмунининг ижобий томони шундаки, бунда шогирд буюмни тайёрлаш давомида меҳнат жараёнини тўла ҳажмда ўзлаштириб олиши керак эди. У ўз меҳнатининг пировард мақсади ана шу буюм деб биларди ва бу унда хунарга қизиқиш уйғотарди.

Бироқ шогирдларни фойдали ашёларни ишлашга ўргатиш кўпинча бу принципнинг бузилишига олиб келарди, чунки бозорнинг товар маҳсулотларга бўлган талаби стихияли тарзда бўларди, бу ўз навбатида буюмларни тайёрлашдаги муайян изчилликнинг (оддийдан мураккабга қараб бориш тартиби) бузилишига олиб келарди.

Мазкур тизимнинг жиддий камчиликларидан яна бири шу эдики, бунда шогирд буюмларни тайёрлашда бажариладиган барча меҳнат жараёнини дастлабки тайёргарликсиз —меҳнат усуллари ва операцияларини маҳсус машқ машғулотларда

эгалламасдан ўрганиб олиши учун анча узок вақт талаб қилинарди. бу тез ўсиб бораётган ишлаб чиқаришга зид бўлиб тушарди.

Шундай қилиб, хунармандчилик ишлаб чиқариши ривожланишининг муайян босқичида пайдо бўлган предметли система ва унга мос тушадиган таълим мазмуни фақат ана шу бўлинмас технология ва универсал ишчи (хунарманд) билан характерланадиган ишлаб чиқариш талаб ва мақсадларигагина жавоб берар эди.

Ўқувчиларнинг рўйхатда планлаштирилган буюмларни тайёрлаш жараёнида илгари ўзлаштирилган меҳнат усуллари ва операцияларини тизимли тарзда мустаҳкамлаш рўй беради. Лекин бу мустаҳкамлаш илгари ўзлаштирилган нарсани нукул механик тарзда такрорлашдан иборат бўлмайди. Янги шароитда, янги объектларда берилган операциялар бўйича меҳнат усулларининг янада такомиллашуви рўй беради, бу ҳол меҳнат кўникмалари ва малакаларининг таркиб топтириш қонуниятларига тўла тўқис мувофиқ келади.

Билимларни, меҳнат кўникмаларини ва умумлашган характердаги малакаларни ўзлаштириш жараёнига таққослашнинг умумий дидактик усули ва кўчиришнинг психофизиологик омили асос қилиб олинган.

Шу билан бирга меҳнат кўникмалари ва малакаларини кўчириш уларни янги меҳнат фаолияти шароитида оддий такрорлашдан иборат бўлиб қолмай, балки фаол жараёндан иборат бўлиб, унда ижодий тафаккурни ва ишдаги мустақилликни таркиб топтириш асосида ривожланиб боровчи таълим принципига риоя қилинади.

Такомиллашган ўқувчилар меҳнатини фақат бутун буюм (деталь) ҳажмида эмас, балки унга кирадиган ҳар бир операция бўйича ҳамкатиий ҳисобга олиш ва нормалаштиришни назарда тутгани маскур материалларни модел ҳолатига келтирилади.

Бундай ёндашишнинг афзалликлари шубҳасиздир, биринчидан, ўқувчининг ўқув устахоналаридаги меҳнати ва ўз характери жиҳатидан корхонадаги ишчининг меҳнатига яқинлашиб қлади, бинобарин, ўқувчи меҳнатини системали тарзда нормалаштириш унинг ишлаб чиқаришдаги меҳнат жараёнини анча тезроқ ўзлаштириб олишини таъминлайди; иккинчидан, нормалаштирилган меҳнат ўқувчини вақт факторини кадрлашга ўргатади, бу эса меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари билан бириктирилади.

XIII БОБ. МЕХНАТ ТАЪЛИМ ДАРСЛАРИДА АМАЛИЙ ЛАБОРАТОРИЯМАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

13.1. Ёғоч ва унга ишлов бериш технологиясига йўналтирилган амалий лаборатория ишлари

Лаборатория ишидан кўзланган асосий мақсад меҳнат таълими методикаси юзсизан курсини ўрганиш жараёнида тегишли лаборатория ва амалий бажарганда шаклланган билим ҳамда ўқувларни мустаҳкамлаш.

Шу мақсаднинг тўла —тўқис амалга ошиши учун лаборатория ишидаги топширик шундай тузилганки, уни бажараётганда лабораториянинг барча бўлимларига, методик адабиётга, мактабларнинг амалий иш тажрибасига мурожаат қилишга тўғри келади.

Лаборатория ишининг биринчи қисмида аниқ топшириққа мувофиқ методика ишлаб чиқилади. Иккинчи қисмида эса амалиёт ўтказиладиган мактабдаги меҳнат таълими моддий базасининг таҳлили келтирилади ва ундан фойдаланиш учун мақсадга мувофиқ бўладиган таклифлар киритилади.

Амалий- лаборатория иши тушунтириш хати ва чизмаларни ўз ичига олади. Тушунтириш хатининг ҳажми чекланмайди. У таҳминан 35- 45 бетни ташкил этади.

Чизмаларнинг мазмуни аниқ топшириқлар билан белгиланади.

Амалий- лаборатория иши биринчи ва иккинчи қисмларининг мазмунини кенгрок кўриб чиқамиз.

Амалий- лаборатория ишининг методик қисми:

Амалий- лаборатория ишининг биринчи қисми методик ишланма икки вариантда бўлиши мумкин.

Биринчи амалий- лаборатория ишининг вазифаси меҳнат таълимига оид ўқув дастурида ва ДТС да кўзда тутилган мавзулардан биттасига доир дарслар тизимини ишлаб чиқишдан иборат. Бунда мавзу камида 2-3 соатга мўъжалланган бўлиши керак.

Амалий- лаборатория ишининг биринчи вариантыга доир топшириққа ушбу мавзуга тегишли тақвимий — мавзу режадан ксракли нарсаларни ёзиб олиш, шу мавзуга бағишланган дарслар тизимини ишлаб чиқиш, бирор дарснинг режа — матнини тузиш қиради. Кўриниб турибдики, дастлаб мавзунинг ўқув дастурида ва

ДТС да тутган ўрнини, уни ўрганишнинг календар тақвимини аниқлаш талаб этилади. чунки бусиз бошқа ўқув предметлари билан дидактик алоқа ўрнатиб бўлмайди. Дарслар тизимини ишлаб чиқиш, қуйидаги масалаларини ёритиш керак:

1. Мавзуни ўқув предметидаги ўрни

2. Мавзу мазмунинг методик таҳлили , ўқувчилар олдида пайдо бўладиган қийинчиликлар тавсифи(тавсифни беришда адабиётда келтириладиган 4 маълумотларга, шунингдек, амалиёт ўтказиладиган мактабнинг иш тажрибасига таяниш зарур).



3. Ўқувчиларнинг иш объектини асосланган тарзда танлаш.
4. Ўқув ишини ташкил қилишда қўлланиладиган методлар ва шакллар.
5. Хавфсизлик қоидаларини таъминлаш.
6. Бошқа ўқув предметлари билан дидактик алоқа,
7. Техник ижодиётни ривожлантириш.
8. Ишлаб чиқариш асослари билан таништириш.
9. Меҳнат тарбияси.
10. Касб танлашга йўллаш иши.

Хар бир амалий- лаборатория ишини синфга ва ўқув мавзуга қараб топширикнинг саволлари турлича очиб берилса ҳам уларга қайд этилган 1...10 технология бўйича жавоблар тайёрланиши даркор. Масалан, VII синфда меҳнат таълимини бошқа ўқув предметлари билан дидактик боғлаш учун имкониятлар IV синфга нисбатан анча кўпроқ бўлади. Бирок, ҳамма ҳолларда ҳам умумий қоидаларни ёритиш, техник ижодиётнинг тарақиёти қандай аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида гапириш эмас, балки ушбу мавзу ўрганаётганда ўқувчиларнинг техникага бўлган қобилиятларини қай йўсинда ривожлантириш мумкинлиги ҳақида гапириш керак.

Биринчи: ёғочни қуритишга оид иш учун карточка топширик

Техник маълумотлар, ёғоч таркибида ҳамиша маълум миқдорда сув бўлади, ёғочнинг намлиги процентда ифодаланади.

Масалан, янги кесилган ёғоч таркибида тахминан 60 — 70 сув бўлади. Бундай ёғочдан ясалган буюмлар албатта қуриб киришади, тоб ташлайди, ёрилиб кетади. Шу сабабли барча буюмлар қуритилиб намлиги 5—20 га келтирилган ёғочдан тайёрланади.



Ёғоч табиий шароитда ёки сунъий усуллар билан қуритилади.

Табиий шароитда (хавода) қуритиш учун тахталар махсус пойдеворлар устига тахлаб қўйилади (32—расм). Тахлаш пайтида тахталарнинг орасида очик жой колдирилади. Шундай қилинганда тахталарга шамол тегиб улар аста — секин қурийд. Тахталарнинг табиий қурилиши 10—60 кун давом этади. Ёғочнинг қуришини тезлатиш учун хар хил сунъий қуритиш усулларидан фойдаланилади. Масалан, камера ичида қуритишда тахталар тахланиб, қуритиш камерасининг ичига жойланади (33-расм) ва унга 30...90° С гача қиздирилган хаво юборилади. Бунда ёғоч 1- 10 суткада қурийд. қуритишнинг бошқа усуллари каторига вакуумда сунъий равишда қуритиш киради. Бунинг учун камера ичида паст босим ҳосил қилинади.

Ишлаб чиқаришда махсус электр куриткичлар ичюда юкори частотали ток билан куритиш усули кулланилади.

Бу усулларнинг хаммаси куритиш вақтини бир неча соатгача кискартиради, куритиш жараёнида ёгочнинг намлиги вақт вақтида махсус прибор намлик ўлчагич ёрдамида текшириб турилади. Камераларда куритиш режими махсус приборлар билан ростлаб (ўзгартириб) турилади.

Лаборатория шароитида ёгочнинг намлиги ундан олинган намунани курита бошлагунга қадар ва куритиб булгандан кейин тарозида тортиб куриш йули билан аниқланади. Ёгочнинг намлиги куйидаги формула билан хисоблаб аниқланади:

$$B = \frac{m_n - m_k}{m_k}$$

бу ерда: B - ёгочнинг намлиги, оF₀; T_n - ёгочнинг куритмасдан олдинги намлиги; m_k — курук ёгочнинг (куритгандан кейин) массаси.

Ёгоч намунасини куритишга кўп вақт кетади, шу сабабли мактаб устахонаси шароитида ёгочнинг намлиги курук ёгочнинг зичлигига қараб аниқланади. Ёгочнинг намлиги куйидаги формуладан аниқланади:

бу ерда: ρ - ёгочнинг зичлиги, г/см³; V - намунанинг ҳажми, см³, куйида айрим ёгоч турларнинг курук, колатдаги зичлигининг кийматлари келтирилган:

Қорақарагай	0,39
Қарагай, аргувон	0,43
Қайив, коракайкн	0,10
Тилогоч	0,56
Дуб	0,61

Формуладан ва ана шу маълумотлардан фойдаланиб, масалан, 25x40x X50 мм ўлчамли қайин брусокнинг намлигини хисоблаб топиш мумкин. Унинг

$$V=50000_{\text{мм}^3}=50\text{см}^3$$

ҳажмини аниқлаймиз:

Кейин намунани тарозида тортиб кўраимиз. Айтайлик намунанинг массаси 45 г чикди. У холда қайин брусокнинг зичлиги F_1 г/см³г

$$P_n = \frac{45}{50} = 0.9 \text{ га тенг бўлади.}$$

Ўруч ёғочнинг зичлиги маълум бўлса, ёғоч намунасининг намлигини $F\%F$ ушбу формуладан аниқлаш мумкин:

бу ерда: p_n —нам ёғоч намунасининг зичлиги; p_c — қуруқ ёғочнинг зичлиги.
Биз кўриб чиқаётган қайин брусоч учун

Лаборатория иши. «Ёғоч намунасининг намлигини аниқлаш»,

Материал ва асбоблар: 200 г гача огирликни ўлчашга мўлжалланган ўқув лаборатория тарозиси, майда кадок тошлар тўплами, икки уч хил ёғочдан олинган тўртбурчак шаклидаги намуналар, ўлчов чизиги,

Ишлаш тартиби:

1. Ишнинг номини ва уни бажариш учун зарур бўлган материал ҳамда асбоблар рўйхатини иш дафтариингизга ёзиб қўйинг.

2. Иш дафтариингизга ушбу жадвални ёзиб олинг.

Ёғоч намунасининг тури		
Намунанинг ҳажми		
Намунанинг массаси		
Нам намунасининг зичлиги		
Қуруқ намунасининг зичлиги		
Ёғочнинг намлиги		

3. Намуналардан бирини олиб, уни ўлчанг, ҳажминини ҳисоблаб топинг.

Олинган маълумотларни жадвалга ёзинг.

4. Лаборатория тарозисида намунани 1 г гача аниқлик билан тортиб кўринг. Олинган маълумотларни жадвалга ёзинг.

5. Намунасининг зичлигини аниқланг. Олинган натижани жадвалга ёзинг.

6. Намунасининг намлигини аниқланг. Олинган натижани жадвалга ёзинг.

7. Юқорида айтилган ўлчаш ва ҳисоблашларни бошқа ёғоч турлари учун кам такрорланг ва олинган маълумотларни жадвалга ёзинг.

8. Контрол саволларга жавоб беринг ва иш дафтариингизни текшириш учун ўқувчиңарга топшинг.

Тест тузишга оид назорат саволлар

1. Нима учун ёғочни қуритиш зарур?

2. Ёғоч турларининг афзалликлари ҳамда камчишшларини ак
3. г намлиги лаборатория шароитида, саноатда қандай аниқланади?
4. Ёғочнинг ҳажми, массаси, зичлиги ва намлиги қандай аниқланади?
5. Чизмада деталнинг кесмаси деб нимага айтилади

2. Амалий лаборатория ишлари: Асбоб-ускуна ва мосламаларни уларга тегишли техник-технологик курсаткичларга мувофиқ иш ҳолатига келтиринг ҳамда унинг таърифида шакллантириладиган билимлар ёки дурадгорлик дастгоҳининг тузилиши ва ундан фойдаланиш қодалари. Ўлчаш ва режалаш асбоблари Чизгичлар, буклама метр, қаламлар, хатқаш ва бошқалар. Арралар турлари. Дарахт, ёғоч, суяк, шох ва бошқа материалларни кесиш учун ишлагтиладиган арралар. Электр арралар турлари Пластинали ва дискли арралар ҳамда уларнинг ишлатилиши. Болгалар турлари. Пўлат, ёғоч ва пластик болгалар ва тўқмоқлар, исканалар турлари ва улардан фойдаланиш рандалар турлари ва уларни ишга тайёрлаш қодалари. Асбобларни сақлаш қодалари.

3 Лаборатория Амалий ишлари: Машинасозлик элементларини, ёғочга ишлов бериш станокларининг тузилишини, бу станокларда куч-ҳаракатнинг узатилишини, станокни ишга тайёрлаш бошқичларини ўрганиш унинг таърифида шакллантириладиган билимларни ёритинг. Ёғочга ишлов берадиган станоклар ва улар ҳақида тушунча. Машиналарнинг асосий қисмлари (двигатель, узатиш механизми, ишчи органи). Машиналарнинг асосий деталлари (валлар, ўқлар, дасталар, маҳкамлаш деталлари ва бошқалар). Винтли механизм: унинг тузилиши ва вазифаси. Детал-ларнинг конструктив элементлари (тешик, фаска, ўйик ва бошқалар). Ёғочга ишлов берадиган; токарлик станогли.

4. Лаборатория-Амалий ишлар: ёғоч ўймакорлиги ёки қутичилик ва шу каби касбларда қўлланиладиган асбоб-ускуналар ҳамда иш усулларини ўргатиш.

4.Мустақил иш: Халқ ҳунармандчилиги технологияси иш назарияси ҳолатини ёритишга шакллантириладиган билимлар: Ёғочга ишлов бериш соҳасидаги халқ ҳунармандчилиги касблари (ўймакор, бешикчи, кирмачи, сандикчи ва бошқалар). Ёғочга ишлов берувчи халқ ҳунармандларининг ҳозирги пайтдаги тутган ўрни ва мавқелари. Уларнинг замонавий ишлаб чиқаришдаги касблар билан ҳамкорлиги. Ёғочга ишлов бериш соҳасидаги камида учта узвий боғланган касблар технологиясини ўргатиш.

5-мустақил иш: Технологик хариталар тузишни ўрганинг. Устахоналарда, амалий машгулотларда тайёрлаш кўзда тутилган буюмлар ва маҳсулотларни тайёрлаш босқичларининг технологик жараёнларини рожалаштириш бўйича технологик карталар тузиш.

Лаборатория- Амалий машгулот: Турли касбларга тегишли жараёнларга доир технологик карталар тузиш машқлари.

6- Мустақил иш: Дизайн асослари назария ва амалий ҳолатини ўзлаштиринг. Дизайнерлик ишларидан амалий машқлар бажариш. Танланган бирор буюм, транспорт воситаси ёки содда меъморий композициянинг график тасвирини ва турли материаллардан ишланган макетини тайёрлаш.

7- Мустақил иш. Буюмларни лойиҳалаш ҳолатини ўзлаштиринг. Шакллантириладиган билимлар: Касбларга тегишли буюмлар ва маҳсулотларнинг эстетик ва иқтисодий жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш. Дизайнерлик ечимларни танлашда материалшунослик, технологик ишлов бериш усуллари ва иқтисодий масалаларни ҳисобга олиш.

Лаборатория амалий ишлари: Тикувчилик, гиламдўзлик, пазандачилик, қандолатчилик, дурадгорлик, қандакорлик, пичокчилик, темирчилик, пойабзаллар тайёрлаш, заргарлик ва бошқа соҳаларга тегишли буюмларни лойиҳалаш. Буюм ёки маҳсулотнинг дизайнерлик ечимини график усулида ва турли материаллардан макет шаклида тайёрлаш.

8-мустақил иш: Касблар соҳасидаги безатиш қоидаларини ўзлаштиринг Турли материаллардан тайёрланадиган буюмларни безашда нақшлардан фойдаланиш. Қандакорлик буюмларининг турлари, уларнинг номи, ишлатилиши, шакли, безаклари ва тайёрлаш усуллари.

Амалий ишлар: Безак элементларини кўчириш , ҳамда мустақил ижодий нақшлар тузиш.

13.2. Металл ва унга ишлов бериш технологияси йўналиши.

9-Мустақил иш: Материалшуносликни ўзлаштиринг

Шакллантириладиган билимлар: Турмушда ва ишлаб чиқаришда металдан ясалган буюмлар ва уларнинг аҳамияти. Қора металллар. Уларнинг турлари, таркиби, қўлланилиши. Рангли металллар. Уларнинг турлари, таркиби, қўлланилиши.

Лаборатория Амалий ишлар: 3—4 хил қора ва рангли металлларнинг турлари, хоссалари, сифатлари, шакллари, ўлчамлари. қўлланилиши ва ишлатилиши технологиялари бўйича маълумотлар тўплаш. Лаборатория ишлари.

10-Мустақил иш Асбоб-ускуналар, мосламалар ва улардан фойдаланишни ўзлаштиринг

Шакллантириладиган билимлар: Металга ишлов берадиган асбоб-ускуналар, мосламалар. Уларнинг тузилиши, вазифаси, қўллаш ва ишлатилиш технологиялари.

Лаборатория амалий ишлар: Металга ишлов беришда ишлатиладиган қўл асбобларини турларга ажратиш ва уларнинг ишга яроқлилигини аниқдаш.

Асбобларни ишга тайёрлаш ва улар билан ишлаш усулларини машқ қилиш.

11-мустақил иш: Станоклар ва улардан фойдаланишни ўзлаштиринг

Шакллантириладиган билимлар: Металга ишлов беришда қўлланиладиган станоклар. Уларнинг турлари, тавсифи, уларда бажариладиган ишлар, рию этиладиган техника хавфсизлиги.

Пармалаш станогини. Унинг турлари, тавсифи, умумий тузилиши ва ишлаш тамойили. Пармалаш станогини бошқариш, ундан унумли фойдаланиш технологиси ва асосий кўрсаткичлари. Винт қирқиш-токарлик станогини. Унинг турлари, тавсифи, умумий тузилиши, ишлаш тамойили. Винт қирқиш - токарлик станогинида бажариладиган ишлар. Уни бошқариш ва ундан унумли фойдаланиш технологиясига доир асосий кўрсаткичлар.

Металга ишлов бериш станоклари ва машинналарининг тузилиши ҳамда ишлаш қоидаларини умумий таълим фанларидан олинган билимлар билан уйғунлаштириш асослари.

Лаборатория амалий ишлар: Металга ишлов бериш станокларининг турлари ва асосий кўрсаткичлари: бажарадиган операциялари, қандай материаллар билан ишлашга мўлжаллангани, қирқувчи қисмларига бўлган техникавий талабларни, ишлаш тезлиги, қуввати ва бошқаларни аниқлаб жадвал тузиш.

12-мустақил иш: Маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштиринг.

Шакллантириладиган билимлар: Металларга ишлов бериш технологияси. Техника ва конструкциялаш элементлари. Юпқа тунука металдан буюмлар тайёрлаш технологияси.

Техник маълумотлар: Иш ўрни (махсус стол, ёки комбинациялаштирилган дастгоҳ)ни ташкил қилиш ва сақлаш коидалари. Меҳнат хавфсизлиги коидалари. Моддий ва меҳнат харажатларини тежаш. Ускуналарга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш. Дсталлар ва буюмлар конструктив ечимларининг вариантлари.

Заготовкларнинг шакл ва ўлчамларини аниқлаш. Ишлов беришда рационал қўйимни (допуск) ҳисоблаш. Материални тежаш. Заготовкани режалаш, кирқиш ва эгиш усуллари. Пармалаш станогида тешиқлар очиш (пармалаш) ва деталларни парчинлар билан бириктириш изчиллиги. Мосламалар воситасида парчинлаш усуллари. Метал буюмларни бадий безаш. Буюмларнинг сифатини текшириш.

Кўрсатиш воситалари: кинофильм, жадваллар, плакатлар ва бошқалар.

13-мустақил иш: Умумтаълим предметлари билан уйғунлаштириш асосларини ўзлаштириш

Чизмачилик. Юпка лист металдан тайёрланадиган деталлар.

Математика. 2—4-синфлар (тўрри бурчак, тўрри тўрт бурчак, квадрат, кўпбурчак ва айлана яшаш. Узунлик бирликлари).

Эҳтиёж ва имкониятларга қараб симдан буюмлар тайёрлаш ва уларнинг технологияси.

Техник маълумотлар. Сим билан ишлашда меҳнат хавфсизлиги коидалари.

Лаборатория амалий ишлар: Юпка тунука металдан тайёрланадиган (бир-икки элементли) деталнинг техник расми ва эскизини тузиш. Тайёрланадиган деталь чизмаси (технологик картаси)ни ўқиш ва уни тайёрлаш.

14- мустақил иш: Турли металлларга ишлов бериш жараёнлари билан уйғунлаштирилган ҳақ ҳунармандчилиги технологиясини ўрганиш.

Шакллантириладиган билимлар: Металларга ишлов бериш асосида ривожланган миллий ҳунармандчилик касблари. Уларнинг тарихий ривожланиш босқичлари. Металларга ишлов бериш асосида ҳунармандлар томонидан тайёрланган буюмларнинг асосий турлари. Ўзбекистонда бадий ҳунармандчиликнинг ривожланиши ахамияти.

Лаборатория амалий ишлар: Чилангарлик, заргарлик, пичокчилик касбларида кўлланиладиган асосий иш усулларини ўрганиш ва реферат тайёрлаш.

12.3. Газламага ишлов бериш технологияси йўпалиши.

15-мустақил иш. Материалшуносликни ўзлаштиринг.

Шакллаштириладиган билимлар: Газлама ва уни ишлаб чиқаришдаги техник-технологик жараёнлар. Газламанинг кимёвий, физикавий, техник-технологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда буюмлар конструкциясини ҳамда уларни тайёрлаш технологиясини аниқлаш.

Газламадан тайёрланадиган буюмлар моделлари ва уларнинг элементлари. Тикувчилик буюмларини конструкциялаш ва тайёрлаш технологияси. Махсус кийимларнинг вазифаси, турлари ва уларга бўлган эстетик талаблар.

Лаборатория амалий ишлар: Газламаларнинг турлари, хоссалари, хусусиятлари, қўлланиш ва ишлаб чиқариш технологияларига онд маълумотлар умумлаштирилган махсус жадвал ишлаб чиқиш. Табиий толадан тайёрланган газламалар хусусиятларини лаборатория усулида ўрганиш.

16-Мустақил иш: Асбоб-ускуналар, мосламалар ва улардан фойдаланишни ўзлаштиринг

Шакллаштириладиган билимлар: Газламага ишлов беришда қўлланиладиган асбоб-ускуналар. Уларнинг турлари, тузилиши, қўллаш коидалари ва техника хавфсизлиги. Ускуна ва асбобларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш. Тикувчилик буюмларини тайёрлашда (нам-иссиқлик ишлов беришда) қўлланиладиган асбоб-ускуналар. Уларнинг турлари, тузилиши, қўллаш коидалари.

Лаборатория- амалий ишлар: Иш ўрнини ташкил қилиш. Меҳнат хавфсизлиги ва санитария-гигиена коидаларини ўргатиш.

17-Мустақил иш: Станоклар, машиналар ва улардан фойдаланишни ўзлаштиринг.

Шакллаштириладиган билимлар: Қўл, оёқ ва электр қуввати орқали ишлатиладиган тикувчилик машиналари. Уларнинг техник-технологик тавсифи. Замонавий тикувчилик машиналари моделлари ва уларнинг техник-технологик тавсифлари. Тикувчилик машиналарининг тузилиши ва ишлаш тамойиллари.

Лаборатория-амалий мустақил ишлари: машиналарига тегишли умумий маълумотларни ўрганиб, жадвал тузиш. Тикув машинасининг асосий қисмлари тузилишини ҳамда уни бошқаришни ўргатиш,

18-Мустақил иш Махсулотлар ишлаб чиқариш технологиясини ўрганинг

Шакллантириладиган билимлар: Газламага ишлов бериш технологияси, конструкциялаш элементлари, буюмларни тайёрлаш ва тикув машинасида ишлаш.

Техник маълумотлар: Тикув машинасида қшлашда санитария-гигиена талаблари. Меҳнат хавфсизлиги қоидалари. Иш ўрнини ташкил қилиш. Унда ишлаш усуллари. Баҳя ва буклама (очик ва ёпик кесимли) чокларнинг вазифаси ҳамда ударни бажариш усуллари.

Кўрсатиш: «Тикув машинаси» жадвали. Машина чоклари (баҳя ва буклама)нинг намуналари.

19-Мустақил иш: Эҳтиёж ва имкониятларга қараб моделлаштириш элементи бўлган тикув буюмларини конструкциялаш. Уларни тайёрлаш технологиясини ўзлаштиринг

Техник маълумотлар. Санитария-гигиена талаблари ва меҳнат хавфсизлиги қоидалари. Иш ўрнини ташкил қилиш, уларда буюмлар тайёрлаш қоидалари.

Кўрсатиш Ўқув манекени. Буюмлар чизмалари андозалари ва намуналари «фартукии конструкциялаш» транспаранти.

Умумий ўрта таълим фанлари билан уйғунлаштириш:

Чизмачилик. Тикувчилик буюмлари чизмаларини тузиш.

Табиаатшунослик. 4-синф (скелет ва қомат. Мушаклар ва уларни мустаҳкамлаш).

Меҳнат таълими. 2- 4-синф. Газламага ишлов бериш.

Математика. 4-синф. Узуулик ўлчов бирликлари.

Лаборатория-амалий ишлар: Машинани ишга тайёрлаш ва ишлаш. Махсус кийим, тушги куйлак, ўқув ишлаб чиқариш ва уй-рўзгор ишларини бажариш учун фартук, бош кийим (кийик рўмол ва шу кабиларни) бичиш ва тикиш.

20-Мустақил иш: Халқ ҳунармандчилиги асосларини ўрганинг

Шакллантириладиган билимлар: Газламага ишлов беришга хос халқ ҳунармандчилиги касблари (каштачилик, зардўзлик, поппончилик ва бошқалар).

Халқ каштачилигининг ўзига хос хусусиятлари. Каштачиликнинг турли вилоятлардаги мустақил ривожланаётган мактаблари. Каштачилик асосида ишлаб чиқарилаётган буюмлар.

Лаборатория-амалий ишлар: Каштачилик ва зардўзлик касбларига хос буюмлар технологиясини ишлаб чиқиш ва уларни амалий ҳолатда тайёрлаш. Халқ ҳунармандчилиги касблари тўғрисидаги кинофильмларни намойиш этиш.

13.4. Пазандалик асослари йўналиши.

21-Мустақил иш: Пазандалик маҳсулотларини ўлаштириш.
Шакллантириладиган билимлар: Пазандачилик ва унинг тараққиёти. Миллий пазандачиликнинг ривожланиши, ҳудудий хусусиятларга мувофиқ шаклланиши. Ўзбек халқининг миллий таомлари ва уларда ишлатиладиган маҳсулотлар. Инсоннинг овқатланишида сабзавотлар, сут, макарон, гўшт, балиқ ва бошқа маҳсулотларнинг аҳамияти.

Лаборатория-амалий ишлар: Яхна овқатлардан бирига керакли маҳсулотлар рўйхатини ва уларнинг 6 кишига мўлжаллаб сарфланадиган миқдорини ҳисоблаш.

22-Мустақил иш: Асбоб-ускуналарга мосламалар ва улардан фойдаланиш
Шакллантириладиган билимлар: Пазанда-чиликда ишлатиладиган асбоб-ускуналар ва мосламаларнинг турлари, уларни ишлатиш қоидалари.

Лаборатория- амалий ишлар: Пазандачиликда ишлатиладиган асбоб-ускуналар ва мосламалар ҳақидаги асосий маълумотлар тўғрисида жадвал тузиш ҳамда улардан тўғри фойдаланиш қоидаларини ўргатиш.

23-Мустақил иш: Пазандачиликда ишлатиладиган технологик жиҳозлар ва улардан фойдаланишни ўрганнинг.

Шакллантириладиган билимлар: Газ плитасининг тузилиши ва ундан хавфсиз фойдаланиш қоидалари. Электр плиталардан фойдаланишда хавфсизлик қоидалари. Сув қайнатиш қурилмалари: уларни ишлатиш ва хавфсизлик қоидалари.

Лаборатория- амалий ишлар: Газ ва электр плиталари ҳамда сув қайнатиш қурилмаларини тўғри ишлатишни ўргатиш.

24-Мустақил иш: Маҳсулотлар тайёрлаш технологияси

Шакллантириладиган билимлар: Пазандачилик ишлари технологияси. Таомлар тайёрлаш, уларнинг асосий рўйхати. Сабзавотлардан винегрет ва бошқа салатлар тайёрлаш технологияси. Ошпазлик ва официантлик касблари билан таништириш. Овқатларга бўлган стандартлар талаблари.

Кўрсатиш: «Озик-овқат маҳсулотлари билан ишлаш» жадваллари. «Пазандачилик таомларини безаш», «Дастурхон безаш» диафильмлари.

Умумтаълим фанлари билан уйрунлаштириш.

Табиатшунослик.

4-синф. Овқатланиш гигиенаси

Лаборатория амалий ишлар: Сабзавотлардан таом тайёрлаш. Уларнинг пишганлигини аниқлаш. Тайёр таомни безаш. Дастурхон тузаш. Тайёрланган таомни тортиш, уларнинг сифатини аниқлаш ва йўл қўйилган камчиликларни таҳлил қилиш. Идиш-товокларни ювиш.

Таомлар рўйхати: Карам ва бодрингни нимтатир қилиб тузлаш технологияси.

Техник маълумотлар: Санитария-гигиена талаблари ва меҳнат хавфсизлиги қоидалари. Иш ўрнини ташкил қилиш ва ишлаш қоидалари.

Кўрсатиш: «Озиқ-овкат маҳсулотлари борган ишлаш жадваллари».

Лаборатория- амалий ишлар: Иш режасини тузиш, сабзавотларни тузлаш учун идишларни тайёрлаш. Сабзавотларни тайёрлаш ва жойлаш. Намоқоб тайёрлаш ва қўйиш.

Экскурсия. Пазандачилик ва кандолатчилик корхоналари, ошхоналарда ишчилар меҳнатининг мазмуни ва иш ўрнининг ташкил этилиши, маҳаллий корхоналардаги ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш, компьютерлаштириш элементлари билан таништириш.

25-Мустақил иш: Пазандачилик асослари

Шакллантириладиган билимлар: Миллий пазандачиликнинг хусусиятлари. Миллий таомлар тайёрланадиган маҳсулотлар турлари ва уларнинг гавсифи.

Лаборатория- амалий ишлар: Миллий таомлар тайёрлашни ўргатиш. Хамирдан пишириқлар тайёрлаш машқлари. Ўрганилган билим ва иш усуллари хақида реферат тайёрлаш.

13.5. Қишлоқ хўжалик асослари йўналиши.

Шакллантириладиган билимлар: Маҳаллий ҳудудда етиштириладиган экинлар ва уларнинг турлари. Экин навлари ва уларнинг ҳосилдорлиги, уруғчилик ва кўчат тайёрлаш асослари. Уруғларнинг сифатини аниқлаш усуллари. Экилган уларнинг уиб чиқиш тезлиги ва унга таъсир этувчи омиллар. Турли экинларни парвариш қилиш қоидалари.

Лаборатория-амалий ишлар: Маҳаллий қишлоқ хўжалик экинлари рўйхатини тузиш. Уларнинг уруғ ва кўчатларини тайёрлаш, экиш ва парвариш қилиш қоидаларини ўргатиш. Тупроққа ишлов бериш ва ўғитлаш технологияси. Ер кадастри ва унинг моҳияти, аҳамияти. Фермерлик ҳаракати ва унинг истикболи.

26-Мустақил иш: Қишлоқ хўжалиги техникаси ва ундан фойдаланиш

Шакллантириладиган билимлар: Техник маълумотлар. Тупроққа ишлов бериш, ўғит солиш уруғ экиш, кўчат экиш, ўсимликларни парвариш қилиш ва хосилини йўналтиришда фойдаланиладиган қишлоқ хўжалик машиналари ва ускуналари. Уларнинг асосий қисмлари ва ишлаш жараёнлари.

Лаборатория амалий ишлар: Тупроққа ишлов берадиган, ўғит соладиган, уруғ экадиган, кўчат ўтказадиган, ўсимликларни парвариш қилиш механизмлари ва мосламалари.

Экскурсияда Машина саройида қишлоқ хўжалик техникасини таъмирлаш устахонасида, далада қишлоқ хўжалик машиналарининг умумий тузилиши ва ишлаш жараёнини ўрганинг.

27-Мустақил иш: Қишлоқ хўжалиги машиналари

Шакллантириладиган билимлар: Қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган ерга ишлов берувчи машиналарнинг турлари ва асосий қисмлари.

Лаборатория- амалий ишлар: Ерга ишлов берувчи машиналарнинг ишчи қисмларини созлаш қодаларини ўрганиш.

28-Мустақил иш: Чорвачилик асосларини ўрганинг

Шакллантириладиган билимлар: Чорвачиликка доир бошланғич маълумотлар.

Лаборатория амалий мустақил ишлар; Хайвонларни боқиш ва уларни парвариш қилиш, уларни сугориш. Паррандачилик фермаларида донхўрақларни, катакларни тозалаш ва бошқалар.

Экскурсияда Чорвачилик, паррандачилик, қуёпчилик фермаларидаги иш жараёнлари билан танишиш.

29-Мустақил иш: Бадий меҳнат технологиясини ўрганинг

Олдий объектларни конструкциялаш ва моделлаштириш.

30-Мустақил иш: Халқ ҳунармандчилиги турларини ўрганинг

Халқ ҳунармандчилиги соҳаларига тегишли маҳсулотларнинг бадий-эстетик хусусиятларини таҳлил қилиш.

Лаборатория амалий ишлар: Қуйидаги йўналишлардан бири бўйича мустақил ижодий машқлар бажариш: дуралгорлик—бешик, сандик ва бошқалар: каштачилик—сочик, белбоғ, рўмолча, дўппи ва бошқалар; наққошлик—бирор буюмни нақш билан безаш; сартарошлик, пичокчилик—пичокнинг умумий шаклипи, бандили, қиيينи безаш; лазаңдалик—гаомларни чиройли кўринишларда тайёрлаш.

31-Мустақил иш: Дизайн асослари ва буюмларни лойиҳалашни ўрганиш

Турли кийимларнинг ўзига хос вазифаларини ҳисобга олган ҳолда ўқиш, дам олиш, саёхатлар, байрамлар, меҳмондорчилик ҳамда турли соҳалардаги меҳнат фаолияти учун иш кийимлари: миллий ва эртак қаҳрамонлари кийимлари ҳақида кўргазмали воситалар асосида умумий тушунчалар бериш. Бир неча турдаги кийимларнинг эскизларини чизиш ва уларни тайёрлаш.

25-Мустақил иш: Наққошлик асосларини ўрганиш

Шакллантириладиган билимлар: Буюмларни безатиш учун нақшлардан фойдаланиш усуллари.

Лаборатория амалий ишлар: Кийимлар намуналари ёки тасвирлари асосида уларнинг безак элементларини тузиш. Кийимлардаги нақш элементларини кўчириш, мустақил ижодий нақшлар бажариш. Замонавий кийимлар ва уларнинг безаклари.

32-Мустақил иш: Касблар соҳасидаги безатиш қоядаларини ўрганиш

Турли материаллардан тайёрланадиган буюмларни безашда нақшлардан фойдаланиш. Кандакорлик буюмларининг турлари, уларнинг номи, ишлатилиши, шакли, безаклари ва тайёрлаш усуллари.

Лаборатория амалий ишлар: Безак элементларини кўчириш ҳамда мустақил ижодий нақшлар тузиш.

33-Мустақил иш: Машина элементларини ўрганиш

Машина деталларининг тайёрланиши ва ишлатилиши.

Шакллантириладиган билимлар: Машина деталларининг турлари. Бир хил деталларнинг турли машина ва механизмларда қўлланилиши. Замонавий машина, механизм ва деталларни тайёрлашда қўлланиладиган материаллар.

Лаборатория амалий ишлар: Турли механизмлардан деталларни ажратиш, уларнинг конструкториясини ўрганиш, хусусиятларини белгилаб олиш, габарит ўлчамларини аниқлаш, эскизларини чизиш, қайта йиғиш. Реферат тайёрлаш.

34-Мустақил иш: Резбали бирикма турлари ва улардан фойдаланиш асосларини ўрганиш

Шакллантириладиган билимлар: Резбали бирикмаларнинг асосий турлари ва уларнинг тавсифи ҳамда қўлланилиши.

Лаборатория амалий ишлар: Резбали бирикмаларнинг турлари, бажарадиган вазифаларининг давлат стандартларини расмий меъёрий манбалар асосида ўрганиш.

Покали, шпонкали ва шлицали бирикмалардан фойдаланиш асосларини ўрганиш

Шакллантириладиган билимлар: Босимли, понали, шпонкали ва шлицали бирикмаларнинг вазифаси, тузилиши, ишлатилиши. Поналж ва шлицали бирикмаларга таъсир этувчи кучлар ва уларни ҳисоблаш методикаси.

Амалий ишлар: Пона, шпонка, штифт ва шлицали бирикмаларнинг 1-2 хили конструкцияларини ва ишлаш жараёнини ўрганиш.

35-Мустақил иш: Деталларнинг ажралмас бирикмалари ва улардан фойдаланиш асосларини ўрганиш

Шакллантириладиган билимлар: Деталларнинг ажралмас бирикмалари турлариг конструкциялари ва улар тайёрланадиган материаллар. Парчинлаш, пайвандлаш, пресслаш ва бошқа ажралмас бирикмаларда таъсир этувчи кучлар, уларни ҳисоблаш методикаси.

Лаборатория амалий ишлар: Парчинлаш, пайвандлаш, деталларни куч билан босиб бириктириш ва бошқа ажралмас бирикмаларнинг намуналари ўрганиш ва аниқланган маълумотлар асосида реферат тайёрлаш.

Шундай технологиялар асосида 6,7,8 ва 9 синфлар бўйича материалларни ўзлаштиринг. Фақат 8-9 синфдаги материалларда 5-синфда танлаб олинган йўналишда ишлаб чиқариш соҳани ҳамда шу соҳадаги касблар мисолида маълумотларни тўплаб ўрганинг.

Эслатмалар. 1. Торец қиркишда 16 мм гача булган қиркиш чуқурлигини мустақил ўлчаг. 2, 3, 4, 6, 7, параграфларни мустақил равишда тўлдириг.

Аввал айтиб ўтилган мавзу мустақил ўрганишга ўтувчи ўқувчилар сопи мактаб устахоналаридаги мавжуд жиҳозларга қараб аниқланади. Масалан, VII синфда техник меҳнатга жами 70 соат ажратилади. Машгулотларнинг бир қисми фронтал тарзда ўтказилиши керак. Булар «қиркиш машгулоти» (1 соат), экскурсия (4 соат), «График жиҳатдан саводлилик элементлари» темаси (2 соат), «Ўқув қўлланмалари ва приборларини конструкциялаш ва тайёрлаш» темаси бўйича буюмни конструкциялаш ва уни тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш (3 соат). Фронтал ўқитишга жами 10 соат ажратилади. Демак графикка кўра ўқувчилар 60 соат ишлашлари лозим. Шундай қилиб, битта муфелли печда 20 нафар ўқувчи (60:3 қ 20), битта токарлик — винт қиркиш станогиди, шунингдек ёғочга ишлов берувчи битта токарлик станогиди 10 киши (60:6к10) ўртанши мумкин. Равшанки, устахонада ёғочга ишлов берувчи

токарлик станогид ва металлга ишлов берувчи токарлик станогидан камида иккитадан бўлиши керак. Токарлик станоклари узлуксиз ишлатилиб турилиши лозим. Шу сабабли станокда ишлаши керак бўлган бирор ўқувчи шу куни келмай қолса, унинг ўрнига бошқа ўқувчини қўйиш даркор. Бироқ, бу ҳолатда битта станокда қўпи билан 10 киши ўрганишимумкин. Шунинг учун агар группада 20 дан ортиқ ўқувчи бўлиб, станоклар эса иккита бўлса, станокка бир йўла икки ўқувчини қўйиш керак. Бундай ҳолда ўқувчиларнинг ҳар бир жуфти ҳар бир ўқувчига тегишли топшириқни кўзда тутувчи инструкция бўйича ишлайди.

Бундай инструкцияларга мисоллар билан М. Р. Шчукин, Г. И. Яшин, Л. А. Зингерларнинг «Сборник упражнений по производственному обучению токарей универсалов» китоби (М.г «Высшая школа» 1964) орқали танишиш мумкин.

Дарснинг режа матнини тузишда дарсга нисбатан қўйиладиган дидактик талаблардан келиб чиқиш керак. Унда тизимни ишлаб чиқишда кўтарилган барча масалалар акс эттирилган бўлиши лозим.

Дарснинг режа матнига ўқувчилар тайёрлайдиган буюмнинг технологик харитаси, буюм ва унинг заготовканинг чизмаси, шунингдек ҳар қайси операциядан сўнг заготовка оладиган шаклнинг эскизи илова қилинади. Ушбу операцияда ишланадиган юзларни йўгон чизик ёки рангли каламлар билан кўрсатиш лозим. Буюмнинг мураккаблигига қараб чизмалар раҳбар билан келишилган ҳолда тушунтириш хатига технологик харитадан алоҳида ҳолда илова қилиниши мумкин.

Дарснинг режа матнига лаборатория ишининг муаллифи тайёрлаган кўргазмали қўлланма ёки мослама ҳам ўқув жараёнини бойитиш учун илова қилинади.

Қуйидаги дарснинг режа матни ҳамда мосламанинг муаллифи тузган операция харита ва чизма мисол тарикасида келтирилади (1 — расм).


Ўқувчилар ишни ташкил қилишнинг фронтал шакли вазвад дарснинг режа матнига (VI синф).

Мавзу. Лист металлнинг олниниши. 3 мм гача қалинликдаги лист металлдан буюмлар лойihalаш ва тайёрлаш.

Мақсад. Лист металл билан ишлаш юзасидан бошланғич ўқувларни синғдириш. Материалдан тежамли фойдаланиш ҳиссини тарбиялаш, техник тафаккурни ривожлантириш.

Ускуна ва материаллар. Режалаш циркуллари, чизгичлар, слесарлик болгалари, кернсерлар, ясен ва думалок эговлар.

Мехнат объект. Стендлар осиб қўйиладиган илгаклар. Дарснинг бориши. I. Ташкилий қисм, Ўқувчилар давомати ва улар жомакорининг аҳволини текшириш. 2. Ўтилган материални қуйидаги



1-расм.

саволлар ёрдамида такрорлаш:

Эскиз деб нимага айтилади?

Эскизни ишлаш қоидалари нималардан иборат?

Чизмада деталнинг қирқими деб нимага айтилади?

Мавзу 7 синфда ўрганилади. Бунда энг кийини ўқувчилар ишининг тўғри ташкил қилинишини таъминлашдир, чунки программада фронтал тарзда ўрганиб бўлмайдиган бир қанча темалар назарда тутилган.

Мавзунинг ўқув предметидаги ўрни. Ўқувчилар токарлик станогиди ишлар эканлар, металлларга ишлов беришининг яна бир усули билан танишадилар. Бу усулни улар V синфдан ўргана бошлайдилар. Шунинг учун «Токарлик -винт қирқиш станогиди ишлаш» темаси мактаб устахоналарида бир неча йил давомида олиб бориладиган ўқув ишининг мантқиқий давоми ҳисобланади.

Токарлик станогида ишлаш ўқувчиларнинг ҳозирги замон ишлаб чиқариши асослари билан танишишлари учун катта аҳамиятга эга. Темани ўрганиш жараёнида ўқувчилар машина меҳнатининг қўл меҳнатидан афзаллигини ўз кўзлари билан кўриб ишонч ҳосил қиладилар. Улар машина меҳнати унумлироқ, аниқроқ ва нам меҳнатроқ экан, деган хулосага келадилар. Токарлик станокларида ишлаш ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади. Темани ўрганиш юқори активликда ўтади.

«Токарлик –винт қирқиш станогида ишлаш» темаси машинашуносликдаги «деталь», «механизм», «машина» каби муҳим тушунчаларнинг шаклланишига олиб келувчи материални ўз ичига олади.

Маъзу мазмунини методик таҳлили. Ўқувчилар темани ўрганаётганларида устахоналардаги конкрет токарлик станогини билан танишадилар ва унда ишлайдилар. Одатда, бу столга ўрнатиладиган токарлик станогини бўлиб, у конструкцияси ва ишлатилишининг оддийлиги билан ажралиб туради.

Методик вазифа шу оддий станок асосида ўқувчиларни металлларга ишлов беришнинг моҳияти ва бунда фойдаланиладиган ускуна ҳамда қирқувчи асбобларнинг ишлаш принципи билан таништиришдан иборат. Назарда тутилган мақсадга яхшироқ эришишда ушбу темада урганиладиган ҳамма нарса умуман токарлик станогида ишлов бериш учун тиник характерли нарса деб қаралади.

Станокнинг умумий тузилиши билан танишиш ундаги асосий ҳаракатларни ўрганишдаи бошланади, чунки станок алоҳида қисмларининг ўзаро боғлиқлигини ва уларнинг вазифасини айнан кинематика нуктаи назаридан тушуниб олиш осон бўлади.

Асосий ҳаракат ва суриш ҳаракати туғрисида гапирилгандан сўнг заготовкани маҳкамлаш ва унга асбобни яқинлаштириш учун фойдаланила-диган ёрдамчи ҳаракатлар ҳам намойиш қилинади. Бунда ёғочга ишлов берадиган пармалаш ва токарлик станоклари ҳам маълум ҳаракатларга эга эканлигини ўқувчиларга эслатиб ўтиш, кейин уларнинг ҳаракатларини тақ қослаш ўринлидир.

Шундан сўнг токарлик станогини асосий қисмларининг вазифаси ҳақида гапириб берилади. Тушунтиришни станокнинг қолган бошқа қисмлари жонлаштириладиган станинадан бошлаш кейин олд бабка ва тезлик қутисига ўтиш керак. Шпинделнинг вазифасини тушунтираётганда нима учун унда тешик қилинганини ўқувчиларга мустақил англашни тақлиф этиш мумкин.

Кейинги бабканинг вазифаси тўғрисида гапириб бераётганда унинг қандай ишлашини намойиш қилиш даркор. Бунда унга аввал бирор асбоб, масалан, парма кейин кейинги марказ маҳкамлаб қўйилади. Фартукнинг вазифасини тушунтираётганда уни суриш винтидан ва суриш валигидан механик узатишга улани лозим. Агар станокда узатишлар қутиси бўлса, суппортни механик тарзда узатиш қатталигини ўзгартирган ҳолда узатишлар қутисини намойиш қилиш зарур.

Станок асосий қисмларининг вазифаси тўғрисида гапириб бўлгач, уни ташкил этувчи алоҳида деталларни таърифлашга утиш мумкин. Энг аввал устида ёки ичида бошқа деталлар жойлашадиган корпус деталлар (станина, олд ва кетпниги бабкалар корпуслари, фартук) га таъриф берилади.

Токарлик станогини ташкил этувчи асосий деталларни таърифлаётганда валлар билан улар орасидаги фарқ устида тўхтаб утиш керак чунки уларнинг ташқи кўриниши бир —бирига мутлақо ўхшамаслиги мумкин, ўқлар деталларни фақат тутиб туришини, валлар эса деталларни тутиб туриш билан бир вақтда буровчи момент узатишини ўқувчилар қатъий ўзлаштириб олишлари зарур. Мисол тариқасида тезликлар қутиси ва узаткилар қутисининг валларини гитаранинг тишли гилдираклари ўқларини ва коказоларни айтиш мумкин.

Ўқувчиларни ишқаланувчи думалаш ва ишқаланувчи сирпаниш подшпниклари билан кам таништириш керак.

Шундан сунг тишли гилдираклар вазифасини тушунтиришга ўтилади. Токарлик станокларида кўпинча цилиндрик ва конуссимон тишли гилдираклар кўлланилади, уларнинг тишлари тўғри ёки қия бўлади.

Токарлик станокларида ҳаракат электр двигателдан тезликлар қутисига кўпинча бевосита эмас, балки тасмали узатма орқали узатилади, шу сабабли ўқувчиларни шкивларнинг конструкцияси ва вазифаси билан ҳам таништириш лозим.

Бунда замонавий металл қирқиш станокларида ясен тасмали узатма-лар понасимон тасмали узатмалар билан алмаштирилганини, чунки понасимон тасмали узатмалар қатта кучларни узатишларини ўқувчиларга айтиш лозим.

Шундан кейин токарлик станоклари деталлари бирикмаларининг турлари (шликли, резъбали, шпонкали ва хоказо) тўғрисида гапириб бериш, уларни бир — бирига таққослаш ҳамда камчиликлари ва афзалликларини тушинтириш даркор:

Токарлик станогининг деталларини ва деталларнинг бирикмаларини классификация қилаётганда уларни аслидан ва расмидан кўрсатиш лозим. Ўқувчиларни токарлик станокларида қўлланиладиган оддий муфтлар (оддий ва сақлаш муфтлари) билан ҳам таништириш керак.

Токарлик станогининг қисмларининг тузилишини ўрганишга ҳам вақт ажратилганини ҳисобга олиб узатишлар қутиси ўз конструкцияси жиҳатидан тезликлар қутисига ўхшаш булгани сабабли ўқувчиларни фақат тезликлар, қутиси ва кетинги бабканинг тузилиши билан таништириш кифоя.

Ўқувчиларни «мослама» тушунчаси билан таништириш ва уч кулачокли ўзи марказланадиган патрон, хомутчалар, марказларнинг тузилиши ва ишлаш принципини намоиш қилиш лозим.

Уч кулачокли ўзи марказланадиган патроннинг тузилишини ўрганишда уни қисмларга ажратиб, кулачоклар ҳаракатланадиган (силжийдиган) спиралсимон ариқчани кўрсатиш ва патрон нима учун ўзи марказланадиган патрон деб аталишини тушунтириш керак. Иложи борича сақловчи тусири булган поволокли патронни кўрсатган маъқул, агар бундай тўсиқ бўлмаса, унинг вазифаси жадвалдан тушунтирилади.

Токарлик кескичларини ўрганишга ўтилганда улар металлларга токарлик станокларида ишлов бериш учун фойдаланиладиган асбоблар ичида энг оддийси эканлиги таъкидлаб ўтилади. Шундан сўнг, токарлик кескичларига классификация берилади.

Токарлик кескичлари мсталл қирқиш асбобларининг катта группасини ташкил этиб ҳар хил аломатларига кўра турларга бўлинади. Кескичларнинг уч хил аломатига: конструкцияси, қирқувчи қисмининг материали, вазифасига кўра (утувчи, кесувчи, кесиб туширувчи, йўниб кенгайтирувчи ва ҳақозо кескичлар) классификация устида тўхтаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Ўтувчи токарлик кескичи билан таништиришни унинг айрим элементларини ўрганишдан бошлаш керак бундан олдин эса «ишлов бериладиган ва ишлов бериб булинган юзалар» ҳамда қирқиш юзаси» тушунчаларини тушунтириш даркор.

Ўқитувчи, токарлик кескичининг қирқувчи қисми пона шаклида бўлиши ўқувчиларга улар юзани биринчи марта учратишаётганликларини айтиш керак. Слесарлик асбоблари (зубило, эгов, арра ва ҳоказо) нинг қирқувчи қисми ҳам худди

шундай конструкцияга эга. Бирок, ўтувчи токарлик кескичида понанинг шакли унинг иши билан боғлиқ булган ўзига хос хусусиятларга эга.

Буни исбот қилиш учун ўқувчиларга ўтувчи токарлик кескичининг ишлаш шароитини слесарлик зубилосининг ишлаш шароити билан тақ қослашнн таклиф этиш керак.

Кескичининг элементлари ўтувчи кескичининг катта қилиб ясалган моделдан ёки жадвалдан намойиш қилинади.

Ўқувчилар, ўтувчи кескичдан ташқари, программага мувофиқ кейинчалик узлари ишлатадиган кесувчи ва кесиб туширувчи кескичлар билан ҳам танишадилар.

Ўтувчи, кесувчи ва кесиб туширувчи кескичларни таққослаб, уларнинг каллаги конструкциясидаги фарқ сабабларини тушунтириш лозим.

Станокда машқ қилишга киришишдан олдин иш ўрнининг ташкил қилиниши билан танишиб чиқилади ва заготовка ҳамда асбобни маҳкамлаш қодалари ўрганилади. Бунда заготовка пухта маҳкамлаб қўйилиши, унинг патрондан чиқиб туриши эса талаб этилганидан ошиб кетмаслиги лозимлиги таъкидлаб ўтилади.

Ўтувчи токарлик кескичини маҳкамлаш приёмларини кўрсатаётганда унинг учи кетинги бабкага маҳкамланган марказ учининг туғрисида туриши кераклигига ўқувчиларнинг диққатини қаратиш лозим. Кескичининг кескич туткичидан чиқиб туриши каллагининг баландлигидан 1,5—2 мартадан катта бўлмаслиги керак. Кескич тагига иккитадан ортиқ таглик қўймаслик уни камида иккита болт билан маҳкамлаш, заготовка ўқига нисбатан перпендикуляр жойлаштириш зарур.

Кесувчи кескичининг ўрнатилиши узига хос хусусиятларга эга бўлиб, ўқувчиларни улар билан таништириш керак. Диаметри 15 мм дан ошмайдиган заготовкани кесишда кескичининг асосий қирқувчи қирраси заготовка ўқига нисбатан перпендикуляр тарзда жойлаштирилиши керак, агар заготовканинг диаметри 15 мм дан катта бўлса, кескич шундай ўрнатилши лозимкиг торек билан асосий қирқувчи 1 қирра орасидаги бурчак 3—5° ни ташкил этадиган бўлсин.

Токарлик станогида ишлаш приёмларини намойиш қилаётганда меҳнат ҳаракатларини аниқ бажариш учун мўлжал танлаш катта аҳамиятга эга. Масалан, ташки цилиндрик юзалар йўнишда қириндининг қиялигини, йўнилаётган юзанинг гадирбударлигини, бир текис шовқинни ва шу кабиларни мўлжал қилиб олиш мумкин.

Кескични қўлда суриш приёмларини тушунтираётганда шу нарсани назарда тутиш керакки, уларни ўзлаштириб олиш маълум кийинчиликлар билан боғлиқ. Кескични берилган кесиш чуқурлигига ўрнатиш вақтида лимбинг нолинчи бўлинмасини винтнинг кўзгалмас втулкасидаги чизикча тўғрисиغا келтириш кераклигини, кескични деталь диаметрига қолдирилган қуйимнинг ярмига тенг масофага зарур йўналишда силжитиш лозимлигини ўқувчилар кўпинча эсдан чиқариб қўйишади. Шу сабабли приёмки тушунтириб бергач, уни 2—3 ўқувчига такрорлатиш мақсадга мувофиқдир.

Ўқувчилар кескични қўлда суриш билан танишиб олганларидан сўнг унинг автоматик сурилишини намойиш қилиш мумкин.

Кейин ўқувчилар машқлар бажаришга ўтишади. Ўқувчилар машқларни бажара бошлашларидан олдин улар бўйлама суриш лимбининг тузилишини қандай тушунганликларини, заготовка ва кескични пухта мақкамлаганликларни текшириш керак.

«Токарлик — винт қирқиш станокларида ишлаш» темасининг мазмуни ўқувчиларнинг аклий ривожланиш даражасига ҳам, жисмоний ривожланиш даражасига ҳам мос келади. Шунга қарамасдан, темани ўқув программасининг бошқа темалари билан солиштириб, унинг бошқа кўпгина темалардан мураккаброк, эканлигини англаш мумкин. Бу мураккаблик ўқув жараёнини ташкил қилиш ва ўқувчиларнинг хавф хатарсиз ишлашини таъминлашга тааллуқлидир. Бу ҳақда кейинроқ айтилади.

Ўқувчилар учун иш объектларини танлаш. Программада ўқувчиларни ташки цилиндрик юзалар кесиш, йўниш, кесиш олиш операциялари билан таништириш кўзда тутилади. Бу операциялар тобора кенг қўлланилмоқда. Шу операциялар ёрдамида унча мураккаб бўлмаган деталлар ясаш мумкин.

Ҳар бир ўқувчи иккитадан деталь: силлик бикр валик (ўқув детали) ва циркуль учун шарнир тайёрлаш юзасидан топширик олади (шарирининг тайёрланиш технологияси дарснинг планконспектида келтирилади).

Бу деталлар анча оддий бўлиб, программанинг мазмунига мос келади.

Ўқув ишининг форма ва методлари. «Токарлик —винт қирқиш станокларида ишлаш» темасини ўрганишда ўқувчилар ишини ташкил этиш формаси катта аҳамият касб этади.

Гап шундаки, VII синфда ўқувчилар ишини ташкил қилишнинг фронтал формасида урганиб булмайдиган қатор ўқув темалари (машинашунослик элементлари, ёғочга ишлов берувчи токарлик станокларида ишлаш, ёғочни қуритиш, углеродли пўлатга термик ишлов бериш) кўзда тутилади. Чунки ушбу темалардан) қар бирини ўрганиш учун махсус ускуналар керак бўлади, улар эса мактаб устахоналарида чекланган миқдорда бўлади. Чунинчи, устахонада, одатда, ёғочга ишлов берувчи 2—3 та токарлик станогли, металлга ишлов берувчи 2—3 та токарлик станогли. 1—2 та муфелли печь бўлади,

Шу муносабат билан VII синфда ўқитишни бошқача ташкил қилишга тўғри келади.

VII синфда кириш машғулотида «Ўқув қўлланмалари ва приборларини конструкциялаш ва тайёрлаш» темасига доир буюм конструкциясини ишлаб чиқиш бошланади. Иккинчи дарсда график жиҳатдан саводлилиқ элементлари ўрганилади. Бунда материал ўқувчилар аввалги дарсда конструкциялай (бошлаган буюм деталлари мисолида берилади. Буюмни конструкциялаш ва уни тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш кейинги дарсда ниҳоясига етказилади. Шундан сўнг, ўқувчилар ўқитувчи тузган график бўйича ишлайдилар. Графикда ўқувчиларнинг «Машинасозлик элементлари» «Токарликвинт қирқиш станокларида ишлаш», «Ёғочни қуритиш», «Углеродли пўлатга термик ишлов бериш» темаларининг бир қисмини муфассал карточка

топшириқлар ва инструкциялар бўйича мустақил ишлари кўзда тутилиши зарур. Қуйида мисол тариқасида станокда ишлаш юзасидан инструкция, карта топшириқ ва операцион карта келтирилади. қуйида мисол тариқасида темалардан биттаси юзасидан инструкция келтирилади. План конспектга карта топшириқларнинг намуналари илова қилинади. Инструкциялар ва технологик карталарининг айрим намуналари илгари келтирилган эди.

«ТОКАРЛИК СТАНОГИНИНГ БОШҚАРИЛИШИ БИЛАН ТАНИШИШ» ИШИ ЮЗАСИДАН ИНСТРУКЦИЯ

I. Хавфсизлик техникаси қондалари.

Иш бошланишидан олдин:

1. Кийимнинг ҳамма тугмалари солинганини, кийимнинг осилнб қолган қисмлари йўқлигини (акс қолда станокларнинг айланиб турган қисмлари

уларни илаштириб кетиши мумкин), сочининг бош кийими остига яхшилаб киритиб қўйилганини текшириш лозим.

2. Бошқариш кнопоклари ва дасталарининг жойлашуви ҳамда уларнинг вазифаси билан танишиб чиқиш керак.

3. Барча боикариқ органларининг узиб қўйилганлиги ёки нейтрал ҳолатдалигини текшириш лозим.

Иш вақтида қуйидагилар мумкин эмас.

1) станокка суяниш.

2) ишлаб турган тасмани алмашлаб улаш.

3) ишлаб турган тезлик ва узатиш қутилариня алмашлаб улаш.

4) станокни назоратсиз қолдириш.

5) станок тўхтатилгандан кейин патронни қўл билан тўхтатиш. Бу қондаларни бузиш бахтсиз ходисага олиб келиши мумкин. «Стоп» кнопкаси қизил рангга бўялганлигини ёдда тутиш зарур

II. Ишнинг мазмуни.

1. Двигателни тўхтатмасдан, станокни бошқариш органларининг вази фаси ва ишлаш принципи билан танишиш.

2. Станокни шпинделнинг 2—3 хил айланиш частотасига созлаш ва хар созлашдан кейин уни 3—5 мин салт ишлатиш.

4. Суппортни суриш винти билан суришни улаш ва станокни шпин делнинг кичик айланиш частотасида салт ишлатиш.

5. Суппортни қўлда бўйлама ва кўндаланг йўналишларда силжитиш.

3. Янги материални баён килиш.

Лист металл қора, рангли металлдан ва уларнинг қотишмаларидан лист прокатлаш станларида махсус заготовкларни прокатлаш йўли билан олиншини айтиб бериш керак

Ўқувчиларга лист металл қўлланиладиган соҳаларни, турмушда учрайдиган металл буюмларни айтиб бериш таклиф этилади. Кейин лист металл билан ишлаганда бажариладиган асосий операқиялар ва бунда фойдаланиладиган асбоб усқуналар ҳақида гапириб бериш лозим.

Охирида ўқувчиларни лист металл билан ишлаганда рюя қилинадиган хавфсизлик техникаси қоидалари билан таништириш зарур.

4. Илгак конструкцияси ва уни тайёрлаш технологиясини ишлаб

Стендлар осиб қўйиладиган илгакларни тайёрлаш учун операцион карта

Операциянинг маъмури	Эскиз	Асбоб ва меъдалар
Заготовкани режалаш		Чизғич, слесарлик тўғрияси, циркули, режа, длаш кернери, болга
30x60 мм ўлчамаи заготовкани эгювляб қиркиш		Пирик тишли, майда тишли эгювляр
4 мм ди тешикни режалаш ва пармалаш		Пармалаш станогни, кондуктор
Овля юзали эгювляш		Пирик тишли, майда тишли эгювляр
Бурама миҳ қаллагига мосляб тешикни венқолаш		Зенковка ёки парма
Илгакна мулжалланган тешикни эгювляб исгайтириш		Думалоқ эгюв

чикишга доир ўқувчиларнинг мустақил иши. 5. Кириш инструктажи.

Айрим меҳнат операцияларининг бажарилишини намойиш қилиш.

6. Ўқувчиларнинг меҳнат топширигини бажаришлари.

7. Жорий инструктаж.

Режалашнинг тўғри бажарилганини текшириш, меҳнат приёмларини бажаришда йўл қўйилган хатоларни тузатиш.

8. Яқун яшаш (5—7 мин).

Ўқувчилар йўл қўйган хатоларни таҳлил қилиш, энг яхши ишларни кўрсатиш.

9. Иш ўринларини йиғиштириш (10 мин). Дарс режага лойихачи тайёрлаган мосламанинг чизмаси илова қилинади

Мактабда меҳнат таълими ва тарбияси, касбга йўналтириш жараёнини ташкил қилиш ҳамда уни амалга оширишда педагогика, дидактика, психология, физиология, хусусий методика ва махсус фанларнинг илмий хулосаларидан кенг фойдаланиш кўзда тутилган. Машгулотлар мавзуси амалиёт билан, ўқув мазмуни тарбиявий муаммоларни ҳал қилиш билан уйғунлаштирилган ҳолда бўлишини таъминлаш.

Маъмур ўқув дастури асосида олиб борилган ўқув-тарбия ишлари натижаларини, ўқувчиларнинг ўзлаштиришларини аниқлаш ва назорат қилиш Давлат таълим стандарти асосида амалга оширилади.

Умумий ўрта таълим мактабларининг 5—9-синфларида ўқувчилар сопи шаҳар мактабларида 25 ва ундан ортиқ, қишлоқ мактабларида 20 ва ундан ортиқ бўлса, меҳнат таълими дарслари шу синфлардаги ўқувчиларни икки гуруҳга ажратган ҳолда олиб борилади.

Халқ ҳунармандчилигининг айрим нодир касбларини ўргатиш учун уста-шоғирд ёки ота-ўғил, она-қиз шаклларида фойдаланилади. Бундай машгулотларни тегишли халқ усталари билан мактаб ўртасида гузиладиган шартномалар асосида ташкил қилинади.

Дастурдаги меҳнат йўналишлари бўйича машгулотларни ташкил қилиш ва ўтказиш кетма-кетлиги маҳаллий шароит ва имкониятлар ҳисобга олинган ҳолда ўқитувчи томонидан ҳал қилинади.

Меҳнат таълимининг барча йўналишлари бўйича амалий машрулотлар 5 ва 6-синфларда 6 кундан, жами 24 соат, 7-синфда 10 кун жами 40 соат ва

8-синфда 16 кун, жами 96 соат режалаштирилган бўлиб, улар ўқув йилининг ёзги, баҳорги ва қишқи амалий машрулотлар даврида ўқитувчининг танлаш асосида ўтказилади. Қишлоқ хўжалиги асослари йўналиши бўйича амалий машрулотлар ўқув йилининг тегишли мавсумларида ўтказилади. Амалий машрулотларнинг мақсади—

Ўқувчиларга ўргатилаётган билим, кўникма ва малакаларни бевосита ижтимоий фойдали ва унумли ишлаб чиқариш меҳнати жараёнида (устахонада, фермада, корхонада, ташкилот, муассаса, жамоа хўжалиги экинзорларида ёки ҳунарманд уста ҳузурида) мустақамлашни бозор муносабатлари қондалари асосида ташкил қилишдан иборат.

XIV БОБ. МЕҲНАТ ТАЪЛИМИДА АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ. АМАЛИЙ ДАРСГА ТАЙЁРГАРЛИК

Бу бобда меҳнат таълими бўйича назарий дарслар юқори синф ўқувчилари билан ишлаш учун тавсифи экани айтиб ўтилган эди. Шу сабабли бундай дарслар ҳақида дарсликнинг иккинчи қисмида сўз юритилади. Бунда ва бундан кейинги бобларда эса амалий дарс (машгулотлар) кўриб чиқилади.

Дарс мактабдаги таълим ишининг асосий ташкилий шаклидир. Бу гап, жумладан техник меҳнат учун ҳам тааллуқли. Устахонадаги машгулотларда дарс меҳнат таълимининг асосий вазифаларини амалга ошириш, янги материални баён қилишни амалий топшириқ бериш ва уни ҳал қилиш билан яхши боғлаш, ўқувчиларни фаоллаштириш, ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишни амалга ошириш имконини беради.

Меҳнат дарслари бошқа ўқув предметларига нисбатан катор хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

1. Дарсда марказий ўринни ўқувчиларнинг амалий ишлари эгаллайди (тахминан 80 %). Шу муносабат билан устахоналардаги машгулотларни кўшалок дарслар сифатида ўтиш маъқулланган. 45 минутлик дарснинг ноқулайлиги шуки, унда ўқувчиларнинг бевосита амалий ишларига жуда кам вақт қолади. Унинг кўп қисми иш ўрнини тайёрлаш ва йиғиштиришга, ўқитувчининг инструктажига кетади. 90 минут давомида ўқувчилар маълум меҳнат топширигини бажаришга улгурадидилар, бу эса уларга маънавий кўникиш бағишлайди ва ўқитувчига иш натижаларини баҳолаш имконини беради. (Юқори синфларда дарс янада кўпроқ давом этади.)

2. Ўқувчиларнинг амалий ишлари унумли меҳнат базасида ташкил қилинади.

3. Устахоналардаги машгулотларда ўқувчилар ҳар хил қирқувчи асбоблар ёрдамида ишлайдилар, материалларга станокда ишлов беришни бажарадилар. Шу сабабли дарс уни ўтказишнинг хавфсизлигини таъминловчи махсус тайёргарликни талаб қилади.

Дарсга катор дидактик талаблар қўйилади. Меҳнат дарсларига нисбатан бу талаблар нималардан иборатлигини кўриб чиқамиз.

14.1. Дидактик мақсаднинг аниқлиги. Одатда ҳар бир дарсда катор дидактик масалалар ҳал хилинади, кўпинча уларнинг биттаси доминант (устунрок) бўлади. Масалан, ўқувчиларга билимлар берилади, уларда кўникма ва малакалар шаклланади, техник ижодиёт қобилияти ва ҳоказалар ривожланади. Аммо анна шу таълимий вазифалар ҳар қандай дарсда бирдай ҳал қилинмайди. Бу кўп жиҳатдан дарснинг мазмунига боғлиқ.

Масалан, моделлаштиришга бағишланган дарсларда айниқса техник тафаккурни, фазовий тасаввурни ва техник ижодиёт учун зарур бошқа сифатларни ривожлантириш учун яхши шароитлар вужудга келади. Ўқувчилар моделларни тайёрлар экан, илгари олган билим ва малакаларини мустаҳкамлайдилар, такомиллаштирадидлар, аммо бу мазкур ҳолда асосий эмас, балки йўл-йўлакай ҳал қилинадиган вазифадир.

Дарс таркибий тайёрлаш объекти, методик воситалар - буларнинг ҳаммаси биринчи навбатда асосий дидактик вазифага бўйсунди, уни бажаришга йўналтирилади. Шу билан бирга бошқа ўқув вазифаларининг бажарилишига тўсқинлик қиладиган шароитлар вужудга келишига ҳам йўл қўйилмайди. Жумладан, тайёрлашда ўқувчиларнинг техник ижодиёти учун объектив шароит мавжуд бўладиган, аммо деталларни ясаш ўқувчилар хали эгаллаб олмаган меҳнат операцияларини бажариш билан боғлиқ моделни танлаш мумкин. Бундай модел устакхоналардаги машгулотларда тайёрлаш объект сифатида мос қилмаслиги табиийдир.

Меҳнат кўникмаларини шакллантириш вазифаси биринчи ўринда туришига ҳам мисол келтириш мумкин. Ҳар қандай меҳнат операциясини ўргатиш ўқувчиларга операциянинг моҳияти, асбоблар, иш усуллари ва ҳоказолар ҳақида - маълум даражада билимлар беришдан бошланади. Бу билимларни ўзлаштириш ишнинг тўғри усулларини ўзлаштиришнинг зарур шартидир. Буларни билиш зарур, аммо билишнинг ўзи етарли эмас. Чунки, иш пайтида зубило ва болвани қандай ушлаш, қандай зарб бериш кераклигини яхши билган билан бу ишларни уздай олмаслик мумкин. Кўпинча меҳнат усулларини бажариш учун зарур билимларни эгаллаш усулларнинг ўзини эгаллашдан анча осонроқ бўлади. Шу сабабли

операцияларни ўргатишда ўқитувчининг диққат-эътибори ўқувчилар меҳнат усулларини тўғри бажаришларига қаратилади, бу эса мазкур ҳолда асосий дидактик вазифанинг айнан ўзидир.

Меҳнат ўқитувчиси дарсга тайёрланаётганда мазкур дарсда дидактик вазифаларнинг қайсилари асосий вазифалар ҳисобланишини аниқлайди, уларга дарснинг мақсади сифатида қарайди ва дарсни шунга кўра ташкил этади.

14.2. Таълим ва тарбия вазифаларининг бирлиги. Таълим тарбияловчи бўлиши керак. Бу талаб ҳамма ўқув предметларига баб-баробар тааллуқли. Келажак жамият қурувчисини тарбиялаш – болага тарбиянинг бугун ижобий сифатлари мажмуасини сингдириш демакдир. Бундай сифатлар жумласидан ватанпарварлик, катталарни ҳурмат қилиш, ростўйлик кабиларни ҳам айтиш мумкин. Меҳнат дарсларида меҳнат тарбияси учун алоҳида қулай шароитлар вужудга келади. Шу сабабли меҳнат тарбиясига меҳнат таълимининг асосий вазифаларидан бири сифатида қаралади. Бундан эса ўқитувчи ўз олдига тарбиявий тавсифдаги муайян вазифани қўймаган дарсни яхши дарс деб ҳисоблаб бўлмаслиги равшандир.

Кишининг меҳнат бозор муносабаतिга қараб унинг меҳнат тарбияси ҳақида ҳукм чиқариш мумкин. Ким тўғри меҳнат тарбияси олган бўлса ўзи, у маҳсулотнинг сифатини бузиб, материалларни тежамсиз сарфлаб, асбобларни эҳтиётсизлик билан ишлатиб меҳнат унумдорлигини оширишга ҳоҳ қачон ҳаракат қилмайди. Шундан келиб чиқиб, ўқитувчи тарбиявий иш натижаларини узлуксиз кузатиш ва унга тегишли тузатишлар киритиш имконига эга бўлади. Ҳар бир дарсдаги таълим жараёни ўқувчиларда меҳнатга муҳаббат уйғотадиган йўсинда ташкил қилиниши керак. Бунинг учун ўқитувчи иш объектини танлашда фақат унинг ДТС ва дастури талабларига мослиги ҳақида эмас, балки ўқувчиларда қандай эмоциялар уйғотиши, яъни уларни шу дарс мазмунига ҳос қасбларга қизиқтириши, мусобақага рағбатлантириши ва ҳоказолар ҳақида ҳам ўйлаши керак. Ўқувчиларга иш ўрнини тайёрламасдан туриб ишлашга киришмаслик, носоз асбоблар билан ишламаслик каби меҳнат маданиятининг маълум қоидаларини сингдириши муҳимдир. Агар ўқитувчи ҳар бир дарсда талабларни бўшаштирмай, бу қоидаларнинг бажарилишини кузатиб борса, улар одат тусига кириб қолади.

Ўқувчилар ўзларининг меҳнатга муносабатлари бўйича жуда фарқ қиладилар, шу сабабли тарбиявий ишда уларга яқка ҳолатда ёндашишни таъминлаш жуда муҳимдир. Онда меҳнат тарбияси олган болалар одатда бажонидил меҳнат қиладилар. Афсуски, болалар жисмоний меҳнатга менсимай қарайдиган ҳоллар ҳам бўлади. Бундай ўқувчилар алоҳида эътиборни талаб қилади. Меҳнат ўқитувчиси дарсни режалаштиришда бундай ўқувчилар билан ўтказиладиган тарбиявий ишларни махсус режалаштиради. Мактабларнинг иш тажрибаси ўқувчиларнинг меҳнатга бозор муносабатлари аста-секин тенглашишини, ҳамма ўқувчилар бажонидил, кучи етганича меҳнат қила бошлашини кўрсатмоқда. Аммо бунга дарсда таълимий ва тарбиявий вазифаларнинг бирлиги таъминланган тақдирдагина эришилади.

14.3. Ўқув материални тўғри танлаш. Ўқув материални тўғри танлашда дарснинг мақсади, ўқувчилар олдинги меҳнат дарсларида олган билим ва малакалар; фан асосларига оид билимлари; уларнинг жисмоний ривожланганлиги каби қатор омиллар ҳисобга олинади.

Мисол сифатида ёғочга, металлга ишлов беришда, шунингдек, электромонтаж ишларида қўлланадиган режалаш операциясини оламиз. Бу операцияни ўқувчилар биринчи марта V-синфда бажарадилар. Бунда тўғри тўртбурчак шаклидаги контурга эга бўлган деталларни текисликда режалаш разметкаловчи асбоблар ёрдамида бажарилади. Бундан мураккаброқ контурга эга бўлган деталлар шаблон бўйича режаланади. VII-синфда геометрик ясашлар ёрдамида режалаш шаблонлар бўйича режалаш ишларини сиқиб чиқара бошлайди. Ўқувчилар чизмачиликни ўргана бошлаганларидан кейин режалашга қўйиладиган талаблар ортади. Шаблондан махсус ҳоллардагина фойдаланилади, режалаш одатда геометрик ясашлар ёрдамида бажарилади. VIII-синфда режалашга талаблар ортиши мумкин, чунки ўқувчилар бу операция учун муҳим маълумотлар: учбурчак ва доирадаги метрик муносабатлар, ўткир учбурчакнинг тригонометрик функциялари, ички ва ташқи чизилган учбурчаклар ва ҳоказолар билан танишадилар. Кўриниб турибдики, бунда материал ўқувчиларнинг олдинги тажрибалари ва фан асослари бўйича олган билимларига боглиқ ҳолда танланади.

Иккинчи мисол. Ҳар бир синфда меҳнат таълими ДТС ва дастурига кўра мажмуа ишларини бажариш билан боглиқ буюмлар ясаш назарда тутилади.

Синфдан сифга бу мажмуа кенгайиб боради, чунки унга янги-янги операциялар қўшилади. Операцияларнинг хар брига тўғри келадиган иш ҳажми нисбати ўқувчиларнинг жисмоний ривожланишини ҳисобга олиб тўғирланиши керак. VI – синфда металларни кесиш операцияси ўрганилади. Бу сермехнат операциядир. Шу сабабли уни мажмуа ишларга қўшиб, биринчидан, материал (листнинг калинлиги)ли ўқувчиларнинг жисмоний имкониятларига кўра танлаш. иккинчидан, кесиш операцияси буюмни тайёрлашга ажратилган умумий вақтнинг 25 % идан ошмаслигини ҳисобга олиш керак.

Ўқув материалининг мазмуни дарснинг мақсадига мувофиқ танланади. Ўқитувчи бирор мавзу бўйича, масалан, якунловчи дарс ўтказар экан, ишнинг ҳақиқий аҳолига қараб ўз олдига турли мақсадларни қўйиши мумкин. Агар ўқувчилар меҳнат усулларини бажаришда типик хатоларга йўл қўйган бўлсалар, якунловчи машгулот ўша хатолар кейинчалик такрорланмаслиги учун уларни таҳлил қилишга бағишланиши мумкин. Якунловчи машгулотда ўқувчилар билимларини умумлаштириш, ёғоч ва металлга ишлов бериш усулларидаги умумий ва фарқли томонларини аниқлаш мақсадлари ҳам қўйилиши мумкин. Биринчи ҳолда ҳам, иккинчи ҳолда ҳам ўқув материалини танлаш хар хил амалга оширилиши ўз-ўзидан кўриниб турибди.

4. Ўқитиш (таълим) методларини мақсадга мувофиқ танлаш . Ўқитувчи ишдаги турли метод ва усуллар омилкорлик билан комбинацияланмаса, хар қандай дарсда ҳам мақсадга эришиб бўлмайди. Меҳнат дарсининг асосий босқичи ўқувчиларнинг мустақил ишидан иборатдир. Бу ишнинг муваффақияти унда дидактик метод ва усуллар қанчалик муваффақиятли комбинацияланишига бевосита боғлиқ бўлади.

Ўқувчиларнинг мустақил ишлари топшириқ билан танишиш, у қандай тартибда, қайси асбоблар ва мосламалардан фойдаланиб бажарилиши ҳақида фикрлашдан бошланади. Бу масалаларнинг ҳаммасини билимларни қўлламай ечиш мумкин эмас. Ўқитувчининг ўзи тўла-тўқис йўл-йўриқ бериши мумкин. албатта, аммо бунда таълим методларини мақсадга мувофиқ танлаш талаби бузилади, чунки амалий ақлий фаолият билан боғланмаган амалий иш меҳнат тарбияси ва политехник таълим талабларига жавоб бермайди. Ўсмирлар мустақил ишни бажариш билан боғлиқ ҳамма масалаларни ўйлаб олиб, улардан бслгиланганларини амалга оширишга киришадилар. Шундай қилиб, меҳнатда билимларни қўллаш методлари маълум меҳнат усулларини

бажаришга доир машқлар билан комбинацияланади. Айниқса, ўқувчилар ижодиётининг элементлари мавжуд бўлган мустақил ишлари дидактик жиҳатдан қимматлидир.

Янги материални баён қилишда таълимнинг меҳнат усулларини намойиш қилиш, тушунтириш ва суҳбат каби методлардан фойдаланилади. Бунда ҳам кўп нарса ўқитиш методларини мақсадга мувофиқ равишда комбинациялашга боғлиқ. Чунотчи, суҳбат тушунтиришга қараганда ўқувчиларни кўпроқ фаоллаштиради. Шу сабабли янги материални баён қилиш жараёнида ўқувчиларнинг баъзи билим ва малакаларига таяниш мумкин бўлган ҳолларда, меҳнат усулларини намойиш қилишни суҳбат билан комбинациялаш керак.

Дарснинг якуновчи қисми учун таълимнинг суҳбат, тушунтириш, билим, кўникма ва малакаларни текшириш каби методларини қўллаш ўринлидир.

5. Ўқувчиларнинг ҳар бир ўқувчининг мустақиллиги билан уйғунлашадиган жамоа иши. Ҳозирги вақтда меҳнат дарсларида ўқувчилар ишини ташкил қилишнинг учта асосий фронтал, звено ва якка шакллари қарор топган. Ҳар бир ташкилий шаклни баҳолашга икки нуқтаи назардан ёндашилади: улар билимларни ўзлаштиришга, кўникма ва малакаларнинг шаклланишига қандай ёрдам бериши; улардан қайсилиси ҳозирги корхоналарида меҳнат ташкил қилиш ҳақида тўлароқ, аниқроқ тасаввур бериши аниқланадими, булар политехник таълим вазибаларини амалга ошириш учун жуда зарурдир.

Ўқувчилар ишини ташкил қилишнинг фронтал шакли ўқувчиларнинг ҳаммаси бир хил топширикни бажаришдан иборатдир. Шу туфайли ўқитувчи инструктор, хатоларни жамоа бўлиб муҳокама қилиш ва ҳоказолардан фойдаланиб бир вақтнинг ўзида бутун гуруҳ ишига раҳбарлик қила олади. Кўриниб турибдики, ишни фронтал ташкил қилишда таълим жараёнига методик раҳбарлик қилиш енгиллашади, аммо бунда маълум қийинчиликлар ҳам пайдо бўлади. Масалан, материал йўқлиги сабабли ҳар доим ўқувчиларни бир хил топшириклар билан таъминлаб бўлмайди, ўқувчиларнинг иш суръати ҳар хил бўлиши сабабли фронталлик бузилади. Машғулотларни фронтал ташкил қилишнинг қамчиликларидан бири шуки, ҳар қайси ўқувчи ишни бошдан охиригача ўзи бажаради, шунга кўра унда ҳозирги корхоналардаги меҳнат тақсимотининг тавсифи ҳақидаги тасаввурнинг шаклланиши

кийинлашади. Ишни фронтал ташкил килиш шакли асосан V-VI синфларда ишлов бериш операцияларини ўрганишда қўлланади.

Ишни ташкил килишнинг звено шаклида синфни ҳар бири 3-4 кишилик звеноларга бўлиниши, бу звеноларнинг ҳар қайсиси ўз тоишириғини бажариши назарда тутилади. Бунда меҳнат тақсимоли содир бўлади, бу тақсимот звенолар орасида ҳам, звено ичида ҳам бўлиши мумкин. Масалан, одатда моделлаштиришда, кўп микдорда бир хил буюмлар талаб қилинмайди, шу сабабли ҳар бир звено ўз топшириғини олади. Бунда звено ичида модел тайёрлашга доир ҳамма иш ўқувчиларга тақсимланади, яъни ҳар бир ўқувчи маълум детални тайёрлаш топшириғини олади, сўнгра биргалашиб деталлар йигилади ва модель синалади.

Ишлаб чиқариш корхоналарининг буюртмаларини бажаришда буюмлар сони кўп бўлиши мумкин. Бундай ҳолда буюмнинг бутун технологик жараёни алоҳида қисмларга бўли шва уларни бажаришни турли звеноларга топшириш мақсадга мувофиқ; бунда звенодаги ҳамма ўқувчилар бир хил топширикни бажарадилар.

Звено шакли ўқитувчининг ўқув жараёни бошқариши кийинлашади, унга ҳар хил ишларнинг бажарилишини назорат қилишга тўғри келади. Бу кийинчиликларни бартараф этишга ёзма инструкцияларни қўллаш билан эришилади, бу инструкциялар ҳар бир звено учун тайёрланади ва ўқувчилар мустақил ишлаши учун етарли кўрсатмалардан иборат бўлади. Шу билан ишни ташкил килишнинг звено шакли ўқувчиларда ишлаб чиқаришдаги ишчилар меҳнатининг замонавий ташкил килиниши ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Бундан ташқари, кийинроқ буюмларни тайёрлаш мумкин бўлиб қолади ва шу туфайли ўқувчиларнинг ишга кизиқишлари ортади.

Меҳнатни ташкил қилишнинг звено шакли олдин ўзлаштирилган малакаларни мустаҳкамлашда, моделлаштиришда, шунингдек, жиҳозлар етишмаслиги сабабли фронталлик таъминланмай қолганда, масалан, ёғочга ишлов бериш ва металл қирқиш станокларида ишлашда қўлланади.

Ишни ташкил қилишнинг яқкалик шакли ҳамма ўқувчилар турли ишни бажаришдан иборатдир. Бу шакл нисбатан кам қўлланади. Бунинг сабаби бундай шароитларда ўқув жараёнини бошқариш, шунингдек, ўқувчиларнинг ҳаммасини зарур материаллар билан таъминлаш кийин бўлади. Яқкалик шакли асосан ишнинг суръати ва унинг натижалари бўйича ўз ўртокларидан анча фарқ қиладиган энг кучли

ва бўш ўқувчилар билан ишни ташкил этишда қўлланади. Кучли ўқувчиларнинг ишга қизиқиши пасаймаслиги ва тўла нагрузка билан таъминланиши учун уларга анча кийин топшириқлар берилади. Бўш ўқувчилар, аксинча, анча содда топшириқлар оладилар, бунда уларнинг орқада қолишига сабаб бўлган омиллар (касаллик туфайли машгулотлардан қолиб кетгани, жисмоний заифлиги ва ҳоказолар ҳисобга олинади).

6. Дарснинг ташкилий аниқлиги. Ҳар қандай дарс ўзининг ташкил қилиниши ва ўтказилиши нуқтаи назардан аниқ бўлиши керак. Устахонада ўтказиладиган дарсларнинг муҳим хусусияти кўпинча ўқувчиларнинг унумли меҳнатига бағишланишидир.

Ишлаб чиқариш шароитида меҳнатни, бошқа бир хил шароитларда ишчидан унинг асосий вазифаси, яъни моддий бойлик яратиш буйича максимал фойдаланишни таъминлайдиган йўсинда ташкил қилиш самаралироқ ҳисобланади. Турли сабабларга (заготовка ва асбобларнинг йўқлиги, жиҳозларнинг синиб қолиши ва ҳоказоларга) кўра ишчининг бекор туриб қолиши, энг аввало меҳнатни ташкил қилишдаги камчиликлар борлигини билдиради. Устахоналардаги дарсларнинг ташкилий аниқлигини баҳолашга шу нуқтаи назардан ёндашиши керак.

Ўқувчилар унумли меҳнатининг узлуксизлигини таъминлаш учун ўқитувчи энг олдин жиҳозларнинг созлигини кузатади. Агар корхоналарида жиҳозларнинг ишдан чиқиши ишлаб чиқариш дастурини бажармасликка олиб келса, таълим шароитида ўқув дастурини бажарилмаслигига олиб келади. Ташкилий аниқликка устахоналарни ҳамма зарур материал ва асбоблар билан узлуксиз таъминлаш билан ҳам эришилади.

Ўқув вақтидан қисмли фойдаланиш учун асбоблар ва заготовкани сақлаш ва уларни ўқувчиларга беришни тўғри ташкил қилиш муҳимдир. Агар бу ишда етарлича ташкилий аниқлик бўлмаса, қимматли дақиқалар мақсадсиз сарфланади.

Дарснинг ташкилий аниқлиги учун ўқитувчининг ўқув жараёни раҳбарлик қилиш ишларини режалаштириши ҳам катта аҳамиятга эга. Масалан, ўқитувчи олдинги йиллар тажрибасидан келиб чиқиб, бирор операцияни бажаришда ўқувчилар қандай хил хатога йўл қўйишларини билади. Шунга кўра у хатоларга йўл қўйилишини кутиб турмай, жорий иштрактажлар ўтказишни режалаштиради ва улар ҳақида ўқувчиларни огоҳлантиради.

Ўқувчилар меҳнат дарсларида фойдаланадиган техник ҳужжатлар ҳам дарснинг ташкилий аниқлигига таъсир қилади. Агар чизмалар, технологик хариталар,

инструкциялар тушунарли, болаларнинг кучлари етадиган бўлса, ўқувчилар улар бўйича муваффақиятли ишлайдилар, шу билан бирга мустақилликни ҳам намоён қиладилар. Акс ҳолда улар бир-бирларига, ўқитувчига ёрдам олиш учун мурожаат қиладилар, бу эса иш пайтида у ёқ бу ёққа юришларга сабаб бўлади, ихтиёрсиз, ҳаммани ўз ишини бажаришдан чалгитади.

7. Ўқувчилар ишида хавфсизликни таъминлаш. Меҳнат дарсларида ўқувчилар ҳар қил қирқувчи асбоблар ёрдамида ишлайдилар, сматерналларга ишлов беришни бажарадилар, электр занжирларини монтаж қиладилар. Бунда хавфсиз ишлаш қоидаларига амал қилинмаса, жароҳатланиш юз бериши эҳтимолдан холи эмас. Шу сабабли ўқувчилар хавфсизлигини таъминлаш устахоналарда ўтказиладиган дарсларга қўйиладиган асосий талаблар жумласига қиради. Иш тажрибаси шуни кўрсатадики, ўқитувчи, хавфсизлик қоидаларига етарлича эътибор берса, ўқувчиларнинг уларни бажаришини кузатиб борса, бахтсизлик ҳодисалари бўлмайди.

Ўқитувчи бир томондан ўқувчилардан хавфсиз ишлаш қоидаларига риоя этишни талаб қилса, иккинчи томондан, бу қоидаларнинг бузилишига олиб келадиган омилларни бартараф қилади. Масалан, ўқувчилар дастаси чиқиб кетадиган болгадан, муҳраси дарз кетган зубилодан фойдаланиш мумкин эмаслигини биладилар. Демак, ўқувчиларга носоз асбобларни бериш мумкин эмас.

Меҳнат таълими ўтказиладиган хоналар хавфсиз ишлаш усуллари бўйича кўрсатмаларни қўлланмалар билан жиҳозланади. Меҳнат хавфсизлиги қоидалари шитларига жойлаштирилади ҳамда уларни яқиндан туриб ўқиш осон бўладиган жойларга осиб қўйилади. Устахоналарда аптечка ва ёнғинга қарши хавфсизлик бурчаги бўлади.

Дарс бошланиши олдидан ўқитувчи жиҳоз ва асбобларнинг бузук эмаслигини, махсус кийимларнинг яроқлилиги ва бошқаларни текширади.

Янги материални баён қилишда меҳнат хавфсизлигига катта эътибор берилди. Ўқитувчи устахоналарда хавфсиз ишлашни таъминловчи қоидаларни тушунтиради, уларни бажариш усуллари намоён қилади, шундан кейин буларни ўқувчилар қанчалик ўзлаштираганини текширади.

Дарс жараёнида ўқитувчи ўқувчиларнинг меҳнат хавфсизлиги қоидаларини бажаришларини тидимсиз кузатади, агар қоидалар бузилаётганини кўрса, жорий инструктаж (якка ёки гуруҳий ўтказиш), унда йўл қўйилган тартибсизликни таҳлил

килиб, ўқувчиларга уни бартараф қилиш зарурлигини таъкидлайди. Ўқувчиларнинг ишларини яқинлаб, уларнинг буюмларини баҳолаб, ҳар бир ўқувчига меҳнат хавфсизлиги қоидаларини қандай бажарганини, қандай хатога йўл қўйганини ҳам айтади.

Шундай қилиб, меҳнат хавфсизлиги қоидаларининг бажарилиши борасидаги ғамхўрлик бутун дарсга, унга тайёрланишдан бошлаб сингиб боради; бу мутлақо тушунарли, яъни дарсда ўқувчилар жароҳатланса, уларда малакаларни шакллантириш ва ижодкорликни ўстиришдаги ҳар қандай муваффақият йўққа чиқади.

Меҳнат таълими жараёнида дарс билан бир қаторда ўқув ишининг бошқа шаклда қўлланилади.

Қолоқ ўқувчилар билан қўшимча машғулотлар ўтказилади, ўқитувчи бу машғулотларда ўқувчиларга қийин меҳнат усулини ўзлаштиришларида, мураккаб назарий масалаларни тушунишларида ёрдам беради. Қўшимча машғулотлар баъзан жиҳозларнинг етишмаслиги туфайли ҳам ўтказилади, масалан, устахоналарда кўпинча ёғочга ишлов бериш станоклари ва металл қирқувчи станокларда материалларга ишлов беришни фронтал бажариш учун етарлича жиҳозлар бўлмайти, шу сабабли иш звенолар бўйича бажарилади. Шундай қилиб ўқитувчининг бир вақтнинг ўзида турли ишлар билан шуғулланаётган звеноларни методик бошқаришни амалга оширишига тўғри келади. Бу анча мураккаб. Шу сабабли ўқитувчи звено бошлиқлари дарсларда ўз ўртоқларига – кучлари етганча ёрдам бериши учун улар билан қўшимча машғулотлар ўтказади.

Меҳнат таълими жараёнида корхоналарга экскурсиялар учун анчагина вақт ажратилади. Экскурсияларни чуқурроқ қараб чиқиш лозим, шу сабабли уларга махсус боб бағишланади. Тўғарак иши ҳам алоҳида боб кўриб чиқилади.

Хотимада ўқув ишини ташкил қилишнинг факультатав машғулотлар тўғрисида батафсилроқ тўхтаймиз.

Меҳнат таълими бўйича факультатив машғулотлар VII ва IX синфларда ўтказилиши мумкин. Ўқувчилар состави ихтиёрийлик асосида белгиланади, бу синфдан ташқари иш учун характерлидир. машғулотлар мазмуни эса Маориф ва таълим вазирлигининг тасдиқлаган дастури билан белгиланади.

Мактаб иш тажрибасида техник меҳнат бўйича факультатив машғулотларнинг иккита асосий варианты тасдиқланди.

Биринчи вариантда техник меҳнат ҳамда факультатив машғулотларга ажратилган вақт бирлаштирилади ва таълим ягона дастури бўйича олиб борилади. Шу тўғрисида тегишли билимлар, кўникма ва малакаларни шакллантириш учун қулай шароит вужудга келади. Масалан, VIII синфда тракторни (105 соат), шунингдек материалларга механик ишлов беришнинг техник асосларини ўрганиш (140 соат) бўйича факультатив машғулотлар дастури бор. Тракторни ўрганиш факультатив машғулотларини «Қишлоқ хўжалик меҳнати ва техник меҳнат» ДТС ва дастури бўйича меҳнат таълими билан бирлаштириб ёки материалларга механик ишлов беришнинг техник асосларини ўрганиш факультатив машғулотларини «Техник меҳнат» дастури бўйича меҳнат таълими билан бирлаштириб апчагина ютуқларга эришиш мумкин.

Иккинчи вариантда техник меҳнат бўйича мажбурий дарслар билан факультатив машғулотлар орасида биринчи вариантдагидек узвийлик йўқ, ўқувчилар электротехникани ўрганиш факультативини (VII-VIII синфлар, 140 соат) ёки мотоциклини ўрганиш факультативини (VII-VIII синфлар, 70 соат) танлашлари мумкин, ammo ўқувчиларнинг политехник билим доираси ва ҳозирги замон ишлаб чиқаришни асослари ҳақидаги тасаввур кенгайди.

14.4. Меҳнат дарслари таркиби.

Меҳнат дарслари ушбу босқичлардан ташкил топиши мумкин: ўқувчиларни уюштириш; янги материалнинг баёни, инструктаж, ўқувчиларнинг мустақил ишлари, яқунловчи инструктаж, устахоналарни тозалаш. Буларни батафсилроқ кўриб чиқамиз.

Ўқувчиларни уюштириш. Дарснинг сифати кўп жиҳатдан унинг қандай уюшқоқлик билан бошланишига боғлиқ. Агар биринчи минутларданок ўқувчилар ўқитувчининг талабчанлигини сезмасалар, ўзларини меҳнат жамоасининг аъзоси эканликларини, олдидарида муайян ўқув-ишлаб чиқариш вазифалари турганини ҳис этмасалар, бу ҳол дарсда интизомнинг бузилишига, ўқувчилар активлигининг пасайиши ва ҳоказоларга олиб келиши мумкин. Мана шунинг учун тажрибали ўқитувчилар дарснинг ташкилий жиҳати билан боғлиқ биринчи минутларига катта эътибор берадилар.

Меҳнат таълими дарслари ўтказиладиган хоналарга ўқувчилар гуруҳ бўлиб ўқитувчи билан биргаликда уюшган ҳолда келадилар. Жароҳатланишларига сабаб бўладиган ҳатти-ҳаракат қоидалари бузилишининг олдини олиш учун ўқувчиларнинг устакхонада ёлғиз қолишларига руҳсат этилмайди.

Хонага киришлари билан ўқувчилар ўз иш ўринларини эгаллайдилар. Йўқлама (навбатчи ёрдамида) қилинади. ўқувчиларнинг иш кийимлари текширилади. Кийимлар меҳнат хавфсизлиги қоидаларига жавоб бермайдиган ўқувчилар машгулотларга киритилмайди.

Асбоблар ва заготовкларни тарқатиш - дарсни ташкил қилишнинг муҳим моментидир. Ҳар бир иш ўрниги кесиш ва ўлчаш асбобларининг тўла комплекти билан таъминлаш энг яхши вариантдир. Табиийки, бу ҳолда асбобларни тарқатиш бўлмайди, ҳар бир ўқувчи ҳамма зарур нарсаларни ўз иш ўрнидан топади. Афсуски, бунинг учун мактабларнинг ҳаммасида бундай имконият йўқ ва шу сабабли асбобларни ҳар гал тарқатишга, сўнгра эса йиғишга тўғри келади. Бунга иложи борича камроқ вақт кетиши, ортиқча ҳаракат ва шовқин бўлмаслиги учун ўқитувчи навбатчиларни ўзига ёрдамчи қилиб олади. Улар асбоблар солинган пеналларни иш ўринларига тарқатиб чиқадилар, заготовкларни ёки ишлаб تامомланмаган буюмларни ҳам тарқатадилар. Металл заготовклар яшиқларда сақланиши, бу яшиқларда синф ва гуруҳлар кўрсатилиши керак. Яшиқлар ичида заготовклар устига фамилиялар ёзилган қопчаларга солиб қўйилади. Фамилиялар битирилмаган буюмларнинг ўзига бўр ёки сиёҳ билан ёзиш чалкашлиқларга олиб келади, чунки ҳарфлар ўчиб кетиб фамилияларни ўқиш қийинлашади.

Янги материални баён қилиш. Бу элемент айрим дарслардагина ўринли. Кўпинча янги материални баён қилиш кириш инструкторига қиради. Янги материални баён қилишдан олдин ўқувчиларнинг уни идрок қилишга тайёрлиги текширилади, яъни ўқувчиларнинг олдинги дарсларда олган ва бу топшириқни бажариш учун зарур билим ва малакалари қандай аҳволда экани текширилади.

Янги материални баён қилиш унинг мазмунига ўқувчиларнинг ёши ва тайёрлигига боғлиқ ҳолда ҳар хил ташкил этилиши мумкин.

Янги материалнинг ҳажми ўқувчилар ўзи ўзлаштира олишларини назарда тутиб белгиланади.

Билим ва малакаларни текширишнинг мазмуни дарсга тайёрланишда ўқитувчи томонидан ўйлаб қўйилади. Бунда кўриб чиқилиши керак бўлган асосий масалалар белгиланади. Шунингдек биринчи навбатда сўраладиган ўқувчилар ҳам аниқланади.

Янги материалнинг баёни уни ўқувчилар қандай ўзлаштирганини текшириш билан яқунланади.

Инструктаж. Инструктажнинг қанча давом этиши ва ундаги информациянинг ҳажми ўқувчиларнинг ёшига боғлиқ бўлади.

V –V I синфларда материални бирданига эмас, балки бир неча қисмга бўлиб баён этиш тавсия қилинади, чунки қўшалок дарсга мўлжалланган меҳнат топширигини бажариш учун зарур бўлган ҳамма маълумотни ўқувчилар бирданига қабул қилолмайдилар. VIII-IX синфларда бир қисмнинг ўзида қағта ҳажмдаги материални баён қилиш мумкин, меҳнат топшириги қисмларга ажратилмай, бирданига берилади.

Масалак, VI синфда ўқувчилар мактаб ўқув-тажриба участкасидаги экинларга этикеткалар тайёрлашлари керак. Бу этикеткалар миҳлар билан бирлаштирилган тахтача ва қозикдан иборат бўлади. Ўқувчилар буюм технологиясини ташкил қилувчи асосий операциялар(режалаш, аралаш, рандалаш) билан тапишган. Шу сабабли ўқитувчи топширик ҳақида гапириб бериб, мапа шу операцияларни бажаришнинг асосий усулларини ўқувчилар билан биргалликда такрорлайди. Шундан кейин янги топшириқни баён қилиши керак: қозик учини рандалаб ўткирлаш ва тахтачага қозикни миҳлар ёрдамида маҳкамлаш. VI синфда янги топширик қисмга бўлиб баён қилиш тавсия этилгани учун ўқувчиларнинг топшириқга тайёрланишлари ҳам бир неча усулда текширилади. Мазкур ҳолда материални баён қилишни учта қисмга бўлиш мумкин: тахтачани тайёрлаш, қозикни тайёрлаш, йигиш.

Ўқувчиларнинг мустақил ишлари. Ўқувчиларнинг мустақил ишлари меҳнат дарсининг асосий босқичидир. Унга ўқув вақтининг 80 % гача қисми ажратилади.

Ўқувчилар мустақил ишининг самарадорлиги ҳақида улар топшириқларни қандай бажараётгани, меҳнатда ўз билимларидан қандай фойдаланаётгани ва ҳоказоларга қараб хулоса чиқариш мумкин. Бундай маълумотларни ўқув жараёнининг боришини мунтазам ва режали кузатиш ҳамда назорат қилиш

орқалигина олиш мумкин. Шу сабабли ўқувчиларнинг мустақил иши ўқитувчининг бунда қатнашмаслигини мутлако назарда тутмайди. Аксинча, ўқитувчининг роли алоҳида маъсулиятли бўлади. Аммо ўқитувчининг вазифасига фақат нималар бўлаётганини кайд қилиш, баъзи ўқувчилар мустақил ишни уддалай олаётгани, бошқалари уддалай олмаётганини ифодаловчи шакллارни шарҳлашгина кирмайди. Кузатишлар натижасида олинган маълумотлар ўқитувчи учун бошлангич материал бўлади, ўқитувчи шу материал базасида ўқувчиларга якка ёндашиш, уларнинг мустақил ишларини бошқариш амлга оширилади.

Ўқувчиларнинг мустақил ишлари пайтида ўқитувчи бир ўридан бошка иш ўрнига ўтиб, заруриятига қараб якка инструктажни амалга оширади. Агар ҳамма ўқувчиларга қандайдир бирор маълумотни стказиш ёки маълум меҳнат усулини намоиш қилиш лозим бўлса, гуруҳавий инструктаж ўтказилади. Инструктаж пайтида ўқитувчи йўл кўйилган хатонигина кўрсатиб қолмайди, балки энг муҳими бу хатонинг сабабларини очиб беради, чунки хатони тузатишгина эмас, унга бундан кейин йўл кўймаслик керак.

Ўқувчиларнинг мустақил ишини бошқариш ўқитувчидан юксак педагогик маҳоратни талаб қилади. Ўқувчиларга ёрдам беришда унинг учун ишни бажариш эмас, балки уларнинг фаолиятини тўғри йўлга йўналтириш керак. Шу билан бирга ўз вақтида йўналтириш керак, чунки кўпинча меҳнат процессидаги хатолар тузатиб бўлмас брака олиб келиши маълум. Шу сабабли ўқитувчи қаерда бундай хатоларга йўл кўйилиши мумкинлигини олдиндан кўриши ва ўқувчиларни улардан сақлаб қолиши керак. Ўқувчиларнинг мустақил ишини йўналтиришда уларга ортқча гамхўрлик қилавермаслик керак, чунки бу ўқувчиларнинг ташаббусини бўғайди, техник ижодкорликнинг ривожланишига тўсқинлик қилади.

Ўқувчиларнинг мустақил ишлари фаолиятини конструкциялаш, технологияни ташкил этиш, моделлаштириш материалларни бевосита ишлаш, занжирлар йиғиш каби ҳар хил соҳаларни ўз ичига олиши мумкин. Ҳар қандай ҳолда ҳам мустақил фаолият муваффақиятининг зарур шартини унга ўқувчиларнинг тайёргарлигидир. Агар ўқувчилар топшириқни тушунсалар ва уни бажариш йўллари тасаввур қила олсалар, яъни топшириқни бажаришга кучлари етсагина топшириққа қизиқадилар. Агар топшириқ ўқувчилар ҳали эгалламаган билимлар ва меҳнатусулларини қўллашга мўлжалланган бўлса, бу ҳол ўқувчиларни лоқайдликка, ўз кучларига

ишоemasликка олиб келади.Шу сабабли ўқитувчи ўқувчиларнинг мустақил ишлаши учун меҳнат топшириги характерини белгилашда энг аввало унинг талаб қилинаётган билим, кўникма ва малакалар нуқтаи назаридан ўқувчиларнинг кўлидан келиш-келмаслигини текширади. Баъзан ўқувчиларнинг мустақил иши учун объектларни режалаштиришда, агар вақт имкони бўлса, буюмни такрор тайёрлашни бажариш ҳам мақсадга мувофиқдир. Бундай ҳолда ўқувчилар ўша усулларни бажаришни машқ қиладилар; ўқитувчи эса улар олдинги хатоларни такрорлаб-такрорламасликларини текширади.

Меҳнат таълими жараёнида меҳнатнинг ижтимоий фойдали характер ива нормаланиши ўқувчиларни мустақил фаолиятга рағбатлантиришнинг асосий омили ҳисобланади.

Ташкил этилган мусобақа ўқувчилар мустақил ишининг самарадорлигини оширишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Мусобақанинг тўғри ташкил қилиниши, ўқувчиларни ягона жамоага бирлаштириши хафагарчилик ва жанжалларга олиб келмаслиги керак. Шу орқали ўқувчиларга бизнинг жамиятимиз шароитида мусобақанинг саноат учун тавсифли рақобати ҳеч қандай алоқаси йўқлигини тушунтириш лозим. Ҳар бир ўқувчининг бурчи жамоа манфаатларини унутиб ўзининг шахсий муваффақиятларига интилиш эмас, балки, ўз ютуқларини яширмай ўз тажрибаси билан ўртоқлашиш, ўртоқларига ёрдам беришдир.

Мусобақа шартларини ўқитувчи синф фаоли билан биргаликда ишлаб чиқариш, мусобақа натижалари эса деворий газетада мунтазам ёритилади, мактаб радиоси орқали эшиттириб борилади ва ҳоказо.

Ўқувчиларнинг мустақил иши бутун дарс давомида ёки унинг бир қисмида узлуксиз ўтиши, шунингдек янги материални баён қилиш билан алмашинишини (асосан V ва VI синфларда) мумкин.

Яқунловчи инструктаж. Ҳар бир меҳнат дарси ўқувчиларнинг буюмлари қай ҳолатда бўлишидан катъий назар хулосалар чиқариш билан тугалланади. Хулосалар чиқариш ўқувчиларнинг билим ва малакаларини баҳолаш билан яқунланади. Дарсда бажарилган ишни баллар билан баҳолаб бўлмайдиган (масалан, операция бошланган, аммо тамомланмаган) ҳолларда ўқитувчи ўқувчилар фаолиятини умумий йўсинда таърифлаш билан чегараланади.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг иш ўринлари бўйлаб айланиб, ишни қандай бажарилганига қараб баҳолаш ҳулоса чиқаришнинг самарали шакли ҳисобланади. Бундай ҳолда ўқитувчининг баҳо қўйиши ўқувчиларнинг ўз иш ўринларини тозалаш билан бир вақтда амалга оширилади. Шу туфайли ўқувчилар ўқитувчининг ҳулосасини кутиб бскор туриб колмайдилар. Дарс умумий ҳулосалар чиқариш билан яқунланади. Ўқитувчи ўқувчиларга яхши ишланган буюмларни кўрсатади, юқори сифатта нималар туфайли эришилганини тушунтиради. Агар иш жараёнида типик хатоларга йўл қўйилган бўлса, яқун яшашда бу хатоларнинг сабаблари таҳлил қилинади. Ўқитувчи меҳнат усулларини яна намоиш қилади ва бу усулларни бажара олмаган ўқувчиларга уларни қайтаришни таклиф қилади.

Хоналарни йиғиштириш. Ўқувчилар ишни тамомлаганларидан кейин ўз иш ўринларини ва умуман хонани тартибга келтиришлари керак. Дурадгорлик устахонасини йиғиштиришга кўпроқ вақт талаб қилинади. Ўз навбатида механик участкани йиғиштириш дурадгорлик устахонасини йиғиштиришга нисбатан кўпроқ вақт талаб қилади.

Дарснинг охириги босқичи кўпроқ вақт олади. Бу босқичда бажариладиган иш баъзан иккинчи даражалидек туюлади. Аслида эса йиғиштириш ҳам дарснинг бошка босқичлари каби аҳамиятга эга. Бунда, хусусан, меҳнат маданияти тарбияланади. Онгли ишчи новатор иш ўрнини йиғиштирмай кетмайди ёки уни ёмон ҳолда ўз навбачисига топширмайди. Бу сифат (хусусият) ўқувчиларга ҳам сингдирилши керак. Бунда ўқитувчининг етакчилик роли ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Йиғиштириш ишлаб чиқаришдагидек бажарилиши учун барча зарур нарсалар билан ўқувчиларни таъминлаш муҳимдир (верстаклардаги пайрахалар, қириндилар латта билан эмас, чўтқалар билан суртилиши керак).

Навбатчи ўқувчилар ўқитувчи билан биргалликда иш ўрипларини қабул қилиб оладилар. Шундан кейин ўқитувчи навбатчиларнинг ишларини баҳолайди.

Мактаб иши тажрибасида участкадаги иш ўрнининг тозалиги учун мусобақа каби тарбиявий тадбир ўзининг афзаллигини кўрсатди. Мусобақа голиблари кўчма вимпеллар билан мукофотланадилар, улар ҳақида деворий газетада мақолалар эълон қилинади.

Ўқитувчи иш ўрнининг ҳолати ўқувчилар учун намуна бўлиши керак.

14.5. Меҳнат дарсларининг типлари.

Ҳар бир аниқ дарс олдига қўйиладиган асосий таълимий вазифага қараб дарснинг таркиби ва айрим босқичларининг вазифаси ўзгариши мумкин. Шу нуктаи назардан устахоналардаги дарсларни бир неча типга бўлиш мумкин.

Меҳнат дарслари асосий типларини қараймиз.

1. Ўқувчилар янги билимларни эгаллайдиган дарслар.

Бу типдаги дарсларга кириш машғулотлари, шунингдек, асосий таълимий вазифаси ўқувчиларга назарий маълумотлар бериш, уларда баъзи тушунчаларни шакллантиришдан иборат бошқа ўқув темаларига доир (масалан, «Пўлатнинг асосий сортлари ва маркалари», «Деталлар ва механизмлар» темалари бўйича ўтиладиган) дарслар кирди.

Ўқувчиларнинг янги билимларни эгаллайдиган дарсларда янги материални баён қилиш асосий ўрин олади.

Масалан, V синфдаги кириш машғулотларида ёғочга ишлов беришни ҳам, металлга ишлов беришни ҳам ўрганишда ўқувчиларга устахоналарда ҳар қандай буюмни тайёрлаш учта асосий босқичдан, яъни деталларни механик ишлаш, йиғиш, охири пардозлаш босқичларидан иборат эканини кўрсатиш вазифаси қўйилади. Бу вазифани ҳал қилиш учун дарсни суҳбат шаклида ўтказиш керакки, унда ўқувчиларнинг кучи синфларда меҳнат дарсларида олган билимларига таяниш мумкин бўлсин. Ўқитувчи ўқувчиларга I-IV синфларда буюмларни тайёрлаш қандай босқичлардан иборат бўлганини эслашни таклиф қилади. Шундан кейин бу босқичлар ўқув устахонасида ҳар хил буюмлар ясаш процесси билан таққосланади. Натижада ўқувчиларнинг қизиқишлари ортади ва уларнинг политехник билим доираси кенгайди, технологик процесс ҳақидаги дастлабки тушунчалар ҳосил қилинади.

«Пўлатнинг асосий сортлари ва маркалари» темаси бўйича дарс ўтиш методикаси бошқача. Бу дарсда ўқитувчининг тушунтиришига асосий ўрин берилади, чунки ўқув материали ўз ичига ўқувчилар учун янги маълумотларни ҳам оладик, уларни баён қилишда ўқувчиларнинг бошқа ўқув предметларидан олган билимларига таяниш қийин бўлади.

«Станокларда металлларни қирқиш процесси» темасидаги дарсда ўқитувчи тушунтиришни суҳбат билан қўшиб олиб бориши мумкин, чунки бу дарсда асосий

вазифа ўқувчиларнинг тасаввурини ва устахонадаги таълим давомида металлларни қирқиш бўйича олган билимларини умумлаштиришдан иборат бўлади. Умумлаштириш процессида ўқувчиларнинг билимларига таяниш, суҳбатдан фойдаланиш учун яхши шароит яратади. Аммо ўқувчилар металлларни қирқиш ҳақидаги билимларини умумлаштириб ана шу билимлар билан чегараланиб қолмайдилар, уларнинг билимлари ўқитувчининг тушунтиришлари туфайли кенгайдн ва тўлади.

Янги билимлар олиш дарсларида ўқувчиларнинг мустақил ишлари ха мўз ўрнини топмоғи керак, бу мустақил иш янги материални дарсликдан ўрганишдан, содир бўлаётган процессларни кузатишдан (масалан, ўқитувчи металлларни чархлашда, «киров» ҳосил бўлишини намойиш қилади ва ҳоказолардан иборат бўлиши мумкин.

2. Кўникма ва малакаларни шакллантириш дарслари. Бундай дарслар устахоналарда кўпроқ ўтказилади. Кўникма ва малакаларни шакллантириш дарсининг асосий босқичи ўқувчиларнинг мустақил ишларидан иборат бўлади. Буюмларни тайёрлаш ва йиғишда анна шундай дарсларни ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Дастлабки кўникма ва малакаларни шакллантиришга бағишланган дарслар билан уларни мустаҳкамлашга бағишланган , яъни такрорлаш машқларига бағишланган дарсларнинг фарқи билиш керак. Ҳар қандай технологик операцияни амалда ўрганиш ўқувчиларни меҳнат усулларини бажариш қоидалари билан таништиришдан бошланади. Бу усуллар аввал ўқувчилар томонидан ўқув машқлари сифатида, кейин эса маълум деталларни тайёрлаш процессида бажарилади.

Дастлабки кўникма ва малакалар шу тарикка шакллантирилади. Бу даврда ўқитувчининг эътибори, асосан меҳнат усулларининг тўғри бажарилишини текширишга қаратилади.

Такрорлаш машқларида ўқувчиларнинг мустақиллиги меҳнат усулларини тўғри бажаришдагина эмас, балки уларни буюмнинг конфигурациясига ва ишлов берилиш аниқлигига қўйилган талабларга боғлиқ ҳолда танлашда намоён бўлиши керак.

Мазкур дарснинг асосий вазифаси кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат бўлса ҳам, бу ўқувчиларни муайян ҳажмдаги янги билимлар билан бойитмай амалга ошмайди.

3. Билимларни амалда қўллаш дарслари. Ҳар қандай амалий ишни ҳам тегишли билимларни қўлламай бажариб бўлмайди. Аммо шундай ҳоллар ҳам бўладики, унда билимларни қўллаш ўқитувчининг эътибори қаратилган асосий таълимий вазифа бўлиб қолади.

Мисол учун моделлаштириш бўйича топшириқларни оламиз. Моделлаштириш учун конструкциялаш ва технологик процессларни ташкил этиш бўйича билимларга эга бўлиш керак. Ўқувчилар аниқ мисоллар орқали моделлаштиришнинг умумий асослари ҳақида билим олишлари, моделлаштириш процесси бўйсупадиган ягона қондалар ва талаблар билан қуролланишлари керак. Моделлаштириш дарсларида ўқувчиларнинг билим ва малакаларни амалда моҳирона қўллашлари мана шунинг учун ҳам алоҳида зарурдир.

Билимларни қўллаш дарсларида ўқувчиларнинг мустақил ишлари алоҳида ўрин олади, аммо у кўникма ва малакаларни шакллантириш дарсларидагига қараганда бирмунча бошқачароқ йўсинда баҳоланади. Ўқитувчини аввало ўқувчилар бирор ишни бажаришда ўз билимларини қанчалик моҳирлик ва мустақил қўллаш олишлари қизиқтиради. Бунда ўқувчиларнинг меҳнат усулларини тўғри бажаришини контрол қилишни ҳам унутмайди, албатта.

4. Такрорлаш дарси. Ўқувчиларнинг янги материални ўзлаштириш ва мустаҳкамлашга тайёрлигини текширишга қаратилган такрорлаш грамма типдаги дарсларда қўлланади. Такрорлаш ўқитувчига дарснинг асосий таълимий вазифасини бажаришда ёрдам берадиган муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Аммо баъзан такрорлашнинг ўзи дарснинг марказида туради. Бундай дарс якуловчи машғулот бўлади.

Якуловчи машғулотларда ўқитувчи ўқувчилар меҳнат таълими жараёнида олган билим ва малакаларни умумлаштириди. Бунда умумлаштириш қучайиб боради. Масалан, ўқитувчи синфда ёғочга ишлов беришни ўргатишни тамомлаб ўқувчиларга қайси операциялар билан танишганликларини эслашни, шунингдек бу операциялар қўлланадиган соҳаларни белгилаш учун уларни ўзаро таққослашни, уларнинг афзаллиги ва камчиликларини яна бир марта аниқлашни тавсия этади. Шу синфда

металларга ишлов беришни ўрганишни тамомлаб, металлларга ишлов бериш ҳақида умумлаштирувчи суҳбат ўтказлади. Бундан ташқари ўқитувчи ўқувчиларга ёғоч ва металлларнинг хоссаларини, металлларнинг айрим турларини режалаш усулларини таққослашни таклиф қилади. Шу билан бирга ўқувчилар қуйи синфларда коғоз, картон газламалар каби материаллар билан ишлашда режалаш билан танишганликларини эслатади ва шу асосда операциянинг политехник характерини кўрсатади. V-VIII синфларда таълим малакаларни умумлаштириш имкониятлари ортади. Умумлаштириш фақат ўқувчилар ўзлаштирган нарсаларни шунчаки жамлашдан иборат бўлмай, балки, уларнинг билимларидаги сифат ўзгаришларини жамлашдан ҳам иборат бўлиши керак. Ёғоч ва металлларга ишлов беришни таққослаш, ўқувчиларни янги хулосаларга олиб келиши лозим. Хусусан, ўқувчилар материалларни қирқиш билан ишлашнинг ҳар хил усуллари ягона табиий-илмий қонуниятлардан фойдаланишга асосланишига ишонч ҳосил қилишлари зарур. Айтилганлардан кўриниб турибдики, такрорлаш дарслари ўқувчиларга янги билимлар бериш элементларини ҳам мўз ичига олади.

Ўқувчиларнинг билим ва малакаларини умумлаштириш ишлари бутун таълим даврини қамраган ҳолда олдиндан тузилган план асосида олиб борилсагина самарали бўлади.

5. Билим, кўникма ва малакаларни текшириш дарси.

Устахонадаги ҳар бир машғулотда ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини текширишга эътибор берилади. Шу билан бирга уларни комплекс текшириш мақсадида назорат ишлар ўтказилади, бу контрол ишлар махсус дарсларда амалга оширилади. Бу дарсларда ўқувчилар мустақил ишлайдилар. Шунга кўра иш объектлари алоҳида синчиклаб танланиши уларни тайёрлаш процессида ўқувчилар билмайдиган маълумот ва меҳнат усуллари бўлмаслиги керак.

Нazorat ишининг мазмуни қайси синфда ўтказилаётганига қараб белгиланади. 5-синфда ўқувчилар жуда кўп техник ҳужжатлар бўйича, яъни меҳнат топширигини бажариш учун зарур ҳамма маълумотлар мавжуд бўлган ҳужжатлар бўйича ишлайдилар. Шундай қилиб, 5-синфда аслида ўқувчиларнинг техник ҳужжатлардан фойдаланиш ва буюмнинг берилган аниқлигига эришиш малакалари текширилади. 4-синфда назорат иш фронтал йўсинда ўтказилиши мумкин. Ўқувчилар кейинги синфларда маълумотлар тўла бўлмаган ҳужжатлар билан ишлаб бошлайдилар. Шу

сабабли назорат ишларда ўқувчилар фақат мураккаброқ ишлов беришни бажариб қолмай балки чуқур билимларини ҳам кўрсата олишлари керак. Ўқувчилар чизмаларни ўқишда, асбобларни танлашда, ишлов бериш изчиллигида ўзларининг мустақилликларини старли даражада кўрсата олишлари учун 7-8 синфларда билим, кўникма ва малакаларни текшириш дарсларида иш объектларини ҳар хиллаштириш ҳамда машғулотларни ташкил қилишнинг якка шаклини қўллаш маъқулдир.

9-синфда яқунловчи текшириш иши ўтказилиши мумкин , бу иш ўз ичига станокларда металларга ишлов бериш. чилангарлик ишлари. чилангар-механик ва электромонтаж ишларини олади.

Ўқитувчи назорат ишлар ҳақида ўқувчиларни олдиндан огохлантириб қўяди.

Кўриб чиқилган дарс хиллари билан бир каторда меҳнат таълими амалиётда кўпинчв комбинациялашган дарсдан фойдаланилади, бу дарснинг тавсифли жиҳати шуки, унда бир вақтнинг ўзида аҳамиятта эга ҳар хил таълимий вазифалар бажарилади (масалан, янги билимлар бериш ва малакаларни шакллантириш).

Бундай дарснинг хусусиятлари кейинги бобда кўрилади.

Тестлар тузишга онд саволлар:

- 1.Техник меҳнат дарсининг фарқли хусусиятлари нималардан иборат?
- 2.Меҳнат таълими дарсига қандай дидактик талаблар қўйилади?
- 3.Меҳнат таълимида дарсдан билим таълимий ишнинг қандай формалари қўлланади?

4.Меҳнат таълими дарсларининг асосий типларини ифодалаб беринг ?

5.Меҳнат таълими дарси қандай асосий босқичлардан иборат бўлиши мумкин?

14.6. Меҳнат таълими дарсларига тайёргарлик.

1. Меҳнат таълимининг асосий дарслари назарий ва амалий машғулотлардан иборат. Ўқувчилар меҳнат таълимининг назарий асосларини ўзлаштиришлари учун тахминан 20 % ўқув вақтини сарфлашга режаланади. Уйда ва меҳнат кутубхонасида мустақил равишда ҳар бир мавзунинг назарий асосларини ўзлаштиришлари лозим. Ўзлаштирган материаллар ҳолатини 2-3 та тест саволлари орқали ўқитувчи ҳар бир мавзуни охирида аниқлаб олади. Бу ҳолатни илмий жиҳатдан аниқлаш учун меҳнат таълими ўқитувчи мактаб кутубхоначи ва ўқувчиларни тегшишли замонавий техник-технологик, умумий таълим фанлар, фан-техникага онд журналлар ва бошқа манбалар рўйхати, интернет ва қўлда

тайёрланган моделлар, мосламалар, дидактик материаллар , ахборотномалар, ўқувчиларга мўлжалланган кичик тўпламлар қўшимча манба бўлиб хизмат қилади.

2. Устахоналарда мавжуд бўлган станоклар, асбоб-ускуналарни , дастгоҳларни, мосламаларни таъмирлаб амалий ва лаборатория дарсларига тайёрлаш.

3. Амалий иш объектлар учун хом ашёлар тўплаш, эскизлар, чизмалар, технологик хариталар ишлаб чиқиш.

4. Ўқувчилар тайёрлаган буюмларни, ишларни яқунлаган ҳолатини назорат этишга қаратилган саволлар, тестлар, намуналарни ишлаб чиқиш дарсга тайёргарликни ташкил этади.

Шулардан келиб чиқадики, меҳнат таълими ўқитувчиси дарсга тайёрланишида қуйидагиларни ҳисобга олиш зарур:

1. Дарснинг мақсади:

а) дарснинг таълимий мақсади: ўқувчиларда янги атама, тушунчаларни шакллантириш;

б) дарснинг тарбиявий мақсади: ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш;

в) дарснинг ривожлантирувчи мақсади: ўқувчиларнинг тасаввури, хотираси, кузатувчанлиги, тафаккури, нутқи, ўқув жараёнида кўникма, ўқув ва малакаларини шакллантириш ва уларни ривожлантириш.

2. Дарс материалининг мураккаблик даражасини аниқлаш: дарс материалининг амалиёт билан ва олдинги ўтилган материаллари билан бевосита боғланишини аниқлаш, ўқувчиларнинг мустақил ишлари учун вазифа бериш дарс жиҳозини тайёрлаш, қўшимча бериладиган топшириқлар ҳажмини аниқлаш.

3. Дарснинг дидактик вазифаси: мақсадга олиб келувчи масалаларнинг кетма-кетлигини аниқлаш.

4. Ўқитиш усулларининг оптимал вариантларни танлаш.

5. Дарснинг тузилиши (структураси) ни аниқлаш: дарсни самарали бошлаш ва вақтни тўғри тақсимлаш, дарснинг режаси ва яхлитлигини, ўқувчи ва ўқитувчи фаолиятининг ўзаро узвийлигини таъминлаш.

6. Дарсда режалаштирилган вазифани бажаришда дарс функциясига алоҳида эътибор бериш лозим.

14.7. Дарс функциялари.

1. Дарсни ўтиш ўрни: синф, кабинет, устахона, корхона ва ҳоказо.

2. Дарсни ўтиш: жадвао асосида.

3. Ўқувчилар сони: битта синф.

4. Дарсда ўқитувчининг фаолияти: суҳбат, ҳикоя, тушунириш, маъруза, инструктаж, муаммоли вазият яратиш ва уни ҳал қилишга ўқувчилар диққатини жалб этиш.

5. Билим олишда ўқувчилар фаолиятининг турлари: ўқувчиларнинг ўқитувчи саволларига жавоб бериши, дафтарга ёзиш, кузатиш, фронтал тажриба ўтказиш, ўқитувчи саволларига китоб ва журналлардан, бошқа манбалардан жавоб излаб топиш, муаммоли саволарга жавоб топиш, масала ечиш, лаборатория ва практикум машғулотларни бажариш ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиш.

6. Билим, кўникма ва малакаларни текшириш усуллари: фронтал, индивидуал, гуруҳ ва оммавий сўраш, ёзма синов иш, тест, рейтинг, диктант, ишпо, дастурлаштирилган синов иш, дарслик билан мустақил ишлашни ва тажриба ўтказишни текшириш ва баҳолаш.

Мазкур бобдаги материалларни ҳар бир § юзасидан мустақил равишда куйидаги технологияга биноан тўлдириш, бойитиш ва чуқурлаштириш:

1. Мазкур мавзуга доир янги материаллар тўплаш ва уларни ар томонлама (педагогик, психологик, ташкилиметодик, дидактик, методик-социологик, ДТС, тест, рейтинг нуктаи назаридан) ўрганиш, таҳлил қилиш, ҳамкасблар орасида мавзу юзасидан тегишли тест ўтказиш ва унинг натижалари асосида хулосалар тайёрланг.

2. Мазкур мавзу юзасидан бошқа манбалар билан танишиб, ўзлаштириш. Улардан гўпланган қўшимча маълумотлар билан кўлингиздаги асосий материалларни бойитиш, чуқурлаштириш, кенгайтириш ҳамда мазкур йиғилган материаллар бўйича тегишли хулосалар ва таклифлар тайёрланг.

3. Асосий ва қўшимча материалларни таҳлил жараёнида аниқланган педагогик, методик, дидактик ва ташкилий лавозим заминида фапларга хос гоёлар, тушунчалар, омиларни аниқ тизим ёки модель ҳолатига келтириш ҳамда уни график шаклларида тайёрланг.

4. Юқорида қайд этилган топшириқларни бажариш жараёнида тўпланган маълумотлар асосида амалий фаолиятингизга хос чора-тадбирлар (дастур, амалий режалар, лойиҳалар, тизимлар, касбий-педагогик, дидактик моделлар ва х.к) ишлаб чиқинг, тайёрланган материалларингизни тегишли кафедралар билан келишган ҳолатда гуруҳингизда илмий ҳимояга тайёрланг.

5. Мазкур материаллар асосида 5 та тест саволлари ва уларга тегишли жавоблар ишлаб чиқинг.

6. Мазкур материаллар асосида 10-15 тагача рейтинг усулларига хос кўрсаткичлар, мезон ва меъёрлар ишлаб чиқинг.

7. Фойдаланилган адабиётлар рўйхатини келтиринг.

XV БОБ. ТЕХНИК МОДЕЛЛАШ ВА КОНСТРУКЦИЯЛАШ ДАРСЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ УСЛУБИ

15.1. Техник моделлаш юзасидан умумий тушунчалар

Замонавий техника объектларини, аппаратлар ҳамда механизмларни конструкциялаш ва моделлаштириш амалий таълим дастурини ҳамда политехник тайёргарлик талабларини меҳнатнинг бошқа қандайдир объектига нисбатан кўпроқ қаноатлантиради. Ўқув устахоналаридаги техник _____ конструкциялаш ва моделлаштиришни малакали конструкторлар, технологлар, станокчи-ишчилар, йигувчилар ва ростловчилар фаолиятида ўтадиган жараённинг (ихчам) ҳолатига қийёслаш мумкин. Чунки меҳнат шароитларида янги машиналарни яратиш жараёнини ҳам, ўқув устахоналарида техник моделларни ясаш жараёнини ҳам қуйидаги жиҳатлар ташкил қилади: техник мақсаднинг (машиналар, механизмлар конструкциясини, моделларни ясаш фикрининг) вужудга келиши; ўйланган техник мақсадга техник талаблар қўйиш; конструкция эскизларини тузиш ва уни муҳокама қилиш; технологик жараёнини ишлаб чиқиш ҳамда керакли материаллар ва асбобларни танлаш; мўлжалланган буюм деталларини тайёрлаш ва уларни узелларга, узелларни буюмга йигиш, буюмни ишлатиб синаш ва уни ростлаш. Мана шулар таълим мобайнида машиналар, механизмлар, аппаратлар ва ҳоказоларнинг яратишнинг асосий тамойиллари билан назарий жиҳатдан ҳам, амалда ҳам муфассалроқ танишиш имконини беради. Бу ҳолатларда саноат корхонаси конструкторлик бўлимининг таркиби, конструктор ва чизмачи-конструкторнинг иш ўрни муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчилар бу махсус иш жойи билан танишишлари лозим. Шунда улар била оладиларки, ҳар бир корхоналарда бош конструктор бўлими бўлади. Одатда бу бўлим таркиби корхона ишлаб чиқарадиган буюмлар турига кўра асосий ва ихтисослаштирилган конструкторлик бюроларидан ташкил топади. Ҳар қайси конструкторлик бюроси машиналарнинг муайян бир типи билан шуғулланади. Ҳар хил машиналар устида ишлайдиган бир нечта конструкторлик гуруҳларидан тузилади. 1-2 та гуруҳ серияли машиналардаги йигиш бирликларини ўзгартириш асосида чиқариладиган махсус машиналарни яратади.


Заводнинг профили ва ишлаб чиқариш микёсига боғлиқ ҳолда унда бир нечта бош конструктор бўлими ва бир нечта бош конструкторлар бўлиши мумкин.

Конструкторлик ташкилотлари шуғулланадиган лойиҳалаш объектта лойиҳа топширигини тузишдан объектни ясаш учун ишчи чизмаларни тайёрлашгача бўлган ишлар мажмуидан иборат бўлиб, жуда мураккаб ва узок давом этадиган жараён ҳисобланади.

Лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотларида меҳнат унумдорлигини ошириш учун энг сермеҳнат операцияларни турли техник воситалар ёрдамида механизациялаштириш ва автоматлаштиришга алоҳида эътибор берилади. Бунда иш ўрнини рационал ташкил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Конструкторлик бюрolariда чизма столлари чизма тахтанинг баландлиги ва қиялигини ўзгартириш имконини берадиган қурилмалар билан жиҳозланади. Чизмакеш-конструктор тик туриб ишлаётганида тахта вертикалдан тахминан 15° огиб турса, ўтириб ишлаётганида эса 45° огиб турса, камроқ чарчаши аниқланган. Кўпинча чизма столларига ўрнатиладиган механик рейшина чизманинг бажарилишини анча тезлаштиради. Унинг ёрдамида ўзаро перпендикуляр ва параллел чизиклар ўтказиш мумкин. Рейшинанинг айланадиган бошчаси даражаларга бўлинган шкала билан таъминланган бўлиб, у чизгичнинг оғишини ўзгартириш имконини беради (1-расм).

Механик рейшина бир учига кўндаланг колодка ўрнатилган узун линейка кўринишидаги оддий чизгичнинг, шунингдек, ўлчов чизиги, чизмачилик учбурчаги ва транспортир ўрнини босади.



1-расим . Чизмакешлик столлари:

А) Энг оддий чизмакешлик столи; Б) қўлланмали чизмакешлик столи

Қаламлар, циркуль, резинка ва бошқа асбобларни жойлаштириш учун чизма столи нов ва токча билан таъминланган.

Конструкциялаш жараёнида чизишдан ташқари турли ҳисоблашларни бажаришга, справочник адабиётлар билан ишлашга, чизмаларни кўриш ва ҳоказоларга ҳам тўғри келади. Бунинг учун эса конструкторнинг иш ўрнига ёзув столи қўйилади.

Кичик ташкилий техника воситаларини: қалам учини очадиган электр машинка, штрихловчи прибор, эллипсограф, мураккаб эгри чизиклар чизиш учун андаза ва ҳақозоларни қўллаш туфайли чизмачилик ишларининг унумдорлиги ортади. Конструкторга ёрдам сифатида яратилган мосламалар, асбоблар ва приборлар унинг конструкторлик ҳужжатларини ишлаб чиқишнинг турли боскичларидаги ишини енгиллаштиради.

Ҳозирги пайтда лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотларнинг кўпчилигида ҳар хил чизмаларни тез ва аниқ бажариш имконини берадиган, энг муҳими лойиҳалаш жараёни вақтини анча қисқартирадиган автоматик графика тизимларидан муваффақиятли фойдаланилмоқда.

15.2. Конструкторлик ҳужжатларининг турлари

Конструкторлик ҳужжатларига графика ва матн шаклидаги ҳужжатлар киради. Улар алоҳида ҳолда ёки биргаликда буюмнинг таркиби ва тузилишини белгилайди, уни ишлаб чиқиш ёки тайёрлаш, назорат, қабул, қўллашни ва таъмирлаш қилиш учун зарур маълумотларга эга бўлади. Конструкторлик ҳужжатларининг қуйидаги асосий турлари назарда тутилган:

1. Детал чизмаси – буюмнинг тасвири ва уни йиғиш, тайёрлаш ҳамда назорат қилиш учун керакли бошқа маълумотлардан иборат ҳужжат.

2. Йиғма чизма - буюмнинг тасвири, уни йиғиш (тайёрлаш) ва назорат қилиш учун керакли бошқа маълумотлардан иборат ҳужжат.

3. Умумий кўринишдаги чизма – буюмнинг конструкциясини, ундаги асосий таркибий қисмларининг ўзаро таъсирини белгиладиган ва буюмнинг ишлаш тамойилларини оидинлаштирадиган ҳужжат.

4. Ғабаритли чизма – буюмнинг ғабарит, жойлашган(установкали) ва бириктириш ўлчамлари ифодаланган контур (содаллаштирилган) тасвирдан иборат ҳужжат.

5. Монтаж чизмаси – буюмнинг контур(содаллаштирилган) тасвирдан, шунингдек, уни тегишли жойга ўрнатиш (монтаж қилиш) учун керакли маълумотлардан иборат ҳужжат.

6. Схема - буюмнинг таркибий қисмлари ва улар ўртасидаги боғланишлар шартли тасвир ёки белгилар орқали кўрсатилган ҳужжат.

7. Спецификация – йиғиш бирлигининг таркибини белгилайдиган, яъни чизмада ифодаланган йиғиш бирлиги таркибига кирадиган деталлар рўйхатидан, уларнинг сони ва баъзи технологик маълумотларидан иборат ҳужжат.

8. Тушунтириш хати – тайёрланаётган буюмнинг тузилиши ва ишлаш тамойилларининг тавсифидан, шунингдек, уни ишлаб чиқишда қабул қилинган техник ва техник-иктисодий ечимларнинг далилларидан иборат ҳужжат.

9. Жадвал – ўз вазифасига кўра жадвал шаклига келтирилган тегишли маълумотларидан иборат ҳужжат.

10. Маҳсулот - сифатнинг техник даражаси харитаси – буюмлар сифатининг техник даражасини ҳамда унинг техник ва иктисодий кўрсаткичлари фан ва техника ютуқларига, шунингдек, халқ хўжалиги эҳтиёжларига мувофиқлигини белгилайдиган маълумотлардан иборат ҳужжат.

15.3. Деталнинг конструктив ва технологик элементлари ҳақида тушунча

Бу тушунчани тезликлар қутисининг подшипникли ва тишли гилдиракли вали мисолида ифодалаш мумкин (2-расм).

Валнинг асосий элементлари: фаскалар 1, тишли гилдирак ва подшипниклар учун бўйинчалар 2, ариқчалар 3, чиқиқ 4, шпонкали ўйиқ 5, вал торецларидаги марказловчи чуқурчалар 6 дан иборатдир.

Бўйинчалар, чиқиқ ва шпонкали ўйиқлар йиғиш бирликларидаги бошқа деталларининг тегишли элементлари билан тутишади (бирикади). Бу элементларнинг ўлчамлари, шакли ва ўрни ўзаро бирикувчи деталларга мосланган ҳамда буюмнинг вазифаси ва ишлашини назарда тутиб ҳисоблаш ҳамда конструкторлик мулоҳазалари асосида ўрнатилган. Бундай элементларни конструктив элементлар деб аталади. Қолган элементлар: фаска, ариқча, марказловчи чуқурча ва ҳаказолар детални тайёрлаш ҳамда уни бошқа деталларга бирлаштириш қулай бўлиши учун технологик талаблардан вужудга келган. Масалан, деталнинг фаскалари буюمنى йиғиш қулай бўлиши (торецлар зич бириқиши) учун зарур. Ариқчалар вал бўйинчисини силлиқлашда силиқ халқа юзага чиқиши учун керак, марказловчи чуқурча эса валии ишлашда таянч сифатида хизмат қилади. Одатда вал марказдаги станокка ўрнатилади. Деталлардаги уларни тайёрлаш операциялари билан боғлиқ элементлар технологик элементлар дейилади.

15.4. Машиналарни конструкциялаш тўғрисида умумий тушунчалар

Конструкциялаш деганда конструкторлик хужжатиши ишлаб чиқишнинг ижодий ва тизимли жараёни тушуниладики, бу хужжатнинг хажми ва сифати машинасозлик технологиясининг барча талабларига риоя қилган ҳолда машинани тайёрлаш имконини беради.

Конструкциялашда машинанинг конструктори егакчи роль ўйнайди. У машинани тайёрлаш, уни синаб кўриш, танилган техник ва конструктив ечимларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш, шунингдек, бундай машиналарни доналаб, серияли ёки кўплаб ишлаб чиқишни йўлга қўйиш учун асос бўладиган график ва матнли хужжатларнинг тўла комплектидан иборат конструкторлик лойиҳасини ишлаб чиқиш; машинадан фойдаланиш жараёнини, унинг ишлаш тамойилларини, машинани эксплуатация қилиш ва пухталиги ҳамда узоқ ишлашини таъминлаш учун унга хизмат кўрсатиш қоидаларини билиши керак.

Конструкторлик хужжатлари конструкторлик ижодининг самараси, конструктор учун ўз ижодий фикрларини ифодалашда ва машинани тайёрловчиларга етказишда ёрдам берадиган восита ҳисобланади. Конструкторлик хужжатларини ишлаб чиқишда чизмакаш- конструктор ҳам катта роль ўйнайди. У буюмнинг конструктор ишлаб чиққан умумий кўриниши чизмаси бўйича айрим деталларнинг ишчи чизмаларини бажаради, корхонада технологик жиҳозлар мавжудлигига қараб айрим деталларни тайёрлаш технологиясини белгилайди, деталларнинг ишлов беришга қулай, емирилишга чидамли, таъмирлаш қилишга яроқли конструкцияларини ишлаб чиқади, намуналар синалгандан кейин чизмаларни қайта ишлашда ва тузатишда катнашади, хусусиятларни ва спецификация ведомостларини, жадвалларни, тушунтириш хатларини ва хоказоларни тузади.

Чизмакаш- конструктор ўз вазифасини моҳирона бажариш учун чизмалар ва жадвалларни яхши ўқиш ва чизишда техник адабиётлардан, сўровномалардан фойдаланишда ёрдам берадиган муайян билимлар ҳамда кўликмаларни ўзлаштириши зарур.

15.5. Техник конструкциялаш ва моделлаштиришни ўргатиш методикасининг айрим масалалари

Касб таълими факультетларини битирганлар бошқарадиган меҳнат политехник таълимдан олдин ўқувчиларда дастлабки технологик билим ва кўникмаларни шакллантиришдан, уларни унумли меҳнатга жалб қилишдан ташқари, ўғил ва

қизларда техник тафаккурни ҳамда конструкторлик қобилиятларини ривожлантириш керак.

Бўлажак ўқитувчиларни ўқувчиларнинг техник ижодқорлигини бошқаришга тайёрлаш учун студентлар конструкциялаш ишларини ўзлаштиришлари лозим. Конструкциялаш жараёни деталнинг шаклини, ўқув устахонасида уни тайёрлаш имкониятини аниқлаш бўйича мустақил фикр юритиб ишлашни тақозо қилади.

Бир нечта деталлардан иборат буюмни конструкциялашда шу деталларнинг бириктириш йўллари ва ўзаро таъсири, уларни ишлаш ҳамда йиғиш тартиби белгиланади, яъни қилинадиган ишларни олдиндан планлаштириш ва тушуниб олиш амалга ошади.

Конструкциялаш машгулотлари ақлий фаолият малакаларини шакллантиради, қузатувчанликни ривожлантиради, ўқув материални онгли ва пухта ўзлаштиришда ёрдам беради, меҳнат кўникма ва малакаларининг шаклланишини тезлаштиради.

Юқорида айтилганлардан бўлажак техник меҳнат ўқитувчиси ўзлаштириш лозим бўлган конструкциялаш тажрибаси қанчалик ката аҳамиятга эга эканини яққол аниқлаш мумкин. Меҳнат ўқитувчиси буюмларни конструкциялаш ва моделлаштиришни, ёш конструкторларга раҳбарлик қилишни албатта билиши керак.

Техник моделлаштириш жараёнини қуйидаги учта асосий босқич ташкил этади:

1. Модель ясаш учун техник ҳужжатлар тайёрлаш.
2. Моделни ясаш.
3. Уни синаб кўриш.

Ишлаб чиқариш шароитидаги техник моделлаштиришнинг асосий вазифаси яратиладиган машина ишлаб чиқаришга яроқлилигини текшириш учун моделни синаб кўришдир. Шу сабабли техник моделлаштиришнинг дастлабки иккита босқичи учинчисига нисбатан ёрдамчи босқичлар ҳисобланади.

Мактабда ёки педагогика институтининг ўқув устахонасидаги техник моделлаштириш босқичларининг ўзаро муносабати бошқачадир. Техник ижодқорликни ўргатишда техник ҳужжатларни тайёрлаш ва модел ясаш ҳам уни

синаб кўриш каби муҳим аҳамиятга эгадир. Баъзи ҳолларда эса дастлабки иккита босқич таълим жараёнидаги аҳамиятига кўра асосий босқичлар ҳисобланади.

Педагогика олий ўқув юртидаги техник моделлаштиришни студентларнинг: турли буюмлар тайёрлаш билан боғлиқ бўлган; уларнинг замонавий ишлаб чиқариш асослари ҳақидаги тушунчасини кенгайтирадиган; уларда конструкторлик қобилиятларини ривожлантирадиган техник билимларни чуқурлаштирадиган; материалларга ишлов бериш кўникма ва малакаларини мустаҳкамлайдиган фаолияти деб тушуниш керак.

Шундай қилиб, ишнинг объекти эмас, балки уни тайёрлаш жараёнида талабалар олдига қўйиладиган вазифалар ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Талабаларга конструкциялаш ва моделлаштиришни ўргатиш жараёнини қуйидаги асосий босқичларга бўлиш мумкин:

1. Объектларни мукамал техник ҳужжатлар бўйича тайёрлаш.
2. Объектларни қисқарган техник ҳужжатлар бўйича тайёрлаш.
3. Объектни техник шартлар бўйича ёки ўз ихтиёрича тайёрлаш.

15.6. Техник конструкциялаш ва моделлаштиришнинг мазмуни, босқичлари ҳамда методикаси

Техник моделлаштириш жараёнида конструкциялаш элементларини ўргатиш тажрибаси қатор мураккаб вазифаларни қуйидаги тартибда бажариш айти мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

1. Чизмалар эскизларини ўқиш ва тайёрланадиган деталлар конструкциясини тушунтириш.
2. Ҳисоблаш асосида айрим деталларнинг конструкцияларини ўзгартириш, ана шу ўзгартиришларни чизмага киритиш ва кинематик схема тузиш.
3. Деталларни бириктириш ва мустаҳкамлаш йўлларини белгилаш.
4. Деталларни йиғиш жараёнида уларни ўрнатиш жойларига кўра конструкциялаш.
5. Конструкцияда стишмайдиган деталлар ва узелларни лойиҳалаш .
6. Кинематик ва принципиал схемалар бўйича деталларни конструкциялаш.
7. Техник талаблар, шунингдек, топшириқ бўйича ёки ихтиёрий равишда деталлар тайёрлаш.
8. Деталларни узелларга, узелларни моделга йиғиш ва моделни ишда синаб кўриш.

9. Аниқлашган камчиликларни тузатиш, моделларни такроран ишда синаб кўриш ва лардозлаш.

Ҳар бир босқични бирмунча тушунтирамиз.

Агар ўқувчилар билиш, ижрочилик фаолияти доирасида тайёр техник-технологик ҳужжатлар буйича модел яасалар ,улар биринчи галда моделнинг конструкциясини , деталлар ва узелларнинг эскиз ҳамда чизмаларини, уларга ишлатилган материалларни ўрганадилар, ҳар бир детални, узелни ва умуман моделни синчиклаб конструктив анализ қилиб, мана шу моделга хос конструктив ва технологик нуқсонларни аниқлайдилар.

15.7. Конструкциялаш ва моделлаштиришда тузиладиган техник ҳужжатлар

Техник моделлар учун ишлаб чиқариладиган технологик ҳужжатларни икки вариантда бажариш мумкин:

1. Умумий кўринишнинг расми, тафсилоти, йиғиш ва деталлаштириш чизмалари шаклида;

2. Умумий кўринишнинг расми, фотоси, тафсилоти, узелларнинг тузилиши ва деталлаштирилган чизмаларнинг кинематик схемаларининг фотолари ҳамда моделга қўйиладиган талаблар шаклида.

Техник конструкциялаш ва моделлаштиришни ўргатиш борасидаги кўп йиллик тажриба талабалар иккинчи вариант яхшироқ идрок этишини кўрсатади. Чунки улар анна шу вақтга қадар техник чизмачиликни, хусусан, йиғиш чизмаларини бажарилишини ўзлаштирган бўладилар. Фотолар кўрсатмали қўлланма сифатида талабалар учун тушунарлироқ восита ҳисобланади. Унда айрим узелларнинг эмас, балки деталлар ҳам яхши кўринади. Бу эса талабаларга деталларнинг узелларида ва узелларнинг моделида ўзаро жойлашувини тушуниб олишда ёрдам беради. Агар фотолар бўлса, йиғиш технологик карталарига эҳтиёж қолмайди ва шу сабабли технологик ҳужжатлар анча қисқаради. Худди шунинг учун ушбу қўлланмада умумий кўринишнинг одатдаги расмлари ва йиғиш чизмалари ўрнига модел узеллар тузилишининг фотолари берилди.

Техник моделлаштириш жараёнида асосан қуйидаги техник ҳужжатлар бўлиши шарт:

1. Техник топшириқлар(моделнинг тузилиши ва ишлаш принципининг тавсилоти): Унга қўйиладиган техник талаблар; умумтаълимий предметлар билан

предметларро алоқага эга бўлган билимларини мустаҳкамлаш учун саволлар, тайёрланган конструкцияни такомиллаштиришга доир вазифалар.

2. Модел приборининг умумий кўриниши ва узеллари тузилишининг фотолари.

3. Кинематик ва принципиал схемалар.

4. Моделдаги узеллар ва деталларнинг шифрлари; уларнинг номлари: типовой асбоб ускуналарининг номлари ифодаланадиган спецификация.

5. Типовой технологик карталар.

6. Типовой технологик асбоб-ускуналар.

Педагог умумий кўриниш ва узелларнинг тузилиши фотоларидан талабаларга умуман моделнинг, хусусан, айрим узелларнинг ташқи кўриниши ва формаларининг, шунингдек, уларнинг тузилишини, ўзаро жойлашувини ва деталларнинг ўрнини бириктириш характерини яхшироқ тушунтириш учун фойдаланади.

Спецификация фотодан керакли узел ёки детални унга ишлатилган материални аниқлашда мазкур детал чизмасининг номери маълум бўлгани учун уни топишда керакли типовой технологик картапи ва уни тайёрлашда қўлланиладиган зарур асбоб ускуналарни излашда ёрдам беради. Талабаларга буюмнинг тузилиш ва ишлаш принципини тушунтириш учун ҳаракатланадиган моделларга кинематик ва принципиал схемалар тузилади. Анна шу схемалар орқали узеллар, деталларнинг ўзаро таъсирини; бир-бирига боғлиқлигини, моделдаги ҳаракатларнинг турларини осонгина билиб олиши мумкин. Сода моделларни конструкциялаш ва ясашда кинематик ёки принципиал схемаларини бермаслик мумкин.

Одатда барча моделлар приборлар ва макетлар учун ишчи чизмалар тўлик бериледи. Лекин ўрганувчилар буюмнинг конструкциясини тўлдиришни яхшилаши ёки ўзгартириши янги деталларни, узелларни конструкциялаши ва ясаши уларнинг чизмалари ҳамда технологик жараёнини ишлаб чиқиши кераклигини ҳисобга олиб айрим моделларнинг техник ҳужжатлари тўла берилмайди.

Бунда дидактика талабларини, яъни ўрганувчилар ишлаб чиқарадиган деталларнинг конструкцияси ҳамда чизмаларнинг геометрик формалари ва

тайёрланиш технологиясини аста-секин мураккаблашиб боришини назарда тутиш мумкиндир. Чизмаларда деталларни тайёрлаш учун зарур маълумотларгина, масалан, деталларнинг шифр ваномлари, сони, материал, агар, зарур бўлса чизмага муайян даражада аниқлик киритадиган техник талаблар ёки эслатмалар ифодаланиши мумкин.

Масалан, туника листидан детал тайёрлашда уни 90° ли ёки бошқача бурчакли қилиб букиш лозим. Бўлса, бир неча проекцияни беришнинг хожати йўқ. Бунда энг яхшиси ёйилма ҳолидаги (ёйилма) деб ёзилган битта проекцияни бериш ва эслатмада «пунктир» чизиқ бўйича 90° ли ёки бошқача бурчак ҳосил қилиб букилсин, дея таъкидлаш лозим.

Чизмаларда қандайдир маълумотлар «ўткирлаш, юмалоклаш тасвирлари» ёки «ўткир қирралар ўтмаслаштирилсин» ва бошқа ёзувларнинг йўқлиги деталларни тайёрлашда зарурат бўлса ҳам, ана

шулар бажарилмаслигини аниқламайди. Ана шу ҳамма асбоб – ускуналарнинг технологик ҳужатлари (умумий кўринишнинг фотолари, чизмаларнинг пайваста кетмаслиги, верстаклар, станок ва уларнинг қаторлари ораси белгиланган номативлар доирасида бўлиши, чеккадаги верстаклар, станоклар катори билан устахона деворлари ораллиги 0,5 метрдан кам бўлмаслиги) керак. Жилвирли чархлар, пармалаш станоклари каби ускуналар педагогнинг иш ўрнига яқин ўрнатилиши ва иккинчи вўқлучателарга эга бўлиш керак. Токарлик фрезалаш станоклари ва жилвирли чархлар органик ойнадан ясалган электр блокировкали химоя экрани билан таъминланиши зарур. Слесарлик верстаклари химоялагич тўр, индивидуал ўриндик ва асбоблар набори бўлган, плашет билан таъминланиши керак. Станоклар ва бошқа ускуналарнинг иш вақтида ўқувчилар учун хавфли барча қисмлари ишончли химоялагич мосламалари билан ўраб қўйилади. Электромонтаж ишларини бажариш учун устахонада 5-6 иш ўринли стол ва шунча миқдорда электрқавлагич ҳамда электр розеткаси бўлиши зарур. Устахонада қўлларни ювиш, кийимлар ва коржомаларни сақлаш учун шароит яратиш лозим.

Устахона майдонидан рационал фойдаланиш, тозалик, деворлар ва ускуналарнинг тўғри бўялиши эстетика талабларига риоя ва намунали тартиб ўрнатилиши талабаларда интизомни ва давлат мулкига эҳтиёткорона муносабатни тарбиялашда катта аҳамиятга эга. Мавжуд ўқув устахоналарининг кўплари

юкориди айтилган талабларга тўла жавоб бера олмаслигини ҳисобга олиб, ўқитувчи ана шу талабларни билиши ва уларни бажариш учун ҳамма имкониятлардан фойдаланиш керак. Маълумки мактабларда қуриб бўлинган ўқув устaxonалари ва уларнинг тузилган лойиҳалари кўп жихатдан меҳнат таълими методикаси ҳамда техник конструкциялаш ва моделлаштириш учун меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш талабларига мос эмас. Шу нуқтаи назардан тўғри тўртбурчак шаклидаги устaxonалар қатор камчиликларга эга. Ускуналар (верстаklar) нинг 7-8 қатор қилиб бир қизиқ бўйлаб жойлаштирилиши

(охирги қатордаги верстаklar ўқитувчининг иш ўрнидан тахминан 10-11 метр нарида туриши) ўқитувчи тушунтираётган ва намойиш этаётган иш усулларини талабалар яхши эшитиши ва қўришига мўънелик қилади.

Шунинг учун педагог аниқ топшириқларни беришдан олдин ўрганувчилар диққатини техник талабларнинг натижаси бўлиши ана шу вазифаларни бажаришга жалб этиши керак.

Чизмаларда тайёрланган деталларнинг аниқлик даражаси кўрсатилмаслигининг сабаби моделларнинг шартлари берилганларидан бошқа ҳамма деталлари учун ихтиёрий ўлчамлар берилишидир. Таъриба кўрсатадики, ўрганувчилар ўқув устaxonаларидаги практикум программасида кўзда тутилган металлдан буюмлар тайёрлашда ишни миллиметрнинг ўндан бир улушигача аниқликда бажара оладилар. Бу эса 2-разрядли йиғувчи-слесарлик касбининг квалификация характеристикаси талабларига тўла жавоб беради. Тозалик даражалари ишлов бериш характерига кўра белгиланмайди, одатда зубило, арра, эгов ва кескич, айрим ҳолларда жилвир қозғалдириш ёрдамида тозалаш билан чекланиладики, бу иш тозаликнинг тахминан 2-4 даражаларига тўғри келади.

Тайёрланадиган деталларга доир типовой технологик карталар ҳам чизмалар сингари мураккаблигини ортиб борадиган йўсинда тузилади, яъни уларнинг дастлабкилари содда бўлиб, бир нечта оддий операцияларни, шунингдек, бир нечта содда иш асбоблари ва мосламаларни ўз ичига олади. Бу карталар кейинги ҳар бир буюмга мураккаблашиб боради. Уларга операциялар, асбоблар, мосламалар ва материаллар ҳақидаги янги маълумотлар қўшилади.

Буюмнинг технологик жараёнини яққолроқ кўрсатиш учун таълимий-технологик картада (ишлаб чиқаришдагидан фарқли равишда) операция ва

Ўтишларнинг эскизлари берилиши керак. Тайёрланадиган моделлар ва приборлар сифатини, шунингдек, меҳнат унумдорлигини ошириш учун талабаларга технологик жиҳозлардан (букиш ва тешик очиб мосламаларидан, металл кесадиган ва радиус бўйича киркадиган, спирал пружиналарни ўрайдиган, ўйик очадиган ва шайбаларни кесадиган мосламалардан, мураккаб контурни деталларни режалайдиган ва уларга ишлов берилладиган андазалар ҳамда кондукторлардан, турли қисқичлар, тортқиларидан ва йиғиш, парчинлаш каби ишлар учун керакли бошқа асбоблардан) фойдаланишни ўргатиш зарур.

Шундай қилиб, педагог техник конструкциялаш ва моделлаштириш бўйича амалий машгулотларда талабалар кучи билан юқоридаги асбоб-ускуналарни тайёрлашда ортиқча кийинчилик сезмайди.

Ўرғапувчилар тайёрланган ҳар бир техник модел текширилиши ва ишда синаб кўрилиши керак. Ана шу текшириш ва синаб кўриш куйидаги тартибда ўтказилиши лозим:

1. Моделнинг умумий кўриниши ва узелларининг тузилиши фотосига мувофиқ ундаги барча элементларни текшириш.
2. Умуман буюмнинг, хусусан, деталларнинг габарит ўлчамларини назорат қилиш ва уларни чизмалардаги ўлчамлар билан солиштириш.
3. Пардозланган буюмнинг ва ундаги айрим узелларнинг ташқи кўринишини кўздан кечириш.
4. Буюмнинг геометрик формалари тўғрлигини баҳолаш (буралган, қийшайган ва нуқсонли жойларини аниқлаш).
5. Техник талаблар бажарилганлигини (умуман буюмнинг, узеллар ва деталларнинг снгил харакагланишини, айланишини, сурилишини, деталлар орасидаги ишқаланишнинг камчилигини, тезкорлигини, бошқариш осонлиги ва ҳоказоларни текшириш).

Техник моделлаштиришнинг сўнгги босқичида педагог моделнинг узелларини ростлашга алоҳида эътибор беради. Чунки бунда ўрғапувчилар ўзларининг кўп меҳнат фаолиятлари натижасини текширади.

Педагог техник моделлаштириш жараёнида талабаларни улар ҳали билмайдиган терминлар, шунингдек, асбоблар ва мосламаларнинг номлари билан таништириши, улардан кикқа ва аниқ техник тафсилотларни талаб қилиши керак.

Техник моделлаштириш жараёнида талабалар ҳар хил асбоб-ускуналар, мосламалар, шунингдек, электр жиҳозлар билан ишлашни назарда тутиб, педагог ўз устахонасида бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга доир барча чора-тадбирларни амалга ошириши зарур.

Ўқув устахонасидаги меҳнат шароити санитария-гигиена ва хавфсизлик техникасининг барча талабларига тўла жавоб бериши керак. Программасидаги барча моделлари эмас, балки техник ижодкорликни ҳам ўрганиш учун зарур шароит билан таъминланиши лозим.

1. Турли буюртмаларни бажаришда педагогнинг ўрганувчилар билан олиб борадиган умумий группавий ҳамда бригада-звеноли ва патакли ишлари учун ҳам шароит яратилиши зарур.

2. Ҳар бир талабага керакли асбоб-ускуналар ва мосламалар билан таъминланган алоҳида иш ўрни ажратилиши лозим.

3. Педагог учун тегишли жиҳозлар, асбоблар, мосламалар билан таъминланган ва полдан 250-300 мм кўтарилган намунали иш ўрни ташкил этилиши лозим.

4. Устахоналарда талабалар энг қулай ва хавфсиз меҳнат қилиши учун зарур шароит бўлиши лозим.

5. Ўқув устахоналари ҳажми ва текис кўрсатмали қўлланмалар, шунингдек, таълимнинг техник воситалари билан жиҳозланиши зарур.

6. Ёрдамчи бинолар(асбоблар ва склад) ўқув устахонасига яқин бўлиши керак.

7. Ташқаридаги товушлар талабаларнинг эътиборини ичидан алаҳситадиган ва меҳнат жараёнини бузадиган шовқин –суронлар устахонага кирмаслиги лозим.

Ўқув устахонасининг майдони 80-90 м² бўлиши керак.

Ўқув устахоналари материаллар, ярим-фабрикатлар, тайёрланган буюмлар сақланадиган ёрдамчи хоналарга эга бўлади. Бундай хоналар қуруқ, ёғоч поли, табиий ва мажбурий вентиляцияли, нормал табиий ва сунъий (иш ўрнида 100-150 люкс), ёритилган, ҳавосининг температураси кишда 14-16⁰С бўлиши ва ёзда 20 С дан ошмаслиги керак. Ёритгич сифатида кундузги лампадан фойдаланиш керак. Устахона деворлари тскис ,ёркин рапгга , шифти оқ ранга бўялиши керак. Мана буларнинг ҳаммаси хонанинг ёруғлигини оширади. Устахона анжомларининг турли қисмлари билан устахонанинг умумий фани ўртасида тўғри контрастликни вужудга келтиради.

Устахонада товуш ва вебтрацияни ютувчи мосламаларни қўллаш ҳамда меҳнатнинг энг рационал усулларидан фойдаланиш орқали тебраниш интенсивлигини камайтириб, товуш ва вебтрацияни пасайтиришга эришиш керак.

Ўқувчилар олинган маълумотлар асосида деталга, узелга тегишли конструктив ўзгартишлар киритадилар, уларнинг пишиклиги ва ишончилиги учун керакли ҳисоблашларни амалга оширадилар, чизмалардаги ўлчамлар ва геометрик шаклларни тўғирлайдилар, моделни ўзгарган конструкциясининг кинематик (принципиал) схемасини тузадилар. Деталлар, узеллар ва механизмларнинг конструкцияларини танлашда стандартлаш ва уни функциялаш талабларига асосланиш лозим, яъни янги номукамал деталларни ўйлаб топмаслик, балки кўп марта амалда синалган тайёрлаш ва йиғиш қулай стандарт деталлардан идентификацияланган узеллар ва механизмлардан фойдаланиш керак. Моделда деталларни ўзаро бириктиришнинг узелларини мустаҳкамлашнинг энг рационал усулларини аниқлаш амалга оширилади. Модел конструкциясининг унинг ишлов бериш (тайёрлаш) ва (йиғиш) учун қулайлигини танкидий анализ қилиш баъзан талабалардан илгариги бичимларни қайта кўриб чиқишни янги деталларни лойихалашни, сўнг уларни такомиллашган конструкцияни ҳисобга олиб жойларга мослаштиришни, йиғиш операцияларининг характерини ўзгартиришни ва бунда зарур технологик жиҳозлашни назарда тутишни тақозо этади. Модел конструкциясига қўйилган талаблар ўзгарса ёки ортса унга бошқача вазифа юкланса бу конструкцияни моделининг кинематик схемасида кўринадиган тубдан такомиллаштириш янги узеллар ва механизмларни конструкциялаш ёки танлаш улардаги айрим деталларни алмаштирип зарурати туғилади. Бу иш талабаларда техник конструкциялаш ва моделлашгириш жараёнида жиддий ижодий куч-ғайратни сарфлашни талаб қилади. Ўқувчилар моделлаштиришни ўзлаштиришнинг биринчи босқичида асосан вазифаларни бажариш учун керакли барча муҳим маълумотларни оладилар. Лекин бундан ана шу босқичда талабалар ўз ижодкорлигини кўрсатишлари учун шароит йўқ деган маъно келиб чиқмайди. Чунки хатто объектнинг чизмаси ва техник шартлари ва технологик карталар мавжуд бўлсада, талабалар муайян даражада мустикал кўрсатишларига тўғри келади. Улар аввало техник ҳужжатларни яхши тушунишлари: чизмаларни ўқий олишлари, буюмни тайёрлаш ва йиғиш технологиясини ўрганиб чиқишлари керак.

Хусусан, чизмага мувофиқ материални тўғри танлаш, керакли асбобларни, деталларнинг бириктиш усулларини аниқлаш масалаларини мустақил ҳал қилишлари лозим бўлади.

Бу босқичда талабалар муайян билимларни, кўникма ва амалий малакаларни ўзлаштирадилар. Аммо, конструкция ечимларини топиш учун асосий изланиш амалга ошмайди.

Моделлаштиришни ўзгартиришнинг иккинчи босқичи талабалр топширикни бажариш учун керакли барча маълумотларни олмаслиги билан характерланади. Улар маълумотларнинг бир қисмини справочник адабиётдан фойдаланиб ва буюм конструкциясини ишлашга ижодий ёндошиб, мустақил ҳолда топишлари керак. Қисқартирилган технологик ҳужжатларда ҳам чизмаларни ўқиш ва ишлашга доир ҳам конструкциялаш ва технологик жараёни тузишга доир топшириқлар назарда тутилиши тавсия этилади. Шу тарика талабалар етишмайдиган деталларни конструкциялаш ва параллел технологиясига доир муайян билимларни ижодий қўллашлари керак. Қисқартирилган техник ҳужжатларни бажаришда талабалар тобора мураккаброк вазифаларни ҳал қилишлари кераклиги ҳисобга олинади. Моделлаштиришни ўзгартиришнинг учинчи босқичи талабаларнинг модел учун техник топширикни бажариш бўйича мустақил ҳолда ишлашидир. Бунда талабалар учун техник адабиётлар билан ишлашга конструкторлик, технологик ва ташкилий масалаларни ҳал қилишга, эскизлар, чизмалар, схемаларни, турли ҳисоблашларни бажаришга, деталларни тайёрлаш ва улардан моделни йиғишга, уни ишда синаб кўришга ҳамда тегишли тузатишлар қилишга тўғри келади.

Талабалар олдида ўз ихтиёрича тайёрланадиган техник модел конструкцияни ҳал қилиш вазифаси қўйилса, улардан янада юқори даражада ижодий фаолият кўрсатиш талаб қилинади. Одатда модел конструкциясини жиддий такомиллаштириш эҳтиёжи ишлаб чиқаришдаги зарурият (меҳнатнинг ташкил этилиши, шароити ва унумдорлигини, маҳсулот сифатини яхшилаш кераклиги) сабабли вужудга келади. Қўйилган мақсадлар туфайли талабаларда техник гоёлар гутилиди ва бу гоёлар қатор конструкторлик-технологик масалаларни ҳал қилиш учун изланишда намоён бўлади. Шу асосда конструкциялападиган объектга қўйиладиган техник талаблар шаклланади, конструкциянинг эскизи ишлаб чиқарилади ва уни муҳокама қилиб технологик жараён тузилади, керакли материаллар танланади ва ҳоказо.

Конструкцияни такомиллаштиришга доир ижодий вазифаларни бажармай фақат мукамал ишлаб чиқилган технологик ҳужжатлар талабаларда алоҳида кизиқиш уйғотмайди. Бу йўналишнинг асосий хусусияти билиш фаолияти ва ижрочилик функцияларидан иборат бўлади. Техник конструкциялаш ва моделлаштиришнинг иккинчи йўналиши талабаларда алоҳида қизиқиш уйғотади. Бинобарин бу йўналишда билиш фаолияти ва ижрочилик функциялари қаторида тезник моделларини конструкциясини такомиллаштириш, яхшилаш бўйича мустақил ижодий ишлар ҳам ўрин олади. Программада ёғочдан автомобиллар, кемалар, самолётларни ва металлдан қишлоқ хўжалик техникасини моделлаштириш назарда тутилган. Таълимнинг дастлабки босқичида талабаларни конструкциялашнинг асослари билан, ҳар қандай конструкциясига қўйиладиган умумий талаблар (функционаллик, конструктивлик, қулайлик, тежамлилик, эстетиклик) билан таништириш зарур. Бошқача айтганда, уларга конструкция содда, арзон, тайёрлаш осон, мустаҳкам ва ташқи кўриниши чиройли бўлиши кераклигини тушунтириш лозим. Талабалар ана шу талабларни бажариш йўллари хам билиб олишлари керак. Ўз конструкцияларида бошқа буюмларнинг идентификацияланган узелларидан, механизм ва деталлардан фойдалана олишлари, содда геометрик шаклдаги деталларни афзал кўришлари лозим. Иложи борича фақат ташқи юзасига ишлов бериладиган, деталларни конструкциялашга ҳаракат қилиш зарур ва бунда қўйилган шартлар талаб қилмаса, детал ва ҳоказоларга ишлов беришнинг аниқлигига талабни оширмаслик керак. Шунингдек, талабалар тайёрланадиган модел учун тузилган конструкторлик-технологик ҳужжатлар ва деталлар тайёрлашнинг типовой технологияси билан танишлари зарур. Талабаларнинг техник конструкциялаш ва моделлаштириш бўйича мустақил ишларнинг муваффақиятли топшириқни бажаришнинг ҳамма босқичида уларга ўқитувчининг сифатли раҳбарлик қилишга кўпроқ боғлиқдир. У техник топшириқни бажаришнинг ҳар бир босқичида бу ишнинг тартибини олдиндан пухта белгилаш, ақлий меҳнатнинг рационал усулларини ўргатиш, навбатдаги ишни бошлашдан олдин йўл-йўриқ кўрсатиш, ишнинг бажарилишини кузатиб бориши талабаларга кийинчиликларни бартараф этишда ва йўл қўйилган хатоларни тузатишда ўз вақтида ёрдам бериши лозим. Моделлар ясашда талабалар кўпинча илгари танишмаган ишларни бажаришларига тўғри келади. Доймо амалий ишлар бўйича назарий маълумотлар

бериш ва инструктаж ўтказишга ортиқча вақт сарфлайвермаслик учун қисқача методик кўрсатмалар тайёрлаб қўйиш фойдалидир. Уларнинг асоси ёзма инструкциялар мураккаб деталларни яшаш учун конструкция-технологик карталар, справочник жадваллар, ҳисоблаш формулалари ва ҳоказолардан иборат бўлиши мумкин. Ана шуларнинг ҳаммаси ўқитувчининг ишини осонлаштиради, талабаларнинг техник билимлар ва амалий малакаларини ўзгартиришни тезлаштиради, уларда мустақилликни, ташаббускорликни ва техник ишқорликни ривожлантириш учун энг қулай шароитлар яратади.

15.8. Устахоналардаги моделлаш ва конструкциялаш машғулотлардан техник масалалар

Меҳнат топшириқларни бажариш жараёнида ўқувчилар меҳнатни режалаштириш ва уюштиришга, шунингдек, меҳнат жараёнининг боришини кузатишга; унга тузатишлар киритишга ҳамда рўй берадиган хатоларни бартараф қилишга жалб этилади. Бундай фаолият ўқувчиларнинг жисмоний ҳаракат билан уйғун ҳолда фаол ақлий ишлашини тақозо этади. Ўқувчиларнинг ақлий фаолияти техник масалаларни ҳал қилишда алоҳида аҳамиятга моликдир. Техник масала кенг маънода меҳнат қилишда билим, ўқув ва малакаларнинг ҳаммаси биргаликда қўлланидиган ҳар қандай масалани англатади. Шундай қилиб, меҳнат таълими жараёнини техник масалаларни ҳал қилиш ва меҳнат ҳаракатларини бажаришдан иборат бўлади.

Ўқувчилар устахоналардаги машғулотларда ҳал қиладиган техник масалаларни икки типга; конструкторлик ва технологик масалаларга ажратиш мумкин.

Конструкторлик масалаларининг турларини кўриб чиқамиз.

Буюмнинг конструкцияси ва деталларини тушунтириш. Буюмнинг конструкциясини ва ундаги айрим деталларнинг бажарилган ишини тушунтиришга оид топшириқлар ўқувчиларда буюм конструкциясидаги ҳамма нарса пухта ўйланган бўлиши, конструкторлар деталнинг ҳар бир элементини онгли равишда ҳисобга олиши зарурлигига ишонч ҳосил қилишда ёрдам беради. Масалан, ўқувчилардан нима учун металлдан ишланган ўлчагич гўнияларнинг ички бурчаги ўйиниши, болганинг муҳраси нима учун дўнг қилиб ясалиши ҳақидаги ва бошқа саволларга жавоб бериш талаб қилинади. Конструкциялашни ўргатишнинг биринчи босқичида бундай топшириқлар мураккаб бўлиб; уларни ўқувчилар ўқитувчининг ёрдами билан бажарадилар. Лекин кейинги босқичларда ўқувчиларнинг техник тафаккури анча

мустақиллашди ва уларда узеллар ҳамда машиналардаги деталларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш малакаси ҳосил бўлади. Масалан, ўқувчилар токарлик станогига кейинги бабканинг тузилишини ўрганилаётганда уларга гайка ва пуржина нима учун хизмат қилишини тушунтириб беришни тавсия этиш мумкин.

Қисқартирилган техник ҳужжатлар бўйича буюмларни конструкциялаш. Бундай ҳолларда буюм тайёрлаш топшириғи берилиб, ҳужжатларда баъзи ўлчамлар, айрим деталларни бириктириш усуллари, материалларнинг турлари ва ҳоказолар кўрсатилмайди. Ҳужжатларда етишмайдиган маълумотлар сони ўқувчиларнинг ёши ва тайёргарлиги савиясига боғлиқ бўлади.

Устахоналардаги маишулотларда қуйдагича конструкторлик масалалари берилиши мумкин.

1. Мавжуд чизмалар бўйича буюмнинг ёки ундаги айрим деталларнинг рационал ўлчамларини аниқлаш. Одатда буюмни, шунингдек, ундаги деталларнинг ўлчамлари ўша буюм ишлатиладиган шароитларга қараб белгиланади. Афсуски, кўпинча болалар буни унутиб қўядилар. Шунинг учун шундай топшириқларни танлаш керакки, уларни бажаришда ўқувчилар буюмнинг ёки ундаги айрим деталларнинг баъзи ўлчамларини мустақил ҳолда белгилашга мажбур бўлсинлар. Шу мақсадда уларга буюмнинг баъзи ўлчамлари кўрсатилмаган чизмаси берилади. Масалан, қаттик жисмларнинг иссиқликдан камайиши намойиш қилинувчи приборнинг чизмасида синаладиган стерженни асосга параллел қилиб, устунчага асосдан қанча ораликда ўрнатилиши кўрсатилмайди. Бу оралик стержень остига қўйиладиган спирт лампасининг баландлигига қараб белгиланишини ўқувчиларнинг ўзлари фахмлашлари керак.

Иккинчи мисол: редуктор моделининг чизмасида тишли гилдираклар ўрнатилган валлар орасидаги масофа кўрсатилмайди. Ўқувчилар тишли гилдиракларнинг ўлчамларига қараб ана шу масофани аниқлайдилар.

2. Деталнинг конструкциядаги етишмайдиган элементларни тўлдириш. Ўқувчиларга летал қисмларининг конструкцияси ҳақидаги масалани мустақил ҳолда ҳал қилиши топширилади. Масалан, буюм чизмасида деталлар ўзаро қандай бириктирилгани кўрсатилмаслиги мумкин. Бунда ўқувчилар деталларни бириктириш усуллари ҳақидаги билимлар асосида ўзлари бир қарорга

келадилар. Чунончи, ёғочдан ясалган деталларнинг елим, михлар, шуруплар ёки бошқа усуллар билан бириктирилишини аниқлаш лозим бўлади.

3.Конструкцияда етишмайдиган звенони тўлдириш. Ўқувчиларга буюмларнинг бирор звеноси етишмайдиган чизмалари берилади. Ўқитувчи буюмнинг вазифасини ва унга қўйиладиган техник талабларни тушунтиради. Масалан, курси ясаш тошириги берилади. Чизманинг умумий кўринишида унинг часпаги ифодаланмайдн. Ўқувчилар часпаг конструкцияси ҳақидаги масалани мустакил ҳолда ҳал киладилар.

4.Схематик тарзда берилган конструкцияни лойиҳалаш. Бу масала жуда мураккабдир. Чунки ўқувчилар барча буюмларнинг конструкциясини умумий йўсинда ишлаб чиқадилар. Берилган схема буюмнинг тузулиш принципни ифодалаш керак. Ўқувчилар ҳар бир деталнинг рационал ўлчамларини, уларни ўзаро бириктириш усуллари ва ҳоказоларни белгилайдилар.

5. Деталларни буюм намунасига қараб лойиҳалаш. Лойиҳалашнинг бу усули кўрсатмали лойиҳалашдир. Лекин буюмни ясашга киришишдан олдин ўқувчиларга деталларнинг эскизларини тузиш ва шулар бўйича ишлаш тавсия этилади.

Чизма ва тасвир бўйича конструкциялаш. Приборлар, моделлар, мосламаларни тайёрлаш учун ҳар доим махсус чизмалар чизиш шарт эмас, бунда дарсликларда ва техник адабиётлардаги мавжуд чизмалардан ҳам фойдаланиш мумкин. Тўғри. Бундай пайтда иш маълум даражада мураккаблашади: ўқувчиларнинг ясаладиган буюм эскизини чизишга ва уни моделлаштиришга тўғри келади. Улар чизма ва тасвир бўйича буюм ясашга киришганларида, аввало мазкур буюм бажарадиган ишнинг физик асосларини ва буюмга қўйиладиган техник талабларни аниқ тасаввур этишлари керак. Зарур бўлган ҳолларда эса тегишли қўшимча адабиётларга мурожаат қилишлари лозим.

Буюмни такомиллаштириш мақсадида қайта конструкциялаш. Ўқувчиларнинг техник ижодиёти муваффақиятли ривожланиши учун уларни иш билан қизиқтириш ва буюмларни тайёрлашда оддийгина нусха кўчиришларининг олдини олиш керак. Шунинг учун буюмни такомиллаштиришда уни қайта конструкциялаш масаласи амалла қарор топди.

Буюмнинг конструкциясини такомиллаштириш учун доимо имконият топилди. Одатда, бундай топшириқлар ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади.

Буюмни берилган техник шартлар бўйича конструкциялаш. Буюмни берилган техник шартлар бўйича конструкциялаш унинг муайян талабларга мувофиқлигини таъминлаш демакдир. Ишлаб чиқариш шароитида бундай талабларни, одатда, буюртмачи қўяди. Устахоналардаги машгулотларда эса техник талабларни, одатда, ўқитувчи белгилайди.

Ўз фикрига кўра конструкциялаш. Ўз фикрига кўра конструкциялаш ихтирочиликка яқиндир. Устахоналардаги машгулотларда бундай конструкциялаш ҳақида гап борганда ўқувчилар ўз фикрини ҳар доим ҳам аниқ имкониятларга мувофиқлаштира олмаслигини назарда тутиш керак. Шунинг учун ўқитувчи етарлича тайёрланган ўқувчиларнинг ана шу иш билан шугулланишига рухсат этиб, уларнинг режалари билан танишади ҳамда ҳар бир боланинг якка қобилиятини, моддий база ва ҳоказоларни ҳисобга олиб, бу режаларга ўзгартиришлар киритади.

Энди технологик масалаларнинг турларини кўриб чиқамиз.

Технологик жараёнини тушунтириш. Ўқувчилар устахоналардаги машгулотларда деталлар тайёрлашга киришганларида илк бор технологик ҳужжатларга диққат қилади. Шунинг учун улар, аввало технологик карталарни ўқишни ўрганишлари керак. Бунда ўқитувчи зарур изоҳларни беради ва уларни ўқувчилар қанчалик тушунганини текширади. Шу мақсадда ўқувчилардан технологик картанинг мазмунини тушунтириб беришни, яъни улар ишни қандай тартибда ва қайси асбоблар билан бажарилишини ва ҳоказоларни сўзлаб беришларини сўрайди.

Заготовка танлаш. Ўқувчиларнинг технологик процессини мустақил ишлаб чиқиши буюм заготовкасини танлашдан бошланади. Заготовка танлаш технолог ишининг жуда муҳим ва маъсулиятли босқичидир. Заготовкани тўғри танлаш учун операция технологиясини билиш ва операциялараро қўйимларни ҳисобга олиш керак. Шунинг учун ўқувчиларга дастлаб содда топшириқлар берилиши: улар материални ва заготовка профелини тўғри танлашлари, гаварит ўлчамларини эса ўқитувчи белгилаши лозим. Ўқувчилар технологик билимларни ўзлаштиришларига қараб топшириқлар мураккаблашиб боради. Улар операция технологиясини ва мустақил ҳолда технологик процессини ишлаб чиқиш каби масалаларни ҳал қилишда заготовкага таъминот ҳақидаги саволларга тўлиқ жавоб беришлари керак.

Асбоблар танлаш. Ўқувчилар тегишли меҳнат операциялари ва уларда қўлланиладиган асбоблар билан танишганларидан кейингина асбоблар танлашга

киришадилар. Масалан, улар металлларни эговлаш операцияси билан танишишда йирик ва майда тишли эговлар қай пайтларда ишлатилишини, шунингдек, эгов профелини танлаш нимага боғлиқлигини билиб оладилар. Ўқитувчи ўқувчиларнинг ана шу билимларга таяниб технологик жараёнларда эговлаш операциясини бажариш лозим бўлганда асбобни мустақил ҳолда танлашни тавсия этади. Бу ҳолда технологик картада эговлаш учун керакли асбоб кўрсатилмайди ва уни ўқувчиларнинг ўзлари танлайдилар.

Заготовка ва асбобларни ўрнатиш усулини танлаш. Ўқувчилар материалларга ишлов бериш бўйича амалий тажрибалар тўплаш жараёнида заготовка ва асбобларни маҳкамлашнинг турли усулларига дуч келадилар. Масалан, металлларни эговлашда заготовкага қанчалик тоза ишлов берилишига қараб уни тискининг жағларига бевосита ёки жағлиқлар қоплаган жағларга маҳкамланади. Металларни кесишда заготовкани кесиш чизиги тиски жағларининг юзидан пастга турмайдиган қилиб ўрнатилади. Заготовкани ўлчамларига қараб тискига биттадан ёки бир нечтадан ўрнатиш мумкин. Ёғочга ишлов беришда уни вертикал аралаш учун заготовкани толалари бўйлаб горизонтал аралаш учун эса толари бўйлаб ва толаларига кўндаланг ҳолатда ўрнатилади. Асбобларни маҳкамлашнинг турли усуллари ҳам бор. Масалан, пармани конуструкцияга ва ўлчамларига қараб пармалаш станогига шпинделга бевосита ўтиш втулкаси орқали ёки патрон ёрдамида ўрнатиш мумкин. Шундай қилиб, заготовка ва асбобни ўрнатиш усулини тўғри танлаш ўқувчилар олдида қўйиладиган технологик масалани ҳал қилиш демакдир.

Меҳнат операцияларини бажариш тартибини белгилаш. Меҳнат операцияларини бажариш тартибини белгилаш учун заготовкани рационал йўл билан тайёр буюмга айлантириш мақсадида унга ишлов бериш жараёнида унинг шакли қандай ўзгариши кераклигини аниқ тасаввур этиш зарур. Шунга кўра, биринчидан, ўқувчиларни технология «маршрутини» тузатишда амал қилинадиган коидалар билан таништириш, иккинчидан, уларда заготовканинг операциялар бўйича эскизлари ҳақидаги тасаввурни ҳосил қилиш жуда муҳимдир. Иккинчи талабни бажариш учун ўқувчилар мукамал техник хужжатлар бўйича ишлаётган пайтлардаёқ меҳнат ўқитувчиси уларга операциялар бўйича эскизларни аслида ёки плакатда кўрсатилади.

Операциялар бўйича технологияни ишлаб чиқиш. Одатда, ҳар қандай детални тайёрлаш бир неча меҳнат операцияларидан иборат бўлади. Шунинг учун операциялар тартиби белгилангач уларнинг мазмунини ҳам аниқлашга тўғри келади. Бу ҳолда ҳам ўқувчилар машинасозлик корхоналари амалиётида ишлаб чиқилган қодалардан хабардор бўлишлари керак. Улар операцияларни бажариш тартибини белгилашдаги каби у ёки бу асбоб ишлов берилётган заготовкада унинг қандай из қолдиришини» фазовий тасаввур қила олишлари лозим.

Технологик жараёни мустақил ҳолда ишлаб чиқиш. Ўқувчилар содда масалалардан мураккаб масалаларга ўтиш натижасида технологик жараёни мустақил ҳолда ишлаб чиқишга, яъни инструкцияларни харита тузишга тайёрланади. Бу ҳол ҳамма болаларда барабар юз бермайди, албатта. Меҳнат ўқитувчиси ўқувчиларнинг яқка хусусиятларини ҳисобга олиб, уларнинг ҳар бирини технологик билимларнинг бир босқичидан кейинги босқичига ўтказиб боради.

Техник масалаларни ҳал қилиш.

Масалаларни ҳал қилишга қўйиладиган умумий талаблар. Ўқувчиларга моделлаштириш ва конструкциялашни ўргатишнинг самарадор воситаларидан бири машгулотлардан техник масалалардан актив фойдаланишдир. Уларни ҳал қилиш методикаси аввало ана шу масалаларнинг ҳар қайси типига хос ҳарактерли хусусиятларга, шунингдек, уларнинг мазмуни, дидактик вазифалари, ўқувчиларнинг тайёргарлиги ва бошқа талабларга кўра белгиланади. Лекин мазкур масалаларнинг кўпчилиги асосан бир хил тартибда ҳал қилинади: масала ўрганилади, унинг мазмуни таҳлил қилинади, ҳал қилиш усули топилади, бу усул муҳокома этилади ва амалга оширилади.

Техник масалани ҳал қилиш уни ўрганишдан бошланади ва бу иш ўқувчиларда мазкур масаланинг мазмуни ҳақида аниқ ва иложи борида яққол тасаввур ҳосил қилишга қаратилади. Бунда масала шартларининг график тасвири катта ёрдам. Агар бу тасвир содда бўлса ва уни чизиш кўп вақтни олмаса, ўқитувчи ўқувчиларга шартларни тушунтириши биланок, уни доскага чизиб кўрсатиши маъқулроқдир. Бошқа ҳолларда эса расми олдиндан доскага ёки тегишли шаклдаги қалин қоғозга чизиб тайёрлаб қўйилади. Ўқувчилар масала шартини аниқламадан туриб, уни ҳал қилишга киришишларига йўл қўймаслик керак. Чунки масалани ҳал қилиш бирдан бир мақсад эмас, балки ўқувчиларнинг билиш ва ижодий фаоллигини

рағбатлантириш, уларда техник тафаккурни ривожлантириш воситасидир. Текшириш учун бир неча ўқувчидан масала шартини тўлиқ унинг асосий қондаларини такрорлашни, шунингдек масаладаги техник тушунчаларнинг маъноси ва катталикларни тушинтириб беришни сўраш мумкин. Масала тўлиқ тушиниб олингач, уни таҳлил қилишга ўтилади.

Энг яхшиси масалани суҳбат методи билан таҳлил қилиш. Бунда ўқувчилар олдида уларни масаланинг мазмунига чуқурроқ олиб қирадиган ва уни ҳал қилиш учун фаол изланишга ундайдиган саволларни қўйишдир. Чунотчи «Масалада нимани аниқлаш талаб қилинади? Уни ҳал қилиш учун нималарни билиш керак? Масала шартларида уни ҳал қилиш учун зарур маълумотлар борми? Қандай маълумотлар етишмайди? Уларни қандай қилиб топиш керак? Бу масала илгари ҳал қилинган бирор масалани эслатадими?» ва ҳақозолар шундай саволлар жумласидандир. Масалани ҳал қилиш қийин бўлса, ўқитувчи илгари қўрилган турли масалалардан бирортасини эслатиши, агар вақт етарли бўлса, ана шу типдаги янги масалани биргаллашиб ҳал қилишни таклиф этиши мумкин. Ҳал қилишнинг ўхшаш усулини эслатиш, одатда, болалар қўйилган масалани тез ҳал қилиши учун етарли бўлади. Лекин бу методни болалар дарров тўғри жавоб топа олмайдиган барча ҳолларда ҳам тавсия этиш мумкин эмас. Ундан айрим ҳолларда фойдаланиш ҳал қилишни осонлаштиради ва тезлаштиради, лекин бундай ҳал қилишни ижодий деб бўлмайди ва шунинг учун ўқувчилар фикрини ҳеч қандай усул билан керакли йўналишга солиб бўлмаган пайтлардагина мазкур методга мурожаат қилиш лозим.

Саволлар сони ва уларни аниқлаштириш даражаси ўқувчиларнинг техник тайёргарлиги савиясига боғлиқ бўлади. Ҳал қилиш билан масалани ҳал қилиш малакаларини ўзлаштиргани сайин уларнинг мустақиллиги ортиб, кўп сонли саволларга эҳтиёж аста-секин камайиб боради.

Ўқувчиларга тавсия этилган масалани ечиш усули муҳаққама қилинади. Бу муҳаққама масала устида ишлашнинг қонуний давоми сифатида хизмат қилади ва у тавсия этилган усулни барча ўқувчилар анализ қилиши учун зарурдир. Тоғилган усул ягона деб ҳисобланган ҳоллардагина уни дарров муҳаққама қилишга ўтиш маъқулдир. Агар масалани бир неча усул билан ҳал қилиш мумкин бўлса, тавсия этилган биринчи усулни муҳаққама қилишга шўшилмаслик керак. Чунки бу иш энг яхши ечимни излаш самарадорлигини пасайтиради. Одатда ўқувчилар бирор усулни билиб олганларидан

сўпг ўзларининг кейинги изланишларида масаланинг талабларига асосланмай, балки топилган усулни ундаги камчиликларни йўқотиш йўли билан такомиллаштиришга интиладилар. Улардаги техник фикрлашнинг хусусиятларидан бири ҳам ана шудир. Мана бир ибратли мисол. Амалий машгулотларда бешинчи синф ўқувчиларига ўрганилган материалга мувофиқ нометрик динимометри кронштейнини конструкциялаш тавсия этилди. (14-расм, а). Масала шартига кўра кронштейн енгил, старлича мустаҳкам ва гайёрланиши содда бўлиши лозим эди. Ўқувчилардан бири уни тунукадан тўғри тўртбурчакли қути шаклида ясашни таклиф қилди (14-расм, б). Ўқувчилар муҳокама вақтида бундай конструкция анча мустаҳкам ва енгил бўлишини, лекин уни ясаш жуда мураккаблигини айтдилар. Бошқа ўқувчилар эса кронштейнни тунукадан, аммо найча (14-расм, в) ёки призма (14-расм, г) шаклида ясашни таклиф қилдилар.

Кронштейннинг ўқувчилар таклиф этган конструкциялари ўхшашлигини кўриш қийин эмас, яъни уларнинг ҳаммаси ковак, фақат шакли бошқача деталлардир. Бундан англашиладики, ўқувчилар изланишда қўйилган талабларга мувофиқ янги нарсаяратишга эмас, балки дастлаб тавсия этилган конструкцияни яхшилашга интилганлар. Ўқувчилар кронштейнни устунчага бириктириш усуллари масалани ҳал қилишга киришганларида уларнинг изланишидаги камчилик янада яққол намоён бўлди. Кронштейннинг четларини букиб, унинг устунчанинг олдинги қиррасига михлар билан бириктириш керак деган таклиф нотўғри деб топилди. Чунки бундай бириктиришда кронштейннинг четига озгина оғирлик тушса, унинг бириктирилган жойига нисбатан кагга куч таъсир этиб, юқоридаги михлар кронштейнни ушлаб тура олмайди.

Бир мунча фикрлашилгач, ўқувчиларга кронштейннинг янги конструкцияси (14-расм, д) таклиф этилди. У, албатта, анча мустаҳкам ва бириктириш усули яхшироқ, лекин ясалиши нисбатан мураккаб эди. Бунда ҳам изланишлар таклиф этилган конструкцияни яхшилашга қаратилгани кўриниб турибди. Маълумки, бу ёшдаги ўқувчилар учун мустақил, ижодий фикрлашдан кўра қиёсий фикрлаш қулайроқдир. Улар ўқитувчи ёрдамида, яъни у масалада қўйилган талабларга асосланиш кераклигини ва бошқа материаллардан фойдаланиб, конструкциялашнинг ўзгача вариантларини қўллаш мумкинлигини эслатганидан кейингина илгари тавсия этилган конструкцияни қисман яхшилашга интилишдан қайтдилар ва кронштейнни янгидан

конструкциялашга киришдилар. Бунда синфдаги ҳамма ўқувчилар қатнашди. Ҳар қайси ўқувчи ҳаёлига келтирган нарсани чизиб кўрди ва яна ўйлади. Натижада турли материаллардан: листли ва паласали тунукадан, текстолит, органик ойна, ёғоч ва ҳоказолардан ҳар хил конструкциялар таклиф қилинди. Булардан, масалан, 14-расм, с ва ж да тасвирланган конструкциялар диққатга лойиқдир. Бу иккала конструкцияни бир ўқувчи таклиф қилди. У кронштейнга материал танлашда устуича ёғочдан тайёрлангани сабабли кронштейннинг конструкцияси ҳам ёғоч брусоч бўлиши (14-расм, е) кераклигини ҳисобга олди. Лекин бу ўқувчи умуман ечимнинг қаноатланарли принципини топиб, ишни давом эттирди-уни амалга оширишнинг энг содда усулини излади ва яхшиси тегишли диаметрдаги металл стержендан фойдаланиш (14-расм, ж) керак, уни ўрнатиш учун ўйиқ пармалаш ёғоч брусочни ўрнатиш учун уч очишдан кўра осонроқ, деган хулосага келди. Ана шу мисолдан кўринадики, ўқувчиларни масаланинг биринчи таклиф этилган ечимни муҳокама қилишдан масалада қўйилган талабларни етарлича қаноатлантирадиган бошқа ечимлар топилгунча сакланса, улар самарасиз киёсий изланишнинг олдини олиш мумкин. Шундан сўнг барча ечимларни бир йўла муҳокама қилиш керак. Бундай муҳокама ўқувчиларда мустикаллиқни ва ижодий фикрлашни ривожлантиради ҳамда вақтни тежайди.

Барча ўқувчиларни ижодий фаолиятга жалб қилиш учун айтилган таклифни муҳокама қилишда ҳар бир ўқувчи таклиф қилинган конструкцияни такомиллаштириш бўйича ўзининг фикрини билдириши лозим. Бу эса кўрилаётган конструкцияга муҳим ўзгартиришлар киритишни, бундан ташқари ҳамма ўқувчиларнинг маълум мақсад билан ва актив изланишини таъминлайди. Барча техник масалаларни ҳал қилишнинг умумий қоидалари билан танишиб чиқдик. Энди юқорида айтилган икки типдаги масалаларни ҳал қилишнинг ўзига хослигини кўриб ўтамиз.

Конструкторлик масалаларини ҳал қилиш. Конструкторлик масалаларини ҳал қилиш уларнинг мазмунига боғлиқ ҳолда буюм ва ундаги деталлар конструкциясининг рационаллигини тушунтиришдан, қисқартирилган техник ҳужжатлар бўйича буюмни конструкциялашдан, уни чизма ва тасвирга қараб конструкциялашдан, берилган техник шартлар ва ўз фикрнга кўра конструкциялашдан иборат бўлади. Конструкторлик масалаларини ҳал қилиш масала шартларини ўрганишдан бошланади. Конструкциялашга оид кўпчилик масалаларнинг

асосини ишлаб чиқилиши мўлжалланган конструкцияга қўйиладиган талаблар ташкил қилади. Уқувчининг асосий эътибори ана шу талабларга қаратилиши лозим. Уларда ихтиёрлиқ дикқат етарлича ривожланмагани учун ўқитувчи конструкцияга қўйиладиган талабларни қисқача қилиб доскага ёзиб қўйиши, агар бу талабларда ўқувчилар учун янги тушунча ва қатталиқлар бўлса, уларни изоҳлаб бериши, ўқувчилар буларни тушунган-тушунмаганлигини аниқлаши, бир икки ўқувчига масаланинг барча шартларини такрорлатиши керак. Уқувчиларнинг ҳаммаси масала шартларининг тўғри тушунганига ишонч ҳосил қилинган, уни анализ ва ҳал қилишга ўтиш мумкин. Кўпинча, конструкторлик масалаларида у ёки бу маълумотларнинг етишмаслиги қўпгина конструкторлик масалаларини анализ ва ҳал қилишга қатта таъсир кўрсатади. Бунда масалаларни таҳлил қилишни ўқувчиларга «Масалани чуқурроқ ўйланг ва керакли конструкцияни топиш учун нималарни билиш кераклигини аниқланг» деб муружаат этиш маъқулроқдир. Жавоблар олинган, масалада нималар борлигини ва нималар етишмаслигини ойдинлаштириш лозим. Ўқувчилар етишмайдиган маълумотлар аниқланган, уларни излашга киришадилар. Ана шу изланишда ўқувчиларнинг ўзларидаги мавжуд тажриба ва билимларга иложи борича аяянишлари жуда муҳимдир. Агар етишмайдиган маълумотлар дастурдан ташқари бўлса, ўқувчиларга уларни айтиб бериш ёки маъқул маълумотларни топиш мумкин бўлган манбаларни кўрсатиш зарур. Ечим ана шу билан топилиши мумкин. Қийинчилик тугилган тақдирда эса ёрдамчи савол ёки маълум ечимлардан ўхшашини эслатиш орқали ўқувчиларни аста-секин тўғри жавоб топишга яқинлаштириш лозим. Агар бу ҳам ёрдам бермаса, ўқувчиларни асосий масалани ҳал қилишнинг тўғри усулини топишга ундайдиган янги ўхшаш масалани тавсия этиш керак. Кўпинча ана шундай масалаларни ҳал қилиш асосий масалани ҳал қилишда ёрдам беради. Лекин юқоридаги сабабларга қўра, ўхшаш масалалардан айрим ҳоллардагина фойдаланиш лозим. Топилган ечим муҳокама қилиниши ва бунда ўқувчилар нима учун худди ана шу ечим маъқул деб ҳисобланганлигини англаб олишлари керак. Аммо топилган ечим ягона ва асосан тўғри бўлган ҳоллардагина уни дарров муҳокама қилишга кирилиш мақсадга мувофиқдир. Агар таклиф қилинган вариант мукамал бўлмаса, уни мукамалроқ вариант тавсия этилганича муҳокама қилмай туриш маъқул. Хусусан, ечимнинг мумкин бўлган вариантларидан биринчисини муҳокамага қўймаслик лозим, чунки ҳал қилишнинг натижаси доимо кўрсатмали бўлиб, таклиф қилинган

конструкция график йўсинда-рasm, эскиз ёки чизма ҳолида тасвирланади. Ўқувчиларда образли-амалнй тафаккур устунлиги учун кўрсатмалилик кўпинча изланишнинг йўналишини ўзгартиради ўқувчиларни масаланинг талабларига кўпроқ жавоб берадиган янги конструкцияни топишга эмас, балки таклиф қилинган конструкцияни яхшилашга йўналтиради. Шунинг учун конструкциялашга доир кўп вариантли масалаларни ҳал қилишда ўқувчиларнинг изланишини ҳар қандай конструктив ечимларни топишга қаратиш ва ечимлар топилгач, уларни муҳокама қилишга ўтиш керак. Конструкциялашга доир кўп вариантли ечимларни муҳокама қилиш айрим хусусиятларга эга. Бундай муҳокама зарурлигининг сабаби ўқувчиларда фазовий тасаввур ва идрок этишнинг ривожланиш даражаси уларнинг ёшларига кўра чеклангандир. Худди шу тўғрисида ўқувчилар кўпинча конструкцияларнинг таклиф қилинган барча вариантларнинг афзалликлари ҳамда камчиликларни аниқлаш ва энг яхшиларини танлаш учун кўрсатмалиликка таянмай уларни бир йўла ҳаёлан таққослашга қийналадилар. Шунга кўра ўқитувчи мазкур дарс учун конструкциялаш учун бирор кўп вариантли масалани танлаб, уни ҳал қилишнинг барча вариантларини олдиндан тайёрлаши ёки плакатда аниқ тасвирлаши маъқул. Агар у бирор сабаб билан шундай қилмаса, муҳокама процессида бир йўла фақат иккита конструкцияни кўриб чиқиш, уларнинг яхшисини топиш ва уни учинчи конструкцияга таққослаш ва яна яхшисини топиш лозим, шу тариха таклиф қилинган барча конструкциялар кўриб чиқилади. Охири иккита конструкциядан бири маъқул деб ҳисобланади. Агар ҳамма конструкцияни кўриб чиқишга вақт етмаса, иккита энг яхши конструкция билан чсгараланиш керак. Одатда, конструкциялашаг доир масалани ҳал қилиш энг яхши конструкциянинг техник расми, эскизи ёки чизмасини тайёрлаш билан тугалланади. Юқорида айтилганларни VI синфда конструкциялаш бўйича характерли масалани ҳал қилиш мисолда ифодалаймиз: «<Рўзғорбоб уч тишли ер юмшатгичнинг конструкцияси ишлансин ва у қуйидаги талабларга жавоб берсин>. а) буюмни тайёрлаш технологияси фақат ўқувчилар ўрганган операциялардан тузилиши; б) буюм тайёрланиши жиҳатидан содда ва амалда фойдаланиладиган бўлиши; в) тайёрланиши учун сарфланадиган вақт дастурда ажратилган вақтдан ошмаслиги керак. Олтинчи синф ўқувчилари кўпинча бу масалани ҳал қилишни ўзлари биладиган ҳаскаш конструкциясига таққослаш билан бошлайдилар. Шунинг учун одатда, биринчи вариант 15-рasm а да кўрсатилган конструкция ҳисобланади.

Ўқитувчи ана шу конструкциядаги ерюмшатгични тайёрлаш учун унинг тишларини токарлик станогиди ишлаш кераклигини ва бу операциялар фақат VII синфда ўрганилишини таъкидлайди. Бу гап ўқувчиларни бошқача конструкцияни излашга мажбур этади. Улар бироз ўйлагач, баъзан тишларнинг охирини яссилаб ва букиб корпусга бириктиришни, ёки тишларни лист металлдан понасимон пластиналар шаклида тайёрлашни таклиф қиладилар. Бундай кўринишдаги ерюмшатгични болалар ўрганган кесич, аралаш, букиш, эговлаш, пармалаш, парчинлаш операцияларни қўллаб тайёрлаш мумкин. Лекин бунда ерюмшатгич мустаҳкам бўлмайди, парчинланган жойлари бўшатгич тишлар лиққиллаб қолади. Муҳокама вақтида ўқитувчи ана шуни айтиши ва ўқувчиларга ерюмшатгичнинг тишлари билан бошқа қисмлари бир йўла тайёрланадиган яхлит конструкция ишлашни тавсия этиши керак. Ўқувчилар 10-15 минут жиддий излангач, одатда, 15-расм, г да тасвирланган конструкцияни таклиф қиладилар. Ўқитувчи бу таклифни маъқуллайди, чунки ана шу конструкция қўшимча талабларни ҳам қондиради у яхлит бўлиб; уни тайёрлашда ўзлаштирилган билим ва малакалар мустаҳкамланиши мумкин. Лекин конструкциянинг ҳам озгина камчилиги бор. Бу камчиликни ўқувчиларнинг ўзлари кўрсатгани маъқул, ақс холда бу тишлар тупроқда ҳаддан ташқари кенг ариқчалар ҳосил қилишипти ўқитиш керак. Ўқувчилар буни тушиниб, тишларни 90 буришни таклиф қиладилар. Баъзан мазкур синфлардаги ўқувчилар янада оригиналроқ конструкцияни таклиф қиладилар. Бу конструкция қўйилган талабларга тўла жавоб берадиган энг маъқул конструкция деб қабул қилинади ва ўқувчилар уни ясашга киришадилар.

Технологик масалаларни ҳал қилиш. Технологик масалаларни ҳал қилишдаги самарадорлик асосан ўқувчиларда кўрсатмали-ҳаракатли ва амалий тафаккурнинг ривожланиш даражасига, статик ҳамда динамикада техник объектларнинг фазовий кўринишларидан фойдалана олиш малакаси қанчалик шаклланганига боғлиқдир. Агар ўқувчиларда фазовий тафаккур бўш шаклланган бўлса, масала шартини яхши ўзлаштириш учун у тегишлича кўрсатмали бўлиши лозим. Масалан «Ойна рамкаси ясашга мўлжалланган тунуканинг тарновчасини қандай буклаш керак?» деган масалани ҳал қилишдан олдин ўқувчиларга заготовкани ва тунука тарновчани кўрсатиш, сўнг ана шу тунука парчасини қандай буклаб, тарновча ясаш кераклигини сўраш лозим. Ёки ўқитувчи ўқувчиларни метчиклар учун сурилма вороток

тайёрланадиган токорлик ва пармалаш стенокларини созлашнинг технологик картасини тузиш бўйича меҳнат топширигини бажаришга тайёрлашда уларга сурилма воротокни кўрсатиши, болалар эътиборини вороток корпусидаги ўйик катъий ўқдош бўлиши зарурлигига қаратиш керак.

Кейин ана шу талабларга риоя қилмаслик қандай натижага олиб келишини брак вороток мисолида кўрсатиш лозим. Технологик жараёни тушунтиришга, заготовка танлашга ёки меҳнат процессларининг кетма-кетлигини аниқлаш ва ҳоказаларга доир бўлишдан катъий назар, технологик масалаларни ҳал қилишда ўқувчиларни қўйилган талабнинг ҳар бир шартлари бўйича анализ қилишдан кўпроқ уларни биргаликдаги ҳолатини ҳисобга олишга одатлантириш керак. Масалан, “Қуш уясининг шундай конструкциясини ишлаб чиқишга тайёрлангки, кучли ёмғир ёққанда унинг ичига сув тушмасин ва томда ўтирган муахук туйнугидан қўлини сука олмасин”, деган масалани ҳал қилишда заготовка ўлчамларини элемент анализи асосида белгилаш, уянинг юқори қисми қийшайтириб қўйиладиган ён деворлари заготовкасининг узунлигини эса деворнинг катта ўлчамлари бўйича белгилаш керак. Бунда қиялатиб кесишда заготовка материалнинг бир қисми чиқитта кетади. Агар элементларнинг биргаликдаги ҳолати ҳисобга олинса, иккала ён деворни умумий заготовкадан тайёрлаш, яъни уни қияликка мос бурчак остида аралаб, тенг икки бўлак қилиш мумкин. Шунда материалнинг исроф бўлиши ҳам бартараф этилади. Буюм тайёрлашга доир меҳнат операцияларнинг кетма-кетлигини белгилашда ҳам шунга амал қилиш керак. Одатда ўқувчилар элементлар бўйича ишлашда токча-балконча ва куш кўнадиган ёғочни ўрнатишни охириги операциялар, деб ҳисоблайдилар ва бунда миҳларнинг уя ичига қирган учларини кейин қайириб бўлмаслигини назарда тутмайдилар. Агар элементларнинг биргаликдаги ҳолатини ҳисобга олиб ишланса, операцияларни бошқача тартибда бажариш; аввал токча-балкончани уянинг олдинги деворига ва ёғочни орқа деворга ўрнатиш, кейин уяни умуман йиғиш лозим. IV, V ва баъзан VI синф ўқувчиларида технологик масалани ундаги элементларнинг биргаликдаги ҳолатидан келиб чиқиб таҳлил қилиш қобилияти ҳали бўш ривожланганлигини ҳисобга олиш керак. Лекин дастурдан ана шу синфларда бир неча деталлардан иборат буюмлар тайёрлаш назарда тутилгани сабабли ўқитувчи кўп элементли технологик масалаларни ҳал қилишда ёрдамлашиш йўли билан ўқувчиларда мазкур қобилиятни изчил ривожлантириши зарур.

Технологик масалаларни ҳал қилиш натижалари ҳам унча мувофиқ келмайдиган вариантга тузагиш ва ўзгартишлар киритиб, ўқувчиларни керакли ечимни излашдан чалғитмаслик учун счимнинг барча вариантлари ёки лоақал энг мувофиқ счимлардан биттаси топилгандан кейин конструкторлик масалаларининг натижалари каби муҳокама қилинади. Одатда технологик жараёни ишлаб чиқишга доир масалалар буюмлар тайёрлаш олдидан ҳал қилинади. Аммо шундай технологик масалалар ҳам борки, бевосита буюмлар ясашда ўқувчиларнинг билиш фаоллигини оширишда улардан фойдаланиш мумкин. Булар асосан технологик процессни тушунтиришга, уни такомиллаштиришга, асбоб ҳамда мосламаларни танлаш ва ҳоказоларга доир масалалардир. Чунончи: Қалинлиги 10 см ли фанерда диаметри 16 мм ли тешик пармалаш керак. Бунда спиралсимон, қошиксимон ёки марказли пармаларнинг қайси биридан фойдаланиш мумкин? “Юпқа лист металл кирраларини тозалаш учун қандай эғовдан фойдаланиш лозим?” Нима учун? Ўқувчилар шу ҳилдаги масалаларни ҳал қилишда тўғри ечимларни топишдан ташқари, уни батафсил асослаб беришлари, унинг тўғрилигини исботлашлари ҳам зарур. Бунинг натижасида ўқувчилар таҳминга ёки тасодифан олинган тажрибага эмас, балки кўрилаётган ҳодисанинг сабабини тушунтиришга асосланиб масала ечишни ўрганадилар. Чунончи бешинчи синф ўқувчилари юқоридаги биринчи масалани ҳал қилишга, баъзан фанернинг марказли пармала пармаланиши қачонлардир кўрганларини эслаб қоладилар. Лекин масалани ҳал қилишда уларнинг фақат фанерни қандай асбоб билан пармаланишини билишлари эмас, балки фанерни спиралсимон ёки қошиксимон пармалардан кўра марказли пармада пармалаш маъқуллигини тушунтира олишлари ҳам муҳимдир. Ёки, масалан, одатда ўқитувчи ёғочни пармалашда буюмни тагликка босиб туриш ёки ёғоч тешилишидан олдин пармалашни тўхтатиб, унинг тескари томонидан пармалаш кераклигини уқтиради. Ўқувчилар эса бунинг фақат билиб олмай, нима учун заготовкани пармалашда шундай талаблар қўйилишини ва бу талабларга риоя қилмаслик қандай нуксонларни келтириб чиқаришини тушунтира олишлари ҳам лозим.

Агар ўқувчилар технологик ҳодисаларнинг моҳиятини тушунтиришга қийнасалар, ўқитувчи уларга тўғридан-тўғри эмас, балки билвосита, йўналтирувчи саволлар орқали ёрдам бериши, уларни бу саволларга жавоб қайтаришда ўзларининг билим, тажриба ва мушоҳадаларидан максимал фойдаланишга қизиқтириши керак.

Бирор тилдаги ёки турли масалаларни ҳал қилишининг ташкилий шакллари тағлаш асосан дидактик мақсадларга қараб белгиланади. Агар масала дастурдаги янги материални ўрганиш олдиндан ёки уни ўрганиш жараёнида ўқувчиларнинг билиш фаолиятини реаллаштириш учун берилса, уни умумий йўсинда ҳал қилинади. Ана шунда ўқувчилар бир-бирларининг фикрларини тўғирлаб ва тўлдириб ўзларини ўзлари активлаштирадидлар. Ўқувчиларнинг билимини кенгайтириш ва умумлаштириш учун масалаларни ҳал қилиш умумий ҳамда якка йўсинда ташкил этилади. Масалани умумий ҳал қилиш ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаси деярли бир хил бўлганда, якка ҳал қилиш эса уларнинг тайёргарлиги анча фарқланган шароитда ташкил этилади. Бунда шунини ҳисобга олиш керакки, ўқувчилар якка топшириқни бажариб бўлганларидан кейин ҳам бирмунча вақт ечимни мустақил излашни давом эттирадидлар ва уларни жамоа ишига жалб этиш қийин бўлади. Шунинг учун масалаларни якка ҳал қилишни дарснинг бошида эмас, балки амалий топшириқни бажариш олдиндан ёки дарс охирида ўтказиш маъқулдир. Дарс бошланишида масалаларни якка йўсинда ҳал қилиш зарурати тугилган пайтларда ҳал қилиш учун қўл вақт сарфланмайдиган сифатли масалаларни тағлаш керак. Бундан ташқари, якка йўсинда ҳал қилинадиган масалаларни гуруҳнинг умумий топширигини бошқалардан олдин бажаришга улгурадиган ўқувчиларга қўшимча топширик сифатида бериш тавсия этилади.

Масалаларни ҳал қилишининг ташкилий шакллари тағлашга масалаларнинг тавсифи ҳам таъсир этади. Мураккаб ва сермеҳнат масалаларни бутун синф билан биргаликда, содда ва бир-бирига ўхшаш масалаларни индивидуал йўсинда ҳал қилиш мақсадга мувофиқдир.

Тест саволларини тузишга назорат саволлар.

- 1.Мақтабда техник моделлаштириш деганда нимани тушунаси?
- 2.Мақтаб устахоналаридаги моделлаштириш объектларига қандай талаблар қўйилади?
- 3.Ўқувчиларга моделлаштиришни ўргатиш қандай лаврларга бўлинади?
- 4.Ўқувчиларга чизмаларни ўқиш ва тузишни ўргатиш методикаси ҳақида сўзланг.
- 5.Ўқувчилар олдиға конструкциялаш бўйича қандай масалаларни ва қандай тартибда қўйиш мақсадга мувофиқ?

6. Ўқувчиларни технологиянинг қайси вазифалари билан таништириш маъқул?

7. Ўқувчиларга бериладиган маъқул технологик масалаларнинг мазмунини ёритинг.

8. Мактаб устахоналаридаги машгулотларда ҳал қилинадиган техник масалаларнинг характерли хусусиятларини айтиб беринг.

Турли ёшдаги ўқувчилардан тузилган гуруҳларнинг иши диққатга сазовардир. Агар бундай гуруҳлар характери турлича бўлган шахслардан тузилса, жамоа муносабатлар энг яхши сайқалланади. Ёшлари турлича бўлган кичик ёшдаги ўсмирлардан тузилган жамоаларни алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим, буларда болаларнинг ёшлари ўртасидаги тафовут унча катта бўлмайди, уларнинг физиологик кўрсаткичлари эса кескин фарқ қилади. Айрим ўқувчилар меҳнатга иштиёқ билан интилишади, бошқалари эса бўшроқ болалар тўғрисида «гамхўрлик қилишни», уларга <<ўргатишни>> ҳоҳлашади. Натижада жуда иноқ, салоҳиятли жамоалар юзага келади. Тажрибанинг кўрсатишича, меҳнатни ташкил қилишнинг барча шаклларида звенолар, бригадаларини турли ёшдаги тайёргарлик даражаси ҳар хил бўлган болалардан тузиш зарур экан.

Ўқитувчилар орқали меҳнатни ташкил қилиш шаклларини белгиловчи объектив омиллар ўзгаради, ижодкорлик муҳити ҳар бир ўқувчининг умумий ишга дахлдорлиги муҳити, меҳнатнинг мақсадга эришишда масъулиятли руҳи юзага келади. Демак, унутли меҳнатнинг ташкилий шакллари объектив омиллар меҳнат мазмунини, меҳнат предмети ва меҳнат воситаларининг тавсифини, ўқувчиларни меҳнатга тайёрлашнинг мақсадларини, меҳнат топшириқларини бажариш вақтини ҳисобга олган ҳолда танланиши зарур. Объектив омиллар билан бир каторда субъектив омиллар ҳам мавжуд бўлиб, уларга ўқувчиларнинг жамоа меҳнатда қатнашиш заруриятини тушуниб етиш даражаси биргалашиб ишлашга ўқувчиларнинг эмоционал шайлиги, меҳнат ўқитувчисининг шахси киради.

Жамоа раҳбарлик қилишдаги муваффақият бошқарув органларининг таркиб, структураси ва вазифаларига, жамоа меҳнатининг умумий принципларига, жамоа аъналарига амал қилинишига ва унинг аъзолари билан мустаҳкам муносабатда бўлишига боғлиқ. Мамлакатимиздаги энг яхши ўқитувчиларнинг тажрибаси шундан далолат берадики, агар ўқувчилар меҳнатни ташкил қилишда ўқувчиларнинг ўзини-

Ўзи бошқаришларига ўрин берилса, уларнинг жамоа меҳнати тарбиявий жараёнининг самарадорлиги кескин ортар экан. Техник-технологик талаблардан кескин четлатишлар бўлмаслиги, бўлинмаларда вазифалар тўғри тақсимланиши учун ўқитувчининг роли динамик тарзда бўлиши керак. Ўзини-ўзи бошқариш амалиётида ўқувчилар кўпинча бригадир, звено бошлиғи ва назорат вазифасини бажаришади. Шу билан бир қаторда улар меҳнатни ҳисобга олиш ишларини бажаришади. ўқувчилар меҳнатининг натижаларини баҳолашади. Бу ҳол ўқувчилар ўртасида ўзаро муносабатни мустақамлайди. Улар ўз меҳнатини қандай қилиб яхшироқ ташкил этиш, қийинчиликларни қандай қилиб енгиш хусусида фикр алмашишади. Шу нарса маълумки, меҳнат натижаларини жамоа бўлиб муҳокама қилиш ўқувчиларнинг меҳнатдаги ўз ролига ўзлари баҳо беришига ижобий таъсир кўрсатади. Муҳокама қилиш айрим ўқувчилардаги пассивлик элементларини йўқотишга ёрдам беради. Шундай қилиб, ўқувчилар меҳнатининг ташкилий шаклларини танлашга меҳнат жамоа фаолиятининг барча босқичларида, ўзини-ўзи бошқариш органлари ишини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш зарур. Бундай бошқарув органларининг иши ўқувчилар гуруҳлари фаолиятини йўналтириш ва мувофиқлаштиришга қаратилган. Бунинг учун улар ишни жамоа тарзида режалаштиришни ташкил қилишлари, кўзланган мақсадлар амалга оширилиши учун ўқитувчилар билан бирга шароит яратишлари, ишлаб чиқариш жамоалари билан алоқа боғлашлари, топширикнинг бажарилиш сифатини назорат қилиб туришади, умумий ишга яқун ясашлари мусобақа уюштиришлари лозим бўлади. Мактабларнинг иш тажрибасини таҳлил қилиш жамоа меҳнатининг қўйидаги тарбиявий томонларини аниқлашга ёрдам беради: меҳнатдан кўзланган мақсаднинг умумийлиги; ўқувчиларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ўқитувчининг раҳбарлик роли: вазифаларини биргаликда режалаштириш ва тақсимлаш; меҳнат тақсимоти; ўзаро алоқа; ўзаро контрол; ўзаро ёрдам, меҳнатга яқун ясаш; жамоа олдида ҳисоб бериш, мусобақа уюштириш.

Ўқитувчи жамоа меҳнатнинг бу томонларидан меҳнатга тайёрлаш босқичини ва ўқувчилар меҳнат фаолиятининг мазмунини ҳисобга олган ҳолда фойдаланади.

Умуми меҳнат мазмунини танлашга нисбатан қўйиладиган асосий талаблар.

Тўғри танланган меҳнат объектлари ўқувчиларга ўз меҳнатининг фойдалилиги ва зарурлигини ҳис этишга, меҳнат кўникмаларини ўзлаштиришга масъулият билан ёндашишга, турли хил мослама ва ускуналар, техник ҳужжатлар, турли-гуман

материаллар ҳамда уларнинг физик кимёвий хоссалари, ишлаб чиқаришни тайёрлаш технологияси ва ишлаб чиқаришнинг ўзи билан, таъминот, режалаштириш ва ҳоказолар билан мукамалроқ танишишга имкон беради. Танлап мезонларига дидактик, психологик - физиологик, ташкилий педагогик, иқтисодий ва техник-технологик талаблар асос қилиб олинган бўлиб, улардан ҳар бирининг тавсифи устида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Дидактик талаблар меҳнат объектларининг меҳнат таълими дастурида мос келишини кўзда тутати; бу дастур бўлимлар, ўқувлар, кўникмалар тизимини ўз ичига олиб, ўқувчиларни камол топтиришни узлуксиз амалга оширишга имкон беради. уларнинг билмасликдан билишга томон, ўқувсизликдан рационал ўқувларнинг шаклланишига томон ҳаракат қилишни таъминлайди. Психо-физиологик талабларга мувофиқ, ишларнинг мураккаблиги ва сермеҳнатлиги йўл қўйилган антропометрик маълумотлар чегарасида болалар ёшининг хусусиятларига мос келиши керак; ташкилий-педагогик талаблар ўқув-тарбия масалаларини рационал ва мақсадга бўйсундирилган тарзда амалга оширишга, меҳнатнинг жозибадорлигини оширишга. Ишлаб чиқаришда меҳнат қилишга нисбатан қизиқиш уйғотишга, шунингдек, ҳар қандай фойдали меҳнатга нисбатан барқарор муносабатни шакллантиришга, унинг турли шакллариининг меҳнатга тайёргарликнинг шаклланишига таъсирини ўстиришга қаратилган. Меҳнат объектларининг устаҳонанинг ишлаб чиқариш имкониятларига мослиги техник-технологик талаблар асосини ташкил этади. Мураккаблиги ва сермеҳнатлигига кўра меҳнат объекти меҳнат мазмунида синфдан-синфга ўтган сайин изчиллигини амалга ошириш учун шароитлар яратиб бериши ҳамда механизациялаштирилган ускуна ва асбобларни қўллаш, шунингдек, ишлаб чиқариш техникаси ва технологиясини такомиллаштириш ҳисобига меҳнатни энгиллаштириш ҳамда унинг сермеҳнатлигини камайтириш йўлларини кўрсатиб бериши керак. Иқтисодий талаблар гуруҳига қуйидагилар қиради: меҳнат объектларининг ижтимоий фойдалилиги; ўқувчининг меҳнатдаги фаоллигини бевосита ёки бавосита моддий тақдирлаш ва рағбатлантириш; хўжаликни бозор тарзида юритишни мисолларда кўрсатиш; ўқув-ишлаб чиқариш базасида маҳсулот таннархини камайтириш ҳамда ишчи кучидан энг оқилона фойдаланиш йўлларини очиб бериш.

Юқорида келтирилган талаблар таҳлили асосида, ўқувчилар учун меҳнат объектларини танлашнинг қуйидаги низомларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

буюмларнинг ўқув дастури мувофиқлиги, ижтимоий фойдалилиги, меҳнат хавфсизлигининг таъминланиши, мураккаблиги ва сермеҳнатлиги жиҳатидан ўқувчиларга мослиги, ўқувчилар билимининг савиясига ва ишлаб чиқаришнинг ташкил қилиниш типига мувофиқлиги.

Меҳнат объектининг ижтимоий фойдалилиги мезонлари социал-иқтисодий талабларни инодалайдн, бу талаблар ўқувчиларни цсх ва корхонанинг рсжадаги махсулотни ишлаб чиқаришда қатнашишга жалб этишдан иборат. Мазкур мезонлари ўқувчиларни ўз меҳнат ўқувлари ва кўникмаларини такомиллаштиришга интилишларини рағбатлантириш каби дидактик талабларни ўз ичига олади.

Меҳнат объектларини танлашда дастур материални ҳисобга олиш критериси танлашнинг бошқа мезонлари билан бирга биринчи ўринда туриши зарур. Умумий жиҳатдан олганда бу мезон фақат махсус эмас, балки умумий меҳнат укувлари ва кўникмаларини, меҳнат тарбияси масалаларини ҳам ўз ичига оладики, бу эса ўқувчиларда меҳнатга тайёргарликни шакллантиришни мақсад қилиб қўяди. Бунда вазифа дастур мазмунини тўлароқ очиб беришдан иборат бўлади. Объект оркали технологиянинг асосий қондаларини, меҳнат фаолиятини амалга ошириш приёмларини, меҳнат унумдорлигининг ошишига олиб келадиган такомиллаштириш йўллари кўрсатиш мумкин бўлади.

Меҳнат объектларини танлашда ўқувчиларнинг билимлари савиясини ҳисобга олиш динамик тарзда амалга оширилади: ўқувчининг бу қадар олган билимлари савияси уни меҳнатга жалб қилиш ва навбатдаги билимларни олиш савиясига ўтказиш учун асос бўлиб ҳисобланади. Бунда билимнинг ҳар қайси савияси учун янги меҳнат объектлари танланади, чунки уларни тайёрлаш технологияси ўзгаради. Бу ҳол синфлар орасида меҳнат мазмунидаги изчилликни амалга оширишга имкон беради, бунда меҳнат объекти мураккаблиги ва сермеҳнатлиги жиҳатидан турлича бўлган бир нечта деталдан ташкил топади. Меҳнат объектларининг мураккаблик даражаси ўқувчиларни психо-физиологик хусусиятлари ёши, жисмоний имкониятлари, қобилиятларига мос бўлиши керак, шундагина меҳнат маълум даражада ўқувчининг ҳолига яраша бўлади. Буюмларнинг мураккаблик даражаси ўқувчилар жамоа меҳнатининг ташкил қилинишига таъсир кўрсатади, бу эса меҳнат унумдорлигини оширишдаги ижодий изланишни кучайтиради. Меҳнат тақсимои ва меҳнат кооперациясининг такомиллашувига олиб келади.

Меҳнат объектларини мураккаблиги бўйича танлаш мезонга бир қанча аломатлар: буюмлар тайёрлаш учун зарур бўлган меҳнат усуллари сони, янги усуллар ва технологик операциялар сони, маҳсулот сифатига қўйиладиган техник талаблар, фойдаланиладиган жиҳознинг турли ҳамда технологик жараёнининг бажарилиш изчиллиги билан таърифлаш мумкин. Меҳнат объектларини танлашда уларнинг тегишли министрлиги тасдиқлаган меҳнат хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига мувофиқлигига алоҳида эътибор бериш зарур. Шундай қилиб, ўқувчиларнинг унумли меҳнати учун буюмлар танлашда ўқитувчи қўйидаги тамойиллардан келиб чиқиши лозим: амалий фаолият назарий билимларни қўллаш ва мустахкамлаш соҳаси ҳисобланади, буюмлар тайёрлаш жараёнида ўқув-ишлаб чиқариш базасида меҳнат хавфсизлиги талабларига жавоб берадиган нормал иш шароитлари яратилиши лозим; ўқувчиларнинг меҳнатга ахлоқий-психологик жиҳатдан тайёрлиги масалаларининг ҳал этишга социал ва иқтисодий омилларни ўз ичига оладиган ижтимоий фойдали бўлган меҳнат буюмларини тайёрлаш ёрдам беради. Бундай буюмларни тайёрлаш ҳар қил материаллардан алоҳида деталларни ясашдан тортиб то уларни йиғишгача бўлган технологик операциялар мажмуасини қўллаш билан боғлиқ бўлиши керак, бу эса ўқувчиларнинг унумли меҳнатини ташкил қилишни ишлаб чиқаришдаги ишчилар меҳнатининг мантқиқига яқинлаштиришга, шунингдек синфлар орасида меҳнат мазмунидаги изчилликни амалга оширишга имкон беради; ўқувчилар ишининг, мазмунида ишлаб чиқаришнинг бир-неча соҳасига ҳос операциялар бўлса, меҳнат объектларининг ўзи эса кенг қўлланиладиган бўлсагина ўқувчиларнинг меҳнатга амалий тайёргарлигини амалга ошириш муваффақиятли бўлади. Шу асосда ўқувчиларнинг политехник билимлари, уқувлари ва кўникмалари шакллантирилади. Бундай меҳнат топшириқларини бажариш жараёнида кенг ихтисосдаги касблар билан таништириш иши ўтказилади, турли касбларга ҳос бўлган муҳим элементлар аниқланади, шунингдек у ёки бу хусусиятни белгилловчи омиллар аниқланади. Саноат буюмларини ишлаб чиқаришда ўқувчиларнинг иштирок этиши уларни ишлаб чиқариш фаолиятининг аниқ шароитга олиб келади, улар моддий ишлаб чиқариш соҳасида ишлашга қизиқиш пайдо бўлишига ёрдам беради; синфлар ўртасида меҳнат мазмунидаги изчиллик тамойили асосида танланган объектлар умумий меҳнат уқувлари ва кўникмаларининг шаклланишига ёрдам беради. Натижада ўқувчиларнинг буюмларни ўртача ва кам

сериялар ишлаб чиқаришни ташкил қилишга имкон беради, бу эса ўз навбатида, ўқув-ишлаб чиқариш базасидаги жиҳозларнинг маълум даражада ихтисослаштирилишига ҳамда ўқувчилар меҳнатининг унумдорлигини ошириш йўлларидан бири ҳисобланган бир типдаги маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ижодкорлар таклиф этган усуллари ва усулларининг тадбиқ этилишига олиб келади; ўқувчиларнинг иши меҳнат дарсларида улар олган билимлар, укувлар ва кўникмаларни эътиборга олган ҳолда ташкил қилинсагина ўқувчилар меҳнатининг моҳияти ҳамда тавсифи тўғрисида аниқ тасаввур олишлари мумкин. Ўқитувчи ана шу тамойиллар асосида ўқувчиларнинг унумли меҳнати мазмунини аниқлайди.

Ўқувчиларнинг унумли меҳнатини режалаштириш ва ҳисобга олиб бориш.

Унумли меҳнат жараёнида ўқувчилар фаолиятининг натижаларини режалаштириш уни ташкил қилишнинг асосий ишининг муваффақиятини белгиловчи элементларидан бири ҳисобланади. Ўқувчиларнинг унумли меҳнатини умуммақтаб миқёсида ҳам, айрим синфлар миқёсида ҳам олиб бориладиган режалаштириш:

ишлаб чиқариш жараёнини ўз вақтида тайёрлаш, бинобарин, мактаб ўз зиммасига олган мажбуриятларни ўз вақтида бажариши учун шароитлар яратишга; ўқувчиларнинг унумли меҳнатга ажратилган вақтдан оқилона фойдаланишга; операцияларни белгиланган изчилликда бажаришга; ўқувчиларнинг унумли меҳнати билан буюртмачи корхонанинг иши ўртасида алоқа ўрнатилишига:

ҳар бир ўқувчи, ўқувчилар гуруҳи ва бутун ўқув-ишлаб чиқариш базасининг ўқув-ишлаб чиқариш фаолиятини назорат қилиш ва ҳисобга олиб бориши сифатини оширишга ёрдам беради.

Ўқувчилар унумли меҳнатини режалаштиришнинг энг муҳим тамойили унинг таълим-тарбиявий масалаларининг ҳал қилинишига кўлик бўйсундирилишидир. Меҳнати ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг илмий асосларидан, замонавий техника ва технологиядан фойдаланиш ўқув-ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун энг қулай шароитлар яратади, чунки майдон, ускуналар, қувват, материаллар, асбоблардан оқилона фойдаланишга, оптимал иш режаларини, бошқаришнинг техник воситаларини қўллашга, энг яхши меҳнат шароитларини яратишга имкон беради ва ҳоказо.

Унумли меҳнатни режалаштиришдан мақсад дасрурлари ва режаларининг барча ўқув гуруҳлари томонидан тўла-тўқис ҳамда ўз вақтида бажарилишини, ҳар бир ўқувчининг билим, ўқув ва кўникмалари юқори савияда бўлишини таъминлашдир.

Режалаштиришни тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш режали тузишдан бошлаш керак. Бундай режага синов буюмларини энг аввало, ўқувчилар меҳнатига норма белгилаш нуқтаи назаридан технологик таҳлил қилиш натижалари асос қилиб олинishi лозим. (бу ҳақда бошқа бобда муфассал баён қилинган). Бундай режанинг (бир ойга, кварталга, йилга мўлжалланган) тахминий режа қуйидаги жадвалда келтирилган.

Кўрсаткичлар	1-буюм			2-буюм		
	Режа	Ҳақиқий	Бажарилиши %	Режа	Ҳақиқий	Бажарилиши %
1. Маҳсулот ҳажми. Дона Ҳисобида. Сўм Ҳисобида						
2. Маҳсулот бирлигининг баҳоси.						
3. Рўйхатдаги ўқувчиларнинг умумий соғи.						
4. Вақт фонди						
5. Ўқувчиларнинг меҳнат ҳақи фонди.						
6. Маҳсулот таниарҳи.						

Режа педагоглар кенгашида кўриб чиқилиб, унга ўқув ишлаб чиқариш базасининг раҳбари, корхона директори, бош бухгалтер, ўқувчиларнинг ўзини-ўзи бошқарув органининг вакили, база корхона вакили имзо қўйишади.

Маҳсулот ҳажми натурал ифодада унинг номенклатураси ва ассортименти билан белгиланади. Номенклатура буюмлар рўйхатини, ассортимент эса бир хил номдаги маҳсулотнинг турлари ва типлари бўйича таркибини кўрсатади. Кўриб чиқилаётган кўрсаткич ишлаб чиқариш режанинг асосий кўрсаткичи ҳисобланади ва бошқа қолган барча кўрсаткичларнинг шаклланишига ҳал этувчи таъсир қилади. У база корхона, оталиққа олган корхона ёки исгаган бошқа корхона томонидан ўқув ишлаб чиқариши раҳбари билан келишган ҳолда, ўқувчиларнинг ўзини-ўзи бошқарув органи вакиллари иштирокида белгиланади ва маҳсулот ишлаб чиқариш тўғрисидаги шартномага ёзиб

қўйилади. Буюртмачига қиймати бўйича топшириладиган маҳсулотнинг ҳажми сўм ҳисобида ифодаланади. Унумли меҳнатда қатнашувчи ўқувчиларнинг умумий сони ўқувчиларнинг синфлар бўйича сонининг йиғиндисидан иборат бўлади. Унумли меҳнатга ажратиладиган вақт фонди, одатда, меҳнат таълимига оид ўқув дастурларининг мавзуларига мувофиқ равишда кварталлар ва ойларга бўлинган ҳолда бир йил учун белгиланади. У қуйидагича ҳисоблаб аниқланади. Дастурларда ҳар бир мавзунини ўрганишга ажратиладиган вақтнинг умумий фондидан кириш машғулоти ва якунловчи машғулотга ажратилган вақт ҳамда машқ тарзида топшириқларга ажратилган вақт айириб ташланади. Узрли сабабларга ўқувчилар йўқотган вақт унча кўп бўлмаганлиги учун одатда ҳисобга олинмайди.

Маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланадиган вақт фондидини тўлиқ ҳажмда ҳисобга олиб бўлмайди, чунки ўқувчилар бажарадиган иш ўқишнинг турли даврларида ҳар хил бўлади. Ўқишнинг ҳамма даврларида оптимал вақтни ҳисоблаш учун унумли меҳнатга бевосита сарфланадиган вақтга айрим тузатишлар киритилади, бу тузатишлар қуйидагилардан иборат: ўқув вақти фонди ўқувчилар ишига норма белгилашда қўлланиладиган ўтказиш коэффициентига бўлинади. Натижада келтирилган вақт фонди ҳосил бўлади ва у ўқувчилар тайёрлаши лозим бўлган маҳсулот ҳажмини ҳисоблашда асос қилиб олинади. Меҳнат ҳақи фонди ўқувчиларнинг унумли меҳнатига тўлаш учун ажратилган пул маблағлари суммасини кўрсатади. Бу кўрсаткични режалаштириш ва ҳисоблаш учун бошланғич маълумот бўлиб ишлаб чиқариш дастури ҳамда бажариладиган ишнинг нархи хизмат қилади. Ўқувчиларнинг меҳнат ҳақи фонди маҳсулот миқдорини шу маҳсулот бирлигига белгиланган тегишли нархга кўпайтириш ва олинган кўпайтмалар йиғиндисини топиш йўли билан аниқланади. Режанинг барча кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, келишиб олиш ва ҳисобга олиб боришни меҳнат ўқитувчилари ҳамда ишлаб чиқариш таълими ўқитувчилари ўқувчилар билан бирга амалга оширишлари керак.

Ўқув ишлаб чиқариш бригадаларининг ишлаб чиқариш режаларини тузишда ўқувчилар иштирокининг иккита асосий шаклини ажратиш кўрсатиш мумкин: ўзини-ўзи бошқарув органлари орқали ва умумий мажлис воситасида, режалаштиришга ўқувчиларни кенг жалб этиш тарбия нуқтаи назаридан муҳимдир. Унумли меҳнатни кварталлар ва ойлар бўйича амалга ошириш керак. Бу ҳол режанинг бажарилишини маълум даражада назорат қилиб туришга ва аниқланган камчиликларни ўз вақтида

бартараф этишга имкон беради. Уқувчиларнинг унумли меҳнати режаси тасдиқланганидан кейин материал ва заготовкларни етказиб беришнинг қуйидаги режаси ишлаб чиқилди.

Тартиб номсри	Материалнинг номи	Етказиб бериш муддати	Микдори	Омбор

Материалларни сарфлаш нормаси база корхона нормативларидан олинади. Унумли меҳнатни барча зарур нарсалар билан таъминлаб туриш учун комбинат омборида уларнинг захирасини тўллаб қўйгани маъқул.

Агар меҳнат объектлари мураккаб бўлиб, уни тайёрлаш технологияси бутун тайёрлаш жараёнини ўқув комбинатида амалга оширишга имкон бермаса, у ҳолда режалаштириш вақтида қуйидаги маршрут ведомостларини ишлаб чиқиш лозим. улар база корхона ва ўқув-ишлаб чиқариш базаси ичида деталнинг силжиш йўлини кузатиб бориш имконини беради.

ХVI БОБ. МЕХНАТ ТАЪЛИМИ НЕГИЗИДА ХАЛҚ ХУНАРМАНДЧИЛИГИ ВА УНИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

16.1. Халқ хунармандчилигида ишлатиладиган материалларни ўқитиш методикаси

Методологик ва тарихий асослар. Ўзбек халқининг кўп асрлик тарихдан маълумки, халқ Амалий бзак санъати ва хунармандчилик бой ва ранг-баранг маданий меросимизнинг энг ажойиб ва оммавий қисмили ташкил этади. Ўзбек днёрида вужудга келиб, гуллаб-яшнаган амалий санъат бемисол ва бетакрорлиги билан дунёга машхур бўлиб келмоқда. Бундай камолот ва тараккиёт босқичлари ҳақида фикр юритадиган бўлсак, ўзбек амалий санъати турларининг шох илдизлари инсониятнинг болалиги, яъни ибтидоий жамиятга бориб тарқалишни гувоҳи бўламли.

Бадий идрок қобилияти кишиларда, ўқувчиларда оламни, ундаги мавжудотлар , нарсалар ва воқеа-ҳодисаларни, атроф муҳитдаги шакллар ва рангларнинг турфа шакл-шамоилида акс эттиришга ҳавас уйғотади. Шакл ва рангларнинг реал ҳамда стиллаштирилган тасвирларини яратиш шу тарика келиб чиқди ваўз навбатида одамларнинг кундалик турмушидан ўрин ола бошлади. Натижада бадий безакларнинг турли-туман шакллари ва турлари пайдо бўлди. Бошқа санъатларга нисбатан, бундай нақшли безаклар кўплигининг ва такомил топганлигининг муайян тарихий сабаблари бор. Маълумки, ислом мамлакатларида мавжудотлар тасвирини ишланмаган, балки, тасвирий санъатга чуқур фалсафий ёндошиш натижасида шартлилиқ, стиллаштириш, рамаийликка асосланган бадий безак асарларини яратиш кучайган. Ушбу тарихий ҳақиқат ўзбек миллий безак санъатининг гуркираб ривожланишига туртки бўлганки, ҳозирда жаҳонда машхур меъморчилик ёдгорликларимиз ва улардаги ганчкорлик, кошинкорлик, наққошлиқ, хаттотлик, тоштарошлиқ ва бошқа турлардаги санъатларнинг, ажойиб даражада уйғуллашганлигида кўрилади. Унинг негизида мураккаб, излапувчан, ижодкорлик меҳнат, меҳнатнинг таълимлигига мавжуд тарихий ривожланишидан гувоҳимиз. Мисол учун таянсак: Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз, Тошкент. Қўқон ва бошқа шаҳарлардаги меъморчилик ва халқ амалий санъати ёдгорликлари ўтмиш авлодларимиз яратган баркамол, такрорланмас ва тарихан бсбаҳо санъат асарларининг намуналари бўлиб, халқимизнинг ва шу билан жаҳон маданиятининг

дурдоналаридан бўлган бадий ва маданий меросини ташкил этилганидан хабардор бўламиз.

Халқ амалий санъати кишиларнинг маънавий оламини бойитади, бадий дидини шакллантиради, руҳиятини тарбиялайди. Шунинг учун ўзбек халқи амалий санъати кишиларни бадий ахлоқий, умуминсоний руҳда тарбиялайди.

Ўзбек халқ санъати қадимийлиги, ҳамда бой маданияти билан бутун дунёга машур. Унинг ер юзаси ва тупроқ ости қисми улкан бир тарихий музей. Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Тошкент, Фаргона ва бошқа шаҳарлардаги ҳар бир тарихий обида, ҳар бир халқ амалий санъати намунаси бобокалонларимиз яратган баркамол, такрорланмас, теран мазмунли ва тарихан бебаҳо санъат асарлари жаҳон маданиятининг дурдоналаридан бўлган бадий ва маънавий меросини ташкил этади.

Асрлар давомида орттирилган ва маданий бойлигимиз, хусусан, шўро тузуми даврида ўзбек миллий халқ амалий безак санъатининг энг кўп ривожланган турларидан ганчкорлик, наққошлик, ёғоч ўймакорлик, тоштарошлик, суяк ўймакорлиги, қандакорлик, пичокчилик, заргарлик, каштачилик, зардўзлик, гиламчилик каби турларнинг ўзига хос томонлари, бажариш технологияси, ҳақиқий асл номлари, ўзига хос мактаблари, услублари яратган усталарнинг номлари аста-секин йўқолиб кетиш хавфи остида қолди. Бугунги кунда мустақил мамлакатимизда халқимизнинг асрлар бўйи яратган меҳнати натижасида яратган амалий безак санъатини кўз қорачигидек сақлаш, қадрлаш, улардан амалий фойдаланиш, ёшларга ўргатиш орқали уларнинг эстетик дидини ўстириш ҳамда юксак маданиятли кишилар қилиб тарбиялаш учун кенг имкониятлар очилди.

Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Низомий Ганжавий, Носир Хисрав, Алишер Навоий, Камолiddин Беҳзод, Бобур каби жаҳон машҳур олим, шоир ва мусаввирлар халқимизни гўзалликка интилишга қақирган.

Бобомиз Амир Темур «хунар ва илм эгалари, йирик мутахассис олимлар ёрдамига таяниб математика, геометрия, мсьморчилик, астрономия, адабиёт, тилшунослик, тарих, мусиқа, гасвирий санъат ва ҳаттотлик каби ривожлантиришдаги катта аҳамият берди». Шаҳарларни ҳар томонлама чиройли ва улугвор қилишга интилди. Жумладан, тош ҳамда ғишт йўллар, кенг катта раво кўчалар қурган.

Бир-бирдан маҳобатли бинолар солдирган. Самарқанднинг Регистон майдонида Улуғбек, Шердор ва Тилла Қори мадрасалари, Шохи Зинда ва Гўри Амир ансамбль мақбаралари, Бибихоним масжиди. Бухорода Исмоил Самоний мақбараси, Тошкентдаги Қўқалдош мадрасаси, Шаҳрисабздаги Оқ Сарой ва бошқалар бугунги кунда дунёга машҳурдир.

Амир Темур ва Темурийлар даврида халқ санъати хунармандчилиги қолаверса маданияти юксак даражада ривож топди. Темурнинг амри билан турли мамлакатлардан усталар, меъморчилар олиб келиниб ажойиб тақрорланмас бинолар қуриш ва боғу-роғлар барпо этилди.

Айниқса Темур ўз онаси бағишяб қурдирган Оксарой тарихининг бир бўлаги бўлиб қолади. Уни 1379 йилда Темурнинг амри билан қурдирган.

Маълумки, ўзбек халқ амалий безак санъатининг энг ривожланган турларидан бири наққошлиқдир. Ўзбекистон территориясидаги археологик қазилмалардан Хоразм, Сўғд, Бахтрия ва бошқа нақш санъатини ривожланганлиги маълум. Олмларимиз Сурхандарё вилоятидаги Фаётепа (I-II – аср) Далварзинтепа (I-аср) қазилмаларидан топилган, расм, нақш колдиқлари орқали буни исботлаб берганлар, Хоразмдаги Тупроққалъа заллари монументал нақшлар билан безатилганлиги бизга маълум. VI-VII асрларда қасрлар ва бойларнинг уйлари нақшлар ҳамда тасвирлар билан безатилган.

IX-X-асрларда Ўрта Осиёда наққошлиқ санъати авж олиб ривожланди. Архитектурада ғишт қолаб нақш солиш юксак ривожланди. Биноларнинг ички томонларига ганч, ёғоч ўймакорлигини қўллаш юксак ривож топди. Айниқса мактабларнинг пештоқлари девор ва равоқлар ганч нақшлар билан нафис безатилган.

XVIII –асрнинг охири XIX-асрда Қўқонда, Фарғона, Бухоро каби шаҳарларда етук усталари етишиб чиқди. Мисгарлик, наққошлиқ, ганчкорлик, чилангарлик ва бошқа санъат турлари ривожланди.

Қадимда хунар ўрганиш муқаддас саналган. Ҳар бир халқ келажак авлодларига ўздан қолдирган тақрорланмас хунарлари билан кадрланган. Ўзбекистон қадимда хунармандлар маркази бўлган, дессак хато қилмаган бўламыз. Масалан, Андижон вилоятида Шаҳрихон, Самарқанд вилоятида Ургут, Фарғона вилоятида Қўқон, Марғилон, Наманган вилоятида Чустда халқ хунармандчилиги гуллаб яшнаган.

Ҳунармандлар ўзга даврда маҳаллаларга бўлиниб эгаллаган, чунончи заргарлик маҳалласи, пичоқчилик маҳалласи деб юритилган. Ўша даврларда яна мисгарлик, заргарлик, буйрачилик, сандикчилик, пичоқчилик, аравасозлик, кулолчилик маҳаллалари мавжуд бўлган. Масалан, XIX аср охири XX аср бошларида Бухорода буйрачи маҳалласи бўлиб, у ерда умуман Бухородаги буйра тўқийдиган усталар яшаган. Буйрачи маҳалласида 120 та оила яшаган.

Ҳар бир касбкорлик маҳалласида кўни-кўшнилар ўртасида рақобат бўлган. Чунки кимнинг маҳсулоти сифатли бўлса, халқ ўшанинг ишлаб чиқарган маҳсулотини сотиб олган. Шунинг учун ҳар бир уста сифатли маҳсулот тайёрлашга интиланган. Ҳар бир устанинг ўз растаси бўлган. Бозорда одатда бозор беги бўлган. У барча расталарга келтирилган молларни кузатиб уларга нарх белгилаб чиққандан кейин савдо-сотик бошланар эди. Сифатсиз маҳсулот ишлаган устанинг бозори касодга учраган.

Наққош ўтмишда халқ усталарининг энг билимдони ҳисобланган. Чунки улар мадрасада таҳсил олиб адабиёт, тарих, мусиқа, математика, Киме фанларини яхши билганлар. Наққошлик технологияси авлоддан-авлодга ўсиб келган. Қадимдан наққошлар нақш яратиш сир асорлари уста бўлганларидан сўнг улар ҳа мўз шоғирдларига ўргатган. Шундай қилиб, наққошлик касбини ҳунармандчиликка асос қилиб анъана тариқасида ривожлантириб келганлар. Замонамизда наққошлик ёш авлодга: меҳнат таълимининг тури, тўғарак, касб шаклида ўргатилмоқда. Аслида наққошликни ўрганган ўқувчи-шоғирд халқ ҳунармандчилик бошқа соҳа, тармок касбларни ҳам осонлик билан ўзлаштириши осон кўчади.

Бунинг учун халқ бадий ҳунармандчилиги соҳалари: ганч, ўймакорлик, ёғоч, тош ва суяк ўймакорлиги, кандакорлик, мисгарлик, кулолчилик, сандиксозлик, бешиксозлик, пичоқчилик, заргарлик, чилангарлик, чопон тикиш, кийгиз, босиш, дўппидозлик, шарқ миниатюраси, рихтагарлик, зардўзлик, патдўзлик, кашгачилик, читгарлик, сават тўқиш, буйрачилик, гилам тўқиш ва бошқа шу гуруҳга кирадиган бадий ҳунармандчилик касбларини ўрганиш технологиясида наққошлик асос ҳисобланади. Мисол учун, айрим мактабларда меҳнат таълими, тўғарак ишларини таъкил қилишда қуйидаги ўқув режадан фойдаландилар (чуқурлаштирилган вариантида)

мавзулар тартиб рақами	дарслар тартиб рақами	Мавзулар	соатлар
1	1-2	5- синф Наққошлик ҳунари ва унинг инсон ҳаётидаги ўрни.	2
2	3-4	Наққошликда ишлатиладиган асбоб-усқуналар ва материаллар.	2
3	5-6	Нақш ва унинг турлари.	2
4	7-26	Нақш элементларини чизиш геометрияси.	20
5	27-64	Оддий нақш намуналарини қаламда чизиш.	38
		Жами:	64
		6-синф	
6	1-2	Рангшунослик	2
7	3-8	Бўёқлар билан ишлаш технологияси	6
8	9-64	Оддий нақш намуналарини бўяш	56
		Жами:	64
		7-синф	
9	1-28	Берилган тўғри тўртбурчак, квадрат, учбурчак ва доира шаклидаги нақш намуналарини чизиш ва бўяш	28
10	29-64	Композиция. Нақш элементлари асосида оддий нақш композициялари тузиш	36
		Жами:	64
		8-синф	
11	1-16	Геометрик нақшлар	12
12	17-28	Ғули гирих	12
13	29-36	Малоҳиди нақш	8
14	37-60	Намоён	24
15	61-63	Содда ёғоч буюмларини нақшлаш	68
		Жами:	128

		9-синф	
16	1-84	Мураккаб шаклдаги ёғоч буюмларини безаш	84
17	85-128	Биооларни миллий нақшлар билан безаш	44
		Жами:	128
		5-9-синфларда соатлар сони:	446

Шу билан бирга мактаб ўқувчилари халқ ҳунармандчилиги соҳа, тармоқ ва касбларга хос меҳнат асосларини ўзлаштиришга йўналтирмақдалар: нонвойчилик, ўтов тайёрлаш, ошпазлик, миллий ўйинчоқлар тайёрлаш, от-улов анжомлари тайёрлаш, қосибчилик, иморатсозлик ва бошқа меҳнат турларини ўрганишга жалб этилади.

Ҳунармандчиликнинг жаҳон маданиятида тугган ўрни:

Маҳаллий хомашёлар захираларининг маибалари, турлари, тарқалиши, уларнинг ҳунармандчилик марказларинг шаклланишига ва риожланишига таъсири. Ҳунармандлар сулоалари. Ҳунармандчилик рисоалари. Халқ амалий безак санъати ва ҳунармандчиликнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқаси. Турли хилдаги материалларни танлаш ва уларга ишлов бериш. Ҳунармандчилик асбоблари, мосламалари билан ишлаш. Маълум соҳаларда фойдаланиладиган электр қурилмалари ва усқуналар билан ишлаш. Ҳунармандчилик асарларини асраш, таъмирлаш ва уларнинг умрини узайтириш. Ҳунармандчиликда тадбиркорлик, ижодкорлик.

Юқорида айтилган миллий ҳунармандчилик асослари-ўқувчилар учун касб танлашга омил ҳисобланади.

Касбга йўналтириш негизлари

Касбларни танлаш мақсади, шарт-шароитлари, касблар таснифлагичи. Касб танлаш формуласи, касбий тавсифнома. Ўзбекистондаги касблар туркумлари: Одам-одам; Одам-техника: Одам-белгилар тизими; Одам-бадий образ. Касбий маҳорат асослари. Касб-ҳунар йўналишини танлашда қизиқиш, мойиллик, қобилият, касбий яроқликнинг аҳамияти билан босқичма-босқич таништириб бориш.

Ўқувчиларнинг ҳудудий, жугрофий, маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув муассасаларида ўзлари қизиққан соҳалар йўналишини (академик лицейларда ўқиш йўналишини) ихтиёрий танлашларига ёрдамлашиш.

Соғлиги танлаган касбига мос келиш-келмаслиги ҳисобга олиш. Келгуси касбий ҳаёт йўлини онгли танлай олиш кўникмаларини шакллантириш.

16.2. Халқ ҳунармандчилиги турлари ва уларда қўлланиладиган асбоб-ускуналар, технологиялар

Халқ амалий санъатининг энг кенг тарқалган оммавий турларидан бири-наққошлиқдир. Наққошлиқ амалий санъати Ўзбекистонда жуда қадимдан мавжуд бўлиб, айниқса, XVIII-XIX- асрларда кенг ривож топа бошлади. Авваллари нақш билан масжид ва мадрасалар, бой задагонларнинг уйлари(шнп, устун, дсвор) безатилар эди. Бу давр меъморчилик нақшлари ўз қонун-қоидалари ҳамда безаш услубларига, ўзига хос ранглар уйғунлигига ва мустақил нақш тузилишига эга.

XIX-асрга оид Бухоро, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент меъморчилик ёдгорликлари бир хил услубда яратилган, чунки бу шаҳарлар усталари бир-бирлари билан яқиндан ҳамкорлик қилишган.

Ўтган асрларда яратилган Фарғона, Тошкент, Бухоро ва Самарқанд нақшларини диққат билан ўрганадиган бўлсак, битта хусусият уларнинг ҳаммасига хос эканлиги англашилади. У ҳам бўлса, нақшлар мазмунининг бир-бирига яқинлиги, рангларнинг ёрқинлиги ва текис ишланишидир.


Олти-саккиз қиррали столлар, қутичалар, рамка, шамдонлар, трюмо, ойна, карниз, ипақлар ва бошқа турли буюмлар Ўзбекистонда қадимдан нақшланади.

Ёғоч буюмлар безаги билан бинолар нақшининг ҳамда технологик хусусиятлари ўрғасида кўпгина умумийликлар бор. Нақшдаги асосий безак тузилишлари табиатдаги новда,япроқ,гул, гунча, куртак, лола, калампир, нок, бодом, катта япроқ ва поллардан шартли равишда олинган элсментлардир.

Нақшларнинг ўз қонуни, таркибий қисмларининг ўзига хос тузилиши ва ранглар асоси бор. Ҳар бир нақш алоҳида қайтарилувчи шакллардан иборат бўлиб, уларнинг ўзаро уйғун боғланиши нақш мавзусини белгилайди. Ҳар бир шундай ритмик қайтарилувчи қисмлар йиғиндиси шундай маълус мазмун яратишга мўлжалланган катта панонинг бир бўлагидир.


Халқ усталари ижодида қуйидаги нақш гуруҳлари кўп қўлланилади: ислими, гирих, мураккаб.

Ислими - эгри чизиқли ўсимлик таркибий қисмларидан иборат нақш. Ислими нақшларида қуйидагилар асосий қисмлардир: новда, япроқ, гул, гунча, куртак, лола, калампир, нок, анор, бодом поя ва бошқалар.



Расмда- ислимий нақшдан намуна

Гирих- тўғри чизиқли қисмлардан ҳосил қилинган геометрик шаклдаги нақш. Гирихлар тўрсимон ва юлдузсимон бўлиб, юлдуз қирраларининг сони учтадан ўн олтигагача бўлади.



Расмда гирх нақшидан намуна.

Мураккаб- (гули гирих)- ислими ва гирих таркибий қисмларининг чапишмасидан иборат нақш. Мураккаб нақшлар гирих шакллар ва ўсимлик таркибий қисмларининг бирга қўшиб ишлатилиши натижасида ҳосил бўлади.

Нақш чизиш учун сифатли расм дафтари, альбом, ок ватман қоғози, юмшоқ ва ўрта юмшоқ қора қаламлар, о к ёки қўқ ўчирғичлар, учбурчакли ёки тўғри чизгичлар, циркуль керак бўлади. Чизилган нақшни бўяш учун эса бирдан ўнгача рақамли мўйқаламлар, курук бўёқ, гуаш, акварель, эмулсияли, минерал, темпера каби бўёқ

турлари, бўёқ кориш учун идишчалар, аралаштириш учун таёқчалар мавжуд бўлиши керак.

Нақш турли хил материал ва юзаларга ишланиши мумкин. Нақш ишлашга ҳар қандай ёғоч ҳам яравермайди. Асосан, қайин, қора қайин, терак, қарағай, нок, ёнгоқ, ДСП ва бошқа ёғочлар танланади. Нақш ишлаш учун мос ёғоч танлангандан кейин унга дастлабки ишлов берилади ва юзаки текисланади (шпатлёвка қилинади).

Шпатлёвка белчалар ёрдамида ёғоч юзасига бир текисла сурилади. Ёғочнинг уланган ерлари, чоклари бўлса, бужойларга икки мартадан шпатлёвка суриб чиқилади. Шпатлёвка қуригач буюм сатҳи жилвир қоғоз билан силликланади. Тайёрланган юза энди грунтланади. Бунинг учун ўрик ёки дурадгорлик елимини киздириб, яхшилаб эритиб, тоза идишга доқа ёки майда элакда сузилади. Бир оз совутач, унга тилла ёки кумуш ҳал солиниб, аралаштирилади. Бу қоришма ўртача суюқликда бўлиши керак. Тайёр бўлгач қоришма буюм сиртига 20-ракамли мўйқалам билан илк бор фон рангида бўяб чиқилади.

Нақш чизишни аввало мавжуд нақш намуналаридан кўчириб чизиш маъқидан бошлаган маъқул. Бунда нақш чизиш методикасига риоя қилиниши зарур. Тайёр нақшни кўчириб чизишдан мақсад келгусида турли нақшларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва мустақил нақш композициясини чизишдир. Бу кизиқувчидан нақш композициясининг муҳим қисмлари ҳисобланган гоё, ритм, симметрия, соя, ранг кабилар ҳақида кенг маълумотга эга бўлишни тақозо этади.

Наққошлик дарсини тегишли фан ўқитувчиси ёки наққош усталар олиб бориши лозим. Наққошлик ҳунари дарсини яхши олиб бориш учун ўқитувчи замонавий дидактикани яхши билиши ва уни амалда ижодий қўллаш олиши керак. Ўқитувчи ўзининг педагогик фаолиятини қуйидаги дидактик принципларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир:

1. Таълим ва тарбиянинг бирлик принципи.
2. Таълимнинг илмий бўлиш принципи.
3. Таълимда кўргазмалилик принципи.
4. Таълимда онглилик ва активлик, мустақиллик принципи.
5. Таълимнинг системали ва изчил бўлиши принципи.
6. Таълимда илмий билим, кўникма ва малакаларни пухта ва мустаҳкам

ўзлаштириш тамойили.

7. Таълимнинг ўқувчиларга мос бўлиш тамойили.
8. Таълимда назариянинг амалиёт билан боғлиқ бўлиш тамойили.
9. Қатнашувчилар коллективга таълим бериш жараёнида ҳар қайси ўқитувчиларга хос хусусиятларни ҳисобга олиб ўргатиш тамойили.

Бу борада таъкидлаш зарурки, ўқувчи мактабни битириб қайси касбда ишламасин, бир ҳунар эгаси бўлиб қолади. Бу ҳунар орқали келажакда ўз иқтисодики яхшилаши мумкин, шу ҳунар орқали илм ўрганиши мумкин. Бундан ташқари келажакда бу бола маданиятли ва санъатдаги, ҳаётдаги гўзалликларни сеза билишга, бу гўзалликни ярата олиш кўникма ва малакалари шаклланади. Нақшларни ўқишни ўрганади, гўзалликдан баҳра олишга ўргатади. Хуялас, воқеаликка тўғри баҳо беришга ва ондан тўғри хулоса чиқаришга ўрганадилар.

Машҳур чехословакиялик донишманд, инсонпарвар-педагог Ян Амос Коменский ўзининг «Буюк дидактика»асарида ёшларга ҳунар ўрганиш ҳақида бундай деган эди: « Ҳунарманд ўз шогирдига ўз касбини ўргатиш учун маълум муддат белгилайди. Икки, уч йил ва ҳоказо. Муддатнинг кичика-узюклиги касбнинг оддий-мурракбалигига боғлиқ бўлади. Шогирд касб-ҳунарни шу муддатда ўрганиб олиши зарур. Ҳар бир шогирд шу касб соҳасида устага ёрдамчи бўлиб ишлай бошлайди ва бир оз вақт ўтгач, уста бўлиб олади». Мактабда ҳам ўқувчиларга ҳунар ўргатиш соҳасида ҳам тартибга риоя қилиш керак. Белгиланган муддатда яъни, 5-9-синфларда бола ҳунар ўрганади, у ахлоқли ва маданиятли бўлиб шаклланади. Бу ҳақида шарқ олимлари халқ донишмандлари ва халқ педагогикаси йиллар ва асрлар давомида ўз гажрибаларидан ўтказганлар.

Накқошлар ҳунарини мактабларда ўргатишда 5,6,7-синфларда ҳафтасига 2 соатдан йил давомида ҳар бир синфда 64 соатдан ажратилган. 8-9-синфларда эса ҳафтасида 4 соатдан, йил давомида ҳар бир синф учун 128 соатдан ажратилган. 5-9-синфлар учун жами 446 соат ажратилган. Ҳафтада 5-7- синфларда 2 соатдан бир кунда ўтказиш, 8-9-синфларда ҳафтанинг 2 кунда 2 соатдан ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Дастур қуйидаги вазифаларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган:

- ўқувчиларга накқошлик ҳунарини ўргатиш;
- накқошлик ҳунари тарихи ва унинг мактаблари билан яқиндан танишиш;

- наққошликда нақшни коғоздан ёғочга, ёғочдан бино деворларига нақш ишлашни ўргатиш;

- ўқувчиларни санъатга ва ҳунарга бўлган қизиқишини ошириш;
- уларни келгусида ахлоқли, билимли ва маданиятли киши бўлиб этиштириш;

Наққошлик ҳунари устахонаси катта ва кичик хона ажратилган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Чунки катта хонада дарс ўтилади, кичикроқ хонада эса асбоб-ускуналар ва баъзи бир дурдгўрлик ишлари бажарилади.

Мақтабда наққошлик ҳунари дарсларини яъни, 5-9 синфлар давомида ўқувчилар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- наққошлик ҳунарини ҳаётдаги роли ва унинг аҳамияти;
- наққошликда ишлатиладиган материаллар, бўёқ турларида ишлай олиш;
- ҳар хил мўйқаламларда ишлай олиш;
- нақш турлари ва уларнинг элементларини яхши чица билиши;
- ўсимликсимон, геометрик, рамзий ва бошқа нақш композицияларини туза билиши ҳамда уларни ҳоҳлаган калоритда ишлай олиши;
- иш ўрнини тоза тутиши, техник хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва гигиена қондаларини билиши;
- мураккаб шаклдаги буюмларга нақш ишлай олиши;
- биноларни нақшлар билан безай олиши;
- иш ўрнини ва ишнинг энг илгор методларини ташкил этишни билиш;
- мураккаб бўлмаган халқ амалий безак санъати асарларини ўқий олиши ва уларни таҳлил қила олиши;
- нақш тилини билиши;
- наққошлик мактаблари ва уларни ўзига хос фарқларини билиши;
- Ўзбекистондаг наққош халқ усталарини ва қисман бўлсада, чет Эл наққошларининг ҳаёти ва ижодиини яхши билиши;
- Ўзбекистонда ҳунармандчилик турларини ҳаммасини билиши лозим.

Наққошлик дарсларидан ташқари қуйидаги ишларни уюштириш ҳам мақсадга мувофиқдир.

1. Музейларга, халқ усталарининг устахоналарига, кўرғазмаларга ва бошқа жойларга саёҳат қилиш.

2. Хунарманд усталари, санъатшунос, тарихшунос ва бошқа олимлар билан учрашувлар ўтказиш.

3. Ўқувчилар ишларидан кўргазмалар ташкил этиш.

4. «Ёш наққошлар» деган деворий газеталар чиқариб туриш.

5. «Моҳир қўллар», «Бизнинг усталар», «Гўзаллик сохибкорлари», «Машҳур наққошлар» мавзуларида стендлар ташкил этиш.

6. Ёш наққош усталар, ҳаёти ва ижодига бағишлаб ижодий журналлар тайёрлаш.

7. Конкурслар ўтказиш.

8. Викториналар ташкил этиш.

9. Олимпиадалар ўтказиш.

10. Слайдлар, диафильмлар, кинофильмлар намойиш қилиш.

11. Меъморчилик обидаларни музей ёки наққошлар иш объектига бориш ва усталарни ишларидан нусха олиш.

12. Хунармандлар ишларидан фотонамуналар сақлаш учун алоҳида папкачалар ташкил этиш.

Бу ишларни ўқитувчи ўз шароитилан келиб чиқиб, иш режаси асосида олиб боради.

Наққошлик ҳунари ўқувчиларни ишлари оммага ва жамоага фойдали бўлиши керак.

Бешинчи синфда ўқувчиларга наққошлик санъати тарихи, унинг мақсад ва вазифалари, ҳунар нима? хунармандчилик, уста ва шогирднинг вазифалари, наққошлик ҳунарини ёшларга ўргатишнинг миллий аъёналари, инсон ҳаётида наққошлик ҳунарининг роли ҳақида ўргатилади. Наққошлик ишлатиладиган асбоб-ускуналар, материаллар ҳамда улардан тўғри фойдаланиш ўргатилади. Нақш турли жаҳон халқларидаги уларнинг бир-биридан фарқи ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот берилди. Айниқса, наққошларимиз нақшлар орқали, яъни нақш тили билан унсиз овозда гапирлиши, ҳар бир нақш элементи рамзий маъно англатади. Нақш элементларини чизиш ўргатилади. Шундан сўнг ўқувчилар оддий нақш намуналарини чизиб, машқ қилади. Бу нақш намуналарини 5-6 марта каттак дафтарда чизиб машқ қиладилар. Улар 10 та нақш намуналарини чизишни машқ қилгандан кейин альбом варағида икки нусхазан чизиб қўядилар. Чунки бўяш учун тайёрлаб

қўйилади. Олтинчи синфда ўқувчилар бешинчи синфда қаламда обдон чизишни машқ қилиб ўрганган ўнга намуналарини бўяшни ўрганадилар.

Аввал барча ўқувчиларга рангшунослик бўйича суҳбат ўтказилади. Суҳбатда ранг ҳақида умумий тушунча, рангларнинг пайдо бўлиши, ранглар номи, унинг турлари ва тизимдаги аҳамияти, рангларнинг инсон руҳига таъсири ва бошқалар ўргатилади. Ўқувчиларга бўёқ турлари ва улар билан ишлаш технологияси батафсил ўргатилади. Бўёқ билан ишлаш технологиясида бир нечта қизиқарли машқлар бажарилади. Бўёқ ва мўйқаламлар билан ишлашни ўрганиб бўлингандан сўнг 10 та оддий нақш намуналарини ранглашга ўтилади. Бу нақшларни оддийсидан бошлаб бўяб машқ қиладилар. Бўяшда нақшларнинг катта ва кичик заминларини бўяшга ўрганадилар. Кейин эса нақшларнинг гул ва баргларига ранг беришни, нақшларни новдасига ранг берилгандан сўнг нақшлар пардоз қилинади. Пардоз беришда нақш барг ва гулларига тарок чизиклар тортилади. Бундан сўнг нақшнинг оқ банди ва обиси тортилади.

II. Қаштачилик ва уни ўргатиш технологияси.

Мавзу бўйича тузилган режа:

I. Кириш.

II. Асосий қисм:

1. Иш дастури.
2. Эски маънавиятимиз қайтиб келди.
3. Қаштачилик тарихи.
4. Қаштачилик анъаналарига ижтимоий ҳаётнинг таъсири.
5. Қашталардаги нақш.
6. Маҳаллий қашталаримиз ҳақида.
7. Қашта тикишда рангнинг аҳамияти.
8. Қаштачининг иш қуроли.
9. Қаштачининг иш жойи.
10. Техник ва гигиеник қоидаларига риоя қилиш.
11. Ўқувчи қизларга қаштачилик сирларини ўргатиш.
12. Қаштачилик касбининг афзаллиги.
13. Қаштачиликнинг ривожланишига қўшаётган ўз ҳиссам.

III. Хулоса.

IV. Фойдаланилган адабиётлар.

Мавзуга доир матн (тажрибадан).

«Келажак ёшларни ки, ишбилармонлик, бу йўлда ҳамма ташаббус кўрсатиш керак» - деб бежиз айтмаган И.А.Каримов.

Жамият қандай ўзгаришларга учрамасин, унда ёшларни меҳнатга тайёрлаш муаммоси энг асосий масала ҳисобланади, зсроки унинг равнақи ёшлар билан, ёшларнинг меҳнатга, ҳаётга тайёргарлик даражаси билан ўлчианади. Шундай экан мустақил республикамизнинг келажagini яратишда касбни мукамал ўрганиб олган ёшлар ниҳоятда зарурдир. Бу борада биз мурабийлар олдида улкан вазифалар туради. Чунки тарбиялаб етиштирган ёшлар республикамиз келажagini яратади. Шунинг учун ҳар бир ўқитувчи ўз касбини севса, ўз устида мунтазам равишда ишласа, ҳамиша изланишда бўлса олдимиздаги мақсадга эришишимиз мумкин.

Ҳозир республикамизда ўқитилаётган меросимиз бўлган халқ амалий санъатига бўлган эътибор кучайиб кетди. Агар биз ота-боболаримиздан мерос бўлган халқ амалий санъатимизни тўлик эгаллаб олсак, бошқа республикалардан олиб келинадиган хом Аше масаласи ўз ўзидан счилади. Ўзимизни ўзимиз хом Аше билан таъминлай оламиз.

Барпо этилаётган теракзорлар , ҳар хил фабрикалар, мавжуд бўлган оддий тупрок каби хом ашёлар шулар жумласидандир. Дарҳақиқат, ушбу келтирган хом ашёларимиздан ниҳоятда гўзал, бежирим, халқимиз талабига мос маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятига эгамиз. Бу хом ашёлардан ҳеч қандай чиқинди чиқмаслиги ва чиқиндиларни ҳам қайта ишлашга имконият яратади. Масалан, ўзимизни оддий тол, тут дарахтларидан мусика асбоблари, болалар учун бешиқлар, сандиқлар, қийтиқ матолардан ҳар хил уй рўзғор буюмлари, тупрок ва гилдан кулолчилик маҳсулотлари, гипсдан ганч ўймақорлари тайёрлаш мумкин.

Бу борада бизнинг № I МУПК да бир қанча ишлар қилинган.

Ўқувчиларни олган билим, малака ва кўникмаларни назорат қилиб бориш тест синовлари асосида амалга оширилмоқда. Шу боис мен ҳам туман педагогик ўқишга ўзимни «Газлама бўлақларидан ҳар хил буюмлар тайёрлаш ва уларни тикиш усуллари» деган мавзуда маъруза тайёрладим. Бунда мен чиқинди материаллардан уй-рўзгон буюмлари тайёрлаш мумкинлиги ва уларни тикиш усулларини ёритиб бердим. Шу билан биргалиқда ўқувчиларни меҳнатга, ҳаётга тайёрлаш билан бирга

бир каторда бирор ҳунар эгаси бўлиб етишиш йўлларини ёритдим. Ҳар бир ўтган дарсимни техника воситаларидан, кўрғазмали қуроллардан фойдаланиб ўтдим.

Ўқувчилар олган билим, малака ва кўникмаларни тест синовлари асосида назорат қилиб бордим. Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир ўқитувчи дарсларни дастур асосида янги усуллар орқали ўқувчиларга баён этса, ўқувчиларни меҳнатга, ҳаётга ва ҳунар олишларига қатта имконият яратилиши республикамиз мустақиллигига мустаҳкам замин яратган бўламиз.

Қашга тикувчи ҳунарманд- қаштадўз ёки қашгачи деб аталади. Қаштадўзлик аёллар ҳунари бўлиб, қашта машинаси яратилиши муносабати билан машинада эркаклар ҳам қашга тикадиган бўлдилар. Машинада йўрма чок билан қашга итқилади, лекин машина гулларнинг майда деталларини ақс эттира олмайди, машина қаштасининг сифати ҳам қўлда тикилган қаштадан анча паст. Шунга қарамай машина билан тикиш осон ва иш тез бажарилиши туфайли кейинги пайтларда машина қаштаси қаштадўзликда қатта ўрин эгаллади. Қашгачилик аби амалий безак санъатининг қадимий соҳаларидан бири. Археология материаллари қаштанинг деярли барча халқларда қадимийлигини, у иқлим, табиий шароит, муҳит билан боғлиқ ҳолда ҳар бир халқнинг маданияти, санъати, касб-ҳунар турлари билан бирга, уларнинг таъсири остида ривож топганини кўрсатади. Қашга маҳсулотларининг энг қадимий нусхалари сақланмаган.

Қашга кенг ривож топган халқларда унга тасвирий санъатнинг қатта таъмир этгани кўринади.

Масалан: 11-асрга оид инглиз қашталарида жанг эпизодлари ақс эттирилган; 12-асрга оид рус сюжетли қашталарида Византия икона санъатининг қучли таъсири кўзга ташланади. Хитойда қозғога туш билан ишланган ажойиб расмлардан андаза олиб, 14-асрдан бошлаб қаштадўзи панолар яратилган. Қашгачиликда қимматбаҳо тошлардан фойдалана бошланди, жун ва ипак, зарва қумуш суви берилган иплар ишлатилади.

18-асрда Европада аристократия кийимини башанг қилишда қашталардан фойдаланилди, бундай қашта буюмлари кенг тарқалди.

19-асрнинг 2-ярмида қашга тикиш машинаси ихтиро этилгач, ривож топган мамлакатларда қашга қорхоналари вужудга кела бошлади.

Ўрта Осиёда айникса, ўзбек, тожик, туркман аёллари ўртасида кашта кенг тарқалган. оилада ҳар бир аёл, ҳар бир киз кашта тикиши лозим бўлган. Чунки кийимлар оилада тайёрланган. бадий буюмларнинг асосий қисми (сузана, чойшаб, ойнахалта, чойхалта, тузхалта) ҳар бир хонадоннинг ўзида тайёрланган.

Оналар туғилган кизлар учун уларни чақалоклигидан бошлаб бисот тайёрлай бошлаганлар. Турли жойларда турли чоклардан фойдаланилган. Масалан: Тошкентда, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Нуротада турли чоклар тикилади.

Каштачилик анъаналарига ижтимоий ҳаётнинг таъсири. Ижтимоий ҳаётда рўй берган ўзгаришлар кашта анъаналарига, маҳсулотларнинг турларига катта таъсир кўрсатган. Масалан: ҳозир ойнахалта, чойхалта, паранжи, калтача каби ашё ва кийимлар ўз аҳамиятини йўқотган, уларни фақат ёши улуг онахонлар уйда, музейларда кўриш мумкин. Ҳозир дўппи, сумка, нимча, ковуш, сузана, чойшаб, жойнамоз, ёстиқ жилдлари замонавий дид билан тикиб безатилмоқда. Кашта маҳсулотларининг шакл ва бадий безакларида замонага хос катта ўзгаришлар рўй берди. Ўтмишда декоратив кашталар палак каби бадий буюмлар оқ ва мала бўзларга тикилган бўлса, эндиликда сатин, шойи, баҳмал, баркут, парчага тикилмоқда.

Ўзбекистон каштадўзларининг кашталари нақшда ўсимликсимон тасвирлар, шох, гулбанд, гудласталар кўп учрайди. Асосий безак матонинг ўртасига ишланади, хошиялари қўшимча безак ҳисобланади. Лекин каштадўзнинг маҳорати хошияни безатишга қаратилган кашталар ҳам учрайди. Одатда, кашталарда нақшларни чизмакашлар чизиб берадилар. каштадўз бадий буюмни шундан кейин тикади. Марказий безак асосий аҳамиятга эга бўлган кашталарда чизмакаш матони бўйи, эни, диагонали бўйича буклаб, композициянинг бош нуқтаси-марказини, хошия ўтадиган жойларини, симметрик жойлаштирилган гуллар ўрнини аниқлаб олади (чизгич, коса, пинёла кабилардан фойдаланиб, гул нақшининг хомаки шаклларини чизиб беради).

Кашта турмушимиз кўрки, кицимлар ва буюмларни безашда катта аҳамиятга эга. Кашта тикиш шизикарли, ижодий иш бўлиб, у чарчаб турган вақтипигизда сизга қувонч келтириш, эрмак бўлиши ва сизни нафосат оламга олиб кириши мумкин.

Республикамининг бошқа шаҳар ва қишлоқларида ижтимоий ҳаётнинг ўзгариб бориши билан кашта тикиш камайиб кетган. Масалан, Пахтакор районларда кизлар йилдан-йилга магазин ва бозорлардан тайёр тикилган ёки попир урилган

кашталарни олишга ўрганиб қолишган.Тиккан тақдирда ҳам, асосан ёстиқ учун кошоклар, саноқли белбоғ ва қўл рўмолчалар, сочик тикишлари мумкин. Катта-катта тикишлар масалан: сузана, зар девор, парда тикиш қолнб кетган. Бунга сабаб, мелимча пахта масаласи бўлса керак. Чунки 10-13 ёшдаги ўқувчи қизлар мактабдак келиб, далага чиқиб, она ва отасига то кеч киргунча ёрдам беради. Ишдан чарчаб келиб, базўр дарсни чала тайёрлаб ухлаб қолади. Кашта тикиш у ёқда турсин, ҳаттоки, қўлига игна ушлашга ҳам вақти бўлмайди. Натижада оналар тиккан каштани ярмини ҳам қизларни тикиш ва бисот тайёрлашга вақти бўлмайди. Шу сабабли кашталар сони ўз-ўзидан камайиб, қолиб кета бошлайди.Бу билан мен ҳамма кашта тикиши шарт демоқчи эмасман.Албатта, кимда каштага бўлган ҳаваси, қизиқиши кучли бўлса, ўша киши доимо кашта тикиш учун вақт топади.

Бизнинг районимиз чорвадор район бўлганлиги учун дала ишлари жуда кам. Шунинг учун бўлса керак, Хотин-қизлар кашта тикиш, гилам тўқиш, чопон тикиш билан давлат ва уй-рўзгор юмушларидан бўш вақтларида банд бўладилар. Бозор иқтисодиёти таъсири билан, йилдан йилга тикиладиган кашталар сони ҳам,тури ҳам кўпайиб бормоқда, сифати эса яхшиланмоқда. Қизларимизнинг қанчалик чеварлиги, меҳнатсеварлиги, диди улар тиккан кашталардан маълум бўлади.

Она қизининг болалик чоғидан бошлаб келинлик сепни учун ип йигириб кашта тика бошлайди. Она ва қиз каштани фақат рангли иппр билан эмас, балки унга икки ёшга яхши ният, бахт тилаб, меҳр-мухаббатини қўшиб ҳавас билан тикадилар.

«Келини келганда кўр, сепини ёйганда кўр»- деган халқ мақоли бекорга айтилмаган. Келинчак уйига кирган ҳар қандай одам каштачилик санъатига ҳавас билан қарайди. Чунки, деворларга осилган ранг-баранг кашталар , дераза пардалар, қатор терилган бири-бирдан чиройли тикилган ёстиқлар, чойшаблар кўзни қамаштиради.

Кашталардаги нақшлар. «Нақш»- сўзи лотинча «орнамент» (безак) деганидир. Кашта тикиш учун аввало унга нақш чизилади.Кашталардаги нақшларни кўпроқ табиатдан олишади. Масалан: гуллар, шохлар, барг ва мевалар, уларни бир-бири билан боғловчи ва тўлдирувчи жингалаклар, тўлкинсимон, спиралсимон элементлар қўшиб чизилади.Геометрик шакллардан учбурчак, квадрат, юлдузча, кўп қиррали юлдузлар, айлан ҳамда жониворлар тасвирдан фойдаланиш мумкин. Шу кашта

накшларини каштада реалистик тасвирга эришиш кийин, айнан тасвирлаш кашта тикиш вазифасига кирмайди.

Безаклар такрорланувчи, такрорланмайдиган, симметрик мувозанат принципида тузилган, бурчакбоп тузилишда, чирмашиб кетган кўринишда чизиб тикилади.

Каштага накш чизишдан олдин унинг умумий бадий счимини ўйлаб кўриш, безакни буюм юзасига қандай жойлаштиришни, элементларни ишча қисмга бўлиб чизишни ўйлаб безак танлаш керак. Безакда ўсимлик ва жониворларнинг тасвирини ёритишда газлама фактурасига, тикиш техникасига боғлиқ бўлади. Масалан, атиргул безагини икки хил газламага :сочик ва текис фактурали газламага чизиб тикилса икки хил кўринишда чиқади.

Сочикка санама чоклар билан айнан шу безакни кўчириб тика билан унинг шакли ва тасвири бошқача чиқади. Текис газламага текис рангли чоклар тикилган атиргул безаги эса бироз ўхшаши мумкин. Демак, газлама тузилиши ҳам тикиш техникаси ҳам кашта безагини тикиб тасвирлашда катта таъсири бор экан.

Кашта безакларини газламага чизишдан олдин жойи аниқланиб, тўртбурчак чегаралар, йўллар чизиб олинади. Танлаган безагимиз жойларга тақсимланиб чизиб чиқилади.

Қадимдан палак, сузана каби катта кашталарда айлана, учбурчак кўп киррали юлдузлардан кўпроқ фойдаланилган. Ҳозирги вақтда чизмакашлар янги элементлар билан қадимдан фойдаланилган безакларни боғлаб ўзгача кашта безаклари ҳосил қилишмоқда. Каштачиликнинг ривожланиши йўлида янги-янги кашта нақшларини ўйлаб топиб, ўзлари чизган кашталарда намоён қилмоқдалар.

Маҳаллий кашталаримиз ҳақида. Бизнинг маҳаллий кашталаримизда хотин-қизлар ҳозирги вақтда куйидаги кашта турларини тикиб келяптилар:

Палак- қўлда ёки машинада кашта тикиб тайёрланадиган бадий буюм. Уй ичинини безаш учун деворга осиб қўйилади. Каштачиликнинг энг йирик ва қимматли буюми ҳисобланади. Палакда осмон ва тўлини ой акс эттирилади. Уни қадимда оқ кёк мала бўзга кашта тикиб тайёрлашган. У сузанадан гулларнинг йириклиги, замини ҳам каштада сизирга қопланиши билан фарқ қилади. Палакнинг ўртасига йирик ой тасвири кизил, қирмизи, пушти ипак билан тикилади ва атрофини чиройли қилиб ислимий нақшлар билан безалади. Ислимий – чирмашиб кетган ўсимлик нақшларидир. Нурота палаклари(сузана) 10 мм ли калин ва чидамли газламадан

тикилиб, икки қатор айланали гуллар, ҳар хил шаклдаги катта-кичик барглар, жингалаклар, гулчалар билан чизиб тикилади.

Чизмакаш бу гуллар ўрнини тўғри тўртбурчакларга бўлиб олгач коса, пиёла каби парсалар билан белгилаб олади ва чизиб чиқади.

Энг четдаги икки қатор йўл ичига эса такрорланувчи кичик ислимий гуллар билан тўлдириб чизилади ва тикилади.

Сузана – сидирға матога гул тикиб гайёрланган, деворга осиладиган безак буюми бўлиб, сатин, бахмал, шойи, парча каби матоларга турли чоклар билан тикилади. Мато рангидан, кашта замини сифатида фойдаланиши билан, кичиклиги билан (5 мм газламадан тикилиб, маҳаллий халқ тақияпуш деб аталади) палакдан фарқ қилади. Энг муҳим сепи ҳисобланиб 2 тадан тикилади. Унинг кашта безаги асосан ислимий накшлар бўлиб, 1 та тўғритўртбурчак ичига асосий гуллар (айланали, кўп киррали юлдузлар) чизик тикилади. Атрофи кичик ўлчамдаги такрорланувчи ислимий накшлар билан тўлдирилади. Йўллар, чизиклар сувли чоклар билан (оби) тикилади.

Жойнамоз – намоз ўкиладиган тўшама бўлиб, матодан тўртбурчак шаклда тайёрланиб, бош томонига меҳроб тасвири тикилади. Бу жойнамозлар кизларимиз сепида 3 та бўлиб, 1 таси қайнотасига, яъни куёвнинг дадасига совга қилинади, 2 таси ўзининг ўйидаги тахмонни яъни сандиқ устига йиғилган қўрпа-тўшакни чангдан сақлаши ва безатиб туриши учун тикилади. 3 метр газлама кстади. Масалан: оч ва илиқ ранглр тук ва совун ранглрарга қараганда яқинроқ кўринади.

Илиқ ранглр буюмни катталашгандек, совуқ ранглр кичиклашгандек кўрсатади. Шунинг учун кашта тикишда гулни фондан ажралиб туриши учун очик ранглрдан фойдаланиш керак.

Каштачининг иш қуроли. Кашта тикиш учун жуда оддий асбоблар керак бўлади: ангишвона, қайчи, газлама, ип, сантиметр, миллиметрланган коғоз, капировка коғози ёки целлофан.

Игнани пўзиқроқ кўзлисини ишлатиш қулай. Чунки ҳар хил қалинликдаги ипларни ўтказиш осон бўлади.

Игна – тикув қуроли бўлиб, ҳар хил ҳажм (узун-калта, ингичка-йўғол) да пулат симдан ўтқир учли, тешикли қилиб ясалади.

Ангишвона – иш тикишда бармоқ учига кийдириладиган металл асбоб. Ангишвона қадимда чармдан ҳам қилинган. Ангишвонанинг усти ёки игнани кети кадаладиган жойи чуқурчалардан иборат бўлади. У қўлни игна киришидан сақлайди, ўнг қўлнинг ўрта бармоғига тақилади, уни бармоқнинг йўғонлигига қараб танланади. Лекин у бармоқни сиқиб ёки ундан тушиб қоладиган бўлмаслиги керак.

Ишлаш учун уч хил: учи ингичка кичкина қайчи – газламалардаги ипни қирқиш ва тортиб олиш учун; учи қайрилган ўртача катталиктаги «туя бўйи» қайчи-капта тикаётганда ип учини қирқиш учун; катта қайчи – газлама ва қалава ипларни қирқиш учун. Бир-бирига ўртасидан винг билан бириктирилган икки тигдан иборат. Қайчилар яхши чархлаган, тигларнинг учи тўла ёпиладиган бўлиши керак.

Сантиметр лента – тикиш ишида буюм ўлчамини аниқлаш газламага безакни режалашда фойдаланилади.

Миллиметрли қоғоз – геометрик, салама нақш тузишда керак бўлади.

Майда безакли газламада кўчиришда копировка қоғози керак бўлади. Лекин копировка қоғози тақчил бўлганлиги сабабли биз целлофандан фойдаланамиз.

Катта кашталарни коса ёки тарелкалар билан жойини аниқлаб олиб, тўғридан-тўғри газламага чизилади.

Газлама – бир хил рангдаги сатин, шойи, парча, бўз, чит, лас, баҳмал каби газламалар ишлатилади. Газламалар ранги тикиладиган буюм вазифасига қараб танланади.

Масалан: катта кашталар учун очик ранга нисбатан совун тўқроқ ранг танлаш қулай. Чунки бу кашталаримиз деворга осиб қўйилиши ва катталиги учун ювилмаслиги мумкин. Чапни ва кирни қўн маълум қилмайди, ҳамда бундай фонда очик рангли нақшлар жуда ярашади.

Дераза пардалари очикроқ рангда танлангани маъқул, хонани қоронги қилиб кўрсатмайди. Ҳар қандай кашта учун ҳам чўзилмайдиган, ювганда ранги чиқмайдиган, сувга кирмайдиган, кўпга чидайдиган газламалардан фойдаланиш керак.

Иплар – асосан кашта тикиш учун табиий тола (ипакдан) ва сунъий толадан қўлда йигириб ип тайёрланади.

Ипак маҳаллий шаронгта етиштириладиган пилладан қуйидагича тайёрланади:

Пила қайнатиб оқлаш, титиб йигиришга, урчиқ билан йигиришга, чаппа қилиш, ипни текислаш, ранглаш, ипни ўраб қалава қилиш. Сунъий толани биз Навоий шаҳар

химия ишлаб чиқариш саноатининг чикиндисидан оляпмиз. Табиий толага қараганда кўпроқ сунъий толадан ип тайёрлаб фойдаланаяпмиз. Сабаби – бу толалар рангли бўлиб, ранглашнинг хожати йўқ, шу билан бирга йигириш осон бўлиб у ҳам чидамлидир.

Сунъий толадан қуйидагича ип тайёрланади:

сунъий тола йигириш учун тийиб суст калава қилиш, йигириш, чаппа қилиш, чўп билан текислаш, ипни ўраб калава қилиш.

Ипнинг рангини, чидамлилигини қуйидагича аниқлаш мумкин: масалан, ип олаётган вақтда намланган оқ газламага артиб қўйиш керак. Агар ранги чиқмаса ўзида ранг ушлаш қобилияти яхши ҳисобланади ва у газламани ювганда рангини ўзгартирмайди.

Агарда ранги артиб қуриган вақтда чиқса, ундай ипларни ювиладиган каштага ишлатмасдан, катта кашталарга ишлатиш мумкин.

Мулинг ишлар чидамли, ранги чиқмайди. Лекин ҳозирги вақтда топиш қийин бўлиб қолганлиги учун кам ишлатилади. Бу ипнинг бўёгини чидамлилигини текшириш учун ипни қуёшга қўйилади: бунда ип оқармасдан ўз рангида қолиши керак. Булардан ташқари баъзи вақтда майда кашталар учун ҳозирги вақтда чиққан шерсть рўмонларнинг ипидан фойдаланилмаяпти.

Агар кашта тикиш учун ип тайёрлашни иложи бўлмаса, бу вазиятдан чиқибнинг йўли менимча қуйидагича :

Ўзимизга яқин бўлган пахтакор туманлар билан пахта ва ипакка туманимизда етиштириладиган пўст ва жунни алмаштириб олишдир.

Каштачининг иш жойи. Кашта тикиш қулай бўлиши, чарчатмаслиги учун, иш ўрнини тўғри ташкил этиш, меҳнат қилиш қоидаларига риоя қилиш керак. Аввало, каштачи гавда ҳолатига эътибор бериб, букчаймай бошни жуда паст эгмасдан ўтириши керак. Иш вақтида гавда бироз олдинга энгашган бўлиши, кўз билан иш ўртасидаги масофа 25-30 см дан ошмаслиги лозим. Деворга суяниб қулай ўтириш учун девор билан гавда оралигига ёстиқ қўйиш керак. Чунки девор ҳарорати билан киши организмнинг ҳарорати тўғри келмайди. Натижада киши соғлиғига салбий таъсир қўрсатади.

Каштани тикиш учун қуйидаги ҳолатда ўтирилади: кашта тикиладиган юзаси чап тиззага ёйиб, ўнг тизза билан газлама силжиб кетмаслиги учун қисиб турилади

ва чап қўл билан каштани бир томонини чап тарафга қаратиб ушлаб турилади. Ўнг қўл билан ипли игнани ушлаб кашта безаги тикилади. Газламани тикиш вақтида кўп каттик тортмаслик керак, акс ҳолда чўзилиб, тиккан капгтамиз тортилиб туради.

Капта тикиш вақтида ёруглик чап томондан тушиб туриши керак.

Иглани кир бўлиши ва чигал бўлишидан сақлаш учун алоҳида халтада сақлаш керак бўлади.

Безак чизилган коғозлар целлофан папкада сақланиши, асбоблар қутичада сақланиши мумкин. Танафбус килган вақтида каштани йиғиштириб халтага солиб қўйиш керак.

Техника ва гигиеник қоидаларга риоя қилиш. Игнани авайлаб тартиб билан ишлатиш зарур. Игнани йўқотиб қўйиш ярамайди, борди-ю тушиб кетса, уни албатта топиш керак.

Игнани дуч келган жойга тўгнаб қўйиш ярамайди, вақтинча керак бўлмаса, уни 8x8 см.ли ўлчамда тикилган ёстиқчага санчиб қўйилади. Занглаган игнани ишлатиш ярамайди. Бундай игна газламага санчилиши қийин бўлади, занги уриб қолади, салга синиб кетади. Тўгнагичларни ҳам эҳтиёт қилиб, қутичада сақлаш керак.

Бармоқни игна кириб кетишидан сақлаш учун ангишпвона тақиб тикиш керак. Кейинги ишлатишда эҳтиёт бўлиш керак, тасодифан санчилиб кетмаслиги учун, уни кўриниб турадиган жойга, оҳзини ёпиб қўйиш лозим. Қайчини тушириб юбормаслик керак: у тушиб кетса, ўзингизни жароҳатлаб қўйиши, тиги қайтиб ишдан чиқиши мумкин. Бироп кишига қайчи узатишда учидан ушлаб бериш керак.

Гигиеник қоидаларга ҳам риоя қилиш керак. Масалан: ипни Тиш билан узиш ярамайди, тишнинг эмали бузилади, таранг тортилган ип лабни кийиб юбориши мумкин.

Игнаш нам ёки терлаб турган қўлга ушламаслик керак. Унинг газламага санчилиши қийин бўлади, ишлатилаётганда гичирлаб туради, нам қўлда тикилаётганда буюмларда доғ қолиши мумкин.

Узоқ вақт кашта тикилса кўз чарчайди, бармоқлар ҳам чарчайди.

Дазмол қилиш учун ҳам эҳтиёткорликни ва эътиборли бўлишни талаб қилади.

Дазмоллашда дазмолнинг тагига махсус таглик қўйиш керак. Иш пайтида шпур дазмолнинг тагига тушиб қолмаслигини, буралиб кетмаслигини кузатиб бориш зарур.

Акс ҳолда шнур букланиб узилиши. қисқа туташувга сабаб бўлиши мумкин. Дазмолни электр тармоғига улаб қаровсиз қолдирмаслик керак. Иш тугагач дазмолни электр тармоғидан олиб қўйилади. Бунда шнурдан тортиш ярамайли, вилканинг корпусидан ушлаш керак. Дазмол совугач, шнурни устига ўраб вертикал ҳолатда сақланади.

Чок турлари.

Каштани тикишда қуйидаги чок турларидан фойдаланамиз: маҳаллий чок туридан бўлган ўзбекча долли чок.

Бу чок билан қадимда хотин-қизлар кашталарни тикиб, давом эттириб келаяптилар. Бу чок тури сифатли, мустаҳкам бўлиб, кўпга чидайди. Шунинг учун бу чоклар билан ювганда ранги чиқмайдиган иплар билан чидамли зазмага қизиб тикилади. Русча чоклар(рангли текис чокларнинг ўзлаштирилган тури) ҳозирда жуда кенг тарқалган усулдир. Кўпгина кашталар шу чоклар билан тикиб безатилади. Бу чокка ип кам кетади, рангли иплар бир-бири билан киришиб чиройли кўринишга эга бўлади. Гуллар тасвири табиатдаги гулларга яқин кўрипишда тикиб безатилади. Оддий чокларга игна олдинлатилган чок, қайтма чок, сув чок, попоп чок, ироқсимон чок, петля чоклар, тугунчалар киради.

Игна олдинлатилган чок ва қайтма чоклар билан газлама четларини қайтариб тикишда, кўрпачаларни қавишда, чопон тикишда ишлатилади. Сув чок билан попоп чок билан каштадаги шох, жингалак, обилари тикилади. Барг ва гул атрофини чегараланади. Ироқсимон чок белбоғ четларини тикишда ишлатилади. Петля чоклар билан газлама четларини тикишда, гул, барг тикишда, ямок, қоплама тикишда ишлатилади.

Тугунчалар гул ўзагини тўлдиришда тикилади.

Санама чоклар санаб қизиладиган кашталарни тикишда фойдаланилади. Кўпроқ Х кўринишдаги оддий ироқи чоки тикилади.

Гулларни рангли мулиналардан қирқиб тайёрланган гулчалар билан тўлдириб тикиш ҳам мумкин. Бунинг учун гул ва барг шакли қизиб олинади, кейин рангли гулчалар қизиқиби бир-бирига боғлаб тайёрланади ва жойига қараб тикиб чиқилади.

Ўқувчи қизларга каштачилик сирларини ўргатиши. Биз шаҳардан №1 мактаблараро ўқув ишлаб чиқариш комбинатимизда каштачилик гуруҳини миллий урф-одатимиз ва давом этиб келаятган анъаналаримизни ҳисобга олиб,

каштачиликни ривожлантириш мақсадида 2 йил олдин ташкил қилдик. Қаштачилик гуруҳида дарслар талабга жавоб берадиган ҳолда ўтиши учун қулай шароитлар яратиб берилди. Ўқув комбинатимизда раҳбарлик қилиб келаётган Раҳмонов Қаххор ёрдами билан алоҳида кабинет ташкил қилиниб, ўқувчиларнинг дарсда қониқарди билим олишлари учун имконият яратилди. Кабинетга 2 та гилам ёйиб бемалол ўтириб тикиш учун 3та кўрпача ташланди. Чизмаларни чизиш, нусха кўчириш ва ёзиш, иш қуроолларини қўйиш учун 2 та хоптахта қўйилди. Кабинет ўқувчилар иштирокида касбга гаъаллуқли ҳар хил стенд ва кўрғазмали кашталар, гуруҳ бурчаклари, техника хавфсизлиги қоидалари, каштачилик тарихи, чизмачилик плакатлари ва касб ҳунар тўғрисидаги халқ мақолларидан фойдаланиб безатилди. Гуруҳларда дарслар қуйидагича ташкил қилинган:

Синфи	Қаштачилик технологияси	Чизмачилик	Касб танлаш	Жами соат
9-синф	2	1	1	4 с.
10-11-синф	2	1	2	5 с.

Мен дарсларни замонавий талаблар асосида дидактик, психологик, маънавий-ахлоқий, гигиеник техник талабларини дарсга боғлаб, бир-бирини тўлдириб ўтишга ҳаракат қиламан. Дарс вақтида тўғри ва умумий фойдаланишга ҳаракат қиламан. Масалан, технология дарсида чок турларидан «Текис чоклар» мавзусини ўтиш учун шу чок чизмаси чизилган плакатдан кўрсатиб, доскага чизиб, яхши тасаввурларда сақлашларни учун тикилган буюмдан нэмуна кўрсатиб, кўт ўнгларида тикиб кўрсатиб, ўзларининг мустақил тикишларини, ранг танлашларини кузатиб, камчиликларини тузатаман. ТЕСТ саволлари тузилган қарточкаларидан фойдаланиб, ўзларини 2 гуруҳга бўлиб, ўзаро савол-жавоб тарикасида ўтилган мавзуларни эслаб, такрорлаб, мустаҳкамлаб бораман. Яхши иштирок этган ўқувчиларни баҳолаб раҳбатлантириб, қолган ўқувчиларни ҳам шулар қаторидан ўрин олишлари кераклигини таъкидлаб дарсни ўтаман. Уўга топширик қилиб: «Текис чоклар» мавзусини ўқиб, тушуниб, шу манзу бўйича газтама парчасига Бирон гул элементини тикиб келишини, гулни кашталарда тикилишини ўйлаб, топиб келишларини топшираман.

Чизмачилик дарсида кашта безак чизиш учун чизмачиликни бошқа фанлар билан боғлиқлигини тушунтираман. Масалан, геометрия фанига асосланиб, учбурчак, олтибурчак, тўртбурчак шаклларида тузилган нақшларни бўлакларни бўлиб

чиқишида математикага боглиқлигини, табиатдан олинган гуллар, барг ва чоклар эса табиат билан боглиқликни, қушлар, товус, камалак, кийик, хўроз ва шунга ўхшаш хайвонларни тасвирини тушириб тикиш эса зоология фани билан боглиқлигини кўрсатади.

Бундан ташқари табиатдаги ранглар тўғрисида тушунча берилган, бу газлама ва ип танлашда керак бўлади.

Технология дарсида ўтилган «Текис чоклар» мавзуси бўйича тушунтирилган текис чок чизмасини чиздириб, ранглатаман. Дарс мавзуси бир-икки қафта олдин эълон қилинганлиги учун ўқувчилар дарсларга тикиш учун газлама ўлчаб, кссиб келадилар. Шу газламага ўтилган мавзудаги чок билан тикиш учун кашта нақшини чизаман. Чизмакашлар каштага коперовка қоғози, коса, пиёладан войдаланиб, чизма бегаги чизадилар. Мен эса ўқувчиларга целлофандан фойдаланишни уқтираман. Мен ўзим 8 йилдан бери такрорланиб келадиган кашталарни: жойнамоз, ёстиқ жилди, парда, чайшабга шу целлофанга кўчириб олинган нақшлардан фойдаланиб чизиб келмоқдаман.

Амалий машгулот дарсида кўпроқ тикиш техникаси, гигиеник ва техник талабларга риоя қилишни кузатиб бораман. Масалан: тикиш учун ишжойи қулайми, ёруғлик қайси томондан тушмоқда, кашта билан тикув оралиги номадами, букчаймасдан тўғри ўтирибдими, бу нарсаларнинг ҳаммаси киши организмга – кўз, гавага тузилишига салбий таъсирини тушунтириб ўтаман.

Техника хавфсизлиги қоидаларида: дазмолдан фойдаланиш қоидаларини, игна ва қайчидан фойдаланиб, қаерда сақланишини такрорлаб, ҳаётдан мисоллар келтириб тушунтиришга. Ёддан тушунишларига ҳаракат қиламан. Чизмачилик дарсида чизган нақшни амалий машгулот дарсида бемалол ўтириб тикадилар. Ҳар бир ўқувчининг амалда дарсни қандай ўзлаштириб бораётганлигини кузатиб, бирданига камчилигини тузатиб бораман. Тикаётган кашталарнинг орқа ва юза қисмини кўриб баҳо қўяман. Тикилган каштанинг орқа қисми ҳам тоза бўлиши керак.

Чакқон, чевар қизларнинг ишини қизларга кўрсатиб таърифлайман.

Ўқувчи қизларга фақат кашта тикиш сирларини ўргатиш билан чегараланиб қолмасдан, балки уй-рўзгор ишларига керакли бўладиган нарса, кийимларни безашни ҳам ўргатиб бораман. Масалан: ҳар хил газлама парчаларидан фойдаланиб аппликация (қоплама) тикиш; қоплама ҳар хил шакл ва безаклардан иборат бўлиб, уни кийим-

кечакларни ва рўзгор буюмларини безаш учун газлама, чарм парчаларидан текис чок, петля чок, попоп чоклар билан ёки тугма, мунчок билан ҳам тикиб қўйилади. Ҳозирги шароитда ҳар бир йиртилган ёки куйган кийим ўрнига янгисини олишга илож йўқ. Шундай бўлгач шу йиртилган, куйиб тешилган жойларни копламадан фойдаланиб, ҳар хил шаклда безак бериб ямаш мумкин. Шунинг учун мен қизларга ўз қўллари билан ўзларига, укаларига ўлчаб қалин газлама қолдиқларидан, эски, лекин ҳали мустаҳкам бўлган қалинроқ газлама бўлақларини ва совға қилиб беришларини тушунтириб, тикишни ўргатиб бораман.

Шу оддий бир қўлқоп арзимас нарса бўлиб кўзга кўрингани билан, қишда жуда керакли, фойдали нарса бўлиб ҳисобланади.

Газлама парчаларидан ёстиқ учун жилд, чойнакпуш, чойнак учун таглик тикиш, газета-журналларни, уй хужжатларини, қайчи, тароқ, ручка, калам, линейка каби нарсаларни ёш болалар қўли етмайдиган баландроқ девор юзасига осиб қўйиш учун ҳар хил катталиқдаги халтачаларни тикиб, безашни ўргатаман.

Ноаниқ дарс ўтиш усулларида фойдаланиб, ўқувчиларни касбга ҳавас ва қизиқишларини ошириш, ўтилган мавзуларни мустаҳкамлаш ва яхши тушунча ҳосил қилишлари учун, тасаввурларини кенгайтириш ва каштадаги янгиликлар билан танишиб боришларини кўзда тутиб иш планга куйидаги мавзуларни киритганмиз:

Гилям ускина саёҳат ва илғор ишчилар билан суҳбат;

Тарихий музейга саёҳат(касбга таъаллуқли нарсаларни кўриш);

Янги келинчак сепини кўриш(кашталарни кўриш);

Наврўзга бағишланган кўрик танлов намунасини кўриш(ҳар хил кашта намуналарини кўриш);

8-мартга бағишланган кўрик намунасини кўриш: онахонлар билан суҳбат (кашта турларини тикиш ҳақида);

Маҳаллаларнинг чиқишларини кўриш(кашта намуналарини).

Ўқувчилар шу мавзулар бўйича уюштирилган саёҳат ва суҳбатлари ҳақида ўз таассуротларини рефератга ёзиб, ўзларига ёққан безаклардан намуналар чизиб келадилар. Рефератлар бир-бирига таққосланиб баҳоланади.

Шу ўтган чорак мобайнида 10-синф ўқувчи қизлари билан 1995 йил 19 сентябрида каштачилик тарихий музейга саёҳатга бордик. У ерда ташкил қилинган тарихимиз ва каштачиликка доир бўлган барча нарсалар билан танишиб қайтдик.

1995 йил 10 сентябрда А.Қодирий кўчаси 17-уйда яшовчи Нарзуллаевлар хонадониди шу гуруҳда ўқийдиган кизи Нарзуллаева Гулноз бошчилигида янги келин сепини кўриш учун бордик. Гулнознинг онаси бизни жуда яхши кутиб олдилар. Келиннинг тикиб келган барча кашталарини сузана, тақияпуш, жойнамош, чойшаб, белбоғлар, ёстик жилдлари, дераза пардалари, кўл рўмолчаларини кўрсатиб тушунтириб бердилар.

Ўқувчилар ҳар икала саёҳат бўйича ўз таассуротларини реферат қилиб ёзиб баҳо олдилар. Ўқувчиларга маънавий-ахлоқий талабга асосан киз боланинг одоби, хулқи, гапириш одоби, уй, кўча, турли давраларда, мактабда ўзини тутиб юриши, кийиниш ҳақида, меҳнатни севиш, иродали бўлиш, рўзгор ишларида ота-онага қарашиб, катта ҳаётга тайёр бўлиб боришини, ота-оналар олдидаги фарзандлик бурчи ҳақида, эстетик дид билан кашта тикиш, ўз билимини ҳар томонлама ошириш, вақтдан унумли фойдаланиш ҳақида тушунча бериб бораман.

Каштачилик касбининг афзаллиги. Каштачилик касбининг афзаллиги шундаки, бу гуруҳда ўқиган ўқувчи ҳам харажат қилиб, шу касбни эгаллайди. Масалан: шофёр бўлиш учун автомашина, бензин, асбоб-ускуналари керак бўлади, тикувчи бўлиш учун эса тикув машинаси, унга керак бўладиган асбоб-ускуналар, газлама керак бўлади. Ўз-ўзидан шундай савол тугилади: «Ҳамма ўқувчилар тикувчилик ва шофёрликка ўқигани билан тикувчи ёки шофёр бўла оладими?»

Ҳозирги шароитда ҳар қандай оила ҳам кизи учун тикув машинаси, ўгли учун автомашина топиб бериш учун қурби етмайди. Натижада ўқувчининг танлаган касбидан кўнгли совиб, кизиқиши камаяди. Баъзан бундай ўқувчиларимиз вақтини бекор ўтиб кетганини сезмай қоладилар. Лекин ҳар қандай вақтда ҳам кизи бор оилада албатта, кашта тикилади. Буни хоҳласак- хоҳламасак амалга ошади. Чунки бу нарса бизнинг қадимдан урф-одатимиз, қолаверса обрў-эътиборимиздир. Каштачилик гуруҳларида ўқийдиган кизлар 2 соат амалий дарсда бемалол битта рўмолча тикиб битиради. Шундай бўлгач 2 йил мобайнида яъни 10-11-синфларда катта кичик кашталардан анчасини тикиб ўзи ва онасининг «юқини» енгил қилган бўлади.

Масалан: белбоғни олайлик. Бир йил давомида 31 ҳафта ўқийди деб олсак: 45 минутлик 2 соат дарс 1-ярим соат бўлади.

31 x 1,30 с x 40,3 жами тикиш учун фойдаланиладиган соат Жх 40,3 бўлади.

1 та белбоғни 4 ҳафтада тикиб битирса 4 x 1, 3-5,2 соат вақт кетади. 1 йилда 40, 3:5, 2 x7.9 8 та белбоғ тикиш мумкин.

Белбоғ учун 1 м газлама кстади 1м x 30 сўм, 100 г. нп кстса x15 сўм, 30x15 x45 с. Қилинадиган ҳаражат 45 сўм.

Каштачиликнинг ривожланишига қўшаётган ўз хиссам. Каштачиликни ривожланишига ўзим қўшмоқчи бўлган янгиликлардан:

1. Коперовка қоғози ўрнига целлофандан фойдаланиб, каштага нақш чизиш.

Каперовка қоғозининг тақчиллиги туфайли, ҳамда газламани кир қилиши туфайли мен целлофандан фойдаланиб кўчиришни лозим деб топдим. Афзаллиги шундаки, целлофанда безакни кўчириш осон, кўпга чидайди, газламани кир қилмайди, тагидаги контур чизиклар кўриниб турганлиги учун чизиш жойи аниқлаш осон бўлади.

Бунинг учун целлофаннинг ҳар иккала томонига ҳам безак чизилади. Кўчириш вақтида мўлжалланган жойга қўйиб шу нақш устидан ручка билан чизиб чиқамиз.

2. Газлама қолдикларидан фойдаланиб, ипни тежаш мақсадида кашта тузиб тикиш. Бу тикишнинг икки усулидан фойдаланиб тикишимиз мумкин.

1. Газламага нақш бўйича тикиш:

а) газламага нақш чизиш;

б) целлофанга кўчириб, қирқиб олиш;

в) рангли газлама қолдикларидан шу ўлчамда целлофандан қирқилган катталикда ва шаклида қирқиб олиш;

г) жойлаштириб, катта чоклар билан силжимаслиги учун маҳкамлаб тикиш;

д) петля ва попоп чок билан чегаралаб тикиб чиқиш;

е) қўшимча элементларни иплар билан тикиб бутун бир кашта ҳосил қилиш.

2. Газламага чизмасдан тўғридан-тўғри газлама қолдиклари билан кашта тикиш.

а) рангли, гули газлама қолдикларидан гул, барг, шох элементларини қирқиб олиш;

б) уларни рангига қараб, катта-кичиклигига қараб жойлаштириб чиқиш;

в) силжимаслиги учун чоклар билан маҳкамлаш;

г) атрофини петля ва попонон чок билан тикиш ёки атрофидаги чиқиб қолган газлама иплари ва патларини куйдириб, майда кўринмайдиган чоклар билан газлама рангидаги ип ёрдамида тикиб чегаралаб, маҳкамлаб чиқиш.

Бу тикиш усуллари билан кичикроқ кашталарни тикиб безаш мумкин. Катта кашталарнинг айрим элементларида ишлатиш мумкин.

Газлама қолдиқларини тикувчилик ускуналаридан, фабрикалардан олишимиз мумкин, ёки уйда тикув машинаси билан ишлаганда қолган қолдиқлардан ишлатиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, каштачилик санъати ижтимоий-шахсий турмушда амалий аҳамиятга эга бўлган санъат туридан биридир. Бу санъат ҳам бошқа амалий санъат турлари каби халқнинг моддий ва маънавий эҳтиёжини қондиришга хизмат этувчи санъатга айланди. Кашта тикиш усуллари, гуллари рангларнинг мужассамланиши, авлоддан авлодга ўтиб такомиллашди. Секин аста энг яхши кашталар танланиб қолди ва миллий хусусиятлар билан характерли бетакроп кашта намуналари яратилди. Ҳар бир авлод ўзидан олдинги авлодлари яратган кашта намуналарига янгилик киритиб, ўзи яшаб ижод қилаётган давр талабига мос бўлган нақш безагидан фойдаланиб, қадимги безаклар билан боғлаб ўзгача кашта безаги яратиб келинмоқда.

Кашта бу – авлоддан авлодга ўтиб келадиган меросдир, ёдгорликдир.

Момоларимиз ўз қўллари билан тикиб қолдирган кашта безаги биз учун қанчалик қимматли ва азиздир. Шу меҳнати билан ўзидан кейинги авлодига эсдалик учун из қолдириб кетади. Каштани томоша қилар эканмиз, момомизнинг қўлида урчук билан ўтиришлари, ипни йигириб тикишлари кўз олдимизга келиб, бир дақиқа бўлса ҳам хотирлаб оламиз.

Кашталаримизнинг қадимги нусхаларини, тикиш услубларини қайтадан жонлантиришимиз керак. Чунки ҳозирги давр талаби шунга тўғри келаяпти. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, қадимги кашталарни дарров бозорда харидор пайдо бўлади, ёки уйма-уй юриб, суриштириб арзимас нарсаларга алмаштириб кетишларидан шу нарса маълум бўлдики, демак қадимги кашталаримиз биз учун бир бойликдир. Бу бойликни асраб авайлаб уйимиз тўрига осиб қўйлик ва ривожлантирайлик. Биздан кейинги авлод учун

ота-боболаримиз удумларини миллий бойликларни қолдириш учун, ўқувчи кизларнинг маънавий дунёсини бойитиш ва халқ миллий амалий санъатини бойитиб давом эттириш учун бор куч ва билимимизни сарфлаймиз.

Меҳнат таълими ва тўғарак машгулотларида ўқувчиларни халқ хунармандчилиги тизимида «бешикчилик», «пичоқчилик», «кулолчилик»ни иш тажриба юзасидан таърифи

Келажагимиз давомчилари бўлган ёшларни касбга йўллаш ва хунар ўргатиш мактаб ислохоти ва давр талабидир. Неча асрлар оша ўз асар-дурдоналари ва хунармандчилиги билан жаҳонни лол қолдирган ўзбек хунармандлари, уста-косиблар ўзбек миллий меросимиз хазинасига айланмоқда. Мустақиллик ва истиқлол туфайли миллий кадриятларимиз янада равноқ топиб яшнади.

Номлари кишилар хотирасидан анча вақтлардан буён унутилиб кетган ўзбек усталари Мусо Одил Ризо ўгли Самарқандий, уста Рахим Бухорий ва Нақшбандий хазратлари давригача ва ундан сўнг ҳам бир канча йирик уста хунармандларимизнинг номлари пинҳон бўлиб келган эди.

Эндиликда уларнинг ишлари янада равноқ топиб такомиллашиб янги сайқал топиб ўз равноқини қайта тиклади. « Қадимдан бизга мерос бўлиб келган хунармандчиликни барча туралри, ватан-юрт ва эл ободлиги йўлида хизмат қилмоги лозим. Келажагимиз бўлган ватанимиз ёшлари мактаб остонасидан то мустақил ҳаётгача бирор касбни ёки хунарни бошини тутмоги керак: -Бунинг учун ота-она ва ўқитувчилар ҳамда кенг жамоатчилик қайғурмоги лозим» - дейилади И.А.Каримов маърузаларида. (1994 йил 2 октябрь.)

1. Мактабда хунармандчиликни қуйидаги турлари бўйича меҳнат таълими ва тўғарак машгулотларини ташкил қилиш.

Мактабда хунармандчилик ишларини ташкил қилишда мактаб директори ва хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари, маҳалла ва худудга яқин корхоналар, оталик ташкилотлар, ташкилот раҳбарлари мактабга яқиндан ёрдам беришиди.

Мактабда ўқувчиларни хунар ўрганишлари учун меҳнат таълими ўқитувчисининг календар иш режаси ва назарий билим бериш учун жиҳозланган хона ҳамда хунармандчиликни шу соҳасига оид ўқув устахоналари асос бўлди. Ўқув таълими хонасида миллий хунармандчиликни қуйидаги турларига оид “Пичоқчилик”,

“Бешикчилик”, “Кулолчилик” ишларидан намуналар стенди, фото кўргазма, иш кетма-кетлигига лозим.

Фойдаланиши лозим бўлган материаллар коллекцияси:

а) Буюк хунармандлар фото стенди..

б) Тўгарак аъзолари ва гуруҳлар рўйхати.

в) Хавфсизлик қондаси ва ишни юритиш қондаси.

г) Электрлик жиҳозларидан фойдаланиш диаграммалари.

Назарий билим олиш хонасида ташкил қилинган бўлиши керак.

д) Тўгарак аъзоларини рўйхати.

е) Тўгарак фаоллари расмлар стенти каби бошқа жиҳозлар билан жиҳозланиши керак.

1. Мактабда турли соҳа ҳунар соҳиблари билан учрашувлар уюштириш.

2. хунармандчиликда тайёрланган ўқувчилар ишлари асосида кўргазмали кўрик танловлар утказиш.

3. Пичоқчиликга оид устахона ташкил қилиш.

а) Бешикчилик билан биргаликда.

4. Кулолчилик устахонасини ташкил қилинди.

Куйдаги хунармандчиликни амалий машғулотларида алоҳида ташкил қилиш ҳам мумкин, ёки 1-та устахонада 3-хил ҳунарни ҳам ўрганиш мумкинлиги исботланади.

Бунинг учун барча керакли дастгоҳ ва асбобларни тартиб билан жойлаштириш ва ўрнатиш керак.

Ушбу кўникмаларин назарий маълумот олиш даврида меҳнат фанини бошқа фанлар билан ҳам узвий алоқаси бор.

Машғулотларда ўқувчиларнинг ота-оналари ҳам бевосита иштирок этилди, чунки ўқувчини ўрганаётган ҳунаридан уни ота-онаси ва давлатимиз ҳам манфатдор бўлиши керак. Шу борада эътибордан четда қолдирмаслик лозимки келажакда ишбилармон-тадбиркорлик каби ҳаётий уддабуронлик мактабда бошланиб, миллий мафжура ҳам тарғиб топиб бориш ҳам назоратдан четда эмас. Мактабда ўқувчилар томонидан тайёрланган буюм ва асбоблар керакли ташкилот ва муассасалар билан тузилган шартномага мувофиқ келишилган нархларга сотилади. Бундан тушадиган даромадга материаллар ва хомашё олинади. Бу эса ҳунар ўрганиш учун ўз-ўзини материал билан таъминлаш ҳисобланади.

Мақтабда хунармандчиликни кенг жорий қилишда ўзаро мақтаблараро алоқани йўлга қўйиш керак.

Мақтабда ўқув йили давомида тумандаги 57-мақтаб, 5-мақтаб, 58-мақтаб, 15-мақтаб, 10-мақтаб ҳамда 27-мақтаб ўқитувчилари билан методик фикр алмашиниб ва маслаҳатлар ўтказилиб борилмоқда.

Денов туманидаги барча мақтаб меҳнат таълими ўқитувчилари 1995/96 ўқув йили августидан хозиргача тажриба синов натижаларига биноан хозирча давом эттирмоқда, шу масала юзасидан алоҳида қарор қабул қилишди.

Мақтабларда миллий хунармандчиликни кенг жорий қилиш ва оммалаштириш учун ҳар ойда бир марта методик семинар ўтказиб бориш керак.

Материал моддий база. Бизга маълумки бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки йилларида мақтаб ўқув устахоналарини керакли асбоб ва анжомлар ҳамда материаллар билан таъминлаш бир мунча қийинчиликларни тугдирди. Лекин бу соҳада мақтабнинг меҳнат таълими ўқувчисини жуда иш билармон ва тадбиркор бўлиши керак. Биринчи навбатда у мақтаб ва мақтаб худудидаги бор имкоиятлардан самарали фойдаланиш керак.

Шу пайтгача иқтисодий таназул даври дедик, лекин ишни йўлга қўйишнинг имкон бор. Биз Деновлик ўқитувчиларга бир шиор доим қўл келади: “Чиқит материалдан чиройли буюм”. Иқтисод ва самарадорликнинг мезони тежамкорлик ва тадбиркорликка боғлиқдир. Мақтабимиз ўқувчилари хунар ўрганиш борасида устахонамиз базасини куйидагича бойитмоқдалар:

1. Чиқинди-чиқит материаллардан буюм тайёрлаш ва коллекция тўплаш.
2. Теварак атрофидаги нодаркор материаллардан келтириш.
3. Жамоа хўжалигимиз техник ёрдам кўрсатиш трактор паркидан нодаркор материалларни келтириш.
4. Ўтинликка ёқиш учун берилган ёғочдан фойдаланиш.
5. Шартнома асосида тайёр маҳсулотдан тушган фойдага материал бартер қилиш йўли билан.

Мақтабимиз ўқув устахонасида керакли бўлган материал база ташкил қилинади. Бунда машгулот учун керакли ёғоч, лест материаллари, пластмасса, бўёқ ва керакли ашиёлар тахт қилиб олинади.

Материал сақлаш ва уларни норма шароитида тахлаш учун ўқув устахонасида алоҳида материал сақланадиган хонаси бўлади. Материал сақланадиган базада электр хавфсизлиги ва ёнғинга қарши чоралар кўрилган бўлиши лозим.

Машгулотни календар иш режасига киритиш. Ўқувчи берилган топшириқни бажариш даврида зўриқиш, жисмоний толиқиш ва гигиенага зид бўлмаслиги керак. Тематик календар иш режасида қар тушунча ва амалий кўникма берилади.

- а) Материал билан танишиш.
- б) Технологик билим ва тушунчалар.
- в) Конструкция ва Реконструкция кўникма.
- г) Техника воситалари асосида жонили кўргазма..

Мақтабни 5-синф ўқувчиларига эса даставвал дастлабки хунармандчилик кўникмалари берилади.

- а) Хунармандчиликка оид машгулот.
 - б) Бажариладиган ишни мазмуни билан танишиш.
 - в) Ишчи ўрни билан танишиш.
 - г) Дастгоҳ ва асбоб ускуналар билан танишиш.
- Ўқув дастурида қуйидаги мавзулар ўрни олган бўлиши мумкин.

1.-1. Пичоқ дастаси учун загатовка тайёрлаш.

2. Технологик карталар чизиш.

3. Пичоқ дастаси тайёрлаш.

4. Пичоқ учун керакли бўлган қалинлиги 1,5мм бўлган лист метал загатовка қирқиш.

5. Загатовка ёки тайёр намунани андозага солиб ўлчаб кўриш ва тайёрлаш.

6. Даста ёки пичоқ платносини ўрнатиш.

7. Пардозлаш ва чахлаш ишлари:

агар тўғарак машгулотларида бу ишни амалга ошириш лозим бўлса ўқувчилар кичик-кичик гуруҳларга ажратилади. Тўғарак аъзоларини умумий сони ва ёшлиги шдаги қобилят-қўтидорлиги эътиборга олинади.

Бунда ўқувчилар 5-та ёки 6-тадан гуруҳларга бўлинади ва ҳар бир чоракда уларни иш ўрни алмаштирилиб борилади.

Тўғаракнинг махсус груҳларга оид жадвали:

T/№	Тўғарак номи	Машғулотлар ўтказиладиган к	Бажариш вақти	Эслатма
1.	Пичоқ дастаси тайёрловчилар	душанба	11 ³⁰	
2.	Пичоқ платноси тайёрловчилари	сешанба	10 ²⁰	
3.	Пичоқни дасталовчилар	чоршанба	11 ³⁰	
4.	Пардозловчи ва андозада текшириб қурувчилар	Пайшанба	12 ⁰⁰	

Меҳнат таълими календар иш режасига киритилган дастлабки мавзулар.

T/ №	Бош мавзу	T/№	Бажариладиган машғулотларни номи. Кичик мавзучалар.	соат	Календа р вақти	Бажариш вақти
1	2	3	4	5	6	7
1	Пичоқ андозалари тайёрлаш, /4-соат/	2	Лист металдан андоза тайёрлаш калинлиги 0,5 ёки 1мм бўлган лист металдан анд буюм номлари.	2		
2	Пичоқ дастаси тайёрлаш. /10-соат/	1	Пичоқ дастасига андоза тайёрлаш.	2		
3		2	Даста учун заготовка тайёрлаш	2		
4		3	Цилндрлик шакилдаги даста	2		
5		4	Шакилдор пичоқ дастаси тайёрлаш.	2		
6		5	Пласмас материаллардан пичоқ дастаси тайёрлаш	2		

жадвали.

Кунлар	Машгулот тури	Ўтказиш вақти	Ўқувчилар сони
душанба	Пичокчилик	11 ³⁰	16
чоршанба	Бешикчилик	11 ³⁰	14
жума	Кулолчилик	11 ³⁰	14

Дастгоҳлар ва асбоб-ускуналар билан таъминланган. Мактабда ташкил қилинган миллий хунармандчилик турлари ҳар хил материаллар билан ишлашни эътиборга олиб 2-турга бўлинади ва икки хил устахонада иш олиб боради. Чилангарлик устахонасида ва дурадгорлик ўқув устахонасида.

1.Пичокчилик. чилангарлик ўқув устахонасида.

2.Бешикчилик. дурадгорлик ўқув устахонасида.

3.Кулолчилик. алоҳида устахонада бажарилади.

Юқоридаги хунарларга дурадгорлик ва чилангарликни барча керакли асбоб ва анжомлар фойдаланилади:

1.Кесувчи асбоблар.

2.Тилувчи асбоблар.

3.Ўйувчи асбоблар.

4.Ўлчов асбоблар.

5. Пардозловчи ва мосламалар.

Бир буюмни тайёрлаш учун керакли воситалар.

1.Технологик карта.

2.Андоза қолиб.

3.Диаграмма.

4.Буюмни тайёр намунаси

Қуйдаги шарт шароитлар кулолчилик хунаридан мустаснодир чунки бундаги иш ва технологик жараён улардан тубдан фарк қилади, лой табиий маҳсулотлар билан бажариладиган бу хунар ўзгача технологик жараёнини талаб қилади. Бунинг учун шарт шароитлар:

1. Турли хилдаги лойга ва намунада шакл берувчи стержен ва скалпеллар комплект гурухи.

2. Лойни пишитувчи ванна.

3. Турпоқни эловчи элаклар.

4. Сув идишлар.

5. Андозалар.

6. Электродвигателли махсус дастгоҳ.

7. Пардозловчи мослама ва бўёқлар.

8. Қуритиш буфелъ печлари ва бошка махаллий миллий дасттоҳ-мосламаларидан фойдаланилади.

Қуйидаги машғулот жараёнида ўқувчилар иш кетма-кетлигига ва хавфсизлик техника воситаларига алоҳида эътибор берадилар.

Кулолчиликдан кўза, ликобча, коса, лали ва гул туваклар тайёрлаш мумкин.

Буларни тайёрлашда ҳар қандай тупроқ ҳам лой бўлавермайди. Тупроқни таркибида ҳар қандай жинс ва минерал ўғитлар бўлмаслиги керак.

Кулол тупроқ деб аталувчи ўта қовушқоқлиги яхши-сакичак лой бўлувчи тупроқ мавжуд.

Бундай тупроқларлар Денов туманидаги А.Каримов жамоа хўжалиги «Дўстлик» кишлоғида бор. Бундан ташқари И.Тўраев жамоа хўжалигининг «Қарахон» кишлоғи ҳудудида кулол тупроғи бор. Неча асрлик тарихга эга бўлган бу кулолчилик кишидан кўплаб қобилият ва маҳоратни талаб қилади, табиатда экологияни бузилганлиги туфайли тупроқни таркиби, технологик хусусияти бузилиб бормоқда.

Ҳозирги тайрланадиган ҳар бир кулол буюмини олдинги кўза ёки лойдан тайёрланадиган кулолчилик намуналарини сифатидан тубдан фарқ қилади. Бўёқларни ва лойларни баъзи вақитларда қўшни Тожикистон республикаси Турсунзода шаҳридаги чинни буюмлар ишлаб чиқариш заводидан олишга тўғри келади.

Бу товар муносабатларини шаклланишига олиб келади. Айни шу заводга экскурсия ташкил қилиш ҳам Тожикистон ва Ўзбекистон ўқувчилари ўртасидаги дўстлик алоқасини мустаҳкамлайди.

Меҳнат хавфсизлигини таъминлаш. Мактаб ўқув устахонасида амалий операция бажариш жараёнида ўқувчини меҳнат хавфсизлигини химоялаш биринчи галдаги ўқитувчи олдинга қўйилган вазифа ва мажбуриятлардан ҳисобланади.

Ўқитувчи машгулот жараёнида ҳам меҳнат хавфсизлиги ва гигиеник қондани бир хил таъминлаши шарт. Иш бажариш пайтидаги лоқайдлик туфайли келиб чиққан нохушлик биринчи ўқувчига эмас балки барча ўқувчиларнинг психологиясига каттик таъсир кўрсатиши мумкин.

Хавфли вазиятларни келиб чиқиши.

1. Иш ўрнини тўғри ташкил қила билмаслик.
2. Иш жараёнида операцияга нисбатан лоқайдлик билан ёндашиш.
3. Дурадгорлик дастгоҳини шай холга келтира олмаслик.
4. Бажариладиган операция моҳиятини билмасдан ишга киритиш.

5. Носоз асбоблар билан ишлаш. Ўқувчилар меҳнат хавфсизлиги учун ўқув устахонасидаги хавфсизлик қоидаларини ёддан билмоғи ва ўқитувчининг кўрсатмаларига риоя қилиши керак ҳар бир ўқувчи бир бирига биринчи тиббий ёрдам кўрсатишни билиши керак.

5.1. Хунарманд иктидорли ўқувчиларни рағбатлантириш.

“Миллий хунармандчиликни яхши ва кенг қулоч ёйдириш, қадимий меросларимизга хурмат ва эътиборни қаратиш ҳар бир ўзбек фуқоросининг муқаддас бурчидир”:- Хурматли президентимиз И.А.Каримов ўз маърузаларида дар ҳақиқат қадар қиммат, ўтмишга эътибор ёдгорликларни асраб авайлаб хунар ўрганишни ва ахли хунармандга хурмат, чуқур эътибор ёш авлодга мактаб остонасидан бошлаб ўргатилади дейдилар.

Буйқ олим тиббиёт оламини сўнмас юлдузи Абу Али Ибн Сино шундай деган эди.

“Олтин олмагину ўргангин хунар
хунарнинг олдида хасдир олтин - зар”.

мактабда хунар ўрганаётган барча гуруҳ ўқувчиларига керакли шарт-шароитлар етарли. Улар ўзи тайёрлаётган буюм сифатидан қувнаб мағрурланадилар. Ўқувчилар ўз ишларидан маънавий озуқа оладилар. Мактабда барча гуруҳ ўқувчилар машгулотини бир хил талабдагидек бажара олмайдилар. Қувонарлиси шундаки, ундан ортиқ иктидорли ўқувчилар фаолият кўсатаяптилар, йигирмадан ортиқ яхши ва намунали хунарманд ўқувчиларимиз бор.

Биз қуйидаги иктидорли ўқувчиларни мактабда ўтказилаётган ўқувчилар тантанали жамоа орасида мактаб дирекцияси ва меҳнат таълими ўқитувчиси китоб

ёки буюм савдоси билан муносиб тақдирлаб борилмоқда. Ўқувчи қобилияти доим ўқувчи эътиборидан четда қолмайди. Мактабда ўқувчилар ижодий ишлари ва тўғарак ишларида тайёрлаган буюмлар кўрик танлови ўтказилганида улар рағбатлантириб борилади. Мактабда тайёрланган яхши ва наъмунали буюмлар билан ўқувчиларимиз, ўқувчиларнинг аъъанавий август кенгашида ўтказилган кўргазмали куруллар кўргазмасига катнашиб раҳматнома билан рағбатлантирилади.

Мактаб ўқув устахонаси ва ўқув таълимий хонасида ҳам фаоллар расмлари қўйилган стендлар тайёрланган. Бундай шароитни ўзи ўқувчиларни кайфиятини кўтариб сифатли буюм тайёрлашни ундайди.

Тўғарак машғулотларда ўқувчиларни гуруҳларга бўлиб хунар ўргатиш. Мактабнинг хунарамандлари ўз фаолиятида мактабни безаш ва ободонлаштириш ишларига ҳам кўмак берувчи тўғарак ҳисобланади. Тўғарак машғулотларини гуруҳларга ажратиб бўлиб ўрганиш жуда яхши натижа беради.

Асосан гуруҳларга ажратиб хунар ўргатишда кўзланган мақсад ўқувчиларни ишбилармонлик қобилиятига яраша иш билан таъминлаш. Агарда барча ўқувчиларни ишбилармонлик қобилиятига яраша иш билан таъминлаш. Агарда барча ўқувчиларни ёлпасига бирдан машғулот бажаришга жалб қилсак у холда кўпчилик ўқувчилар дастгоҳ ёнида навбат кутиб қолишади ва вақтларни бекорга ўтказишади. Шунинг учун тўғарак жадвали ва иш режасида бунга алоҳида эътибор берилади.

Турли хунарамандлар ва касб эгалари фахрийлар қосиблар билан учрашувлар уюштириш мактабда хунарамандчиликни янада ривож толиб гуркираб ривожланишга замин яратади. Донолар табири билан “Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомда юргалар” бу сўзни замирида хунараманд қосибга албатта устоз кўмаги керак деб шама қилгандек туюлади. Мактабимиз худудига яқин уста ва қосибларни бир неча мартта мактабга таклиф қилиб улар билан мазмунли суҳбат учрашувлар ўтказдик. Суҳбат давомида ўқувчиларимиз учрашув қатнашчиларини кўплаб саволга тутдилар. Аксарият саволлар қулочилик ва пичоқчиликка оид бўлди. Бизни хомийларимиз Уста Жалил ва қуллол Жумодулло Мирзаевлардир. Уста қуллол Жумодулло Мирзаевни ишларини Республика ва давлат арбоби марҳум Шароф Рашидов ҳам таърифлаб рағбатлантирган эди. Ана шундай буюк кишилар эътиборига тушган шахслар билан ҳамнафас иш ўрганаётганлигимиз ўқувчиларга қўл келмоқда. Ҳар бир ишни ўз

муаммолари бўлган каби бизларда ҳам муаммолар мавжуд. Лекин биз бор имкониятлардан фойдаланишни ва вақт имкон яратишни ишдаги ютуқ деб биламиз.

Хунармандчиликни қадимий намуналаридан кўргазма жиҳозлар ташкил қилиш. Мактабни кўрки келажак авлод учун маънавий мерос бўлган хунармандчиликни киши хавас қиладиган турлари бўйича музейда экспонат, деворга стенд, амалий ўқув устахонасида тайёр буюмлар коллекциясидан намуналар, альбомлар тайёрланган. Бу борада мактабда иш бошлаган тўғарак ўқитувчиси Тилабоев Хурсанд ва меҳнат таълими ўқитувчисининг салмоқли хиссаси бор. Бешикчилик, кулолчилик, ва пичоқчилик ўзига хос тарихий ўтмишга эга. У бизга неча асрлар оша тарихий мерос бўлиб ўрганилиб, кадрланиб-сайқал топиб келмоқда. Мактабда бу борада ўқитувчиларимиз яъни тўғарак аъзоларини ишни ташкил бўлишда салмоқли хиссалари борлигини алоҳида таъкидлаш жоиз деб биламан. Улар маҳалламиз худудидан топилган XIV-XI аср буюмларини тўплаб намунали кўргазма экспонат ташкил қилмоқдалар. Амалий машғулотда эса улардан нусха кўчириш ва янгича шарқона замонавий сайқал бериш ўқувчиларнинг ижодий изланиши ва ижодкорлигининг махсулидир.

Туман ва кишлоқлардаги хунармандчилик устахоналарига экскурсиялар ташкил қилиш. Халқ донишмандлари бежиз атамаганлар. “Юз бор эшитгандан бир бор кўрган маъкул” деб, бу сўз замирида олам-олам мазмун ётади. Ўқувчиларни амалиётдаги тафаккурини мустаҳкамлашга экскурсияни аҳамияти ниҳоят каттадир. Ўқувчиларни “Дўстлик”худуди ва туман марказидаги чилангар, чуств ва кулол дўкон устахоналарига экскурсияга олиб бориш муҳимдир. Биз экскурсия давомида бениҳоят катта тажрибаларни ишга солиш имкониятларини шу экскурсия туфайли ўргандик. Хатто баъзи дастгоҳларни шундай моҳирлик билан шароитга мослаштириб ясаганки уни кўрган одамлар албатта ишчи хунарманд кишидан конструкторлик қобилияти бўлиш лозим эканлигига, яна бир бор имон келтирасан киши. Ўқувчиларни экскурсия таъсуротилари юзасидан иншо ёки реферат ёзиш ҳам ўқувчиларни канчалик касбу хунарга қизиқишини аниқлаб беради, экскурсия давомида ўқувчилар хавфсизлиги тўлиқ таъминланади. Ўқувчилар экскурсия давомида фақат томоша қилиб иш ўрганиб қолмай улар кўрганларини ён дафтарларига ёзиб бориши лозим.

Миллий хунармандчиликни келажак авлод учун нақадар фойдали эканлигини ва хунар ўрганмаган кишини хор бўлиши каби дунёвий тушунчаларни ўқувчилар онгига

сигдириб бориш, ихтиёрий хунар ва касб танлаш имконини беради. Меҳнат таълими ўқитувчиси ўз ўрнида ижодкор ва тадбиркор бўлиши керак. Мактаб ўқувчилари хунар ўрганиш даврида тайёрлаган буюмларидан гушадиган пул даромадини бир қисми мактабга фойдаланилади. Мактаб ўқув устахонасидаги шароит йилдан-йилга яхшиланиб боради. Мактаб ислохотида ҳам ўқувчиларни IV Республика съездида ҳам касб танлаш ва хунар ўрганиш хақида алоҳида гапириб ўтилган. Бунда жумладан шундай дейилган: “Келажакимиз бўлган ёшларни ҳар томонлама ҳаётга тайёрлаш, уларни хунарли ва ватанимиз равнақи йўлида фойда келтирадиган шахслар қилиб етиштириш”. Миллий хунарандчиликни камёб соҳаларини излаш ва уни такомиллаштириш чораларини топиш фанни равнақини оширади. Иқтидорли ўқувчиларни сафини кўпайиб бориши хунар ўрганишга бўлган завқ-шавқдан далолат беради.

Ўқувчиларни экскурсия ва саёхатлардан оладиган таъсуротлари амалий иш фаолиятини янада активлаштиради. Ўқувчилар ижодкорлигини ва иқтидорлигини матбуотда ва ўқувчилар кўмитаси йиғилишларида баҳолаб бориш: -Ўқувчи ота-онасини фахрланиши ва мактаб билан бўлган узвий алоқасини янада мустаҳкамланишига имкон яратиб беради. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг мактаб шароитидаги меҳнат таълими фанига таъсири унчалик сезиларли эмасдек туюлади. Бунга оддий мисол; мактабда ушбу “Кулолчилик” машгулотларини ташкил қилишдан олдинги вазиятни эътиборга олсак мушгулотлар кўп эди: -сабаб: Ёғоч материалларини етарли эмаслиги ва бўлганда ҳам талаб даражасида бўлмаслиги дурадгорлик ишларига анча тўсқинлик қилиб дарс самарадорлигини кескин пасайишига сабаб бўлар эди.

Халқ табири билан айтганда “Излаган имкон топади, ишққмас баҳона топади” бу сўз замирида ётадиган мазмун меҳнат таълими ўқувчисидан ижодий изланишни талаб қилади. Меҳнат инсон фаолиятида жуда серқиррадир факт унинг очилмаган қирраларини очиб топиб фойдалана билиш ва уни амалиётда тадбиқ қила олиш лозим. Олимлар яратган ихтироси ва илмий-назарий ишларини бутун жаҳон афкор оммаси севиб ўрганади ва фойдаланилади, ёки инсонлар қазган дарёдан кўплаб кишилар сув ичиб баҳраманд бўлишади. Мактабда яратилган бу кулолчилик дасттохи тамоми Республика миқёсидаги мактабларда кенг фойдаланилса фойдадан ҳоли бўлмайди. Келажакда мактаблардаги таълим тарбия ишларида миллийликни сезиб туриши аини

пайтдаги давр талаби ҳисобланади. Таълимдаги оддийдан мураккабга қараб йўналишнинг асосий босқичи ҳам хунар ўрганишда ўз аксини топиб боради. Педагогика ва психология нуқтан назаридан қарайдиган бўлсак ўқувчиларни хунар ўрганишда ёшлик ва индивидуал хусусиятлари эътибордан четда қолмаслиги керак. Кулолчиликни ўқувчилар фаолиятида тутган ўрни материал моддий базани арзонаг тушишидир. Лой учун туманимиз худудининг кулол тупроғига бойлиги ўқувчиларимизни хунар ўрганишига янада яхши имкон яратиб беради. Меҳнат фанини тасвирий саъат фани чизмачилик фани билан узвий боғланишни таъминлайди. Ўқувчилар қадимий ўзбек истиқлолини ўз амалий ишларида акс эттирадилар. Бозор иқтисодиёти кечаяётган бир даврда мактабга кўплаб сум пул даромад келтирмоқдалар.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустақкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисидаги маъруза. Халқ сўзи. 2006 йил 25 феврал.
2. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т.: «Ўзбекистон», 2000.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси Т., «Шарқ» 1999.
4. Каримов И.А. «Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиёти пойдевори» Т. Ўзбекистон. 1997.
5. Авазбоева О.И., Исянов Р.Г., Одилбоев Х. Меҳнат таълими услубиётидан амалий ва лаборатория машғулотлари. Тошкент, ТДПУ. 1995.
6. Давлатов К. Меҳнат ва касб таълими, тарбияси ҳамда касб танлаш назарияси ва методикаси. – Т.: «Ўқитувчи», 1992.
7. Давлатов К. Меҳнат ва касб таълими, тарбияси ҳамда касб танлаш назарияси ва методикасидан амалий машғулотлар: Педагогика институти талабалари учун қўлланма. – Т.: «Ўқитувчи», 1995.
8. Болтабоев С.А., Исмоилова М.М. Касб таълими методикаси фанидан курс ишлари. (методик қўлланма). Т.: ТДПУ, 2002.
9. Болтабоев С.А., Мағдиев О.Ш. Меҳнат ва касб таълими методикасидан амалий машғулотлар (Методик қўлланма). Т.: ТДПУ, 2002.
10. Болтабоев С.А., Мағдиев О.Ш., Сағторов В.Н., Авазбоев О.И. Меҳнат ва касб таълими методикасидан ўқув машғулотлари. Услубий қўлланма. 2002.
11. Муслимов Н.А., Болтабоев С.А., Шарипов Ш. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Меҳнат таълими йўналиши магистрантлари учун қўлланма. Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ 2003.
12. Шарипов Ш.С. ва б. Педагогик амалиёт (методик қўлланма). Т.: ТДПУ, 2006.
13. Шарипов Ш.С. ва б. Касбий педагогика (методик қўлланма). Т.: ТДПУ, 2006.
14. Шарипов Ш.С., Абралова М. Мактаблар ўқув ва ўқув ишлаб чиқариш устахоналари учун хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидалари. Методик йўриқнома. Тошкент, Республика таълим маркази. 2002.
15. Шарипов Ш.С., Жалилов Т. Меҳнат таълими устахоналари учун давлат таълим стандартларига мувофиқ кўрғазмали қуроқлар рўйхати. Методик қўлланма. Тошкент, Республика таълим маркази. 2002.
16. Сағторов В.Н.Ахмадалиев С.Й. Меҳнат таълими.(методик қўлланма).Т.: Жаҳон принт,2009
17. Толипов Ў.Қ., Шарипов Ш.С., Холматов П.Қ. Умумий ўрта таълим мактаблари ва мактабдан ташқари муассасалар тўғарак раҳбарлари учун намунавий дастур. Тошкент, Низомий номидаги ТДПУ, 2003.

МУНДАРИЖА

Меҳнат таълими методика фанига кириш

I БОБ. МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ МЕТОДИКАСИ ФАНИ ВА УНИНГ ВАЗИФАСИ. ПОЛИТЕХНИК ТАЪЛИМИ МОҲИЯТИ, МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

- 1.1. "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва кадрлар тайёрлаш миллий дастурида меҳнат ва касб-хунар таълимига оид гоյларининг акс эттирилиши ва концепцияси
- 1.2. Меҳнат таълимининг концептуал асослари
- 1.3. Буюк мутафакирларнинг меҳнат-касб таълими ва тарбиясига оид фикрлари.

II БОБ. МАКТАБ ЎҚУВ РЕЖАСИДА МЕҲНАТ ТАЪЛИМИНИНГ ҚЎЙИЛИШИ, УНИНГ ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТИ

- 2.1. Меҳнат таълимининг давлат таълим стандарти
- 2.2. Меҳнат таълимининг мақсад ва вазифалари
- 2.3. Меҳнат таълими методикаси ихтисослаштирилган фан

III БОБ. МЕҲНАТ ТАЪЛИМИНИНГ МАЗМУНИ, ШАКЛ ВА УСУЛЛАРИ

- 3.1. Ўрта таълим мактабларида меҳнат таълими мазмунининг олий таълим муассасаларида меҳнат таълими мазмунига ўзаро боғлиқлиги
- 3.2. Олий таълим муассасаларида тайёрланаётган меҳнат таълими ўқитувчиларини мактаб меҳнат таълимига ўргатиш жараёнининг педагогик асослари
- 3.3. Меҳнат таълимининг шакл ва усуллари мазмунини тайёрланаётган ўқитувчиларда шакллантириш йўллари
- 3.4. Ўқитувчининг ўқувчиларга ўқишга бўлган эҳтиёжини шакллантириш омиллари
- 3.5. Ўқувчиларнинг меҳнатга бўлган эҳтиёжларини шакллантириш йўналишлари ҳамда методикаси

4-БОБ. МЕҲНАТ ТАЪЛИМИНИНГ ДИДАКТИК ТАМОЙИЛЛАРИ

- 4.1. Меҳнат таълимининг педагогик технологиясида дидактик тамойилнинг асослари

V БОБ. 5-7 СИНФЛАРДА МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ

- 5.1. Дастур мазмуни ва унинг йўналишлари
- 5.2. 5-7 синфларда умумий меҳнат тайёргарлиги
- 5.3. 8-9 синф ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш асослари
- 5.4. Мактаб битирувчиларини академик лицей ва касб-хунар коллежларида танлаган касбга ўқитишни давом эттириш омиллари

VI БОБ. МЕҲНАТ ТАЪЛИМИНИНГ ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

- 6.1. Дарс. Амалий машғулотлар

VII БОБ. МЕҲНАТ ТАЪЛИМИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ

- 7.1. Меҳнат таълими методларининг тавсифлари
- 7.2. Меҳнат таълимининг оғзаки методлари

- 7.3. Меҳнат таълимининг кўрсатмалӣ методлари
- 7.4. Меҳнат таълимининг амалий методлари
- 7.5. Техникага оид справка адабиётлари ва ҳужжатлар билан ишлаш
- 7.6. Муаммоли таълим методлари. Меҳнат дарсларида муаммоли таълимнинг моҳияти
- 7.7. Билимлар, меҳнат кўникмалари ва малакаларини текшириш методлари

VIII БОБ. МЕҲНАТ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

- 5.1. Ўқув жараёнини режалаштиришнинг аҳамияти

IX БОБ. МЕҲНАТ ТАЪЛИМИДАГИ РЕЖАЛАШ АСОСЛАРИ

- 9.1. Режалаштиришнинг мақсад ва вазифалари
- 9.2. Меҳнат таълими ўқитувчисининг ўқув йилига ва машғулотларга тайёргарлиги
- 9.3. Меҳнат таълими бўйича тақвимий-мавзувий режа
- 9.4. Меҳнат таълими дарси режаси

X БОБ. МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ ЖАРАЁНИНИ РЕЖАЛАШТИРУВЧИ ҲУЖАТЛАР ВА УЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

- 10.1. Режалаштирувчи расмий ҳужжатларни тавсифи
- 10.2. Ўқув устахоналарда қиладиган буюмлар рўйхати
- 10.3. Табнӣ-илмий циклдаги фанларнинг йиғма мавзу режаси

XI БОБ. МЕҲНАТ ЖАРАЁНИНИНГ ТАҲЛИЛ ВА МЕҲНАТ ТАЪЛИМИДА ДИДАКТИК ТУШУНЧАЛАР

- 11.1. Билим, малака, кўникма, ихтисослик
- 11.2. Меҳнат жараёни ва технологик жараёнлари

XII БОБ. МЕҲНАТ ТАЪЛИМИНИНГ ДИДАКТИК ТИЗИМЛАРИ

- 12.1. Меҳнат таълими дидактикасининг асосий тушунчалари.
- 12.2. Меҳнат дидактикасининг тизимлари.

XIII БОБ. МЕҲНАТ ТАЪЛИМ ДАРСЛАРИДА АМАЛИЙ ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

- 13.1. Ёғоч ва унга ишлов бериш технологиясига йўналтирилган амалий лаборатория ишлари
- 13.2. Металл ва унга ишлов бериш технологиясига йўналтирилган амалий лаборатория ишлари
- 13.3. Газламага ишлов бериш технологиясига йўналтирилган амалий лаборатория ишлари
- 13.4. Пазандалик асослари йўналиши бўйича амалий лаборатория ишлари
- 13.5. Қишлоқ хўжалик асослари йўналиши бўйича амалий лаборатория ишлари

XIV БОБ. МЕҲНАТ ТАЪЛИМИДА АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ. АМАЛИЙ ДАРСГА ТАЙЁРГАРЛИК

- 14.1. Дидактик мақсаднинг аниқлиги.
- 14.2. Таълим ва тарбия вазифаларининг бирлиги.
- 14.3. Ўқув материаллини тўғри танлаш.
- 14.4. Меҳнат дарслари таркиби.
- 14.5. Меҳнат дарсларининг типлари.
- 14.6. Меҳнат таълими дарсларига тайёргарлик.
- 14.7. Дарс функциялари.

XV БОБ. ТЕХНИК МОДЕЛЛАШ ВА КОНСТРУКЦИЯЛАШ ДАРСЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ УСЛУБИ

- 15.1. Техник моделлаш юзасидан умумий тушунчалар
- 15.2. Конструкторлик ҳужжатларининг турлари
- 15.3. Деталнинг конструктив ва технологик элементлари ҳақида тушунча
- 15.4. Машиналарни конструкциялаш тўғрисида умумий тушунчалар
- 15.5. Техник конструкциялаш ва моделлаштиришни ўргатиш методикасининг айрим масалалари
- 15.6. Техник конструкциялаш ва моделлаштиришнинг мазмуни, босқичлари ҳамда методикаси
- 15.7. Конструкциялаш ва моделлаштиришда тузиладиган техник ҳужжатлар
- 15.8. Устахоналардаги моделлаш ва конструкциялаш машғулотлардан техник масалалар

XVI БОБ. МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ НЕГИЗИДА ХАЛҚ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ ВА УНИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

- 16.1. Халқ ҳунармандчилигида ишлатиладиган материалларни ўқитиш методикаси
- 16.2. Халқ ҳунармандчилиги турлари ва уларда қўлланидиган асбоб-ускуналар, технологиялар

ВВЕДЕНИЮ В МЕТОДИКУ ТРУДОВОГО ОБУЧЕНИЯ

ГЛАВА I. ПРЕДМЕТ МЕТОДИКИ ТРУДОВОГО ОБУЧЕНИЯ И ЕГО ЗАДАЧИ

- 1.1. Идеи о трудовом обучении и профессиональном образовании отраженные в Закон "Об образовании "и национальной программе подготовки кадров
- 1.2. Концептуальные основы трудового обучения
- 1.3. Идеи мыслителей Востока о трудовом обучении и профессиональном образовании

ГЛАВА II. ИСТОРИЧЕСКОЕ РАЗВИТИЕ И МЕСТО ПРЕДМЕТА ТРУДОВОГО ОБУЧЕНИЯ В УЧЕБНОМ ПЛАНЕ ОБЩЕГО СРЕДНЕГО ОБРАЗОВАНИЯ

- 2.1. Государственный образовательный стандарт трудового обучения
- 2.2. Цели и задачи трудового обучения

2.3. Методика трудового обучения как специализированный предмет

ГЛАВА III. СОДЕРЖАНИЕ, ФОРМЫ И ПРИЕМЫ ТРУДОВОГО ОБУЧЕНИЯ

- 3.1. Взаимосвязь трудового в общем среднем образовании с процессом подготовки учителей трудового обучения
- 3.2. Педагогические основы адаптации будущих учителей трудового обучения к учебно-воспитательному процессу общего среднего образования
- 3.3. Пути формирования знаний о формах и приемах трудового обучения у будущих учителей
- 3.4. Факторы формирования потребности в обучении у учащихся
- 3.5. Направления и методика формирования потребности к труду у учащихся

ГЛАВА IV. ДИДАКТИЧЕСКИЕ ПРИНЦИПЫ ТРУДОВОГО ОБУЧЕНИЯ

- 4.1. Основы дидактических принципов в педагогической технологии трудового обучения

ГЛАВА V. ТРУДОВОЕ ОБУЧЕНИЕ В 5-7 КЛАССАХ

- 5.1. Содержание и направления программы трудового обучения
- 5.2. Общетрудовая подготовка в 5-7 классах
- 5.3. Основы профориентации учащихся в 8-9 классах
- 5.4. Факторы продолжения учебы в академических лицеях и профессиональных колледжах выпускников школ

ГЛАВА VI. ФОРМЫ ОБУЧЕНИЯ ТРУДОВОМУ ОБУЧЕНИЮ

- 6.1. Урок. Практические занятия.

ГЛАВА VII. МЕТОДЫ ОБУЧЕНИЯ ТРУДОВОМУ ВОСПИТАНИЮ

- 7.1. Характеристика методов трудового обучения
- 7.2. Устные методы трудового обучения
- 7.3. Иллюстративные методы трудового обучения
- 7.4. Методы практических занятий трудового обучения
- 7.5. Работа с справочной литературой и документацией
- 7.6. Методы проблемного обучения. Сущность проблемного обучения в трудовом обучении
- 7.7. Методы оценки знаний и трудовых умений

ГЛАВА VIII. РАЗВИТИЕ ТРУДОВОГО ОБУЧЕНИЯ

- 5.1. Значение планирования трудового обучения

ГЛАВА IX. ОСНОВЫ ПЛАНИРОВАНИЯ В ТРУДОВОМ ОБУЧЕНИИ

- 9.1. Цели и задачи планирования
- 9.2. Подготовка учебного года и занятиям учителя трудового обучения
- 9.3. Календарно тематический план по трудовому обучению
- 9.4. План урока трудового обучения

ГЛАВА X. ДОКУМЕНТАЦИЯ ПО ПЛАНИРОВАНИЮ УЧЕБНОГО ПРОЦЕССА

- 10.1. Описание документации по планированию
- 10.2. Перечень документации учебных мастерских
- 10.3. Комплексный тематический план предметов естественно-научного цикла

ГЛАВА XI. АНАЛИЗ ПРОЦЕССА ТРУДОВОГО ОБУЧЕНИЯ И ДИДАКТИЧЕСКИЕ ПРИНЦИПЫ В ТРУДОВОМ ОБУЧЕНИИ

- 11.1. Знание, умений, навыков, специальность
- 11.2. Процесс труда и технологический процесс

ГЛАВА XII. ДИДАКТИЧЕСКИЕ СИСТЕМЫ ТРУДОВОГО ОБУЧЕНИЯ

- 12.1. Основные понятия дидактики трудового обучения.
- 12.2. Системы дидактики трудового обучения

ГЛАВА XIII. ОРГАНИЗАЦИЯ ЛАБОРАТОРНЫХ ЗАНЯТИЙ В ТРУДОВОМ ОБУЧЕНИИ

- 13.1. Лабораторно-практические занятия по обработке дерева
- 13.2. Лабораторно-практические занятия по обработке металла
- 13.3. Лабораторно-практические занятия по швейному делу
- 13.4. Лабораторно-практические занятия по кулинарии
- 13.5. Лабораторно-практические занятия по основам сельского хозяйства

ГЛАВА XIV. ОРГАНИЗАЦИЯ ПРАКТИЧЕСКИХ ЗАНЯТИЙ В ТРУДОВОМ ОБУЧЕНИИ. ПОДГОТОВКА К ПРАКТИЧЕСКИМ ЗАНЯТИЯМ

- 14.1. Точность дидактической цели.
- 14.2. Единство образовательных и воспитательных целей.
- 14.3. отбор учебного материала
- 14.4. Структура уроков труда.
- 14.5. Типы уроков трудового обучения.
- 14.6. Подготовка к занятиям по трудовому обучению
- 14.7. Функции урока.

ГЛАВА XV. МЕТОДИКА ОРГАНИЗАЦИИ ЗАНЯТИЙ ПО МОДЕЛИРОВАНИЮ И КОНСТРУКТИРОВАНИЮ

- 15.1. Основные понятия по техническому моделированию
- 15.2. Виды конструкторских документаций
- 15.3. Понятия о конструктивных и технологических элементах деталей
- 15.4. Основные понятия в конструкциях машин
- 15.5. Методика обучения основам конструирования и моделирования
- 15.6. Содержание, этапы и методика технического моделирования и конструирования
- 15.7. Техническая документация по конструированию и моделированию

15.8. Технические задачи по конструированию и моделированию в учебных мастерских

ГЛАВА XVI. ТЕХНОЛОГИЯ ОБУЧЕНИЯ ОСНОВАМ НАРОДНЫХ ПРОМЫСЛОВ

16.1. Материалы применяемые в трудовом обучении

16.2. Виды народных промыслов и инструменты применяемые в ручной обработке материалов

МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ
ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

Муахаррир
Рассом
Компютерда саҳифаловчи

2009 йил 29 май теришга рухсат берилди. 2009 йил 15 июнда босишга рухсат этилди.
коғоз ўлчами 84x108 1/32. Босма табағи 15.
Адади 100 нусха. Буюртма 198.

“JAHON PRINT” МЧЖти қошидаги босмахонада чоп этилди.
Тошкент шаҳри,
чилонзор 30-20 кўчаси.